

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ

Чўлиев Азиз Бозорович  
Хорижий мамлакатларнинг конституциявий ҳуқуқи  
МАЪРУЗА МАТНЛАРИ

Тошкент – 2005

## **“Хорижий мамлакатларнинг конституциявий ҳуқуқи” фанидан тайёрланган дарсликнинг асосий мазмуни**

Мамлакатимизда олиб борилаётган барча ижтимоий ислохатларнинг негизида асосий бош ғоя қилиб юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги мақсад қилиб олинган экан, шубҳасиз халқаро майдондаги тажрибаларни ўрганиш ва тегишли хулосалар чиқариш орқали бу мақсадларга осонроқ ва жадаллик билан эришиш мумкин.

Халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидаларининг устиворлигини тан олган ҳамда унга оғишмай амал қилаётган демократик давлатларнинг конституциявий ҳуқуқини ўрганиш орқали биринчидан миллий ҳуқуқни янада ривожлантириш имконига эга бўлсак, иккинчидан ушбу давлатларнинг мавжуд ижтимоий (конституциявий) тузуми ҳақидаги тасаввурларимиз халқаро ва миллатлараро дўстлик ришталарининг мустахкамланишига асос солади.

Давлат ва жамият ҳаётини эркинлаштириш, инсон ва фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатлари механизмини яратиш борасида жаҳондаги етакчи давлатлардан андоза олишимиз билан бирга минг йиллардан бери шаклланган миллий урф-одат ва анъаналар, аجدодларимизнинг бой меросини ўзлаштирган ҳолда жамиятимизни янада демократлаштириш имконига эга бўламиз. Шунинг учун ҳам ушбу “Хорижий мамлакатлар конституциявий ҳуқуқи” дарслиги республикамиз конституциявий ҳуқуқини ўзлаштиришга имкон берибгина қолмай, шу ҳуқуқ соҳасини янада ривожланишига ўз ҳиссасини қўша олади. Дарслик бобга тегишли параграфдан иборат тарзда, ҳаммуаллифлик асосида яратилган бўлиб, таниқли ҳуқуқшунос олимлар билан бир қаторда конституциявий ҳуқуқ соҳасида илмий изланишлар олиб бораётган ёшлар ижоди ҳам ушбу дарсликдан ўрин олган.

Дарсликнинг мазмунидан жамият ва давлат ҳаётининг асосий томонларини қамраб олувчи конституциявий ҳуқуқ институтларига батафсил тўхталиб ўтилганига гувоҳ бўламиз.

Бунда нафақат энг ривожланган, балки ривожланаётган мамлакатларни ҳам ўрганишга сазовар жиҳатлари турли мисолларда кўрсатиб ўтилади. Дарсликнинг асосий мазмуни бевосита конституциявий ҳуқуқ фанининг предмети билан боғлиқ асосий тамойиллар, институтлар ҳамда конституциявий ҳуқуқий

муносабатлар ва уларни тартибга солувчи нормаларнинг ҳуқуқий анализига кенг эътибор қаратилган.

Бунда конституциявий ҳуқуқ манбаларига оид мавзу хорижий мамлакатларнинг бой имкониятидан дарак берувчи қатор мисоллар билан ёритилган, айниқса конституцияга тегишли параграфларда бу ҳолат янада ёрқинлик кўринади.

Хорижий мамлакатларнинг ижтимоий тузумини таҳлил қилиш орқали, мамлакатимиз конституциявий тузumi ҳақида аниқ тасаввурга эга бўламиз десак асло муболаға бўлмайди. Ушбу мавзуда конституциявий тузумнинг таркибий тузилмалари алоҳида ўрганиб чиқилган. Ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий-маданий муносабатлар таҳлили эътиборга молик сунки, ушбу мавзу кенг мисоллар билан турли мамлакатлар ижтимоий тузумини тавсифлаб беради.

Аксарият, Хорижий мамлакатларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётини сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмаларисиз тасаввур этиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам сиёсий партиялар, уларнинг жамият ҳаётидаги ўрни, партиявий тизимлар, сиёсий партияларнинг турлари, моҳияти алоҳида ёритилган.

Шубҳасиз, конституциявий ҳуқуқнинг мазмуни инсон ва фуқароларининг асосий ҳуқуқ ва эркинликларига қаратилгани бежиз эмас, негаки шахсларнинг фактик ҳолати жамият ва давлат ҳаётини аниқ тасаввур қила оламиз.

Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқий ҳолатига тегишли мавзу халқаро ва миллий ҳуқуқ нормаларининг таҳлили билан берилган.

# 1-мавзу.Хорижий мамлакатларнинг конституциявий (давлат) ҳукуки: ҳуқук тармоғи, фан ва ўқув фани сифатида.

“Хорижий мамлакатлар конституциявий (давлат) ҳукуки” фанининг тушунчаси ва предмети. « $\hat{E}\acute{i}\acute{n}\grave{o}\grave{e}\grave{o}\acute{o}\grave{e}\grave{y}\grave{a}\acute{e}\acute{e}$   $\frac{3}{4}\acute{o}\acute{o}\acute{o}$ »  $\acute{o}\grave{a}\grave{d}\grave{i}\grave{e}\grave{n}\acute{i}\acute{e}\acute{i}\grave{a}$   $\acute{a}\acute{o}\acute{\epsilon}\acute{o}\acute{a}\acute{a}$   $\acute{e}\acute{a}\acute{e}\acute{e}\acute{o}\acute{e}$ : « $\hat{E}\acute{i}\acute{n}\grave{o}\grave{e}\grave{o}\acute{o}\grave{e}\grave{y}\grave{a}\acute{e}\acute{e}$   $\frac{3}{4}\acute{o}\acute{o}\acute{o}$ »  $\acute{a}\acute{a}$  « $\grave{A}\acute{a}\acute{e}\acute{a}\acute{o}$   $\frac{3}{4}\acute{o}\acute{o}\acute{o}\acute{e}$ »  $\acute{o}\acute{o}\acute{o}\acute{o}\acute{i}\acute{a}\acute{e}\acute{a}\acute{d}\acute{e}$ .  $\hat{E}\acute{i}\acute{n}\grave{o}\grave{e}\grave{o}\acute{o}\grave{e}\grave{y}\grave{a}\acute{e}\acute{e}$   $\frac{3}{4}\acute{o}\acute{o}\acute{o}\acute{i}\acute{e}\acute{i}\grave{a}$  3  $\acute{i}\acute{a}\acute{u}\acute{i}\acute{a}\acute{a}$   $\acute{o}\acute{\zeta}\acute{e}\acute{e}\acute{a}\acute{i}\acute{e}\acute{l}\acute{i}\acute{o}\acute{e}$ :  $\frac{3}{4}\acute{o}\acute{o}\acute{o}$   $\acute{o}\acute{a}\grave{d}\acute{i}\acute{f}\acute{g}\acute{e}$ ,  $\acute{e}\acute{e}\acute{i}$   $\acute{a}\acute{a}$   $\acute{\zeta}\acute{o}\acute{a}$   $\acute{e}\acute{o}\acute{d}\acute{n}\acute{e}$   $\acute{n}\acute{e}\acute{o}\acute{a}\acute{d}\acute{e}\acute{e}\acute{a}$ . Хорижий мамлакатларда конституциявий ҳуқук тизими.  $\acute{O}\acute{i}\acute{o}\acute{i}\acute{e}\acute{e}$   $\acute{o}\acute{a}\acute{i}\acute{f}\acute{e}\acute{e}\acute{e}\acute{e}\acute{a}\acute{d}$ ,  $\acute{e}\acute{i}\acute{n}\grave{o}\grave{e}\grave{o}\acute{o}\acute{e}\acute{a}\acute{d}$ ,  $\acute{i}\acute{f}\acute{d}\acute{i}\acute{a}\acute{e}\acute{a}\acute{d}$ .  $\hat{E}$ онституциявий-ҳуқуқий муносабатлар.  $\hat{E}\acute{i}\acute{n}\grave{o}\grave{e}\grave{o}\acute{o}\acute{e}\acute{i}\acute{i}$ - $\frac{3}{4}\acute{o}\acute{o}\acute{o}\acute{e}\acute{e}$   $\acute{i}\acute{o}\acute{i}\acute{n}\acute{a}\acute{a}\acute{a}\acute{o}\acute{e}\acute{a}\acute{d}$   $\acute{o}\acute{o}\acute{o}\acute{o}\acute{i}\acute{a}\acute{e}\acute{a}\acute{n}\acute{e}$ .  $\acute{N}\acute{o}\acute{a}\acute{u}\acute{a}\acute{e}\acute{d}\acute{e}\acute{a}\acute{d}$ .  $\acute{Y}\acute{o}\acute{d}\acute{e}\acute{a}\acute{e}\acute{e}$   $\acute{o}\acute{a}\acute{e}\acute{o}\acute{e}\acute{a}\acute{d}$ . Хорижий мамлакатлар конституциявий ҳуқуқи фан ва ўқув курси сифатида.  $\acute{X}\acute{i}\acute{d}\acute{e}\acute{x}\acute{e}\acute{e}$   $\acute{i}\acute{a}\acute{i}\acute{e}\acute{a}\acute{e}\acute{a}\acute{d}\acute{e}\acute{a}\acute{d}$   $\acute{e}\acute{i}\acute{n}\grave{o}\grave{e}\grave{o}\acute{o}\acute{e}\grave{y}\grave{a}\acute{e}\acute{e}$   $\frac{3}{4}\acute{o}\acute{o}\acute{o}$   $\acute{o}\acute{a}\acute{i}\acute{e}\acute{n}\acute{i}$   $\acute{\zeta}\acute{d}\acute{a}\acute{a}\acute{i}\acute{e}\acute{o}$   $\acute{o}\acute{n}\acute{e}\acute{o}\acute{a}\acute{e}\acute{a}\acute{d}\acute{e}$ .

1. Давлат (конституциявий) ҳуқуқи хорижий мамлакатлар давлат ҳуқуқи конституциявий ҳуқуқининг бир соҳаси сифатида

Маълумки, давлат ҳуқуқи (конституциявий ҳуқуқ) ҳуқуқшуностикда учта аспект (жиҳат) бўйича кўриб чиқилади: у маълум давлатлар ҳуқуқининг соҳаси, алоҳида фан ҳамда юридик таълим тизимидаги ўқув курси сифатида кўриб чиқилиши мумкин. Аслида, хорижий мамлакатлар конституциявий ҳуқуқи XVIII-XIX асрларда мустақил ҳуқуқ ҳамда миллий ҳуқуқнинг автоном, (алоҳида) соҳаси сифатида юзага келган. Бу ҳол конституциявий ҳуқуқнинг ўзига ҳослиги (спецификаси) ҳамда ижтимоий йўналтирилганлиги билан боғлиқдир, яъни конституциявий ҳуқуқ инсон манфаатларини давлат, унинг органлари ва мансабдор шахслар томонидан бўладиган турли ғайриҳуқуқий тажовузлардан муҳофаза этишга мўлжалланади.

"Конституциявий ҳуқуқ" ва "давлат ҳуқуқи" терминлари (атамалари) кўпгина ҳолларда синоним ҳисобланади. Матнларда улардан қайси бирини қўллаш мамлакатда сўзларни ишлатишнинг миллий анъаналарига боғлиқ бўлади. Масалан, англо-саксон ва роман ҳуқуқ тизимларида анъанавий тарзда "конституциявий ҳуқуқ" атамаси қўлланилса, герман ҳуқуқ тизимида эса "давлат ҳуқуқи" термини қўлланилади.

Аммо бу масалани янада батафсилроқ, янада чуқурроқ кўриб чиқадиган бўлсак ушбу терминлар тегишли тушунчалар ўртасидаги мазмуний фарқларни акс эттиришига амин бўламиз.

Маълумки, XIX аср бошларида Буюк Британия, АҚШ ва Францияда конституциявий тузум қарор топган. Ҳокимиятнинг

тақсимланиши ва инсон ҳуқуқларининг суд томонидан муҳофаза этилиши унинг белгиларидан ҳисобланади. Германияда эса бу ҳол бир мунча кейинроқ юз берган. Ҳозирги пайтда Германияда ҳам бир мунча торроқ маънода бўлса-да "конституциявий ҳуқуқ" термини қўлланилмоқда. Бундан ташқари. Германия юридик олий ўқув юртларида ўқув предметини (курсини) белгилаш учун кўпинча "оммавий ҳуқуқ" (публичное право) ёки "кенг маънодаги давлат ҳуқуқи" терминлари ишлатилади. "Кенг маънодаги давлат ҳуқуқи" маъмурий ҳуқуқ, суд ҳуқуқи ҳамда ҳуқуқининг бошқа яна бир қанча соҳаларини қамраб олади. Тор маънода давлат ҳуқуқи эса, яъни конституциявий ҳуқуқнинг айнан ўхшаши, оммавий ҳуқуқнинг асосий қисми сифатида кўриб чиқилади.

Юқорида биз "давлат ҳуқуқи" билан "Конституциявий ҳуқуқ" тушунчаларини ўзаро синоним, яъни ўзаро ўхшаш, бир-бирининг ўрнида ишлатилиши мумкин бўлган тушунчалар дея таърифлаган бўлсак-да, аммо баъзи бир адабиётларда уларнинг ўртасидаги фарқларга нисбатан бошқача нуқтаи назарлар ҳам мавжудлиги ҳусусида фикрлар учраб туради. Масалан, германиялик конституцияшунос олим Конрад Хессенинг фикрича, конституция давлат тизими ўрнатилиши билан чекланиб қолмайди, балки нодавлат ҳаёт қурилиши асосларини ҳам қамраб олади (никоҳ, мулк ва бошқалар), зеро "конституциявий" ҳуқуқ фақат давлат ҳуқуқининг мазмун-моҳиятини англатувчи "давлат" ҳуқуқига қараганда кенг қамровлироқдир. Бошқача томондан қаралганда эса "конституциявий" ҳуқуқ маъмурий ва процессуал ҳуқуқни ўзида мужассам этган "давлат" ҳуқуқига нисбатан бирмунча чекланган туюлади.

Ҳозирги кунда фақат санокли давлатларгина "давлат ҳуқуқи" атамасини ишлатилдилар, жуда кўп давлатлар эса ўз ҳуқуқининг асосини ташкил этувчи соҳасини ўз ҳудудларида конституциявий тузум қарор топган ёки топмаганлигидан қатъи назар, "конституциявий ҳуқуқ" термини билан ифода этадилар.

Шу сабабдан, бундан кейин матннинг тушунилишини енгиллаштириш мақсадида, кўриб чиқиладиган ҳуқуқ соҳасини "хорижий (чет) мамлакатлар конституциявий ҳуқуқи термини билан атаيمиз.

***Хорижий мамлакатлар конституциявий ҳуқуқининг предмети ва усуллари.***

Ҳар қандай мамлакатнинг ҳуқуқ тизимида конституциявий ҳуқуқнинг мустақиллиги унинг алоҳида тартибга солиш предмети билан белгиланади. Биринчи навбатда биз конституциявий ҳуқуқ нормалари нималарни тартибга солишини аниқлаб олишимиз лозим. Бу нормалар ягона ўзаро боғлиқ тизимни ташкил этганлиги сабабли, конституциявий ҳуқуқнинг тизим ташкил этувчи белгилари қандай эканлиги ҳам аниқланиши лозим. Баъзи олимларнинг фикрича оммавий ҳокимиятнинг амалга оширилиши конституциявий- ҳуқуқий тартибга солишнинг предмети ҳисобланади.

Конституциявий ҳуқуқ предмети. Ҳеч бир давлатнинг ягона ҳуқуқи мавжуд бўлиши мукин эмас. Ҳар бир давлатнинг ҳуқуқ соҳалари, тармоқлари ўз хусусиятлари билан ажралиб туради. Аммо, барча ҳуқуқ тармоқлари учун конституциявий ҳуқуқ асос ҳисобланади.

Барчи давлатларнинг конституциявий ҳуқуқи, аввало, тартибга солиш предмети билан ажралиб туради ва шу билан асосий ҳуқуқ тармоғи ҳисобланади. Масалан, барча ҳуқуқий муносабатлар – аввало ижтимоий муносабат ҳисобланади. Масалан, оила ҳуқуқи - ота- она, фарзандлар орасидаги муносабатларни тартибга солади.

Ер ҳуқуқи ер эгалиги ва ердан фойдаланиш қоидаларини ўзида мужассам этади. Демак, конкрет-аниқ ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш.

Конституциявий ҳуқуқ предмети эса мураккаб, шунингдек уларни аниқлаш қийинроқ кечади. Умуман, конституциявий ҳуқуқ предмети деб шундай ижтимоий муносабат тушуниладики, улар давлат ва жамиятнинг асосий муаммолари ечимини топишда, давлат ҳокимиятини амалга оширишда вужудга келади.

Ижтимоий муносабатларни тартибга солишда ва ўзининг амалга оширишда ҳар бир давлат махсус ҳуқуқий нормаларни доимий равишда ижод қилади. Ушбу нормалар махсус аппарат ёрдамида мажбурий асосда қўлланиши таъминланади. Худди шу ҳуқуқий нормалар тизимида ҳам асосий ва аҳамиятли нормалар ажралиб турадики, шулар асосида давлат механизми таъминланади. Худди шу нормалар конституциявий ҳуқуқнинг асоси ҳисобланади.

Конституциявий ҳуқуқ томонидан тартибга солинадиган ва мустақамланадиган ижтимоий муносабатлар, ижтимоий тузум ва унинг асослари, жамиятнинг сиёсий ва иқтисодий негизлари, жамият ижтимоий тузилиши (аҳоли қатламлари) шахсларнинг ҳуқуқий

ҳолати; жамият ва давлат сиёсий режими, давлат тузилиши, бошқарув шаклини белгиланиши. Яъни, конституциявий ҳуқуқ институтларидир. Шундан, келиб чиқиб, конституциявий ҳуқуқни таърифлаш лозим. Давлат ҳокимиятини амалга оширишда ва амалга ошириш жараёнида вужудга келувчи ижтимоий муносабатларини тартибга солувчи юридик нормалар <к> ҳуқуқ тармоғи <к> конституциявий ҳуқуқдир.

Конституциявий ҳуқуқ нормалари қолган барча ҳуқуқ тармоқлари учун асос ҳисобланади ва бундан келиб чиқиб, улар ҳуқуқий муносабатларни тартибга солади.

Конституциявий ҳуқуқ нормаларининг ўзгариши ҳуқуқ нормаларининг яхлит бўлагини, таркибий қисмини ўзгаришига олиб келади. Конституциявий ҳуқуқ нафақат ўз ўз предмети билангина эмас, балки ўз субъектларига таъсир этиш методлари (усуллари) билан бошқа ҳуқуқ тармоқларидан фарқланади.

Масалан: - таъқиқлов услуги;  
мажбурлов услуги; (барча ҳуқ. тармоқ)  
руҳсат берувчи услуги; (фақ. Конституц. ҳуқ.)  
ҳокимият – мажбурлов таъсир этиш услуги  
(давлат ҳокимияти устунлиги)

Ижтимоий муносабатларни конституциявий-ҳуқуқий тартибга солишда "мажбур қилиш, мажбурият юклатиш" усули қўлланилади. Бу мажбуриятлар албатта ҳокимиятни ташкил этиш ва амалга оширишга тааллуқлидир. Масалан: -"Давлатнинг ва маҳаллий ҳамжамиятларнинг оммавий эҳтиёжларини молиялаштириш бўйича барча кирим-чиқимлари уларнинг бюджетларида акс эттирилиши лозим". (Словакия Республикаси Конституциясидаги 148- модданинг биринчи қисми 1991 йил) "Ҳукумат палаталарнинг ишончини қозониш лозим", (Италия Республикаси Конституциясидаги 94-модда, 1947 йил). Шу билан бирга конституциявий ҳуқуқда ман этувчи нормалар ҳам мавжуд: "Ирки, терисининг ранги, жинси, миллати, диний эътиқодига қараб кишининг кадр-қимматини ерга урувчи ҳар қандай камситишлар ман этилади ва қонунга биноан жазоланади". (Куба Республикаси Конституциясидаги 42-модданинг биринчи гапи, 1976 йил). "Фикрлаш ва виждон эркинлиги бузилмаслиги лозим". (Япония Конституциясининг 19-моддаси, 1946 йил). Шунингдек, конституциявий ҳуқуқда руҳсат, ваколат берувчи нормалар ҳам мавжуддир: "Промульгациягача, (яъни қабул қилинган қонун эълон қилингунга қадар) Президент қонунни яна бир бор кўриб

чиқишни Парламентдан талаб қилиши мумкин". (Руминия Конституциясидаги 77-модданинг 2-қисми, 1991 йил). Шулардан келиб чиқадиган бўлсак, юқорида кўриб ўтилган нормалар томонидан тартибга солинадиган, кафолатланадиган ҳамда муҳофаза этиладиган (нарса)? конституциявий ҳуқуқнинг предметиدير. Француз конституцияшунос олими Анри Ориунинг фикрича, конституциявий ҳуқуқнинг энг олий, бош вазифаси ҳокимият ва эркинликнинг бирликда мавжуд бўлишини таъминлашдир. Бундай ҳолларда давлат ўз институтлари сиймосида ҳокимият ваколатлари соҳиби сифатида ҳамда инсон эркинлик соҳиби сифатида майдонга чиқади. Унинг ҳуқуқлари ва эркинликлари жамият, давлат ва ҳуқуқдаги энг олий қадрият ҳисобланади.

Давлат-ҳуқуқ назариясида конституциявий ҳуқуқнинг объекти ва предетини фарқлаш одат тусига кирган.

Ҳуқуқий мавжудлиги (вокелиги) ҳамда тартибга солиниши конституциявий ҳуқуқ нормаларида акс этадиган ижтимоий ҳаёт соҳалари ёки жиҳатлари (аспектлари) конституциявий ҳуқуқ объекти дейилади.

Конституциявий тузумнинг асосий тамойиллари, инсоннинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликлари, давлат ва оммавий ҳокимият қурилиши, уни шакллантириш ва ҳаракатга келтиришнинг шартлари ва тартиби конституциявий ҳуқуқ объектидир. Конституциявий ҳуқуқ объектига ишора қилиш кўпинча конституциявий ҳуқуқ тушунчасининг ўзини белгилаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун, объекти нуқтаи назаридан олиб қараганда, ижтимоий-сиёсий муносабатлар конституциявий ҳуқуқнинг алоҳида предетидир.

Маълумки, конституциявий ҳуқуқ тизими 3 асосий элементдан иборат:

Қонуний ҳуқуқ тамойиллари;

Қонуний ҳуқуқ институтлари;

Қонуний ҳуқуқ нормалари.

Тамойиллари: - Халқ суверинитет;

- Халқ вакиллиги;

- Ҳокимият тақсимланиши;

- Бир-бирини тийиб туриш;

Шахс эркинлиги;

Ҳуқуқ эркинликларининг суд томонидан ҳимоя қилиниши;

Гражданларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари.



Барча тамойиллар конституциянинг муқаддимаси ёки тегишли бобларидан ўрин олган.

Институтлари: - Шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати;

Гражданлик;

Парламент;

Давлат бошлиғи;

Сайлов ҳуқуқи;

Конституциявий назорат ва бошқалар.

Суд институтлари- шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати институтлари:

а) гражданлик;

б) шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар;

в) сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар;

### **Хорижий мамлакатлар конституциявий ҳуқуқи таърифи.**

Конституциявий ҳуқуқнинг объекти, предмети ва усуларини кўриб чиқиб, унинг муҳим сифатларини аниқлагач ҳуқуқнинг ушбу соҳасига умумий таъриф бериш мумкин.

Конституциявий ҳуқуқ маълум бир мамлакатнинг ҳуқуқ нормалари тизими бўлиб, бу нормалар инсоннинг жамият ва давлатдаги ҳолатини, ижтимоий тузум асосларини, оммавий ҳокимият органлари тизимини ташкил этиш ва фаолият кўрсаттириш асосларини тартибга солидилар. Ушбу таъриф тартибга солинадиган энг муҳим объектларнигина қамраб олган энг умумий таърифдир. Адабиётларда бир вақтлар Шўролар давлат ҳуқуқига берилган бундан ҳам қисқароқ ва умумийроқ таърифни учратиш мумкин. У таърифда тахминан шундай дейилади:

"Ҳуқуқнинг ушбу соҳаси давлат ҳокимиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларни тартибга солиди".

Аmmo бу таърифни тўлиқ ва тўғри деб бўлмади, зеро маъмурий ҳуқуқ ҳам давлат ҳокимиятини амалга ошириш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солиди.

Конституциявий ҳуқуқ эса инсон ва фуқароларни нафақат давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг, балки шу билан бирга маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларининг тажовузларидан ҳам муҳофаза қилишга йўналтирилган. Шу сабабдан юқоридаги таърифни қуйидагича бериш мақсадга мувофиқдир: "Конституциявий ҳуқуқ фақат давлат эмас, балки ҳар қандай оммавий ҳокимиятни амалга

ошириш билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларни тартибга солади".

### ***Конституциявий ҳуқуқ тизими***

Конституциявий ҳуқуқ кўплаб ўзаро алоқадаги қисмлар ва элементларни ўзида мужассам этган мураккаб тизимни ташкил этади. Ушбу элементлар ва қисмлар унинг ички қурилишини тавсиф этади. Конституциявий ҳуқуқ тизимининг қисмлари ва элементлари унинг умумий тамойиллари, институтлари ва нормаларидир. Конституциявий-ҳуқуқий нормалар конституциявий ҳуқуқ соҳасининг мазмунини акс эттирувчи асосий ҳужайрасидир. Бу нормалар барча ҳуқуқий нормалар каби ҳулқ-атвор, юриш-туриш қоидалари бўлиб, давлат томонидан мауайян тоифадаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиш учун ўрнатилади. Бу нормаларнинг асосий жиҳатларини умумлаштириб, ихчамгина таърифлаш мумкин:

Конституциявий-ҳуқуқий нормалар давлат ҳокимиятини амалга ошириш, давлат билан фуқаролар ўртасидаги муайян турдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиш ва шу йўл билан жамиятни бошқариш мақсадида давлат томонидан ўрнатиладиган умуммажбурий ҳулқ-атвор қоидалари бўлиб, улар аниқ ҳуқуқ ва мажбуриятлар орқали амалга ошади ва давлат томонидан таъминланади.

Конституциявий ҳуқуқнинг юқорида кўриб ўтилган предмети бу нормаларнинг алоҳида соҳага мансублигини ўзига ҳос табиатга ва сифатларга эга бўлишини тақазо этади.

Умумий тамойиллар конституциявий ҳуқуқ тизимининг хартиясини, яъни синчини (қобирғасини) ташкил этади ва ягона йўналиш бахш этади. Бу тамойиллар ижтимоий муносабатларни бевосита эмас, балки юқорида тилган олинган конституциявий-ҳуқуқий нормалар орқали тартибга солади. Халқ суверенитети, (Греция Конституциясидаги 1-модданинг 2- қисми). Халқ вакиллиги (Япония Конституцияси муқаддимаси), ҳокимиятнинг тақсимланиши (Германия Федератив Республикаси Асосий Қонунинг 20-моддаси), тенг ҳуқуқлик (Нидерландия Қироллиги Конституциясининг 1-моддаси), даҳлсиз ҳуқуқлар (ГФР Асосий Қонунидаги 1-модда) сингари тамойиллар аниқ ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларни ифодаламайди ҳамда ҳар доим ҳам ҳуқуқий санкциялар билан таъминлайди, аммо улар кўплаб конституциявий-ҳуқуқий нормалар учун ҳам қилувчи аҳамиятга эгадирлар.

Бошқа баъзи бир тамойиллар эса аниқ юридик ифода шаклига эга бўлиб, давлат фаолиятида бевосита қўлланилади. Депутатларнинг сайловчилардан мустақиллиги (Болгария Республикаси Конституциясининг 67-моддаси 1991 йил) конституциявий ҳуқуқларнинг суд томонидан муҳофаза қилиниши (Испания Конституциясининг 53-моддаси, 1978 йил) давлат раҳбарининг жавобгар бўлмаслиги (Люксембург, Буюк Герцоголинининг Конституцияси 4-моддаси, 1868 йил) шулар жумласидандир.

Конституциявий- ҳуқуқий нормалар ўзлари тартибга соладиган муносабатлар субъектларининг хусусиятлари ва махсуслиги билан ҳам бошқа ҳуқуқий нормалардан фарқ қиладилар. Бу субъектлар орасида халқ, давлат, миллат, жамоат бирлашмалари, давлат ҳокимиятининг олий ифодалари бор.

Конституциявий-ҳуқуқий нормалар: а) тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларнинг қўллаш, мазмуни;

б) юридик кучи; в) амал қилиш доираси; г) қоидаларининг даражаси; д) ҳуқуқий тартибга солиш механизмидаги ўрни бўйича таснифланиши мумкин. Ҳар бир таснифда маълум моддалар битта мажмуани ташкил этиш мумкин, яъни конституциявий нормалар, айтайлик, амал қилиш доираси бўйича таснифланганда бир қанча нормалар битта гуруҳни ташкил этиш мумкин.

Бир-бирига яқин нормаларнинг бундай мажмуи конституциявий-ҳуқуқий институтлар деб аталади. Шундай қилиб, асосий тамойиллар, конституциявий-ҳуқуқий институтлар ва уларнинг нормалари конституциявий ҳуқуқ тизимини ташкил этади.

### ***Конституциявий ҳуқуқ субъектлари***

Конституциявий ҳуқуқ субъектлари иккита катта гуруҳга, яъни жисмоний шахслар ва юридик шахсларга бўлинади. Жисмоний ва юридик шахслар ҳуқуқнинг бошқа соҳаларидаги сингари, конституциявий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган ҳуқуқлар ва мажбуриятлар соҳиблари сифатида, яъни конституциявий ҳуқуқ субъектлари сифатида ҳам майдонга чиқадилар.

Фуқаролар, чет элликлар, фуқаролар гуруҳлари, махсус ҳуқуқ лаёқатига эга бўлган шахслар сифатида сайловчилар ва депутатлар ҳамда уларнинг гуруҳлари конституциявий ҳуқуқ субъектларининг биринчи гуруҳига кирадилар.

Умуман давлатнинг ўзи ва унинг органлари, баъзан эса унинг алоҳида қисмлари, масалан, палаталар, комиссиялар, парламентдаги

партиялар гуруҳлари, ҳудудий бирликлар, муассасалар, ўзини-ўзи бошқариш органлари, шунингдек, сиёсий партиялар ва бошқа ижтимоий бирлашмалар конституциявий ҳуқуқ субъектларининг иккинчи гуруҳларини ташкил этадилар.

Конституциявий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларда давлат алоҳида роль ўйнайди. Давлат бунда қонун ижод қилиш ҳокимияти соҳиби, ижтимоий муносабатлар бошқарувчиси сифатида майдонга чиқади. Тўғри, давлатнинг ўзи муносабатлар томони бўла олмайди. У ҳуқуқ субъектлари ўртасидаги ушбу муносабат қандай бўлиши лозимлиги ҳусусида кўрсатма берган ҳамда ушбу кўрсатмани моҳиятини ташкил этадиган ҳуқуқ ва мажбуриятлар ижросини таъминлайди. Баъзан давлат маълум ижтимоий муносабат иштирокчиси ҳам бўлмиш мумкин, яъни у ҳуқуқий муносабатларнинг бошқа иштирокчилари учун конституциявий ҳуқуқ нормаларида назарда тутилган ҳолатда ҳам бўлиши мумкин (масалан. Федератив давлат билан федератив субъектлари ўртасидаги муносабатлар). Давлат ўз органлари ёхуд референдум орқали ҳуқуқий муносабат иштирокчиси сифатидаги вазифасини адо этади.

Давлат органлари эса конституциявий ҳуқуқ субъектлари сифатида ўз зиммаларига юклатилган вазифаларга мутаносиб равишда маълум ваколатларга эгадирлар. Улар қонунлар чиқариши, бошқа органлар фаолияти устидан назорат олиб бориши ёки қонунларни ижро этишлари мумкин. Ҳуқуқий муносабатларда улар ваколат соҳиблари ёки бўйсунувчи субъектлар сифатида иштирок этадилар. Ҳудудий бирлашмалар эса ўз ҳуқуқларини ёки бевосита референдум орқали амалга оширадилар.

Баъзи бир мамлакатларда черков ҳам конституциявий ҳуқуқ субъекти бўлиши мумкин. Масалан, Буюк Британияда англикан ва шотланд пресвитериан черковига давлат бошлиғи (монарх) раҳбарлик қилади. Лордлар палатасида эса монарх тайинлайдиган руҳоний лордлар фаолият кўрсатадилар.

Энди жисмоний шахсларнинг конституциявий ҳуқуқ субъектлари сифатидаги фаолияти масаласига келсак, улар ўз статуслари бўйича бир-биридан фарқ қиладилар.

Маълум бир шахсга шу давлат фуқароси ёки шу ерда турган чет эллик ёхуд фуқаролиги бўлмаган шахс (апатрид) эканлигига боғлиқ равишда миллий конституциявий ҳуқуқ нормалари томонидан бериладиган ҳуқуқлар ҳажми ҳам турлича бўлади. Ҳар бир

давлатнинг конституциявий ҳуқуқида фуқароликни олиш ва йўқотиш, фуқароларнинг статуси, чет элликлар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий режимини тартибга соладиган ҳуқуқий нормалар мавжуд бўлади.

Аммо ҳуқуқий статусидаги фарқлардан қатъи назар, барча жисмоний шахслар шахсий ҳуқуқ ва эркинликларга эгадирлар.

Барча давлатларнинг конституциявий ҳуқуқларида шахснинг ўз дахлсиз табиий ҳуқуқларини амалга ошириш имконияти кафолатланган бўлиши лозим.

### **Конституциявий ҳуқуқнинг ҳуқуқ тизимидаги ўрни ва роли**

Ҳуқуқ тараққиётининг ҳозирги босқичи "ҳуқуқ ишлаб чиқаришнинг" улкан ўсиши билан тавсифланади. Масалан, Британия Парламенти йилига юзга яқин қонунлар қабул қилади. АҚШ Конгреси 1988 йилда 280 та қонунни маъқуллаган экан. Ижтимоий муносабатларнинг кенг равишда юридиклаштирилиши давлатларнинг иқтисодий ва ижтимоий жараёнларга ҳуқуқий воситалар ёрдамида фаол равишда таъсир кўрсатишига уринаётганлигидан далолат беради.

Ҳар бир давлатнинг ҳуқуқ тизими кўплаб соҳалардан иборатдир. Конституциявий ҳуқуқ улар орасида етакчи ўрин тутаяди. Бу ҳол ушбу ҳуқуқ соҳаси томонидан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларнинг сараҳамиятлигидан келиб чиқаяди. Бундан ташқари, конституциявий ҳуқуқ барча ҳуқуқ соҳалари ўзаро ҳамкорлиги марказида туради. Зеро, конституциявий ҳуқуқда бошқа барча ҳуқуқ соҳалари учун дастлабки тамойил, асос бўлиб хизмат қиладиган қоидалар мустаҳкамлаб қўйилади. Конституциявий ҳуқуқда давлат маъмурияти органларининг умумий ваколатлари, фаолият кўрсатиш тартиби, ташкиллаштириш тамойиллари ва тузилиши (структураси), инсон ва фуқаро билан давлат органлари ўртасидаги муносабатлар белгилаб қўйилади ҳамда иш йўл билан маъмурий ҳуқуқнинг дастлабки нуқтаи назари (позицияси) белгиланади.

Конституциялар кўпинча иқтисодий муносабатларнинг асосларини ҳам тартибга соладилар, бу эса фуқаролик ва тижорат ҳуқуқи асосларини белгилайди. Шундай йўл билан конституциявий ҳуқуқ тегишли мамлакатнинг молия, меҳнат, жазо, процессуал ва бошқа ҳуқуқ соҳаларининг дастлабки тамойилларини белгилаб беради.

Аммо конституциявий ҳуқуқ ҳуқуқ тизимида марказий ўрин тутати дегани, у барча ҳуқуқ соҳаларини ўзида мужассам этиб, бирлаштириб туради дегани эмас. У фақат у ёки бу ҳуқуқ соҳасини ташкил этадиган кўплаб ҳуқуқ нормаларининг энг муҳим тамойилларини белгилаб беради. Конституциявий ҳуқуқ, шунингдек, соҳавий ҳуқуқ нормаларини қабул қилиш ва уларга ўзгартириш киритиш тартибини ҳам белгилайди.

Конституциявий ҳуқуқда демократия институтлари бўлмиш тенг ҳуқуқлилик, умумий сайлов ҳуқуқ, кўппартиявийлик, касаба уюшмалари ҳуқуқларининг ҳам мустаҳкамлаб қўйилиши конституцияларнинг аҳамиятини янада оширади.

Демократия конституциявий ҳуқуқ ёрдамида жамият ва давлатнинг расмий, умумий тамойилига айланади.

## **Конституциявий ҳуқуқ таракқиётидаги асосий тенденциялар**

XVIII аср охирида бошланган жаҳон конституциявий тарихига назар ташланса, ижтимоий муносабатларни конституциявий ҳуқуқий тартибга солиш таракқиётини тавсифлайдиган бир қанча анъаналарни (тенденцияларни) пайқаб олиш мумкин.

Конституциялар илк пайдо бўлган чоғларда инсон, жамият ва давлат ўртасидаги конституциявий- ҳуқуқий муносабатлар асосан сиёсий соҳа билан чекланган эди.

Конституцияларда асосан фуқаролик, яъни шахсий ҳамда сиёсий (оммавий) ҳуқуқлар, шунингдек, инсон ва фуқароларнинг эркинликлари, ижтимоий-иқтисодий фуқаролардан эса одатда мулкчилик ҳуқуқи мустаҳкамланган. Табиийки, давлат ҳокимияти қурилиши, унинг қонун чиқарувчи, ижроия ва суд тармоқларига бўлиниши конституциявий тартибда белгиланар ҳамда ушбу ҳокимият тармоқлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар аниқлаб бериларди. Федератив давлатлар конституцияларида эса давлат билан федерация субъектлари ўртасидаги муносабатлара ҳам белгилаб бериларди.

XX- асрда ижтимоий-синфий ихтилофларнинг кучайиши шунга олиб келадикки, конституциялар у ёки бу шаклда бутун ижтимоий қурилиши асосларини, шу жумладан, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва бошқа соҳаларни ҳам тартибга соладиган бўладилар. Иккинчи жаҳон урушидан кейин қабул қилинган конституцияларда

кенг ва том маънода ижтимоий муносабатларни тартибга солиш анъаналарга кўпроқ ўрин белгиланган. Конституциявий ҳуқуқ таррақиётидаги бир тенденция унинг демократиялаштирилишидир. Бу тенденция XIX аср охирларида кўзга ташланса бошланган эди. XX аср ўрталарида цензли сайлов ҳуқуқидан босқичма-босқич тенг ва тўғридан-тўғри сайловларга ўтилиши демократлаштирилиши тенденциясининг юқори нуқтаси бўлди. Кейинги пайтларда конституциявий ҳуқуқда интернационализация тенденцияси кўзга ташланмоқда. Бу ҳол ҳар бир демократик давлатдаги миллий конституциявий ҳуқуқнинг халқаро оммавий ҳуқуққа тобора яқинлашиб, ўртадаги чегаранинг йўқолиб боришида намоён бўлмоқда.

Ҳозирги кунда кўплаб мамлакатлар конституцияларида "халқаро ҳуқуқнинг умум тан олинган тамойиллари ва нормалари миллий ҳуқуқнинг узвий қисмини ташкил этиши ҳамда улар орасида номосликлар вужудга келган ҳолларда халқаро ҳуқуқ нормалари қўлланиши" ёзиб қўйилган.

### **Конституциявий ҳуқуқ фан ва ўқув курси сифатида**

Конституциявий ҳуқуқ фанининг мазмуни (предмети)

Конституциявий ҳуқуқ фани конституциявий-ҳуқуқий меъёрлар, тамойиллар ва муассаса (институт)лар, шунингдек улар тартибга соладиган ёки тартибга солиши лозим ва мумкин бўлган ижтимоий муносабатларни ўрганади. Фан, шунингдек, конституциявий-ҳуқуқий меъёрлар ва муассасаларни амалда тадбиқ қилишни ҳам ўрганади, уларни ривожлантириш қонуниятларига эришиш, қонун чиқарувчи ва ҳуқуқни рўёбга чиқарувчи (ижрочи)га тегишли ҳуқуқий низомларни такомиллаштириш ва қўллаш бўйича, алоҳида шахсларга эса – улардан фойдаланиш ҳақидаги асосли тавсияномалар беришга интилади (уринади, ҳаракат қилади). Бу мақсадда конституциявий ҳуқуқ тадқиқодчилари томонидан ишлаб чиқилган назария ва қарашлар, уларнинг ривожланиши (эволюцияси)га таъсир кўрсатувчи шарт-шароитлар ўрганилади, яъни мазкур фан ўзқўзини ўрганади.

Чет эл конституциявий ҳуқуқи фани ҳам ҳозирги замонда дунёдаги конституциявий ҳуқуқнинг тараққиёт қонунлари ва умумий тенденцияларни аниқлаш ҳамда мамлакатда топилган, муваффақият қозонган конституциявий ҳуқуқий қарорлардан тегишли тарзда фойдаланиш ёуи бўлмаса ўша мамлакатларда йўл қўйилган хатоларни четлаб ўтиш каби мақсадларни кўзлаб бошқа мамлактлар

тажрибасини ўрганишга қаратилган маълум бир мамлакат конституциявий ҳуқуқ фанининг бир қисмидир.

Конституционалист-тадқиқотчиларнинг ихтиёрида бўлган методологик (услубий) асбоб-материаллар анча кенг. Албатта, бошқа юридик фанларда бўлганидек, конституциявий ҳуқуқшуносликда тадқиқ этилаётган меъёрий ҳужжат (материал)нинг мазмуни (мундарижаси)ни аниқлаб олиш учун зарур бўлган расмиё-манتيкий таҳлил усули кенг қўлланилмоқда. Буни ўрганилаётган конституциявий-ҳуқуқий ходисалар келтириб чиқарилган тарихий шарт-шароитларни аниқлаши кўзда тутувчи тарихий ёндашув ҳам тақазо этмоқда. Конституциявий-ҳуқуқий қарорлар (ечимлар)нинг ижтимоий самарасини белгилаш туб социологик тадқиқотларсиз, суд амалиёти статистикаси ва ҳақозоларсиз ҳеч бир маъно касб этмайди. Тадқиқот вазифаларининг бундай шаклда қўйилиши ва системали ёндашувни талаб этади.

Мазкур фанда қиёсий компаратив тадқиқот усули (методи) муҳим аҳамият касб этади. Ижтимоий муносабатларнинг конституциявий-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиниши шундай бир тадқиқот объектидирки, унга нисбатан қўлланиладиган тажрибадан фойдаланиш соҳаси ўта тордир, бу тушунарли. Бошқа мамлакатлар эса тажрибахона сифатида кўрилиши мумкин ва турли мамлакатлар тажрибасининг ўхшаш муаммоларни ҳал этишда таққосланиши натижасида энг мақбул вариант (йўл)ни топиб олиш мумкин бўлади, яъни иш енгиллашади. Қиёслаш усули (методи) мутахассисларини компративистлар<sup>1</sup> деб аташади.

Умуман конституциявий ҳуқуқ тадқиқотчилари, айниқса, хорижий конституциявий ҳуқуқни тадқиқ этувчилар фақат юридик фанни эмас, балки бир-бирига боғлиқ бўлган фанлар ютуқлари заҳирасига эга бўлишлари лозим. Энг аввало, бу сиёсат ҳақидаги назарий ва амалий фанлар мажмуи бўлган сиёсатшунослик, шунингдек ижтимоий психология (руҳшунослик) фанларидир. Бунингсиз конституциявий ҳуқуқнинг бир шаклдаги меъёрлари турли мамлакатларда турлича қабул қилинаётганлиги ва турлича амалга оширилаётганлигини тушуниш мумкин эмас.

### **Хорижий мамлакатларда конституциявий ҳуқуқ фани**

Конституциявий ҳуқуқ фани нисбатан анча ёш фандир. У фақат XIX асрнинг биринчи ярмида, яъни қолган бошқа ҳуқуқшунослик

---

<sup>1</sup> Компратив- (лат.) қиёсий, тарихий-қиёсий.



фанлари (фуқаролик, жиноят, процессуал ҳуқуқлар)дан анча кейин фалсафа, соцологиядан ажралиб чиқди.

Феодализмга қарши кураш даврида демократия идеоллари бўлган Г.Гроций, Б.Спиноза, Т.Гоббе, Ш.Монтескье, Д.Локк, Ж.Ж.Руссо ва бошқалар конституциявий ҳуқуқнинг муҳим концепциялари: конституционализм, халқ мустақиллиги, халқ вакиллиги, ҳокимиятнинг бўлиниши (таксимланиши), инсонларнинг табиий, ажралмас ҳуқуқларини илгари сурдилар ва асослаб бердилар. Бу назариялар феодализмни, диспотизм ва зулм-зўравонликка асосланган ижтимоий тузум сифатида тугатиш (йўқ қилиш) нинг мафкуравий асоси бўлиб хизмат қилган, аксил феодал сиёсий кучларнинг ташкилий бирлашувига катта ёрдам берган. Феодализмга қариши инқилоблар даврида конституциявий тузим ва уни расмийлаштирувчи конституциявий ҳуқуқ, назариётчилар томонидан ишлаб чиқилган демократик ғояларга юридик шакл берувчи конституциявий ҳуқуқ ҳам шакллана бошлади.

Кейинчалик ҳуқуқшунос олимлар янги конституциявий-ҳуқуқий меъёрлар ва муассасаларни шарҳлашга катта аҳамият қаратдилар. Бунга мисол сифатида таниқли инглиз ҳуқуқшуноси, XVIII-XIX-асрларда яшаган, 4 жилдли (том) "Инглиз қонунларига шарҳлар"ни ёзган олим У.Блекстонни келтиришимиз мумкин. Айнан ўша даврда ҳақиқатда конституциявий ҳуқуқ фани юзага келади.

XIX-асрда бир қатор ҳуқуқшунос-конституционалистларнинг кўплаб асарлари пайдо бўла бошлайди. У.Бэдждот, Т.Мэй, А.Дайси, Д.Милл каби ҳуқуқшунос олимлар- Буюк Британияда, А.Эсман, А.Де Токвиль – Францияда, У.Уиллоуби- АҚШда, В.Лобанд, Р.Гнейст- Германияда ўзларининг фундаментал асарларида конституциявий ҳуқуқнинг классик (мумтоз) назарияси, жумладан парламентаризм, ҳуқуқий, ижтимоий ва демократик давлат каби конституциявий-ҳуқуқий доктрина (таълимотни) яратдилар.

XX-асрнинг бошларида Л.Дюги, М.Орид (Франция), В.Орландо (Италия), Д.Брайс, С.Лоу (Буюк Британия), Г.Еллинск (Германия) каби олимлар конституциявий ҳуқуқ назарияси тараққиётига салмоқли ҳисса қўшдилар. Уларнинг ҳуқуқий қарашларида синфий бўлмаган демократия, бирдамлик ғоялари билан бир қаторда парламентлар роли (тутган ўрни)ни чегаралаш, ҳуқуматларнинг қонунчиликдаги иштироклари, "кучли ҳокимият" ғояси ва ҳокимиятни кучайтиришнинг зарурлиги ҳақида фикр-мулоҳазалар юзага кела бошлади.

Францияда Ж.Бюрдо, М.Дюверже, М.Прело, Ж.Ведель, М.Лесаж, Буюк Британияда А.Женнингс, Х.Филлипс, Д.Маккинтош, Д.Маршалл, П.Бромхед, АКШда Р.Паунд, Э.Корвин, Г.Келзек, К.Левенштейн, Л.Трайб, Германияда Т.Маунц, Г.Навяски, К.Хессе, К.Фон Бойме, К.Штерн каби олимлар ҳозирги замон Фарб конституциявий ҳуқуқининг улкан намоёндалари ҳисобланади. Уларнинг асарларида жамият тараққиётининг ҳозирги босқичи, жумладан илмий-техникавий тараққиётининг ижтимоий ҳаётга таъсири билан боғлиқ бўлган таълимот (назария)лар ишлаб чиқилган. Шу муносабат билан ҳукмрон элита, технократия ва бошқа кўпфирлик демократия назариясини айтиш мумкин.

Юқорида санаб ўтилган номлар билан ҳатто айтиб ўтилган давлатларнинг ҳам конституциявий ҳуқуқ муаммоларини ишлаб чиққан муаллифларининг номини айтиб адоғига етказиш қийин, чунки уларнинг сони кўп. Қолаверса, Фарб конституциявий ҳуқуқ фани айрим мамлакатлар тараққиётининг миллий ва тарихий хусусиятлари, турли фалсафий оқимларнинг таъсири билан боғлиқ кўпчилик мактаблар ва кичик мактаблар борлиги билан ҳам характерлидир. Баъзан эса конституциявий ҳуқуқ фани сиёсатшунослик фани билан боғланиб кетади. Чунки бу табиий, зеро сиёсатшуносликнинг предмети конституциявий ҳуқуқни тартибга солувчи ҳақиқий ёки эҳтимолий предметни кўрсатувчи жамиятдаги сиёсий муносабатлар эканини ҳисобга оладиган бўлсак, конституциявий ҳуқуқнинг ҳақиқатан ҳам сиёсатшунослик билан боғланганлигини кўрамиз.

Хорижий социалистик мамлакатларга келадиган бўлсак, у ҳолда бундай мамлакатларда коммунистик партиялар ва тоталитар сиёсий режим (тузум)ларнинг ўрнатилганлиги ҳақиқий конституциявий ҳуқуқ фанининг ошқора ривожланиш имкониятига барҳам беради. Унинг учун, худди жамият ҳақидаги бошқа фанлар учун бўлганидек, у ёки бу мамлакатда эътироф этилган марксизм-ленинизм ақидаларига риоя қилиши мажбурий эди (масалан, Хитойда Мао Цзэдун ғоялари, КХДРда марксизм-ленинизмнинг чучхе-корейс усулидаги ғоялар). Фақатгина шу ақидалар негизида қандайдир назарий қарашларни ривожлантиришга йўл қўйилар эди. Бизнинг мамлакатимиздагидек, айтиб ўтилган мамлакатларда мазкур даврга нисбатан, конституциявий ҳуқуқ фанинг мавжуд бўлиши ҳақида гапириш мумкин эмас эди. Зотан фан бундай шароитда ҳеч қаерда мавжуд бўла олмас эди. Бу ерда гап фақат баъзан фан учун қизиқарли

бўлиши мумкин бўлган маълумотларни ўз ичига оловчи адабиётлар ҳақидагина бориши мумкин.

Фақат энди, яъни бу мамлакатларнинг кўпчилигида тоталитар тузумга қарши инқилоблар ғалабасидан сўнг жамият ҳақидаги фанлар, жумладан, конституциявий ҳуқуқ фанининг қайта тикланиши ва ривожлантирилиши учун имкониятлар яратилди ва улардан фойдаланилмоқда.



Конституциявий қонунлар (конституциялар)да инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликлари мустаҳкамлаб қўйилади. Улар ижтимоий тизим асосларини, давлат шаклини тартибга соладилар, давлат органларини ташкил этиш ва фаолият кўрсаттириш тамойилларини белилайдилар.

Конституциялар, конституциявий, органик ва шунга ўхшаш қонунлар тўлиқ ҳажмда конституциявий ҳуқуқ манбалари ҳисобланадилар, одатдаги қонунлар эса баъзан тўлиқ ҳажмда, баъзан эса қисман конституциявий ҳуқуқ манбаси ҳисобланади.

Халқаро шартномалар конституциявий муаммоларни тартибга солсалар, конституциявий ҳуқуқ манбаси сифатида хизмат қилади. Давлат ичидаги шартномаларга келадиган бўлсак, агар бундай шартномалар субъектлари конституциявий муаммоларни ҳал этишга ваколатли бўлиб, шартнома орқали конституциявий муаммолар тартибга солинган бўлса, бундай шартномалар ҳам конституциявий ҳуқуқ манбаси деб ҳисобланади.



1. Ушбу Конституцияга ёки унинг бирон-бир кўрсатмасига зид келадиган биронта Қонун Парламент томонидан қабул қилиниши мумкин эмас.

2. Ушбу Конституцияга ёки унинг бирон-бир кўрсатмасига зид келадиган Қонуннинг айнан ўша зид келадиган қисми амал қилинмайди.

Япониянинг 1946 йилда қабул қилинган Конституциясининг 98-моддасида эса шундай дейилади: «Конституция мамлакатнинг олий қонуни бўлиб, унинг қоидаларига тўлиқ ёки қисман зид келадиган қонунлар, Фармонлар, рескриптлар ёхуд давлатнинг бошқа ҳужжатлари қонунний кучга эга бўлмайди.»

Хўш, барча қонунлар ва норматив ҳужжатлар Конституцияга мос бўлиши учун нима қилинади? Масалан, Франция Конституциясининг ҳам бир қатор моддаларида барча қонунлар Конституцияга мос келиши лозимлиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Масалан, 61.1- моддада айтилишича, чиқариладиган барча органик қонунлар эълон қилингунларига қадар ҳамда Парламент палаталари регламентлари ҳам Конституциявий кенгаш эътиборига ҳавола қилиниши зарур. Бу кенгаш уларни ўрганиб чиқиб, Конституцияга мос ёки зид эканлиги тўғрисида ўз хулосасини беради. Худди шу мақсадда қонунлар Республика Президенти, Бош вазир, Миллий кенгаш раиси, Сенат раиси, 60та депутат ёки 60та сенатор томонидан Конституциявий кенгашга жўнатилиши мумкин. Франция Конституциясининг 62-моддасида айтилишича, ғайриконституциявий (Конституцияга зид) топилган қонун эълон ҳам қилинмайди, амалга ҳам киритилмайди. Конституция нормаларига зид келган қонун ғайриконституциявий деб топилади.

## 2-§ Конституциянинг ижтимоий-сиёсий моҳияти.

Ҳар бир Конституция ўзининг олий юридик кучга эга бўлган асосий қонун сифатидаги юридик моҳияти билан бир қаторда, ижтимоий-сиёсий моҳиятга ҳам эгадир. Бунинг маъноси шундаки, ҳар бир конституция таъсис мажлисида, парламентда ёки сайлов корпусида қабул қилинаётган вақтдаги сиёсий кучларнинг ўзаро муносабатининг ёзувини англатади. Уни маълум маънода ижтимоий шартнома (юридик маънодаги шартнома эмас) деб ҳам аташ мумкин. Унда жамиятнинг турли қисмларининг сиёсий манфаатлари мувофиқлаштириб берилади. Жамиятнинг ҳар бир қисми бўлаги, у ижтимоий синфми, социал қатлами, ҳудудий, миллий ёки бошқа

бирлашмами, бундан қатъи назар, сиёсий курашда ўз ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилади. Ўзаро мувофиқлаштирилган даражалар конституцияда ўз аксини топади. Жамиятда бундай мутаносиблик бўлмаса ҳеч қандай ҳуқуқ-тартибот мавжуд бўла олмайди

Тўғри, барча ижтимоий манфаатларни тенг равишда назарда тутидадиган конституцияни яратишнинг иложи йўқ. Жамиятнинг у ёки бу сабаблар (кўпинча, иқтисодий сабаблар)га кўра нуфузлироқ қисми конституция моҳиятига кучлироқ, одатда ҳал этувчи таъсир кўрсатади. Аммо бу ҳол марксчи-ленинчилар таъкидлаганларидек, конституция иқтисодий жиҳатдан ҳукмрон синфнинг ҳоҳишини ифода этади, дегани эмас. Агар конституциялар фақат ҳукмрон доиралар ҳоҳишини ифода этганларида улар ўзларининг асосий вазифасини, яъни фуқаролар тинчлигини сақлаш қуроли сифатидаги ролини бажара олмаган бўлурдирлар, М.В.Баглай таҳрири ва ҳаммуаллифлигида яратилган Хорижий мамлакатлар конституциявий ҳуқуқи деган, олий ўқув юртларига мўлжалланган дарсликда мамлакатдаги давлат тизимини, давлатнинг ҳуқуқий тизими тамойиллари ҳамда унинг ахоли билан ўзаро муносабалари асосларини тартибга соладиган, ҳуқуқий нормалар тизимидан иборат бўлиб, давлат ҳокимиятининг амалга ошириш чегараларини белгилаб берадиган асосий қонундир.

Ф.Лассоль деган олим эса конституция моҳиятига алоҳида эътибор бериб, ўзининг “Конституция моҳияти. Хўш, ундан кейинчи” деган асарда шундай деб ёзади: ”Мамлакатнинг амалдаги конституцияси мамлакатда мавжуд бўлган кучларнинг амалдаги муносабатидир. Ижтимоий кучларнинг ўзаро муносабатларини аниқ-тиниқ ифода этган ҳоллардагина ёзилган конституциялар мустаҳкам (барқарор) ва сермазмун бўлади.”

Баъзи муаллифлар конституцияларнинг юридик (формал) ва фактик турлари бўлиши мумкинлиги хусусида фикр билдирадилар.

Мустабид (тоталитар) сиёсий тузум ўрнатилган мамлакатларда формал (юридик) маънодаги ҳамда моддий (фактик) маънодаги конституциялар ўртасида катта фарқлар кўзга ташланади. Чунки бундай давлатнинг асосий қонуни амалда мавжуд режимни тўсиб, пана қилиб турувчи парда вазифасини ўрнатади, ҳолос.

Масалан, ҳозирги кунда Буюк Британияда кабинет давлат механизмнинг асосий қисмига айланган, аммо унинг мавжуд бўлиши конституциянинг биронта нормасида кўзда тутилмаган.



Конституция моҳияти хусусида юқорида айтилган гаплар замонавий конституциялар фақат алоҳида ижтимоий гуруҳлар манфаатларини акс эттиради, деган маънони англатмайди, албатта. Аммо конституцияларда улар кўпроқ ҳисобга олиниши ва таъминланиши бор гап. Аммо мамлакат конституцияси аҳолининг барча қатламларининг қўллаб-қувватланиши учун, конституция ижтимоий тотувликка эришиш мақсадларига хизмат қиладиган ҳамда аҳолининг барча қатламлари томонидан адолатли деб тан олинадиган ҳуқуқ-тартибот ўрнатиши лозим.

### 3-§ Конституциянинг ижтимоий функциялари.

Маълумки, конституциянинг биринчи функцияси юридик функциядир. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, конституция қонундир, бунинг устига у асосий қонун, яъни қонунлар қонунидир. У давлат ҳуқуқининг асосий манбаси, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш тизими пойдеворидир. У давлатдаги ҳуқуқ тартибот асосидир.

Конституциянинг иккинчи функцияси сиёсий функциядир. Конституция давлат қурилишини, давлатнинг алоҳида фуқаролар, уларнинг гуруҳлари ва умуман жамият билан муносабатларини белгилаб, жамиятнинг сиёсий тизимининг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилиши унинг сиёсий функцияни адо этишидан далолат беради. Барча сиёсий кучлар- турли партиялар ва ҳаракатлар конституцияда белгилаб берилган қоидалар асосида ўзаро ҳамкорлик ва рақобат қиладилар, курашадилар ва давлат хокимиятидан фойдаланадилар.

Албатта бу қоидалар конституцияга реал ҳаёт воқеликларига биноан киритилади, аммо аввал конституцияда белгилаб қўйилиб, сўнгра ҳаётга татбиқ этиладиган ҳоллар ҳам учраб туради. Конституция ислоҳати сайлов тизимини ўзгартириб юборадиган ҳолатларни бунга мисол қилиб келтириш мумкин. Конституциянинг сиёсий функциясининг амалга оширилиши давлатнинг сиёсий яхлитлигини таъминлайди.

Конституциянинг учинчи функцияси унинг идеологик, яъни ғоявий функциясидир.

Конституция энг обрў-эътиборли қонун сифатида жамиятдаги умум тан олинган қадриятларга, яъни инсон ҳуқуқлари, мулк, демократия, оила ва баъзан Худога эътиқод-иймон каби қадриятларга

муурожаат этади. Бу кадриятлар кейин жорий қонунларда, суд амалиётида, конституциявий назорат органлари фаолиятида инобатга олинади ва тасдиқланади.

Хорижий мамлакатлар конституцияларида мустаҳкамлаб қўйилган ғоявий (идеологик) қоидаларга эътибор берадиган бўлсак, қуйидагиларга амин бўламиз:

«Давлат оилани жамиятни бирлаштирувчи асос ва табиий илк манба сифатида, шунингдек, ҳар қандай позитив ҳуқуқлардан устувор бўлган ажралмас ва дахлсиз ҳуқуқларга эга бўлган ахлоқий институт сифатида тан олади.» (Ирландия Конституцияси, 41-модда, 1-қисм).

«Давлат инсоннинг онгли мавжудот сифатида ҳар қандай позитив ҳуқуқлар билан бир қаторда хусусий мулк ҳуқуқига эгаллигини тан олади.» (Ирландия Конституцияси 43-модда, 1-қисм, 1-банд.)

#### 4-§ Конституциявий тартибга солиш объектлари.

Конституциявий тарзда тартибга солинадиган объектлар конституция мазмунининг энг муҳим элементларидан биридир. Кейинги бир неча юз йиллар ичида улар кўплаб ўзгаришларга учради. Биринчи пайтларда конституциялар ижтимоий муносабатларнинг икки-учта гуруҳини (блок) тартибга солардилар.

Инсон ва фуқаронинг ҳуқуқлари ва эркинликлари шундай муносабатларнинг биринчи гуруҳини ташкил этарди. Конституцияни яратишдан кўзланган асосий мақсад, ҳам аввал бошда инсон ва фуқаронинг ҳуқуқларини давлат тажовузидан муҳофаза қилишдан иборат бўлган. Конституциянинг олий юридик кучга эга эканлиги унда эълон қилинган ҳуқуқлар ва эркинликларни турли оддий қонунлар ва ҳуқуқий ҳужжатлар чиқариб, камситишга поймол қилишга йўл қўймаган.

Оммавий ҳокимиятнинг ташкил этилиши ижтимоий муносабатларнинг иккинчи гуруҳини (блокини) ташкил этган.

Халқ суверенитети тамойилига асосланган бу ташкилот ўзидан келиб чиқадиган вакиллик бошқаруви тамойиллари ҳокимиятнинг тармоқларга тақсимланиши тамойилларини ҳаётга татбиқ этишга мўлжалланган. Вакиллик бошқаруви тамойиллининг маъноси шундаки, қонун чиқарувчи ҳокимият халқ томонидан сайланади, унинг хоҳиш-иродасини ифода этади ва шакллантиради. Ҳокимиятнинг тақсимланиши тамойиллигига кўра, қонун чиқарувчи,

ижроия ва суд ҳокимияти бир-бирини мутаносиблаштирувчи турли давлат органлари томонидан амалга оширилади. Энг биринчи конституциялардаёқ давлат ҳокимияти шакллантиришнинг асосий тамойиллари, уларнинг ваколатлари ҳамда улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар белгилаб берилган эди. Ижтимоий муносабатларнинг ушбу гуруҳи сиёсий ҳудудий қурилишни ҳам камраб олади. Ҳудудий тизилмалар турлари, уларнинг ўзаро ва марказий ҳокимият билан муносабатлари шу жумлага киради. Бундай нормалар федератив давлатлар конституцияларига баъзан эса унитар давлатлар конституцияларига ҳам киритилган.

Бора-бора конституциявий тарзда тартибга солинадиган объектлар доираси кенгайиб борган. Бунинг умумий сабаби албатта жамиятнинг иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий ҳаётидаги ўзгаришлардадир.

Пайдо бўлган янги муносабатлар, эски муносабатларнинг истеъмолдан чиқиб қолиши конституциявий қонунчиликда ўз инъикосини топа борган.

Илмий техникавий тараққиёт ҳам жаҳон конституциявий ривожланишига баракали таъсир кўрсатган, зеро моддий характердаги бу сабаб бошқа аниқроқ сабаблар билан тўлдирилади. Юзага келадиган муаммолар сиёсий кучлараро муносабатлардаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда тартибга солинади ва бундай муаммолар одатда конституциявий тарзда тартибга солиниши лозим бўлади.

Масалан, кишиларнинг ўз жинсини ўзгартириш ҳуқуқи мединцина фанидаги ютуқлар ҳисобидан юзага келди. Ва иккинчидан, конституциявий қонунчиликка инсонни биологик мавжудот сифатида бутунлай қирилиб кетишидан сақаб қолиши учун баъзи бир ман этувчи, тақиқловчи нормалар ҳам киритилиши зарурати пайдо бўлди. Швейцария Конфедерациясининг янги Конституциясидаги (1999 йил) 119-модданинг 2-қисмида инсонга нисбатан ген инженерлигини қўллаш ва медицинавий йўл билан ҳомиладор қилишни тартибга солувчи нормалар мавжуд. Унда шундай дейилади: «Конфедерация инсоннинг, шахснинг ва оилани кадр-қиммати ҳимояси таъминланишини назорат қилиб боради ва жумладан қуйидаги тамойиллар амалга ошишини таъминлайди.»

А) клон қилишнинг ҳар-қандай шаклига ва инсон эмбриони генотипларига ҳар қандай аралашига йўл қўйилмаслиги лозим;

Б) инсонники бўлмаган ҳар қандай ҳомила ва генотиплар инсон бачадонига жойлаштирилиши мумкин эмас;

В) эмбрионларни совға қилиш ёхуд шартнома бўйича ҳар қандай оналик, яъни бола туғиб беришга йўл қўйилмаслиги лозим;

Г) эмбриондан тайёрланган нарсалар ва инсон ҳомилиси тижорат предмети бўлмайди;

Ҳуқуқ ва эркинликлар соҳаси янги ҳуқуқлар ва эркинликлар ҳисобига кенгайиб бормоқда. Масалан, ҳозирги вақтда кўплаб мамлакатлар конституцияларига атроф муҳитни муҳофаза қилиш, ахборот олиш, кам сонли миллат ва элатлар тилини ҳам истъеъмолга киритиш, фан ва маданиятни тараққий эттиришда иштирок этиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ҳуқуқлари киритилган.

Олий давлат органлари муносабатларидаги эволюцион тараққиёт ижро ҳокимиятининг кучайиб бориши анъаналари билан тавсифланади.

Аммо конституцияларда бу ҳол ҳозирча тўғридан-тўғри кўзга ташланмайди.

Ҳукумат ваколатлари кенгайиб бораётганлиги сабабли конституцияларда қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимияти ўртасидаги муносабатлар янада аниқроқ тартибга солинмоқда. Ҳукуматнинг барқарорлигини таъминлашга йўналтирилган нормалар ҳам пайдо бўлмоқда.

Масалан, иккинчи жаҳон урушигача қабул қилинган конституцияларда ҳукуматнинг истъефога кетиши учун деструктив ишонмаслик вотумининг билдирилиши кифоя деб белгилаб қўйилганди.

Бунда ҳукумат истъефога кетиши учун парламентда, одатда қуйи палатада, янги ҳукумат бошлиғи лавозимига номзод кўрсатмасдан ҳам кўпчилик салбий овоз бериши етарли эди.

ГФРнинг 1949 йилда қабул қилинган Асосий Қонунида эса конструктив вотум назарда тутилган. Унинг 67-моддасида айтилишича, Бундестаг Федерациянинг янги Канцлерини (ҳукумат бошлиғини) сайлагандан кейингина эски Канцлер истефога чиқади.

XX аср конституцияларида, айниқса Иккинчи жаҳон урушидан кейин қабул қилинган конституцияларда давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий органлари мақомини, давлатнинг ижтимоий ва иқтисодий фаолиятини тартибга солувчи нормалар кўзга ташланади. Бу давлатнинг ижтимоий ҳаётдаги тартибга солувчи роли кучайиб бораётганлигидан далолат беради. Масалан, Франция Республикасида

1946 йилдаги конституциясида Иқтисодий Кенгашга тўлиқ бир боб бағишланган.

Италия Республикасининг 1947 йилдаги конституциясида Иқтисод ва меҳнат миллий кенгаши хусусида нормалар (99-модда), Германиянинг Асосий Қонунида эса Федерациянинг умумий манфаатларни амалга оширишда иштирок этиши (91-а моддаси) ҳамда иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда иштирок этиши хусусида нормалар бор. 1978 йилда қабул қилинган Испания Конституциясига эса ижтимоий ва иқтисодий сиёсатнинг асосий тамойилларига бағишланган бутун бир боб киритилган.

##### 5. Конституциянинг амал қилиши.

Конституциянинг амал қилиши бир қанча жиҳатлар (аспектлар) бўйича кўриб чиқилади. Биринчи аспект Конституциянинг вақт бўйича амал қилишидир. Конституция асосан унинг хулосавий қоидаларида, баъзан эса унинг учун махсус чиқарилган Қонунда кўрсатилган вақтдан бошлаб амал қила бошлайди. Агар у вақтинчалик амал қиладиган Конституция бўлса доимий Конституция Қонуний кучга киргунга қадар амал қилади. Қоида бўйича Конституция мамлакатнинг бутун ҳудудида бир вақтда амал қила бошлайди. Агар мамлакат ҳудудига яна қандайдир бошқа ҳудудлар қўшилса, улар қўшилган ёки махсус ҳудудий ҳужжатларда кўрсатилган вақтдан бошлаб Конституция уларнинг ҳудудида ҳам амал қила бошлайди. Масалан, ГФР нинг 1949 йилда қабул қилинган Асосий Қонун унинг 23-моддасидаги қоидага мувофиқ аввалги Гарбий Германия ҳудудида амал қиларди. 1990 йилда Шарқий Германия ГФР га қўшилганидан кейин, Асосий Қонун унинг ҳудудида ҳам амал қила бошлади.

Конституциянинг амал қилишининг иккинчи аспекти (жиҳати) унинг шахслар доираси бўйича амал қилишидир. Маълумки, Конституция давлатнинг барча органлари учун бир хилда мажбурийдир. У ушбу давлат ҳудудидаги барча шахслар, муассасалар ва ташкилотлар учун, шунингдек, ушбу давлатнинг хориждаги барча фуқаролари, юридик шахслари, муассасалари ва ташкилотлари учун ҳам мажбурийдир.

Чет мамлакатлар ва халқаро ҳукумат ташкилотлари унинг умумтанолинган тамойилларга ва халқаро ҳуқуқ нормаларига зидқилладиган қисмлардан бошқа барча қоидаларни тан оладилар ва ҳурмат қиладилар.

Конституция нормаларининг бевосита амал қилиши масаласи ҳам жуда муҳим аҳамиятга эга. Бир қатор Конституцияларда бундай амал қилиш назарда тутилган. Масалан, Болгария Республикасининг 1991 йилда қабул қилинган Конституциясининг 5-моддаси, 2-қисмида шундай дейилади:

«Конституция қоидалари бевосита амал қилади».

Ўз-ўзидан ижро этиладиган нормалар ҳам мавжуд, уларнинг бевосита амал қилиш хусусида ҳар қил шубҳалар бўлиши мумкин ҳам эмас. Масалан, Япония Конституциясида «Илмий фаолият эркинлиги кафолатланади», деб мустаҳкамлаб қўйилган. Агарда биронта илмий ходимга у танлаган илмий тадқиқот йўналиши боис ёки ўз илмий ишининг натижаларини эълон қилганлиги сабабли, қандайдир тазйиқлар ўтказилса, у ўзининг конституциявий эркинлигига ишора қилган ҳолда судга мурожаат қилиши мумкин. Ўша Конституциянинг 6-моддасида айтилишича, «Император кабинет тақдимига биноан Олий Суднинг Бош судьясини тайинлайди». Бу норма, ўз-ўзидан кўриниб турибдики, амалга оширилишида ҳеч қандай аниқлаштирилишга муҳтож эмас. Бироқ ўша конституциянинг 47-моддасида шундай дейилади: «Кўриниб турибдики, ушбу норма ишора қилиш характериға эга. Тегишли қонун бўлмаса, Парламент аъзолари қандай тартибда сайланишини аниқлашнинг иложи бўлмайди». Шундоқ экан, махсус қонунсиз сайлов ўтказиш ҳам мумкин бўлмайди.

Демак, бу нормани бевосита амал қилади деб бўлмайди. Социалистик мамлакатларда эса конституция асосан сиёсий ҳуқуқий ҳужжат ролини ўйнайди. Унда эълон қилинган тамойиллар давлат органлари ва мансабдор шахсларни ўша тамойилларни бажаришга бевосита бурчли қилмайди. Собиқ Иттифоқ даврида Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқларим поймол қилинмоқда деб судга мурожаат қилиш мумкин эмас эди, зеро биронта қонун, фармойиши ёки яхшироғи вазирликнинг ўша муаммоға таалукли буйруқи бўлмаса суд имкониятни, мурожаатни қилмасди, бундан ташқари суд қарорларида ҳам Конституцияға ишора қилинмасди. ГФР Асосий Қонунидаги 1-модданинг, 3-қисмидаги қоида алоҳида эътиборға лойиқдир.

Унда айтилишича, «қуйидаги асосий ҳуқуқлар қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятини бевосита амал қилувчи ҳуқуқлар сифатида бажаришға бурчли қилади, яъни шундан кейин келадиган 19 та моддада мустаҳкамлаб қўйилган асосий ҳуқуқлар ҳеч қандай

бошқа қонун, буйруқ ёки фармойиш чиқарилмасдан ҳам бажарилиши, амалга оширилиши мажбурийдир».

2-§ Конституциянинг шакли ва тузилиши.

Конституция шакли.

Конституциянинг шакли конституция нормаларини ташкил этиш ва ифодалаш усулидир. Конституция битта ёки бир неча норматив ҳужжатлардан иборат бўлиши мумкин.

Испания Конституциясини, Мексика қўшма штатлари сиёсий конституциясини яхлит ва ягона конституциявий ҳужжат деб аташ мумкин. Швеция конституцияси эса тўртта норматив ҳужжатдан ташкил топган. Давлат қурилиш асослари, асосий эркинликлар ва ҳуқуқлар ҳамда давлат органлари тизими тартибга солинган. 1974 йилда қабул қилинган бошқарув шакли.

1810 йилда чиқарилган тахтни мерос қилиб олиш тўғрисидаги ҳужжат, 1974 йилда қабул қилинган Матбуот эркинлиги тўғрисидаги ҳужжат ва 1991 йилда қабул қилинган фикрни ифода этиш эркинлиги тўғрисидаги Асосий Қонун унинг таркибий қисмлари ҳисобланади.

Исроил Конституцияси эса 11 та Асосий Қонунни ўз ичига олган. Асосий Қонун: 1958 йилдаги Кнессет; Асосий Қонун: Исроил улкалари (1960 йил); Асосий Қонун: Давлат Президенти (1964 йил); Асосий Қонун: Давлат иқтисодиёти (1975 йил); Асосий Қонунлар: Қуролли кучлар (1976 йил); Асосий Қонун: Қуддус-Исроил пойтахти (1980 йил); Асосий Қонун: Суд ҳокимияти (қурилиши) (1984 йил); Асосий Қонун: Давлат назоратчиси (1988 йил); Асосий Қонун: Ҳукумат (1992 йил); Асосий Қонун: Касб танлаш эркинлиги (1992 йил); Асосий Қонун: Инсоннинг кадр-қиммати ва эркинлиги (1992 йил) Исроил Конституциясини ташкил этади. Бундан ташқари Исроилда конституциявий аҳамиятга эга бўлган мустақиллик декларацияси (1948 йил), Конессет аъзолари тўғрисидаги Қонун (дахлсизлиги, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари) (1951 йил) ва хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқлиги тўғрисидаги Қонун (1951 йил) лар ҳам амал қилади.

Конституциявий характердаги барча асосий масалаларни тартибга соладиган, ягона ёзилган ҳужжат кўринишидаги конституциялар кодификацияланган конституция дейилади. Агар бундай масалалар бир қанча ёзилган ҳужжатлар билан тартибга солинса, демак улар кадификацияланмаган конституция деб аталади. Кадификацияланган конституцияларни уларнинг кадификацияланиш даражасига қараб кенгайтирилган ва кенгайтирилмаган турларга

бўлиш мумкин. Аралаш турдаги ҳолати туциялар ҳам учраб туради. Бундан ташқари ёзилмаган конституциялар мавжуд. Улар биронта ҳужжатда қайд этилмайди ҳамда маълум вақт давомида амалда булади. Масалан, биронта давлатда давлат тунтариши, революция амалга оширилган булса, янги конституция ишлаб чиқарилгунга қадар, эски жорий Қонунларнинг янги режим мохияти ва мақсадларига зид келмайдиган барча моддалари амалда бўлиб туради.

Албатта, конституцияларнинг ёзилган, аралаш ва ёзилмаган турларга бўлиниши шартлидир, зеро ёзилган конституция мавжуд бўлган мамлакатларда ҳам конституциявий одатлар амал қилиш мумкин.

### **Конституцияларнинг ички тузилиши (структураси).**

Конституцияларнинг ички тўзилиши (структураси) хусусида сўз юритиларкан, албатта кодификацияланган, олий юридик кучга эга бўлган барча нормаларни қамраб олган яхлит ва ягона ёзилган конституция назарда тутилади. Унинг ички тўзилиши асосан андозавий қуринишга эга: аввал Муқаддима, Асосий қисм ва хулосадан иборат булади. Муқаддимада одатда конституция мақсадлари баён қилинади, унинг юзага келишининг тарихий шарт-шароитлари тавсифлаб берилади, баъзан эса ҳуқуқлар ва эркинликлар ёхуд давлат сиёсатининг раҳбарий ибтидолари эълон қилинади.

Конституциянинг ушбу қисми сиёсий ва ғоявий нуқтаи назардан жуда муҳимдир. Муқаддимадаги қоидалар ҳуқуқий нормалар бўлиб ҳисобланмаса-да, бошқа қоидаларни шарҳлаш ва қўллашда норматив аҳамиятига эгадир, яъни Муқаддималар конституция нормалар шарҳланиши лозим бўлган йуналишларни кўрсатиб беради.

Конституциянинг Асосий қисмида ҳуқуқ ва эркинликлар, ижтимоий тузум асослари, давлат органларининг тизими ва статуси (даражаси) давлат тимсоллари, конституцияга ўзгаришлар киритиш тартиби туғрисидаги нормалар берилади.

Давлат органлари статуси туғрисидаги нормалар одатда ҳокимиятнинг тақсимланиши пирнципига мос равишда берилади; кўпинча аввал парламент туғрисидаги, ундан кейин суд ҳокимияти туғрисидаги ва ниҳоят маҳаллий ҳокимиятнинг ташқил этилиши туғрисидаги нормалар берилади. Баъзан эса бутунлай бошқача тартиб ҳам кўзга ташланади. Масалан, Испания Конституциясида аввал бошида давлат бошлиғи туғрисидаги, сўнгра эса конституциявий



адлия органлари тўғрисидаги нормалар берилган. Баъзан нормаларнинг берилиш тартиби давлатдаги баъзи органларнинг бошқаларига нисбатан устуворроқ нуфўзга эга эканлигини ҳам кўрсатади. Масалан, Франция конституциясининг Асосий қисмида аввало Республика Президенти тўғрисидаги, иккинчи уринда ҳукумат тўғрисидаги нормалар берилган.

Хулосавий қоидаларда турли нормалар бўлиши мумкин. Одатда хулосада конституциянинг кучга кириш тартиби, ҳокимиятнинг янгидан ташкил этилаётган органларнинг ташкил этилиш муддатлари, органик ва бошқа Қонунлар чиқарилиш муддатлари кўрсатилади.

Вақтинчалик қоидаларда бирданига амалга киритиш имкони бўлмаган конституциявий нормаларининг амалга киритилиши муддатлари, эски конституциявий нормаларнинг янгилари билан алмаштириш тартиблари ва муддатлари кўрсатилади.

Конституциянинг қўшимча қоидалари асосий қисмга қараганда бошқачароқ берилади ва улар кўпинча шарҳлаш характерида бўлади. Баъзи бир истиснолар ҳам одатда қўшимча қоидалар қисмидан жой олади.

Ёзилган, аммо кадификацияланмаган конституцияларда материални баён қилишнинг бирон-бир тизими мавжуд бўлмайди.

### **Конституцияларда тил ва услуб.**

Ушбу масала буйича турли мамлакатлар амалиётида катта фарқлар мавжуд. Тўғри, қонун тили борасида, умуман бажарилиши лозим бўлган талаблар бор, улар Асосий Қонун нуқтаи назаридан алоҳида аҳамият касб этади. Агар конституцияда у ёки бу тушунча битта маълум термин билан ифодаланган бўлса, шу конституцияга мувофиқ қабул қилинган бошқа қонунларда ҳам ўша тушунча ўша термин билан ифодаланиши шарт. Унинг синонимларини ишлатиш мумкин эмас. Акс ҳолда ҳуқуқни қулловчи гап ўша тушунча ёки бошқаси тўғрисида эканлигини англаёлмай кийин аҳволга тушиб қолиши мумкин.

Сўзларнинг ишлатилиши, қўлланиладиган услуб ҳам конституция қабул қилинаётган мамлакатнинг ҳуқуқ тизимига боғлиқдир.

Роман ҳуқуқ тизими амалда бўлагн Европа мамлакатлари конституцияларида барчага таниш бўлган сўзлар ишлатилиши, гаплар анча оддий тузилиши кузатилади. Япония Конституцияси тўғрисида ҳам шу сўзларни айтиш мумкин.

Англосаксон ҳуқуқ тизими амалда бўлган давлатларнинг конституциялари анча оғир тилда ёзилган.

Зеро, бу ҳуқуқ тизимида Европа континентал (китъавий) ҳуқуқида мавжуд бўлмаган бир қатор ҳуқуқ институтлари бор. Бундан ташқари, ҳуқуқий ҳужжатлар стилистикаси (услуоби) ҳам ўзига ҳосдир. Конституция матнлари услуби, асосан, ҳужжатларда ишлатиладиган услубдир. Аммо баъзи ҳолларда муқаддималар, хартиялар, ҳуқуқлар ва эркинликлар туғрисидаги декларацияларда юқори услуб (стил) ишлатилади. Роман ҳуқуқи тизими амалда бўлган бир қатор мамлакатларда конституциялар нормалари асосан келаси замонда ёзилади. Ҳорижий мамлакатлар конституцияларининг ўзбек тилига таржимаси масаласига келсак, бу ишлар бизда эндигина бошланмоқда. Шу сабабдан конституциялар ўзбек тилига таржима қилинаётганда сўзларнинг асосий маъноларини сақлаб қоладиган, яъни ўзида тажассум эттирган муқобилларини топишга, шунингдек услубни сақлаб қолишга ҳаракат қилиш лозим бўлади. Бундан ташқари, агар ўзбек тилида ўша сўз муқобили топилмаганда, сўзни транслитерация қилиш, яъни ўзбек ҳарфлари билан ёзиб, таржима сўнгида изок бериш маъқулроқдир, акс ҳолда таржима матни асл матндан анча чўзилиб ёки қисқариб кетиши мумкин.

3-§ Конституцияларни қабул қилиш, уларга ўзгартиришлар киритиш ва бекор қилиш.

Конституцияни қабул қилиш.

Конституционализмнинг икки юз йиллик тарихида конституциялар қабул қилишнинг бир қанча усуллари ишлаб чиқилган.

Уларнинг энг кам демократик хили "откроирование", яъни эҳсон, тақдим этишдир. Бунда конституция давлат бошлиғи, яъни монарх томонидан бир томонлама ҳужжат чиқариш йули билан тақдим, эҳсон қилинади. Утган аср бошларида бундай конституциялар «хартия» деб аталган. Масалан, 1814 йилда Людовик XVII ўз ҳокимияти асосида француз халқига шундай хартия эҳсон қилган. Унда шундай ёзилганди: «Биз ўз ихтиёримиз билан ҳамда ўзимизнинг қироллик ҳокимиятимизни эркин амалга ошириб ўз фуқароларимизга ушбу конституциявий Хартияни эҳсон қиладурмиз...»

Кейинроқ, яъни 1911 йилда Марокко Конституцияси, 1889 йилда Япония Конституцияси, 1937 йилда Абиссения Конституциялари шундай эҳсон қилинган.

Шартномавий характердаги конституциялар бирмунча бошқачароқдир. Улар илгарилари кам учраган, ҳозирги пайтларда умуман учрамайди. Одатда бундай конституциялар монарх билан бутун халқ иродасини ифода этган сайланган орган уртасидаги шартнома бўлган.

1819 йилдаги Вюртемберг Конституциясивий ҳужжат, 1689 йилдаги ҳуқуқлар туғрисидаги билль, 1709 йилдаги бошқарув туғрисидаги ҳужжат шулар жумласидандир.

Сиёсий ҳаётда халқ оммаси ролининг усиб бориши сабабли конституциялар ўтказиш йули билан қабул қилинадиган бўлади. XIX асрдан бошлаб бундай конституциялар халқ конституциялар деб аталади. Бунда таъсис мажлиси, яъни конституция лойиҳасини тайёрлашда ва халқ эътиборига ҳавола этади. Сўнгра конституция халқ билдирган фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда қайта ишланиб референдумга қўйилади ва кўп овоз бериш йули билан қабул қилишади.

Ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар, сиёсий кучлар ўзаро муносабатлардаги ўзгаришлар конституцияларга ўзгартиришлар киритилишига сабаб бўлади. Конституцияга ўзгартириш киритиш тартиби кўпинча конституция моддаларида мустаҳкамлаб қўйилади.

Давлатнинг сиёсий-ҳуқуқий қурилиши шаклининг ўзгариши ҳам кўпинча конституцияга ўзгартириш киритишга сабаб бўлади.

Мамлакатда революция ёки тинч йул билан сиёсий тузум ўзгартирилганда амалда бўлган конституция бекор қилинади. Давлат тепасига келган сиёсий кучлар ўз конституциясини ишлаб чиқади, аммо баъзан эски конституциянинг янги ҳукумат талабларига зид келмайдиган қисмлари сақлаб қолиниши мумкин. Мамлакатда бош бошдоклик авж олиб кетиши олдини олиш мақсадида янги конституция ва Қонунлар қабул қилингунга қадар эски конституция ва Қонунлар амал қилиб туради.

Кўпинча конституцияларда улар қандай ҳолларда бекор қилиниши мумкинлиги ҳам мустаҳкамлаб қўйилган бўлади.

Кўплаб конституцияларнинг композицион таркиби, улар томонидан тартибга солинадиган масалалар, ташқи шаклий кўринишлари ўхшаш бўлганлиги сабабли уларни таснифлаш мумкин. Таснифлаш уларнинг мазмун-моҳиятига чуқурроқ кириб бориш имконини беради.

Конституциялар вақтинчалик ва доимий бўлиши мумкин. Вақтинчалик конституция маълум бир муддатга мўлжаллаб

чиқарилади. Асосий конституция ишлаб чиқилгандан кейин улар бекор қилинади. Жуда кўплаб конституциялар доимий деб қабул қилинади, аммо унинг доимий деб аталиши унинг бир умр амал қилинишини англатмайди, зеро у қабул қилинганидан кейин бир йил ўтар-ўтмас, мамлакатда сиёсий тузум ўзгариб кетиши мумкин.

Мамлакатдаги сиёсий тузум моҳиятига қараб конституция авторитар ёки демократик бўлиши мумкин. Бундан ташқари мамлакатдаги бошқарув шаклига қараб, монархлик ёки республикавий конституциялар бўлиши мумкин.

Юкорида эса биз конституцияларнинг ёзилган, аралаш ва ёзилмаган турларини ҳам кўриб ўтгандик. Федератив давлат конституцияси федератив конституция деб, Унитар давлатнинг конституцияси унитар конституция деб аталиши мумкин.



Èñòáúîē÷èларііā āāēàò òîîîēāāí ¾èîŷēàíèèè (Èñîàíēŷ ēîîñòèòóöēŷñè 51-ì).

**9-мавзу.Сиёсий ва маънавий-маданий муносабатлар ижтимоий тузумнинг таркибий қисми сифатида.**

Ñè, ñèé òèçèì. Ñè, ñèé ¾îèèèèŷò. Ñè, ñèé âà ¾ó°ó°èè ìāāàíèŷò. Ñè, ñèé ìàðòèŷèàð, Æàîîàò òàøèèèîèàðèèèā ñè, ñèé òèçèìāà тутган çðìè. Ìàънавий-ìàданий муносабатлар òóøóí÷àñè. Таълим. Ôàí àà ìāāàíèŷò (Òóíèñ ēîîñòèòóöēŷñè. 1959 é. 1-ìод.). Диний муносабатлар.







келади. Яшаш ҳуқуқи, эркинлик ва бахт-саодат сари интилиш ҳуқуқи ана шулар жумласига киради. ...агар бирор давлат тузуми бу ҳуқуқни бузса, халқ уни ўзгартириши ёки бекор қилиши ва шундай янги тузум барпо қилиши керакки, у энг яхши ҳолатда халқ хавфсизлиги ҳамда унинг тинч-осойишта ҳаёти таъминланадиган принципларга асослансин”.

Шундай қилиб, XVIII асрда эркинликни табиий-ҳуқуқий тушуниш ҳужжатларда мустаҳкам ифодасини топа бошлади.

Фуқаролик ҳуқуқи эса фуқаролик факти билан боғлиқ бўлиб, шахснинг муайян давлатга, сиёсий ҳамжамиятга мансублигини англатади. Фуқаролик деганда, жисмоний шахснинг маълум бир давлат билан барқарор ҳуқуқий алоқаси тушунилади. Бунда жисмоний шахс ва давлатнинг бир-бирига нисбатан ҳуқуқлари ва мажбуриятлари мавжуд қонунларда ўз ифодасини топади. Бу ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар давлатнинг конституцияси ва миллий қонунчилигида белгилаб қўйилади. Улар амалдаги халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқлаштирилиши талаб этилади. Бу ҳуқуқий муносабатлар инсоннинг дунёга келиши билан боғлиқ бўлиб, унинг қаерда бўлиши ва яшашидан қатъи назар бутун умри давомида сақланиб қолади. Айнан шу фуқаролар давлат ва давлат ҳокимиятини авлоддан авлодга мерос бўлиб қолишини таъминлайди. 1789 йилда инсон ва фуқаролар ҳуқуқи баён этилган Француз Декларациясида бу ҳар икки субъект (инсон ва фуқаро)нинг ҳуқуқий ҳолатига оид нормалар ўз ифодасини топган. Жумладан унда шундай дейилган: “Одамлар ҳуқуқий жиҳатдан эркин ва тенг бўлиб туғилади. Ҳар бир давлат иттифоқининг мақсади инсоннинг табиий ва ажралмас ҳуқуқини таъминлашдан иборатдир”.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 1948 йил 10 декабрда инсоннинг асосий (сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий) ҳуқуқлари ва эркинликлари белгилаб берилган тарихий ҳужжат – инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясини қабул қилди. Декларация 30 моддадан иборат бўлиб, унинг биринчи моддасида “Барча одамлар эркин, қадр-қиммат ва ҳуқуқларда тенг бўлиб туғилдилар. Уларга ақл ва виждон ато қилинган, бинобарин улар бир-бирига нисбатан биродарларча муносабатда бўлишлари керак” дейилган.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин инсон ҳуқуқи муаммолари дунё аҳамиятига эга эканлигини жаҳон ҳамжамияти англаб етди. Бу муаммо фақат бир давлатга тегишли бўлиб қолмай, балки халқаро

аҳамият касб этаётганлиги, бунинг натижасида конституциявий ҳуқуқ аста-секин халқаро стандартлар даражасига кўтарилаётганлиги маълум бўлди.

1966 йилда БМТ Бош Ассамблеяси Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида Халқаро Пакт, шунингдек иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида Халқаро Пакт каби хужжатларни қабул қилди. Бу ҳуқуқий актларда инсон ва фуқаро ҳуқуқи мукамал баён этиб берилди.

Шундан сўнг инсон ҳуқуқи бўйича ҳамда 1984 йилда иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича Қўмиталар ташкил этилди. Бу ҳар икки Пакт инсон ва фуқаролар ҳуқуқининг ўзига хос халқаро Кодекси деб қабул қилинди. Қатнашчи давлатлар ушбу Пактларда назарда тутилган ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлаш юзасидан зарур қонуний тадбирлар кўриш мажбуриятини ўз зиммаларига олдилар.

1993 йилда қабул қилинган Россия Федерацияси Конституциясида “инсон, унинг ҳуқуқи ва эркинликлари олий қадрият. Инсон ва фуқаро ҳуқуқи ва эркинликларини эътироф этиш, унга риоя этиш ва ҳимоя қилиш мажбуриятини давлат ўз зиммасига олади” (2-модда) дейилган.

Қозоғистон Республикаси Конституциясининг 2-модда 2-бандида “Республика хориждаги ўз фуқароларининг ҳимоясини ва ҳомийлигини кафолатлаши”ни таъкидлайди.

Инсон ҳуқуқи, эркинликлари ва мажбуриятларини мазмунан бир неча гуруҳларга бўлиб ўрганиш мумкин. Буларга шахсий ва фуқаролик ҳуқуқи, сиёсий ҳуқуқлар, ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқлар, маданий ҳуқуқларни киритиш мумкин.

Инсон ва фуқаролар ҳуқуқларини бундай тартибланиш юқорида баён этилган Халқаро Пактларга мувофиқ келади. Кўпчилик давлатларда инсон ҳуқуқи, эркинликлари ва мажбуриятларига оид асосий принциплар конституциявий жиҳатдан мустаҳкамланиб қўйилган.

Эркинлик – ҳар бир шахснинг табиий ҳуқуқи бўлиб, уни ҳимоя қилиш барча давлатларнинг вазифасидир. Инсон дунёда яшар экан, еб-ичиши, кийиниши, уй-жойли бўлиши, оила қуриши, хордиқ чиқариши, даволаниши, маънавий эҳтиёжларини қондириши, жамиятнинг сиёсий ҳаётида иштирок этиши зарур. Булар унинг инсон сифатида яшашининг зарур шарти, табиий эҳтиёжларидир.

Мажбурият - кўпгина давлатлар инсон ва фуқаролар мажбуриятларини фарқлайдилар, масалан, мажбурий харбий хизмат.

Баъзан айрим ҳуқуқлар фанда позитив ҳуқуқлар деб ҳисобланади. (масалан, фуқаронинг сайлаш ҳуқуқи ёки инсонларнинг қонун ва конституцияга риоя қилиш мажбуриятлари). Бу ҳуқуқ ва мажбуриятлар давлат томонидан, шу жумладан суд тартибида ҳам таъминланади. Бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятлар, конституцияда ёзилган бўлсада, ахлоқий ҳисобланиб, суд томонидан бевосита ҳимоя қилинади.

Халқаро ҳуқуқ ва шахснинг ҳуқуқий мақоми. Хозирги кунда шахснинг, маълум ҳолларда фуқаронинг (масалан, сайлов ҳуқуқи масалалари бўйича) ҳуқуқий мақоми масаласи асосан халқаро ҳуқуқ, унинг эътироф этилган тамойиллари ва меъёрлари билан белгиланади. Давлат томонидан ратификация қилинган халқаро ҳужжатлар бевосита қўлланиши ва мамлакат судлари томонидан унинг ички ҳуқуқи сифатида таъминланиши мумкин.

Халқаро ҳуқуқ қуйидагиларни белгилаб беради:

1) мамлакатнинг шароитларини ҳисобга олган ҳолда ички конституциявий қонунчилик инсон ва фуқаронинг халқаро стандартларга мувофиқ келадиган ҳуқуқ ва эркинликларини ўз ичига олиши лозим;

2) ички қонунчилик халқаро ҳужжатларида қайд қилинган инсоннинг асосий ҳуқуқлари ва умуминсоний қадриятларга қарама-қарши бўлмаслиги лозим;

3) мутлоқ эркинлик ва мутлоқ ҳуқуқлар бўлмайди; улар қонун асосида ва фақат конституция, халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ тарзда, аниқ белгиланган мақсадлар учун чекланиши мумкин;

4) ҳуқуқларни суъистемол қилиш, яъни уларни бошқа юридик ёки жисмоний шахслар ҳуқуқларини бузиш мақсадида қўллаш қатъийан ман қилинади;

5) шахс ҳуқуқи бошқа шахслар ҳуқуқи билан чекланган;

б) ҳуқуқ ва эркинликлар мамлакат шароитидан келиб чиққан ҳолда ҳуқуқий, моддий кафолатланиши лозим.

## **2. Фуқаролик ва чет эл фуқаролари (тартиби) режими**

Фуқаролик – инсоннинг давлат билан барқарор ҳуқуқий алоқаларини англатади. Бу алоқа фуқаро билан давлатнинг ўзаро бурч ва мажбуриятларига асосланади. Фуқаролик мақомига эга бўлиш инсон учун тўла маънода ўз ҳуқуқи ва эркинликларини амалга

ошириш ва олган барча мажбуриятларини бажариш имкониятини беради. Айни вақтда давлат ҳам фуқароларга нисбатан олган мажбуриятларини тўла-тўқис бажариши лозим.

Хорижий давлат конституцияларида фуқароликнинг асосий қоидалари ўз ифодасини топган. Мазкур масалаларни аниқ тартибга солиш, яъни фуқароликни олиш, ўзгартириш ва тўхтатиш масалалари белгилаб қўйилган қонунлар воситасида амалга оширилади.

Бунга хорижий фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар, қочоқлар, сиёсий бошпана бериш тўғрисидаги ҳуқуқий қоида нормалари ҳам киради. Фуқароликни олишни бир неча усуллари мавжуд. Булар жумласига туғилганлик бўйича олиш, фуқароликка қабул қилиш; фуқароликни тиклаш; фуқароликни танлаш каби ҳолатлар киради. Хорижий мамлакатларда никоҳга ўтиш ёки бошқа асосларда фуқароликни олиш камдан кам учрайди.

Туғилганлик бўйича (филиация йўли билан) фуқароликни олиш асосий усул ҳисобланади. Бунга икки хил муносабатни кўриш мумкин, биринчиси “қон ҳуқуқи” деб номланади. Унга кўра бола қаерда туғилганидан қатъий назар ота-онасининг фуқаролигини олади, иккинчиси – “тупроқ ҳуқуқи” дейилади. Бунга кўра бола қайси давлат ҳудудида туғилган бўлса, ота-онасининг фуқаролигига қарамай, ўша давлат фуқаролигини олади.

Фуқароликка қабул қилиш хорижликнинг аризасига мувофиқ амалга оширилади ва у натурализация деб аталади. Бу жараён мамлакатда маълум муддат яшаш, унинг тилини билиш, яшаш учун маблағ мавжудлиги ва бошқалар билан боғлиқ равишда амалга оширилади. Баъзи давлатларда натурал фуқароларга туғилишига кўра фуқароликни олган шахсларга маълум фарқлар мавжуд. Бундай фарқни АҚШда кузатиш мумкин. АҚШ Конституциясига мувофиқ Президентликка номзод шу мамлакатда туғилган бўлиши керак. Конгресс аъзоси ва сенатор бўлиш учун АҚШда етти-ўн йил фуқаролик стажига эга бўлиш талаб қилинади.

Фуқароликни тиклаш жараёни илгари мазкур мамлакат фуқаролигида бўлган шахсларга нисбатан қўлланилади.

Фуқароликни танлаш маълум бир ҳудуд бир давлатдан иккинчи давлатга ўтган ҳолатларда қўлланилади. Бунда ушбу ҳудудда яшаганларга ҳоҳлаган давлат фуқаролигини танлаш ҳуқуқи берилади.

Фуқароликни бекор қилиш турлари бир қанча: булар фуқароликдан чиқиш (рад қилиш): фуқароликни йўқотиш:

фуқароликдан маҳрум қилиш; оптация (муайян ҳудуднинг у ёки бу давлатга тегишлилиги ўзгарганда фуқароликни танлаш масаласи) ва бошқалар.

Фуқароликдан чиқиш фуқаронинг аризасига асосан тегишли давлат органлари томонидан расмийлаштирилади.

Фуқароликни йўқотиш фуқаро томонидан қонунга зид ҳаракат содир этганда, масалан бошқа мамлакатнинг давлат хизматида бўлиши натижасида юзага келади.

Фуқароликдан маҳрум этиш – маълум бир давлат фуқаролигини олиб , сўнг нотўғри ҳаракат содир этган шахсга нисбатан ушбу давлат томонидан қўлланилган бир томонлама чора. Масалан, бундай ҳаракат қилган натурал фуқаро мамлакатдан чиқариб юборилади.

Жаҳон тажрибасида фуқаролик масалаларини ҳал этишда фуқаролиги йўқ шахслар ва кўп фуқаролик деган иборалар ҳам мавжуддир. “Фуқаролиги йўқ шахслар (яъни ватансиз кишилар) апатридлар деб аталади”<sup>1</sup>. Бундай фуқаролар одатда маълум бир давлат билан алоқаси йўқлиги сабабли бирон-бир мамлакатга қарашли бўлмайди.

Фуқаролиги йўқ шахсларга апатридлар ёки апалидлар мақоми берилган бўлиб, улар оддий фуқаролар ва ҳатто чет элликлар мақомидан фарқ қилади. Чунки улар яшаб турган мамлакатда сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар, мажбурятларнинг айримларига эга бўладилар.

Фуқаролиги йўқ шахсларнинг мулкӣ ҳуқуқларига келсак одатда уларга кўпгина далаатларнинг қонунларида чеклашлар белгиланмаган. Масалан, Улар битимлар тузиши, ер сотиб олиши, меҳнат қилиши мумкин. Асосан давлат органларидан рўйхатдан ўтган бўлишлари шарт.

Энг муҳими ҳудудда амалда бўлган қонунлар талаблари асосида яшашлари лозим. Баъзи ҳолларда улардан шу мамлакатнинг ҳудудидида яшаш ҳуқуқини берадиган ҳужжатни (апатрид учун яшаб туриш мумкинлиги тўғрисидаги доимий ҳуқуқни бериб турувчи “зангори карта”) олишлари талаб этилади. Фуқаролиги йўқ шахслар кўпинча сиёсий мухожирлар бўлишади, чунки бундай тоифага кирувчи одамлар ўз мамлакатларидан сиёсий қонун бузарликлар содир этганликлари учун жавобгарликдан қочган ёки сиёсий дунёқарашлари учун таъқиб қилинаётган бўлади. Бундай шахслар одатда фуқароликни қабул қилишни хоҳлашмайди, сабаби улар

---

ўзларини ноҳақ ўз фуқаролигидан маҳрум қилинган деб ҳисоблашади.

Фуқаролик тушунчасининг маъноси жуда кенг белгиланган бўлиб, бундан ташқари айрим хорижий давлатларда икки ва кўп фуқаролик ҳолатлари ҳам мавжуд.

Икки ёки кўп фуқаролик (бипадрид)

Бу тушунча шахсининг бир вақтнинг ўзида икки ёки ундан ортиқ давлат билан сиёсий-ҳуқуқий алоқада бўлишини белгилайди. Масалан: Колумбия ва Боливия фуқаролиги. Икки ёки кўп фуқаролик айниқса Жанубий Америка, Лотин Америкаси мамлакатларида кўп учрайди. Мексика ҳудудида Австрия фуқаролари ҳисобланган ота-онадан туғилган бола Мексика Конституцияга биноан Мексика фуқароси, Австрия Конституциясига биноан эса Австрия фуқароси ҳисобланади.

Польшада Республика Президенти (1918-1939 йил) Польша фуқаролигидан ташқари, Швейцария фуқаролигига ҳам эга бўлган, шу сабабли гитлер босқинчилари Польшага бостириб кирган пайтдан у Швейцарияга қочиб кетган. 1990 йилда Президентликка номзод бўлган, бизнесмен шахс ҳам Польша ва Канада фуқаролигига эга бўлган, ҳамда у доимий равишда Перу давлатида яшаган.

Икки ёки кўп фуқаролик дунёнинг кўп мамлакатларида тан олинмайди. Улар бундай ҳолатга салбий назар билан қарашади, чунки бундай ҳолат давлатнинг ягоналигига, мустақамлигига ва яхлитлигига хавф солиши мумкин. Лекин баъзи бир мамлакатларда икки томонлама фуқароликни ўрнатиш тўғрисида махсус шартномалар тузилиши мумкин. Шунини таъкидлаб ўтиш жоизки, икки фуқароликка эга бўлган шахсларни ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари тўлиқ таъминланмаслиги мумкин, чунки шахс қайси давлатнинг қонунларига бўйсиниши, ҳуқуқ ва эркинликлардан қандай фойдаланиши, қайси давлат олдидаги бурчларни бажариши лозимлиги масаласи мураккаб муоммоларни келтириб чиқаради, Масалан: ҳарбий хизматни ўташ. Иккифуқароликка эга бўлган шахсларда ҳатто оғиш ҳоллари ҳам учраши мумкин.

Икки ёки кўпфуқаролик бу кам учрайдиган ҳолат. Давлатлар кўпинча икки томонлама фуқароликни тан олиш ҳақида эмас, балки уни бартараф этиш йўллари кўзлайдиган битимларни тузишга ҳаракат қилади.

Назарий ва амалий жихатдан ўз ечимини топиши лозим бўлган ҳозирги замон муоммоларидан бири бу икки ёки кўпфуқаролик

ҳисобланади. Баъзи бир доирадаги шахслар иккифуқаролик қонунларини қабул қилиш ҳолатини илгари суришга ҳаракат қилади. Гўёки ягона фуқаролик инсон ҳуқуқларини чеклайди, аслида эса бундай ҳолат халқаро ҳуқуқий мезонларга тўғри келмайди ва турли давлатлар ўртасида қатор қийинчиликлар туғдиради.

Хорижликларнинг ҳуқуқий мақоми. Мазкур мамлакатларда яшаётганлар ҳуқуқий ҳолати билан тенглаштирилади, аммо баъзи қонунларда мустасно шартлари мавжуд. Буларга ҳарбий хизматга чақирилмаслиги: сайловда иштирок этмаслиги, давлат лавозимларида ишламаслиги, баъзи объектларни мулк қилиб ололмаслиги киради. Масалан, Мексика Конституциясида сиёсий ишларга хорижликнинг аралашуви таъқиқлаб қўйилган. Болгария Конституциясига кўра, хорижлик ер сотиб олиш ҳуқуқига эга эмас.

Хорижий давлатларнинг баъзи конституцияларида хорижликларга сиёсий бошпана бериш назарда тутилган. Германия, Италия Конституциялари бунга мисол бўла олади.

Умуман Хорижликларнинг ҳуқуқий мақоми махсус қонунларда аниқ тартибга солинган.

Кўпгина хорижий мамлакатлар конституциясида шахсий ҳуқуқлар ҳам мустаҳкамлаб қўйилган. Булар орасида қуйидагилар кенг тарқалган:

яшаш, эркинлик, дахлсизлик, шахсий ҳаётининг эркинлиги ва бошқалар

эркин фикрлаш ва эътиқод эркинлиги;

шахсий ҳаёти ва ёзишмаларини сир сақлаш, яшаш жойининг дахлсизлиги;

эркин ҳаракат қилиш, кўчиб юриш, давлатдан четга чиқиш ва қайтиб келиш.

Шахсий ҳуқуқлар суд ҳимояси ва одил судлов билан боғлиқ: айбсизлик презумпцияси, ўлим ҳукмининг таъқиқланиши, қўлга олинган ва ҳукм қилинганлар кафолати ва ҳуқуқини мустаҳкамлаш ва бошқалар.

Хорижий мамлакатлар конституциясида сиёсий ҳуқуқларга қуйидагилар киритилган:

- сайлаш ҳуқуқи, шу жумладан фаол сайлов ҳуқуқи, яъни сайлаш ҳуқуқи, пассив сайлов ҳуқуқи, яъни сайланиш ҳуқуқи, сайлов органларини шакллантиришда қатнашиш ҳуқуқи. Мексика Конституциясида сайловда овоз бериш мажбурияти кўрсатилган.

бирлашма, уюшма ва ассоциацияга кириш ҳуқуқи;

Йиғилиш ва манифестацияда иштирок этиш. Баъзи давлатларда манифестация, намойиш, юришлар, пикетлар ўтказиш учун рухсат сўраш тартиби белгиланган. 1953 йилда Германия Федератив Республикасида йиғилишлар, юришлар тўғрисида қонун қабул қилинган.

Эркин хабар тарқатиш, эркин фикрлаш, сўзлаш, эркин матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситалари шулар жумласига киради.

Петиция (арзнома) ҳуқуқи. Бу ҳокимиятга ариза, шикоят ва таклифлар билан чиқишларни ўз ичига олади.

Жабр-зулмга қарши кураш ҳуқуқи биринчи марта французларнинг инсон ва фуқаролар ҳуқуқи Декларациясида ва АҚШнинг мустақиллик Декларациясида (1776 й) мустаҳкамлаб қўйилган эди. Германия Федератив Республикаси ва Португалия Конституцияларида ҳам жабр-зулмга қарши кураш ҳуқуқи ўз ифодасини топган.

Ҳозирги замон хорижий мамлакатлар конституцияларида фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари мустаҳкамлаб қўйилган. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пактда мазкур масалалар умумлашган тарзда ўз ифодасини топган. Бу ҳуқуқлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

Хусусий мулкка эгалик ҳуқуқи. Иккинчи жаҳон урушидан кейин қабул қилинган конституцияларда бу ҳуқуқни мустаҳкамлаган ҳолда мулкларни умумлаштириш имкониятлари назарда тутилади, хусусий мулкни миллийлаштиришга оид қоидалар мавжуд эди.

Эркин тадбиркорлик ва бозор муносабатлари ҳуқуқи, Испания, Хорватия конституцияларида хўжалик ташаббускорлиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Эркин меҳнат қилиш ҳуқуқи. Бу нормалар кейинги ўн йилликларда хорижий мамлакатлар конституцияларида пайдо бўлди. Масалан, Испания, Италия Конституцияларида меҳнат қилиш ҳуқуқи мустаҳкамланган. Баъзи бир хорижий конституцияларда мажбуран ишга жалб қилишни таъқиқлавчи нормалар мавжуд, иш ташлаш ҳуқуқлари мустаҳкамланган.

Тоза атроф муҳитдан фойдаланиш ҳуқуқи бир қатор конституция қоидаларига киритилган. Масалан, Испания конституциясида ҳамма ўз шахсини ривожланишига қулай бўлган атроф муҳитдан фойдаланиш ҳуқуқига эгаллиги айtilган.



Соғлиқни сақлаш ҳуқуқи. Бу ҳуқуқдан фойдаланиш, қоидага кўра, суғурта ва давлат тиббиёти билан бирга амалга оширилади.

Таълим олиш ҳуқуқи, кўплаб конституцияларда эркин таълим олиш тўғрисида қоидалар мавжуд. Масалан, Бельгия конституциясида мактабни тугатганга қадар таълим олиш бепул эканлиги таъкидланган: Германия Федератив Республикасининг Асосий Қонунида барча мактаб ишлари давлат назоратида эканлиги айтилган. (7-модда).

Эркин ижод қилиш, маданий бойликлардан фойдаланиш ҳуқуқи ҳам хорижий конституцияларда мустаҳкамланган.

Бир қатор хорижий конституцияларда ижтимоий суғурта ҳуқуқи, обод турар жойга эгалик ҳуқуқи, санъат ва фан билан эркин шуғулланиш ҳуқуқи, истеъмолчилар ҳуқуқи каби ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлар мустаҳкамланган. Шунини таъкидлаш керакки, иккинчи жаҳон урушидан кейин ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларни конституцияларда мустаҳкамланишига алоҳида аҳамият берилди.

### Сиёсий ҳуқуқ, эркинлик ва бурчлар

Сиёсий ҳуқуқ-ижтимоий-сиёсий ҳаётда, давлат органларини шакллантиришда, давлат ҳокимиятига босим ўтказишда иштирок этишни ангатади. Сиёсий ҳуқуқ тўғрисидаги конституциявий таърифга келсак, амалда у фикрларни эркин ва ошқора билдириш, изҳор этиш маъносини англатади. Барча давлат фуқоролари бу ҳуқуқдан яқка тартибда ёки жамоат билан биргаликда фойдаланади. Сиёсий ҳуқуқнинг шахсий ҳуқуқдан асосий фарқи шундаки, унинг асосий қуринишлари фақат мамлакат фуқороларига тегишли булади. Сиёсий ҳуқуқ фуқоро вояга етган вақтдан бошлаб амалга оширилади, Россия Федерацияси Конституциясининг 60-моддасида «Россия Федерацияси фуқоролари 18 ёшдан ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини мустақил равишда тула туқис амалга ошира бошлайди» дейилган.

Эркин фикрлаш, сўзлаш ва матбуот эркинлиги сиёсий ҳуқуқнинг асосий қуринишларидан бири булиб, у жаҳон мамлакатлари Конституцияларида ўз ифодасини топган.

Эркин матбуот ва информация аслида демократиянинг асосий белгиси ҳисобланади. Демократиясиз на фуқаролик жамияти жамияти, ва на ҳуқуқий давлат қуриб булмайди. Шунинг учун жаҳондаги кўплаб ривожланган давлатлар конституцияларида эркин матбуот масалалари тула ўз ифодасини топган. Жамоат

бирлашмаларига уюшиш ҳуқуқи фуқороларнинг энг кенг қамровли сиёсий ҳуқуқларидан булиб, фуқоролар сиёсий ҳаётининг асосий жиҳатини ташкил этади. Унинг асосий мақсади ҳар бир фуқорони сиёсий ва ижтимоий ҳимоя билан таъминлашдан иборат. Шунинг учун ҳам Россия Федерацияси Конституциясининг 30-моддасида «Россия Федерациясининг ҳар бир фуқороси бирлашиш ҳуқуқига эгадир», дейилган.

«Козоғистон Республикаси фуқоролари эркин бирлашиш ҳуқуқига эга. Жамоат бирлашмалари фаолияти қонун билан тартибга солинади». Бундай Конституциявий қоида жаҳондаги куплаб давлатлар Конституциясига киритилган.

Испания Конституциясида жамоат бирлашмаларини ташкил этилиши ва фаолияти демократик принципларга бўйсундирилган булиши кераклиги таъкидланган. Жамоат бирлашмаларига лицензия, фаолият кўрсатиш учун рухсатнома олиш талаб этилмайди. Аммо мавжуд бирлашма устави рўйхатидан ўтказилиши шарт ва регистраторга . одатда Адлия Вазирлигига тақдим этилиши, ўзининг молиявий ҳолати тўғрисида маълумот берилиши зарур. Давлатнинг жамоат бирлашмалари фаолиятига аралашувига ман этилади, аммо ўз навбатида жамоат бирлашмага ҳам давлат органлари ваколатини ўзлаштиришга йул қуйилмайди. Жамоат бирлашмаларини тугатиш эса ўзини-ўзи таркатиш ёки суднинг қарори билан амалга оширилади.

Фуқороларнинг энг муҳим сиёсий ҳуқуқи эркин йиғилиш ва митинглар, ўтказиш кучада намоёиш ўтказишдан иборатдир.

Купгина мамлакатлар Конституциясида йиғилишлар осойишта ва қурол ишлатмасдан ўтказилиши таъкидланган. Йиғилишлар берк биноларда ўтказилса ҳокимият рухсати талаб этилмайди. Агар йиғилиш катнашчилари томонидан тартибсизликка йул қуйилиши эҳтимоли булса, полицияга бу ҳақда огоҳлантирилади.

Агар йиғилиш кучада, майдонда, паркда ўтказилса бошқа одамларнинг эркинликларига дахл қилмаслиги керак. Шунингдек очикда ўтказилган йиғилишлардан ҳокимиятни олдиндан хабар қилиб қўйиш ёки ҳокимият рухсатини олиш керак. Булардан ташқари, Европа мамлакатлари икки-уч ой давомида очик майдонда ҳар қандай йиғилишларни таъқиқлаб қуйиши мумкин. Агар бундай йиғилишлар этник ва диний масалаларга бағишланган булса, жамоат тартибсизликларини келтириб чиқариши мумкин.

Қонун чиқарувчи орган мажлис ўтказадиган, давлат раҳбари резиденцияси жойлашган бинолар яқинида йиғилишларга рухсат

этилмайди. Очик майдонда ўтказиладиган йиғилишларга рухсат сўраб мурожаат килинганда хокимиятнинг маҳаллий органи ёки полицияга унинг ташкилотчилари, унда катнашувчиларнинг сони тўғрисидаги маълумот бериш керак. Куча намойиши ўтказилганда ҳам шундай маълумот талаб этилади. Пикет ўтказилганда бундай маълумотлар талаб этилмайди.

Куча намойиши ўтказишда катъий талаблар куйилади: маҳаллий орган ҳаракат йуналишини тасдиқлаб бериши ва уларнинг сонини чеклаши мумкин. Агар риоя килинмаса полиция аралашувига йул куйилади, яъни полиция куч ишлатиш оркали юришга чикканларни таркатиб юбориши мумкин.

Ривожланаётган мамлакатларда рухсат этилмаган намойишларда полиция айрим холларда қурол ва бошка техник воситаларни куллайди, бунда қурбонлар ҳам булиши мумкин.

1999 йили феврал ойида Бухарестда (Руминия) «шахтёрлар юриши»да 350 шахтёр ва полиция ходимлари жароҳат олган эди.

Пикет ўтказиш жамоат бўлиб жамаонинг ёки ўзини фикрини ошқора ифода этиш демақдир, бунда намойиш килиш ва овоз кучайтиргичлардан фойдаланилмайди, пикет уюштирганлар плакат ва бошка тасвирий воситалар билан чиқадиладар. Олий давлат хокимияти органи якинида пикет ўтказишга рухсат этилади, аммо маълум масофанинг сакланиши талаб этилади.

Арзнома билан мурожат килиш ҳам сиёсий ҳуқуқ жумласига киради. Ҳарбий хизматчилар фақат яқка тартибда арзнома килишлари мумкин. Мусулмон мамлакатларда ҳар қандай мусулмон миллат раҳбари резиденцияси ховлисига кириб, маълум куни ва соатида қабул килинишини сураб арзнома киритиши мумкин. Фуқоролар давлат хизматиға кириб ишлашда ҳам тенг ҳуқуқларға эға. Россия Конституцияси 32-моддасини 4-бандида, Россия Федерацияси фуқоролари давлат хизматиға киришда тенг ҳуқуқға эғалиги таъкидланган. Давлат хизматида иштирок этаётганлар касамёдсиз қабул килиган суд маслахатчиларига тенглаштарилар.

Сиёсий ҳуқуқлар бевосита ва ўз вакиллари оркали изҳор этилиши мумкин. Кўпчилик мамлакатларда фуқоро 18 ёшға тулганидан кейин сайлаш ҳуқуқиға эға булади. Фуқоро давлат лавозимиға қонунда белгиланган тартибда номзод қурсата олади.

Аммо суд қарори билан ҳукм килинганлар ва муомлага лаёқатсизлар сайлаш ҳуқуқиға эға була олмайдилар.

Сайлов ҳуқуқи фаол ва пассивга булинади. Сайлаш ҳуқуқига эга булганлар (18 ёш) фаол, давлат органлари ёки маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларига сайланадиганлар. пассив сайлов ҳуқуқига эга булганлар ёши ҳам Конституцияларда белгиланган. Масалан, Россияда Президентликка сайланадиганлар ёши 35 дан кам булмаслиги, Давлат Думаси депутатлигига сайланадиган номзодлар сони 21 ёш килиб белгиланган.

### 3 & Шахсий ҳуқуқ, эркинлик ва бурчлар

Аввало ҳар қандай шахснинг ҳолатини шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар гуруҳ тавсифлаб беради. Бу ҳолатлар инсоннинг табиий ҳуқуқи концепциялари билан боғлиқ. Инсоннинг бу ҳуқуқи ажралмас булиб ва айнаи чоғда уни чеклаб ҳам булмайдди. Шу сабабли инсон ҳуқуқи ва эркинлигини кафолатлаш ҳамда амалга оширишга юқори даражада аҳамият берилади. Булар жумласига энг аввало яшаш ҳуқуқини киритиш мумкин.

Бу ҳуқуқ барча халқаро ҳуқуқий актларда эълон килинган, жажон мамлакатларинингдеярли барча конституциясияларида инсоннинг ажралмас ҳуқуқи сифатида тан олинган бўлиб ,у конун билан муҳофаза килинади. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан ҳаётдан маҳрум килиниши мумкин эмас. Купгина мамлакатларда ( Словакия ) бола тугилмасдан олдин унинг ҳаёти муҳофаза килиниши конституция коидаларида мустаҳкамланган, бунга кура, хомиладор аёлларнинг аборт килдириши катъиян такикланган.

Яшаш ҳуқуқи давлатларнинг тинчликсевар сиёсат олиб боришини такозо этади.Бир катор мамлакатлар ( Япония ) ўз конституцияларида уруш килишдан воз кечганлигини эълон килдилар. Халқаро муоммоларни курул ишлатмасдан, дипломатик йуллар билан хал килишга ҳаракт кучаймокда.

Давлат жинойятчиликка, айникса террористик хужумларга карши самарали кураш олиб бориши керак. Соғликни саклашъ тизими яшаш ҳуқуқини кафолатлайди, шунингдек болалар улимининг олдини олиш, ишлаб чиқаришда бахтсиз ходисалардан сакланиш, йул транспорт ходисалари ва турли ёнгинларнинг олдини олиш ва бошқалар яшаш ҳуқуқини таъминловчи тадбирлар жумласига киради. Масалан, Россия Федерациясининг 1994 йил 21 декабрда кабул килган Ёнғин хавфсизлиги тўғрисидаги конуннинг 34-моддасида

«фуқоролар ўз ҳаётлари, соғликлари ва ёнгин чикканда мулкларни саклаш ҳуқуқига эга» дейилган.

Конституциявий шахсий ҳуқуқлар тартибида шахсинг кадр киммати алоҳида урин тутати. Турли кийноқлар, купол ва ноинсоний муомлалар, камситишлар, шахсинг розилигини олмай турли тиббий экспериментлар ўтказишга жаҳондаги ривожланган барча мамлакатлар конституцияларида қатъиян ман этилади. Шахс кадр киммати алоҳида даъво аризаси воситасида суд тартибида химоя қилинади, тухмат қилганлар устидан жиноий иш қўзғатилиши мумкин. Бунда шахс даъвоси суд тамонидан асосли деб топилса матбуот орқали кечирим сураши ва маънавий зарарни қоплаш сифатида жавобгарга муайян пул миқдорида туловга тортилиши мумкин. Конституциявий ҳуқуқ нормалари давлат органларида сакланаётган шахс тўғрисидаги маълумотларни сир саклашини назарда тутати. Бундай ҳуқуқ Болгария, Венгрия, Нидерландия ва бошқа давлатлар Конституцияларида мустақамлаб қуйилган. Маълумотлар шахсинг рухсатисиз эълон қилиниши мумкин эмас, шунингдек шахсинг интим ҳаёти ҳақида маълумот туплаш ман этилган. Диний ибодатхоналар мавжуд мамлакатларнинг Конституцияларида виждон эркинлиги эълон қилинган. Ҳар ким хоҳлаган динга эътиқод қилиши ёки эътиқод қилмаслиги мумкин. Ҳар бир шахс ўз диний эътиқодини ошқора этмаслик ҳуқуқига ҳам эга. Диндорлар диний маросимлар, ибодатларга эркин қатнашади, аммо жамоат тартибини бузмаслигини, диндан сиёсий мақсадларда фойдаланмаслиги лозим. Бирок баъзи мамлакатларда, масалан Польшада Черков давлат сиёсатига фаол иштирок этади. Диний асосда дискриминацияга йул қуйилмайди, аммо баъзи мамлакатларда диний ташкилотлар, давлат тамонидан эътироф этилган черковлар муайян имтиёзларга эга, улар давлат тамонидан қуллаб-қувватланиб туради (шимолий Ирландия ва Италия католиклари, Исроилдаги яҳудийлар, Болгария ва Греция шарқий проваслав черкови, Буюк.Британиядаги инглиз черкови, Дания лютеранлиги ана шундай имтиёзларга эга).

Шахсинг яна бир ҳуқуқи турар жойининг дахлсизлиги ҳисобланади, четдан келганлар учун хонадонга уй эгасининг рухсати билангина киришга рухсат этилади, маълум бир хонада тинтув ўтказиш, хонадаондагибирор предметни ёки хужжатни олиш фақат суднинг қарори билан амалга оширилиши мумкин. Аммо ёнгинни учиришда, жиноятчини таъқиб қилишда, бирор жиноятни олдини

олиш каби асослар мажуд бўлганда хонадонга рухсатсиз киришга йул куйилади.

Ёзишмаларни сир саклаш ҳам шахснинг конституциявий ҳуқуқига киради. Телефон, телеграф хабарлари, факс электрон почта ва бошқалар орқали юборилган маълумотлар ҳам сир сакланади. Шахсий корреспонденциялар билан танишишга судьянинг рухсати булгандагина йул куйилади ( бунда жиноят содир этганликда гумон килинган шахс ёзишмалари назарда тутилади). Телефон сўзлашувларини эшитишда ҳам шундай тартиб кулланилади. Ҳар икки ҳолатда ҳам бундай тадбирлар зарурлигига далиллар етарли бўлиши лозим. 1997 йилда АКШ судлари 2 млн. телефон сўзлашувларини эшитишга рухсат этган, 1186 шахс сўзлашувлари тингланган. Телефондаги сўзлашувларни ноқонуний эшитиш оқибатида АКШ президенти Р. Никсоннинг ракиблари 1974 йилда уни истеъфога чиқишга мажбур қилган эди.

Мамлакат худудида эркин ҳаракат килиш ва турар жой танлаш шахснинг ажралмас ҳуқуқидир. У фақат қонун асосида хорижликларга тақиқланиши мумкин (улар ҳарбий шахарчада доимий яшашлари мумкин эмас). Булардан ташқари экологик фалокат зонасида, касаллик омммавий тарқалган худудда, фавқулодда ҳодиса руй берган жойда чеклашлар булади.

Шахс ҳуқуқига эркин арз килиш жараёни ҳам киради. Одамларга ўзларининг хусусий эҳтиёжлари юзасидан Президентга, парламентга ёки маҳаллий бошқарув органларига мурожаат билан чиқишларига йул куйилади. Италияда маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларига ҳам шундай талаблар билан чиқиш қонунийлаштирилган.

Шахс хоҳлаган вақтда чет элга чиқиши, фуқоролар эса ўз ватанларига қайтишлари мумкин. Собик Иттифок даврида «чет элга кочиш» жиноят ҳисобланган. Аммо давлат сирларидан хабардорлар, айбланувчилар, камокка ҳукм килинганлар, ҳарбий хизмат ва муқобил хизматга чақирилганлар учун мамлакатдан четга чиқиш чекланган. Шахснинг конституциявий ҳуқуқи суд соҳаси билан боғлиқ. Бу судга эркин мурожаат килиш ҳуқуқи, малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи, айбсизлик презумцияси, айбланувчи ҳуқуқини ҳимоя килиш ва бошқалар шахснинг конституциявий ҳуқуқи ҳисобланади.

Шахсинг энг муҳим ҳуқуқларидан бири – эркинлик ва дахлсизлик бўлиб, у Фақат суд ҳукми буйича эркинликдан маҳрум

этилиши мумкин. Шахсни куллиқда саклаш, савдо - инсон табиатига тамоман зид ҳаракат булиб, у эндиликда халқоро жиноят сифатида талқин этилади. Тугри, айрим ривожланаётган мамлакатларда айрим қабилалар аҳолиси томонидан уйда қул саклаш ҳолатлари учрайди, ваҳоланки қонунда бу муносабатлар тақиқланган.

Шахсий дахлсизлик қонунга қура , инсонни вақтинча озодликдан маҳрум қилиш фақат маълум муддатга амалга оширилиши ва қонунда белгиланган процедурага албатта амал қилишни талаб этади. Судя санкциясига мувофиқ жиноий иш қўзғатилгандагина шахсни қамокка олиш мумкин.

Шахс томонидан жамоат тартиби бўзилганда полиция хизматчиси томонидан участкага олиб келиниши мумкин. Шунингдек, жиноят содир этганлар, терроризмда гумон қилинганлар, жингоятга тайёргарлик қураётганлар ҳам қўлга олинади. Ушлаб туриш муддати чекланган: одатда у 48-72 соатни ташкил этади (бир қатор ривожланаётган давлатларда узокрок муддат, масалан, Хиндистонда террористлар тўғрисидаги қонунга қура гумондар шахс 180 кун ушлаб турилади).

Эрон қонунига қура жиноятчи жиноят устида қулга олинганда чекланмаган муддатга ушлаб турилиши назарда тутилган.

Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқий мақоми , фақат уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларидан иборат булмай, балки унга мажбуриятлар ҳам қиради.

Конституция белгилаган асосий мажбурият бир вақтнинг ўзида ҳам инсонга, ҳам фуқарога тегишли ҳисобланади.

Биринчи гуруҳ зиммасида қуйидаги мажбуриятлар бор: конституция ва қонунга риоя этиш (хорижлик, маҳаллий аҳоли қабил қонунни билмаслигини баҳона қила олмайди); солиқ тулаш (қупгина давлатлар уртасида икки томонлама солиқ тулашни бекор қилиш тўғрисида қелишув мавжуд, унга мувофиқ фуқаро фақат ўз мамлақатида солиқ тулайди). Мамлакатда яшовчи ҳар бир шахс табиат ва атроф муҳитни асрашга табиий бойлиқларни эҳтиёт қилишга мажбур. Баъзи мамлакатларда масалан, 1997 йилда қабул қилинган Польша Конституциясининг 82-моддасида умумий мажбурият –меҳнат қилиш ва умумий фаровонлик тўғрисида қамхурлик қилиш белгилаб қуйилган .

Фуқаро қушимча мажбуриятга эга; унинг бурчи-ватанни ҳимоя қилиш. Бир қатор мамлакатларда фуқаро учун умумий ҳарбий мажбурият мавжуд. Маълум ёшга (одатда 18-19 ёшга) етган эркак

фукаро ҳарбий хизматга чакирилади. Баъзи бир мамлакатларда (масалан Исроилда) аёллар ҳам маълум муддат ҳарбий хизматга жалб этилади. Ҳарбий хизмат тугагач, захирага бушатилади. Захирадагилар вақти-вақти билан ҳарбий йиғилишларга (бу вақт икки ҳафтадан ярим йилгача чўзилиши мумкин) чакирилади ва ҳарбий укувда иштирок этадилар. Уруш вақтида ҳарбий хизматга мажбур шахслар ҳаракатдаги армияга чакирилади.

Агар фукаронинг маслаги ёки эътиқоди ҳарбий хизматни ўташга монелик килса, ҳарбий хизмат мумқобил фукаролик хизмати билан алмаштирилиши мумкин. Одатда бундай фукаралар белгиланган ҳарбий муддатга ёки ундан кўпроқ муддатга курилишда, кишлоқ хужалиги ишларида, оғир ва камситувчи шароитдаги ишларда, шифохоналарда санитар вазифаларида ишлайди. (Россия) Баъзи мажбуриятларда фукаронинг ўз ватанига содик булиши таъкидланади.

Фукаро асосий ўрта таълимга эга булиши, баъзи мамлакатларда конунга мувофиқ (овоз бериш мажбурий булган мамлакатларда) сайловда катнашишга мажбур.

Тоталитар социализм давлатларида конституция бошқа мажбуриятларни ҳам белгилаган эди:

Меҳнат килиш, жамоат тартибини сақлаш, ватан шарафини ҳимоя килиш, давлат сирларини сақлаш, миллатлар бирлигини мустаҳкамлаш ва бошқалар. Бундай кўринишдаги конституциявий мажбуриятлар амалда ахлокий мазмунга эга булган.

### Ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқларнинг умумий тавсифи

Ҳар бир мамлакат ўзи фуқароларининг ҳуқуқ, эркинлик ва бурчларини ўзининг миллий конституциясида акс эттиради. Шунингдек, бу ҳуқуқ ва эркинликлар бошқа соҳаларда ҳам ривожлантирилади. Ҳар бир хорижий мамлакат ўзи фуқароларининг ҳуқуқлари ва бурчларининг бажарилишини тўлиқ таъминлашга ҳаракат қилади.

Хорижий мамлакатларнинг фуқароларининг конституциявий ҳуқуқ, эркин ва бурчлари жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларни ўзида ифодалайди. Ушбу муносабатларда давлат манфаатлари билан шахс манфаатлари бирлигини акс эттирилади. Мавжуд ҳуқуқ ва эркинликлар тўғрисидаги қоидалар шахсни ҳар томонлама камол топишига, ишлаб чиқаришда, давлат ва жамият



ҳаётида кенг ташаббус кўрсатишга меҳнатга онгли муносабатда бўлишга, инсонпарварлик, ахлоқий маънавий принципларга қатъий риоя этишига қаратилган. Ҳар бир мамлакат фуқароларининг ҳуқуқий ҳолати, уларнинг шу мамлакатга тегишли эканлиги билан белгиланади.

Ҳар бир давлат ўз конституциясини қабул қилаётганида биологик мавжудот ҳисобланган инсонга жамиятда ривожланган шахс сифатида қараб, унинг мавжуд ҳуқуқ ва эркинликларини мустаҳкамлайди. Уларнинг ҳуқуқий мақомини белгилайди. Конституцияда ушбу масалаларда алоҳида жой ажратади. Ҳатто қадим қадимдан инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларни муҳофаза қилиш борасида ҳам уларга эътибор бериб келинган. Инсон бу биологик мавжудотдир. Шахс эса ижтимоий хусусиятларга эга бўлган индивиддир. Давлат инсонга ҳуқуқ ва эркинликлар бериб қўймайди, балки уларни мустаҳкамлайди холос. Табиий ҳуқуқ назариясига кўра инсонни ҳуқуқ ва эркинликлари уларга биров томонидан тортиқ қилинмайди, балки улар бунга туғилганидан эга бўлади дейди. Шу тарзда ҳар бир инсоннинг жамиятда эркин яшаши учун шароит яратилади. Эътибор берилса ҳар бир хориж мамлакатининг конституциясида бевосита инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари деб боб ёки бўлимнинг номи таъкидланади, гарчи конституция фақат ўша давлатнинг ўзида амал қилсада. Бундай берилишининг сабаби шуки, ҳар бир давлат худудида ўзи фуқаролари билан бир қаторда чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам истиқомат қилишади. Уларнинг ҳуқуқларини ҳам таъминлаш мақсадида инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари алоҳида таъкидланган.

Хорижий мамлакатларда инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари қуйидагича таснифланади:

Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар;

Ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликлар;

Иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликлар;

Маданий ҳуқуқ ва эркинликлар

Ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқлар шахсга унинг жамиятда нормал ҳолатда яшаши, эркин ривожланиши ва тараққий этиши учун зарурдир.

Ижтимоий — иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликлар ҳар хил давлатларда бир хил эмас. Социалистик тузумдаги давлатларда иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликларга алоҳида эътибор берилади ва

конституцияларида уларга биринчилардан бўлиб жой ажратилади. Бошқа давлатларда бу ҳуқуқлар бошқа ҳуқуқлар қаторида санаб ўтилади холос.

Масалан: Мексиканинг 1917 йилги ва Германиянинг 1919 йилги Веймар конституциясида алоҳида тарзда иқтисодий — ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликлар тўғрисида тўхталиб ўтилганлиги кўзга ташланади. II жаҳон урушидан сўнг ҳолат тубдан ўзгарди. Энди ижтимоий—иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликларга алоҳида эътибор берилиб конституцияларда уларга алоҳида боблар ажратила бошланди 1946 йилги Испания конституциясида, 1947 йилги Италия конституциясида бу ҳуқуқлар белгилаб қўйилганлигини кўзатиш мумкин.

Демак, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек ҳар бир мамлакат шахсни ижтимоий— иқтисодий ва сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларини унинг жамиятда нормал ҳолатда ривожланиши, ва эркин ҳолатда яшашини таъминлаш мақсадида белгилайди. Бу бевосита шахсларнинг ҳаётини манфаатларини ҳимоялаш ва уларни таъминлаш билан боғлиқдир. Давлат уларни амалга оширишга кўмаклашади холос, шунингдек, уларни амалга оширишга шароит яратади. Лекин шундай бўлсада ҳар бир давлат ўз асосий қонунида ўзининг асосий вазифаси фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш эканлигини белгилаб қўяди (Испания, Ҳиндистон, Нигерия, Филиппин давлатларининг конституциялари шулар жумласидандир).

Хориж олимлари бу ижтимоий— иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликларни турлича туркумларга ажратишган. Хориж мамлакатларининг илмий адабиётларни ўрганганда, шундай хулосага келиш мумкинки, ижтимоий— иқтисодий ва маданий ҳуқуқлар қуйидагича туркумланади:

1. Адекват яшаш шароитига эга бўлиш овқатланиш ҳуқуқини ҳам ўз ичига олади

2. Турар жойга эга бўлиш ҳуқуқи

3. Соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳуқуқлари

4. Мулк ҳуқуқи

5. Ижтимоий хавфсизлик ҳуқуқи

6. Меҳнат қилиш ҳуқуқи

7. Таълим олиш ҳуқуқи

Яна бир гуруҳ олимлар ижтимоий — иқтисодий ҳуқуқларни қуйидагича таснифлашади:

Иқтисодий ҳуқуқлар:  
мулкдор бўлиш ҳуқуқи  
тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи  
Ижтимоий ҳуқуқларни 3 га бўлинади  
Жамоа ишларида қатнашиб ўз манфаатларини ҳимоя қилиш  
соҳасидаги ҳуқуқлар  
Индивидуал меҳнат қилиш ҳуқуқи  
Ижтимоий соҳадаги ҳуқуқлар  
Шунингдек яна бошқа адбиётларда улар қуйидагича санаб  
ўтилган:  
Касаба уюшмаларига бирлашиш орқали ўз  
ҳуқуқларини ҳимоя қилиши  
Иш ташлаш  
Жамоа шартномаларини тузиш  
Корхоналарни бошқаришда иштирок этиш  
Индивидуал меҳнат қилиш ҳуқуқи  
Дам олиш ҳуқуқи  
Тенг меҳнат шароитида ишлаш (Бу ҳуқуқ Испания, Италия ,  
Франция конституцияларида бевосита кўрсатилган )  
Ижтимоий таъминот  
Таълим  
Соғлиқни сақлаш  
Нормал шароитда яшаш (Италияда меҳнатга қобилиятсизларга  
давлат ёрдам бериши таъкидланади)

Мулкдор бўлиш ва мерос қолдириш ҳуқуқи  
Ижтимоий — иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликлар қаторида  
мулкдор бўлиш ва мерос қолдириш биринчи ўринни эгаллайди. Сабаб  
ер юзидаги мавжуд бўлган давлатларнинг кўпчилиги иқтисодиётни  
сиёсатдан устунлигини тан олади ва ҳаммаси мавжуд тамойилларга  
асосланишади.

Мулк тўғрисида биринчи марта францўзларнинг  
конституциявий қонунларида эслатиб ўтилган. Инсон ва  
фуқароларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги декларациянинг 17—  
моддасида мулкнинг дахлсизлиги ва муқаддаслиги таъкидланган.  
1793 йилги Франция конституциясида у тўғрисида қуйидагича баён  
этилган:

16 —модда Мулк ҳуқуқи бу— ҳар бир шахснинг ўзига тегишли  
бўлган бойлиги, ўзининг фойдаси, меҳнатининг натижасига эгалик

қилиши ва ундан фойдаланишидир. 19—модда Ҳеч ким ўзининг мулкидан маҳрум этилиши мумкин эмас, қонунда белгилаб қўйилган ҳоллар бундан мустасно.

Кейинчалик бу қоидаларни бошқа давлатлар ўзларнинг конституцияларига асос қилиб олишган.

Иқтисодиётнинг асосини мулк ташкил этади. Мулкка хорижий мамлакатларда икки хил ёндашади:

а) Давлат мулки

б) Хусусий мулк

Давлат мулкига кўпинча социалистик мамлакатларда устиворлик берилган. Ривожланган демократик мамлакатларда эса хусусий мулк устиворлиги тан олинади. Мулкка инсонни ҳаётини эҳтиёжларни қондирувчи воситадир. Мулк иқтисодий категория сифатида ҳам қаралади. Конституцияларда белгилаб қўйилган мулк ҳуқуқи тўғрисида гап кетганда, биринчи навбатда инсоннинг зарурий эҳтиёжларини қондирувчи мулкни тушунмоқ лозимдир. Бу мулк одатда хусусий мулк деб аталади. Лекин хусусий мулк бошқача ҳам талқин қилинади. Шунини ҳам таъкидлаш керакки хусусий мулкдан жамиятнинг барча фуқаролари маҳрум этилмаган эди, балки улар давлат фойдасига ишлаб беришдари лозим эди. Жамоа мулки шулар жумласидандир. Ҳамма ишчилар ягона давлат синдикатига айланган эди. Лекин бу тўзумларнинг қолдиқлари ҳозир ҳам социалистик тўзум мавжуд бўлган давлатларда сақланиб қолган. Хитой Халқ Республикаси шулар жумласидандир.

Бошқа илмий йўналишлар бундай мулкка эгаллик қилишни бартараф этиш учун қуйидаги таклифларни илгари суришади:

1. Жамиятда юқори даражада таъминланган "ўрта синфни" шакллантириш;

2. Ёлланиб ишловчиларни ташкилот раҳбарларига айлантириш (акцияларни сотиб олиш, фойдани тақсимлашда, корхонани бошқаришда қатнашиш орқали).

Яна бошқа бир илмий йўналишларда қуйидаги ғоялар илгари сурилади:

Унинг моҳиятига кўра постиндустриал даврдаги жамиятда замонавий ишлаб чиқариш кучлари хусусий мулк доирасида ривожланади. Лекин бу ишлаб чиқариш воситаларининг эгалари учун фойдали эмас албатта. Ишлаб чиқаришнинг ривожланиши турли хилдаги мулк шакллариининг ривожига олиб келади.

Мулк ҳуқуқи тўғрисида у ёки бу даражада ҳамма конституцияларда белгилаб қўйилади.

1948 йил 10 декабрда бўлиб ўтган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг учинчи сессиясида "Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон декларация" қабул қилинган. Декларациянинг 17-моддасида куйидаги жумлалар келтирилган "Ҳар бир инсон яқка ҳолда, шунингдек бошқалар билан биргаликда мулкка эгалик қилиш ҳуқуқига эга.

Ҳеч ким зўровонлик билан ўз мулкидан маҳрум этилиши мумкин эмас".

Бу тамойилни БМТга аъзо бўлган ҳар бир давлат ўзининг конституциясига дастурул амал қилиб олган. Болгария конституциясининг 17-моддасида "хусусий мулк дахлсиздир. Мулк хусусий ва халқ мулки ҳисобланади" деб таъкидланган.

Конституцияларда хусусий мулкнинг муқаддаслиги ва унинг дахлсизлиги ва шулар билан бир қаторда хусусий мулкнинг мулкдорга мажбурият юқловчи функциялари тўғрисида ҳам эслатиб ўтилган (Бразилия, Германия, Италия, Португалия, Украина конституциялари шулар жумласидандир.)

Масалан Германия конституциясининг 14-моддасида мулк тўғрисида гапирилиб мулк ва мерос олиш ҳуқуқи қафолатланади деб эслатиб ўтилган .

Уларинг мазмуни ва чегаралари қонун билан белгиланади. Мулкка эгалик қилиш маълум мажбурият юқлайди. Ундан фойдаланиш айна вақтида фаровонликка хизмат қилиши лозим. Мол—мулкни мажбурий равишда мусодара қилишга фақат омма фаровонлиги мақсадида йўл қўйилади. Мол —мулкни мусодара қилиш фақат қонун билан ёки қонун асосида амалга оширилади. Қонун мол—мулкни ўрнини тўлдириш тури ва миқдорини тартибга солади.

Юқоридагилардан хулоса чиқариш мумкинки, хусусий мол—мулк ҳам фаровонлик учун олиб қўйилиши мумкин. Айрим тармоқлар национализация қилиниши мумкин (электроэнергетика, сув, газ, нефть, автомобил заводлари). Бу жараён XX асрда Буюк Британия, Миср, Италия, Франция, Мексика содир бўлган. Ҳарбий ҳаракатлар даврида мулкдорнинг ҳуқуқлари чекланиши мумкин. Мулкдорнинг мол —мулки фақат қонун асосида ,умумий манфаатлар йўлида,фақат суднинг қарори асосида амалга оширилади. Шунинг таъкидлаш лозимки хориж мамлакатларида мулкдор мол —

мулкининг чегараси белгиланмаган. Бу дегани мулкдор хоҳлаган миқдордаги мулкка эгалик қилиши мумкин, фақат қонуний асослар бўйича .

Шунингдек хориж мамлакатларда банка қўйилган омонотлар кафолати белгиланган. Турли хил фондлар ташкил этилган ва уларда давлатнинг ҳам ҳиссаси мавжуд. Лекин АҚШ, Испания Францияда бу каби фондлар ташкил этилмаган. Хориж мамлакатларида бир қизиқ жараён кўзга ташланади, банклар қўйилган омонотларнинг маълум бир миқдорини кафолатлашни ўз зиммасига олади. АҚШда 100 минг доллар, Канадада 60 минг доллар, Францияда 400 минг франк, Японияда 5млн йенгача .

Хориж мамлакатларида қонун билан тақиқланмаган ҳар қандай мулкка эгалик қилиш мумкин. Ҳар бир хориж мамлакатада шундай тамойил белгиланган, унга кўра шахс ўзига қарашли бўлган мол — мулкка ўз хоҳишига кўра ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Шахс бундай ҳуқуқларининг бўзилишини тўхтатишни ҳар кимдан ёки ҳаммадан талаб қилиши мумкин. Бу тамойил инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида, шунингдек иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги ҳалқаро пактда ҳам белгилаб қўйилган. Хорижий мамлакатларнинг мулк институтини тартибга солувчи махсус қонунларида белгиланишича мулк ҳуқуқи қуйидаги асослар билан вужудга келади :

меҳнат қилиш ;

мол —мулкни яратиш, уни кўпайтириш;

битимлар асосида;

мерос қилиб олиш;

ва бошқа асослардан.

Хусусий мулкнинг миқдори умуман белгиланмаган. Лекин шу нарсани таъкидлаш лозимки, ҳар бир демократик мамлакатда, ҳар бир фуқарога ўз мулкидан фойдаланиш жараёнида ўзгаларнинг қонуний манфаатларига зарар етказмаслиги ва ўзгаларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилиши лозимлиги таъкидлаган. Кўпчилик хорижий мамлакатларда чет эл фуқароларининг, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ерга ва фойдали қазилмаларга эгалик қилиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилган .

Шунингдек айрим мамлакатларда айрим объектлар истеъмолдан чиқарилган. Мўғулистонда ер чет эл фуқароларининг мулки бўла олмаслиги белгиланган. Классик мусулмон ҳуқуқига биноан тўртта

нарса, яъни яйлов, сув, ҳаво ва олов хусусий шахсларнинг мулки бўла олмаслиги белгиланган ва улар умумистеъмолдаги умуммиллий бойлик деб эълон қилинган. Лекин ҳозирда кўпчилик мусулмон давлатларида бу анъанадан аллақачон четлашилган.

Мулкни ҳимоя қилиш ҳам ҳамма хориж мамлакамларида бир хил эмас. Социалистик давлатларда кўпинча давлат мулкига урғу берилади яъни мулкларни ҳимоя қилишда тенглик ўрнатилмаган. Ҳозирги замонавий ривожланган ва ривожланаётган давлатларда ҳамма мулкнинг тенглиги эълон қилинган, шу жумладан хусусий мулкнинг ҳам. Баъзида эса интеллектуал мулк тўғрисида (ижодий меҳнат натижаси, муаллифлик ҳуқуқи) ҳам эслатиб ўтилади. Бу номоддий кўринишдаги мулк ҳисобланади .

Ҳозирда мамлакатлар бир хил тенденцияда ривожланмаяпти. Ҳозирги ривожланиш тендецияси даврида давлатнинг хусусий секторга аралашуви чекланаётганлиги кўзга ташланади. Шунингдек бозорнинг ўзи тартибга солувчи субъект сифатида майдонга чиқиши натижаси ўлароқ, турли хил шаклдаги мулклар вужудга келяпти .

#### Меҳнат қилиш ҳуқуқи

Меҳнат қилиш деганда шахс ўз жисмоний ва ақлий қобилиятини ишга солиб ,ўзининг эҳтиёжларини қондириши тушунилади. Меҳнат қилиш бу бурч эмас, балки бу ҳуқуқдир. Бу ҳуқуқ шахсларга фойда келтирувчи, қонун билан тақиқланмаган ҳар қандай фаолият билан шуғулланиш имкониятини беради Меҳнат қилиш ҳуқуқи иқтисодий— ижтимоий ҳуқуқлар қаторидаги муҳим ҳуқуқлардан бири ҳисобланади. Сабаб меҳнат орқалигина шахс атрофга таъсир этади ва шу орқалигига ўзининг эҳтиёжларини қондиради. Тоталитар социалистик давлатларнинг конституцияларида меҳнат ҳуқуқи тўғрисида ҳеч нима дейилмаган, сабаб уларда меҳнат қилиш ҳуқуқ эмас балки мажбурият ҳисобланади. Бундай тузимдаги давлатларда давлат ҳаммани иш билан таъминлашни ўз зиммасига олади ҳатто ишсизликни тугатишни ҳам. Аввало ҳар бир шахс қандай меҳнат билан шуғулланишни ўзи белгилайди, чунки ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш ва адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ҳуқуқига эгадир. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 23 моддасида юқоридаги тамойил мустаҳкамланган, яъни унга кўра:

ҳар бир инсон меҳнат қилиш, ишни эркин танлаш, адолатли ва қулай иш шароитига эга бўлиш ва ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга;

ҳар бир инсон ҳеч бир камситишсиз тенг меҳнат учун тенг ҳақ олиш ҳуқуқига эга;

ҳар бир ишловчи киши ўзи ва оиласи учун инсонга муносиб яшашни таъминлайдиган адолатли ва қониқарли даромад олишга, зарур бўлганда ижтимоий таъминотнинг бошқа воситалари билан тўлдирувчи даромад олиш ҳуқуқига эга;

ҳар бир инсон касаба уюшмалари тузиш ва ўзининг манфаатларини ҳимоя қилиш учун касаба уюшмаларига кириш ҳуқуқига эгадир.

Бу декларация Иккинчи Жаҳон урушидан кейин қабул қилинган конституцияларга асос бўлиб хизмат қилган. Шунингдек бу ҳалқаро ҳужжатни ратификация қилган ҳар бир давлат бу тамойилларни ўз конституциясида дастурул амал қилиб олган. Иккинчи жаҳон уришидан сўнг капиталистик мамлакатларнинг конституцияларда бу тўғридан тўғри акс эттирилган. Шунингдек, Декларацияга ишсизларга давлат томонидан ёрдам кўрсатилиши ҳам илова қилинган эди. Давлат ишсизларни иш билан таъминлаш чораларини кўради. Фавқулодда вазиятларда, ҳарбий хизматда ва суднинг қарорига кўрагина шахс мажбурий меҳнатга жалб қилиниши мумкин. Бунда шахснинг ўзи меҳнат турини эркин танлай олмайди. Бошқа ҳеч қандай ҳолларда шахс мажбурий меҳнатга жалб қилинмайди. Германия конституциясининг 12—моддасида ҳар бир шахснинг меҳнат қилиш ҳуқуқи белгиланган бўлиб "Барча немислар ўзлари учун касб танлаш, иш жойини мустақил танлаш ҳуқуқига эгадирлар. Касб билан шуғулланиш қонун билан ёки қонун асосида тартибга солинади

Ҳеч ким одатдаги умумий ва барча оммавий мажбурият учун тенг бўлган доирадан ташқари бирон бир муайян ишни бажаришга мажбур этилиши мумкин эмас. Фақат суднинг ҳукми бўйича озодликдан маҳрум этилган тақдирдагина, мажбурий меҳнатга йўл қўйилади". Болгария конституциясининг 16—моддасида меҳнат қилиш ҳуқуқи кафолатланади ва қонун билан ҳимояланади деб таъкидланган.

Испания конституциясининг 35 — моддасида ҳамма испанлар меҳнат қилиш ҳуқуқига эгадирлар деб белгилаб қўйилган .

Шунингдек мазкур асосий қонуннинг 37—моддасида ишчиларнинг иш ташлаш ҳуқуқига ҳам эга эканлиги белгиланган.

Греция конституцияси биринчи бўлимининг 22 — моддасида ҳамма меҳнат қилувчилар ирқи ва бошқа фарқларидан қатъи назар



бир хил иш учун бир хил ҳақ олиш ҳуқуқига эга эканлиги таъкидланган. Меҳнат қилиш ҳуқуқи яна қуйидагиларни ўз ичига қамраб олади :

Адолатли меҳнат шароитларида ишлаш;

Эркин касб танлаш;

Иши учун ҳақ олиш (социалистик давлатларда меҳнат сифатидан қатъи назар ҳақ тўланиши белгилаб қўйилган).

Хорижий мамлакатларда минимал иш ҳақи белгилаб қўйилган. Минимал иш ҳақини белгилашдан мақсад шахснинг минимал яшашини таъминлашдир. Агар шахснинг яшаш шароити минимал даражадан пасайиб кетса шахс нормал ҳолатда яшай олмаслиги мумкин. Ривожланган давлатларда ўртача ойлик даромад 1000—1400 АҚШ доллари ҳисобланади. 2000 йилда аҳоли яшаш даражасининг яхшилиги жиҳатидан давлатлар қуйидагича жойлашган :

Канада

Норвегия

Америка Қўшма Штатлари

Австрия

Швеция

6.Нидерландия

Япония

Буюк Британия

Финландия

Франция

Германия

Россия

Бу маълумотлар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан маълумоти келтирилган.

Энг бой мамлакатларда йиллик даромад 25480 АҚШ доллари ҳисобланади. АҚШда энг камбағал одамники 520 доллар ҳисобланади. Хорижий мамлакатларда камбағаллик хусусиятини белгилаб берувчи қонунлар мавжуддир ва бу қонунларда даромаднинг минимал миқдори ҳам кўрсатиб ўтилган. Швецияда бу 8000 кронни ташкил этади. Агар аҳолининг даромади шундан кам бўлса демак у камбағал ҳисобланади. Ишсизларга давлат томонидан ёрдам кўрсатилади. Буни белгилаш мезони бўлиб ўртача ойлик даромадининг фоизи ҳисобланади. Буюк Британияда бу 50 — 60 фоиз, Германияда бу кўрсаткич 30 — 35% ни ташкил этса, Швецияда 80 % ни ташкил этади. Бир қатор давлатларда (Италия .Болгария

каби) меҳнат қилиш ҳуқуқи конституциявий тарзда фақат иш жойи билан таъминлаш орқали кафолатланади.

Меҳнат қилиш ҳуқуқи тўғрисида гапирганда, тадбиркорлик фаолияти тўғрисида ҳам тўхталиб ўтиш лозимдир. Тадбиркорлик фаолияти—бу фуқароларнинг фойда олиш учун таваккалчилик асосида қонун билан тақиқланмаган фаолият билан шуғулланишидир. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун давлат рўйхатидан ўтиш, гувоҳнома (лицензия) олиш зарурдир. Лицензия фаолиятнинг маълум бир тури билан шуғулланиш учун зарурдир. Давлат органлари унинг фаолиятига аралашаётганга ёки унга бошқача тарзда тазйиқ ўтказишга ҳаққи йўқдир. Кўпчилик хориж давлатларида монополистик ҳаракатларга йўл қўйилмайди. Монопол баҳони бозорда ўрнатиш ва рақобатчиларни обрўсизлантириш учун турли хил бирлашмаларга бирлашиш таъқиқланади. Шунингдек истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ҳам ҳимоя қилинади.

#### Дам олиш ҳуқуқи

Болгария конституциясининг 48 моддасида фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ва шароитда дам олиш ва таътилга чиқиш ҳуқуқига эгадирлар деб белгилаб қўйилган. Хорижий мамлакатларда ижтимоий— иқтисодий ҳуқуқлардан яна бири бу инсон ва фуқароларнинг дам олиш ҳуқуқидир. Дам олиш қонунлар асосида фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқларини таъминлашдир. Дам олиш вақти ходим меҳнат вазифаларини бажаришдан ҳоли бўлган ва бундан ўз ихтиёрига кўра фойдаланиши мумкин бўлган вақтдир. Дам олиш иш куни давомида, кундалик дам олиш (сменалар оралиғида), дам олиш кунлари, байрам кунлари дам олиш ва йиллик таътилларида иборатдир. Шунини айтиб ўтиш лозимки ёлланган ишлаган ҳар бир киши дам олиш ҳуқуқига эгадир. Дам олиш инсоннинг меҳнат қобилиятиин қайта тиклаш учун зарурдир. Дам олиш ҳам жисмоний дам олиш ва маънавий дам олишга бўлинади. Бу ҳуқуқ инсоннинг ажралмас ҳуқуқларидан бири бўлиб, унинг нормал ҳолатда ривожланишини таъминловчи ҳуқуқлардан биридир. Шунинг учун ҳам хорижий мамлакатларда кўпинча ҳафтанинг одатда шанба ва якшанба кунлари дам олиш куни ҳисобланади. Ишчиларга бу кунлари учун ҳам тўлиқ иш ҳақи сақланиб қолгани ҳолда маош тўланади. Баъзан бу кунлари ишлаганлиги учун ундан ҳам кўпроқ ҳақ олишлари мумкин мумкин. Бандликни кўтариш мақсадида иш вақти қисқартирилиши мумкин, ҳар бир хориж мамлакатида қонун билан ҳафта давомида ходимнинг ишлаши лозим бўлган саотлар миқдори

белгилаб кўйилади. Одатда бу 35 — 40 соатни ташкил этади. (масалан Франция ва Италияда худди шундай)Ривожланаётган мамлакатларда бу жараён кўринмайди. Шунингдек хориж мамлакатларидаги мавжуд қонунчиликларда йиллик иш ҳақи сақланган меҳнат таътиллари ҳам мавжудлиги белгилаб кўйилган. Саноати ривожланган кўплаб давлатларда бу йиллик таътил мунумум икки ҳафтани ташкил этади (Япония), уч ҳафта Германияда, тўрт ҳафта Италияда, беш ҳафта Испания ва Францияда йиллик дам олиш куни деб эълон қилинган. АҚШ да бу йиллик таътил 23 кун қилиб белгиланган .

Лекин статистик маълумотларга қараганда бу вақт узоқроқ давом этади. Масалан Германиядаги ишчиларнинг учдан икки қисми байрамларни ҳам ҳисобга олганда 36 кун дам олар эканлар. Ишчилар билан тузилган жамоа шартномаларига кўра бу янада ўзайтирилиши мумкин. Жаҳон миқёсида олиб қарасак, энг қисқа таътил Япония давлатида белгиланган бўлиб йилига 6 — 7 кунни ташкил этади. Лекин шунини таъкидлаш жоизки кўплаб ривожланаётган давлатларда бу тўғрисида алоҳида қонунлар учрамайди .

Кўплаб хориж мамлакатларининг конституцияларида иш ташлай тўғрисида ҳам эслатиб ўтилган. 1995 йил 12 декабрда қабул қилинган Озарбойжон Республикаси конституциясининг 36— моддасида қуйидаги жумлалар мавжуд " Ҳар бир шахс мустақил ёки бошқалар билан биргаликда иш ташлаш ҳуқуқига эгадир. Булар қонунда кўрсатилган ҳоллардагина чекланиши мумкин. Иш ташлаш ҳуқуқига қайси ҳуқуқлар қаторига киритиш тўғрисида ҳам турли ҳил баҳслар мавжуд. Россия олимлари буни бевосита ижтимоий— иқтисодий ҳуқуқлар билан боғлаган ҳолда шулар қаторига киритишади. Бошқа бир гуруҳ олимлар бу ҳуқуқни намоёни қилишлар билан боғлаган ҳолда сиёсий ҳуқуқлар қаторига киритишади. Фикримизча иш ташлаш ҳуқуқи бевосита ижтимоий — иқтисодий ҳуқуқлар билан боғлиқдир, сабаб бу ҳуқуқнинг замирида меҳнат билан боғлиқ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ётади. Иш ташлашда ишчилар давлат ёки унинг юқори органларидан маълум бир талабларни амалга оширишни сўраб чиқишади. Иш ташлаш қонун асосида ва унинг доирасида амалга оширилади Иш ташлашда қуйидаги талаблар кўйилиши мумкин :

Иқтисодий талаблар (меҳнат шароитини яхшилаш ,иш ҳақини ошириш )

Корхонани бошқариш билан боғлиқ бўлган талаблар

Иш ташлашда сиёсий талабларни қўйиш тақиқланади, шунингдек жаҳон миқёсида умумий иш ташлашлар, бирдамлик иш ташлашлари, корхоналарда ҳаёт учун зарур бўлган нарсалар билан таъминлашни талаб қилувчи (масалан сув, Электроэнергияси, газ билан боғлиқ талаблар)иш ташлашлар ҳам тақиқланади. Шунингдек транспорт воситаларида, темир йўлда, ҳаво ва бошқа транспорт воситаларида иш ташлашлар қатъиян тақиқланади. Булар билан бир қаторда алоҳида турдаги касб ходимларига ҳам иш ташлаш тақиқланади. Булар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, давлат хизматчилари, ҳаво диспетчерлари киради. Озарбойжон Республикаси конституциясининг 36— моддасида бундай фуқароларнинг рўйхати қуйидагича кўрсатилган "Қуролли кучларда ва бошқа ҳарбий қисмларда хизмат қилаётган ҳарбий хизматчилар иш ташлаш ҳуқуқига эга эмас".

Иш ташлашни ўтказиш учун ҳам бир неча талабларга риоя қилиш керак. Бу талаблар қонун билан белгилаб қўйилади. Раҳбарларни иш ташлашга тайёргарлик кўрилаётганлиги тўғрисида олдиндан хабардор қилиш лозим. (одатда бу бир ҳафта беш, кун қилиб белгиланган. Масалан, Буюк Британияда миллий хавфсизлик юзасидан корхоналарда маълум бир муддатга иш ташлаш тақиқланади.. Бу тақиқлаш АҚШда 80 кунгача давом этиши мумкин. Қонун юқоридаги талабларга жавоб бермайдиган иш ташлашни суд орқали қонуний эмас деб топиши, бундай иш ташлашнинг иштирокчиларидан компенсация ундирилиши, унинг ташкилотчилари эса жавобгарликка тортилиши, касаба уюшмаларига жарима солиниши мумкин. Тоталитар тўзумдаги давлатларда иш ташлаш тўғрисида ҳеч нарса дейилмаган, шундан хулоса чиқариш мумкинки уларда иш ташлаш умуман тақиқланган. Назарий жиҳатдан олиб қараганда бунинг тақиқланганлигининг сабаби бор эди. Жамоа мулкига ва сиёсий ҳокимиятга эга бўлган мулкдорлар ўзларига — ўзлари қарши чиқишмайди деб рўқач қилинишига қарамай, бу ҳол Польшада кўзатилган. Айрим социалистик давлатларда ушбу ҳолат империализмга қарши кураш сифатида баҳоланиб, ҳукумат томонидан рағбатлантирилган. Ҳар қандай ҳарбий режим ўрнатилган давлатда умуман иш ташлаш тақиқланади.

Малакали тиббий хизматдан  
фойдаланиш

Ижтимоий — иқтисодий ҳуқуқлар қаторида турувчи муҳим ҳуқуқлардан бири бу малакали тиббий хизматдан фойдаланиш

хукуқидир. Хорижий мамлакат конституциялари ҳар бир фуқаро малакали тиббий хизматдан фойдаланиш хукуқига эгадир деб белгилаб қўйилган .

Малакали тиббий ёрдам олиш хукуқи шахсинг давлат томонидан таъминланадиган ва кафолатланадиган, тиббиёт соҳасидаги махсус билимларга эга бўлган махсус муассаса ва шахсларга тиббий ёрдам сўраб мурожаат этиш ва олиш имкониятидир. Бу хукуқни таъминлаш тор маънода тегишли ҳақ тўланадиган ва ҳақ тўланмайдиган шаклда тиббий, илмий ташкилотлар томонидан тегишли муолажалар билан хизмат кўрсатишни билдирса, кенг маънода ижтимоий иқтисодий жиҳатдан инсон соғлом бўлиши учун зарур тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий суғурталарни таъминлаш ,экологик шароитларни яхшилаш каби комплекс чораларасосида аҳоли саломатлигини таъминлаш тушунилади. Малакали тиббий хизмат кўрсатиш махсус билимга эга бўлган ҳар қандай шахс яъни касал ёки тиббий ёрдамга муҳтожларга зарурий ёрдам кўрсатиш мажбурияти ҳақида шифокор қасамёдини қабул қилган шахслар томонидан ёрдам кўрсатилиши лозимлигини билдиради. Давлат ҳар бир давлат ходимларининг малака даражаси устидан қатъий назорат ўрнатади. Ҳар бир давлат қонунан малакага эга бўлмаган шахсларга тиббий хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланишни тақиқлайди. Ҳозирда хориж мамлакатларида малакали тиббий ёрдам олишнинг ҳам икки тури мавжуд. Улар давлатга қаршли бўлган ва хусусий даволаш муассасаларидир. Хориж мамлакатларида хусусий тарзда тиббий хизмат кўрсатиш ўта ривожланган. Бир қанча хориж малакатларида, шу жумладан АҚШ да ҳам либерал система мавжуд. Бунга кўра беморнинг ўзи ҳаммасига яъни врачга ҳақ тўлаш, дори-дармонлар ва бошқалар учун ўзи ҳақ тўлайди, булардан ташқари хориж мамлакатларида маҳаллий миқёсда касалхоналар ҳам мавжуд бўлиб, улар бевосита аҳоли соғлиғини сақлашга хизмат қилади. Германия, Польша, Францияда социал медицина хизмати мавжуд. Бундай ҳолатда махсус умумдавлат соғлиқни сақлаш фонди ташкил қилинади ва бу давлат томонидан ,унинг бюджетидан таъминланади. Бу фонднинг 70 —80%и ўша бюджетдан олинади. Буюк Британия, Дания, Италияда ва айрим тоталитар давлатларда ҳам давлат томонидан таъминланадиган медицина хизматиммавжуд. Ҳар қандай чиқимлар бюджетдан қопланади. Бемор касалхонада даволангани учун ҳеч қандай ҳақ тўламайди. Айрим давлатларда давлат медицинаси ва амбулатория

дорилари бепул бўлса, айрим давлатларда амбулатория касалхоналари пуллик. Лекин улар учун имтиёзлар ҳам мавжуд. Жарроҳлик ишлари пуллик амалга оширилади. Ҳозирда бундай ташкилотлар унчалик кўп эмас. Давлат медицинаси тўғрисидаги қонун социал — демократлар ҳокимият тепасида турган пайтида қабул қилинган, кўплаб давлатларда давлат медицинаси аҳолининг фақат камбағал қатлами учун қолган.

Фуқаролар ўзлари учун мос бўлган тиббий ёрдамни таъминлаб берувчи қонунда белгиланган шароит ва тартибда бепул тиббий хизматлар кўрсатувчи соғлиқни сақлаш муассасаларидан фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар. Фуқароларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш давлат бюджети маблағларидан иш берувчилар томонидан ижтимоий суғурта бўйича шахсий ва жамоа бадаллари ҳисобидан ва қонунда белгиланган шароит ва тартибда бошқа манбалардан келган маблағлар билан таъминланади. Давлат фуқароларнинг соғлиғи ҳақида ғамхўрлик қилади, спорт ва туризмнинг ривожланишини рағбатлантиради. Ҳеч ким қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари даволанишга ва санатория чора — тадбирларини ўтказишга мажбур этилиши мумкин эмас.

Давлат барча тиббий муассасалар ишини шунингдек, дори — дармон воситалари, биологик препаратлар, тиббиёт асбоб ускуналари ишлаб чиқариш ва уларнинг сотилиши устидан назоратни амалда амалга оширади.

Ҳар бир инсон ўзининг ҳамда оиласининг соғлиғи ва фаровонлигини таъминлаш учун зарур бўлган турмуш даражасига эга бўлиш жумладан, кийим — кечак, озиқ — овқат, тиббий хизмат ва зарур ижтимоий хизматга эга бўлишига ва ишсизлик, касаллик, ногиронлик, бевалик, қарилик унга боғлиқ бўлмаган шароитларга кўра тирикчилик учун маблағ бўлмай қолганда таъминлашиш ҳуқуқига эга.

(Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. 1948 йил 10 декабр. 25 —модда.)

Италия конституциясининг 32 моддасида давлат инсонларнинг соғлиқларини ҳимоя қилиши лозимлиги белгитлаб қўйилган. Хитой Халқ Республикасининг конституциясида ўзгача бир ҳолат яъни 58— моддасида фуқаролар бепул тиббий ёрдам олишлари мумкин. Бу ҳуқуқ қуйидагилар орқали таъминланади: бепул тиббий ёрдам , касалхона шахобчаларини, шу жумладан санаторияларни ва бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларини ҳам кенгайтириш.

## Корхоналарни бошқариш ҳуқуқи

Сўнгги йилларда хориж мамлакатларида қабул қилинган конституцияларда фуқароларнинг корхоналарни бошқаришдаги ҳуқуқлари ҳам мустақамлаб қўйилган (одатда ўзларининг вакиллари орқали) буларга мувофиқ равишда бир қатор мамлакатларда ишчиларнинг, корхона, завод ва фабрикаларда тузиладиган кенгашлар тўғрисида қонунлар мавжуд. Улар ижтимоий ҳарактердаги масалаларни ҳал қилишади шунингдек уларнинг мулкдор ва корхона маъмуриятининг ваколатларига аралашшига ҳаққи йўқ. Японияда бундай қатнашиш шакли меҳнат кенгашларини ўтказишда кўринади. Бу кенгашда ишчилар овоз бериш ҳуқуқига эга бўлишади. Алоҳида мамлакатларда бундай кенгашлар, жамият ва давлат аҳамиятига молик масаларини ечиш ҳуқуқига эгадирлар (Финландия конституцияси 1999).

Тоталитар режим мавжуд бўлган социалистик мамлакатларда бу ҳуқуқ кенгроқ ифодаланган. Бу ерда ушбу ҳуқуқ кўпроқ сиёсий аҳамият касб эта бошлайди. Бундай давлатларда ҳар бир корхонада ишлаб чиқариш кенгашлари, касаба уюшмалари ташкил этилади ва бу касаба уюшмалари катта ваколатларга эга бўлади. Бу хусусият фақат социалистик режим ўрнатилган давлатларга хос бўлсада, лекин айрим демократик давлатларнинг конституцияларида ҳам белгилаб қўйилган. Ҳозирда амалда бўлган Франция конституциянинг преамбуласида қуйидаги сўзлар келтирилган "Ҳар бир киши ўзининг вакиллари орқали иш шароитини белгилашда ва корхонани бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқига эга". Италия конституциясида бу қуйидагича келтирилган "Республиканинг ишлаб чиқариш талабига биноан меҳнатнинг иқтисодий ва ижтимоий ролини ошириш мақсадида меҳнаткашлар қонун доирасида корхоналарни бошқаришда қатнашиши мумкин". Айниқса бу каби ҳуқуқлар охириги йилларда қабул қилинган конституцияларда белгилана бошланди .

## Таълим олиш ҳуқуқи

Ижтимоий иқтисодий ҳуқуқларидан бири, бу инсоннинг таълим олиш ҳуқуқидир (тоталитар социализм давлатларда фақат таълим олиш тўғрисида гапирилади) .

"Ҳар бир инсон таълим олиш ҳуқуқига эга. Таълим олишда ҳеч бўлмаганда бошланғич ва умумий таълим бепул бўлиши лозим. Техник ва ҳунар таълими ҳаммининг қурби етадиган даражада бўлиши, олий таълим эса ҳар кимнинг қобилиятига асосан, ҳамма учун етарли имконият доирасида бўлмоғи керак .

Таълим инсон шахсини тўла баркамол қилишга, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига нисбатан хурматни кучайтиришга қаратилмоғи лозим.

Таълим барча халқлар, ирқий ва диний гуруҳлар ўртасида бир-бирини тушунишга хайрихоҳлик ва дўстлик учун хизмат қилиши ва БМТнинг тинчликни сақлаш борасидаги фаолиятига ёрдам бермоғи лозим. Кичик ёшдаги болалар учун ота-оналар таълим турини танлашда имтиёз ҳуқуқига эгадирлар" (Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси 26- модда).

БМТ тақибига кирган ҳар бир давлат бу тамойилларни ўзининг конституциясига киритиб қўйган сабаб бу бевосита амал қилувчи норма ҳисобланади. Шунингдек хориж мамлакатларида таълим соҳаси бошқа жорий қонунлар билан тартибга солинади. Таълим олиш тўғрисидаги ҳалқаро ҳужжатларда (1960 йил 14 декабрда қабул қилинган Таълим соҳасидаги камситишларга қарши кураш тўғрисидаги Вена конвенцияси) таълим ибораси ўқитишнинг барча турлари ва босқичларини қамраб олиши, таълим олиш имконига эга бўлган ҳар бир инсоннинг таълим олиши, таълимнинг даражаси ва сифатиг шунингдек таълим бериш шароитларини ўз ичига қамраб олади. Кўплаб ривожланган мамлакатларда бошланғич таълим мажбурий ва бупул таълим бўлиб ҳисобланади. Лекин бунга доимо амал қилинмайди (Бунга сабаб қилиб кўпинча ўқитувчиларнинг етишмаслиги ва дарслик масаласини кўрсатишади. Айниқса Африка давлатларида) Кўплаб ривожланган давлатларда мажбурий таълим 12 йил ҳисобланади. Дунёнинг 67% давлатида бу тизим мавжуддир. Постсоциалистик давлатларда мажбурий бупул таълим 8-9 йил қилиб белгилаб қўйилган.

Ҳар бир давлат қонунчилигида таълим олишнинг принциплари белгилаб қўйилган бўлади. Уларга кўра таълим олиш эркинлиги - болаларнинг хоҳлаган таълим муассасасида яъни хусусий, давлатга қарашли, муниципал, черков муассасаларида мустақил таълим олишни шунингдек таълим турини эркин танлашни билдиради. Давлат мактабларида худди хусусий мактаблардагидек таълим берилади, фақат бу хизмат бепул бўлади. Лекин унда ўқувчилар бошқа таълим муассасаларни кўра қараганда кўпроқдир. Хусусий пенсионатлар ҳам бўлиб, буларда ўқувчилар камроқ бўлишади. Таълимнинг сифати ҳам бошқаларни кўра қараганда юқорироқ бўлади ва булар пуллик бўлади. Ҳамма давлатларда ҳам мактаб иши давлат назоратида бўлади. Германия конституциясининг 7-модда 1-қисмида



таъкидланганидек бутун таълим давлат назоратидадир. Шунингдек, хорижий мамлакатларда хусусий мактаблар очишга рухсат берилган. Болгария конституциясининг 7-моддаси 9-кисмида хусусий мактабларнинг кафолатланганлиги таъкидланган. Агар хусусий мактаблар ўзларининг ўқув мақсадлари ва ташкил этилиши бўйича шунингдек, ўз ўқитувчи ходимларининг илмий малакасига кўра ҳам халқ мажлисларидан қолишмаса ва ўқувчиларнинг ота-оналарининг мулкӣ аҳволига қараб уринмаса, уларга рухсат этиш лозимлиги таъкидланган. Агар ўқитувчи ходим ларнинг моддий ва ҳуқуқӣ аҳволи таъмин этилмаган бўлса рад қилинади. Шунингдек бу каби нормативлар бошқа давлатларнинг конституцияларида ҳам мустаҳкамланган.

Шунингдек хориж мамлакатларида мавжуд олий таълим ҳам хусусий, ҳам давлатга қарашли бўлиши мумкин. АҚШда хусусий университетларда ўқиш учун 15-30 минг доллар пул тўланади. Японияда 800-6 млн. (8-60 минг доллар). Айрим давлатларда давлат университетларида ўқиш бепул ҳисобланади. (Германияда талабаларга субсидиялар берилади, улар ўқиш тугаганидан сўнг субсидияни қайтариб беришади). Кўпчилик хориж мамлакатларида талабалар стипендия олмайдилар. (Буюк британияда умуман). Лекин талабаларга хайрия ва маҳаллий фондларидан, пул ажратилиб турилади.

Социалистик давлатларда олий таълим бепул ҳисобланади. Ҳамма талабалар стипендия олишади. Давлатга қарашли барча таълим муассасалари давлат бюджетидан молиялаштирилади. Ривожланган мамлакатларда бюджетнинг 5%и таълим учун ажратилади. Постсоциалистик давлатларда бундан ҳам озроқдир. Аксарият хориж мамлакатларида давлат томонидан тасдиқланган давлат стандартлари мавжуд бўлади. Лекин стандартлари мавжуд бўлмаган давлатлар ҳам бор. Масалан АҚШда ҳеч қандай стандарт йўқ. Шунинг учун ўқитувчи хоҳлаган мавзусида маъруза ўқиши мумкин ва бу маърузанинг мавзуси олдиндан эълон қилинади. Талабалар хоҳласалар маърузани кўчиришади, хоҳламасалар йўқ. Қонунчилик таълимда куч ишлатишни таъқиқлайди. Социализм тузими ҳукмронлик қиладиган давлатларда марксистик-ленинизм мафкураси асосида комунистик тарбия бериш таъкидланган.

Ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқи

Иккинчи жаҳон урушидан кейин қабул қилинган конституцияларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқи тўғрисида

гапириб ўтилган (баъзан ижтимоий ёрдам ҳақида). Пенсиялар одатда меҳнат ва ижтимоий каби турларга бўлинади. Биринчи тур пенсиялар икки ҳолатда тўланади: биринчидан давлат томонидан маълум бир ёшга етганда ва иккинчидан маълум бир меҳнат стажига эга бўлганидан кейин. Хорижда пенсия ёши эркаклар учун 60- 65 ёш, аёллар учун 55-60 ёш қилиб белгиланган. Швецияда ҳамма учун 65 ёш, Данияда 67 ёш, иш стажи эса аёллар учун 20-25, эркаклар учун 25-30 ёш қилиб белгилаб қўйилган. Ривожланган давлатларда пенсиянинг миқдори иш ҳақининг 75 - 90% ташкил қилади. Давлатларда пенсия учун пенсия фондлари ташкил этилган. Ижтимоий пенсиялар ногиронлик учун, боқувчисини йўқотганлик учун ва қонун билан белгиланган бошқа ҳолларда берилади. Давлатларда давлат томонидан бериладиган пенсиялардан ташқарии айрим турдаги шахсларга маҳаллий пенсиялар ҳам белгиланган. Ривожланган мамлакатларда ишчиларга ўзларининг иш жойларидан қўшимча пенсия ҳақлари ҳам тўланади. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи шунингдек, бошқа ёрдамларни ҳам қамраб олади

(уй билан таъминлаш, ногиронларга ёрдам ва ҳақозалар).

Маданий ҳуқуқлар

Бу ҳуқуқлар шахснинг ҳар тарафлама ривожлантиришга хизмат қилади. Бу ҳуқуқлар иккинчи авлод конституция— ларида белгилаб қўйила бошланди. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 27 моддасида: «Ҳар бир инсон жамиятнинг маданий ҳаётида эркин иштирок этишга, санъатдан баҳраманд бўлишга, илмий тараққиётда иштирок этиш ва унинг самарадорлигидан фойдаланиш ҳуқуқига эга», — дейилган.

XX аср ўрталаридаги тоталитар тузимдаги конституцияларда булардан ўз мафкураларини жамиятга ёйишда кенг фойдаланилган.

Болгария Конституцияси 54 — моддасида: «Ҳар ким миллий ва умуминсоний маданий бойликлардан фойдаланиш, шунингдек, ўзининг мансублигига мувофиқ ўз маданиятини ривожлантириш ҳуқуқига эгадирлар», — деб таъкидланган. Бадиий, илмий ва техникавий ижод эркинлиги қонун билан эътироф этилади ва кафолатланади. Ихтирочилик, муаллифлик ҳуқуқлари ва уларга ўхшаган ҳуқуқлар қонун билан ҳимоя қилинади деб белгиланган. Бу мустақилликнинг конституцияси эди. 1971 йилдаги собиқ конституцияда эса санъат, маданият халққа ва уни коммунизм руҳида тарбиялаш ва ривожлантиришга хизмат қилади дейилган. Бу ҳолатга ҳозир барҳам берилган. Инсонларнинг маданият ютуқларидан

фойдаланишлари кафолатланган. Илмий ютуқларни яратган ҳолда улардан эркин равишда фойдаланишлари мумкинлиги белгилаб қўйилган.



давлатнинг ҳимояси ва олий ҳомийлигидадир»(16-модда); «Мулк давлатнинг ҳимоясидадир»(17 модда); «Давлат аҳолининг соғлиғи ҳақида ғамхўрлик қилади ва мулксизларга ёрдам бериш учун махсус чоралар кўради»(21 модда) ва шу кабилар. Бунда, давлат айнан фуқароларнинг ижтимоий ҳаётини тартибга соладиган ташкилот сифатида тушунилади. Кўпчилик мамлакатларнинг Конституцияларида ҳокимият бўғинларининг ташкил этилишини ифодаловчи нормалар бевосита «давлат» атамаси билан боғлиқ ҳолда берилди. Масалан, Озарбайжон Республикаси Конституциясининг III бўлими «Давлат ҳокимияти» деб номланади. Демак, бу ҳолда давлат жамият ишларини бошқарадиган, фуқароларнинг ҳуқуқларини тартибга соладиган қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд органлари мажмуи сифатида тушунилади.

Умуман олганда, давлат - бу жамият ишларини бошқарадиган ва фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятларини тартибга соладиган ва уларни таъминлайдиган органлар мажмуидан иборатдир.

1920 йилда қабул қилинган Австрия федерал конституциявий қонунининг 1–2-моддаларида Австрия демократик республика ва федерал давлат сифатида берилган, кейинги ўринларда эса «федерация», «худуд» (ёки жамият) терминлари ишлатилади. Юқоридаги мисоллар шундан далолат берадики, биз давлатни конституциявий ҳуқуқнинг субъекти сифатида гапирганимизда конкрет ҳолатларда бу термин қандай мазмун ва аҳамиятга эга эканлиги ҳамда қандай тушунчани назарда тутишини аниқ тасаввур қилишимиз керак. Шунинг учун, давлат деганда—бутун мамлакат миқёсида ёки федерация субъектлари бўйича амал қилувчи ёки худудий ҳамжамиятнинг қонунчилик автономиясидан фойдаланувчи (масалан: Италияда вилоят), бу органларнинг маҳаллий вакиллари (перфектлар, комиссарлар ва бошқалар), шу жумладан қонунчилик ёхуд мамлакат сайлов корпусининг органларининг йиғиндиси тушунилади. Шунини айтиш керакки, давлат тушунчаси «марксча-ленинча» анъанага мувофиқ, «бир синфнинг иккинчи синф томонидан бостириш машинаси» сифатида тавсифланган ҳамда у жамоатни бошқарувчи синфий мажбурлаш аппарати сифатида тушунилган. Лекин, давлат тушунчасининг ҳозирги замонавий маъноси тамоман бошқача: юқорида таъкидланганидек, давлат-фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлайдиган ҳамда

уларни амалга оширилиши учун кенг шарт-шароит таъминлаб берадиган муҳим сиёсий ташкилот сифатида намоён бўлади.

Шу ўринда давлатнинг сиёсий тизимдаги ўзига хос хусусиятларини айтиб ўтиш лозим. Давлат сиёсий тизимнинг раҳбарий элементи, ядроси ҳисобланади. У сиёсий тизимнинг бошқа элементларидан ҳокимият таъсир имкониятига, реал ҳокимиятга эга бўлган ягона ташкилот эканлиги билан фарқ қилади ва шунинг учун ҳам давлат сиёсий тизимда ўзининг «гигемонлик» мавқеини қўлдан бермайди. Давлат ҳокимиятининг мажбурий характери, зўрлик қўллашдаги монополияси—уни асосий сиёсий тизимга айлантиради ва бошқа сиёсий институтлардан ажратиб туради. Шу билан бирга давлат жамиятда нисбий мустақилликка эгадир. Давлат демократия шароитида асосий ижтимоий гуруҳ ва қатламлари манфаатларини, шу жумладан бутун жамият манфаатларини химоя қилар экан, давлат ўз органлари сиймосида ижтимоий тизимни ўз вазифаларини амалга ошириши ва мавжуд булишини хавф остига қўйиши мумкин булган гуруҳий эгоизмга чек қўйишга интилади. Айрим олимларнинг фикрича, ҳозирги замон маърифатли олами учун сиёсий тизим элементлари (сиёсий партиялар, уюшмалар ва бирлашмалар, диний бирлашмалар) қанчалик муҳим ва одатий бўлишига қарамай, жамият бу тузилмаларсиз ҳам мавжуд бўла олади, лекин давлат ўзининг барча атрибутлари билан сақланиб қолади. Холбуки, қадимги Бобил ва Миср давлати сиёсий партияларсиз ва жамоат бирлашмаларисиз ҳам мавжуд бўлган<sup>1</sup>. Давлат, аслини олганда, одамларнинг муайян ҳудудда яшашини ташкил этишга қодир бўлган сиёсий кучдир. Демак, давлатнинг асосий белгиси бўлиб давлат ҳокимияти ҳисобланади, яъни умуммажбурий қоидалар чиқариш имконияти. Умуммажбурийлик-давлатнинг ҳам авторитети, салоҳияти орқали, ҳам мазкур қоидаларни бажаришга мажбурлаш лаёқати ва бу қоидаларни бузганлик ёки риоя этмаганлик учун жазолаш ҳуқуқи билан таъминланади (ҳуқуқ нормаларида кўрсатилган санкцияларни қўллаш орқали).

Ўзбекистон Республикасининг ҳам давлат сифатидаги конституциявий-ҳуқуқий таърифи бир қанча ҳуқуқий ва назарий адабиётларда очиб берилган. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, «Ўзбекистон келажаги буюк давлат. Бу мустақил, демократик, ҳуқуқий давлатдир. Бу – инсонпарварлик қоидаларига

---

<sup>1</sup> Чудаков М.Ф. Конституционное(государственное) право зарубежных стран.-Мн.:Новое нание, 2001.С.74.

асосланган, миллати, дини, тили, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъи назар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир»<sup>2</sup>.

Шундай қилиб, давлатни кўпчилик одамлар манфаати йўлида ижтимоий ҳаётни тартибга соладиган ва ўз суверен ҳокимиятидан фойдаланадиган ташкилот сифатида таърифлаш мумкин.

## 2. Давлатни ташкил этиш ва фаолиятининг конституциявий принциплари

“Принцип” деганда, ҳуқуқ назариясида, маълум бир фаолиятнинг асоси ҳисобланувчи раҳбарий қоидалар ҳамда таянч ғоялар тушунилади. Шунга кўра, давлатни ташкил этишнинг конституциявий-ҳуқуқий принциплари - бу давлатнинг органлари тизимининг шакллантирилишида ҳамда фаолият юритишида асосланадиган муҳим раҳбарий қоидалар(тамойиллар) ҳисобланади.

Одатда давлат ва унинг фаолиятини ташкил этиш принциплари хорижий мамлакатлар конституцияларининг муқаддима ва бошловчи моддаларида давлатга берилган тавсифий қоидалар асосида ўз ифодасини топади. Масалан, Италия Конституциясининг 1-моддасида: «Италия – меҳнатга асосланган демократик республикадир», Франция Конституциясининг 2-моддасида эса: «Франция яхлит, дунёвий, демократик ва ижтимоий Республикадир», ГФР Конституциясининг 20(1)-моддасида: «Германия Федератив Республикаси демократик ва ижтимоий федератив давлатдир», 1997 йилги Польша Конституциясининг 2-моддасида: «Польша Республикаси ижтимоий адолат принципини амалга оширадиган демократик ҳуқуқий давлат ҳисобланади», Испания Конституциясининг 1-моддасида: «Испания – ижтимоий, ҳуқуқий ва демократик давлат бўлиб, унинг энг олий кадриятлари эркинлик, адолат, тенглик ва сиёсий плюрализмдир» дейилади.

Юқоридаги мисолларни умумлаштирадиган бўлсак, бу ҳолда қуйидаги принципларни ажратиб кўрсатиш мумкин: демократизм(халқ ҳокимиятчилиги), ҳуқуқий давлат, давлатнинг яхлитлиги, унинг дунёвий характери, ижтимоий адолат, сиёсий плюрализм, федерализм, ҳокимиятларнинг тақсимланиши тамойили ва бошқалар.

---

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсий мафкура. 1-том.-Т.:Ўзбекистон, 1996. 44-б.

Демократизм принципи амалда “давлат ҳокимиятининг манбаи халқ” эканлигидан келиб чиқади ҳамда демократиянинг икки шакли - вакиллик ва бевосита демократиянинг реал ва мунтазам амалга оширилишини англатади.

Вакиллик демократияси – бу халқ томонидан сайлаб қўйилган вакиллар, энг аввало, парламент депутатлари фаолиятини англатади.

Бевосита (тўғридан-тўғри) демократия - бу ҳеч кимнинг ёрдамисиз бевосита фуқаролар томонидан давлат аҳамиятига молик қарорларнинг қабул қилинишидир. Бу энг аввало умуммиллий ва маҳаллий референдумлар, турли йиғинларда амалга оширилади.

Чинакам демократия ва демократизмнинг ажралмас хусусияти бўлиб, нафақат кўпчиликнинг иродаси орқали давлатни бошқариш ҳисобланмай, балки, қарорлар қабул қилишда камчиликнинг сўзсиз қатнашуви, яъни уларнинг фикрини албатта ҳисобга олиниши ҳисобланади. Хорижий мамлакатлар давлат-ҳуқуқий амалиётида бу ҳолат энг аввало шуни англатадики, давлатда албатта давлатга мухолифатда бўлган ёки ҳукмрон партиёга, ҳукуматга, давлат бошлиғига, коалицияга мухолифатда бўлган кучларнинг бўлишини тақозо этади. Буюк Британияда расмий мухолифат мавжуд бўлиб, унинг бошлиғи нафақат «соёда турган» ҳукуматга бошчилик қилибгина қолмай (исталган вақт реал ҳукуматга айланишга тайёр бўлиб турадиган), балки норматив ҳужжатларда «+иролича ҳазратларининг мухолифати сардори» деб номланади ва бу фаолияти учун ҳақ олади, - албатта бу озчиликнинг фикрини ҳисобга олишнинг классик мисолидир.

Давлатнинг демократиявийлиги яна фуқароларнинг давлат қарорларининг қабул қилинишига бошқа усуллар билан ҳам таъсир этиши билан ҳам белгиланади. Бу манфаатдор фуқароларнинг гуруҳлар ва қўмиталар ташкил этиш, петициялар тузиш ва имзолаш, юришлар ва намойишлар ўтказиш каби конституциявий-ҳуқуқий имкониятлари мавжудлигини билдиради.

Демократик сиёсий-ҳуқуқий маданиятга эга бўлган жамиятдаги давлатни демократик давлат дейиш мумкин, бунда фуқаролар қонунларнинг ўзгартирилишини талаб қилиб чиқа олишади, айти пайтда, ҳали бу қонунлар кучда экан, демак уларга риоя этиш ҳам муқаррардир.

Ўзқуқий давлат принципи (ғояси) – жуда кенг тарқалган тушунча бўлиб, у ўзида давлатни нафақат ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қонун-қоидалари асосидагина фаолият олиб боришини, балки



унинг демократия шароитида вужудга келган эркин фуқаролар ўртасидаги тенг муносабатлар эвазига шаклланишини англатади. Давлатнинг бундай тавсифи Германия Асосий қонунининг 20–моддасида ўз ифодасини топган. Унга кўра, ҳуқуқий давлат–конституциявий тузум билан боғлиқ қонунчилик, қонун ва ҳуқуқ билан боғлиқ ижроия ҳокимияти ва одил судлов мавжуд давлатда конституциявий тузумнинг суверенлиги принципи билан изоҳланиб, хаттоки конституцияни ўзгартириш ҳуқуқига эга бўлган қонун чиқарувчи ҳам ўзбошимчалик билан иш тутишига йўл кўйилмайди.<sup>3</sup> Шу билан бирга, давлатни ташкил этишнинг мазкур принципи инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини олий даражага кўтаради, уларни реал ҳаётда таъминланишини кафолатлайди. Ҳуқуқий давлатнинг яна бир муҳим белгиси – у ҳам бўлса, ҳар қандай шахснинг ўз бузилган (давлат ёки бошқа шахслар томонидан бузилган) ҳуқуқларини эркин ва мустақил суд орқали ҳимоя қила олиш имкониятининг мавжудлигидир.

Умумлаштириб, давлатнинг конституциявий-ҳуқуқий тавсифини қуйидагиларда акс эттириш мумкин:

давлат томонидан инсон ҳуқуқларини дахлсиз ва ажралмас деб эътироф этилиши ва мустаҳкамланиши.

Амалда барча демократик давлатларнинг замонавий конституцияларида инсонларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатловчи нормалар мавжуд. Бу айниқса, II жаҳон урушидан кейин қабул қилинган Конституцияларда кенг татбиқ этилган;

ҳуқуқ ва эркинликларни кафолатлаш механизмининг юридик асослари ўрнатилганлиги.

Бу масалада мажбурий ҳуқуқий процедура тўғрисидаги конституциявий қоида муҳим роль ўйнайди, яъни барча учун баравар ва адолатли равишда жиноий ва фуқаролик ишларини кўриб чиқишнинг процессуал қоидаларининг конституциявий мустаҳкамланишидир (мас., А+Шнинг Конституциясининг 1791 йилда киритилган V тузатишига кўра, “ҳеч ким белгиланган юридик процедурасиз ҳаётдан, эркидан ёки мулкидан маҳрум этилиши мумкин эмас” ёки Франция конституциясининг 66–моддасига биноан, «ҳеч ким ўзбошимчалик билан озодликдан маҳрум қилиниши мумкин эмас»). Ушбу принцип деярли барча демократик давлатларнинг замонавий конституцияларида ўз ифодасини топган;

конституциянинг бошқа қонунларга нисбатан устувор бўлиши.

<sup>3</sup> +аранг: Жаҳон конституциялари. I жилд. - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2001. 384-б.

Ушбу қоида конституциянинг мамлакатдаги қонунчилик пирамидасидаги “олий” даражасини таъминлашга қаратилган. Мазкур қоида Болгария Конституциясининг 5-моддасида аниқ ифодаланган. Унга кўра, «Конституция олий қонун ҳисобланаб, бошқа қонунлар унга зид келиши мумкин эмас; Конституция қоидалари бевосита амал қилади»;

давлат органлари ва мансабдор шахсларининг конституция ва қонун доирасида ҳаракат қилиш мажбуриятининг конституциявий қоида тарзида ўрнатилиши.

Щукукий давлат принципининг ушбу белгиси хулқ-атвор қоидаларини ўрнатувчи давлат ва унинг органлари ҳам конституция ва қонунлар асосида фаолият юритишини англатди. Масалан, 1976 йилги Португалия Республикаси конституциясининг 3-моддасида айтилишича, давлат конституцияга бўйсунган ҳолда демократик қонунийликка таянади;

судларнинг мустақиллиги конституциявий даражада мустаҳкамланганлиги.

Суд ҳокимияти ҳуқуқий давлатда инсонлар ҳуқуқ ва эркинликларининг кўриқчиси сифатида барча принципларнинг қонунда белгиланган шароитларига риоя қилиш устидан назоратни олиб боради. 1946 йилги Япония конституциясининг 76-моддасига кўра, «Барча судьялар мустақилдирлар ва улар конституция ва қонунлар билан боғлиқ бўлиб, факат ўз виждонларига кўра ҳаракат қиладилар».

ҳалқаро ҳуқуқ нормаларининг ички миллий ҳуқуқ нормаларига нисбатан устунлиги

Польша конституциясининг 91-моддасига кўра, ратификацияланган халқаро шартномалар халқаро ташкилотлар томонидан таъсис этилган халқаро шартномаларда назарда тутилган ҳолдагина қонундан устун туради. Бундан ташқари, бу қоида аниқ ва содда қилиб 1991 йилдаги Македония конституциясининг 118-моддасида берилган бўлиб, унга кўра, «Конституцияга мос равишда имзоланган халқаро шартномалар ҳуқуқий тартиботнинг таркибий қисми ҳисобланади ва қонунлар билан ўзгартирилиши мумкин эмас».

Давлатнинг яхлитлиги принципи. Бу мамлакат ҳудудининг яхлитлиги кўриқланишини, унинг муайян бир қисми (бу ҳам федератив, ва ҳам унитар давлатларга таалуқли) бўлинишга, ёки чиқиб кетишга (сецессия ҳуқуқи) ҳаққи йўқлигини англатади. Ушбу принцип давлатнинг муҳим хусусиятларидан бири бўлиб ҳам

ҳисобланади. Шар қандай нормал амал қилиб турган давлат, ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи ҳақида қанча гапирилмасин, барибир, ўзининг маълум бир қисмини ажралиб чиқишига қаршилиқ кўрсатади, чунки ушбу принцип орқали давлатчилик сақланиб туради. Ушбу принцип айрим мамлакатларнинг Конституцияларида «давлатнинг бирлиги» ёки «давлатнинг бўлинмаслиги» деб ҳам юритилади. Масалан, Беларусь Республикаси Конституциясининг 9-моддасига мувофиқ, “Белорусь худуди ягонадир ва у тортиб олинмайди”.

Давлатнинг дунёвийлиги принципи. Дунёвий сифатдаги давлатнинг конституциявий характери унинг умум эътироф этилган дунёвий нормалар асосида ривожланиб боришини ҳамда диннинг давлатдан ажралиши, диний ташкилотларнинг фаолиятини чегараланган муҳитини билдиради. Масалан, Италия Конституциясининг 7 моддасида: «давлат ва католик черкови бир-биридан ўзларига тегишли соҳаларда мустақил ва суверендирлар», деган қоида мустаҳкамлаб қўйилган. Давлатнинг дунёвий характери диний камчилиқни ташкил қилувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўрнатилишини ҳамда черков ва диний жамиятларга давлат бюджетидан моддий ёрдам кўрсатилишини инкор этмайди. Таъкидлаш лозимки, давлатлар динга жалб этилганлик даражасига қараб, теократик (Ватикан, Саудия Арабистони) ва клерикал давлатларга бўлинади. Клерикал давлатлар черков-диний одатлар, расм-русумларга, анъаналарга ва диний ҳуқуқга камроқ тортилган давлатлар бўлиб, уларга Эронни киритиш мумкин, бироқ, 80-йилларнинг бошида, «ислом инқилоби» ва М.Щумойнийнинг раҳбарлик даврида Эрон теократик давлат бўлган эди.

Давлатнинг ижтимоийлиги принципи. Давлатнинг ижтимоий характерга эга эканлиги принципи кейинги пайтларда кўпчилик давлатлар томонидан эълон этилмоқда. Бу принцип аслида давлатнинг муайян бир шаклда ижтимоий бойликларни қайта тақсимлаш йўли билан мулксизлар, меҳнатга лаёқатсизлар, ногиронлар, қариялар, болалар ва шунга ўхшаш тоифаларга ғамғўрлик кўрсатиш лозимлигини эътироф этиши ва бу мажбуриятни зиммасига олишини англатади. Масалан, Испания Конституцияси (1978) 1-моддасида Испаниянинг ижтимоий давлат деб мустаҳкамланган, «Ижтимоий ва иқтисодий сиёсатнинг асосий принциплари ҳақида»ги 3-бобда эса бу қондан ривожлантирилади, унда бошқа масалалар билан бир қаторда, оилани ижтимоий,

иқтисодий ва ҳуқуқий муҳофаза этиш - давлатнинг зиммасида эканлиги мустаҳкамланган(39м.1), шунингдек, «давлат ҳокимияти ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш ҳамда иқтисодий барқарорлик сиёсати доирасида минтақавий ва шахсий даромадларнинг энг адолатли тақсимланиши учун зарур шароитларни вужудга келтиради(40м.1)» деб таъкидлаб қўйилган.

Давлатнинг ижтимоий характери қуйидагилар билан таъминланиши мумкин деб ҳисоблаш қабул қилинган:

фуқароларнинг муайян яшаш минимумини ёки ҳеч бўлмаса яшаб туришга етадиган нафақа талаб қилиш ҳуқуқининг таъминланиши;

оқилона солиқ сиёсатининг мустаҳкамланиши;

истеъмомчиларнинг давлат томонидан ҳимояланиши;

объектив сабабларга кўра давлатнинг ёрдамига, энг аввало моддий ёрдамга муҳтож бўлган ногиронлар, қариялар, кўп болалаи оилалар, ёлғиз ўзи фарзанд тарбиялаётган оналарга давлатнинг ёрдам бериши;

тиббий ёрдамга моддий имкони бўлмаганларга бундай ёрдамни бепул кўрсатишнинг таъминланганлиги.

Сиёсий плюрализм принципи. Бу принцип энг аввало, реал ва конституцияларда мустаҳкамланган кўппартиявийликни англатади. Кўпгина олимлар ва сиёсатчилар адолатли равишда ҳисоблаганидек, реал демократик сиёсий режим сиёсий плюрализмсиз (хур фикрликсиз), демакки, кўппартиявийликсиз бўлиши мумкин эмас. Жумладан, Арманистон Конституциясининг 7-моддасига кўра, Арманистон Республикасида кўппартиявийлик тан олинади. Партиялар эркин тарзда ташкил этилади, халқнинг сиёсий иродасини шакллантириш ва ифодалашга ёрдам беради. Уларнинг фаолияти конституцияга ва қонунларга, тузилиши ва амал қилиш тарзи эса демократия тамойилларига эид бўлмаслиги лозим.

Ҳокимиятлар бўлиниши принципи. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, ҳокимиятлар тақсимланиши—демократия шароитида давлат ҳокимиятини ташкиллаштириш ва амалга оширишнинг асосий тамойилларидан биридир. Мазкур принципнинг туб моҳияти шуки, унда ягона ҳокимиятнинг уч таркибий бўғини: қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ўз конституциявий ваколатлари доирасида мустақил фаолият юритиб, бир-бирларининг ваколатларини ўзлаштирмайдилар. Щар бир ҳокимият тармоғи ўз ҳимояси нуқтаи назаридан ўзгасини назорат қилади, улар

фаолиятининг чегарасини чеклаб туради, ваколатларидан четга чиқишига йўл қўймайди. Шокимиятлар тақсимланиши назарияси классик шаклининг анъанавий асосчилари Джон Локк ва Шарль Луи Монтескьелардир. Монтескье таълимотига биноан, “эркин давлат– ҳокимиятлар бўлиниши принципига, яккахокимликка қарши тармоқларнинг ўзаро бир-бирини тийиб туришига, давлат ҳокимиятини жамиятнинг турли ижтимоий қатламлари ўртасидаги тақсимланишига асосланиши лозим”<sup>1</sup>. Монтескье таълимотида алоҳида ўрин тутадиган ғоя-ҳокимиятларнинг мувозанати, тенглиги ҳамда уларнинг “ўзаро бир-бирини тийиб туриш ва қарама-қарши таъсир этиш тизими” ҳақидаги ғоядир. Бунинг маъноси шуки, юқорида зикр этилган ҳокимиятлар ўртасида шундай муносабат ўрнатилмоғи лозимки, бунда уларнинг ҳар бири давлат вазифаларини мустақил ўташ билан биргаликда, ўз ҳуқуқий воситалари ёрдамида бир-бирини мувозанатга чорлаб турадилар, ҳокимият ваколатларини биргина муассаса томонидан қонунсиз равишда тортиб олинишини бартараф этадилар. “Тийиб туриш ва мувозанатлаш” қонидаси А+Ш ҳокимият тизимида ўзининг самарали ифодасини топган:

Парламент (Конгресс):

1. Президентни қуйидагича тийиб туриши мумкин:

а) Президент киритган қонун лойиҳасини рад этиш;

б) Президент вето қўйган қонунни, тегишли муолижадан сўнг қабул қилиш;

в) импичмент институтидан фойдаланиб, президентни лавозимидан четлаштириш;

г) президент кўрсатган номзодни лавозимга тасдиқламаслик.

2. Судларни қуйидагича тийиб туриши мумкин:

а) қонунлар қабул қилиш, судларнинг сони ва юрисдикциясини ўзгартириши мумкин;

б) импичмент институтидан фойдаланиб, судьяларни лавозимидан четлаштириш;

в) судьяларни лавозимга тайинлашни тасдиқламаслик.

Президент:

1) қабул қилинган қонунларни имзолаш орқали Парламентга нисбатан мувозанатни ушлаб турувчи ҳисобланади;

2) қабул қилинган қонунларга нисбатан вето ҳуқуқини қўллаш орқали парламентни тийиб туриши;

---

<sup>1</sup> Азаркин Н.М. Монтескье. -М.:Юридическая литература,1988.С.68

3) судьяларни тайинлаш орқали, судлар учун мувозанатловчи ҳисобланади;

Судлар:

1. +онунларга шарҳ бериш имконияти ва ҳуқуқидан фойдаланиб, парламент учун мувозанатловчи ҳисобланади.

2. +онунларни ноконституциявий деб эълон қилиш орқали парламентни тийиб туриши мумкин.

3. Президентнинг ва унга бўйсунувчиларнинг ҳаракатини ноконституциявий ёки қонунга мос келмайди деб эълон қилиш орқали Президентни тийиб туриши мумкин.

Шар қандай ҳолатда ҳам ҳар қандай давлат маълум бир принциплар асосида ташкил этилади ва у сиёсий тизимнинг ядроси ҳисобланади.

### 3. Давлатнинг функциялари

Давлат ўзида жамият ҳаётини ташкиллаштиришнинг белгиланган маълум шаклини (усулини), яъни маълум бир ҳудудда шу ҳудуд аҳолисининг ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан ўрнатилган ва суверен кулланиши мумкин булган мажбурлов кучига таянувчи, сиёсий ҳокимиятни амалга оширувчи махсус аппаратни ифодалайди. Жамият ҳаётини ташкиллаштиришнинг бундай шаклида ижтимоий муносабатлар, ҳокимият аппарати томонидан урнатиловчи ва санкцияланувчи, бажарилиши шу аппарат томонидан таъминланувчи ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинади. Давлат органларининг иктисодиётни тартибга солиш соҳасидаги фаолияти корпорациялар ва хусусий шахсларнинг манфаатларига таъсир этади ва улар давлат курсатмаларини бажаришда моддий йукотишларга учрайдилар, аммо бу соҳани давлат томонидан тартибга солиниши ижтимоий эҳтиёжларни кондириш учун фаолият юритаётган хужалик субъектларига янада қулайроқ шарт–шароит яратиш мақсадини кузлайди. Шу жумладан ушбу фаолият орқали жамиятга етказилиши мумкин булган маълум зарарлардан уларни ҳимоялайди. Давлат сиёсий тизимда уз вазифаларини муайян функциялар орқали бажаради. Бу функциялар бир пайтнинг узида давлат органлари ва муассасалари фаолиятининг асосий йуналишлари ва ижтимоий муаммоларни ҳал этиш усули сифатида намоён булади. Замонавий демократик давлат учун қуйидаги асосий функциялар ҳос. Сиёсий

функция – миллат бирлигини таъминлаш ва бошқа сиёсий институтлар фаолияти учун зарур бўлган шароитларни яратишда намоён булади. Давлат органлари бу функцияларни амалга ошириш давомида маълум бир тизимга эга булмаган ижтимоий ходисаларни вужудга келишини конун доирасида олдини олиш ва улар натижасида келиб чиккан оқибатларни максимал даражада тугатишга интиладилар. Бу ходисалар шахс, давлат, жамият манфаатларига зарар етказиш ва зуравонлик билан боғлиқ булган жиноий характердаги харакатлар (умумий жиноятчилик, сиёсий терроризм) ва ижтимоий протест ва гурухий манфаатларни химоя қилиш сифатида намоён булиши мумкин. (иш ташлашлар, оммавий тартибсизликлар). Давлат ижтимоий ҳаётнинг сиёсий соҳасини тартибга солиш давомида сиёсий кучлар ўртасидаги «ўйин қоидаларини» белгилаб беради ва бу қоидаларга риоя қилишини таъминлайди. Сиёсий воситалар орқали давлат жамиятнинг ташқи хавфсизлигини таъминлайди.

Давлатнинг иқтисодий функциясининг ахамияти ошиб, таркиби мураккаблашмоқда. Одатда бу функция иқтисодий муносабатларни тартибга солиш шакли сифатида намоён булади, аммо узида айрим ҳолларда таркибий таъсир этишни ҳам ифодалайди. (М: национализация ва хусусийлаштириш)

Давлат хужалиқ субъектларига ташқи бозорда қулай шароит яратиб беришга интилади. Давлатнинг ижтимоий функцияси ҳам кенгайиб бормоқда. Амалда барча ривожланган ва қупчилик ривожланаётган мамлакатларда таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий химоя, маданиятни ривожлантиришни қуллаб қувватлаш ва бошқа соҳаларда кенг қамровли давлат дастурлари амалга оширилмоқда. Давлат – этник, диний ва бошқа жамалар ўртасида муносабатларни, меҳнат ва сармоя ўртасидаги муносабатларни тартибга солишга катта эътибор бермоқда. Мақсад–жамият учун хавфли низоларни олдини олиш. Давлатнинг мафкуравий функцияси ҳам муҳим ахамиятга эга бўлиб, унинг мақсади жамиятни инсонпарвар, ахлоқий – маънавий, маданий фуқаровий руҳда тарбиялашдир. Давлат бу функцияни узининг таълим тизими ва ихтисослаштирилган тарғибот хизмати орқали амалга оширади. Бу функциялар тобора мураккаблашиб, уларни амалга ошириш шакллари қуп қиррали бўлиб бормоқда. Иқтисодий ва ижтимоий функциялар қучайиб бормоқда. Ривожланаётган мамлакатларда ушбу функцияларнинг узига хос хусусиятлари – иқтисодий қолоқлик, ижтимоий-иқтисодий тизимни

шакллантириш тугалланмаганлиги, одат институтларини сакланиб колганлиги билан боғлиқ. Бу эса ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида давлатнинг юксак фаоллигини талаб қилади. Чунки маҳаллий хусусий сармоя кучсиз экан, айнан давлат иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим муаммоларини ҳал этиши, ижтимоий муносабатларни шакллантиришни уз зиммасига олиши лозим. Оммавий ахборот воситалари устидан давлат монопол назорати фуқароларни тарбиялаш ва жамоатчилик фикрини шакллантиришга йуналтирилган. Социалистик мамлакатларда давлат амалда бутун ижтимоий ҳаётни қамраб олади. Инсон уз ҳаёт фаолиятининг барча жабҳаларида давлатга боғлиқ бўлиб, мутлақ мустақилликка бўлган ҳар қандай интилиши интиҳога етмайди. Шу билан бирга давлат тулик давлат устидан ҳукмрон бўлган ва илохийлаштирилган маркисча–ленинча ғояларга бўйсундирилган. Қуп ҳолларда партиявий давлат тарғиботи жамоатчилик онгига партия-давлат етакчисига сизинишини қиритади. Мисол тарқибда Шимолий Кореяда 1994 йилда вафот этган Ким Ир Сен ва ҳокимият мерос тарқибда утган (Ким Чхон Ир) угли Ким Чхон Ирни шахсига сизинишни қурсатса бўлади. Бу тажриба бир қатор Тропик Африка мамлакатлари томонидан иқтисодий ривожланишнинг қайси йулини танлаганидан (капиталистик ёки социалистик) қатъий назар узлаштирилган.

#### 4. Давлатнинг тарқибий қисмлари

Давлатнинг роли ва вазифасини тушуниш учун унинг бир қатор тарқибий бўлинмаларини билиб олиш зарур. Масалан, «давлат механизми», «давлат органи», «давлат муассасаси», «давлат аппарати» қабн тушунчалар шулар жумласидан. Шукук назарияси бўйича, давлат ўзининг ижтимоий ҳаётдаги вазифаларини маълум бир ташқиллий тузилмалар орқали амалга оширади. Буларни қуйида қўриб ўтамит.

Давлат механизми деганда ҳар қандай давлат учун муҳим бўлган жамиятни бошқариш тузилмаси тушунилади. Мутлоқ монархияда бу – монарх, унинг ҳуқумати, армия, полиция, яъни ҳокимиятни амалга оширувчи ва таъминловчи ҳокимият тизимидир. Шозирги замонда давлат механизми деганда давлат ҳокимиятининг – парламент, давлат бошлиғи, ҳуқумат, суд органлари қабн бош органлари анғланади.



Давлат аппарати – давлат аҳамиятига молик (масъул ёки унча масъул бўлмаган) қарорлар қабул қиладиган ва уларнинг ижроси учун жавоб берадиган мутахассис давлат хизматчиларидан иборат. Бундай шахслар муайян маълумотга эга бўлишлари лозим, улар ўзларининг меҳнати учун анчагина иш ҳақи олишади, ва одатда, маълум имтиёзларга эга бўлишади (ранглар, титуллар, турли нафақалар, пенсия ва б.).

Давлат органи – бу муайян тартибда ташкил этилган, ҳуқуқ ва ваколатлар асосида ҳаракат қиладиган ва умуммажбурий қоидалар қабул қиладиган шахслар гуруҳи (баъзан битта мансабдор шахснинг ўзини орган деб ҳам аташади, бунда у индивидуал орган сифатида намоён бўлади). Бошқача айтганда, давлат органи- бу давлат функцияларини ижро этишда қатнашувчи ва бунинг учун ҳокимият ваколатига эга бўлган давлат механизмининг бир элементиدير.

Давлат муассасаси – бу ҳам муайян тартибда ташкиллашган шахслар гуруҳи бўлиб, у умуммажбурий қоидалар қабул қилмайди, балки давлат органларининг қарорларини бажаради (амалга оширади). Масалан, давлат почтаси, давлат мактаби, давлат телеграфи, давлат ёнғин хизмати, табиатни қўриқлаш давлат хизмати ва б.



## 20-мавзу. Давлат шакллари.

Давлат бошқаруви шакллари тушунчаси ва унинг хилма-хиллик сабаблари. Бошқарув шаклларида таснифланиши.

## 21-мавзу. Теократик монархия.

Монархия давлат бошқаруви шакли. Теократик монархия (Ҳиндистон, Бразилия, Папа Римский, Саудия Арабистони, Япония, Монархия). Теократик монархия (Ватикан).

## 22-мавзу. Дуалистик монархия.

Республика давлат бошқаруви шакли. Дуалистик монархия (Саудия Арабистони, Япония, Монархия). Дуалистик монархия (Саудия Арабистони, Япония, Монархия). Теократик республика (Эрон).

Хорижий мамлакатларда давлат шакли деганда: бошқарув шакли, давлат тузилиши, сиёсий режим, давлат режими назарда тутилади. Давлат шакли ҳар қандай жамиятнинг яшаш тарзини белгилаб беради. Бу эса энг аввало миллат ва элатларнинг тарихий-миллий давлат бошқаруви тажрибаларига таяниб тузилиши белгиланади ёки ижтимоий ривожланиш қонуниятлари талаблари асосида пайдо бўлади.

Бошқарув шакли – бу Конституцияда ўрнатилган тартибда давлат бошлиғининг белгиланиши ва Олий Қонунчилик ҳамда ижроия ҳокимият органлари муносабатларининг ташкил этиш усуллари.

Ҳозирги даврда икки хил давлат бошқарув шакллари мавжуд: республика ва монархия.

Улар давлат бошлиғининг мақоми билан бир-биридан фарқ қилади.

Монархия тузумида давлат бошлиғи лавозими наслдан-наслга ўтиб, юридик жиҳатдан жавобгарликка тортилиши мумкин бўлмаган шахс қўлида давлат ҳокимиятига умрбод бошчилик қилиши белгиланган бўлади. (Қирол, подшо, султон, амир ва бошқалар). Бу шунингдек, монархия тартиби ҳукмрон бўлган давлатнинг бошлиғини бирон-бир қонуний тарзда ўз лавозимидан олиб ташлаш ёки қонунга хилоф хатти-ҳаракатлари учун жиноий жавобгарликка тортиш мумкин эмас. Республика бошқаруви

ўрнатилган давлатларда, тартиб бўйича мамлакатга президент бошчилик қилади (айрим давлатларда президент функциясини коллегиял орган амалга оширади). Президент ваколати сайлов йўли билан, унинг натижасига кўра белгиланади. Ўзбекистон Республикаси ҳам Собиқ Иттифоқ мавжуд бўлган даврда ўз ривожланиш йўлини белгилаб олган эди. 1990 йил март ойида бўлиб ўтган Олий Кенгашнинг XII чақириқ, Исессиясида Ўзбекистонда илк бор бошқарувнинг Президентнинг институти таъсис этилиб, унинг ҳуқуқий мақоми белгилаб берилди. 1990 йил 20 июнда “Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик декларацияси“ эълон қилинди.<sup>1</sup>

“СССР парчаланиб кетди. 74 йил мобайнида Ўзбекистон тақдири ва таъминоти собиқ иттифоқ қўлида эди. собиқ Иттифоқ бу ердан маҳсулот ва хом ашёни олиб кетиб, бизга суз ва ҳаводай зарур нарсаларни ўз кўрсатмаси билан келтириб берар эди. Содда қилиб айтганда, пахта ва бошқа бойликларимиз олиб кетиларди, дон, шаҳар ёнилғи ва бошқа халқ истеъмоли моллари, умуман, ҳаётимизга, иқтисодиётимизга ва халқ хўжалигимизга зарур бўлган маҳсулотлар олиб келинарди“.<sup>2</sup>

Ҳар қандай миллат ва жамият маълум бир табиат қонунлари ёки сунъий равишда жорий этилганистиробли давлат бошидан кечиради. Бу жараёнда эркинлик учун кураш ҳамма нарсадан устунликка эришади. бунинг натижасида турли миллатлар бирлашиб ўз тақдирларини белгилайдилар, келажак истиқболлари учун давлат тузилишини ташкил этадилар.

Давлат тузилиши ҳар бир мамлакат аҳолисининг хоҳиш иродасини ифода этади. Шунинг учун ҳам дунёда турли хил давлат шакллари мавжуд.

Франция, Италия, АҚШ, Германия, Мексика, Миср, Исроил ва бошқа собиқ иттифоқ республикаларида – Президент, Англия, Испанияда – Қирол ва қиролича, Японияда – император, Бирлашган Араб Амирлигида – Подшоҳ давлат бошқаруви масалаларида алоҳида ўринни эгаллайди.

Монархия ва республика – бу адоийб характерли давлат бошқаруви шаклидир.

Масалан, Уганда, Тунис ва бошқа Африка давлатларида республика Президенти умрбод ўз лавозимида бўлади. Бу эса

<sup>1</sup> “Қишлоқ ҳақиқати“ рўзномасининг 1990 йил 22 июн сони.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Т., Ўзбекистон, 1993. 3 бет.

монархия шаклидаги давлат бошқарувининг маълум бир таркибини ўзида намоён этади.

Айрим бир монархия шаклидаги давлатларда “ҳукмдор“ сайлов йўли билан лавозимига қўйилади. Бунга мисол сифатида Бирлашган Араб Амирликларида, федерация субъектлари бошлиғи амирларнинг ўз ичидан ҳукмдорини беш йил муддатга сайлашини кўришимиз мумкин. Бу эса республика шаклидаги давлат бошқарувининг маълум бир таркибий ўхшашликларини ўзида намоён этади.

Инсоният пайдо бўлгандан буён давлат шакли монархия бошқарувида ривожланиб кела бошлаган.

Республика бошқаруви шаклига ўтиш асосан буржуа инқилоби натижасида юзага келган, яъни тарих нуқтаи назари билан феодал тузум ҳукмрон бўлган даврдан янгича ишлаб чиқариш технологиялари вужудга келган даврга ўтиш жараёнларида эскича яшашга ортиқ чидай олмаган халқ норозилиги қонли курашга айланган вақтда давлат бошқаруви усули тубдан янгиланган. Бу жараённинг пайдо бўлишида асосий ролни ишлаб чиқаришдаги ўзгаришлар тарафдорлари бўлган завод ва фабрика эгалари ташвиқот-тарғибот қилиб халқ оммасига ўз ғояларини сингдиришган. Уларнинг ғоялари ҳозирги демократик талабларидан бўлганлиги учун (тенглик, халқ суверенитети) буржуа инқилоби амалга оширилган. Айниқса эски феодал тузум даврида ҳукмрон синф ҳисобланган катта ер эгалари ва дворянларнинг ҳокимиятини синдиришга бўлган халқ хоҳиши жамият тузилишни яъни давлат бошқаруви усулини ўзгартиришга сабаб бўлган. Шунинг учун ҳам ҳозирги Конституциянинг пайдо бўлиш омилини ҳуқуқшунос олимлар бевосита буржуа инқилобининг меваси деб аташади.

Агар биз инсоният тарихидан давлат бошқаруви усулини ўрганмоқчи бўлсак, албатта монархия тузуми ҳукмрон бўлган даврни тасоавур қиламиз.

Чунки феодаллик тузум ҳукмрон бўлган даврда монарх, подшо, султон, қирол ёки император деб аталиб энг катта ерга эгалик қилган ва халқнинг розилигисиз чексиз ҳокимият соҳиби бўлган.

Ҳозирги монархия давлатлари феодал тузум давридагидан тубдан фарқ қилади. Масалан, 1931 йил Испанияда юз берган инқилоб натижасида Ф.Франко диктатурасининг ўрнатилиши билан тугаган.<sup>1</sup> 1931-1939 йиллар Испания давлати давлат бошқаруви усули

---

<sup>1</sup> Алебастрова И.А. Конституционное право зарубежных стран. (учебное пособие). – М., Юриспруденция, 2000. 66 с.

мутлақ монархия ҳукмронлигидан чекланган монархия шаклига ўтиш босқичларининг илк даври ҳисобланади. 1978 йил 27 декабрда қабул қилинган “Испания қиролигининг Конституцияси“ чекланган монархия давлат бошқаруви шаклига батамом ўтганлигини тасдиқлайди.

Шунингдек, Буюк Британия, Бельгия, Япония давлатларида ҳам монархия бошқарув усули, сиёсий режимнинг демократиялаштиришда бир-бирига мослаштирилди.

Шундан хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, давлат бошлиғи лавозимига қўйилиш тартиби ўзгармасдан, ундаги ўзгаришларнинг ўзига хос хусусиятларига аниқлик киритилиб, давлат шаклининг энг муҳим белгиси бўлган юридик модели янгиланади яъни давлат бошлиғи, қонунчилик ва ижроия ҳокимият тармоқлари орасидаги ўзаро муносабатлар конституциявий тартиб билан мустаҳкамлаб қўйилди. Монархия ва республика шаклларидаги давлатларнинг ҳар бирининг ўзига хос давлат ҳокимияти тармоқларининг муносабатлари белгиланган. Бу давлатларнинг ички шаклларининг тузилиши, демократик жамият тасоввурларининг ҳосиласи бўлиб, монархия ва республика шакллари бу масалада бир-биридан фарқ қилмайди.

Монархиянинг икки шакли мавжуд. мутлақ ва чекланган монархия, давлат бошқаруви усулидир. Чекланган монархия ҳам ўз навбатида, дуалистик ва парламентар бошқарувига асосланган.

Мутлақ монархич давлат бошқаруви шаклида, бутун ҳокимият монарх (подшо, қирол, қиролича, император султон) қўлида тўпланган бўлади.

Бундай давлатларда ҳокимиятининг тақсимлашиш принципи инкор этилади.

Чекланган монархия ўрнатилган давлат бошқаруви шаклида, конституция ва парламент орқали монархнинг давлат ҳокимиятига бўлган ваколатлари чеклаб қўйилади. Парламент олий юридик кучга эга бўлган қонунларни қабул қилади. Чунки чекланган монархия тузуми ўрнатилган давлат тузулиши белгиланган бўлади.

Шунинг учун ҳам чекланган монархичконституциявий давлат шакли деб аталади.

Конституциявий монархиянинг асосий шакллари – дуалистик ва парламентар давлат бошқарувига бўлади.

Дуалистик монархичтузуми ўрнатилган давлат бошқаруви шаклида монарх ҳокимияти давлат бошлиғи сифатида сақланиб

қолади; шукумат таркибини шакллантиради ва унга бошчилик қилади, вазирларни ўз лавозимидан озод этиши мумкин ҳамда вазирлар унинг олдида ҳисобдордирлар ва фақат унинг олдида жавобгардирлар.

Парламент республикада эса, Бош Вазир лавозими алоҳида ҳол этилиши лозим бўлган масаладир. Фақатгина Бош Вазир ҳукуматга бошчилик қилади монарх унинг ишига аралашмайди. Бош Вазир фақат парламент олдида сиёсий маъсулдир, парламент унга ишончсизлик билдириши ёки ўз ишончини қайтариб олиши мумкин.

Республика давлат шакли, президентлик ва парламентар бошқарув усулига асосланган бўлади.

Бу икки бошқарув усулида ҳам худди монархия давлат шаклига ўхшаш, ҳукумат сиёсий маъсуллиги масалалари билан асосан фарқ қилади.

Шунга алоҳида эътибор бериш лозимки сиёсий маъсуллик билан юридик жавобгарлик тушунчаларини бир-бирига аралаштириб юбормаслик керак.

Сиёсий маъсуллик, фаолият натижаларига боғлиқ бўлиб, олиб бораётган сиёсатининг моҳиятига ва мақсадга мувофиқлигига жавоб бериши тушунилади. Юридик жавобгарлик масалаларида эса асосан монархия ва республика давлат шакли бир-биридан тубдан фарқ қилади.

Президентлик ва парламентар давлат бошқарув усулини таҳлилий ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики, улар орасидаги асосий фарқ ҳукумат жавобгарлик масалаларининг ҳал этилиши тартибининг белгиланишидир. Агар ҳукумат Президент олдида жавобгар бўлса, бундай давлат бошқаруви усули президентлик, агар парламент олдида жавобгарлиги белгиланган бўлса, парламентар республика деб аталади. Жавобгарлик маъноси, кўп жиҳатдан ҳукумат аъзоларининг истеъфога чиқарилиши ким томонидан ҳал этилишга боғлиқ масалаларни камраб олади. Президент олдида жавобгарлик масаласининг кўриниши асосан, ҳукумат фаолияти президентни хоҳиши билан боғлиқ бўлиб, у хоҳлаган вақтда шукуматни ёки алоҳида вазирни истеъфога чиқариши мумкин.

Парламент олдида ҳукуматнинг жавобгарлик масаласибутунлай бошқа ҳолатда бўлиб, коллегияли принципда ҳал этилиши мураккаб жараённи ўз ичига олади.

Чунки ҳукуматга ишончсизлик билдириш кўпчиликнинг хоҳиши билан амалга оширилиб, ҳукумат аъзоларининг ҳаммаси истеъфога

чиқишини билдиради, алоҳида бир вазирни истеъфога чиқариш масаласи унда кўрилмади. Шунинг билан президент парламентар республикасида, қонунчилик ва ижроия ҳокимият ўртасидаги келиб чиқадиган келишмовчиликларни ҳал этилишида, парламентга қарши жазо чоралари сифатида, давлат бошлиғи томонидан уни тарқатиб юбориши мумкин. Агар ҳукумат қуйи палата томонидан жавобгарлик масалаларида маъсул бўлса, президент қуйи палатани, агар юқори палата олдида маъсул бўлса, юқори палатани тарқатиб юбориши мумкин. Аксарият парламентар республикаларда президент бундай ҳуқуққа эга эмас.

Давлат бошқарув шаклининг танлаб олиниши, кўп жиҳатдан давлат ҳокимиятининг бўлиниш принципини амалга оширилиш хусусиятларига боғлиқ бўлади. Бошқарув шаклининг демократик давлатларда татбиқ этилиши босқичма-босқич узоқ вақт талаб этиладиган жараёни ўзи ичига олади. Давлат ҳокимиятининг тақсимланиш принципини бошқарув шаклининг юридик моделини намоён этади. Бу асосан парламентар республика ва монархия, ҳамда президентлик республикасида давлат ҳокимиятининг бўлиниш принципини босқичма-босқич олиб борилади.

Демократик принципларни инкор этадиган давлатлар бошқарув шаклида ҳокимият ягона шахснинг ёки сиёсий ғоянинг ижодкорлари қўлида бўлади. Бундай давлат шаклига мутлақ монархия ва собиқ иттифоқ тузуми киради. Шунингдек, ҳокимиятнинг тақсимланиш принципи тўлиқ президентлик ва ярим-президентлик ҳамда дуалистик монархия шаклидаги давлат бошқаруви усулида ҳам чекланган бўлади. Аммо уларнинг бошқарув шаклида, ҳокимиятнинг бўлиниш принципи, турли хил ўзига мос йўли билан амалга оширилади.

Бу биринчидан, турли хил давлат органларининг бир-бирининг ишига аралашмаслик принципида ваколатлари чегараланган бўлади, иккинчидан, бир-бирининг фаолияти устидан назорат этиш функцияси ҳокимиятни суистеъмол қилинишни олиш юзасидан тийиб туриш механизми белгиланган бўлади.

Ўзбекистон Республикаси илк бор ўзининг Конституциясини 1992 йил 8 ва 10 декабрда Олий Кенгашнинг ўн биринчи сессиясида халқ вакиллари муҳокама қилар экан, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов давлатимиз бошқарув шаклини қуйидагича таъриф берган эди: “Давлат ҳокимиятининг ташкил



этилиши ва фаолият тартиби ваколатларнинг тақсимланиш принципи асосида амалга оширилади.

Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти – давлатнинг учта асосий таянчидир.

Лойиҳада ана шу учта ҳокимият идораларининг ўзаро уйғун фаолият воситалари, шунингдек, бу идораларнинг ўзаро бир-бирини тийиб туриш тизимини вужудга келтирувчи қоидалар мустаҳкамланди<sup>1</sup>.

Президентлик республикаси шаклидаги давлат бошқарув усули ҳокимият органларининг бир-бирини тенглик принципи асосида Конституция ва қонунлар доирасида ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатларини ошкор этишга хизмат қилади, лекин бир-бирининг берилган ваколатларини маҳрум эта олмайди. Давлат ҳокимият органларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари устидан тегишли чоратадбирлар ҳамма демократик давлатларда бўлгани каби қонун талабларида кўрилади.

Парламентар республика ва чекланган монархия бошқарув шаклидаги давлатларда ҳокимиятни амалга оширишдаги ўзаро назоратни, қонунчилик ва ижроия органлари муносабатларининг белгиланишида, парламентнинг шукуматга ишончсизлик билдириши ёки умуман ишончдан воз кечиши ҳамда давлат бошлиғининг парламент палаталаридан бирин тарқатиб юбориш ҳуқуқларидан кўришимиз мумкин.

Хорижий мамлакатларда конституциявий давлат бошқаруви шаклининг мустаҳкамланганлиги турли хил йўллар билан амалга оширилади.

Тўғридан-тўғри Конституцияда давлат бошқарув шаклининг амалга оширилиш принципини белгиланганлиги камдан-кам мамлакатларда учрайди.

Масалан, Болгария Конституциясининг 1-моддасида: “Болгария – парламент бошқарувидаги республикалар”.<sup>2</sup>

Аксарият давлатларнинг бошқарув шаклини аниқлашда давлат ҳокимият органларининг мақомини таҳлил қилиш ва улар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг белгиланиши ўрганиш лозим бўлади.

## 2 §. Давлат режимининг туркумларга бўлиниши

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Т., Ўзбекистон, 1993. 123 б.

<sup>2</sup> Алебастрова И.А. Конституционное право (государственное) зарубежных стран. (учебное пособие). – М., Юриспруденция, 2000. 68 с.

ва белгиланиши

Давлат ҳокимият органларининг ўзаро муносабатларини белгиланиши ва уни ташкил этилишида бошқарув шаклининг юридик модели ўзини намоён этади. Конституцияда ўрнатилган намуна бошқарув шаклини ташкил этишда унда белгиланганлигидан муҳим жиҳатлари билан фарқ қилиши мумкин.

Шунинг учун ҳам мазкур фаннинг ўргатиш доирасига нафақат конституциявий-ҳуқуқий нормалар ва институтлар назариясини таҳлил қилиш, балки уни амалда тадбиқ этилишининг мезонлари қандай натижаларга эришганлигини ифодалаб бериш киради.

Ифода этишнинг мукамаллигини таъминлаш учун, ёки таҳлил қилинишини соддалаштиришда, давлат ҳокимият органларининг ҳокимиятни тақсимланиш принципи асосида этилиши давлат бошқарув шаклида қандай йўлга қўйилганлиги ушбу фанда давлат режими тушунчасида қўлланилади.

Давлат режими – сиёсий кучларнинг таркибий қисми ва давлат ҳокимияти Олий органларининг ўзаро муносабатларини тартибга солинишида уларнинг ҳақиқий компетенциясини ифода этиб давлат бошқарувида тутган ўрни ва функциясини намоён этади.

Давлат режими, давлат бошқарув институтлари ва сиёсий режим билан боғлиқ бўлиб, уларни бир-биридан давлат режимининг фарқи шундан иборатки, давлат бошқарув шакли юридик модел бўлиб, олий давлат органларининг ўзаро муносабатларидан аниқланади, давлат режимида эса – олий давлат органлари фаолиятига таъриф беради яъни унинг ҳақиқий фаолият принциплари тавсифланди.

Давлат режимининг сиёсий режимдан фарқи шундан иборатки, сиёсий режим кўпчилик аҳоли сонини ташкил этган сиёсий кучлар муносабатларини ифода этса, давлат режими – сиёсий кучлар ичидаги турли таъсир қоидаларни ўзаро муносабатларида келиб чиқадиган масалаларни ўзида мужассам этади.

Давлат бошқарув шаклининг ўзига хос томонларини ажратиб олинишида давлат режимининг турли хил кўриниши намоён бўлади. Бу турли хил кўринишдаги сиёсий режим билан ҳам бир-бирига мос тушиши мумкин. Давлат режимининг маълум бир ҳолига тушиши, давлат бошқарув шаклига боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам ҳар бир давлат бошқарув шаклида, давлат режимининг кўринишини қўлланилиши доимо таҳлил қилиб турилади.

### 3 §. МОНАРХИЯ

Монархия тушунчаси грекча сўздан олинган бўлиб, яккаҳокимиятчилик, ягона ҳокимият соҳиби маъноларини беради. Лекин монархия сўзи нафақат ҳокимиятнинг ягона шахс қўлида бўлишини билдиради, балки уни наслдан-наслга ўтиб туришини ҳам мустаҳкамлайди.

Монархия тузуми ҳукмрон бўлган давлатда унинг бошлиғи худонинг ердаги вакили деб қаралади. Масалан, Япония императори 1945 йилга қадар куёш худоси Амаатераснинг ўғли деб ҳисобланган.<sup>1</sup> Хозирги замонда подшоларнинг худолар авлодидан бериб чиққанлиги ҳеч кимни қизиқтирмайди. Тарихий манбаалардан бизга маълумки феодал тузум ҳукмрон бўлган даврда катта ер эгалари ҳокимиятни эгаллашга ҳаракат қилиб келишган. Айримлари бу мақсадларига эришиб

Ўзларини олий ҳукмрон деб эълон қилганлар.

Демак, ҳозирги монархия тузуми сақланиб қолган давлатларнинг ҳукмдорлари ўта феодал тузум давридан қолганларнинг авлодлари ҳисобланади. Лекин улар олдинги даврдагидек давлат ҳокимиятига эга эмаслар. Аммо монархиянинг миллат бирлигини намоён этувчи мавқеи ҳозир ҳам юқори баҳоланмоқда.

Масалан, 1946 йилги Япония Конституциясининг 1-моддасида "Император халқ бирлиги ва давлат белгиси ҳисобланади, яъни давлат ҳокимияти тегишлилигига қараб, халқнинг ҳоҳиши унинг мақомини белгилаб беради."<sup>2</sup> Шунингдек, 1978 йилни Испания Конституциясининг 56 моддасида ҳам миллат бирлиги ва давлат ҳокимиятининг мавжудлиги Қирол номи билан аталади. 1707 йилги Буюк Британиянинг Шотландия билан қўшилиш ҳақидаги конституциявий қонунида ҳам Қироличанинг икки давлат ҳокимияти тизимидаги тутган ўрни белгилаб берилган. Мазкур қонуннинг 1,2 моддалари Қиролича хазрати олияларининг бундан кейинги мақоми икки давлат бирлиги рамзи сифатида ҳокимият тепасида бўлиши ва тахт ворислиги масалаларини мустаҳкамлаб бўлган. Бизга тарихий манбалардан маълумки ушбу конституциявий акт қабул қилингунга қадар Шотландия Қироллиги мавжуд бўлган. Бу қонун қабул

---

<sup>1</sup> Конституционное (государственное) право зарубежных стран. Учебник. В 4-х томах. Тома 1-2. Отв.ред.Б.А. Страшун.- М., Издательство БЕК, 1985.- 305 ст.

<sup>2</sup> Ушбу дарсликдан, 306 бет.

қилингандан кейин икки давлат қироллиги бирлашиб ягона Қиролича бирлашган Қироллик давлатининг рамзи ва миллат бирлиги мақомида, айрим ваколатлари сақланиб қолинган.<sup>1</sup> Масалан Қиролича жамоа палатасини тарқатиб юбориши, Бош Вазир лавозимига жамоа палатаси вакилидан бирортасини қўйиши, амнистия ва авф этиш тўғрисидаги фармонларини қабул қилиши мумкин.<sup>2</sup>

Энг муҳими шундан иборатки, аксарият монархия тузими ҳукмронлик қилаётган давлатларда монархнинг мақоми Конституцияда мустақамланган бўлади. 1931 йил қабул қилинган Белгия Конституциясида монарх ҳақидаги тавсияномалар белгиланмаган.

Энг асосий монарх ваколатларида, уни Конституциясида ёки бошқа қонунларда белгиланишининг аҳамияти йўқ. Мана шу принцип асосида монархия- давлат шаклини ўрганамиз ва уни таҳлил қиламиз.

Юқорида кўрсатиб ўтганимиздек монархия тузуми мавжуд бўлган мамлакатларнинг давлат бошқарув шакли икки хил кўринишда бўлади. Мутлоқ ва чекланган монархия. Мутлоқ (абсолют)- монархия. Бундай давлатларнинг бошқарув шакли узок ўтмишга бориб тақалади. Ўша даврдан бошлаб, ўз давлат ҳокимиятини қўлдан бермай келаётган монарх ҳукмронлиги, наслдан-наслга ўтиб, ҳозирги даврда мутлоқ монархия мақоми билан бошқарув шаклини намоён этади. Унинг қўлида бутун давлат ҳокимияти тўплаган бўлади. Ўзи қонун қабул қилади, давлат бошқарув аппаратини тузади, Олий суд ҳокимиятини амалга оширади. Унинг ҳокимиятини чегараси бўлмайди, юридик ва сиёсий, маънавий жиҳатдан номигагина, дин пешволари ва бошқа ўзи тайинлаган мансабдор шахслар ҳокимият масалалари ҳал этилаётганда иштирок этиши мумкин.<sup>3</sup> Чунки монарх уларнинг давлат ҳокимиятига бўлган ҳуқуқларини оёқ-ости қилаётгани йўқ ва ўзи ҳам бундай ҳуқуқларга бутун эга бўлмаган. Ҳозирги даврда мутлақ монархия давлат бошқарув шакли кам учрайди. Бунга мисол сифатида Саудия Арабистони ва Олмон давлатларини келтириш мумкин. Бу

---

<sup>1</sup> Конституции зарубежных государств. Учебное пособие. 2-е изд. Исправ. и доп.- М., Издательство БЕК. 1997.-71 ст.

<sup>2</sup> Конституционное (государственное) право зарубежных стран. Учебник. В 4-х томах. Том 3.Отв.ред. Б.А.Страшун.- М., Издательство БЕК, 1997.-48 ст.

<sup>3</sup> Конституционное (государственное) право зарубежных стран. Учебник. В 4-х томах. Том 1-2..Отв.ред. Б.А.Страшун.- М., Издательство БЕК, 1996.-306 ст.

давлатларда монах –энг олий дин пешволари ҳисобланади, шунинг билан улар ўз давлат ҳокимиятини кучайтирадilar. Мутлақ монархияда, сиёсий режим авторитар хусусиятга эга бўлиб, давлат режими эса чекланмаган деб аталади. Шунингдек, монархия- давлат шакли чекланган бошқарув усулига ҳам бўлмайди. Чекланган монархия дуалистик ва парламентар давлат бошқарув шаклларида қурилган бўлади.

## Монархия

Чекланмаган (абсалют)  
чекланган

Конституциявий

Дуалистик Парламентар

Дуалистик монархия. Бу мутлоқ монархиянинг ўзгаришига асос солган биринчи замонавий давлат бошқарув шакли бўлиб конституциявий монархия деб аталади.

Дуалистик монархияда ўз номи билан давлат ҳокимияти шаклига бўлинади, қонунчилик ва ижро этувчи.

Қонунчилик ҳокимияти парламентга тегишли бўлиб, унинг таркиби сайлов ҳуқуқи цензи орқали сайланади ва тайинланади. (монах маълум қисмини тайинлайди).

Ижроия ҳокимият эса монахга тегишли бўлиб, ўзи амалга оширади ёки ҳуқуматни таъминлайди.

Суд ҳокимияти ҳам монах қўлида бўлиб, у ёки бу даражада мустақил бўлиши мумкин.

Шунинг билан бундай давлат бошқарув шаклида ҳокимиятнинг бўлиниши иккига ажратилиб ўрганилади. Лекин шундай бўлса ҳам монах ваколатлари жуда кенг берилган бўлиб, парламент томнидан қабул қилинган қонунларга чекланмаган ҳуқуқ асосида вето қўйиши мумкин. Агар у қонунни тасдиқламаса кучга кирмайди. Бундан ташқари қонун кучидан юқори бўлган фармонлар қабул қилиши, парламентни тарқатиб юбориши мумкин. Шунинг билан вақтинчалик мутлоқ монархия томонидан давлатга айланиши мумкин.

Масалан, Испанияда 1974 йил парламент тарқатилиб юборилиб, 1989 йилга қадар мутлоқ монархия ҳукм сурган.<sup>1</sup>

Агар ҳукумат тайинланган бўлса, фақат монах олдида ўз фаолияти тўғрисида ҳисоб бериб туради, парламент олдида масъул эмас.

Фақатгина давлат бюджетини белгилаш жараёнларида парламент билан ҳисоб-китоб қилишга мажбур бўлиши мумкин. Аммо депутатлар йилда бир марта келиб чиқадиган бу масалада ҳукумат билан келишмовчилик келиб чиқишдан кўрқадилар, чунки монах хоҳлаган вақтида уни тарқатиб юбориш ҳуқуқига эга. Худди чекламаган монархия давлат бошқарув шаклига ўхшаш, дуалистик монархия тузилишида ҳам сиёсий режим авторитар бошқарувга шарт-шароитлар яратиб беради.

Давлат режими эса чегараланган дуалистик ҳокимият тавсифида тўлиши мумкин.

Шундай қилиб монархия давлат шаклининг дуалистик бошқарув усулида давлат ҳокимиятининг бўлиниши олдингидек, монах ва уни ўраб турган яқин қариндошлари кўлида бўлади.

Хозирги вақтда, Қувейт, Иордания, Марокаш давлатларида дуалистик монархия бошқарув шакли сақланиб қолган.<sup>2</sup>

«Инсоният тарихи - табиат ва ҳаёт ҳақидаги оддий тассавурлардан, чекланган эҳтиёжлардан мураккаб маънавий фаолият даражасигача ўсиш жараёнини ўз ичига олади. Инсоний цивилизациянинг бошланишида маънавият бир пайтнинг ўзида инсоннинг ..тафаккури ҳосиласи ҳамда сабаби тарзида кўзга ташланади».<sup>3</sup>

Парламентар монархия. Бундай бошқарув шакли, одатда энг ривожланган давлатлар ҳисобланади. XVII-XVIII асрларда айрим мамлакатларнинг давлат бошқарув шакли инсоният тассавурида бўлмаган янгича жамият қурилиши жараёнлари бошланган давр бўлди. Аграр феодализмдан, илк капиталистик тузум даврида барча давлатларнинг бошқарув шакли, табиат, жамият қонуниятлари талабларига мос равишда ўзгарди. Буюк Британия, Япония, Нидерландия, Швеция, Ионада, Австралия давлатлари бошқарув

<sup>1</sup> Конституционное (государственное) право зарубежных стран. Учебник. В 4-х томах. Том 1-2. Отв. ред. Б.А. Страшун. - М., Издательство БЕК, 1996. - 307 ст.

<sup>2</sup> И.А. Алебастрова. Конституционное (государственное) право зарубежных стран. Учебное пособие. - М., "Юриспруденция", 2000. - 70 ст.

<sup>3</sup> Авесто. Тарихий- адабий ёдгорлик. Аскар ..таржимаси.-Т., Шарк, 2001.-5 б.

шакли тубдан янгиланди. Албатта, бу жараёнда ҳар бир давлат халқларининг хошиш иродаси ётади.

"Одамзод ер, сув, ҳаво ҳамда куёшни бевосита ҳис қилишдан аста-секин "Табиат нима?", "Ҳаёт нима?", "Ўлим нима?", "Одамнинг моҳияти нимада?", "Коинот ўзи нима?" каби мураккаб саволлар томон тараққий этди. Қоронғуликдан ёруғликка чиққандай, билимсизликдан маърифат сари, дунё ҳақидаги тассавурлар ҳаётда тушунчалар томон силжиши маънавият йўлини қанчалик узлуксиз эканлигидан далолат беради. Бу йўл шунчалик сўқмоқларга мўл эканки, одамзод ҳақиқат ва ҳақ бекатига етиб келгунча шунча кўп тафаккурларни ўзи бузиб, яна бошқа тасаввур манзиллари яратишга тўғри келди".<sup>1</sup> Мазкур фалсафий ғоя ҳар қандай давлат шаклига тааллуқли бўлиб, инсон доимо яхши яшаш учун курашиб келганлиги ва бу жараёнларда турли хил кўришиш касб этувчи бошқарув усулини ташкил этганини тарихий манбаалардан ўрганамиз. Юқорида кўрсатиб ўтилган парламентар монархия давлат шаклининг вужудга келиши ҳам инсоният курашларининг натижасида пайдо бўлган энг замонавий бошқарув усулидандир.

Парламентар монархия тузумида ҳокимиятнинг бўлиниш принципи қонунчилик органининг Олий давлат ҳокимият органи эканлигини кўрамыз. Ижроия ҳокимият устидан парламентнинг юқори туриши, сиёсий режимнинг демократик ёки либерал яъни давлат ҳокимият органларининг бир-бири билан муроСага келалмайди қонун талабларида фаолият юритиши белгиланганлигини билдиради.

Шунингдек, парламентарнинг Олий ҳокимият органи сифатидаги тушунчаси шуни билдирадики, ҳукуматнинг тузилиши монах томонидан тайинланса ҳам юқори ёки қуйи палатанинг ишонч ҳуқуқи қўлланилади. Бу шуни англатадики, агар юқори ёки қуйи палата аъзолари ҳукуматга ишончсизлик билдирса, монах қуйи палатада энг кўп ўрин олган партия аъзоларидан сайланган депутатлардан ҳукуматни шакллантиришга мажбур бўлади. Монах бундай давлат бошқарув шаклида фақат шохдир, ҳокимият масалаларида кузатувчи вазифасини ўйнайди. Қонунни тасдиқлаш ёки тўхтатиб қўйиш мунасабатларида бундай ҳуқуқдан амалда фойдаланмайди яъни ҳукумат кўрсатмаси билан қонунни амалга киритиши мумкин. Ҳуқуқий жиҳатдан монах бундай ҳуқуқдан маҳрум этилган. Унинг томонидан чиқарилиши лозим бўлган

---

<sup>1</sup> Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. Аскар ..таржимаси.-Т., Шарк, 2001.-371 б.

хужжатлар тартиб бўйича ҳукумат ташаббуси билан тайёрланади. (Бош вазир ёки унинг томонидан тайинланган вазир томонидан). Шунинг учун ҳам монах юридик томонидан қабул қилинаётган қонун ва монах юридик томонидан қабул қилинаётган қонун ва қонун ости актларини оқибати учун жавоб бермайди. Ҳар қандай монах фармонлари ва бошқа қонун ҳужжатларига парламент ва ҳукумат жавобгардир.

Энг муҳими ажратиб турадиган парламентар монархиянинг давлат бошқарув шаклини белгиси шундан иборатки –парламентнинг қуйи палатаси олдида ҳукуматнинг ўз фаолияти масалаларида сиёсий жавобгарликдир. Агар қуйи палата ҳукуматга ишончсизлик ҳукуматини билдирса ёки билдирган ишончидан кечса ҳукумат монах томонидан истеъфога чиқиши ёхуд ўз лавозимидан озод этилиши шарт. Аммо парламентнинг бу ҳуқуқни ҳозирги парламентар монархия шаклидаги давлатларда амалга оширилиши унга тенглаштирилган ҳукуматнинг монахга қуйи палатани тарқатиб бериш таклифини тасдиқлаши ва янги сайловларни ташкил этилишида кўришимиз мумкин. Бундай жараёнларда ижро этувчи ва қонунчилик ҳокимият органлари ўртасидаги келишмовчиликлар халқ томонидан ҳал этилади. Агар сайловларда парламентнинг олдинги таркиби қайтадан сайланса ёки кўпчилиги палатадан ўрин олса, унда ҳукумат таркиби янгиланади яъни истеъфога чиқишга мажбур бўлади.

Шундан келиб чиқиб, бундай давлат бошқарув шаклида монах, парламент ва ҳукумат муносабатларининг белгиланиши парламент режими ёки парламентар монархия деб аталади.

Парламентар монархия давлат бошқарув шаклининг тузилиши жуда мураккаб жараёнларни ўз ичига олади, бунда парламент таркибининг бирор бир сиёсий партияси кўп ўрин олиши мумкин эмас.

Бунинг натижасида ҳукумат аъзолари ҳам бир партиядан тузилиши мумкин бўлмайди. Чунки уларда истиқомат қилаётган халқларнинг сиёсий онги ва тафаккури бирор бир сиёсий партиянинг давлат ҳокимиятига ҳукмронлик қилишига йўл қўймайди.

Бу масалада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг II- чақириқ II- сессиясида 2000 йил 25 май куни сўзлаган нутқи диққатга сазовордир; "Шуни яхшилаб англаб олишимиз зарурки, ҳаёт ўзгариши билан, одамларимизнинг аввалги сиёсий онги улғайиши билан, бизнинг парламентимизнинг ташкил



этилишида ҳам, унинг фаолиятида ҳам тегишли ўзгаришлар бўлиши табиийдир" 1деб Ўзбекистон давлатининг келажак истиқболларини халқнинг маънавий юксалишини парламентни шакллантириш орқали қуриш мумкинлигини тушунтириб берган эди.

Шундан хулоса қилиб айтиш мумкинки, ҳозирги ривожланган монархия ҳисобланган Буюк Британия, Япония, Австрия ва Канада давлатлари ҳам узоқ тарихий ривожланиш босқичларини бошидан кечирган. Уларнинг давлат бошқарув усулини яна кенгроқ ўрганар эканмиз, парламентнинг жамият ва давлат ҳаётида тутган ўрни беқиёс катта эканини, ишини ташкил этиш мезанизмини мукаммал эканлигидан кўришимиз мумкин.

Парламент фаолиятининг ташкил этилиши сиёсий партияларнинг фаолиятига боғлиқ бўлиб, юқорида кўрсатиб ўтилган Буюк Британия, Канада, Австрия давлатларида икки партиявий тизими мавжуд. Айрим давлатларда (Япония) кўп партиявийлик тизими мавжуд бўлиб, энг кучли партия томонидан мувозанати сақланиб турилади.

Парламент монархия давлат шаклининг ўзига ҳос ҳусусиятларини ижобий ва салбий томонлари, давлат ҳокимиятининг амалга оширилиши турли хил сиёсий кучлар ўртасида зиддиятларни келтириб чиқаради. Бу эса бир томондан ҳокимиятни суъистеъмол қилинишини олдини олса, иккинчи томондан прламент устидан назорат қилинишига шарт-шароит яратиб беради. Масалан, Японияда 1955-1993 йилларда ҳукумат таркиби кучли сиёсий партиялар вакилларида (қуйи палатадан) бўлганлиги учун, юридик жиҳатдан парламент ҳукумат фаолиятни назорат қилиш керак эди, амалда эса ҳукумат таркиби палатада кўпчилик ўринни эгаллаган сиёсий партия вакилларида бўлганлиги сабабли, ҳукумат парламент фаолияти устидан ўз ҳукмини ўтказадиган бўлди.<sup>1</sup>

Бундай давлат режимининг ўрнатилиши вазирлик ёки “Ҳукумат хайъати тизими” номини олди.

Шунга эътибор бериш лозимки, парламентар монархия давлат бошқарув шаклида икки хил давлат режими бўлиши мумкин; парламент ва ҳукумат фаолияти билан боғлиқ бўлади. Бу эса ўша давлатнинг сиёсий партиялари тизими қандай эканлиги билан белгиланади.

---

<sup>1</sup> И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. Т. 8. –Т., "Ўзбекистон", 2000.- 483 б.

<sup>1</sup> Конституционное (государственное) право зарубежных стран. В 4-х томах. Тома 1-2. Отв.редакторов. Б.А.Страшун.-М., «БЕК», 1995. –309 стр.

Парламентар монархия давлат бошқарув шаклини ўрганар эканмиз, унинг пайдо бўлиш тарихи маълум бир ривожланиш босқичларини босиб ўтганлигини кўрамиз. Дастлаб мутлоқ монархия, сўнг дуалистик ва парламентар шакли вужудга келган. Бунга мисол қилиб, ҳозирги даврда эндигина ривожланиб келаётган Малазия, Тайванда ва Непал давлатларини бошқарув шаклини ўрганишимиз мумкин. Ҳозир уларнинг давлат бошқарув шакли ўтиш жараёнини бошидан кечирмоқда. Чунки номи парламентар монархия шакли деб аталса ҳам монархнинг давлат ҳокимиятига бўлган таъсири, дуалистик давлат режимининг ўрнатилганлигини билдиради.<sup>2</sup>

Монарх ва парламентнинг давлат ҳокимиятини амалга оширишдаги ваколатларини бир бирини назорат қилиш принципида тузилган. Лекин шундай бўлса ҳам, ички сиёсий кураш жараёнлари давом этмоқда, вақти келиб бу давлатлар чинакам парламент ҳокимиятига эришадилар.

#### 4-§ Республика

Республика сўзи латин тилидан олинган бўлиб, (respublika) иши деган маънони англатади. Бу шундай давлат бошқарув шаклики, давлат соғлиғини сайланишига тавсиф бўлади ва унинг номи билан президентлик республикаси деб аталади. Мазкур бошқарув шаклининг пайдо бўлиши ҳамма давлатларда албатта улуғ инқилоблар натижасидир. Францияда буржуа инқилоби, Америкада фуқаролар уруши натижасида айрим давлатларда ҳокимиятни бошқа бир сиёсий кучлар томонидан эгаллаб олиниши туфайли (Германия, Греция, Чили, Жазоир) ҳақиқий президентлик республикаси ўрнатилган эди.

Ўзбекистон Республикасида ҳам мустақиллик учун кураш жараёнлари президентлик бошқарувига ўтиш лозимлигини кўрсатди. 1990 йил 24 мартда республика Олий Кенгашининг XII- чақирик бирлиги сессиясида президентлик лавозими таъсис этилди. 1990 йил 20 июнида Олий Кенгашининг иккинчи сессиясида "Мустақиллик декларацияси" эълон қилинди<sup>3</sup>.

1991 йил 29 декабрда ўтказилган референдум Ўзбекистон тарихида биринчи марта давлатимиз мустақиллигини Олий Кенгаш

---

<sup>2</sup> Конституционное (государственное) право зарубежных стран. В 4-х томах. Тома 1-2. Отв.редакторов. Б.А.Страшун.-М., «БЕК», 1995. –310 стр.

<sup>3</sup> "Қишлоқ ҳақиқати" рўзномасининг 1990 йил 22 июнь сони.

томонидан эълен қилинганлигини маъқуллаб, ўз Президентига ҳам овоз берди. Мана шундан буён хорижий мамлакатлар тажрибасига таяниб, ўз тарихий давлат бошқаруви асосида президентлик республикасининг ҳуқуқий пойдеворини яратди. Ҳар бир миллат ва элатлар ўз миллий қадриятларини сақланиб қолишига курашадилар. Чункимиллатни давлат сифатида жаҳонга танитадиган бебаҳо бойлик бу унинг ҳеч қаерда такрорланмайдиган урф-одат нормаларидир.

Кўп ҳолларда мустамак давлатлар ўз мустақиллигини қўлга киритган кундан республика деб эълон қилади. Бу шундан далолат берадики президентлик давлат бошқаруви шакли мустақилликни мустаҳкамлаш жараёнида муҳим ўрин тутди.

"...Тарихнинг муайян даврида, ҳақиқий давлатчилик қарор топаётган пайтда, айниқса бир тизимдан иккинчисига ўтиш даврида, ҳар ҳолда кучли ижроия ҳокимияти зарур. Қон тўқилишига ва қарама-қаршиликка йўл қўймаслик, минтақада миллатлараро ва фуқаролар тотувлиги, тотувлиги ва барқарорликни сақлаш учун шундай бўлиши зарур, бу йўлда мен жонимни фидо қилишга тайёрман. Таъбир жоиз бўлса, демократия сари ҳаракат қилиш учун ҳам шундай бўлиши зарур"<sup>1</sup>деган эди Ўзбекистон Республикаси президенти И.А.Каримов. И.А.Каримов 1993 йил 12 февралда "Комсомольская правда" рўзномасининг мухбирлари билан бўлган учрашувда.

Республика шаклидаги бошқарувнинг пайдо бўлиш омилига биринчидан мустақилликни мустаҳкамлаш бўлса, иккинчидан сиёсий партиялар фаолиятини йўналтириш яъни демократик талабларга мослаштириш, керак бўлса йўл-йўриқ кўрсатиш давлатнинг асосий вазифасига киради.

Республика шароитида мустаҳкам тенглик, давлат бошқарувида демократияни қарор топишини тезлаштиради, чунки ҳокимиятнинг бўлиниш принципи асосида ваколатларнинг тақсимланиши ҳар қандай олий органга бунда давлат бошлиғи ҳам киради, халқдан, олган мандат натижасида амалга оширилади.

Шуни алоҳида белгиланишига эътибор бериш лозимки, ваколатларнинг тақсимланиши тенг шароитлар яратилган тақдирдагина ҳақиқий ҳисобланади. Бу шундан иборатки, айрим турдаги республика шаклидаги давлат бошқарувига номигагина жамият масалалари ҳам этилиб, амалда битта шахснинг хохиш-идорасини ифодалайди.

---

<sup>1</sup> И.А.Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура.-Т., "Ўзбекистон", 1993.-141 б.

Масалан, мамлакатда давлат тўнтариши туфайли бутун хокимият президент лавозими билан бир шахс қўлига ўтиб қолади ва диктатуралик режими ўрнатилади. 1993 йилда Гитлер Германияда, 1960 йил Ж.Мобута Жазоирда, 1967 йилда "қора полковниклар" номи билан Германияда, 1973 йилда А.Пиночет Чилида хокимиятни давлат тўнтариш қилиб эгалланган эди. Бунинг оқибатида мамлакатда давлат режими ягона диктатор ҳукмида, миллионлаб бегуноҳ инсонларнинг қирилиб кетишига сабаб бўлган эди.<sup>2</sup> Агар биз буни янада кенгрок маънода тушунча берадиган бўлсак, 1973 йил "қора полковниклар" деб аталган бир гуруҳ шахслар томонидан амалга оширилган давлат тўнтариш бир томондан монархия тузумини йўқ қилган бўлса, иккинчи томондан республика давлат бошқаруви шаклига ўтганлигини эълон қилган бўлса ҳоли ҳеч қандай демократик тартиб қоидалар амал қилинади яъни монархиядан фарқ қилмайдиган бошқарув усули ўрнатилди. Давлат бошлиғи президент ваколатлари чекланмади у фақат ўлими туфайли ёки бошқа кучларининг зўрлик билан хокимиятни эгалласагина ўз лавозимидан маҳрум этилиши мумкин эди.

Бундай ҳолат собиқ иттифоқ даврида ҳам ҳукм сурган эди. Сайловлар номигагина ўтказилиб давлат бошлиғи умрбод ўз лавозимида қолар эди.

Энди биз республикалар сиёсий режимининг ҳақиқатдан ҳам демократик ёки либерал кўринишида эканлигини турли хил шакллари таҳлил қилиб чиқамиз. Бундан олдин доимо ёдда тутиш керак, парламентар ва президентлик республикаларида президент бўлади. Аммо республикада давлат бошқарув шаклида қонунчилик ва ижроия хокимият муносабатларининг белгиланиш хусусиятлари икки хил кўринишда бир-биридан ажратибўрганилади.

Дуалистик (президентлик) республика.

Бундай давлат бошқарув шаклида ҳукумат фақат президент олдида ўз фаолияти ҳисоб бериб туради, парламент олдида масъул эмас.

Бу шундан келиб чиқиб белгиланганки, парламент ҳукумат таркибини тuzмайди ва унга ишончсизлик ҳуқуқига эга эмас.

Чунки қонунчилик ва ижро этувчи хокимият президентлик республикасида ўз ваколатларини тўғридан-тўғри халқдан олади.

---

<sup>2</sup> Конституционное (государственное) право зарубежных стран. В 4-х томах. Тома 1-2. Отв.редакторов. Б.А.Страшун.-М., «БЕК», 1995. –310 стр.

Президент ижроия ҳокимият бошлиғи сифатида халқ томонидан сайланади ва бунинг натижасида давлат бошлиғи функциясини холи амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлади.

Демак, дуалистик республика шаклидаги давлат бошқарувида президент давлат бошлиғи функциясини амалга ошира бориб, Бош Вазир лавозимини ҳам эгаллайди.<sup>1</sup> Шундай қилиб президент йўл бошловчи ва давлат раҳбари бўлиб, кучли сиёсий арбоб сифатида майдонга чиқади. Унинг халқ томонидан сайлаб қўйилиши улуғ шахс эканлигидан далолат беради. Собиқ Иттифоқ республикалари, Франция, Бразилия ва бошқа давлатларда президент тўғридан-тўғри умумхалқ сайловлари орқали ўз лавозимини эгаллайди. АҚШда алоҳида сайловчилар гуруҳлари томонидан президент сайлови ўтказилади, бунда ҳам давлат ва ижроия ҳокимият бошлиғи парламент олдида мустақилдир, тенглик принципида фаолият юритади. Президентлик республикасида ҳукумат таркиби парламент сессияларида депутатлар тасдиғига қўйилади. Бу жараёнда депутатлар президент томонидан кўрсатилган номзодларни тасдиқлашлари шарт. Агар бирор-бир кўрсатилган номзод бундай лавозига лойиқ эмаслиги асослаб берилса, президент бошқа бир шахснинг номзодини кўрсатишга мажбур бўлади. Шунинг учун ҳам ҳукумат фақат президентлик бошчилигида фаолият юритади, барча ҳокимият масалаларида ҳукумат аъзолари тавсиявий характердаги қарорлар қабул қилиши мумкин, қатъий қарорни ягона президентнинг ўзи ҳал қилиши мумкин.

Ҳукумат таркибининг шаклланишида президентнинг қайси партия аъзоси бўлганлиги муҳим роль вйнайди.

Давлатнинг юқори палатасида ҳукумат аъзолари, президент аъзо бўлган сиёсий партия вакиллари (президент томонидан) кўрсатилади ва алоҳида-алоҳида тасдиқдан ўтади.

Агар кўрсатилган номзод депутат бўлса, вазирликка тасдиқлангандан кейин, депутатлик мандатини топширади. Чунки президентлик республикасида бир вақтнинг ўзида парламент ва ижроия ҳокимият аъзоси бўлиш мумкин эмас. Шунингдек, қонунчилик ва ижро этувчи ҳокимиятнинг бўлинишига алоҳида эътибор берилади яъни уни тенглиги ва бир-бирига нисбатан мустақиллиги таъминланади.

---

<sup>1</sup> И.А.Алебастрова. Конституционное (государственное) право зарубежных стран: Учебное пособие.-М., «Юриспруденция», 2000. –72 стр.

Уларнинг бир-бирини назорат қилиш функцияси ҳам тенглик принципида белгиланнади.

АҚШ Конституциясининг биринчи моддасида қонунчилик ҳокимияти Конгрессга тегишли эканлиги мустаҳкамланган, иккинчи моддасида эса, ижроия ҳокимиятни Президент амалга оширади деб белгиланган, учинчи моддасида, суд ҳокимияти – АҚШ Конгресси томонидан тасдиқланадиган Олий суд ва қуйи турувчи судларни ташкил этиши кўрсатилган.

Кўп президентлик бошқаруви ўрнатилган давлатларда суд ва ижроия ҳокимият органларининг олий мансабдор шахслари юқори палатанинг розилиги билан президент томонидан тайинланади. Бунда албатта юқори аъзоларининг кўрсатилган номзодларга билдирган фикри эътиборга олинади. Ҳукумат аъзолари ва бошқа ижроия ҳокимият органлари мансабдор шахсларини президент ўз лавозимидан озод этиш мумкин. Президентни ким билан ишлаш, ишламаслиги тўғрисидаги масалаларда уни мажбур қилиш мумкин эмас.

Ушбу давлат бошқаруви шаклининг асосий белгиси – ҳукуматнинг ўз сиёсий фаолияти тўғрисида парламент олдида жавобгарлигининг белгиланмаганлигидандир. Парламент ҳукумат аъзоларини қонунни бузган тақдирда ҳам ўз лавозимидан озод этишга ҳақли эмас. Ҳукумат ўз фаолиятини олиб боришда парламентнинг ишончига ёки ишончинийўқотишдан кўрқмайди. Шунинг учун ҳам президентлик республикасидаги дуалистик бошқарув шаклида президент бир сиёсий партиядан, ҳукумат бошқа бир сиёсий партия вакилларидан иборат эканлиги камдан-кам давлатларда учрайди. Энг ривожланган давлатларда президент ва ҳукумат аъзолари бир партиянинг вакиллари ҳисобланади. Улар ўз фаолиятини бўйсиниш асосида ташкил этадилар ва давлатнинг сиёсий режимини белгилайдилар. Агар қонунга хилоф хатти-ҳаракатлари давлат аҳамиятига молик масалаларда ёмон оқибатни келтириб чиқарса, парламентнинг импичмент (ишончсизлик) ҳуқуқи кучга кириши мумкин. АҚШлари Конституциясида президентнинг ва бошқа олий мансабдор шахсларни лавозимидан парламент томонидан четлатилиш ҳоллари, пора олганда, давлатга хоинлик ва бошқа оғир жиноятлар содир қилганда дарҳол амалга оширилиши белгиланган. Давлат режими, президентлик республикасининг дуалистик бошқарув шаклида бир-бирига қарам бўлмаган иккита кучли ҳокимият қонунчилик ва ижро этувчи органларнинг ўзаро

муносабатларини белгиланишида ўзига хос хусусиятларини намоён этади. Бундай давлат шакли демократик принциплар талабларига ўзининг бошқарув хусусиятлари ва уни амалга ошириш воситалари билан тартибга солиниши сиёсий режимини демократлаштиради. Дуалистик республика бошқарув шаклида, айниқса қонунни амалга киритиш жараёни мукамал тенглик принципида белгиланган. Президент қонунни тасдиқлаш ёки қайта ишлаш учун ўз эътирозини билдириб парламентга қайтариши мумкин. Агар қайта ишлаш юборилган қонун лойиҳаси ҳар иккала палата аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилиниш лозимлиги тасдиқланса, президент қонунни имзолашга мажбур бўлади. Шунингдек, президент томонидан имзоланган халқаро шартномалар, парламент йиғилишида ратификация (тасдиқланиши) ёки (бекор қилиниши) депоксация қилиниши мумкин.

Суд ҳокимияти эса парламент томонидан қабул қилинган актларни конституциявийлигини назорат қилади ва шунинг билан қонунчилик, ижроия органлар устидан назорат ўрнатилади ва мамлакатда тартиб-интизомга риоя таъминланади.

Парламентар республика. Бундай давлат бошқарув шакли, парламентар монархия шаклига мос тушади фақат давлат бошлиғи масаласи билан ажралиб туради.<sup>1</sup>

Давлат ҳокимиятида вакиллари чекланган монарх ўрнида, президент фаолиятини қандай ташкил этилиши ва юритилишини кузатамиз. Президент пралвмент томонидан сайланиши мумкин ёки алоҳида тузилган коллегия органида ёхуд федерация субъектларининг парламент депутатлари томонидан ва бошқа ҳудудий ўзини-ўзи бошқариш органларининг вакиллари, иштирокида ўз лавозимига қуйилиши, турли давлатларда ҳар хил ҳуқуқий мезонларда бўлиши мумкин.

Парламентар республикасида президентнинг конституциявий вакиллари белгиланиши, тартиб бўйича ҳукумат томонидан амалга оширилади, яъни президент бошчилигида ҳукумат унинг вазифасини бажаради. Масалан, Ҳиндистон Республикасининг 1949 йилда Конституциясига қуйидаги тартибда 1-қисмининг 74- моддасига 42 чи ва 44 чи ўзгартириш киритилди ва ҳукуматнинг маслаҳатларига президент амал қилиши шарт деган мажбурият мустаҳкамланди.

---

<sup>1</sup> Конституционное (государственное) право зарубежных стран. Учебник. В 4-х томах. Тома 1-2. Отв. ред. Б.А.Страшук. – М., Издательство БЕК, 1995. 313 ст.

Парламентар республиканинг асосий белгиси – худди парламентар монархияга ўхшаш, ҳукуматнинг парламент олдида сиёсий жавобгарлигидир. Ҳукуматнинг бир аъзосига билдирилган ишончсизлик асосан Бош Вазирга бутун таркиби билан истеъфога чиқиш оқибатини келтириб чиқаради. Ҳукумат ҳам қўйи палатани тарқатиб юбориш ҳақида президентга мурожаат этиши мумкин ва сайлов кунини белгилайди.

Парламентар республика давлат бошқарув шаклида ҳам худди парламентар монархия сингари иккита давлат режими; парламентнинг ва ҳукуматнинг фаолияти асосий рол ўйнайди. Ҳақиқий парламентар республика шаклидаги давлатлар жаҳонда жуда кам учрайди. Бунга фақат Германия, Венгрия, Италия, Ҳиндистон, Чехия, Словакия, Эстония давлатларини киритиш мумкин.<sup>1</sup>

Бу давлатларнинг ўзига хос хусусиятларини кенгрок ўрганиш учун давлат ҳокимиятини ташкил этиш асосларини қараб чиқиш зарур бўлади.

Бош Вазир лавозимининг алоҳида қилиб белгиланганлиги ва уни ижро этувчи ҳокимиятга бошчилик қилиши билан мамлакатнинг энг улуғ сиёсий арбоб сифатида намоён этади. Италия Конституциясининг 89-моддасида; “Президент томонидан қабул қилинадиган ҳужжатлар ҳақиқий эмас, агар у ҳукумат томонидан жавобгарлиги илова қилинмаган бўлса” деб белгиланган.

“Парламентар республикасида ҳукумат таркиби ҳар бир парламент сайловларидан кейин унга сайланган сиёсий партия вакилларида иборат тартибда шакллантирилади. Бош Вазир парламент таркибида энг кўп сайланган сиёсий пратия ёки блокнинг раҳбари бўлади. Умуман олганда парламентар республика шаклидаги давлат бошқарувида ҳукуматни шакллантиришнинг икки хил кўриниши кўзатилади. Улардан бирида тартиб бўйича Бош Вазир ва бошқа вазирларни президент тайинлайди, шундан кейин президент парламентга уни тасдиқлаб бериши тўғрисида мурожаат қилади. Агар парламент ҳукуматга ишонч билдирмаса, президент парламентни тарқатиб юбориши мумкин ёки ҳукумат таркибини янгидан тузатади ва парламент тасдиғига қўяди. (Италия Конституциясининг 92, 94-моддалари).

---

<sup>1</sup> Конституционное (государственное) право зарубежных стран. Учебник. В 4-х томах. Тома 1-2. Отв. ред. Б.А.Страшук. – М., Издательство БЕК, 1995. 314 ст.



Парламентар республикасининг иккинчи кўринишида Бош Вазир ва бошқа вазирларнинг лавозимига қўйилишида президент парламентдан розилик олиши лозим бўлади<sup>1</sup> (ГФР Конституциясининг 63, 64-моддалари). Шундан кўриниб турибдики, парламентар республика шаклида давлат ҳокимиятининг амалга оширилиши президентлик (дуалистик) республикаси давлат бошқарувидан тубдан фарқ қилади. Парламентар республикасида қонунчилик ва ижро этувчи ҳокимиятнинг ажратилиши уларнинг ўзаро келишувида назоратчилик фаолияти президентлик (дуолистик) республикасига нисбатан жуда ҳам мукамал ва чуқур жараёнларни ўз ичига олади.

Давлат режими парламентар монархия каби парламентар республикасида сиёсий партияларнинг фаолиятини қанчалик даражада давлат ҳокимияти органларида тутган ўрнига қараб белгиланади. Шунинг учун ҳам парламентар шаклидаги давлат бошқарувида демократик сиёсий режим давлат ҳокимиятини ташкил этиш бобида шунчалик кучли ҳисобланадики, амалда парламент ёки ҳукумат томонидан уни ўзгартиришнинг ҳеч ҳам иложи йўқ. Демак парламентар давлат бошқарув шакли инсоният ривожининг энг юқори даражада такомиллашган хоҳиш иродасини ифода этади. “Ўзбекистонда одамларнинг онгини ўзгартириш, қонунларни ҳурмат қиладиган эркин фуқароларнинг уйғун ривожланган жамиятини барпо этиш учун қанчалар йўл керак бўлади. Германия, Буюк Юритания 1789 йилги инқилобдан бошлаб Франция мана шундай жамият қургунича қанча вақт кетган<sup>1</sup>.”

Аралаш (ярим президентлик) республикаси. Бундай шаклдаги бошқарув усули, президентлик ва парламентар давлат ҳокимияти белгисини ифода этувчи республика ҳисобланади.

Унинг тузилиши турли хил кўришда бўлади.

Президентли-парламентар республикаси ўзининг тузилиши бошқарув шаклига қараб, маълум белгилари билан ажралиб туради. Алоҳида олинган моҳияти бир томондан кучли Президентнинг ҳокимиятини намоён қилса, иккинчи томондан, ҳукуматнинг парламент олдидаги сиёсий, жавобгарлигини мустаҳкамлайди, шунинг билан Президентнинг парламентни тарқатиб юбориш ҳуқуқини ҳам белгилайди. Мазкур давлат бошқарув шаклининг

---

<sup>1</sup> Алебастрова И.А. Конституционное право (государственное) зарубежных стран. Учебное пособие. – М., Юриспруденция, 2000. 75 с.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. – Т., Ўзбекистон, 1996. 136 б.

ўрнатилиши, қоида бўйича, у ёки бу давлатнинг инқироzi туфайли эндигина ривожланиши шароитида иқтисодий ва сиёсий тизимини тартибга солишда, ижро этувчи ҳокимиятнинг парламент олдида жавобгарлик маъсулияти йўқолиб борганда ярим президентлик ва ярим парламентчилик ҳокимиятининг мустаҳкамланиши мамлакатда диктатура ўрнатилишини олдини олади.

Дунё мулақотлари ичига биринчи марта бундай давлат бошқарув шаклининг ўрнатилиши 1958 йил қабул қилинган Франция Республикаси Конституциясида мустаҳкамлаб берилди.

Франция Республикасининг Бешинчи ривожланиш ///, инсоният тарихида янги давлат бошқарув шаклини амалда исботлаб берди. Энг муҳим Франция бошқарув шаклининг белгиси давлат бошлиғи Президентни тўғридан-тўғри сайланиши ҳисобланади. Франция Президенти жуда катта ваколатларга эга бўлиб, ижроия ҳокимиятга бошчилик қилади, ҳукумат раиси ҳисобланади, Бош Вазирни тайинлайди ва унинг таклифи билан бошқа вазирларнинг номзодини тасдиқлайди, зарурат туғилганда ижро этувчи ҳокимият органларининг мансабдор шахсларини лавозимидан озод этади. Франция Республикасининг ярим парламентчилик ҳокимият белгиси шундан иборатки, /// йиғилиш ва қуйи Палата олдида ҳукуматнинг сиёсий жавобгарлиги ҳамда Бош Вазир лавозимининг мавжудлигидир.

Ҳозирги вақтда жуда кўп мустамлакачилик тузумидан озод бўлган халқлар ўз давлат бошқарув шаклини аралаш республика тарзида қурмоқдалар. айниқса Собиқ Иттифоқ республикалари бундай давлат бошқарув шаклини маъқул кўрмоқдалар.

Ўзбекистон Республикасида ҳам ўз мустақиллигини қўлга киритган кундан бошлаб, “Республика парламенти қонун яратувчилик фаолияти билан фаол шуғулланмоқдаки, у ёш мустақил давлатнинг шаклланишини ҳуқуқий жиҳатдан ҳар томонлама таъминлашга қаратилгандир. Давлат бошқарувининг янги, замонавий ва самарали тизими шаклланмоқда. Президентлик бошқарув усули – шу тизимнинг ўзагидир“.<sup>1</sup>

Ҳозирги даврда аралаш бошқарув шаклини танлаган давлатлар қаторига Португалия, Польша, Болгария, Хорватия, Словения, Македония, Сербия, Черногория киради. Шунингдек, Финляндия ҳам тўлиқ расмий хусусиятлари билан одат тусига кирган.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод сиёсат, мафкура. – Т., Ўзбекистон, 1993. 36 бет.

Совет республикаси – бундай давлат бошқарув шакли, совет тузуми ўрнатилган мамлакатлар ҳисобланади. Улар ҳокимиятнинг бўлинишини рад этадилар яъни ҳокимият ягона меҳнаткаш халқнинг вакиллик органи советларга сайланган вакиллари орқали амалга оширилишини мустаҳкамлайди.

Лекин бундай бошқарув шаклида сиёсий режим тоталитар тузум ўрнатиш шароитни яратиб беради.

Совет тузумининг ўрнатилишини дастлабки босқичи, маъмурий-ҳудудий бирликларда вакиллик органи Советларни шакллантириш юқоридан пастга қараб. Масалан, Ўзбекистон ССР Олий Совети, область, район, шаҳар, шаҳарга, посёлка, қишлоқ ва овул советларига сайловлар номигагина ўтказилар эди. “Қонун чиқарувчи ҳокимият, расман Олий Советларда мжассамлашган бўлса ҳам, ижроия ҳокимияти қонун чиқарувчи органларга ўз эркини ўтказар ва советлар томонидан назорат қилиниши ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди”.<sup>1</sup>

“СССР парчаланиб кетди. 74 йил мобайнида Ўзбекистон тақдири ва таъминоти иттифоқ кўлида эди. Собиқ иттифоқ бу ердан маҳсулот ва хом ашёни олиб кетиб, бизга сув ва ҳаводай зарур нарсаларни ўз кўрсатмаси билан келтириб берарди. Содда қилиб айтганда, пахта ва бошқа бойликларимиз олиб кетиларди, дон, шакар, ёнилғи ва бошқа халқ истеъмолчи моллари, умуман, ҳаётимизга, иқтисодиётимизга ва халқ хўжалигимизга зарур бўлган маҳсулотлар олиб келинарди. Мана биргина мисол. Собиқ СССР Канада ва Америкадан ҳар йили 40-50 миллион тонна ғалла сотиб оларди. Шунинг ҳисобидан Ўзбекистонга ҳам улуш берарди”.<sup>2</sup> Ўзбекистоннинг мустақилликдан кейинги қисқа даври мобайнида ғалла ва бошқа дон маҳсулотларини тўлиқ ўзида етиштирадиган бўлди.

Энди, ҳозирги замонавий совет республикалари давлат бошқаруви шаклини таҳлил қиладиган бўлсак, Вьетнам Халқ Республикасида, жойларда советлар ва Миллий Мажлис, Кубада ҳам худди шундай, Ҳитой Халқ Демократик Республикасида халқ вакиллик органи деб аталиб сиёсий режим социалистик, давлат режими бир мунча демократиявийроқ ташкил қилинган. Шунинг учун ҳам халқаро муносабатларда тан олинди, яъни ягона нусхада

---

<sup>1</sup> Тўлаганов А.Т. Давлат ҳокимиятининг вакиллик ва ўзини-ўзи бошқариш органи фаолиятини ташкил этиш. (дарслик). – Т., Тош. ТЮ.И, 2002. 5 бет.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Т., Ўзбекистон, 1993. 3 б.

бошқарув икки такомиллаштирилган Совет Республикалари ҳисобланади.

Мазкур республикалар давлат шаклининг юридик нуқтки назардан белилари қуйидагилардан иборат:<sup>1</sup>

Советларнинг давлат ҳокимиятини ташкил этишдаги ваколатларининг устиворлиги. Ҳудудлар бўйича ташкил этилган советларнинг ўзига тенглаштирилган давлат органларини шакллантиришда (прокуратура ва суд органларидан ташқари) юқори ваколатларга эга бўлиб, барча давлат органлари уларнинг олдида ҳисобдордирлар;

Барча поғонадаги Советлар бир тизимни ташкил этиб, ўзаро муносабатлари ягона раҳбарда бир-бирига бўйсиниш принципида амалга оширилади;

Халқ депутатлари Советлари ўзининг асосий ишидан ташқари фаолият юритади, сессиялари кам ва қисқа вақтда ўтказилади, ундан кейинги ваколатларининг амалга оширилиши жойлардаги ижроия органларга юкланади ва уларнинг қабул қилган қарорлари Советларда тасдиқланади.

Ушбу давлат бошқаруви парламентар республикани эслатади, чунки ҳукумат парламент томонидан тузилиб, унинг олдида ҳисоб бериб туради. Лекин фавқулотда ҳолатлар содир бўлганда ёки Советларнинг ички фаолиятида ўзаро зиддиятлар келиб чиққанда уларни тарқатиб юбориши механизми белгиланмаган. Ҳокимиятнинг бўлиниш принципи назарий жиҳатдан тан олинмаган, бутун давлат ҳокимияти меҳнаткаш халқ Советлари қўлида бирлаштирилган. Советлар қонунчилик ва ижроия ҳокимиятнинг функциялари бажаради. Суд ҳокимиятининг мустақиллиги фақат расмий жиҳатдан тан олинади. Чунки судьялар советлар томонидан сайланади ва уларга ҳисоб беради. Конституциясида уларга мустақиллик берилган ва Советларга юкланган.

Кўринишидан бутун меҳнаткаш халқни бирлаштирган Советларнинг қўлида давлат ҳокимияти барча ўхшайди, амалда эса юқоридан туриб бошқарилади. Бундай кўринишдаги совет республикалари мустақил давлатлардир. Уларнинг давлат бошқарув шаклининг пайдо бўлишига Собик Иттифоқ Республикаси раҳбарлик қилган. Бизга узоқ ва яқин ўтиши тарихидан маълумки ер юзида икки ҳукмрон давлат шаклида ўз сиёсий режимини ўрнатиш учун

---

<sup>1</sup> Конституционное (государственное) право зарубежных стран. Учебник. В 4-х томах. Тома 1-2. Отв.ред. Б.А.Страшун. – М., Издательство БЕК, 1995. 316 б.

социалистик ва капиталистик (ўша даврда шундай аталар эди) тузум тарафдорлари бўлган АҚШ ва СССР мавжуд эди. Уларнинг тарафдорлари икки лагерьга бўлиниб бир-бирини йўқ қилиш учун узоқ вақт (74 йил) кураш олиб борганлар. Лекин инсониятга хизмат қилувчи давлат шаклини қурган миллат ва элатлар бошқа халқларнинг ҳам совет тоталитар тузумидан озод этишга бебаҳо хизмат кўрсатдилар.

“Биз истиқлол шарофати билан кўп қадриятларни – иймонимизни, миллий ғуруримизни, озодликни, бир сўз билан айтганда, парвардигорни қайтадан чинакамига танидик. Эндиги вазифа – боболаримизнинг поймол этилган орзу-умидлари ҳаққи, авлодларимизга, сизу бизнинг фарзандларимизга бутун дунё билан теппа-тенг бўйлашадиган буюк Ўзбекистонни мерос қилиб қондирмоқдир“.<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Т., Ўзбекистон, 1993. 182 бет.

## 23-мавзу. Ñè, ñèé (äâäëàò) ðåæè.

Ñè, ñèé ðåæè òóóóí÷àñè àà óíèíä òóðèàðè. Даííèðàòèè ðåæè àà óíèíä àñííèé ááëäèèàðè. Ёèááðàè ðåæè. Нíäáííèðàòèè ðåæè àà óíèíä òóðèàðè: óíàèèèòàð, ààóíèèòàð, òàèèèòèè, ирқий àà áí°à ðåæèèèàð. Давлат режими тушунчаси.

Сиёсий режим тушунчаси ва унинг асосий кўринишлари. Жамият ва давлат фаолиятига раҳбарлик қилиш, бошқариш ҳамда унинг манфаатларига хизмат қилиш каби тушунчалар замирида сиёсий-ижтимоий ҳаётнинг асосий қирралари намоён бўлади.

Жамият ҳаётини тубдан яхшилаш, мамлакат ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини кўтариш, фуқароларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш имконияти аввалом бор, мавжуд сиёсий муносабатларнинг барқорлиги самараси ўлароқ вужудга келади. Бунинг учун масъулият асоан барча ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган функциялар соҳиби давлат зиммасига юклатилган.

Ижтимоий тараққиётнинг бугунги қиёфасида жамият авангарди бўлган давлат ва унинг органлари мансабдор шахсларга нисбатан ҳокимиятни бошқаришда нафақат кенг имкониятлар, салмоқли ваколатлар берилибгина қолмай, балки қатор, мажбуриятлар ҳам белигланган.

Ҳокимиятни амалга ошириш масъулияти бугунги жамият аъзолари олдидаги мажбурият бўлиши билан бирга, келажак авлод тақдирини белгиловчи омиллардан биридир. Шунинг учун ҳам “сиёсий режим” тушунчаси бугунги кунда ҳар доимгидек ҳам юқори аҳамият касб этувчи сиёсий юридик термин сифатида кўрилади.

Сиёсатшунослик, давлат ва ҳуқуқ назарияси, конституциявий ҳуқуқ соҳаларида айниқса кенг қўлланиладиган ушбу тушунча, давлат қурилиши ва бошқарувга оид давлат-ҳуқуқ категорияларининг моҳият ва мазмунини кенгроқ очиб беришга ёрдам беради.

Ушбу термин фанимизда пайдо бўлган охирги авлодга дахлдор тушунчанинг моҳият мазмунини ўрганишнинг иложи йўқ эди. Адабиётларимизда мустақиллик йилларидан бошлаб тилга олина бошлаган ушбу тушунча миллий давлатчилигимизнинг давлат – ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлашда амалий ёрдам берди.

Хорижий мамлакатлар мисолида сиёсий режимга, унинг мазмун ва моҳиятига, кўринишларгина эътибор берар эканмиз, миллий давлатчилигимиз анъаналарини давом эттиришда маълум даражада ундан фойдаланамиз.

Сиёсий режим тушунчаси ҳам маълум комплекс хусусиятлар доирасига эга шарт-шароит ва талаблардан иборат бўлиб, давлат хокимиятини амалга ошириш чоғида ўзини намоён қилади. Хар бир мамлакатда давлат бошқарув шакли, жамият ҳаётини бошқариш услублари ўзига хос бўлиб, муайян сиёсий режимни намоён қилади. Демак сиёсий режим бевосита давлат ва жамият бошқарувини амалга оширишда намоён бўладиган, хокимият органлари, идоралари ҳамда муассасалари, давлатнинг мансабдор шахслари томонидан ўз ваколатларини амалга оширишда қўлланиладиган восита, усул ва услублар йиғиндиси ҳисобланади.

Дарвоқе, хар бир давлатда ўзига хос муайян шарт-шароитлар, турли имконият даражаси, халқнинг ментолитети, давлатнинг ҳарбий-иқтисодий қудрати туфайли давлат ва сиёсий режими ҳам айнан бир-бирига ўхшамайди. Лекин сиёсий режимни тавсифловчи қатор белги ва хусусиятларни кўриб чиқиб, маълум даражадаги сиёсий режимнинг кўринишларини шартли равишда туркумларга ажратамиз.

Хорижий давлатларни маълум туркумларга ажратиб ўрганиш методини ушбу тушунчага ҳам нисбатан қўллаймиз. Чунки, ривожланган давлатларнинг сиёсий режими, ривожланаётган ёки ривожланиш даражаси жуда ҳам паст бўлган мамлакатларнинг сиёсий режимидан кескин фарқ қилади.

Сиёсий режимни тавсифловчи омиллар қаторига мамлакатдаги қонунларнинг мазмунини, хорижий мамлакатлар билан ўзаро муносабатлари, миллий ҳуқуқ ва халқаро ҳуқуқнинг муштараклик даражаси, инсон ҳуқуқ-эркинликларига муносабат, давлат хокимиятини шаклланиш ва идора этиш тартиблари, жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий ва реал ҳолати, фуқаролик жамиятининг асослари кабиларни киритиш мумкин.

Айниқса, хокимиятни амалга оширишда давлат фаолиятини ташкил этиш принципларининг мазмуни мамлакат сиёсий режимининг моҳиятини очиб беради. Юридик адабиётларда сиёсий режим билан бирга баъзан (ҳозирги кунда кенг ёйилган) “давлат режими” термини, тушунчаси тилга олинади. Ушбу тушунчалар баъзан синоним тушунча сифатида қўллансада, умуман олганда улар орасида принципал нуқтаи-назардан, маълум жиддий фарқлар бор. Конституциявий ҳуқуқнинг алоҳида институтлари ҳисобланган давлат меҳнаизми, органлар ва идоралари, шунингдек мансабдор шахслар орасидаги давлат бошқарувига оид фаолият юзасидан

шакланган мавжуд муносабатлар табиати давлат режимини намоён этади. Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ижтимоий тузумнинг барча муносабатлари реал ҳаётда доимо ўз аксини топа олмайди. Давлат бошқаруви шаклида кўпроқ намоён бўлувчи, уни тавсифлашда қўл келувчи давлат режими тушунчасига нисбатан сиёсий режим тушунчаси анча кенгроқ қамровли институт ҳисобланади.

Сиёсий режимнинг асосий кўринишлари.

Сиёсий режимнинг асосий кўринишлари икки шаклда намоён бўлади. Сиёсий режимнинг биринчи шакли демократик сиёсий режим деб, иккинчи кўриниши ғайридемократик сиёсий режим деб ифодаланади. Демократик сиёсий режим инсоният орзу қилган, кишилик жамияти доимо унга инстиланган бўлиб, ҳозирги кунда аксарият ғарб мамлакатлари (Европа), Америка, Осиё минтақасидаги баъзи давлатларда мавжуд. Аммо демократик сиёсий режимга қўйилган талаблар кўлами ва тоши шунчалик кенг ва оғирки, энг демократик ҳисобланган давлатлар ҳам ушбу талабларни тўлиқ бажаришга қийналиб қолади. Чунки демократик сиёсий режимнинг таъминланиши мамлакатдаги мавжуд шарт-шароитлар, иқтисодий-ижтимоий ривожланиш даражаси, аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий онгининг аҳволи билан ҳам бевосита боғлиқдир. Шунга қарамай ҳар бир давлатнинг демократик сиёсий режимга эга бўлишликка ҳаққи бор, ҳаракати, интилиши, хаттоки кураш талаб қиладиган бу ҳолатга баъзи мамлакатлар халқи юзлаб, баъзилар ўн йиллар давомида қилган саъйи ҳаракатлари билан эришган.

Демократик сиёсий режим мавжуд бўлган давлатлардаги халқлар ушбу режимни ҳимоя қилишга қодир миллатга айланган десак, ҳеч бир муболаға бўлмайди. Демократик сиёсий режимда жамият аъзоларининг сиёсий-ҳуқуқий эркинлик даражаси юксак поғонага кўтарилган бўлиб, ижтимоий муҳит давлат ҳокимиятига таъсир ўтказувчи фуқаролик жамияти институтларининг тўлиқ назорати остида бўлади. Демократик сиёсий режимда инсон манфаатлари олий қадрият даражасида тавсифланиб, амалда ўз аксинни топган. Ушбу режим туфайли, инсон ўз мулоҳазасига кўра, шахсий манфаатларини ҳамда жамият фаровонлигини таъминловчи сиёсий кучни қўллаб-қувватлаш имкониятига эга бўлади. Бу унинг эркин сайловлар ва референдумда қатнашиш, ҳокимият органларига мурожаат қилиш ҳуқуқларида намоён бўлади.



Демократик сиёсий режимнинг мавжудлигини англаувчи қатор талаблар ва шарт-шароитларнинг умумий йиғиндиси шунчалик салмоқлики, муайян давлатда, бир вақтнинг ўзида бу талабларни бажариш энг демократик давлатлар учун ҳам оғирлик қилиши мумкин. Яъни демократик давлат деб тан олинислик масъулияти жуда ҳам юқори. Шунга қарамай аксарият давлатлар ўз имкониятларини шундай сиёсий режимни барпо этишга ҳаракат қилмоқда. Бугунги кунга келиб, Европа давлатлари, қатор Осиё ҳамда Америка давлатларида демократик сиёсий режим амал қилиб, бу мамалкатларнинг иқтисодий, ижтимоий, ҳарбий салоҳияти ҳам жуда юқори. Демократик сиёсий режимни тавсифловчи қатор белгиларга асосан қуйидагиларни киритамиз:

Демократик институтларининг эркин ва фаол ҳаракатининг нафақат чекланмаслиги, балки давлат ҳокимияти томонидан ушбу соҳага доир шарт-шароитларни янада яхшилашга қаратилган фаолиятнинг мавжудлиги. Бунда кўппартиявийлик тизимининг барқарорлиги, жамоат бирлашмалари, уюшмалар, ассоциация ва ижтимоий ҳаракатлар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг давлат ва жамият ҳаётида тутган мавқеининг юқори даражада баҳоланиши назарда тутилади;

Миллий ҳуқуқнинг конституция ва қонун устиворлиги принципи асосида амал қилиши, унинг мазмуни ва моҳияти Ҳалқаро ҳуқуқ нормалар талабаларига тўлиқ мос келиши, ҳуқуқ устиворлиги тамойилининг Миллий қонунчиликда акс этиши; давлат ҳокимиятини амалга ошириш тамойилларининг конституция даражасида мустаҳкамланиши;

Ижтимоий ҳаётда барча ижтимоий қатламларнинг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олиниши, шу жумладан, муҳолифатчи сиёсий кучларнинг манфаатларини ҳам оёқости қилмаслик, уларнинг фаолиятини мажбурий куч ишлатиш орқали ёки тазйиқ ўтказиш воситалари билан чеклашга йўл қўймаслик, сиёсий плюрализм тамойилининг талабаларига риоя қилиш;

Эркин сайловлар ҳамда демократия шакллари бошқа кўринишларининг даврийлигини таъминланиши, бунда сунъий чекловлар ёки муҳолифатчи сиёсий кучларни сиёсий курашдан четлатишга уринишларга йўл қўйилмаслиги;

Шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг кенг эътироф этилиши, ҳуқуқ ва эркинликлар ижтимоий-иқтисодий – ҳуқуқий кафолатларининг комплекслигини таъминлаш, ҳуқуқ ва эркинликларни амалга

оширишнинг реал механизмини яратилганлиги, нафақат фуқаролар балки мамлакатдаги барча шахсларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиниши, тенг ҳуқуқлилий, барчанинг қонун олдида тенглиги;

Давлат ва унинг ҳокимият тизимида тармоқлар ҳисобланган қонун чиқарувчи, ижро қилувчи ҳамда суд ҳокимиятининг тўла ўзаро мустақиллиги, уларнинг баҳамжиҳат ишлаш механизмининг мавжудлиги, ҳокимият тақсимланиши ва ҳокимият тармоқларининг бир-бирини тийиб туриш ҳамда мувозанатда ушлаш принципини амалда бўлиши; давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамият ва унинг ҳар бир аъзоси олдидаги масъулият ҳиссининг юқори даражадалиги;

Оммавий ахборот воситалари фаолиятида ошкоралик, эркинлик, уларга ахборот олиш эркинлигини таъминланиши, цензурага йўл қўйилмаслик, хусусий оммавий-ахборот воситаларининг давлат ва жамият ҳаётининг кўзгуси сифатида эътироф этилиши.

Умуман олганда, демократик сиёсий режим давлат бошқарув шакли ёки тузулиш шаклига умуман боғлиқ эмас, федератив давлат ҳисобланган АҚШ, ГФР каби давлатларда, унитар давлат Япония, Италияда ёки монархия бошқарувидаги Буюк Британия, Нидерландия, республика шаклидаги Чехия, Франция давлатларида демократик сиёсий режим ўрнатилган.

Ғайридемократик сиёсий режим.

Ғайридемократик сиёсий режим инсониятнинг давлат ва жамият қурилишидаги илк даврдан бери бошлаб мавжуд бўлган. Ҳаттоки, илк демократик кўринишига асос солинган қадимги Римда ҳам ғайридемократик сиёсий режим амалда бўлган. Чунки ғайридемократик сиёсий режим биринчи навбатда халқ ҳокимиятчилигини тан олинмаслиги, давлат ҳокимиятини асосан бир шахс томонидан идора этилиши, давлат ҳокимиятига интилишнинг сиёсий механизмини инкор этилиши сиёсий механизмини инкор этилиши билан тавсифланади. Ғайридемократик сиёсий режимнинг кўринишлари турлича бўлиб, ҳар бир кўринишининг ўзига хос муайян белги ва хусусиятлари мавжуд. Уларнинг асосий кўринишларига алоҳида тўхталиб ўтамиз.

Авторитар сиёсий режим.

Адабиётларда асосан авторитар сиёсий режимнинг бир белгиси алоҳида тилга олинади, бу ҳам бўлса чекланмаган хокимиятнинг бир шахс қўлида тўпланишидир. Чекланмаган хокимият соҳиби ҳисобланган давлат бошлиғи хокимиятнинг барча органларини ўз назоратида бўлишини, ушбу органларнинг шаклланиши фақат унинг иродаси асосида амалга оширишни таъминлар экан, демократик хусусиятларни батамом инкор этади. Ғайридемократик сиёсий режимнинг бундай кўриниши кўпгина собиқ социалистик мамлакатларда, жумладан собиқ Совет Иттифоқида И.В.Сталин хукмронлик қилган даврни ўз ичига олади.

Тоталитар сиёсий режим мамлакатдаги давлат хокимиятини амалга оширишда демократик талабларни тамоман инкор этмасида, аслида ягона сиёсий кучнинг манфаатини кўзлайди. Ушбу сиёсий куч ҳар қандай муҳолифатни уюшмаларнинг амалда фаолият юритишига йўл қўймайди, кўппартиявийлик инкор этади, демократия шакллари қонунларда мустахкамласа, амалда соҳта сайловлар, референдумлар ўтказилади, оммавий ахборот воситалари ягона хукмрон мафкурага асосланади. Бундай сиёсий режим Куба, КХДРда мавжуд. Тарихан назар солсак, собиқ Советлар республикасида В.И.Брежнев раҳбарлигидаги даврни ўз ичига олади.

Фашистик сиёсий режим – ғайридемократик сиёсий режимнинг энг реакцион кўриниши ҳисобланиб, ушбу сиёсий режим туфайли бутун инсоният иккинчи жаҳон урушини бошидан кечирди. Фашистик сиёсий режим аввало Италияда XX асрнинг 20 йилларида ўрнатилган бошлаган бўлса, 30 йилларда А.Гитлернинг Германияда хокимият тепасига келиши билан изоҳланади. Фашистик сиёсий режимнинг асл мақсади миллий мафкурага асосланган, бутун ер юзидаги халқларни бир миллат томонидан бошқарилишига қаратилган ғоялар тизимида ўз миллатининг хукмронлигини таъминлаш, миллий дохий (дуче, фюрер)га итоат этиш каби масалалар ўрин олган.

Фашистик сиёсий режимнинг очикдан-очик уруш сиёсатини, ягона сиёсий партия хукмронлигини, харбий интизом ўрнатилишини талаб қилади. Ҳозирги кунда Фашистик сиёсий режимнинг бутун инсоният томонидан қораланиб келишига қарамай, баъзи мамлакатлардаги сиёсий кучлар фашистик сиёсий режимнинг янги кўринишларига мойиллик билдирмоқда.

Харбий сиёсий режим – баъзи мамлакатлардаги ижтимоий-иқтисодий-сиёсий ҳолат бевосита харбийларнинг хокимият тепасига

келишига имконият яратади. Хокимиятнинг харбийлар томонидан бошқарилиши ўз-ўзидан фуқаролик институтлари фаолиятини тўхтатиб қўяди.

Хокимиятнинг харбийлар томонидан бошқарилиши ўз-ўзидан фуқаролик институтлари фаолиятини тўхтатиб қўяди.

Харбийлар мамлакатдаги сиёсий бош бошдоқликка чек қўйиш, иқтисодий аҳволни яхшилаш, харбий интизом орқали мамлакатда тартиб ўрнатиш мақсадини илгари суриб, ўз хокимиятини амалга оширади. Европа мамлакатларидан Греция (1967-1974), Осиёда Покистон (генерал Зиё ул-Хак даврида), Лотин Америкасида Парагвай (Альфредо Стресснер хукмронлиги) давлатларини мисол қилиб келтириш мумкин. Айниқса, 60-70 йилларда Лотин Америкаси давлатларида харбийларнинг хокимият тепасига келиши, уларда хунта (харбий коллегия) раҳбарлигининг жорий этилиши кўп марта кузатилган.

Ирқий сиёсий режим мавжуд бўлган давлатларнинг намоёндаси сифатида Жанубий Родезия ҳамда Жанубий Африка Республикаси давлатларини келтиришимиз мумкин. Ирқий сиёсий режимнинг туб моҳияти оқ танлиларнинг ерлик аҳоли ҳисобланган қора танлилардан устун қўйиш, европалик оқ танлиларнинг хаттоки осиеликлар, хиндулардан ҳам ажралиб яшашига имкон беради. Масалан, Жанубий Африка Республикасининг парламентида қора танлиларнинг вакилига жой ажратилмаган. Хозирги кунда бундай сиёсий режим амалда усрамасада, баъзи бир элементларининг намоён бўлиши кузатилмоқда.

Диний сиёсий режим кам учрасада, ушбу сиёсий режимнинг ҳам ўзига ҳос хусусиятлари мавжуд. Масалан, Эрон Ислом Республикасида давлат бошлиғи президент ҳисоблансада, у мамлакатнинг дунёвий раҳбари сифатида тан олинади. Шунингдек диний раҳнома хокимияти ҳам мавжуд бўлиб, унга мамлакат мусулмон дунёсининг бошқарувчиси имом раҳбарлик қилади. Амалда ҳам реал хокимият диний уломалар қўлида бўлиб, давлатнинг энг асосий лавозимлари улар томонидан эгалланган. Парламентдаги асосий кўпчилик дин вакилларидан иборат.

Ғайридемократик сиёсий режимнинг асосий кўринишларига тўхталиб ўтганимизни таъкидлаш билан бирга, шуни ҳам эслатиш жоизки, баъзи бир мавжуд ҳолатлар у ёки бу сиёсий режимнинг оралиғида бўлиши, умуман баъзи ўзига ҳос белгилар билан умумлашган ёки ажралиб туриш белгиларига ҳам эга бўлиши

мумкин. Ғайридемократик сиёсий режимнинг баъзи элементларини ўзида ифодалаши, бу сиёсий режимдан бошқа сиёсий режимга ўтаётганлигидан хабар беради. Албатта, ғайридемократик сиёсий режим доимий характерга эга эмас, бу режимлар бир кун келиб таноззулга учрашини инсониятнинг тараққиёти кўрсатиб турибди. Инсон қадрияти ва ижтимоий онгнинг юксалиши, тараққиётпарвар кучларнинг устунлиги охир-оқибат демократик ҳокимият сари етаклайди.

## 24-мавзу. Хорижий мамлакатларда давлатнинг шакли ва тарзи.

Автоматик тушунчаси. Оқилол алаа. (Аорё Адёоаіёу, Віііёу, Одаіоёу). Оааадаоёа аааёаоёа – фааадаёёс (А<sup>а</sup>О, Іаёёёа, Ёіёёёу). Ёііоаадаоёу. Ҳамдўстлик давлатлари (Адёоаіёу аёдааіёёаё, МДХ). ½аіаёу (Аадиа Ёооёоёё, Іёё, іаёёаоёаёаёаги Ҳамжамият шакллари). Ёіёёу аа Ааёідоёу ¾аіаёу (1996 ё.). Авоііёу.

Ҳар бир давлат ўз ҳудудига эга ва бу ҳудуднинг дахлсизлигини ҳимоя қилиш унинг энг муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Ҳар бир давлатнинг яхлит ҳудуди муайян тарзда, албатта маълум қисмларга, бўлинмаларга бўлинган бўлади. Давлат ҳудудини бундай бўлиш уни бошқаришни осонлаштириш, самарали бошқариш мақсадларини кўзлайди.

Давлатнинг ҳудуди қандай тарзда ташкил этилганлигини, яъни марказ билан жойларнинг ўзаро муносабати қандай, қанақа маъмурий ҳудудий бўлинмаларга бўлинган каби масалалар "давлатнинг тузилиш шакли" деган атама билан анча вақтдан бери белгиланиб келган. Бироқ, тузилиш деган ибора жуда сермаъно бўлганлиги туфайли, кейинги пайтларда конституциявий юридик адабиётда "ҳудудий-сиёсий тузилиш", сиёсий ҳудудий тузилиш каби атамалар қўллаш кенг тарқалмоқда.

Давлат шакли тушунчаси, маълумки ўз ичига давлат бошқарув шакли, давлат тузилиш шакли ва сиёсий режимларни олади. Давлатнинг бошқариш шакли давлатнинг олий ва маҳаллий органлари қай тарзда ташкил топган, уларнинг ўзаро муносабати ва аҳолининг бу органлар фаолиятида иштирок этиши тартиби ва асосларини ўзида ифодалайди. Давлатнинг сиёсий режими эса муайян бир давлатда давлат ҳокимияти қандай усуллар билан амалга оширилишини кўрсатади, аниқроғи сиёсий режим ҳар бир давлатда ҳақиқатдан ҳам реал демократия борми ё йўқми деган масалага жавоб бериб, жамиятдаги инсонларнинг сиёсий эркинлиги даражасини кўрсатади.

Давлатнинг ҳудудий тузилиши бу - давлатнинг маъмурий-ҳудудий тузилиши, унинг бўлаклари, унинг марказий органлар билан жойлардаги маҳаллий органлар ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг хусусидаги, тушунилади.

Давлатнинг ҳудудий-сиёсий тузилиши бу давлатнинг ҳудудий-сиёсий тузилмаси, яъни яхлит давлат ҳудудининг қисмларга

бўлинининг муайян тартиби, уларнинг ҳуқуқий ҳолати, марказий органларининг ҳудудий бўлинмалар билан ўзаро муносабатидир.

Давлат тузилиши ва унинг шакли, баъзи олимларнинг фикрича қуйидаги саволларга жавоб бериши керак:

1. Жамият ва давлат олдида муайян даврда қандай иқтисодий вазифалар, сиёсий мақсадлар турганлиги.

2. Давлат ҳудудида қанча миллат борлиги ва уларнинг ўзаро муносабати.

3. Давлат ҳудудининг қандайлиги.

Демак давлатнинг ҳудудий сиёсий тузилиши ўзида мана шу масалаларни ифода этади ва улар таъсири остида шаклланади. Шу муносабат билан хорижий мамлакатлар конституциясида давлатнинг ҳудудий-сиёсий тузилиши қандай мустаҳкамланганлиги масаласи муайян қизиқиш уйғотади.

Таъкидлаш керакки, деярли барча давлатларнинг конституциялари давлатнинг ҳудудий ташкил этилишини мустаҳкамлайди, фақат бир хилда эмас, яъни баъзи давлатлар конституциялари аниқ қилиб давлатнинг ҳудудий тузилишини белгилаб қўйган бўлса, бошқалари тўғридан-тўғри мустаҳкамлаб қўймайди, бироқ конституциянинг бошқа моддаларидан ушбу давлатнинг ҳудудий тузилиш шакли қанака эканлиги бемалол аён бўлиб туради.

Ҳатто баъзи конституцияларда давлатнинг бир тузилиш шаклига эга эканлиги кўрсатилган ҳолда, аслида, амалда бошқа шаклга мансуб бўладиган ҳоллар ҳам учраб туради. Масалан Швейцария, конфедерация деб аталсада, аслида у федератив тузилиш шаклига эга,

Давлатнинг ҳудудий тузилиш шаклига оид нормалар, одатда қуйидаги масалаларни ўзида ифода этади:

- давлатнинг ҳудудий тузилишининг конкрет шаклини, масалан, унитар, федератив, конфедератив, автономия ва бошқа шакллардан қайси бири мавжуд бўлса, ўша мустаҳкамлаб қўйилади;

- давлатнинг таркибий қисмлариниш - ҳуқуқ ва мажбуриятлари йиғиндисини, яъни компетёнцияси мустаҳкамланади;

давлат ҳудудини аниқланади, давлатнинг ҳуқуқий таъсири тарқаладаган макон белгиланади;

- давлатнинг марказий органлари билан, бевосита унинг таркибига кирмайдиган, бироқ унга тобе бўлган ҳудудлар ўртасидаги муносабатни мустаҳкамлайди.

Баъзи давлатларнинг конституциясида, агар улар федератив тузилиш шаклига мансуб бўлса, шу Федерация таркибига кирувчи барча субъектлар рўйхати кўрсатилиши ҳам мумкин.

Чудаков М.Ф.нинг фикрича давлатнинг тузилиш шаклига қатор омиллар таъсир этиши мумкин:

- тарихий омиллар
- ижтимоий омиллар
- миллий омиллар жўғрофий омиллар
- анъаналар ва бошқа омиллар.

Шундай ҳолатлар ҳам бўладики, баъзи давлатлардаги давлат тузилиш шаклини юқорида айтиб ўтилган омиллар таъсири билан тушунтириш қийин, улардаги тузилиш шакли ўша давлатнинг бир хусусияти, ўзига хос жиҳати сифатида намоён бўлади.

Бундан ташқари, давлатнинг тузилиш шакли билан унинг кўп миллатлилик даражаси ўртасида ҳам чуқур алоқадорлик йўқ, масалан унитар давлат бўлган Болгария кўп миллатли, Федератив давлат бўлган Германия асосан бир миллатли, демак, федератив давлат ҳам кўп миллатли, ҳам бир миллатли бўлиши мумкин, худди шунингдек, унитар давлат ҳам ё кўп миллатли ё бир миллатли бўлиши ҳам мумкин.

Ҳозирги кунда давлатнинг қуйидаги тузилиш шакллари мавжуд:

- унитар,
- федерация,
- конфедерация,

- автономия ва бошқа шакллар. Бу шаклларнинг ҳар бирига кейинги параграфларда тўхташимиз сабабли, бу жойда улар ҳақида гапирмаймиз.

Шундай қилиб, давлатнинг ҳудудий тузилиш шакли ҳар бир давлат ҳудудининг қапдай ташкил этилганлиги, унинг марказий органлари билан таркибий қисмлари ўртасидаги ўзаро муносабатнинг асослари ва тартибини кўрсатади.

## УНИТАР ДАВЛАТ ВА УНИНГ БЕЛГИЛАРИ.

Давлат тузилиш шаклининг бир кўриниши бўлган унитар давлат ҳақида фикр юритишдан олдин, бу атаманинг луғавий маъносини билиб олиш фойдадан холи эмас, бизнингча. "Унитар" ибораси латинча "unitas" сўзидан олинган бўлиб, "бирлик" деган маънони



англатган, таржимаси эса "ягона", "яхлит деган маъноларни англатади,

Унитар давлат бу ягона, яхлит давлат бўлиб, унинг таркибий қимлари мустақилликка эга эмас, яъни давлат тузилмалари ҳисобланмайди. Бироқ унитар давлат таркибида автоном тузилмалар бўлиши мумкин. Масалан Озарбайжон таркибида Тоғли қорабоғ автоном тузилмаси мавжуд. Унитар давлатнинг таркибий қисмлари, одатда маъмурий, ҳудудий бўлинмалардан иборат бўлади.: масалан, область, вилоят, провинция, губерняърдан иборат бўлиб, улар кейин, тегишлича яна майда бўлинмаларга бўлиниб кетишади, масалан, район, туман, уезд ва бошқалар.

Ҳозирги кунда аксари кўпчилик давлатлар унитар давлатлардир, уларнинг сони 160га яқин. бунинг боиси унитар давлатни бошқариш анча самарали ҳисобланади. Унитар давлатлар мисолига Франция, буюк Британия, Италия, Швеция, Греция, Испания, Голландия ва бошқа қатор давлатлар киради.

Чудаков М.Ф.нинг «Конституционное (государственное) право зарубежнўх стран». адабиётида унитар давлатнинг қатор белгилари кўрсатилган:

- ягона қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг мавжудлиги -бутун мамлакат учун умумий бўлган парламентнинг борлиги;

- ягона ижро ҳокимиятининг мавжудлиги; ягона, бутун мамлакат миқёсида суд ҳокимиятининг мавжудлиги;

- бутун мамлакат ҳудудига тарқаладиган конституциянинг мавжудлиги;

- ягона қонунчилик - мамлакат ҳудудида истиқомат қиладиган барча аҳоли учун умумажбурий бўлган ягона ҳуқуқ тизимининг мавжудлиги; - сиёсий мустақилликка эга бўлмаган, маъмурий-ҳудудий бўлинмаларга мамлакат ҳудудининг бўлинганлиги;

-ягона, бутун давлат ҳудуди учун битта бўлган фуқароликнинг мавжудлиги.

Ҳар бир унитар давлатнинг маъмурий ҳудудий бўлинмалари сони турлича бўлиши мумкин. Маъмурий-ҳудудий бўлинмалар икки, уч ва тўрт бўғинли бўлиши мумкин, масалан икки бўғинли бўлса, область - обшина, уч бўғинли бўлса, тахминан область - район - обшина, тўрт бўғинли бўлса минтақа - департамент, район, обшина шаклида бўлиши мумкин, масалан, Францияда. Кичкина, митта давлатларнинг баъзиларида умуман маъмурий ҳудудий бўлиниш

амалга оширилмаган, масалан Океанияда жойлашган Нуара ва Туала, Монака, Сан-Марино.

Унитар давлатнинг шакли масаласига тўхталадиган бўлсак, улар асосан маъмурий-худудий бўлинмаларда иборат бўлади. Бироқ унитар давлатнинг мураккаб шакли ҳам мавжуд бўлиб, бунда унинг таркибида автоном тузилмалар ҳам мавжуд бўлади, масалан Буюк Британия, Франция, Озарбайжон ва бошқалар.

Оддий унитар давлатда эса автоном тузилмалар бўлмайди, фақат маъмурий-худудий бўлинмаларгина мавжуд бўлади, холос, Польша, Миср, Қозоғистон ва бошқалар.

Унитар давлатнинг марказлашув даражасига қараб, марказлашган, номарказлашган, ва нисбий номарказлашган давлатларга ажратилади.

Марказлашган унитар давлатда маъмурий-худудий бўлинишнинг барча бўғинларига амалдорлар марказдан тайинланади ёки бундай амалдорларнинг тайинланганлигини марказ албатта тасдиқлаши керак бўлади, масалан Индонезия ва Таиландда.

Номарказлашган унитар давлатларда жойларга амалдорларни тайинлаш ҳолати йўқ аҳолининг йиғинлари, Кенгашлари маҳаллий бошқарувни амалга оширади ёки амалдорлар жойлик аҳоли томонидан сайлаб қўйилади: Буюк Британия, АҚШ штатлари, Канада провинциялари ва бошқалар.

Нисбатан номарказлашган давлатларда эса марказдан тайинладиган амалдор билан бир қаторда маҳаллий аҳоли томонидан шакллантириладиган ўзини-ўзи бошқариш оргалари мавжуд бўлади. Хусусан, шаҳарларда, обшиналарда сайлаб қўйилган Кенгаш шаҳар мэрини сайлайди ёки мэр бевосита аҳоли томонидан ҳам сайланиши мумкин. Германия, Бельгия, Нидерландия, Польша каби давлатларда шундай тизим амал қилиб келмоқда.

Чудаков М.Ф.нинг таъкидлашича бундай тизимни таснифга киритиш маълум маънода шартли характерга эга, чунки икки органнинг биргаликда келиши, одатда унитар давлатнинг барча бўғинларида учрамаслиги мумкин, масалан обшиналарда тайинлаб қўйиладиган лавозимнинг ўзи йўқ, баъзиларида эса сайлаб қўйиладиган орган йўқ, масалан, Германия ва Франциянинг баъзи маъмурий-худудий бўлинмаларида ва ҳоказо.

Унитар давлат таркибидаги маъмурий-худудий бўлинмаларнинг ташкил этилиш принципи ҳам эътиборга сазовор. Бу принциплар ҳам бир неча хил бўлиши мумкин:

- аҳолининг тенг сонлилиги принципи;
- йирик иқтисодий, саноат ва жўғрофий марказлар атрофида маъмурий-худудий бирлик ташкил этиш принципи.

Чудаков М.Ф.нинг фикрича бирликлар давлат ҳокимиятини амалга оширишни, мамлакатни бошқаришни енгиллаштиришни назарда тутди. Бундан ташқари айрим давлатларда оддий маъмурий-худудий бўлинмалардан ташқари махсус бўлинмалар ҳам мавжуд, хусусан, мамлакат худуди стандарт маъмурий бўлинмаларга, мактаб округларига, суд ва ҳарбий округларга, сайлов округларига бўлиниши ҳам мумкинлиги такидланади. Масалан, сайлов вақтида мамлакат худуди бир қатор сайлов округларига бўлиб ташланади. Албатта бундай округлар чегаралари маъмурий-худудий бўлинмалар худуди чегаралари билан мос бўлмаслиги мумкин.

Шундай қилиб, унитар давлатнинг таркибий элементлари сиёсий мустақилшкка эга бўлмай, балки бевосита марказга бўйсунушади.

## ФЕДЕРАЦИЯ ВА УНИНГ КЎРИНИШЛАРИ.

Хорижий мамлакатларнинг худудий давлат тузилиши шакли ичида федерация муҳим роль ўйнайди. Маълумки, давлатлар тузилиш шаклига кўра оддий ва мураккаб тузилиш шаклларига бўлинади. Олимлар, мутахассислари давлат тузилиш шаклининг оддий шаклига, одатда унитар давлатларни киритишидаи, Мураккаб давлат тузилиши шаклига эса, федерация ва конфедерацияни киритишади.

Федератив давлат тузилиш шакли ҳақида гапиришдан олдин, бу сўзнинг луғавий мъносини англаб олиш зарур. Федерация атамаси, аслида кечки лолшн тилидаги foederatio сўзидан келиб чиққан бўлиб, “иттифоқ”, “бирлашма маъноларини англатади.

Федерация бу - давлатлар иттифоқи бўлиб, унинг таркибига иттифоқ ҳуқуқлари билан расмий чекланган, юридик мустақилликга эга бўлган давлат тузилмалари киради. Федератив давлат унитар давлатдан фарқ қилади, бу фарқ Федерация таркибига кирган таркибий қисмларнинг маъмурий худудий бўлинма эмас, балки давлат тузилмаларидан иборат эканли гидадир.

Федератив давлатлар таркибига кирган давлат тузилмалари турлича номланадш Германияда заминлар, АҚШ, Ҳиндистонда штатлар, Канада ва Покистонда провинциялар, Бирлашган Араб

Амирликларида амирликлар, Швейцарияда кантонлар деб аталади. Илмий адабиётда ва амалиётда уларни умумлаштириб Федерация аъзолари ёки субъектлари деб аташ кенг тарқалган.

Федерацияларни ташкил топилиш асосларига қараб икки гуруҳга ажратиш мумкин:

- шартнома асосланган,
- шартномага асосланмаган

Шартнома асосида ташкил топган Федерация бу қоидага кўра, бўлажак Федерациянинг аъзолари бўлиши мумкин, бўлган мустақил давлатлар ўршасида тузилган шартнома асосида ташкил топган иттифоқ давлатидир. Бундай Федерацияларга мисол қилиб, Швейцария, АҚШ, Австралия ва Малайзияларни келтириш мумкин,

“Шартномага асосланмаган федерацияларда эса, давлат ҳокимияти маъмурий бирликларга анча ҳуқуқларни бериши асосида, улар федерация субъектларига айланади. Бундай ўзгариш аввал унитар шаклда бўлган давлатнинг ихтиёрига биноан амалга оширилади. Бундай федерацияларга мисол қилиб, Канада, Ҳиндистон, Покистон, Нигерияларни келтириш мумкин.” деб ёзади Чудаков М.Ф. Бундай федерациянинг субъектлари шартномали Федерациялардан фарқ қилган ҳолда, суверенитетга эга бўлмайдилар, улар фақат ички суверенитети эга бўладилар.

Айтиш керакки, федерацияларни юқоридаги тарзда икки гуруҳга бўлиниши, асосан тарихий характерга эга бўлиб, ҳозирги кунда деярли барча федерациялар конституциявий - шартномали ҳисобланади, яъни ўзининг ташкил этилиш асосида икки ҳолатни ҳам ифодалайди.

Чаркин В.Е.нинг федерацияларнинг ўзига хос белгиларини икки гуруҳга ажратади:

- фактик таркиб топган белгилар,
- юридик мустаҳкамланган белгилар.

Федерациянинг фактик, реал мавжуд белгиларига қуйидагилар киради:

1. Давлат-сиёсий тузилмаларнинг бирлашуви жўғрофий белгига, кўшничилик белгисига ёки умумий иқтисодий, ҳарбий, божхона, савдо манфаашлари белгиси асосида амалга оширилади.

2. федерациядан чиқиш ҳуқуқининг мавжуд эмаслиги, Айтиш жоизки, бундай принцип, одатда ҳуқуқий мустаҳкамлаб қўйалмайди, бироқ назарда тутилади. Истисно тариқасида айрим мисоллар

мавжуд, масалан, Малайзия Федерациясидан 1965 йили Сингапур ажралиб чикдан,

3. федерация аъзоларининг ҳуқуқий мақоми бир хил бўлмаслиги, бундай Федерацияларни баъзан ассимметрик федерация ҳам дейишади, Аҳолиси, ҳудуди катта бўлган Федерация субъектларининг ҳуқуқи хат одатда анча кўпроқ бўлиши холлари мавжуд.

4. федерациянинг ҳудуди унга аъзо бўлган субъектлар ҳудуди йигиндисидан иборат бўлади. Мана шу белгилари билан федерация унитар давлатдан фарқ қилади.

Юқорида қайд этилганидек, федерациянинг юридик белгилари ҳам мавжудки, уларни ҳам кўриб чиқиш аҳамиятга молик:

1. федерация иттифоқ давлати сифатида умумий конституцияга эга бўлади ва унга субъектларнинг конституциялари мувофиқ, келиши лозим.

2. федерация субъектларида ҳам ўз конституциялари мавжуд, бу ҳолат уларнинг мустақиллиги белгисидир, бироқ бу конституциялар мазмун -моҳиятига кўра умумфедератив конституцияга мос келиши керак.

3. федерация қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларига эга, ва уларнинг ваколатлари бутун мамлакат ҳудудит тарқалади.

4. федерация субъектлари ўз қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд органлари тизимларига эга ва улар марказий органлар компетенциясидан фарқ қиладиган компетенцияга эга.

5. Иттифоқ давлати билан Федерация субъектлари ўртасида ваколатлар аниқ чегараланган бўлади, маълум, масалалрни фаҳат федератив органлар, маълум масалаларни эса фақат Федерация субъекти амалга оширади, айти пайтда Федерация билан унинг субъекти биргаликда амалга оширадиган масалалр доираси ҳам ўзаро аниқлаб олинади.

6. Федерациянинг Олий судлари бутун мамлакат учун энг олий инстанция суди ҳисобланади. Федерация конституциявий назорат суд органлари ҳам мавжуд бўлиб, улар Федерация субъектлари қонун ҳужжатларининг федерал конституцияга мувофиқлиги устидан конституциявий назорат функциясини амалга оширади.

7. Бутун иттифоқ давлати миқёсида ягона федерал фуқаролик жорий этилган бўлади, баъзи холларда Федерация субъектларининг

ҳам фуқаролиги расман эътироф этилади ва бу шартли характерга эга. холос.

8. Федерациянинг яна бир муҳим юридик белгиси бўлиб, унда икки палатали парламентнинг мавжудлиги ҳисобланади. Кўпгина Федерациялар парламентининг юқори палатасини шакллантириш Федерация субъектларининг тенг сонли вакиллиги принцили асосида амалга оширилади. Бундай Федерацияларга АҚШ, Мексика, Австралия, Венесуэла, Бразилия каби давлатларни кўрсатиш мумкин. Бундай тартибда шакланмайдиган Федерацияларни ассиметрик Федерациялар деб айтишади: Канада, Австрия, ГФР. Малайзия, Ҳиндистон, Нигерия, Бирлашган Араб Амирликлари.

Федерация шароитида энг муҳим масала Федерация билан унинг субъектлари ўртасида компетенцияларнинг тақсимланиши, бўлиниши ҳисобланади ва уларни учга ажратиш мумкин:

1. федерациянинг мутлоқ ваколатлари.
2. федерация ва унинг субъектлари биргаликда ҳал этадиган масалалар бўйича ваколатлар.
3. федерация субъектининг мутлоқ ваколатлари.

Биринчи масала, яъни федерациянинг мутлоқ ваколатини ташкил этувчи масалаларга муҳофаза, ташқи ишлар, пул муомалага, солиқлар, федерал органларни ташкил этиш, федерация билан унинг субъектлари, субъектлар ўртасидаги низоларни ҳал этиш каби масалалар киради.

Биргаликдаги компетенцияга кирувчи масалаларни Федерация ҳам, субъектлар ҳам ҳал қилиши мумкин, барибир устуворлик Федерация томонда бўлади.

Федерация субъектининг мутлоқ ваколатларига кирувчи масалалар қаторига маҳаллий органларни ташкил этиш, жамоат тартибини сақлаш, йўллар кўриш, атроф - муҳитни муҳофазалаш, маҳаллий актлар қабул қилиш, маданият, таълим, тиббиёт масалаларини киритиш мумкин.

Шундай қилиб, Федерация давлат тузилиш шакли ҳозирги кунда бир канча давлатларда амал қилиб, ўзининг самарали бўлиши мумкин эканлигини кўрсатмоқда.

**КОНФЕДЕРАЦИЯ ВА АВТОНОМИЯ: ТУШУНЧАСИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ.**

Хорижий маамлакатларнинг ҳудудий давлат тузилиши шакллари ичида халқаро шартномалар асосида ташкил топган тузилмалар ҳам мавжуд. Бундай давлат-ҳудудий тузилмаларни конфедерация деб аташади.

Конфедерация бу - маълум бир вазифани бажариш учун бирлашган мустақил давлатлар иттифоқидир. Конфедерация Федерациядан фарқ қилган ҳолда, у иттифоқ давлати эмас, балки давлатлар иттифоқи ҳисобланади. Конфедерация иқтисодий, сиёсий, ҳарбий, божхона ва бошқа мақсадларда тузилиши мумкин.

Конфедерация ўз олдига кўйгап мақсадига эришиш учун ва аъзо давлатларнинг ҳаракатларини мувофиқлаштириш учун олий органлар тузиши мумкин, бироқ бу органлар аъзо давлатларнинг ҳукуматлари билан мулоқотда бўлади, бевосита аҳолига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эмас.

Конфедерация аъзолари нуллификация ҳуқуқига эгадирлар, яъни иттифоқ актини аъзо давлат қабул қилмаслиги, тасдиқламаслиги мумкин. Конфедерациянинг умумий органлари қабул қилган актлар унинг барча аъзо давлатлари тегишли органлари томонидан ратификация қилинганидан кейингина, бутун конфедерация ҳудудида амал қилади.

Таъкидлаш керакки, конфедерация Федерацияга нисбатан унча мустаҳкам эмас, чунки у одатда бирон-бир масалалани уал этиш эҳтиёжи орқали ташкил этилади. Тарихда ҳам конфедерациялар унча кўп бўлмаган, бўлганлари ҳам кейинчалик ё Федерацияга айланишган, ёки алоҳида-алоҳида унитар давлатларга бўлиниб кетишган.

Чудаков М.Ф. ва Чаркин В.Е.нинг ёзишича 1579-1795 йиллар давомида амал қилган Нидерландлар конфедерациясини, 1776-1787 йиллардаги АҚШ конфедерациясини ҳамда 1291-1798 йиллардаги Швейцария конфедерациясини мисол тариқасида келтирилган. Ҳозирги кунда Швейцария расман конфедерация деб номлансада, Сшрок, (le lасlo аслида Федерация ҳисобланади. 1815-1866 йиллардаги Герман иттифоқи ҳам конфедератив тузилмага яқин бўлган,

Ҳозирги замон янги тарихида конфедерацияга мисол қилиб, 1982 йил феврилида тузилиб, 1989 йилда тарқалиб кетган Сенегал билан Гамбия конфедерациясини - Сенегамбияни мисол қилиб келтириш мумкин.

Араб давлатларидан Миср билан Сирия 1952 йили бирлашиб, Бирлашган Араб Республикаси номли конфедерация ташкил этишга уриниб кўришган, бироқ маълум вақтдан кейин бу давлатлар иттифоқи тарқаб кетган. Ҳозирги кунда Босния ва Герцеговина Республикасини моҳиятан конфедерация дейиш мумкин.

Давлатларнинг ҳудудий тузилиши ҳақида гап кетганда албатта автономия шаклига тўхталиш лозим. Автономия тушунчаси, одатда ҳудудий автономия тарзида тушунилади. Бу сўз аслида юнонча сўз бўлиб, “ўзини-ўзи бошқариш” маъносини англатади.

Автономия бу - давлатнинг муайян қисмининг ички ўзини-ўзи бошқариши бўлиб, бу қисм давлатнинг бошқа қисмларидан баъзи махсус жиҳатлари, масалан тарихий, маданий, диний, маиший, тил, жўғрофий, баъзан миллий жиҳатлари билан фарқланади. Демак автономия, бу ўша ҳудудда зич яшайдиган аҳолининг тарихий, маданий, диний, тил, жўғрофий, миллий ва бошқа. хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этиладиган алоҳида сиёсий-ҳудудий бирликдир,

Ҳудудий тузилиш шакли сифатидаги автономиянинг турлари жуда ва шунга мувофиқ уларнинг таснифлари ҳам жуда кўп:

- сиёсий автономия,
- маъмурий-ҳудудий ёки этноҳудудий автономия,
- маданий-миллий автономия:
  - а) персонал автономия
  - в) корпоратив автономия
  - с) миллий-ҳудудий автономия

Автономия шакллари ичида мақоми баландроғи бу сиёсий автономиядир. Сиёсий автономияда автономия субъекти деярли барча давлатнинг ташқи белгиларига, яъни ўз парламентиغا, ҳукуматиغا, фуқаролигига, маҳаллий қонунчилнигига, давлат рамзларига эга бўлади. Баъзи ҳолларда эса ўз конституциясига ёки унинг ўрнини босадиган махсус актга эга бўлади. Сиёсий автономияга мисол қилиб, Шимолий Ирландияни келтириш мумкин

Шимолий Ирландиядан ташқари яна Буюк Британия Бирлашган қироллиги ва Шимолий Ирландия таркибига кирмайдиган Норманд ороллари ва Мэн оролини ҳам сиёсий автономия субъектлари дейиш мумкин. Бундан ташқари яна Гренландия ва Фарер оролларини ҳам сиёсий автономиялар туркумит киритса бўлади.

Маъмурий-ҳудудий автономия ҳудудий бирликнинг ўзига хос жўғрофий жойлашганлиги муносабати билан ташкил этилади,



масалан орол ёки бориш қийин бўлган жойларда, торликларда жойлашган бўлса бу шакл амал қилади. Маъмурий-худудий автономиянинг ҳуқуқий мақоми, ҳуқуқлари сиёсий автономиядагидек кенг эмас. бундай автономияларда ўзларининг қонун чиқарувчи органи, ўз ҳукумати, бошқарув тизими бўлиши мумкин. Бундай автономияга одатда Италиянинг Сицилия, Сардиния ороллари, Португалиянинг автономияси ҳисобланган Азор ва Мадейра ороллари киритиш мумкин.

Миллий худудий автономия бунда муайян бир этник гуруҳга ўзларининг миллий ривожланишини таъминлаш, яъни миллий маданиятини ривожлантириш, ўз она тилида мактаблар, театрлар очиш, радиотелекўрсатувларлар олиб бориш имкони берилади. Масалан, Ироқ Курдистиёнини мисол қилиб кўрсатиш мумкин,

Чудаков М.Ф. ва Чаркин В.Е.нинг фикрича этник омилга боғлиқ ҳолда амал қиладиган автономиянинг яна куйидаги турларини кўрсатиш мумкин: - персонал автономия - миллий озчиликни ташкил этган этник гуруҳнинг фикрини ҳисобга олиш таъминланган автономия бўлиб, бунда марказий органлар ёки махсус ташкил этилган органлар фаолиятида мазкур этник гуруҳнинг вакиллиги таъминланган бўлади. Бунга мисол қилиб, Швеция, Норвегия ва Финляндияда яшайдиган саами этник гуруҳни мисол тариқасида келтириш мумкин, чунки бу уч давлатда ҳам саам парламентлари ташкил этилган бўлиб, улар маданий-сиёсий органлар ҳисобланади;

корпоратив автономия - давлатнинг марказий органларида муайян бир миллатни ташкил этувчи мутахассислар учун маълум сонли ўринлар захира тарзида белгилаб қўйилади, яъни маҳаллий аҳоли учун маълум бир даражада квота ажратилади. Давлат аттрати ходимлари маҳаллий тилни билишлари керак; миллий-худудий автономия миллий озчиликни ташкил этган этник гуруҳ зич жойлашган бўлса - бундай автономия шакли ташкил этилиши мумкин. Бу ҳолда ўша ташкил этилган бирликнинг номида этник гуруҳнинг номи кўрсатилган бўлади.

Бундай автономияга мисол қилиб, Испаниядаги Басклар диёри ва Каталонияни келтириш мумкин,

Автоном тузилмалар, қоидага кўра, алоҳида қонун ва статутга эга бўлишади ва автономиянинг қонун чиқарувчи органи томонидан қабул қилинади ва умумдавлат парламенти томонидан тасдиқланади, бундай қонунлар умумдавлат қонунчилигига мос ҳолда қабул

қилинади. Мабодо автоном бирлик умумдавлат қонунига зид иш тутса, марказий ҳукумат унга ўз иродасини ўтказади.

Айтиш керакки, айрим автоном тузилмалар жуда кенг ҳуқуқлардан фойдаланишади Масалан Италия ва Испаниядаги автономияларнинг субъектлари анча кенг ҳуқуқлардан фойдаланишади.

Автоном бирликлардан ташқари яна тобе ҳудудлар мақомидаги жойлар ҳам мавжуд. Тобе ҳудудлар автономия ҳисоблана олмайди, чунки уларнинг ҳуқуқлари анча кам. Одатда тобе ҳудудлар собиқ колониялар ҳисобланади. Тобе ҳудудлар гарчи турли мақомга эга бўлсаларда, улардаги умумий жихатлар қуйидагилардир: суверенитети эга эмаслик, вакиллик органининг йўқлиги ва бошқалар.

Ушбу ишда давлат ҳудудий тузилмалар ҳақида гап кетар экан, ҳозирги замонда мавжуд бўлган турли давлатлараро бирлашмалар ҳақида ҳам бироз тўхталиш зарур деб ҳисоблаймиз, Ҳозирги кунда давлатлар ўртасида ҳарбий, иқтисодий ва бошқа масалалар бўйича тузилган кўплаб бирлашмалар, ҳамдўстлик шаклидаги иттифоқлар мавжуд. Уларга, масалан, Шимолий Атлантика ҳарбий иттифоқи НАТО, Европанинг энг илғор давлатларини бирлаштирган

Европа Иттифоқи, Мустақил давлатлар Ҳамдўстлигини киритиш мумкин, Айтиш лозимки, гарчи, бу бирлашмалар ўзларини конфедерация деб атамасаларда, умуман олганда, улар аслида конфедератив тузилмат жуда яқин туради ва ўхшаш, Баъзи адабиётларда уларни конфедерацияга киритишса, баъзиларида киритишмайди. Йирик олим М.Ф.Чудаковнинг фикрича, бу тузилмаларнинг ўзларини конфедерация деб атамасликларининг тагида руҳий омил ётади, яъни бу иттифоқларга аъзо бўлган давлатлар конфедерация деб аталадиган бўлишса, уларнинг давлат суверенитети, мустақилликлари сал заифлашадигандай кўринаётган бўлиши мумкин. Гарчи бу органларда конфедерациянинг умумий белгилари мавжуд, масалан Европа Иттифоқига кирувчи давлатларда иттифоқ тузиш ҳақида шартнома, Европарламент юзида умумий бошқарув органи, Страсбург шаҳри пойтахти, умумий чегара, умумий валюта, байроқ мавжуд, кейинги пайтларда эса ҳатто умумий конституция қабул қилиш тўғрисида ҳам фикрлар юритилмоқда. Шуларга асосланиб ҳозирги кунда, келажакда конфедерацияларнинг истифоли анча кенг деган хулосага келиш мумкин.



амалга оширилиши уларнинг давлат бошқарувидаги иштирокининг энг муҳим шаклларида бири ҳисобланади.

Эркин сайлов ҳуқуқининг амалга оширилиши, эркин ҳамда чинакамига ифода этиладиган халқ иродаси ҳокимият ва ҳар қандай ҳукумат қонунийлигининг асоси эканлиги ва ҳар бир шахснинг ўз давлатини бошқаришда бевосита ёки ўз вакиллари орқали қатнашиш ҳуқуқи кўпгина халқаро ҳужжатларда<sup>4</sup>, жумладан ЕХҲТ нинг Копенгагенда қабул қилинган ҳужжатида ҳам таъкидланган. Ушбу ҳужжат талабларига кўра «Иштирок этувчи давлатлар тегишинча ўз фуқароларининг бевосита ёки ҳақиқий сайлов жараёнида ўзлари эркин сайлайдиган вакиллари орқали мамлакатни бошқаришда қатнашиш ҳуқуқларини ҳурмат қиладилар»<sup>5</sup>. Бу ҳуқуқнинг амалга оширилиши учун яратилган имкониятга қараб у ёки бу давлатнинг қай даражадаги демократия асосида яшаётганлигига баҳо бериш мумкин.

Сайлов ҳуқуқи термини икки маънода қўлланилади. Биринчи маънодаги сайлов ҳуқуқи сайловни ташкил қилиш ва ўтказишни тартибга солувчи ҳуқуқий меъёрлар йиғиндиси бўлса, иккинчи маънодаги сайлов ҳуқуқи фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари, яъни овоз бериш, сайланиш, сайлов давридаги бошқа тадбирларда, номзодлар кўрсатиш, номзодларни муқоама қилиш, сайлов комиссиялари таркибида иштирок этиш ҳуқуқларини ўз ичига олади. Ҳар икки маънодаги сайлов ҳуқуқи тегишли давлатнинг конституцияси ва сайлов тўғрисидаги қонунлари билан белгиланади.

Дунё мамлакатлари сайлов қонунчилиги ва сайлов кампаниялари тажрибасидан сайлов ҳуқуқининг асосига айланган сайлов ҳуқуқининг асосий тамойиллари шаклланган бўлиб, улар умумий, тенг, тўғридан - тўғри ва яширин овоз бериш сайлов ҳуқуқи тамойилларидир. Умум қабул қилинган ушбу тамойиллар асосида сайлов ҳуқуқларини амалга оширишда турли давлатларнинг сайлов қонунларида турли чекловлар ҳам назарда тутилиши мумкин. Бундай чекловлар конституциявий ҳуқуқда сайлов цензлари деб аталади.

Бу цензлар тегишли қонунларда сайлов ҳуқуқларини олиш ёки амалга ошириш учун ўрнатилган шартлар бўлиб улар турли давлатларда турлича бўлиши мумкин. Бу цензлар ичида энг кўп

---

<sup>4</sup> Шаранг: 1948 йилги Бутунжақон инсон қўшуғлари декларациясининг 21- моддаси, 1966 йилги Фуқаролик ва сиёсий қўшуғлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 25- моддаси.

<sup>5</sup> Шаранг: ЕХҲКнинг инсонийлик мезонлари бўйича Копенгаген кенгаши ҳужжатининг 1-қисми 6-моддаси. «ЕХҲТнинг инсонийлик мезонлари бўйича ҳужжатлари», А. Саидов муҳаррирлиги остида, Тошкент, 2002 йил, 52 бет.

учрайдигани ёш ва фуқароликка тегишли бўлса, баъзи давлатларда мулкӣ ҳолати, жинси, ирки, тилига қараб белгиланадиган демократик принципларга мутлақо туғри келмайдиган чекловлар ҳам учраб туради.

Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини ўз навбатида актив ва пассив сайлов ҳуқуқларига бўлиш мумкин.

Актив сайлов ҳуқуқи яъни сайлаш ҳуқуқи бевосита демократиянинг бир кўриниши бўлиб, у ҳар бир фуқаронинг давлатни бошқаришда ўз вакилларини сайлаш билан иштирок этишини кўзда тутлади. Бу ҳуқуққа қонунда белгиланган маълум ёшга етган, муомалага лаёқатли мамлакат фуқаролари эга бўладилар.

Ёш чегараси турли мамлакатларда турлича белгиланиши мумкин. Бразилия ва Эронда фуқаролар 16 ёшдан, Индонезияда 17 ёшдан сайлаш ҳуқуқига эга бўлса, айрим мамлакатларда сайлаш ҳуқуқини олишга бўлган чегара ёш анча юқори қўйилган. Масалан, Малайзия, Мароқаш, Боливияда фуқаролар 21 ёшга тўлганидан кейингина сайлаш ҳуқуқига эга бўлишади. Россияда 2002 йил 20 декабрда қабул қилинган қонунга кўра сайлов қунигача 18 ёшга тўлган Россия фуқароси сайлаш ҳуқуқига эга. Францияда ҳам сайлов ҳуқуқига эга бўлиш учун белгиланган ёш 1974 йил 5 июлдаги қонун билан 18 ёш қилиб белгиланган. Қирғизистонда ҳам сайлов ҳуқуқига эга бўлиш учун фуқароларнинг 18 ёшга тўлган бўлиши кераклиги 1999 йил 29 апрелда қабул қилинган «Қирғизистон Республикасининг сайловлар тўғрисида»ги кодекси билан белгилаб қўйилган.

Фуқаролик цензи барча давлатларда одатий шартга айланган бўлса-да, баъзи ҳолларда бундай цензнинг йўқолиб кетишини ҳам кузатиш мумкин. Масалан, ўзига хос тузилма бўлган Европа Иттифоқининг Парламентида сайловлар пайтида Францияда бўлган Германия фуқароси Франциянинг Европа Иттифоқи Парламентида номзоди вакили учун овоз бериш ҳуқуқига эга. Бу қоида Европа Иттифоқига асос солган 1992 йилги Маастрихт Шартномасида кўзда тутилган.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилганлар, озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақланаётганлар сайлаш ҳуқуқидан фойдалана олмайдилар яъни, озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақланаётганларнинг сайлаш ҳуқуқи вақтинча тўхтатилади.

Пассив сайлов ҳуқуқига, яъни сайланиш ҳуқуқига ҳам маълум ёшга етган, муомалага лаёқатли фуқаролар эга бўладилар.

Турли давлатларда турли давлат органларига сайланиш учун белгиланган ёш чегараси турлича бўлиши мумкин.

Актив сайлов, яъни сайлаш ҳуқуқидаги ёш цензи турли давлатларда аҳолининг барча қатлами учун бир хил белгиланса, пасив сайлов ҳуқуқида ёш цензи номзоднинг қайси органга сайланаётганлигига қараб турлича белгиланиши мумкин. Масалан, Францияда Миллий Мажлис депутатлигига ва Европа Парламентига номзоди қўйилган шахс 23 ёшга тўлган бўлиши, Сенатга сайланиш учун эса 35 ёшга тўлган бўлиши шарт<sup>6</sup>. Ундан ташқари барча номзодларнинг харбий хизматни тўлиқ ўтаган бўлиши ҳам талаб қилинади.

Россияда 2002 йил 20 декабрда қабул қилинган қонуннинг 4-моддасига кўра Давлат Думасига депутат бўлиб сайланиш учун номзод сайлов кунигача 21 ёшга тўлган бўлиши керак.

Сайланиш ҳуқуқи ҳам баъзи мамлакатларда анча юқори бўлиши мумкин. Масалан, Италияда сенатор бўлиш учун номзоднинг 40 ёшга тўлган бўлиши талаб қилинади.

Сайланиш ҳуқуқига эга бўлиш учун яна бошқа шартлар ҳам қўйилиши мумкин. Масалан, Европа Парламентига номзоди қўйилган француз фуқаросидан 1500 евро гаров суммаси талаб қилинади.

Сайлов ўтказиш жараёнида хорижий, ҳамда миллий кузатувчиларнинг ҳозир бўлиши сайлов ўтказиладиган давлат учун сайлов жараёнининг обрўсини ошириши мумкин эканлиги халқаро ҳужжатларда эътироф этилган<sup>7</sup>. Бундай кузатувчилар сайлов жараёнига аралашмаган ҳолда маълум давлатда фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг амалга оширишлари учун қай даражада шароит яратилганлигига ва бунинг натижаси ўлароқ мамлакатдаги демократик жараённинг қандай кечаётганлигига баҳо берадилар.

Эркин сайлов ҳуқуқининг амалга оширилиши фуқаролар ижтимоий фаоллигининг ошиб боришига хизмат қилади. Бундай жамиятда фуқаролар турли соҳаларда давлат томонидан амалга ошириладиган сиёсий ислоҳатларга бефарқ бўлмайдилар. Турли қатламдаги аҳоли манфаатларини ҳисобга олмасдан юритиладиган давлат сиёсати салбий оқибатга олиб келиши мумкин. Бунинг натижасида фуқароларнинг фаоллиги пасайиб, уларнинг сайловларда қатнашиши камайиб кетиши мумкин.

---

<sup>6</sup> Шаранг: Droit constitutionnel et libertes, Edition SIREY, 1998, pp 50-52

<sup>7</sup> ЕХХТнинг инсонийлик мезонлари бўйича Копенгаген кенгашининг ҳужжати 1-қисм 8-моддаси. «ЕХХТнинг инсонийлик мезонлари бўйича ҳужжатлари», А.Саидов муҳаррирлиги остида, Тошкент, 2002 йил, 54 бет.

Конституциявий ҳуқуқда абсентеизм деб аталадиган бундай ҳолат сайловларда овоз беришда ва референдумда ихтиёрий қатнашмасликни билдиради. Бунда сайловчилар ўз ихтиёрлари билан сайловларда қатнашмайдилар, чунки ким депутат бўлиши, ким давлат бошлиғи бўлиши, қўйилган масаланинг қандай хал қилиниши уларни қизиқтирмайди. Бу эса давлат барқарорлигига хавф соладиган даражадаги оқибатларга олиб келиши мумкинки, буни 2002 йилда ўтказилган Франция Президенти сайловлари мисолида кўриш мумкин<sup>8</sup>. Бундай ҳолатни бошқа хорижий мамлакатлар тажрибасида ҳам учратиш мумкин.

---

<sup>8</sup> Бу тўғрида батафсилроқ шаранг: L'Etat du monde, Annuaire economique et geopolitique 2003, Paris, Decouverte, page 497

## II . Сайлов тизими

Сайлов тизимини танлаб олиш демократик йўлга қадам қўяётган ёки бу йўлдан бораётган ҳар бир давлат учун муҳимдир. Шу ерда бир ўринли савол туғилиши табиий.

Мазкур масала ҳар доим ҳам чуқур ўйланган ҳолда ҳал этиладими ва бунга қандай омиллар таъсир қилади?

Ушбу саволга турли жавоблар бўлиши ҳам табиийдир.

Бу масала чуқур ўйланган ҳолда, тасодифан ёки бошқа тарихий шароит тақозоси туфайли ҳал бўлиши мумкин. Деярли барча ҳолларда ривожланган қўшни давлатларнинг таъсири ёки мустамлакачилик<sup>9</sup> сиёсати ҳал қилувчи омил ҳисобланади.

Нима бўлганда ҳам, танлаб олинган сайлов тизими муайян давлатни келажак сиёсатининг белгиланишида катта таъсир ўтказди. Сайлов тизими давлатнинг энг нуфузли сиёсий институти бўлиб, у давлат бошқарувида муҳим ўрин тутади.

Сайлов тизими деганда сайлов ўтказишга тааллуқли барча ҳуқуқий ҳужжатлар, сайлов тизими тамойиллари, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини ўз ичига олган сайлов ўтказиш тартиблари ҳамда уларни ўрнатувчи ҳуқуқий нормаларнинг йиғиндиси тушунилади.

Оддий тил билан айтганда, сайлов тизими умумий сайловда олинган овозларнинг ғолиб партия ва номзодлар томонидан қўлга киритилган ўринларга нисбатини билдиради.

Демократик жамият сари қадам қўяётган ҳар бир давлат фуқаролари ўз вакилларини сайлар экан, сайланаётганларнинг етарли билим, тажриба ва керакли маълумотларга эга эканлигига катта эътибор беради. Чунки давлатнинг тараққиёти шу вакиллар томонидан қабул қилинадиган қонунлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларнинг савиясига боғлиқдир.

Сайлов тизимлари турли туман бўлиб, бир давлатда амалда бўлган сайлов тизимлари иккинчи давлатда ўзини оқламаслиги мумкин. Бир сайлов тизимини амалга киритишдан олдин мамлакатдаги сиёсий кучлар ва этник гуруҳларнинг мувозанати яхшилаб ўрганилиши лозим.

---

<sup>9</sup> Тарихдан маълумки, барча мустамлакачи давлатлар мустамлакаларда ўз хушў тизимларини ўрнатганлар ёки, ҳеч бўлмаганда, шунча ҳаракат йилган. Масалан, XX аср ярмигача энг йирик мустамлака империялари таркибида бўлган давлатлар, мустақилликка эришганларидан кейин ҳам уларда турли соҳалардаги давлат бошқаруви мустамлакачилар пайтидагидек саъланиб келган ёки ўз изини ёлдирган.



Мамлакатдаги мавжуд ижтимоий ва сиёсий шароитни чуқур ўрганиш, турли этник гуруҳларнинг ўзига хослигини, кўппартиявий сиёсий тизим мавжуд бўлганда эса, унинг қай даражада шаклланганлигини ва, энг асосийси, электоратнинг киритилажак сайлов тизимига қай даражада тайёр эканлигини чуқур таҳлил қилиш ва бу тўғрида унинг фикрига таяниш муҳим омиллар ҳисобланиб, мамлакатда қурилган ёки қурилаётган демократик жамият пойдеворининг мустаҳкамлиги кўп жихатдан, бу омилларнинг қай даражада ҳисобга олинганлигига боғлиқ. Буларни ҳисобга олмаслик барқарорликнинг издан чиқишига ва этник можароларга сабаб бўлиши мумкин.

Гап демократик асосда яшаётган давлатлар ҳақида борадими ёки бундай жамият қураётган давлатлар ҳақидами, уларнинг асосий мақсади бир хил: демократик барқарорликни таъминлай оладиган институтларни яратишдир. Демократик жамиятнинг асосий белгиси бўлган эркин сайловларни ўтказиш эса доимий изланишни, таҳлилни, ривожланишни талаб этадиган жараёндир. Шунинг учун Э.Х.Халилов таъкидлаганидек «сайлов тўғрисидаги Қонун ҳужжатлари бутунлай янгиланганига қарамай, сайлов тизимини такомиллаштириш жараёни интихосига етди деб бўлмайди»<sup>10</sup>.

Шундай экан, хорижий давлатларнинг сайлов тизимларини ривожлантириш тажрибасини ўрганиб бориш, кучли фуқаролик жамиятини қуриш йўлида мамлакатимизда яратилган ҳуқуқий асосни мустаҳкамлаш ва уни ҳаётга татбиқ этишда фойдадан холи бўлмас деб ўйлаймиз.

Сайлов тизими сайлов округлари ва участкаларини ташкил қилиш, номзодларни кўрсатиш, сайловчиларни рўйхатга олиш, сайловларни ўтказишдаги маъсул органлар (шахслар) маъсулияти каби муҳим бўлган масалаларни ҳам ўз ичига олади.

Сайлов тизимининг ўзига хослиги кўп жихатдан сайлов округларининг қандай ташкил этилганлигига боғлиқ. Сайлов округлари ҳудудий бўлиниш асосида ташкил этилиб, уларда белгиланган миқдордаги депутатлар ёки сайлашга вакил қилинган кишилар сайланади<sup>11</sup>.

---

<sup>10</sup> Ўранг: Э.Х.Халилов. Сайлов тўғрисидаги Ўзбекистон Қонунларининг ёроп топиши ва ривожланиши. Тошкент «Ўзбекистон». 1999, 47 б.

<sup>11</sup> Баъзи мамлакатларда маълум мансабдор шахс ёки давлат вакиллик органини сайлаш учун бавосита сайловлар ўтказилади ва бу сайловларда айнан шу маъсадда бир марталик сайлов учун сайланган вакиллар ёки ўз хизмат лавозими юзасидан бу ваколатга эга бўлган шахслар ўатнашади. Бу сайловлар икки ёки ундан ортис поғонали бўлиши мумкин. Масалан, АШШ ва Финляндия давлатлари Президентлари ёки Хиндистон парламентининг юёри палатаси икки поғонали сайлов йўли билан сайланади. Франция Сенати аъзоларини

Сайлов округлари бир мандатли, кўп мандатли ва умуммиллий бўлиши мумкин:

бир мандатли сайлов округларида ҳар бир округдан бир депутат ёки сайлашга вакил қилинган киши сайланади;

кўп мандатли сайлов округларида эса бир неча номзодлар сайланиб мандатларга эга бўладилар.

Умуммиллий сайлов округлари давлат бошлиғини сайлашда ва пропорционал сайлов тизимларида ташкил қилиниши мумкин. Бунда номзодлар алоҳида бир ҳудуддаги сайловчиларнинг эмас, балки бутун мамлакат сайловчиларининг қўллаб-қувватлашларига умид қилишлари мумкин.

Ҳозирги пайтда дунё мамлакатлари тажрибасида сайлов тизимларининг уч катта гуруҳи мавжуд. Бу мажоритар, аралаш ва пропорционал сайлов тизимлари бўлиб, улар ўз навбатида гуруҳ ости турларига бўлинади.

## 1. Мажоритар сайлов тизимлари

Энг кенг тарқалган сайлов тизимларидан бири бу мажоритар<sup>12</sup> сайлов тизими бўлиб, сайлов натижаларини аниқлашда кўпчилик овози тамойилига асосланади.

Бу тизим қоидаларига биноан, тегишли сайлов округида белгиланган кўпчилик овозни олган номзод ёки номзодлар сайловда ғолиб чиққан ҳисобланади. Мажоритар сайлов тизими ўз навбатида мутлақ кўпчилик, нисбий ва икки босқичдан иборат кўпчилик овозига асосланган сайлов турларига бўлинади.

### А. Мутлақ кўпчилик овоз билан сайловда ютиб чиқиш тизими.

Мутлақ кўпчилик овоз билан сайловларда ютиб чиқиш тизими қоидаларига биноан сайловда берилган овозларнинг ярмидан кўпини (50% + 1 та) олган номзодгина сайланган ҳисобланади.

Масалан, сайлов округида сайланиш учун 3 та номзод қўйилган дейлик (А,Б,В). Берилган 10.000 овоз қуйидагича тақсимланди: А-

---

сайлашда эса бундай вакилларнинг сайловда ўтатишининг икки ёки уч поғонасини кузатиш мумкин. Сенаторларни сайлашда муниципал маслаҳатчилар, бош маслаҳатчилар, минтабавий маслаҳатчилар ва депутатлар ўтатишлари ва буни икки поғонали сайлов турига киритиш мумкин. Баъзи кичик коммуналарнинг маслаҳатчилари сайловда бевосита ўтатишмай, ўз вакилларини белгилайдилар. Бу эса бавосита сайловнинг уч поғонали турига киради.

<sup>12</sup> majorite француз тилидан «кўпчилик» деган маънони билдиради.

3000, Б- 1990, В -5010. Бунда 5010 овоз олган В мутлақ кўпчилик овозини олганлиги учун сайланган ҳисобланади.

Мутлақ кўпчилик овозига асосланган мажоритар тизимнинг ўзига хос камчилиги ва шу билан бирга афзаллиги ҳам мавжуд. Бу тизимнинг камчилигидан биринчиси шундаки, юқорида келтирган мисолимизда мутлақ кўпчилик (5010) овозини олган В номзод сайланади, қолган икки номзодга берилган (4990, салкам 50%) овоз эса «йўқолиб» кетади ва натижада А ва Б номзодларга овоз берган сайловчилар ўз вакилларини парламентга ўтказишга олмайдилар.

Бундан ташқари мажоритар тизимнинг бу турида белгиланган мандатларга эга бўлишда кичик партияларнинг имконияти йўқ ҳисоб. Ниҳоят бу сайловда мутлақ кўпчилик овозини олиш имкониятининг камлиги сайловни натижасиз тугашига ва қайта овоз бериш билан боғлиқ харажатларнинг кўпайиб кетишига сабаб бўлиши мумкин. Баъзи давлатларда бу муаммони ҳал қилиш учун сайловнинг иккинчи босқичини ўтказиб, унда сайлов натижаларини нисбатан кўпчилик овоз билан аниқлаш тартиби белгиланган. Масалан, Францияда 1962 йилда ўтказилган референдум асосида, 1965 йилда бўлиб ўтган Президент сайловларидан бошлаб шундай тартиб амал қилиб келади<sup>13</sup>.

Юқоридаги камчиликларга қарамасдан, мутлақ кўпчилик овозига асосланган бу сайлов тизимининг афзаллиги ҳам мавжуд. Бу тизим парламентдаги кўпчилик томонидан қувватланган барқарор ҳукуматни ташкил этиш имкониятини беради.

Хорижий давлатлар тажрибаларида пропорционал сайлов тизими асосида ташкил этилган ҳукуматнинг беқарорлигини бартараф этиш мақсадида бу тизимдан воз кечиш мажоритар сайлов тизимига ўтиш ҳоллари ҳам бўлган. Буни яна Франция мисолида кўриш мумкин. IV Республика даврининг сўнгги йиллардаги сиёсий беқарорликнинг асосий сабаби ҳукуматдаги келишмовчиликлар туфайли эди. Бу эса навбатдаги иқтисодий қийинчиликка, халқ турмуш даражасининг пасайишига олиб келганди. Бунга барҳам бериш мақсадида ҳокимият тепасига келган Генерал де Голь пропорционал сайлов тизими ўрнига мажоритар сайлов тизимини киритди. Ўз вақтида ўтказилган бу сиёсий ислоҳот Францияда қисқа

---

<sup>13</sup> Ушбу референдум натижаларига кўра Франция Президентини сайлашда билвосита сайловлар бекор бўлиниб, у тўғридан-тўғри сайловлар асосида сайланадиган бўлди, манба: France., Ministère des Affaires étrangères. Edition La documentation française, Paris, 1999, 52 p.

вақт ичида «сиёсий ва парламент барқарорлигини таъминлашга имконият яратди»<sup>14</sup>.

Сайлов натижаларини мутлақ кўпчилик овози асосида аниқлаш усулларидан бири, бу преференциал<sup>15</sup> овоз беришдир, У асосан Австралия ва унинг атрофидаги барча Океания давлатларига хос бўлиб, Ирландия ва Ҳиндистон каби давлатларда ҳам учрайди.

Бундай овоз бериш турининг натижаси жуда самарали бўлиб, иккинчи босқични ўтказишга ҳожат қолмайди. Бунда сайловчиларга рўйхатдаги номзодлар ўрнини ўз хоҳишлари бўйича ўзгартириш учун рухсат берилади. Сайловчи рўйхатдаги ҳар бир номзоднинг фамилияси олдига тегишли 1, 2, 3 рақамларини қўйиш билан номзодларга бўлган муносабатини билдиради, яъни сайловчи биринчи навбатда сайламоқчи бўлган номзод фамилияси олдига 1 рақамини, иккинчи навбатда сайламоқчи бўлган номзод фамилияси олдига 2 рақамини қўяди ва ҳоказо.

Бу сайлов тизими сайловчиларга ўз хоҳиш истакларини билдириб, ўзлари учун афзал билган номзодларни сайлаш имкониятини берганлиги сабабли ҳам уни «преференциал овоз бериш» деб аташади.

Австралияда бу тизим 1918 йил консерватор кучлар қўлида бўлган ҳукумат томонидан ўз тарафдорларининг кўплаб сайлов округларида сайланишига имконият яратиш ва лейбористлар партияси таъсирини камайтириш мақсадида киритилган эди.

Овоз бериш натижаларини мутлақ кўпчилик овози асосида аниқлашга асосланган бу сайлов тури Папуа-Янги Гвинеяда у Австралия васийлиги остида бўлган йиллари амалда бўлган. 1975 йилда мустақилликка эришгач, Папуа-Янги Гвинея бу сайлов турини нисбатан кўпчилик овози асосида аниқлаш турига алмаштирди.

Преференциал ёки муқобил овоз бериш усулининг афзаллиги шундаки, унда турли этник гуруҳларнинг ўз вакилларини вакиллик органларига сайлаш имконияти бўлади, чунки бу усул йирик партияларни кичик партиялар билан ҳамкорлик қилишга ундайди.

Бу усулнинг ўзгартирилган шакли Науру (Тинч океанининг жанубий-ҳарби) давлатида учрайди. Унда сайлов натижаларини аниқлашни осонлаштириш мақсадида овоз олишда биринчи навбатда

---

<sup>14</sup> Юшорида кўрсатилган манба, 53 бет,

<sup>15</sup> Француз тилидан preference – «афзал кўриш» деган маънони билдиради.

берилган овоз бир овозга, иккинчи ўриндаги овоз ярим, учинчи ўриндаги овоз учдан бир овозга тенг қилиб белгиланади.

Агар ҳеч қайси номзод мутлақ кўпчилик овозни ололмаса, кейинги ўриндаги овозлар саналади ва шу тариқа энг кўп овоз олган номзод сайловда ютиб чиққан ҳисобланади.

**В. Оддий (нисбий) кўпчилик овози асосида сайлов натижаларини аниқлаш**

Мажоритар сайлов тизимининг ушбу турида сайлов натижаларини аниқлаш учун номзод ёки номзодларнинг сайловчиларнинг оддий кўпчилик овозини тўплаши кифоя қилади, уларнинг неча фоиз овозга эга бўлганлигининг аҳамияти бўлмайди. Бу сайлов тури асосан бир мандатли сайлов округларида қўлланилиб, уни кўп мандатли сайлов округларида қўллаш ҳолатлари ҳам учраб туради.

**а) Оддий (нисбий) кўпчилик овози асосида сайлов натижаларини аниқлашнинг бир мандатли сайлов округларида қўлланилиши**

Сайлов натижаларини оддий кўпчилик овози асосида аниқлаш Буюк Британия ва Шимолий Ирландия бирлашган қироллигида, Канада, Ҳиндистон, АҚШ ҳамда Буюк Британиянинг барча собиқ мустамлакаларида учрайди.

1993 йилда, пропорционал сайлов тизими киритилгунга қадар, Янги Зеландияда ҳам шу тизим амал қилган. Бу тизим Лотин Америкаси ва Африканинг кўплаб давлатларида, Покистон, Бангладеш, Непал ва Малайзия каби Осиё давлатларида ҳам учрайди. 90-йиллар бошларида Непалда непалликлар саводхонлик даражасининг пастлигини ҳисобга олиб, бу тизимнинг мослаштирилган усули қўлланилган.

Унда номзодлар алоҳида кўрсатилмай, муайян партиянинг рамзий белгисигина билан кўрсатилган ва номзодларга, агар улар ҳоҳласалар, бир йўла бир неча сайлов округларида ўз номзодларини қўйишга рухсат этилган. Агар номзод бир неча сайлов округида ғалаба қозонган бўлса, у қайси округдан депутат бўлишини ўзи

танлаган. Бўш қолган ўринга эса қисман қайта овоз бериш ўтказилган.

Буюк Британияда, гарчи у сайлов натижаларининг оддий кўпчилик овози асосида аниқлаш тизимининг бешиги ҳисоблансада, бу тизим бутун Бирлашган қироллик ҳудудида амалда эмас. Миллатчи сиёсий гуруҳлар ва синдикалистларни бирлаштириш ҳамда христианлар католик оқимининг парламентдаги вакиллигини таъминлаш мақсадида 1973 йилда Шимолий Ирландияда пропорционал сайлов тизими қайта амалга киритилган.

Буюк Британияда сайлов тизимини ислоҳ қилиш масаласи анчадан бери кўтарилаётган бўлсада, ҳозирча ушбу ислоҳотга қаршиларнинг қўли баланд келмоқда. Амалдаги тизим танқидчилари бу тизимни сайловда олинган овозлар ва мандатлар номуносибликка олиб келганликда, парламентда аёллар ва эркаклар иштироки мувозанатига йўл қўйилмаётганлигида, этник камчилик гуруҳларининг ўз вакиллигига эришиши учун тўсқинлик қилинаётганликда ва яна иқтисодий беқарорликка олиб келган ҳукуматларнинг тез-тез алмашувига сабаб бўлишда айблаётган бўлсалар, бу тизим тарафдорлари уни бу тизимнинг Британ демократиясининг таъмал тоши эканлигини таъкидлаб, мабодо пропорционал сайлов тизими киритилса, у асосида ташкил этиладиган коалицион ҳукумат барқарор бўлмаслигини, консерваторларнинг Европа Иттифоқига қарши гуруҳларга ажраб кетиши мумкинлигини таъкидлашмоқда.

Ниҳоят, уларнинг фикрича, бу тизимнинг афзаллиги шундаки, у Миллий фронт ва Британия миллий партияси каби экстремист партияларнинг парламентда кучайиб кетишининг олдини олади.

1992 ва 1997 йилларда ўтказилган жамоатчилик фикрининг сўрови натижаларига қаралса, унда сайловчиларнинг ислоҳотларга нисбатан фикри аниқ эмаслигини кўриш мумкин. Дастлаб сайловчилар ислоҳотларни қўллаб фикр билдирган бўлсалар, кейинги сўровларда бунинг акси бўлган.

АҚШда сайлов округларининг қай усулда бўлиниши Конституция билан белгилаб қўйилмаган бўлиб, турли штатларда бир мандатли, кўп мандатли ва ҳатто умуммиллий сайлов округлари тузилиб сайлов ўтказилганлиги тўғрисидаги ҳолатлар учрайди. Кейинги пайтларда қонун чиқарувчи органларда кўпроқ жўғрофий бирликлар вакиллигини таъминлаш имкониятини берувчи бир мандатли сайлов округларига бўлиш устун келмоқда.

Тарихдан маълумки, АҚШда ХХ асрнинг 60-йилларига қадар қора танли аҳолининг эркин сайловларда қатнашиш имконияти анча чекланган эди, мамлакатнинг жанубида яшовчи қора танли аҳоли умуман сайлов ҳуқуқига эга эмас эди. Иккинчи Жаҳон урушидан кейин америкаликлар миллатнинг конституциявий қадр-қимматини оширишга катта аҳамият берди. 1964 йили АҚШнинг Олий Суди мамлакат Конституциясига киритилган 14-қўшимчага асосланиб, ҳар бир фуқаронинг сайлов ҳуқуқини тан олувчи «ҳар бир шахс- бир овоз» деган қонун қабул қилди.

1965 йил АҚШ Конгресси томонидан мамлакат жанубида яшовчи қора танлиларга ҳам сайлов ҳуқуқини берувчи қонун қабул қилинди, 1982 йили Конгресс томонидан камчиликни ташкил қилувчи гуруҳлар сайлов ҳуқуқларининг бузилиши устидан судга мурожаат қилиш тўғрисида қонун қабул қилинганидан сўнг умуммиллий сайлов округлари ўрнига бир мандатли сайлов округлари ташкил қилиш қонун киритилди.

1990 йилда ўтказилган қайта ҳисоблаш ва сайлов округларига бўлишда, бу қонунларга амал қилиниши туфайли, сайланганлар орасида қора танли аҳоли ва Лотин Америкасининг туб аҳолиси вакиллари сони нисбатан ошди. АҚШда амалда бўлган бу сайлов тизими ўнг кучларнинг қаршилигига учрамоқда. Улар бу тизимни бир хил номзодларнинг қайта-қайта сайланишига шароит яратиб бераётганликда, натижада бу ҳолат уларнинг ўз сайловчилари олдидаги мажбуриятини бажармаслигига олиб келаётганликда айбламоқдалар. Шундай бўлсада, улар ўзлари киритмоқчи бўлган пропорционал сайлов тизимини аҳолининг этник жиҳатдан бўлиниб кетишларига олиб келиши мумкин деб ҳисобламоқдалар. Бундай ҳолатнинг юз бериши ўз навбатида сиёсий барқарорликка хавф туғдириши мумкин.

Турли миллатларга мансуб муҳожир ватани ҳисобланмиш АҚШ тажрибасидан келиб чиқиб, энг асосий сиёсий ҳуқуқлардан бири бўлмиш, сайлов ҳуқуқини амалга оширишда барчага тенг имконият яратиш учун миллий шароитни, сиёсий анъаналарни, мавжуд этник гуруҳларнинг ўзига хослигини ҳисобга олиш ва шу асосда мавжуд муаммоларнинг фуқароларга маъқул келадиган ечимига (консенсус) эришишда амалдаги сайлов тизимининг роли қанчалик муҳим эканлигини билиш мумкин.

Оддий кўпчилик овози асосида сайлов натижаларини аниқлашнинг бир мандатли сайлов округларида қўлланилишининг

ўзига хос афзалликлари ва шу билан бирга баҳзи камчиликлари ҳам мавжуд. Унинг афзалликлари қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин;

Биринчидан, оддий кўпчилик овози асосида сайлов натижаларини аниқлашнинг бир мандатли сайлов округларида қўлланилиши сайловчиларга икки йирик партиядан бирини танлаш имкониятини беради. Бунда кичик партиядан кучли партиядан бирининг тутган позициясига қўшилиш учун ҳаракат қилади.

Иккинчидан, бу усул ягона партиядан вакилларида иборат ҳукумат тузишга имконият беради. Натижада ҳукуматни коалицион усулда тузишга ҳожат қолмайди. Бу эса ўз навбатида ҳукуматнинг барқарор равишда фаолият кўрсатишини таъминлайди.

Учинчидан, бу тизим парламентда амалдаги ҳукуматга нисбатан кучли муҳолифатнинг пайдо бўлиши учун имконият яратади, чунки ҳукумат тузиш учун етарли овоз ололмаган партиядан ҳар доим амалдаги ҳукумат фаолиятига нисбатан танқидий позицияда туради.

Туртинчидан, бунда экстремист сиёсий партиядан вакилларида парламентда ўз мандатларига эга бўлиш имконияти камаёди.

Бешинчидан, бу тизимда сайловчилар билан депутатлар ўртасида ўзаро алоқа боғлаш имконияти мавжуд. Пропорционал сайлов тизимидаги фақатгина маълум бир партиядан вакили бўлишидан фарқли ўлароқ, оддий кўпчилик овозга асосланган бир мандатли сайлов округларида қўлланиладиган сайлов тизимида депутатлар аниқ бир ҳудуднинг вакили ҳисобланадилар. Депутатларнинг маълум ҳудудга боғлиқлиги уни шу ҳудуд манфаатларини ҳимоя қилишга ҳам ундайди. Депутатнинг ўз сайловчилари томонидан қайта сайланиши ёки сайланмаслиги ҳам кўп жиҳатдан унинг ўз фаолиятини қай даражада амалга оширганлигига боғлиқ бўлади. Ҳудудий жиҳатдан бундай боғлиқлик иқтисоди асосан қишлоқ хўжалигига асосланган ва ривожланиш йўлидан бораётган давлатлар учун айниқса муҳимдир.

Оддий кўпчилик овози асосида сайловда ютиб чиқиш тизимининг учинчи камчилиги шуки, у жамоатчилик фикрига бефарқликни келтириб чиқариши мумкин. Масалан, таъсир доираси кенг бўлган бир партиядан ўз обрўсининг пасайишидан унча хавотир бўлмайди, чунки учун обрўси маълум фоизга тушган бўлишига қарамай бу ҳолат оддий кўпчилик овозини олишга етарли бўлиши мумкин.



Оддий кўпчилик овози асосида сайловда ютиб чиқиш тизимининг яна бир камчилиги шундаки, бунда кичик партияларга берилган овозлар «йўқолиб кетиши» мумкин. Бу ҳол кичик партияларнинг парламентда ўз мандатларига эришишини йўққа чиқариши ва оқибатда, улар мамлакат сиёсий барқарорлигини хавф остига кўювчи экстремистик йўлларга кириб кетиши мумкин.

Ниҳоят, сайланишда аёллар имкониятининг камлиги. Парламентлараро Иттифокнинг «Аёллар парламентда: 1945-1995» деб номланган тадқиқотида берилган маълумотларга қараганда бир мандатли, мажоритар сайлов тизими амалда бўлган давлатларда депутат бўлиб сайланган аёллар 11%ни, пропорционал сайлов тизими амалда бўлган давлатларда эса 20%ни ташкил қилади.

162 та давлатнинг сайлов тизими ўрганилган тадқиқотлар бўйича берилган маълумотларга кўра пропорционал сайлов тизимида, шунингдек бу тизимдаги ҳам партия рўйхатлари қатъий бўлган асосда ўтказилган сайлов шаклида аёлларнинг сайланиш имконияти мажоритар тизимдагидан юқорироқ<sup>16</sup>. Бунга фақат аёлларга сайланиш имконини берадиган ягона омил сифатида қараш нотўғри бўлади. Чунки, аёлларнинг эркаклар билан тенг сайланиш имкониятига эга бўлишида нафақат сайлов тизимининг шакли, балки сиёсий маданиятнинг ривожланганлик даражаси ва муайян давлатдаги аёллар ва эркакларнинг ўзаро муносабатлари ҳам муҳим роль ўйнайди.

Тадқиқотда шунингдек аёлларнинг сайланиши кўп йиллар давомида демократик асосда яшаётган давлатлардан кўра ёш демократик давлатларда кўпроқ кузатилаётганлиги таъкидланади<sup>17</sup>.

Бизнинг фикримизча бунга асосий сабаб ёш демократик давлатларда халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилган халқаро ҳуқуқ қоидалари асосида яшайдиган жамият қуришга интилишнинг кучлилигидадир.

Юқорида санаб ўтилган афзаллик ва камчиликларга эга бўлган сайлов натижаларини аниқлашнинг оддий кўпчилик овози асосида бир мандатли сайлов округларида қўлланилиши ҳозирги кунда дунёнинг етмишга яқин давлатларида амал қилмоқда.

---

<sup>16</sup> ўзгариш: Christine Pintat, Les statistiques s'agissant du processus démocratique et des droits civils et politiques – Expérience et réflexion de l'Union interparlementaire  
[http://www.statistik.admin.ch/about/international/pintat\\_final\\_paper.doc](http://www.statistik.admin.ch/about/international/pintat_final_paper.doc).

<sup>17</sup> ўзгариш: юборида кўрсатилган манба.

б). Оддий кўпчилик овози асосида сайлов натижаларини аниқлашнинг кўп мандатли сайлов округларида қўлланилиши

Оддий кўпчилик овози асосида сайлов натижаларини аниқлаш кўп мандатли сайлов округларида ҳам қўлланилиши мумкин. Бунда ҳар бир сайловчи мазкур сайлов округида қанча мандат бўлса, шунча овозга эга бўлади. Сайланаётган номзодларнинг қанча фоиз овоз олишининг аҳамияти бўлмай, сайловда ютиб чиқиш учун бошқа номзодларга нисбатан кўпроқ овоз олишнинг ўзигина кифоя қилади.

Бу усулни амалда қўллаётган кўпгина давлатларда сайловчиларнинг ўзларига барча овозлардан фойдаланиш ёки фойдаланмаслик ҳуқуқи берилган.

Фаластин Мухториятида, Лаос, Қувайт, Тайланд, Филиппин каби давлатларда сайловлар шу тизим асосида ўтказилади. 1945 йилгача британия коммуналари Палатасининг бир неча мандатларига ҳам сайлов шу усулда ўтказиларди.

Бу усул Иордания қироллигида 1989 йилги сайловлар даврида тажриба қилиб кўрилган. Узоқ муддатли таъқиқлардан сўнг қирол Ҳусайн томонидан тикланган кўппартиявий сиёсий режим даврида ташкил этилган бу сайловларда қирол Ҳусайн тарафдорлари 60% овоз билан Вакиллик Палатасида 40% мандатга эришган бўлсалар, уларнинг муҳолифи бўлган Ислом Биродарлиги партияси 20% овоз билан 30% мандатга эришдилар.

Бундан хавотирга тушган қирол Ҳусайн сайлов қонунларини ўзгартириб, янги сайлов тизимини амалга киритди. Бунга кўра кўп мандатли сайлов округлари сақланиб қолган бўлсада, сайловчилар ўз сайлов округларида фақат бир номзод учунгина овоз беришлари мумкин бўлди.

Бу сайловларда сайлаш ҳуқуқига эга бўлган аҳолининг 50%дан камроғи қатнашган бўлса ҳам, овоз бериш натижаларида олинган овозлар билан эгалланган мандатлар мутаносиблиги анча яқин бўлди.

Бироқ кўп мандатли сайлов округларида сайловчиларнинг ягона овозга эга бўлишининг муҳолифлари ҳам мавжуд. Масалан, Ислом Ҳаракати Фронт партияси тарафдорлари сайлов тизимини ўзгартириш тўғрисида таклифлар киритмоқда. Бу таклифлар 1989 йилги сайлов тизимини тиклаш ёки пропорционал сайлов тизимига ўтишдан иборат.

Баъзи давлатларда мажоритар сайлов тизимининг бир мандатли ва кўп мандатли сайлов тизимида қўлланилиши хусусиятларини ўз ичига олган усуллар қўлланилади. Бу давлатлар қаторига Ливан, Сингапур, Тунис, Сенегал ва Жибути давлатлари киради. Бунда номзодлар қайси партиёга тегишлигига қараб рўйхатга киритилади ва сайловчилар алоҳида номзодларга эмас, балки муайян партиё рўйхатига овоз берадилар.

Муҳолиф партиёларга нисбатан кўпроқ овоз олган партиёнинг рўйхатидаги барча номзодлар сайланиб, бу партиё сайлов округидаги барча мандатларга эга бўлади.

Бу усулнинг қўлланилиши баъзи давлатларда турли этник гуруҳлар ўртасида тенг вакилликни таъминлаш ва шу йўл билан уларнинг ўртасидаги мувозанатни сақлаб туриш имкониятини беради.

Масалан, Ливанда ҳар бир партиёнинг рўйхати турли этник гуруҳларга мансуб номзодлардан ташкил топиши керак.

Сингапурда эса бир пайтнинг ўзида бир мандатли ва кўп мандатли сайлов округлари мавжуд. Депутатларнинг бир қисми бир мандатли сайлов округларидан сайланса, уларнинг асосий қисми эса кўп мандатли сайлов округларидан сайланадилар. Бунда ҳар бир партиё ёки гуруҳнинг номзодлари рўйхатига кичик этник гуруҳларнинг ҳеч бўлмаганда бир вакили киритилган бўлиши шарт. Бунда сайловчилар биргина овозга эга бўлсалар ҳам, улар овоз берган рўйхатдаги барча номзодлар сайланади ва улар ичида албатта турли гуруҳ вакиллари бўлади.

Бироқ бу усулнинг асосий камчилиги шундан иборатки, унда оддий кўпчилик овози билан ғолиб бўлган партиё парламентдаги барча мандатларга эга бўлиши мумкин. Масалан, Сингапурда ўтказилган 1991 йилги сайловларда 61% овоз олган Халқ Ҳаракати Партияси парламентдаги 95% мандатларга эга бўлган.

Худди шу ҳолатни 1982 ва 1995 йилларда Морис оролида ўтказилган сайловлар натижаларида ҳам кўриш мумкин.

Тўпланган овозлар ва эгалланган мандатлар орасидаги номуносиблик туфайли Филиппинда ҳам бу тизимни пропорционал сайлов тизимига алмаштириш таклифлари кўрилмоқда.

Юқоридаги камчиликка қарамасдан кўп мандатли сайлов округида қўлланадиган оддий кўпчилик овозига асосланган тизимнинг афзаллик томони ҳам бор. Бунда рўйхатга киритилган номзодлар сонига тенг овоз ҳуқуқига эга бўлган сайловчилар қанча

овоздан фойдаланилишни ўзлари белгилайдилар ва алоҳида номзодларга ҳам овоз беришлари мумкин. Ундан ташқари бу усулни қўллаш унчалик қийинчилик туғдирмайди ва турли этник гуруҳларнинг вакиллари рўйхатга киритиб, уларнинг вакиллигини парламентда таъминлаш имкониятини беради.

### С. Икки босқичдан иборат мажоритар сайлов тизими

Мажоритар сайлов тизимининг яна бир тури бу икки босқичли сайловлар ўтказишдир. Бунда биринчи марта ўтказилган сайлов натижаси мутлақ кўпчилик овози асосида аниқланади. Агар ҳеч бир номзод мутлақ кўпчилик овозини тўплай олмаса, у ҳолда қайта овоз бериш ўтказилади. Шунинг учун бу усулни қайта овоз бериш усули ҳам дейишади. Иккинчи босқичда ғолиб чиққан номзод сайланган ҳисобланади. Иккинчи босқични ўтказиш тартиблари турли давлатларда турлича бўлиши мумкин. Энг кўп тарқалган усуллардан бири бу биринчи босқичда бошқа номзодларга нисбатан кўпроқ овоз олган икки номзоднинг иккинчи босқичда қатнашиш усулидир.

Баъзи давлатларда иккинчи босқичда ютиб чиқиш учун ҳам мутлақ кўпчилик овоз талаб қилинса, баъзиларида эса иккинчи босқичда сайланиш учун оддий кўпчилик овоз етарли ҳисобланади.

Иккинчи босқичда ҳам мутлақ кўпчилик овозини талаб қиладиган тизимга МДХ аъзоси бўлган Украинада амалда бўлган сайлов тизимини мисол қилиб келтириш мумкин. Мустақилликка эришгандан сўнг, 1994 йилда ўтказилган биринчи сайловлар икки босқичли мажоритар сайлов тизими тарафдорлари учун кутилган натижа бермади. Бу сайловларда Украина Парламентига 14 партиянинг вакиллари сайланди, бу эса мажоритар тизим ташкилотчилари ўйлаганидан анча кўп эди. Ундан ташқари Украина Коммунистлар Партиясининг 13% овоз билан 23% мандатга эга бўлиши мажоритар сайлов тизимларига хос бўлган камчиликни намоён қилди.

Ушбу сайловлар кўппартиявий сиёсий режимни мустаҳкамлашга хизмат қилмади. Чунки кўплаб партиялар сайловда етарлича овоз олишларига ишониб бошқа партиялар билан ҳамкорлик қилишга ҳаракат қилишмади.

Мутлақ кўпчилик овозини олиш шарти эса кўплаб сайлов округларида номзодларнинг сайланиш учун етарли овоз ололмастлигига олиб келди ва бунинг натижасида Парламентдаги

баъзи жойлар анча вақтгача бўш қолиб, маълум бир ҳудудларнинг вакиллиги таъминланмади. Такрорий ўтказилган сайловлар эса ортиқча сарф-харажатларнинг кўпайиб кетишига олиб келди.

1994 йилги сайловлар натижасидан хулоса чиқарган ҳолда Украина Парламенти томонидан янги сайлов қонуни қабул қилиниб, унда сайловларни аралаш тизим асосида ўтказиш қондаси қабул қилинган, 1998 йилда ўтказилган сайловларда олинган овозларнинг эгалланган мандатларга мутаносиблиги маълум даражада таъминланди.

2002 йил март ойида ўтказилган парламент сайловларида эса 450 депутатнинг ярми бир мандатли сайлов округларидан, қолган ярми эса кўп мандатли сайлов округларидан сайланди.

Агар сайланиш учун ҳар икки босқичда ҳам 50% дан ортиқ овоз олиш шартлигини ҳисобга олиб, Украина тажрибасини ҳақиқий мутлақ кўпчилик тизимига киритсак, Франция ва ҳуқуқ тизими Франциянинг ҳуқуқи таъсирида ривожланган Марказий Африка Республикаси, Мали, Того, Чад, Габон, Конго ва Миср каби давлатларнинг сайлов тизими тўғрисида бундай дейиш қийин.

Масалан, Франция Миллий ассамблеясига сайловлар ўтказилганда иккинчи босқичга энг кўп овоз олган 2 та номзод эмас, балки биринчи босқичда 12,5% дан ортиқ овоз олган номзодлар чиқиши мумкин.

Иккинчи босқичда сайланиш учун эса номзодларнинг мутлақ кўпчилик овозини тўплаши талаб қилинмай, оддий кўпчилик овозига эга бўлишлик етарли ҳисобланади.

Икки босқичли мажоритар сайлов тизими Куба, Гаити, Эрон, МДҲга аъзо давлатлардан бу тизим Украина билан бир қаторда Ўзбекистон, Беларусь, Қирғизистон, Молдова, Тожикистон каби давлатларда амал қилади.

Икки босқичли мажоритар сайлов тизими Ғарбий Европада жойлашган Монако князлигида ҳам амал қилади. Бу тизим шунингдек Албания ва Литва давлатларида ҳам пропорционал сайлов тизими билан биргаликда қўлланилади.

Ҳар бир сайлов тизимида бўлгандек, икки босқичли мажоритар сайлов тизимининг ҳам ўзига хос афзалликлари ва нуқсонлари мавжуд.

Унинг асосий афзаллиги шундаки, бунда сайловчи иккинчи босқичда ҳам олдинги босқичда ёқлаб овоз берган номзодни қўллаши ёки аксинча фикрини ўзгартириб унга қарши овоз бериши мумкин.

Шу билан бирга бу тизим сиёсий партияларга ҳам, сайловчиларга ҳам сайловнинг икки босқичи орасидаги сиёсий ўзгаришларга ўз муносабатларини билдириш имкониятини берадики, бу муайян давлатнинг сиёсий барқарорлигини сақлашда муҳим роль ўйнаши мумкин. Францияда ўтказилган 2002 йилги президент сайловлари бунга яққол мисол бўла олади. Бу сайловларнинг биринчи босқичида ўнг экстремистлардан ташкил топган Миллий Фронт партияси вакили Лэ Пеннинг социалистлар партияси вакили Л.Жоспенни ортда қолдириб иккинчи босқичга чиқиши нафақат Францияда, балки бутун дунёда катта шов-шувларга сабаб бўлди. Француз жамоатчилиги бунга ўз муносабатини билдириб, ўнг экстремистик гуруҳларининг сайловда ютиб чиқишига қарши намоёишлар бўлиб ўтди.

Сайловнинг биринчи босқичида ютқазган социалистлар ўз сайловчиларини ўзларининг муҳолифи бўлган ўнг республикачи Ж.Ширакнинг номзодини қўллаб овоз беришга чақирдилар. Натижада биринчи босқичда Ж.Ширакка қарши овоз берган миллионлаб сайловчилар иккинчи босқичда уни ёқлаб овоз бердилар. Бу Ж.Ширакнинг сайловда қатнашганларнинг 82,2% овози билан сайловда ютиб чиқишини таъминлади.

2002 йилги Франция президенти сайлови V Республика тарихида кўп жиҳатдан рекорд натижаларни кўрсатди: сайловда 16 та номзод қатнашди; номзод иккинчи босқичда 82,2% овоз олди<sup>18</sup>; ўнг экстремистлар биринчи марта 19,2% овоз олиб иккинчи босқичга чиқди; сайловда қатнашмаслик (абсентеизм) юқори даражада бўлди<sup>19</sup>.

1991 йили кўппартиявий сиёсий тизимга ўтилгач, Франциянинг собиқ мустамлакаси Малида ҳам депутатларни миллий Ассамблеяга сайлаш учун икки босқичли мажоритар сайлов тизими қўлланила бошланди. Бу давлатда сайлов округларини ташкил этишда аҳолининг тенг бўлиши ҳисобга олинмаган. Шунинг учун Малида

---

<sup>18</sup> Бешинчи Республика тарихида иккинчи босқичда кеч бир номзод 60%дан ортиқ овоз олмаган. 1995 йилги президент сайловларида Ж.Ширак 52,7%, Л.Жоспен 47,3% олган эди. Шаранг: France., Ministère des Affaires étrangères. Edition La documentation française, Paris, 1999, 83 б.

<sup>19</sup> 2002 йил 21 апрелда ўтказилган президент сайловининг биринчи босқичида сайлов кўшушига эга бўлганларнинг 28,7%и сайловда қатнашмади. Дунё миёёсида бу унга катта кўрсаткич бўлмасада, Франциядек фуқароларнинг сиёсий активлиги юқори бўлган давлат учун бу одатий қол эмас. Баъзи давлатларда фуқароларнинг сиёсий активлиги паст бўлиб сайловчиларнинг ярмидан кўпи сайловда иштирок этмасада, бу сайлов натижаларининг қайиғийлигига таъсир этмайди. Масалан, Иорданияда сайловларга сайлов кўшушига эга бўлган аҳолининг 50%да камроғи қатнашиши нормал қолат қисобланади. Кўпчилик давлатларда қар бир округда ўтказилган сайловларнинг бўлиб ўтган деб қисобланиши ёки сайлов натижаларининг қайиғий қисобланиши учун сайлов кўшушига эга бўлган фуқаролар қатнашиши шарт бўлган энг кам миқдор белгилаб қўйилади. Масалан, бу Италияда 50%ни, Россияда 25%ни ташкил этади (пункт 2 1) статьи 83 и пункт 11 1) статьи 84 Федерального Закона «О выборах депутатов Государственной Думы Федерального Собрания Российской Федерации от 20 декабря 2002 года). Ўзбекистонда бу миқдор 50% йилиб белгиланган.

сайлов округларига берилган мандатлар биттадан олтигача бўлиши мумкин.

Депутатлик учун кураш мустақил номзодлар ва партияларнинг рўйхатларида кўрсатилган номзодлар ўртасида бўлади. Ҳар бир сайловчи ёки бир мустақил номзодни ёқлаб, ё бир партия рўйхатини ёқлаб овоз беради. Иккинчи босқичга биринчи босқичда энг кўп овоз олган икки номзодгина қўйилади ва сайловда ютиб чиқиш учун сайловда қатнашганларнинг ярмидан кўпининг овозини тўплаши шарт. Агар сайлов кўп мандатли сайловларда ўтказилаётган бўлса, сайловда ғолиб чиққан партия округдаги барча мандатларга эга бўлади.

Малида ўрнатилган бу сайлов тизими 1992 йилги сайловларнинг тенг ва ҳаққоний тортишувлар асосида ўтишини таъминлади. Бунинг натижасида парламентда вакиллик ва давлат бошқаруви ўртасидаги мувозанат вужудга келди ва парламентда соғлом муҳолифатнинг вужудга келиши таъминланди.

Икки босқичли мажоритар тизим танқидчиларининг фикрича бу тизимнинг асосий нуқсони иккинчи босқич билан боғлиқ бўлган ҳаражатларнинг кўпайиб кетишидир. Улар шунингдек иккинчи босқичда сайловчиларнинг сайловда қатнашиш даражаси пасайиб кетиши мумкин бўлган ҳоллар мавжудлигини ҳам нуқсон сифатида олдинга суришади.

Иккинчи босқич билан боғлиқ ҳаражатларга келсак, бу босқич ҳамма сайлов округларида ҳам ўтказилавермайди, чунки етарли обрў эътиборга ва мустаҳкам позицияга эга бўлган сиёсий партия номзодларининг кўпинча биринчи босқичда сайланиши бунга ҳожат қолдирмайди. Сайловчиларнинг иккинчи босқичда қатнашишининг қай даражада бўлиши эса, сайловолди ташвиқотларига ва сайловчиларнинг сиёсий фаоллигига боғлиқ.

Умуман олганда, мажоритар сайлов тизимининг энг асосий афзаллиги шундаки, бу тизим сиёсий партиялар рўйхатига пропорционал тизимдагидек кўр-кўрона овоз бермасдан алоҳида шахсларни сайлаш имконини беради. Ундан ташқари бу тизим сайловчиларга партия аъзоси бўлмаган мустақил халқ номзодларини сайлашга ҳам имкон беради.

## 2. Аралаш сайлов тизимлари

Аралаш сайлов тизимлари мажоритар ва пропорционал сайлов тизимларини бирлаштириш тамойилига асосланган сайлов тизимларидир.

Бу тизим Япония, Гвинея, Албания, Жанубий Корея, Литва, Самали ва Тайван каби давлатларда, МДХ доирасида эса Арманистон, Озарбайжон, Грузия ва Россия Федерацияси давлатларида амал қилади.

Россия сайлов тизими сиёсий партияларнинг рўйхатида асосланган пропорционал вакиллик ва мажоритар тизимнинг оддий кўпчилик овозига асосланган бирлашувидан иборат.

Давлат Думасининг 450 депутатидан 225 таси бир мандатли сайлов округларидан мажоритар усулда сайланса, қолган 225 депутат пропорционал вакиллик асосида сайланади. Бунда Россия Федерациясининг Россия Федерал Кенгаши Давлат Думасига депутатларнинг сайлови тўғрисидаги федерал Қонуннинг 13-моддасига<sup>20</sup> биноан Федерация ҳудуди ягона сайлов округига айланади.

Ҳар бир партия ўз номзодлари рўйхатини тузади ва бу рўйхатга кирган номзод бир мандатли сайлов округида ўтказиладиган сайловда ҳам қатнашиши мумкин. Бунинг учун номзоднинг федерал сайлов округига ҳам, бир мандатли сайлов округига ҳам айнан бир сайлов бирлашмасидан ёки сайлов блокидан кўрсатилиши шарт<sup>21</sup> қилиб қўйилган.

Натижада федерал округ бўйича пропорционал сайлов асосида ютиб чиққан партия яна бир қўшимча мандатга эга бўлади.

Бунда мандатлар тақсимлашига бутун федерал округ бўйича 5%лик чегарага етган ва ундан ошган партияларгина қўйилади.

Аралаш тизимнинг қўлланилиши қатъий пропорционал тизимда мавжуд бўлган майда партияларнинг кўпайиб кетишини олдини олади. Ундан ташқари мавжуд кичик партиялар бир мандатли мажоритар тизимли сайловларда ютқазсаларда, пропорционал сайловлар билан бунинг ўрнини тўлдириб олишлари мумкин. Лекин, Россияда мавжуд бўлган 5% ли тўсиқнинг мавжудлиги бундай ҳолатни юзага келишига анча тўсқинлик қилади.

Аралаш тизимнинг қўлланилиши икки гуруҳдаги депутатларнинг сайланишига олиб келади. Биринчиси, сайлов округидаги сайловчилар билан анча боғлиқ бўлган депутат бўлиб, у

<sup>20</sup> Шаранг: Собрание законодательства Российской Федерации, №26, 1999, с.5727.

<sup>21</sup> Шаранг: Юборида кўрсатилган Қонуннинг 47 моддасининг 4-қисми. 5772 б.



сайловчилар олдида ўз масъулиятини сезади. Иккинчиси, партия рўйхати асосида сайланган депутат бўлиб, у маълум округ сайловчиларига унча таниш бўлмаслиги мумкин, чунки сайловчи овоз берганда алоҳида номзод учун эмас, балки партия рўйхати учун овоз беради. Натижада сайланган депутат ўзини муайян сайлов округи сайловчилари олдида эмас, балки уни рўйхатга киритган партия раҳбарлари олдида ҳисобдор сезади.

Аралаш сайлов тизимининг яна бир ягона овоз бериш шакли мавжуд бўлиб, у Иордания ва Вануату (Океания)нинг парламент сайловларида, Тайван парламентининг бир қисмини сайлашда қўлланилади. Бу усул 1948 йилдан 1993 йилгача Япония парламентининг қўйи палатасини сайлашда ҳам қўлланилган.

Сайловнинг бу шаклида сайлов округида бир неча мандат бўлсада, ҳар бир сайловчи фақат бир овозга эга бўлади. Сайловчи партия рўйхатига киритилган ўзига маъқул бўлган номзодни ёқлаб овоз бериши мумкин. Бунда номзоднинг, масалан, 4 мандатли сайлов округида ютиб чиқиши учун 20% овоз тўплаши кифоя қилади.

Бундай овоз бериш кўп мандатли сайлов округларида мандатлар бўлинишининг олинган овозларга мутаносиблигини анча таъминласада, сайловчи-депутат муносабатларини сусайтиради. Чунки сайловчининг фақатгина бир овозга эга бўлиши, партияларнинг сайловчилар эътиборини қозонишга унчалик ҳаракат қилмасаларда, осонгина мандатларга эришишини таъминлайди.

### 3. Пропорционал сайлов тизимлари

Пропорционал сайлов тизимлари сайловларда кенг омма вакиллигини таъминлаш мақсадида киритилган сайлов тизими бўлиб, Лотин Америкаси давлатларининг кўпчилигида, Африка давлатларининг учдан бир қисмида учрайди.

Европада Австрия, Бельгия, Норвегия, Нидерландия, Норвегия, Швеция, Швейцария каби давлатларда шу тизим амал қилади.

Бу тизимнинг асосий мақсади амалда сайловларда олинган овозлар билан парламентда эгалланган мандатлар мутаносиблигини таъминлашдир. Яъни, масалан, бир партия сайловда 30% овоз олган бўлса парламентда 30% мандатга эга бўлиши, сайловда 15% овоз олган партия эса тегишлича 15% мандатга эга бўлиши керак.

Пропорционал сайлов тизимларининг кўпчилик овоз тамойилига асосланган мажоритар сайлов тизимларидан асосий фарқи ҳам шунда.

Пропорционал сайлов тизимларида катта-катта сайлов округлари тузилиб, ҳар бир сайлов округидан бир нечта депутатлар сайланади. Сайлов округлари қанча катта бўлса, олинган овозлар ва эгалланган мандатлар шунга мутаносиб бўлади.

Бунга эришиш мақсадида бу тизимни қўллайдиган давлатларда бир нечта минтақалардан ва хатто бутун давлат ҳудудидан бир сайлов округи ташкил қилинади.

Бу тизимда ҳар бир партия ўз номзодлари рўйхатини тузади ва сайловчилар алоҳида олинган номзодга эмас, балки маълум партия рўйхатига овоз беради. Сайловчиларга баъзи ҳолларда номзодларга нисбатан ўз муносабатларини билдиришга ҳам имконият берилиши мумкин.

Сайловлар натижасини аниқлашда ҳар бир депутатлик мандатини олиш учун зарур бўлган овозлар миқдори белгиланади. Бу миқдор ҳар бир сайлов округи учун алоҳида қилиб белгиланиши ёки бутун давлат ҳудуди учун бир хил бўлиши ҳам мумкин.

Пропорционал сайлов тизимида мандатларни тақсимлашда олинган овозларни санаб чиқиш усули жуда муҳим ўрин тутди. Овозларни ҳисоблаб чиқишда турли математик усулларни қўллаш билан боғлиқ бўлган бир нечта усуллар бўлиб, булардан энг осони инглиз олими Т.Хэр томонидан таклиф қилинган усулдир. Бунга кўра мандатлар ҳиссасини (квота-Q) аниқлаш учун сайловда берилган умумий овозни (X) сайлов округидаги мандатлар сонига (Y) бўламиз. Буни қўйидагича шартли ифода билан бериш мумкин:

$$Q \propto X : Y$$

Квотани аниқлаб олгач, ҳар бир партия томонидан тўпланган овозларни квотага бўламиз. Шунда ҳар бир партиянинг қанча мандатга эга бўлиши келиб чиқади. Агар шундан кейин яна тақсимланмаган мандатлар қоладиган бўлса, улар энг кўп овозлар қолдиғи бўлган партияларга тақсимланиб берилади ва шу тариқа барча мандатлар тақсимланади. Бу тақсимлашни қўйидаги мисолда кўрсатиш мумкин. Сайловда ўн бешта депутат сайланиши керак бўлган сайлов округида 5 та партия қатнашган дейлик. Сайловда жами 16.000 та овоз берилиб, партиялар қўйидагича овоз олдилар:

А-6100та, В-3300та, С-1400та, D-3000та, Е-2200та.

Умумий овоз – 16.000 ни мандатлар сонига, яъни 15 га бўламиз ва натижаси 1066 бўлади. Демак, бир мандатга эга бўлиш учун 1066 та овоз олиш керак бўлади. Энди партиялар тўплаган овозларни 1066

Партиялар номи	Тўплаган овозлар миқдори	Тўплаган овозларнинг мандатлар	Тўплаган овозларнинг квотага бўлиш	Тўплаган овозларнинг квотага бўлиш	Умумий эгалланган мандатлар
----------------	--------------------------	--------------------------------	------------------------------------	------------------------------------	-----------------------------

га бўлиб чиқсак, ҳар бир партия қўлга киритган мандатлар аниқланади. Буни жадвалда қўйидагича ифодалаш мумкин:

		сонига бўлинмаси (квота)		бор партияларга тақсимланиши	сони
A	6100	5.71	5	1	6
B	3300	3,09	3		3
C	1400	1,31	1		1
D	3000	2,81	2	1	3
E	2200	2,06	2		2
Уму мий миқдор	1600 0		1 3	2	15

Пропорционал сайлов тизимида сайлов натижаларига сайлов округларининг бўлишини ҳамда мандатларга эга бўлиш учун белгиланган чегараларнинг қанча фоиз бўлиши ҳам катта таъсир кўрсатади. Округлардаги вакилликнинг сони қанча кўп ва мандат олиш учун белгиланган фоиз чегараси қанча кам бўлса, овозлар ва мандатлар мутаносиблиги ҳамда кичик партиялар вакилларининг сайланиш имконияти шунча юқори бўлади.

Турли давлатларда мандатларни тақсимлашда қатнашиш ҳуқуқини олиш учун белгиланган овозлар фоизи чегаралари турлича белгиланган.

Германияда ва Парламентнинг қўйи палатасининг ярми пропорционал сайловлар асосида сайланадиган Россияда бу чегара 5% бўлса, Исроилда 1,5% Нидерландияда 0,67%, Сейшел Ороллари Республикаси (Хинд океани ғарби) Парламентининг 23 мандатини тақсимлаш учун 10% қилиб белгиланган. Жанубий Африка Республикасида ўтказилган 1994 йилги сайловларда Африка Христиан Демократлар партиясининг 0,45% овоз билан парламентдаги 400 мандатдан иккитасига эга бўлганлиги ҳам мандат олиш учун зарур бўлган чегаранинг пастлиги сайловда олинган овозлар ва эгалланадиган мандатлар мутаносиблигига эришишга хизмат қилиши кўрсатиб турибди.

Мандатларнинг тақсимланишида қатнашиш учун белгиланган бу чегара дастлаб Германияда экстремистик гуруҳларнинг сайланишига чек қўйиш мақсадида киритилган эди. Лекин бу

чегаранинг қатъийлигини камайтириш ва мутаносибликни таъминлаш мақсадида ҳар бир партиянинг камида 3та мандатга эга бўлиши таъминланади.

Мандатларни тақсимлашда партияларнинг қатнашиши учун белгиланган чегаранинг мавжудлиги сайлов натижаларини аниқлашда кўпинча салбий камчиликларга сабаб бўлади. Қонун билан белгиланган бу чегара кичик партияларнинг номзодлари учун берилган овозларнинг зое кетишига ва натижада овозлар ва мандатлар номутаносиблигига олиб келиши мумкин. Шунинг учун баъзи экспертлар бундай қоидани ортиқча ҳисоблаб, уни бекор қилишни тавсия этадилар.

Ўзбекистон сайлов Қонунчилигида ҳам бу борада ижобий ўзгариш содир бўлди. Юртимизда кўппартиявийлик тизимнинг ривожланиб бораётганлигини ҳисобга олиб, сайлов Қонунларига партияларнинг вакиллигини таъминлашга кенгроқ имконият берувчи ўзгартиришлар киритилди. Бу ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисидаги Қонуннинг 46-моддаси, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисидаги Қонуннинг 45- моддаларидан сиёсий партиялар тегишли сайловларда овоз беришда қатнашган сайловчиларнинг 5%дан кам овозини тўплаганларида, уларнинг номзодлари депутат қилиб рўйхатга олинмаслигини назарда тутган талабнинг чиқариб ташланишидан иборат бўлди.

Републикада ўтказилаётган сайловларнинг демократия талабларига мос равишда ўтишини таъминлаш мақсадида, халқаро майдондаги тажрибани ҳисобга олиб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисидаги Қонунга ўзгартириш киритилиши мамлакатимизда ўтказилаётган демократик ислохотларнинг изчиллигидан дарак беради.

Агар пропорционал тизимнинг асосий вазифаси овозлар ва мандатлар мутаносиблигини таъминлаш йўли билан озчиликнинг ҳам вакиллигини таъминлаш бўлса, баъзи давлатларда ўтказилган сайловларнинг бундай натижага олиб келмаганлигини кўриш мумкин. Масалан, 1995 йил Россияда ўтказилган сайловларда сайловчилар овозининг қарийб ярми «йўқолиб кетган». Мутаносибликни кўзлаган пропорционал сайлов тизимининг

мақсадига зид бўлган бу ҳолатга нисбатан Э.Х. Халилов ҳам ўз фикрини билдириб ўтган эди<sup>22</sup>.

Пропорционал сайлов тизимида партия рўйхатлари бўйича овоз бериш бу рўйхатларнинг характериغا қараб қатъий, қатъий бўлмаган ва ўзгарувчан рўйхатлари бўйича овоз беришга бўлиши мумкин.

қатъий рўйхатлар асосида овоз бериш пропорционал сайлов тизимини қўллайдиган давлатларда энг кўп тарқалган бўлиб, бунда сайловчилар муайян партия томонидан тақдим этилган рўйхатда кўрсатилган номзодлар ўрнини ўзгартиришга, яъни ўзлари афзал кўрган номзодни биринчи ўринга қўйишга ҳақли бўлмайдилар.

Баъзида сайлов бюллетенига депутатликка номзодлар фамилиялари киритилмай, фақатгина партия раҳбарининг фамилияси ва партия рамзи киритилиши мумкин. Бу усулда овоз беришга Жанубий Африка Республикасида 1994 йилда ўтказилган сайловлар мисол бўла олади. Бундай овоз беришда сайловчилар ўзлари танлаган партия рўйхатига овоз бериш билан чекланадилар. Бу усулда овоз бериш бошқача тарзда сайланиши қийин бўлган озчилик вакилларининг ҳамда аёлларнинг сайланишига имкон туғдирсада, депутатликка лойиқ бўлмаган номзодларнинг сайланиб қолишига сабаб бўлиши мумкин.

Партия рўйхатлари бўйича овоз беришнинг иккинчи тури бу қатъий бўлмаган рўйхат асосида овоз беришдир. Бунда сайловчилар ўзлари танлаган партия рўйхатини ёқлаб овоз беришдан ташқари бу рўйхатдаги номзодлар ўрнини алмаштириш имкониятига ҳам эгалар. Сайловчиларга номзодларни танлаш имкониятининг борлиги бу усулнинг афзаллиги бўлсада, бу партия ичида келишмовчиликнинг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

Баъзи давлатларда қатъий бўлмаган рўйхат асосида овоз беришга маълум ўзгартиришнинг киритилиши билан бу рўйхатларнинг мослашувчанлик хусусиятини олган тури қўлланилади. Буни панашаж<sup>23</sup> қилиш асосида овоз бериш ҳам дейишади.

Швейцарияда сайловчилар мандатлар сони қанча бўлса, шунча овозга эга бўладилар ва улар бу овозларни бир партия рўйхатидаги номзодларга берадиларми ёки турли партия рўйхатидаги номзодларгами, уни ўзлари белгилайдилар. Бунда партия

---

<sup>22</sup> Ҷаранг: Э.К. Хамдамов, Сайлов тўғрисидаги Ўзбекистон Ўнунларининг Ҷарор топиши ва ривожланиши. Тошкент «Ўзбекистон», 1999й, 9 б.

<sup>23</sup> Panachage – француз тилидан «аралашма» деган маънони билдириб юридик тилда бу сайловчи томонидан турли рўйхатда бўлган номзодларни бир сайлов бюллетенига киритиб овоз беришни англатади.

рўйхатидаги номзодлар сони кантондаги мандатлар сонидан ошиб кетмаслиги керак.

Сайловчилар овоз бериш чоғида қуйидаги уч йўлдан бирини танлашлари мумкин:

рўйхат қандай бўлса, шундай қолдиришлари, яъни бутун рўйхатга овоз беришлари;

бир номзоднинг номини икки марта ёзишлари;

рўйхатдан номзод номини ўчириб ташлашлари.

Швейцария сайлов тизими алоҳида номзодларга ўз муносабатини билдириш имкониятини берсада, сайловчилар кўпинча партия рўйхатларига овоз берадилар.

Панашаж қилиш усулида овоз бериш Франция Республикасининг маҳаллий вакиллик органларига сайловларда ҳам қўлланилади. Бу усулнинг қўлланилиши коммуналар аҳолисининг сонига боғлиқ бўлиб, агар коммуна аҳолиси 3500 кишидан кам бўлса, сайлов рўйхатларни панашаж қилиш имкониятини берувчи икки босқичли мажоритар тизим бўйича, аҳоли 3500 кишидан ортиқ бўлса, панашаж қилиш имкониятини бермайдиган икки босқичли мажоритар сайлов тизими ва қисман пропорционал тизим асосида ўтказилади.

Биз юқорида хорижий давлатлар сайлов ҳуқуқи ва асосий сайлов тизимлари хусусида имкон даражасида умумий маълумотларни беришга ҳаракат қилдик ва бу масалани янада чуқурроқ ўрганиш мумкин деб ҳисоблаймиз.





А.А.Мишиннинг таъкидлашича, давлат раҳбари ижро ҳокимиятининг соҳиби, давлатнинг халқаро муносабатларидаги олий вакилидир.

А.М.Осаволюк давлат раҳбарига қуйидагича таъриф беради: "Давлат раҳбари – давлат органлари тизимида олий лавозимни эгаллаган, мамлакат ичкарисида ва ташқарисида унинг олий вакили, миллат ва давлат (халқ ва давлат) бирлигининг рамзи бўлган лавозими шахс ёки органдир.

Умумий кўламда олиб қараганда давлат раҳбари ё монарх (мутлақ ҳоким), ёки президент, ёхуд (камдан кам ҳолатларда) жамоа шаклидаги орган бўлиши мумкин.

Хўш, конституциялар давлат раҳбари институтларга қандай ёндошмоқдалар. Япония конституцисига кўра, давлат раҳбари энг олий ҳисобланган "Император" унвонига эгадир. Конституциянинг 1-моддасида унинг давлат органлари тизимида тутган ўрнига таъриф берилади. Жумладан, ундан шундай дейилган:

"Император давлат рамзи ва халқнинг ажралмас бирлиги ҳисобланади, унинг мақоми суверен ҳокимият соҳиби – халқнинг ҳоҳиши иродасига қараб белгиланади".

Испаниянинг ҳозирги Конституциясида давлат раҳбари – қиролнинг роли ва тутган ўрни тўғрисида аниқ маълумот келтирилади. Унинг 50-моддасида шундай дейилади:

"Қирол Испания давлатининг раҳбари, унинг бирлиги ва барқарорлигининг рамзидир. У давлат институтлари томонидан тўғри фаолият кўрсатилишининг кафолати ҳисобланади. Халқаро муносабатларда Испаниянинг, айниқса тарихан муштарак бўлган миллатнинг олий ваколатини, шунингдек унга Конституция ва қонунлар билан бериб қўйилган функцияларни амалга оширади".

Франция Конституциясида Президентнинг тутган ўрни, роли ва аҳамияти анча аниқ белгиланган (5-модда);

"Республика Президенти конституцияга риоя этилишини кузатиб боради, ўз арбитражлари орқали давлат органларининг муътадил фаолиятини, шунингдек давлат ҳокимиятнинг мустақиллигини таъминлайди. У миллий мустақиллик, ҳудудий яхлитлик, ҳамжамиятлар битимлари ва шартномаларига риоя этилишининг кафолати ҳисобланади."

Келтирилган мисоллардан кўринадикки, давлат раҳбари халқ томонидан сайланган президент ёки монарх бўлса ҳам конституцияларда уларнинг давлатдаги ҳақиқий роли тўлиқ баён

этилмайди ва аниқ таъриф берилмайди. Давлат раҳбари парламент томонидан сайланган президент бўлган ҳолларда, конституцияда унинг юридик, сиёсий ва бошқа ўрни тўғрисида ҳеч нарса дейилмайди. Бу конституцияларда президентни сайлаш тартиби баён қилинади ва унинг муҳим функциялари санаб ўтилади холос. Бу конституциявий назария нуқтаи назаридан унчалик тўғри эмас. Бундай ҳолатларда қонун чиқарувчилар давлат раҳбарининг роли ҳаммага маълум ва уни тушунтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлашлари мумкин.

Италия ва Германия Федератив Республикаси конституцияларида давлат бошлиғи қандай орган деган саволга жавоб бўлмайди. Масалан, Италия конституциянинг 83-моддасида президент парламент аъзоларининг қўшма мажлиси томонидан сайланиши ва уни сайлаш тартибигагина белгилаб қўйилган.

84-моддада эса президентлик номзодларига талаблар тўғрисида, 85-моддасида президент 7-йилга сайланиши ва сайлов ўтказиш муддати ҳақида маълумот берилади. 86-моддада президент ўз вазифаларини бажара олмаган ҳолатларда унинг лавозимини вақтинча бошқариб туриш тартиби баён қилинган. Фақат 86-моддада республика президенти – давлат раҳбари эканлиги ва у миллий бирликнинг ифода этиши маълум қилинади. Шу ерда унинг конституциявий ваколатлари санаб ўтилади.

Германия Федератив Республикаси конституциясида республика президенти-давлат раҳбари ёки у миллий бирликни ифода этиши ҳақида хатто эслатилмаган. Унинг 54, 55, 56 - моддаларида президентнинг ваколатлари сайланиш қасамёд этиш тартиби президентни лавозимидан озод этиш кўрсатилган.

Юқорида айтилганлардан кўринадики, давлат раҳбарининг ҳуқуқий ва ҳақиқий мақоми, давлат ҳокимияти бошқарувини амалга оширишда унинг роли мазкур давлатдаги мавжуд бошқарув шаклига, сиёсий тизим ва бошқа шарт-шароитларга, шунингдек мамлакатда таркиб топган анъаналар, урф одатлар ва суд прецеденти характериға боғлиқдир.

Номигагина ҳокимиятни эгаллаб турган давлат бошлиғи фақат қонунларни имзолайди. Унинг имзоси қонунни кучга кирганлигини билдиради.

Давлат раҳбари қонун асосида маълум тадбирлардан ўтиб, фуқаролар ва бошқа давлатлар томонидан давлат раҳбари сифатида эътироф этилган тақдирдагина қонуний ўз лавозимиға киришган

ҳисобланади. Қонунийлаштириш усуллари турлича бўлиши мумкин: агар у республика бўлса сайланган президент, агар монархия бўлса, ўз лавозимини мерос тариқасида олган монарх далаат раҳбари бўлади.

Давлат раҳбари ҳокимиятни зўрлик билан эгаллаб олган бўлса ноқонуний ҳисобланади. Бундай ҳолатларда ҳам давлат раҳбари давлат машинасининг қолган бўгинларини ҳам ўзига бўйсундириб, давлат бошлиғи функциясини бажариши мумкин. Ноқонуний давлат раҳбари диктатор, ёки куч ишлатиб ҳокимиятни босиб олган ҳарбий хунта бўлиши мумкин.

Давлат механизми тизимида давлат раҳбарининг ўрни тўғрисидаги масала жуда мураккаб. Унинг ҳақиқий ўрнини белгилашга ҳаракат қилганингизда ҳар сафар истисно қодаларга, қарама-қарши фикрлар ва мисолларга дуч келасиз. Кўпинча давлат раҳбарини ижро ҳокимиятига тегишли эканлигини ишонч билан таъкидлайдилар. АҚШнинг жаҳонга машҳур Конституциянинг 2-моддасида ижро ҳокимияти АҚШ президентига тегишли деб баҳоланган, фикримизча, давлат раҳбари институти кўпчилик ҳолатларда алоҳида мустақил комплексни ташкил қилиб, ҳокимиятнинг бирор тармоғига уни киритишга ҳаракат қилиш нотўғри ва самарасиздир.

Агар давлат бошлиғининг асосий роли, функциясини белгилашга ҳаракат қилинса, унинг ўрнини аниқ белгилаб берадиган бирор хусусиятни ифодалаш мумкин бўлса, бунда давлат раҳбарини икки асосий белгисини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Биринчи модель, ҳокимиятга маълум бўлган функция давлат раҳбарининг мамлакат йўлбошчиси эканлигидир. Йўлбошчи тушунчаси расмий ва амалий бўлиши мумкин. У ушбу ҳар икки сифатни ўзида мужассамлаштириш, яъни деюре (расман) ва дефакто (амалда) раҳар бўлиши керак. Бунга мутлоқ монарх ёки халқ сайлаган республика президенти мисол бўла олади. Мамлакатнинг бу йўлбошчиси белгиланган тартибда ҳокимиятни қўлга киритган ва халқ томонидан эътироф этилган қонуний йўлбошчи ҳисобланади.

Иккинчи модел, кўпчилик фуқаролар томонидан эътироф этилган асосий функция давлат бошлиғининг ҳокимият, давлат рамзи эканлигида кўринади. Бу шахс давлат ҳокимиятини ўзида мужассамлаштириб уни бошқа давлат тузилмалари ва хорижий давлатларга нисбатан намоён этади.

Жаҳон амалиётини ўрганиш жараёнида давлат раҳбари лавозимини олтига асосий вариантлари мавжуд эканлигини кўриш мумкин.

Биринчи вариант у жуда қадимий ва анъанавий бўлган монарх давлат раҳбари ҳисобланади. Монархнинг лавозим эгаллашида уч хил усул мавжуд:

тахтнинг мерос бўлиб қолиши (монархия кенг тарқалган давлатлар Буюк Британия, Нидерландия, Бельгия, Япония, Таиланд ва бошқалар);

монархнинг ўз оиласи (сулола оқсоқоллари) томонидан тайинланиши ёки сайланиши, Саудия Арабистони, Африкада Свазиленд қироллиги, Катор давлати ва бошқа яқин Шарқдаги монархия тузумидаги давлатларда мавжуд;

монарх бошқа монархлар, (федерация субъектларининг давлат бошлиқлари томонидан сайланади). Бу вақти-вақти билан сайланиб тўрадиган монархия. Малайзия бунга мисол бўла олади. Бу ерда султонликлар раҳбари беш йил муддатга сайланади. Бирлашган Араб Амирликларида ҳам ҳудди шундай тизим мавжуд.

Иккинчи вариант-президент - давлат раҳбари. Бунда ҳам лавозим эгаллашнинг уч хил усули мавжуд:

халқ, фуқаролар томонидан бевосита сайланиши;

парламент томонидан сайланиши;

тегишли сайловчилар жамоаси томонидан сайланиш. Сайловчилар парламент аъзолари ва маҳаллий ҳокимият органларининг вакиллари бўлиши мумкин.

Учинчи вариант ностандарт кўриниши. Гап парламент томонидан маълум муддатга тегишли орган томонидан сайланадиган давлат раҳбари тўғрисида бормоқда. Собиқ иттифок даврида шундай вариант қўлланилган эди. Ҳозир эса Кубада шу тизимга риоя этилади.

Тўртинчи вариант ўриндошлик асосида давлат раҳбари. Германия Федератив Республикасида бош вазир ҳукумат бошлиғи вазифасини бажаради. У ерда ҳар бир федерация субъекти-ер ўз парламент ва ҳукуматига эга, аммо бу давлат тузилмасининг раҳбари функциясини ҳукуматнинг раҳбари бажаради.

Бешинчи вариант генерал губернатор - давлат раҳбари. Генерал-губернатор Канада, Австралия, Янги Зеландия, Барбадос, Ямайка ва бошқа давлатларда мавжуд. Генерал- губернатор –бу соф маънодаги давлат раҳбари эмас, балки у Буюк Британия манархининг вакили ҳисобланади.

Олтинчи вариант ўта ностандарт кўринишда намоён бўлиб, нормал давлат механизми доирасидан чиқиб кетиш ҳолатида юз беради. Бу куч ишлатиб ҳокимиятни ноқонуний эгаллаган ва давлатни якка ўзи ёки жамоат бўлиб бошқараётган раҳбарлик ҳисобланади. Кўпинча ҳарбийлар мамлакатда ҳокимият тўнтаришини амалга оширадилар. Бунга ўзини давлат раҳбари, олий ҳарбий бошлиқ деб эълон қилган ҳарбий хунта мисол бўла олади.

Монарх-давлат бошлиғи, монарх мақомининг асосий белгилари  
Монарх ҳуқуқий ва амалий жиҳатдан бир қатор ўзига хос  
белгиларга эга, улардан асосан иккитасини алоҳида олиб кўрамиз.

Биринчи асосий белгиси шундан иборатки, монарх ҳокимияти  
ҳеч кимнинг таъсирида юзага келмайди, унинг ҳокимияти ҳеч бир  
тузулма, бирор орган, ҳаттоки халққа ҳам боғлиқ бўлмаган ҳолда  
мавжуд. Монарх ё илоҳий ҳуқуқ, ё табиий ҳуқуқ, ё ўз ҳуқуқига кўра  
қадимий анъаналарига мувофиқ ўз ваколатларини амалга оширади.  
Ўша қадимий анъаналардан келиб чиқиб, монарх бутун давлат  
ҳокимиятининг манбаи ҳисобланади. Бутун давлат бошқаруви монарх  
номидан амалга оширилади.

Давлат органлари томонидан чиқадиган барча актлар у ёки бу  
даражада расман монарх номи билан боғлиқ: ё унга ҳавола қилинади,  
ё унинг номи таъкидланади, монарх расмий ёки норасмий равишда  
актга имзо қўяди. Барча давлатнинг ҳуқуқий ҳаракатлар монарх номи,  
унинг лавозими билан "ёритилади". Монарх номи бундай  
ҳаракатларга мазмун беради ҳамда унинг номи катта аҳамият касб  
этади.

Чекланмаган ҳокимият ҳукмрон бўлган ўрта асрларда монарх  
мутлоқ ҳокимият эгаси бўлиб, диярли унинг аҳамияти илоҳий  
даражага етган эди. Ҳозирги вақтда ҳам мутлоқ монархия мавжуд  
албатта, улар ўрта асрлардагидан фарқ қилади, аммо монарх  
ҳокимияти ҳанузгача чекланмаганлигича қолмоқда. Фарбий  
Европанинг конституциявий монархиясига келсак, у ерда ҳамма  
бошқарув монархлар номидан ижро этилади, аммо амалда уларнинг  
ҳокимиятидан ҳеч нарса қолмади. Ҳозирги монархларнинг ҳуқуқий  
мақомини ифодалашда у ёки бу монархнинг қайси монархия давлат  
бошқарувида раҳбарлигини ҳисобга олиш керак.

Маълумки, монархия мутлоқ, конституциявий ва дуалистик  
кўринишларга эга. Монархнинг ҳуқуқий мақоми, унинг ваколоти,  
имкониятлари монархнинг мамлакатда таркиб топган давлат  
бошқарув шакллари билан белгиланади. Шунинг ҳам эслаб ўтиш  
керакки, монархнинг ҳақиқий ҳолати меъёрий ҳужжатларда  
ёзилганидан анча фарқ қилади. Монархнинг расмий ваколоти  
ташқаридан қараганда анча жиддийга ўхшаб кўринади, аммо давлат  
бошқарувида ҳақиқий ҳиссаси арзимас бўлиши мумкин. Мутлоқ ва  
дуалистик монархияда монарх давлат механизмида марказий ўринни  
эгаллаб, ҳукумат таркибини тайинлайди ва ишдан озод қилади.  
Ҳукумат парламент олдида эмас, балки монарх олдида жавоб беради.

Бундай монархияда монарх парламентга ҳам жиддий таъсир ўтказди. Баъзи ҳолатларда у парламентни тарқатиб юбориши, вето қўйиши мумкин. Шунингдек қуролли кучларнинг бош қумондони ҳисобланади, давлатнинг барча юқори лавозимларига тайинлаш ҳуқуқига эга, шунингдек судьяларни тайинлайди ва ишдан олади.

Парламентар ёки конституциявий монархияда монархнинг ваколатига келсак, санаб ўтилган ваколатлар қуролли ҳокимият тўғрисидаги қонунларда ёки конституцияда расман ифода этилган бўлиши мумкин, аммо ҳаётда уларнинг ҳаммаси. Масалан, қирол расман ҳукумат таркибини тузиши мумкин, аммо бу ҳукумат парламентни ишончини қозонган бўлиши керак. Қирол расман (махсус буйруқ чиқариб) парламентнинг тарқатиб юбориши мумкин, аммо у бу ишни фақат бош вазир таклифи билан амалга оширади.

Қирол барча қонунларни имзолайди, одатда қонунларни имзоламаслик ҳолати учрамайди. Бундай монархия бошқариш мамлакатларда давлат раҳбарининг амалий ва юридик мақоми ўртасида фарқ жуда катта.

Монархиянинг иккинчи асосий белгиси монарх ҳокимияти мерос қолади. Бошқача айтганда, мансаб, тахт, тож монархнинг наслига тегишлидир. У мерос тариқасида қабул қилинади ва мерос бўлиб қолади.

Монархларнинг унвони ва тахт - тожи уларга умрбод берилади, сайланадиган монархия бундан мустасно. Тахт ворислигининг бир неча усуллари мавжуд. У ё махсус қонунларда, ё конституцияда ёки ҳар иккисида ҳам, шунингдек суд қарорларида ва ҳуқуқий урф - одатларда мустаҳкамлаб қўйилади.

Тахт ворислигининг энг қадимий усули меросхўрликнинг (Sali) сали тизимидир. Бу тизимга кўра тахт ва тож фақат эркакларга қолдирилади, яъни мерос эркак наслига тегишли бўлади. Ҳозир сали меросхўрлигига фақат Шарқ мамлакатларида: Таиланд, Уммон, Саудия Арабистони ва Японияда амал қилинади. Яқин –яқинларгача бундай меросхўрлик тизими Европанинг Норвегия, Швеция каби мамлакатларида ҳам мавжуд эди. Фақат XX аср охирида норвегияликлар ва шведлар бундай амалиётдан воз кечдилар ва бу соҳадаги қонунларига тузатишлар киритдилар.

Тахт ворислигининг иккинчи усули кастилия (Castilla) дейилади, унинг икки хил кўриниши мавжуд: анъанавий ва замонавий. Анъанавий кўриниши кўра тахт ворислари фарзандлардан энг каттаси, бунда ўғилларга кўпроқ имтиёз берилган ва шундай қоида

мавжуд бўлган : "кичик ўғил тугишган опасига қараганда имтиёзга эга". Тахт ворислигининг бундай усули Буюк Британия, Испания ва бошқа бир қатор мамлакатлар учун хос бўлган.

Тахт ворислигига кастилия тизимининг замонавий кўринишда жинсидан қатъий назар ёши катта фарзанд эга бўлади. Тахт ворислигининг бундай усули Норвегия ва Швецияда ҳам мавжуд.

Учинчи усул габсбург ёки Австро-венгер кўринишига эга. Габсбурглар номи Габсбурглар сулоласи шарафига қўйилган бўлиб, уларнинг сулоласи Австро-венгрияда императорлик қилганлар. Бу усул анча қизиқарли унга кўра, тахт ворислигига эркаклар наслидан ҳам, аёллар наслидан бўлганлар ҳам эгалик қилганлар, аммо асосан эркак наслидан чиққанлар имтиёзга эга бўлганлар. Бу ерда наслда эркаклар бўлмаган тақдирдагина аёллар тахтга эгалик қилганлар. Бундай вариантнинг шундай таърифлаш мумкин эди: "Қиролнинг ҳар қандай даражадаги эркак жияни унинг қизига қараганда тахтни эгаллашда устунликка эга". Бу усул 1797-1917 йилларда Россияда ҳам мавжуд эди. Уни император Павел 1 жорий қилган.

Ушбу усул Романовлар сулоласи билан бирга барҳам топди. Тахт ворислигининг тўртинчи усулини, биринчи марта Петр 1 тавсия этган, шунинг учун ҳам уни Петр усули деб аташ мумкин. Унинг моҳияти шундаки, монархнинг ўзи тахт ворисини белгилайди. Маълумки, 1721 йилда Петр ўз ўғли, шаҳзода Алексей вафотидан сўнг унинг тахтига ким ворислигини ўзи белгилаб бериш қондасини мустақамлаб қўйди. Аммо Петр ўз ворисини тайинлашга ҳам улгирмади.

Бу усулни биринчи бўлиб император Анна Иоановна амалга ошириб, ўз ворисини белгилади. Тахт ворислигининг бошқа усуллари ва вариантлари ҳам мавжуд Масалан, араб монархларида тахт ворислиги тўғрисидаги масалани ҳар бир ҳолатда қуроллик оиласи ҳал қилади, бунга кўра сулола тахтни қиролнинг катта ўғлига бериши шарт эмас, яъни қироллик оиласидан чиққан бошқа ворисларга ҳам бериш мумкин. Баъзи ҳолларда тахтни эгаллашда парламент розилигини олиш керак.

Агар монарх вояга етмаган бўлса, бундай ҳолатда монархияда регентлик (мамлакатни вақтинчалик бошқариб туриш) жорий этилади. Монарх вояга етгандан кейин ўзи мустақил қарор қабул қилаверади.



Монархнинг юқорида санаб ўтилган иккита асосий белгисидан ташқари уни бошқа лавозимли шахслардан қатар мутлоқ ҳуқуқлари, имтиёз ва ваколатлари ажратиб туради.

Шуни таъкидлаш керакки, монарх алоҳида унвон ҳуқуқига эга бўлиб, мамлакатда фақат бир киши шундай унвон соҳиби бўлиши мумкин. Унвонлар турлича номланиши мумкин: қирол, улуғ герцог, улуғ князь, император; шарқда эса султон, амир, шоҳ ва бошқа номлар билан аталади. Эроннинг охириги монархи ўзини шаҳон - шоҳ деб атаган.

Монархда ҳокимият рамзларига эгаллик ҳуқуқи мавжуд.

Ҳокимиятнинг бу рамзлари-тож, асо ва бошқалар билан ҳозирги монархлар деярли фойдаланмайди, улар кўпроқ давлат рамзларидан, почта маркаларида тасвирланади. Буюк Британия ва Шимолий Ирландия қироличаси Елизавета II монархга тегишли барча ташқи белгилар ва рамзлардан фойдаланадиган ягона монархдир. У ўтказиладиган барча муҳим тантанали маросимларда тож ва бошқа махсус қироллик кийимларида иштирок этади.

Алоҳида маросимлар-монархнинг тахтга ўтиришида тантанали маросим ўтказилади, унинг ташриф, учрашув, қабулларга алоҳида тус берилади, монарх ва унинг оиласини таништирув жараёни ҳам тантановор ўтади. Бундай тантанали маросимларда алоҳида ахлоқ ва одоб қоидалари жорий этилади. Масалан, монарх иштирок этган бундай йигинларда унинг руҳсатисиз ўтириш мумкин эмас, аёллар махсус таъзим бажо келтиришлари керак. монархга орқа билан туриш ман этилади, ва ҳ.к.

Қирол саройи ҳовлиси, қирол мулозимлари каби тушунчалар ҳам мавжуд. Ҳозирги монархияда бу шартли тушунчалар ҳисобланади, баъзи мамлакатларда маълум аҳамиятга эга. Давлат бир қатор хизматлар учун маблағ ажратган: сарой аъёнлари ва қаровулларига ҳақ тўлайди, монарх оиласи учун кийим-кечак, қимматбаҳо нарсалар сотиб олиш ва сақлаш тўғрисида ғамхўрлик қилинади. Буларнинг ҳаммаси монархнинг улугворлигини кўрсатиш учун амалга оширилади. Монархга бериладиган яна бир имтиёз шуки, унинг оиласи давлат бюджети ҳисобидан боқилади. Монархга сарфланадиган пул миқдори у ҳокимият тепасига келиши билан белгиланади. Баъзи мамлакатларда бу мақсадга ажратилган маблағ миқдори ортиб бормоқда. Булардан ташқари, монарх ўзига ажратилган ерни ижарага бериши, унга тегадиган маблағни банкка қўйиб фоизини олиши ҳам мумкин.

Ҳар қандай давлат раҳбари маълум даражада миллатнинг рамзи ҳисобланади, аммо бу монарх учун катта маъсулият юклайди. Шунинг учун унинг доғ тушмаслиги номига, уни намунали оила бошлиғи, спорт билан шуғулланувчи, хайр-саховатли, санъатдан бохабарлик, ҳарбий ишлар билимдони, сиёсатчи сифатида кўриш муҳим аҳамиятга эга. У ҳамма соҳада намунали инсон, ўз мамлакатининг муносиб фуқароси бўлиши керак.

Монарх тасвири туширилган портретлари эътиборли жойларга осиб қўйилади, унинг таъсири тангаларга зарб қилинади, пул банкнотларида, почта маркаларида босилади. Монархга эътибор белгиси сифатида давлат ҳокимияти нуфузини ифодалашга даъват этилган.

Монархга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиш давлатга ва унинг ҳокимиятига нисбатан ҳурмат билан қарашни ўзида ифодалайди.

Ҳозирги монархиянинг, энг аввало ғарб конституциявий монархиясининг энг муҳим аҳамияти давлатнинг ташқи нуфузини мустаҳкамлаш, унинг обрўси ва эътиборини оширишда кўринади. Монарх мавжудлиги давлатнинг барча негизларида барқарорликни ва мустаҳкамликни таъминлайди.

Жамоат фикрини ўрганиш натижалари кўрсатдики, жамият аъзолари ҳозирги монархия институтига ҳайрихоҳлик билан қарайдилар ва уларни қўллаб-қувватла йдилар. Фуқароларни монарх ва қиролларга қараб туриш учун сарфланадиган маблағ алоҳида қизиқтиради. Монархга нисбатан муносабат фуқаронинг менталитетига ва вужудга келган анъаналарга боғлиқ. аммо Германия, Швеция, Францияда монархия институтини тиклаш тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас, чунки бу мамлакатларда монархнинг идора усули тарихга айланиб улгурган.

## Президент-давлат бошлиғи

Кўпгина манбаларда таъкидланганидек, республика президентининг монархдан энг асосий белги ва фарқи шундаки, президентлик сайланадиган лавозим ҳисобланади. Республикада давлат раҳбари бўлиб расман ва юридик жиҳатдан белгиланган барча цензларга мувофиқ келадиган ҳар бир фуқаро сайланиши мумкин, монархиядан фарқли равишда президент муайян муддатга сайланади, бу лавозимни эгаллаш вақтинчалик характерга эга.

Республиканинг учта асосий модели мавжуд: преидентлик республикаси, парламент республикаси аралаш республика. Бу республикаларнинг номи давлат раҳбари лавозими билан бекорга боғланган эмас. Республика шунинг учун ҳам президентлик дейиладики, унда давлат раҳбарининг алоҳида мақоми-президентлик мустаҳкамлаб қўйилган.

Дарҳақиқат, президентлик республикасида давлат раҳбари давлат бошқарув ишларида муҳим роль ўйнайди. Президент ижро ҳокимиятини бошқаради, давлат раҳбарлиги билан ҳукумат раҳбарлиги бир шахс тимсолида қўшиб олиб борилади. Президентлик республикалари АҚШ, Мексика, Венесуэлла, Миср ва бошқа мамлакатларда ҳақиқий вазият ана шундай.

Бошқарувнинг аралаш шакли бўлган мамлакатларда ҳам (Франция Партугалия, Польша ва бошқалар) президент муҳим роль ўйнайди. Президентлик ва арааш республикаларда давлат раҳбари асосий иқтисодий устиворлик ва йўналишларни танлашда, халқаро муаммолар ва иттифоқ тузиш бўйича мамлакатнинг сиёсий раҳбари сифатида жуда катта ваколатларга эга. Президент ҳақиқий ижро ҳокимиятига эгалик қилади, айти чоғда армияга раҳбарлик қилиш, тартибни сақловчи кучлар ва бошқа турли фуқаролик хизмати яъни минглаб давлат хизматчилари билан ишлашда муҳим ваколатларга эга.

Давлат раҳбарлиги ва ижро ҳокимияти раҳбарлиги вазифаларни бир одам қўлида тўпланиши принципига турлича баҳо бериш мумкин, аммо кўпчилик мамлакатларида уни рисоладагидек ҳолат деб эътироф этишади. Бундан ташқари, баъзи бир давлатшунослар ҳисоблаганидек, президентлик лавозими ижро ҳокимияти билан қўшиб олиб борилганидагина анча мақсадга мувофиқ бўлади.

Парламентар республика президенти, юқоридаги ҳолатдан фарқли равишда иқтисодиёт, ички ва ташқи сиёсат соҳасида бирон-бир ҳақиқий ҳокимиятга эга эмас.

Парламентар республикада президентнинг роли ни парламента монархиядаги монархнинг роли билан қиёс қилиш мумкин. Ҳар икки ҳолатда ҳам давлат бошлиғи амалда давлатни бошқармайди. Бундай ҳолатда уларнинг давлат ишларига раҳбарлиги, нисбий, аммо, барибир, иккинчи режали ишларни бажарсада давлат рамзи ҳисобланади. Баъзан ҳолатларда бундай "заиф" парламентар республика президентлик мамлакатадаги вазиятга, давлат ишлари оқимига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин. Одатда бундай ҳолатлар фавқулотда ҳодисалар-парламент бўҳрони, табиий ҳалокатлар келиб чиққанида кузатилади.

Парламентар республикасида президент ҳукуматда кўпчилиқни ташкил этган партиёга мансуб бўлса, сиёсий жараённинг боришига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин. Ваҳоланки, баъзи бир мамлакатлар қонунчилигида президент лавозимини эгаллаганларга расман сиёсий партиё сифидан чиқиб кетиши таълаб этилади.

Шу ўринда муҳим бир жиҳатни эътиборда тутиш керак. Парламентар республикада президентнинг расмий ҳуқуқи, яъни конституцияда ёзилган ҳуқуқи ва ваколати президентлик республикасининг "кучли" президенти ваколатларидан катта фарқ қилмайди. Парламентар республика президентиға конституция бўйича катта ваколатлар юкланган бўлса ҳам амалда бу ваколатлар ижро ҳоқимят: бош вазир ва ҳукумат қўлида бўлади;

Масалан, агар парламентар республика президенти ўз номидан бирор акт қабул қиладиган бўлса, бунда ушбу актлар констрассигнациядан ўтиши, яъни ижро ҳоқимияти раҳбарининг имзоси тасдиқланиши талаб этилади. Президент имзоси ёнида бош вазир, ёки президент акти билан тартибга солинадиган мазкур соҳага жавоб берадиган вазирнинг имзоси туриши керак.

Вазирнинг (бош вазирнинг) имзосисиз президент буйруги қонуний кучға эға эмас.

Италияда (парламентар республика) президент расман олий бош қўмондон ҳисобланади. Конституция бўйича у парламентни тарқатиб юбориши мумкин; парламент фракцияси раҳбарлари билан маслаҳатлашиб бош вазир Амалда эса ҳақиқий бош қўмондон бош вазир, фавқулодда ҳодиса юз берса парламент бош вазир ташаббуси билан тарқатилиш мумкин, президент эса парламентни тарқатиш тўғрисидаги тайёр ҳужжатға қўл қўяди. Президент фақат парламент ишончини қозонган шахсни ижро ҳоқимияти раҳбари қилиб тайинлаши мумкин, чунки юқорида таъкидланганидек, ишончсизлик

билдириш институти президентни ҳар қандай ташаббусини йўққа чиқариши мумкин. Шунинг учун ҳам бу президент ижро ҳокимят томонидан тайёрланган ҳужжатларга (шу жумладан ҳукуматини тайинлаш ва бўшатиш) имзо қўйиш билан кифояланади.

Президентни сайлаш механизми охир-оқибат унинг мамлакат ҳаётидаги ўрни ва ролини белгилаб беради.

Президентлик республикасида ва аралаш бошқарув шаклидаги республикада амалда президент тўғридан тўғри халқ томонидан сайланади. Бундай сайлов Лотин Америкасининг кўпчилик мамлакатлари<sup>^</sup>: Мексика, Чили, Перу, Колумбия, Коста-Рикада; Осиё мамлакатларидан: Филиппин, Миср; Европа мамлакатларидан Францияда амалга оширилади. Бунда президент ҳокимятни бошқариш ҳуқуқини берадиган ваколатларни халқ томонидан олган ҳисобланади. Шунинг учун ҳам унинг ваколат даражаси анча салмоқлидир.

Баъзи бир мамлакатларда президентга жуда катта ваколат бериш хатарли эканлигини ҳисобга олиб, уни сайлаш тартиби парламент воситасида амалга ошириш жорий қилинади. Бундай хатарга асос бор, чунки бевосита парламентга боғлиқ бўлмаган ва ўзини қонун чиқарувчи органга қарама-қарши қўйиши мумкин бўлган президент, баъзан парламент устидан ҳукмронлик ўрнатишга ва ҳокимият мувозанатини ўз томонига ўзгартиришга ҳаракат қилади, бунинг оқибатида давлат механизми меъёрида ишлаши учун зарур бўлган ҳокимиятлар ўртасидаги мувозанат бузилиши рўй бериши мумкин. Бундай ҳолатда бошқарувнинг демократик шакли авторитар ҳокимият тартиби билан алмашинади.

Президентлик республикасида билвосита сайловлар (АҚШ, Аргентина) қўлланилади. Бундай ҳолатларда сайловчилар ҳайёти сайланади, кейин иккинчи турда сайловчилар номидан президент сайланиши мустаҳкамланган. Айтиш керакки, конституцияларда мустаҳкамланган билвосита сайлов тизимига қарамай АҚШда тўғридан-тўғри сайловлар мавжуд. Сайланган АҚШ президенти фамилияси биринчи турнинг ўзида, яъни овоз бериш натижаларидан кейин, кун охирида сайловчилар ўз хоҳиш-иродаларини ифодалаганидан сўнг маълум бўлади.

Президент тўғридан-тўғри ёки билвосита сайланадиган барча мамлакатларда у ҳақиқатда кенг ҳокимият эгаси бўлади. Улар жумласига юқорида тилга олинган мамлакатлар (Франция ва АҚШ)гина эмас, балки Австрия, Ирландия, Исландия, Африкадаги

мамлакатлар (Камерун, Сенегал) ҳам киради. Бу мамлакатларда президентлик мандати фуқаролардан олинади.

Билвосита тартибда сайланган президент ўз фаолиятини парламентдан деярли мустақил амалга оширади. Чунки уни тўғридан тўғри халқ сайлаган. Бундай сайлов тури парламент иштирокисиз давлат раҳбарини сайлаш деб айтилади.

Парламентар республикаларда қоидага кўра президент кўп босқичли сайлов усули асосида сайланади. Бу кўпинча икки босқичли, баъзан уч босқичли тартибда утказилади.

Парламентар республикада президентлик сайловининг уч варианты мавжуд.

Президент фақат парламент томонидан сайланади, бу тартибдаги сайловда бошқа бирор мансабдор шахс ва ҳокимят вакиллари қатнашмайди. Туркия ва Исроил мамлакатада президент сайлов тизими шундай.

Парламент депутатлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари таркибидан президент сайлаш учун махсус сайлов ҳайъати тузилади. Улар турли даражадаги ҳокимят вакиллари дир. Бунга Италиядаги сайлов тизими мисол бўла олади. Италия Республикаси президенти ҳар икки палатанинг қўшма мажлисида сайланади. Парламент аъзоларига вилоятдаги вакиллар келиб қўшилади (ҳар бир вилоятдан 3 тадан вакил, энг кичик вилоят-Вале д'Аостадан бир вакил қатнашади). Амалда давлат раҳбари ҳар икки палата аъзолари томонидан сайланади, чунки вилоятлардан келган вакиллар фақат 58 кишини, парламент аъзолари 935 нафарни ташкил этади.

Ҳамма ҳолларда ҳам президент сайловида фақат Олий ҳокимият вакиллари эмас, балки минтақа вакиллари ҳам фаол иштирок этади. Минтақа вакилларининг сайловда иштироки президентнинг парламентга тўлиқ қарам бўлмаслиги учун уюштирилган бўлиши ҳам мумкин. Италия президенти лавозимига номзодлар 50 ёшдан кам бўлмаслиги керак деган талаб ўрнатилгани бежиз эмас, бу камолга эришган етук ёш ҳисобланади.

Бу вариант федератив давлатларга тегишли. Баъзи бир федератив давлатларда президент сайлаш учун алоҳида ҳайъат шакллантирилади, улар федерал парламент депутатлари ва федерация субъектлари вакилларидан ташкил топади. Бу ерда италияликлар модели билан муайян ўхшашликлар бор, аммо Италиядаги президент сайловида ҳукуқий бирликлардан вакиллар иштирок этади, мазкур ҳолатда эса давлат тузилмаси-федерация субъектлари қатнашади.

Германия Федератив Республикаси бунга мисол бўла олади, бу ерда президент Бундестаг аъзолари (парламент қуйи палатаси) ва пропорционал вакиллик принципи бўйича федерация субъектларининг қонун чиқарувчи органлари томонидан (ландтаглар) сайланган вакиллардан иборат федерал мажлис томонидан сайланади.

Президентни сайлаш учун Федерал мажлис аъзоларининг мутлоқ кўпчилигининг овози талаб этилди.

Ҳиндистонда ҳам шунга ўхшаш ҳолатни кузатиш мумкин. Бу ерда президент парламентнинг ҳар икки палатаси аъзоларидан (уларда "федерал" сўзи ишлатилмайди) сайланган ва штатларнинг қонун чиқарувчи мажлис аъзоларидан сайланган вакиллардан иборат алоҳида сайлов ҳайъати томонидан сайланади.

Ҳамма ҳолатда ҳам президент сайлови парламент томонидан амалга оширилади. Адабиётларда таъкидланишича, агар давлат раҳбари мандатни парламентдан оладиган бўлса-бу иккиламчи, ясама ҳокимят эгасидир. У бевосита халқ томонидан сайланган эмас, шунинг учун парламентга ҳисобдор. Шундай қилиб парламент томонидан сайланган президентнинг давлат бошлиғи томонидан сайланадиган президентлик ва аралаш республикадаги каби давлат ҳаётида иштироки ҳам табиий юқори даражада фаол бўлмайди.

Шу муносабат билан тадқиқотчилар таъкидлайдиларки, сайловнинг парламентар тизими давлат бошлиғи томонидан ҳокимиятни зўрлик билан босиб олиш ва ҳокимият ваколатини суистеъмол қилишнинг бирмунча олдини олади.

А.А.Мишининг кўрсатишича, президент парламент томонидан сайланганда давлат раҳбарини сайлаш тизими анча демократик ҳисобланади. Энг муҳими, президентни сайлаш усулида эмас, ҳокимиятининг реал бўлиниши ва "тутиб туриш ва посанги бўлиш" тизимидадир. Бу давлат раҳбари томонидан бошқалар ваколатини эгаллаб олинишига йўл қўймайди. Ҳамма ҳолатда ҳам, ҳаттоки ўз президент ваколатини халқдан олса ҳам "тутиб туриш ва мувозанатда бўлиш" тизими яхши ишлаб чиқилган бўлиб, ҳокимиятни зўрлик билан эгаллаб олинишига йўл қўйилмайди. Булардан ташқари, барқарор демократик анъаналар, сиёсий элитанинг мавжудлиги, юқори маданият, мамлакат фуқароларининг менталитети Америка Президентини қонундан четга чиқишидан сақлаб туради.

Агар муддатдан олдин президент вафот этса, истеъфо берса, ёки импичмент тартибида ҳокимиятдан четлаштирилса, бўш қолган ўрнига номзод тўғрисидаги масала турли усуллар билан ечилади.

Баъзи мамлакатларда вице - президент унинг ўрнини эгаллайди. (масалан, АҚШда шундай тартиб бор) ва муддатидан олдин президентлик сайлови ўтказилмайди. Парламентар республикада президентлик ўрни бўш қолганда муддатидан олдин сайлов ўтказилади. Ўрни бўш қолган лавозим янги президент ишга тушгунча бошқа лавозимли шахс томонидан бошқариб турилади. Масалан, давлат раҳбари вазифасини парламент юқори палатасининг раис (Францияда ва Италияда Сенат раиси, ГФРда эса Бундестаг бошлиғи) бажариб туради. Баъзи мамлакатларда бундай функцияни ҳукумат раҳбари (масалан, Финландия ва Австрияда бош вазир) бажариб туради.

Биз Италияда президентликка номзоднинг ёши тўғрисида тўхталиб ўтган эдик. Кўпчилик мамлакатларда нисбатан ёшлар ҳам президентликка ўз номзоди қўйишлари мумкин. Масалан, ГФРда ёш цензи, 40 ёшдан, АҚШ ва Хиндистонда 35 ёшдан кам бўлмаслиги керак. Ҳамма ҳолларда ҳам улар катта турмуш тажрибасига эга бўлишлари керак. Мусулмон мамлакатларида президент мусулмон динига мансуб бўлиши талаб этилади. Баъзи мамлакатларда президентни қайта сайлашга йўл қўйилмайди. Масалан, Мексика президенти фақат бир марта сайланади. Бошқа мамлакатларда сурункасига икки муддат сайланишига йўл қўйилади. Масалан, АҚШда президент сурункасига икки марта сайланиши мумкин. (тўрт йилдан икки марта, жами 8 йил) ГФР президенти 5 йилга сайланади ва бир мартагина қайта сайланиши мумкин. Италия ва Францияда анча эркин қоида амал қилади: қайта сайлаш чекланмаган. Фикримизча, қайта сайлашнинг муайян чегараси бўлгани маъқул. Барқарор демократик анъаналарга эга бўлмаган мамлакатларда қайта сайлашда чеклов бўлмаганлиги сабабли, бир одам ўн йиллаб бу лавозимни эгаллаб келмоқда. Баъзан сохта сайловлар ўтказилади, бу айнан майнабозчиликдан бошқа нарса эмас. Бундай ҳолатларни Африканинг Малави, Либерия ва бошқа мамлакатларда кузатиш мумкин. Зоирнинг президенти Мобуту Сесе Секо 32 йил давлатни бошқарди. 1979 йилда Тунис президенти Бургиб умрбод президент деб эълон қилинди. Бошқа мамлакатларда ҳам баъзи шахслар умрбод президент мақомини олганлар. Гаитида диктатор Дювалье умрбод президент ҳисобланган. Шунинг учун бу лавозимни эгаллаш муддатига оқилона киритилган бундай чеклов бирор шахс томонидан ҳокимиятни суистеъмол қилишга тўсиқ бўлиб хизмат қилади. .



Президентлик сайлови бошланди Хельсинки, 31 январь ТАСС хабар қилади. "Бугун Финландия президентлик сайлови ўтказилади. Республиканинг юқори давлат лавозимига 5 номзод Койвисито, бош вазир Х.Холкери, "Центр" партиясининг раиси П.Вяюрюнен, Кески-Суоми губерниясининг губернатори К.Кивисито ва Финландия компартиясининг Бош секретари ("Бирлик") Й.Каяноя қисман ўзлаштириш киритилиши муносабати киритилган янги қоида тасдиқланиши билан боғлиқ, Ҳар бир сайдловчига у ёки бу номзодга овоз бериш учун иккитадан бюллетен берилади. Иккинчиси сайловчиларни аниқлаш учун берилади. Известия. 1998 йил. 1 февраль.

### Давлат бошлигининг ваколати

Давлат раҳбари – давлатнинг шундай ҳуқуқий ва сиёсий арбобики, унинг барча фазилатлари ўзига хос ва ўзига мос, биз фақат унинг умумий ваколатларини таҳлил қиламиз, бунда республика ва монархия шакллари алоҳида ҳам ажратиб ўтирмаймиз. Давлат раҳбарларини умумий ваколатларини ёритишда улар ҳақиқатдан ҳам монарх учун ва президент учун универсал ёки характерлими ёхуд уларнинг баъзиларида бу хусусиятлар мавжуд эмасмидеган саволларга тўхталамиз.

Адабиёт, манбаларда давлат раҳбарининг ваколатларига оид турли маълумотлар келтирилади, уларни умумлаштирганда энг асосий ва ўзига хос ваколатларини ажратиб кўриш мумкин.

Фикримизча улар орасида энг универсали давлат раҳбарларининг вакиллик функцияларидир. Давлат раҳбари мавжуд урф-одатлар, қоидалар ва қонун нормалари мувофиқ ўз мамлакатини ички ва ташқи муносабатларда этади, бундай муносабатлар илдизи аслида қадимий даврларга бориб тақалади.

Вакиллик этиш функцияси асрлар мобайнида амал қилиб келаётган қоидаларга мувофиқ бажарилади. Давлат раҳбари турли тантанали маросимлар ва миллий байрамларни бошқаради. У муҳим тантаналарда иштирок этади. Муҳим саналар, воқеалар муносабати билан ўз халқига табриклар ва мактублар йўллайди, парламентга расман мурожаат қилади. Бу мактублар ва мурожаатлар диний маросим, эскича урф-одат характерига эга бўлиб, мамлакатдаги бирор воқеани боғиқ.

Ўша кўп асрлик анъаналарга кўра, давлат бошлиғи хорижий мамлакатларда ўз вакилларини дипломатик аккредитациядан ўтказадилар. Давлат раҳбари хорижий давлат вакилларини қабул қилади, улар ишонч ёрлиғи ва элчини чақириб олиш ёрлиғини топширадилар.

Ҳорижий элчилар мамлакатга келиб, давлат бошлиғи қабулида бўлганидан кейин аккредитациядан ўтган ҳисобланадилар.

Давлат раҳбари расмий сафарда бўлади, бошқа давлатларнинг раҳбарлари билан учрашади, турли халқаро анжуманларда иштирок этади. Давлат раҳбари бирор давлатга ташриф буюрганда унга иззат-икром кўрсатилади, фахрий қоровул саф тортади, давлат мадҳияси янграйди, мамлакатларнинг гимнлари ижро этилади.

Бундай сафарлар халқаро алоқаларни мустаҳкамлайди, тантанали учрашув мамлакатга бўлган ҳурматни ифодалайди. Давлат раҳбари музокаралар ўтказиш, халқаро шартнома ва битимларни имзолаш ҳуқуқига эга. Бунинг учун ҳукумат томонидан маълум топшириқ талаб этилмайди, бундай ҳуқуқни унинг лавозими тақозо этади. Давлат раҳбари ҳар доим кенг маънодаги турли алоқаларда, мамлакат ичкарсида ва ташқарисида давлат, миллат, халқ вакили ҳисобланади. Шунингдек учун вакиллик функцияси унинг мамлакат бош дипломати эканлигини ифодалаб беради.

Баъзан давлат раҳбари ваколати тўғрисида тўхтаганимизда халқаро муносабатлар ёки ташқи сиёсат соҳасидаги фаолиятлари ҳам тилга олинади. Дарҳақиқат, давлат раҳбари шундай ваколатга эга.

Агар президент ёки мутлоқ монарх кучли бўлса, унинг халқаро муносабатлар ва ташқи сиёсий соҳасдаги ваколатлари ҳам салмоқли ва аниқ-равшан бўлади. У ўз ташаббуси билан учрашувлар ўтказди, музокаралар олиб боради, шартномаларга имзо қўяди, яъни мамлакатдаги "биринчи" шахс ваколатни амалга оширади.

Агар парламентар республиканинг президенти ёхуд конституциявий монархиянинг монархи бўлса, бу ҳаракатларнинг ҳаммасини ҳокимиятнинг кучли тармоқлари ҳисобланган ижро ва қонун чиқарувчи ҳокимият топшириғи билан амалга оширади. Бундай ҳолатда давлат раҳбари иккинчи ваколатли шахс функциясини бажаради.

Иккинчи гуруҳ ваколатлари туркумига мазмунан давлат бошқаруви соҳасидаги ваколатларни киритиш мумкин. Бу ваколатлар қуйидагилардир:

давлат раҳбари барча ҳолларда ҳам ҳукуматни тайинлаш ва уни истеъфога чиқариш тадбирларида иштирок этади, яъни ижро ҳокимиятини шакллантиришда қатнашади. Унинг бу борадаги реал ҳуқуқи ва вазифаси белгиланган.

Парламентар республикаларда ва монархияларда давлат раҳбари мавжуд қонун, урф-одатлар ва суд прецеденти, жами ёзилган ва ёзилмаган қонунлар буйича парламент ишончини қозонган шахсни бош вазир, ҳукумат бошлиғи қилиб тайинлашга мажбур. Қоидага кўра, булар сайловда ғалаба қозонган партияларнинг раҳбарлари бўлишади. Бунга Буюк Британия мисол бўла олади. Буюк Британия Қироличаси парламентнинг қуйи палатасига бўлган сайловларда ғалаба қозонган партия раҳбарини Бош вазир вазифасига тайинлайди. Монархнинг бу тайнловчи эса сайлов натижаларига боғлиқ, ўзи танлаш имкониятига эга эмас.

Давлат раҳбари ижро ҳокимиятига ҳам эгалик қилса, яъни кучли президент модели мавжуд бўлса, уларнинг ваколати анча салмоқли ва кенг ҳисобланади. Президентлик республикасида президент барча вазирлар ва қоидага аъзоларини тайинлайди ва маҳкама кўра ушбу маҳкамани ўзи бошқаради. Тўғри, вазирларни тайинлаш ёки ишдан олиш юзасидан қўшимча шартлар ва қоидалар бўлиши ҳамда улар мустаҳкамланиб қўйилиши мумкин, аммо улар давлат раҳбари ваколатига жиддий таъсир этмайди. Масалан. АҚШда вазирлар (улар давлат котиблари дейилади). Сенатнинг "кенгаши ва розилигига" мувофиқ президент томонидан тайинланади. Аксарият ҳолатларда Сенат президент кўрсатган номзодларга эътироз билдирмайди. Парламентар республика ҳисобланган Италияда эса президент парламент томонидан кўпчилик овоз билан қўллаб-қувватланган ҳукумат аъзоларининг ҳар қандай рўйхатини тасдиқлайди. У ерда президент ва парламент ўртасидаги муносабатларнинг ўзгача модели амал қилади.

Давлат бошқаруви соҳасидаги давлат раҳбари ваколатига унча юқори даражада бўлмаган бошқа мансабдор шахсларни тайинлашни ҳам киритиш мумкин. Бундай мансабдор шахсларнинг қаторига суд ҳокимияти вакиллари киради. Баъзи бир мамлакатларда судьяларнинг тайинланиши давлат раҳбарининг ўз номидан эълон қилинган ҳужжатлари билан расмийлаштирилади.

Баъзи бир мамлакатларда ижро ҳокимиятининг муҳим ҳужжатлари давлат раҳбари номидан эълон қилинади. Ягона қоида-тартибни ижро этиш контрастсигнация асосида бўлади.

Давлат раҳбарининг навбатдаги ваколатлар гуруҳига парламент фаолияти билан боғлиқ бўлган ваколатлари ва қонунчилик соҳасидаги ваколатларини киритиш мумкин. Баъзан бу ваколатларни ажратиб таҳлил этишади, бизнингча у бир-бирига жуда яқин, чунки парламентга нисбатан ваколат ҳар доим қонун чиқарувчи орган билан муносабатини англатади.

Бир қатор мамлакатларда давлат раҳбари парламентнинг навбатдаги ва навбатдан ташқари сессиясини чақириш, сессияни очиш ва ёпиш, баъзи ҳолларда қуйи палатани (ёки ҳар икки палатани) тарқатиб юбориш ва янги парламент сайловини ўтказиш каби ҳуқуқларга эга.

Жаҳондаги барча мамлакатларда амалда давлат раҳбари қонунчилик соҳасида маълум (ҳуқуқий нуқтаи назардан анча муҳим) ҳуқуқларга эга: қонунчилик ташаббус ҳуқуқи, қонунларни тасдиқлаш ва имзолаш ҳуқуқи ёки қонунларни матбуот саҳифаларида эълон қилиш ҳуқуқи шулар жумласига киради. Барча давлат раҳбарлари қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга эмас, аммо кўпчилик мамлакатларда давлат раҳбари бундай ҳуқуқларни сақлаб қолганлар, ҳатто айрим мамлакатларда "президент ташаббуси" деган атама кўп қўлланилади. Ваҳоланки, бу ерда гап ҳукумат қонунчилик ташаббуси устида бораётган бўлади.

Баъзи ҳолларда ҳукумат давлат раҳбарининг қонунчилик ташаббусидан фойдаланиб, у орқали ўз қонунларини (аниқ қонун лойиҳасини) ўтказиб олади. Давлат раҳбари ўз номидан парламентга қонун лойиҳасини киритади, бу аслида ҳукумат томонидан тузилган қонун лойиҳаси ҳисобланади.

Умуман олганда, қонунчилик соҳасида давлат раҳбарининг ҳуқуқи қонун тайёрлаш жараёнининг бошланишида ва охирида, яъни қонунчилик ташаббуси босқичида ва матбуотда эълон қилиш босқичида амалга оширилади. Кўпгина мамлакатларда давлат раҳбари қонун лойиҳасини тасдиқлашга қарши чиқиши ва уни рад этиши мумкин. Бунга вето қўйиш (тасдиқлаш) ҳуқуқи дейилади. Ветонинг мутлақ ва нисбий турлари мавжуд.

Мутлоқ ветонинг маъноси шуки, қонун ёки қонун лойиҳасига вето қўйилгандан (имзолаш рад этилганда) кейин у муҳокама этилмайди. Мутлоқ вето-бу ўтмиш унсури, монархиянинг дуалистик ёки мутлоқ шаклида тарихан қўлланган. Ҳозирги вақтда мутлоқ вето амалда учрамайди. Буюк Британия монархи ҳамжамият таркибига

кирувчи мамлакатларнинг генерал-губернаторлари расман мутлоқ вето қўйиш ҳуқуқига эгадир, аммо у амалда қўлланилмайди.

Россия президенти швед ишчисидан 8 баробар ва Польша ишчиларидан 10-12 баробар кам маош олади, дейди Бутун жаҳон иқтисодий анжуман экспертлари,- Б.Н.Ельциннинг йиллик маоши 3328 долларга тенг.

Дунёда иқтисодий ва ҳарбий қудрати юқори бўлган мамлакат АҚШ президенти йилига 200минг доллар маош олади. Сингапур бош вазири дунёда маош миқдори энг юқори белгиланган давлат раҳбари –унинг йиллик маоши 810 минг долларни ташкил этади. Япония бош вазири олади ундан икки баробар кам, АҚШ президентида эса икки баробар кўп маош.

Собиқ қардош давлатларнинг президентлари: Венгрияда 24,5 минг ва Польшада 28 минг доллар маош оладилар. Чехия президенти йилига 17,5 минг доллар маош олади, холос.

Экспертлар фикрича, мамлакат иқтисодиётининг ҳолати унинг сиёсий давлат арбобларининг маошини белгиламайди: у маданият, урф-одатлар билан боғлиқ. Шуни эслаш керакки, камбағал унча бўлмаган швед бош вазири қирол ҳузурига қабул учун трамвайда борган.

Известия, 1996 йил, 17 сентябрь.

Нисбий вето шуни англатадики, давлат раҳбари томонидан имзоланмаган қонун парламентга қайта кўриш учун қайтарилади. Нисбий ветонинг оддий ва мураккаб қурилиши мавжуд. Оддий қолдирилган ветонинг маъноси шуки, қонун давлат раҳбари имзосисиз жорий қилиниши учун уни парламент томонидан қайта қабул қилиш яъни биринчи сафар қандай қабул қилинган бўлса, иккинчи сафар ҳам шундай қабул қилиниши зарур. Агар биринчи бор у кўпчилик овоз билан қабул қилинган бўлса, кейингисида ҳам шундай кўпчилик овоз воситасида қабул қилиниши талаб этилади. Ветонинг бундай варианты Францияда қўлланилади.

Мураккаб вето бартараф этиш анча мураккаб тартибни тақозо этади, бу тартиб давлат раҳбари ўз ветодини қўйгач, қонун парламент томонидан қоидага кўра, малакали кўпчилик овоз билан қабул қилинишини таъқозо этади. Масалан, АҚШда агар президент қабул қилинадиган қонунга вето қўйса, такрор муҳокамада конгресс палатасида ҳар икки палатадан 2/3 овоз (Вакиллар палатаси ва Сенат) тўпланиши талаб этилади. Шундан сўнг қонун президент имзосисиз ҳам кучга киради. Юқоридагилардан ташқари ветонинг яна икки тури

мавжуд. Танлаб олинадиган ветонинг маъноси шуки, президент қонунга умуман рози бўлиб, қонуннинг маълум қисми ёки моддасини ўзгартиришни тарафдори бўлади, талаб қондирилгач президент уни имзолайди "Чўнтак" ветоси атамаси Америкага хос. Қонунда "Чўнтак" вето деган гап йўқ. Бунда гап регламент қонундан фойдаланиш устида бормоқда. Унинг моҳияти шундаки, Конгресс қабул қилган қонунни имзолаш учун президентга 10 кун берилади. Агар конгресс президентга қонунни сессия тамом бўлишидан 10 кундан кам қолганда тақдим этса ва президент уни имзоламаган бўлса, бу қонун қабул қилинмаган ҳисобланади, чунки уни такрор кўришга вақт қолмайди. "Чўнтак" ветоси тез-тез қўлланиб турилади. Баъзи бир сенаторлар бундай вақтни чўзиш учун (президентга уйлаб кўриш учун тўла 10 кун қолдирмаслик) имкониятларидан фойдаланади ва президент улар томонида туришини ва қонунни имзоламаслигини билишади.

Баъзи бир муаллифлар давлат раҳбарининг қонунчилик соҳасидаги ваколатига парламентнинг юқори ва қуйи палаталари аъзоларини тайинлаш ҳуқуқини қушишни таклиф этадилар. Масалан, Буюк Британия монархга лордлар Палатаси аъзолигига ўз вакили номзодини тайинлаш ҳуқуқи берилганлиги маълум. Канадада Британия монархини ифодаловчи ва амалда давлат раҳбари бўлган генерал-губернатор монарх номидан парламентнинг юқори палатаси –Сенат аъзоларини тайинлаш ҳуқуқига эга. Бундай ҳуқуқ бироз чегараланган тарзда Ҳиндистон ва Италия президентларига берилган: улар юқори палатани бир неча аъзоларини тайинлаш ҳуқуқига эгадир.

Турли меъёрий ва меъёрий бўлмаган ҳужжатларни қабул қилиш амалда барча давлат раҳбарларига берилган ҳуқуқдир. Бу ҳужжатлар декрет, прокламация, ижрога оид фармойишлар бўлиши мумкин. Давлат раҳбарининг ҳужжатлар чиқариш, ҳуқуқини қонунчилик ваколатлари ёки уни қонунчилик фаолиятида иштироки билан аралаштириб юбормаслик керак: қонун парламент томонидан қабул қилинади, ҳужжатларни чиқариш давлат раҳбарининг мустақил фаолияти (функцияси)дир, чунки бу ҳужжатлар ўз табиатига кўра, қонунга асосланган ҳужжатлар ҳисобланади.

Парламентар республикалар ва монархияларда давлат раҳбари номидан чиқарилган ҳужжатлар, амалда ҳукумат ҳужжатларидан иборат бўлиб, бунда ҳукумат ўз ҳужжатларини давлат раҳбари номидан расмийлаштиришда фойдаланади.

Президентлик республикаларида, дуалистик монархияларда давлат раҳбарининг ҳужжатлари мустақил характерга эга бўлиб, давлат раҳбари ижро ҳокимяти соҳиби сифатида ҳуқуқнинг муҳим ижодкори жумласига киради, баъзи ҳолларда у мустақил ҳуқуқий тартибга солиш соҳасига эга шахс сифатида, мамлакат ҳаётида ўз ўрнига эга.

Давлат раҳбари ваколатининг муҳим қисми ҳарбий соҳа билан боғлиқ, жаҳондаги кўпчилик мамлакатларда давлат раҳбари расман (юримдик жиҳатдан) олий бош қўмондон деб эълон қилинади. Бўхронли вазиятларда ва ҳарбий ҳаракатларда давлат раҳбарининг имзоси билан махсус ҳарбий актлар, қонунлар, директивалар чиқарилади.

"Кучли" президент ва монарх мамлакатларида бир қатор қатор ҳарбий масалаларни ечиш-давлат раҳбарининг реал ҳуқуқи ҳисобланади. Масалан, америкаликлар бу соҳани президент ҳуқуқи таркибига киритадилар ва уни олий Бош қўмондон деб атайдилар.

Президент ҳарбий парадни қабул қилади, фахрийларни табриклайди, ҳарбий қўшинларни мудофа қобилиятини назорат қилади ва ҳ.к. Бу соҳада кундалик ваколат профессионал ҳарбий томонидан амалга оширилади: штаб генараллари, мудофаа вазирлиги ва қўшин турларининг турли штаблари шулар жумласидандир. Давлат раҳбари юқоридаги профессионал ҳарбийлар ҳаракатини мувофиқлаштириб туради.

Парламентар республикаларда ва монархияларда бундай мувофиқлаштиришни ижро ҳокимяти бошлиғи-бош вазир амалга оширади.. Директивалар ҳарбий соҳадаги қарорлар агар зарур бўлса, давлат раҳбарининг номидан чиқарилади.

Давлат бошлиғининг Бош қўмондон сифатидаги бир гуруҳ ваколатлари ичидан айримларини ажратиш кўрсатиш мумкин-бу уруш ва тинчлик масаласи билан боғлиқ ҳуқуқидир.

Уруш эълон қилиш ва тинчлик битимини тузиш билан боғлиқ, кўп ҳоллар бундай ҳаракатларга парламент санкциясини талаб этади. Бу ҳаракатларнинг барчаси давлат раҳбари сиймосида ижро этилади. У бўхронли вазиятлардан чиқиш, ҳарбий ҳолатни эълон қилиш ҳарбий қўшинларни қайси фронтга киритиш ёхуд ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиш тўғрисида халққа ахборот беради.

АҚШнинг кучли президентлари ҳам бундай ҳуқуқдан ҳатто ўз ваколатини ошириб фойдаланган.

1845 йилда АҚШ президенти Полк ташаббуси билан Мексикага қарши, 1898 йил президент Мак-Кинли ташаббуси билан Испанияга қарши уруш эълон қилди. Конгресс уруш бошлашга розилик санкцияларини уруш тамом бўлгандан кейин берган. Бу урушлар жуда қисқа давом этган. Шунингдек, 1950 йилда Кореяга, 1970 йилда Вьетнамга қарши уруш эълон қилинган.

Одил судлов соҳасида давлат раҳбари муҳим ваколатга эга. Бунга олий суд лавозимларига тайинлаш ҳуқуқи ҳам киради. Ваҳоланки, у вазифани давлат бошқаруви соҳасига ҳам киритиш мумкин эди. Одил судловни амалга ошириш соҳасидаги масалаларни ҳал этадиган турли кенгаш ва маслаҳат органларида раислик қилиш ҳам давлат раҳбари ваколатига киритилган. Давлат раҳбари амалда ҳамма мамлакатларда авф этиш, ҳукми ижро этишни кейинга қолдириш ҳуқуқларига эга. Авф этиш ва ҳукмини кейинга қолдириш ҳуқуқлари реал тарзда қараб чиқилади, махсус органлар ва шахслар (юрист) томонидан тайёргарлик кўрилади ва шу масалада махсус қарор қабул қилинади. Бу қарор давлат раҳбари акти билан расмийлаштирилади.

Баъзи бир мамлакатларда президент жазони енгиллаштириш, алмаштириш ва ҳаттоки ҳукмини ўзгартириш ҳуқуқига эга.

Шахсларнинг ҳуқуқий мақом соҳасидаги ваколат ҳам давлат раҳбари ваколоти жумласига киради. Гап алоҳида фуқароларга қаратилган ваколат тўғрисида бормоқда. Бу орден ва медаллар билан мукофотлаш, турли унвонлар, фуқаролик мақомини бериш кабиларни ўз ичига олади.

Жаҳондаги кўпгина мамлакатларда давлат раҳбари хорижликларга фуқаролик бериш масалаларини ҳал қилади. Давлат раҳбари номидан шахсларнинг фуқаролигидан маҳрум этишлик мумкин. Давлат раҳбарининг акти билан ёки унинг номидан фуқаролик тикланиши, худди шундай тарзда сиёсий бошпана берилиши ҳам қабул қилинган.

Давлат ҳавфсизлиги соҳасида муайян ваколат кўпчилик давлат раҳбарларига хос ваколатдир. Разведка, контразведка, кўпоровчилик фаолиятига қарши кураш билан боғлиқ масалаларни мувофиқлаштириш ҳуқуқи президентнинг ҳавфсизлик соҳасидаги ваколат доирасига киради.

Давлат раҳбари кўпинча ушбу соҳа билан шуғулланувчи (миллий ҳавфсизлик кенгаши) махсус идоралараро органларни бошқаради, миллий ҳавфсизлик бўйича ёрдамчиларга эга бўлади.



Бир қатор мамлакатларда қонунчилик давлат раҳбарига фавқулодда ҳолат жорий этиш ҳуқуқини берган. Шундай қилиб, давлат раҳбарини фавқулодда вазият соҳасида ваколати ёки фавқулодда ваколати мавжуд. Кўпчилик мамлакатларда бу ваколат конституция моддаларида назарда тутилган. (Масалан, Франция конституциясининг 16 моддаси), баъзи мамлакатларда махсус қонунлар ишлаб чиқилган. ГФРда фавқулотда қонунчиликка бағишланган қонунлар мажмуи мавжуд. Мамлакатда бундай қонунларда кўзда тутилган вазият вужудга келса фавқулотда ҳолат эълон қилинади. Бунда қонун бўйича мамлакатга президент эмас, балки ҳукумат бошлиғи-канцлер раҳбарлик қилади, чунки ГФР парламентар республика ҳисобланади.

Давлат бошлиғи ваколатнинг яна бир ўзига хос гуруҳи устида тўхталамиз, президентнинг бу ваколати номланмайди ҳам, бошқаларидан ажратиб кўрсатилмайди ҳам. Бу мамлакат иқтисодий йўлини аниқлаш соҳасидаги давлат раҳбарининг ваколатидир. Бу ваколат ҳозирги вақтда жуда муҳим аҳамият касб этмоқда, иқтисодий стратегия, иқтисодий устиворликни аниқлаб олиш у ёки бу президентлик лавозимига номзоднинг сайловолди дастурининг туб моҳиятини ташкил этади. Рональд Рейганни мисол тариқасида келтирайлик. У президентликка номзод бўлганда "Рейганомика" тезисини илгари сурди, яъни бу солиқ юқини қайта тақсимлаш, йирик бизнесни ўта юқори солиқлардан озод қилиш, ижтимоий ёрдамга давлат харажатларини камайтириш кабиларни камраб олган эди. Бу ғоя ҳақиқатдан ҳам иқтисодий стратегия эди:

АҚШ иқтисодиётини кўтариш тарафдорлари президент Рональд Рейганнинг иқтисодий фаолиқни ошириш, иқтисодиётнинг ҳамма йўналишлари ва соҳасини ривожлантириш тадбирларини қўллаб-қувватладилар. Иқтисодий стратегия йўналишларни танлаш кўпинча мамлакат ва фуқароларнинг келажак тақдирини ҳал қилади. Шунинг учун иқтисодий стратегия соҳасида президент ваколатини алоҳида гуруҳга ажратиш мақсадга мувофиқ. Бу ваколат давлат раҳбарини бош иқтисодчи эканлигини белгилайди. Америкаликлар ўз президентлари тўғрисида гапириб, уни бош дипломат, қонунчи, қўмондон дейишади, эндиликда улар қаторига мамлакатнинг бош иқтисодчиси атамаси қўшилди.

Дарҳақиқат, бундай ваколатлар давлат раҳбарининг кучли ҳокимиятига: бу президентлик республика президенти ёки мутлоқ ёки дуалистик монархиянинг монархига хос бўлади.

Ва ниҳоят давлат раҳбарини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги масалага тўхталиб ўтамиз. Монархлик умрбодга эгаллик қиладиган лавозим бўлгани учун уни вазифасидан бўшатиб бўлмайди, аммо монарх руҳий ҳолати ёки саломатлигининг ёмонлиги туфайли ўз вазифасини бажара олмаган тақдирда регентлик институти мавжуд, бунга кўра етакчи сиёсий арбоблардан бири регент (яъни ҳомий) қилиб тайинланади ва у давлат раҳбари вазифасини бажаради, шахзода вояга етмаган бўлса ҳам регент тайинланади. Баъзи ҳолатларда парламент монархни вазифасидан четлаштириш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. Бу масала сулола, қуроллик оиласи ёки қонун чиқарувчи орган ёхуд қонунчилик ва ижро ҳокимиятининг қўшма қарори билан ҳал қилинади.

Давлат раҳбари –президентга нисбатан баъзи ҳолатларда импичмент тартибини қуллаш назарда тутилади. Импичмент –бу давлат раҳбари президентнинг ноқонуний ҳаракати учун жавобгарлигини англатади. Агар президент конституцияга, қонунга ҳилоф иш қилса, ёки бирор қонунбузарликка йўл қўйса ёхуд давлат раҳбарига номуносиб ҳаракатларни амалга оширса импичмент қўлланилади. "Импичмент " сўзи инглизча бўлиб, XIV асрнинг охиридан бошлаб, Англия монархиясидаги юқори лавозимли шахсни қоралашда ишлатилган. Сўнгра бу атамани америкаликлар қабул қилиб, Конституцияга киритишди. АҚШ президент ига ҳиёнатга йўл қўйганда, порахўрлик қилганда ёхуд бошқа оғир жиноят содир этганда импичмент тартиби қўлланиши белгиланган. Импичмент тартибини парламент-АҚШ Конгресси амалга оширади. Қуйи палата –вакиллар палатаси иш қўзғатади, аниқ вазиятни ўрганади, сўнг касамёд қабул қилган судьялар сифатида сўз юритиб унинг айбдорлиги тўғрисида қарор қабул қилади.

Конгресс аъзолари президент айбдорми ёки айбсизми-деган саволга овоз бериш йўли билан ўз муносабатларини билдиради. Агар қуйи палата президентнинг айбдорлиги тасдиқласа, иш Сенат томонидан кўрилади, унда Олий суд раҳбари раислик қилади.

“Импичмент” моддасини тасдиқлаш учун вакиллар палатасининг кўпчилик овози керак. Муҳокама тўғрисидаги қарор Сенат аъзоларининг учдан икки қисми овоз берганидан кейин қабул қилинади: фақат шундан кейингини президент ўз лавозимидан озод қилинади. Агар Сенатда тегишли овоз йиғилмаса президент ўз лавозимида қолади. Давлат раҳбарини жавобгарликка тортишнинг бошқа вариантлари ҳам бор. Масалан, Францияда давлат раҳбари

содир этган қонунбузарлик парламентнинг ҳар икки палатасида кўрилади, бу айблов парламент аъзоларининг камида учдан икки қисми овозини олиш билан тасдиқланади. Шундан кейин айблилик даражаси Олий суд томонидан аниқланади.

Бошқа мамлакатлар конституцияларида ҳам шундай тартиб белгиланган. Импичмент тартиби яқинда Бразилияда амалга оширилди. Президент Фернандо Коллор де Мелло 1995 йил қонунбузарликка йўл қўйганлиги натижасида ўз лавозимидан четлатилган.

32-мавзу.Хорижий мамлакатларда парламент.

Парламентнинг ижтимоий вазифаси, тушунчаси ва ваколатлари. *Parliamentning ijtimoiy vazifasi, tushunchasi va vakolatlari. Parliamentning ijtimoiy vazifasi, tushunchasi va vakolatlari.*

33-мавзу.Парламент тузилиши ва палаталарининг ташкил қилиниши.

Парламентнинг тузилиши ва палаталарининг ташкил қилиниши. *Parliamentning tuzilishi va palatalarining tashkil qilinishi.*

34-мавзу.Парламент иш тартиби ва парламент аъзоларининг ҳуқуқий мақоми.

Парламент фаолиятининг асосий шакллари ва иш тартиби. *Parliament faoliyatining asosiy shakllari va ish tartibi.*

35-мавзу.Хорижий мамлакатларда қонун чиқариш жараёни.

Қонунчилик жараёни. *Parliamentning ish tartibi va parlament a'zolarining huquqiy maqomi.*

## VIII-боб. ҚОНУНЧИЛИК ҲОКИМИЯТИ: ПАРЛАМЕНТ

### 5-§. Қонунчилик (қонун чиқариш) жараёни.

#### 1. Тушунчаси.

Қонунчилик жараёнини юридик (ҳуқуқий) тушунча ўлароқ “қонун яратиш” дейиладиган умумижтимоий тушунчадан қатъий фарқлаш яъни ажратиш зарур . Бу икки тушунчанинг ҳатто ўқув адабиётларида ҳам арашлаштириб юборилишига йўл қўйилади. Қонунчилик жараёни ҳам, бошқа ҳар қандай юридик жараён сингари икки хил маъно касб этади: 1) фаолият тартиби (ушбу ҳолатда қонун яратиш бўйича) ва 2) фаолиятнинг ўзи. Бу фаолият қонунчилик

(қонун чиқариш) органи томонидан амалга оширилади. Яъни парламент ва давлат бошлиғи томонидан имкон бўлганда муайян шароитларда ҳукумат иштирокида ёки айрим ҳолларда референдум воситасида. Қонун яратувчилик-анча кенг тушунча бўлиб, баъзан ҳуқуқ билан тартибга солинмайдиган фаолиятдир ва қонун яратишнинг ўзи билан ниҳояланмайди, у қонуннинг самадорлигини баҳолаш ва кейинчалик унга тузатишлар киритилишини ҳам ўз ичига олади. Қонунчилик фаолиятида ушбу соҳада ҳеч қандай махсус ҳуқуққа эга бўлмаган субъектлар ҳам иштирок этади (“тазйик гуруҳи”, тадқиқот марказлари ва ҳок.)

1989 йилда нашр этилган “Буржуазия ва ривожланаётган мамлакатлар давлат ҳуқуқи” номли дарсликда қонунчилик жараёнининг биринчи босқичи ўлароқ қонун чиқаришга эҳтиёжни аниқлаш айтиб ўтилган. Бу, бироқ, қонунчилик жараёни эмас, қонун чиқарув (яратиш) жараёнидир: бундай эҳтиёжни аниқлаш билан шуғулланувчи органлар, ташкилотлар, шахсларнинг ўзлари ҳар доим ҳам қонунчилик жараёнини ташкил этувчи ҳуқуқуий муносабатларда иштирок этувчилари бўлавермайдилар. Муайян бир қонунга эҳтиёж бўлиш-бўлмаслигини юридик (ҳуқуқий), сиёсий, социологик ва бошқа фанлар қўлланиладиган турли хил усул ва воситалар билан аниқлаш мумкин. Қонунчилик жараёни фаолият сифатида конституциялар, қонунлар, парламент тартиб (регламент)ларида белгиланган қатъий шаклларда кечади.

Биз қонунчилик жараёнини ушбу сўз бирикмасининг биринчи маъносида кўриб чиқамиз, яъни қонун яратиш бўйича фаолият тартиби сифатида (шу жумладан, амалда бўлган қонуни тузатадиган ёки бекор қиладиган). Бунда биз референдум ўтиш тартиби (процедура)ни махсус баён қилиб ўтирмаймиз, зеро бу олдинги VII боб, 5 да кўриб чиқилди.

Қонунчилик жараёни ҳам ҳар қандай юридик жараён каби ўз босқичларига эга. Булар қуйидагилардир: 1) қонун лойиҳами ёки қонун таклифини киритиш (қонунчилик ташаббуси); 2) парламент палаталари ва қўмита (комиссия)ларида қонун лойиҳасининг муҳокамаси; 3) қонуни қабул қилиш; 4) қонуни санкциялаш, эълон қилиш (промулгация) ва нашр этиш. Баъзан охириги босқични иккига бўладилар: а) давлат бошлиғи томонидан имзолаш (санкциялаш) ва б) расмий нашр этиш орқали эълон қилиш (промулгация). Биз бу босқичларни қуйида кўриб чиқамиз, кейинроқ эса ишлаб чиқиладиган ва қабул қилинадиган қонунларнинг баъзи бир турларининг

хусусиятлари билан боғлиқ қонунчилик жараёни ўзига хосликларида тўхталамиз.

## 2. Қонунчилик ташаббуси.

Қонун лойиҳаси ва қонун таклифи орасидаги фарқ ушбу сўзларнинг бевосита маъносидан келиб чиққанлиги аниқ: биринчи бўлажак қонуннинг барча аломатлари билан биргаликдаги матнини кўзда тутди (сўзбоши, моддалар, бандлар, меъёрларнинг аниқ тарифлари ва ҳок.), иккинчи эса – бўлажак қонуннинг ғояси, ундан ҳам яхшироқ-концепциясини. Бироқ қонунчиликда (хорижий мамлакатларда) бошқача сўз талаффузини ҳам учратиш мумкин. Масалан, Францияда ҳукумат қонун лойиҳаларини, парламентариялар эса қонун таклифларини киритадилар, албатта таклифлар агарла лойиҳада бўлган барча аломатларни ўзида мужассамлантирган бўлса, қонун лойиҳаси деб ҳам аталади.

Ҳуқуқ субъектида қонунчилик ташаббусининг бўлиши парламентнинг ушбу субъект томонидан киритилган қонун ёки қонун лойиҳасини чиқариш ҳақидаги таклифини кўриб чиқиши шарт эканлигини англатади. Аммо, албатта, парламент бундай қонунни қабул қилишга мажбур эмас, лекин уни таклиф қилинганидан ўта фарқли кўринишда қабул қилиши мумкин.

Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқ субъектлари доираси турли мамлакатда турличадир ва кўпинча конституциялар билан белгиланиб қуйилади. Жуда кўп мамлакатларда у ҳукуматлар ва парламентарияларни қамраб олади (ҳукумат ва парламент ташаббуслари) АҚШда фақат парламентариялар бундай ҳуқуққа эга (фақат бюджет лойиҳаси Президент томонидан тақдим этилади, аммо бюджет муҳим ҳужжат тури ҳисобланади) Бир қатор мамлакатларда бу доира бошқа субъектларни ҳам ўз ичига олади, - бу олий ва бевосита қуйи даражадаги органлар, марказий давлат муассасалари, баъзан диний ва бошқа жамоат ташкилотлари (махсус ташаббус) парламентчи органлари, парламент ҳузуридаги орган ва муассасалар, сайлов гуруҳлари (халқ ташаббуси)дир. Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқий субъектлари доирасининг хилма-хиллиги қуйидаги мисолларда намоён бўлади (сўз бюджет ҳақидаги қонун лойиҳалари ҳақида боради)

Болгарияда қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан ҳар қандай халқ вакили ва вазирлар кенгаши фойдаланади (конституциянинг 87-моддаси);

Словакияда Миллий кенгаш кўмиталари, депутатлар, ҳукумат қонун лойиҳаларини кирита олади (конституциянинг 87-моддаси, 1 қисм);

Германияда қонун лойиҳалари Федерал ҳукумат, Бундестаг ва Бундесрат депутатлари томонидан киритилади (асосий қонуннинг 76 моддаси, 1 қисм);

Чехияда қонун лойиҳасини депутат, депутатлар гуруҳи, сента, ўз-ўзини бошқарувчи юқори ҳудудий бирлик вакиллари кирита олади. (конституциянинг 41-моддаси, 2 қисм);

Руминияда қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи ҳукуматга, депутатларга, сенаторларга ва шунингдек камида 250 минг сайловчилар гуруҳига оиддир. (конституциянинг 73-модда, 1 қисми, 1 жумла);

Мексикада бундай ҳуқуқ Республика Президенти, Федерал Конгресс депутат ва сенаторлари, штатлардаги қонунчилик органларига оиддир. (Конституциянинг 71-моддаси)

Кубада бундай ҳуқуқ депутатларга, Давлат Кенгашига (олий доимий фаолият кўрсатувчи ҳокимият органи), Вазирлар Кенгашига, халқ ҳокимияти Миллий ассамблеяси комиссиялари, Куба меҳнаткашлари касаба маркази миллий кўмитасига, бошқа турли оммавий жамоат бирлашмалари миллий раҳбариятларига, одил судловни амалга оширувчи халқ олий трибунали, Республика Бош Прокуратураси ва шунингдек камида 10000 сайловчидан иборат сайлов гуруҳига оиддир (Конституциянинг 88-моддаси)

Юқоридаг келтирилган мисолларнинг турфа рангли шундаки, у ушбу муаммонинг конституциявий ҳуқуқий тартибга солинишининг бутун барча хилларини ниҳоялай олмайди.

Иккипалатали парламентларда конституцияларга мувофиқ ёки қонунларга биноан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқий субъектлари ўз лойиҳа ва таклифлари билан ёки палаталардан исталган биттасига ёки фақат қуйи палатага мурожаат қиладилар. АҚШда қонун лойиҳалари (билль) ҳар қандай палатага киритилиши мумкин; парламентарий одатда ўз лойиҳасини ўзи аъзоси бўлган палатага киритади, аммо молиявий билллар (давлат томонидан даромад олинишига тегишли) дастлаб вакиллар палатасига (конституциянинг 1-модда, 7-боб, 1 қисми) тақдим этилади. Германияда қонун лойиҳалари фақат бундестагга киритилади. (Асосий қонуннинг 76-моддаси, 1 қисми) Баъзи-баъзида шундай ҳолатлар ҳам учрайдики, қонун лойиҳасининг фақат юқори палатага киритилиши лозим бўлади. Масалан, Колумбия

Конституциянинг 154-моддаси 1-қисмига мувофиқ халқаро муносабатларга тегишли қонун лойиҳалари Сенатга тақдим этилади.

Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқининг баъзи бир субъектлар томонидан амалга оширилишига қўйиладиган баъзи талабаларда тўхталиб ўтамиз.

Парламентариялар ҳар жойда шундай субъектлар жумласига кирсалар-да, конституциялар ва регламент(тартиб)лар ушбу ҳуқуқни жамоа бўлиб, яъни биргаликда амалга оширишларини талаб этади. Масалан, Германия Бундестаги Регламентига биноан депутатлари томонидан муҳокамага тақдим этилган материаллар, шу жумладан қонун лойиҳалари, фракциялардан бири ёки депутатларнинг 5% томонидан имзоланиши лозим (ҳозирда бу 30 дан кўпроқ кишини ташкил этади, лекин 2002 йилдан бошлаб сал камроқ бўлади), ундан ташқари қонун лойиҳалари қисқача асосланган бўлмоғи лозим. ХХР ВСНПни ташкил қилиниши ҳақидаги қонун ВСНП ихтиёридаги камида 30 депутатёки ҳайъатга, яъни бир сайлов бирлиги-провинция марказга буйсунувчи шаҳар, мухтор вилоят, қуролли кучлардан чиққан депутатлар гуруҳига қонун лойиҳалари тайёрлаб, киритиш ҳуқуқини берган.

(албатта конституциявий лойиҳалар бундан мустасно, чунки бунинг учун конституцияларда алоҳида тартиб белиглаб қўйилган). ВСНПнинг доимий қўмитаси ихтиёридаги қонун лойиҳалари эса камида 10 аъзога, бироқ ВСНПга тақдим этилган қонун лойиҳаси унинг сессияси кун тартибига киритилиши масаласини Мажлиснинг ўзи ҳал этмайди, Мажлис сессияси президиуми ҳал этади. Шунинг учун ҳам қатъий айтиладиган бўлса, ВСНПда қонунчилик ташаббуси ҳуқуқининг ўзи йўқ. Умуман олганда, бундай ҳуқуқ қисман ВСНПнинг доимий қўмитасида ҳам Хитой Ком партияси Марказий Қўмитаси Сиёсий бюросигагина тегишлидир.

Хорижий адабиётлардан асосан, парламентарийларнинг жамоавий қонунчилик ташаббусларига талаблари кундан-кун кенгайиб бораётганлигининг икки сабаби илгари сурилмоқда. Биринчидан, Бу талаб баъзи парламентарийларнинг “енгил-елпи” қонун лойиҳаларини камайтиради ва қонун чиқарувчилар муҳотида қандайдир ёрдам олган қонун лойиҳаларига афзаллик беради. Иккинчидан у парламентарийлар шижоатини тартибга солувчи фракциялар ролини акс эттиради ва уларни муайян йўлга солади.

Умуман, ҳозирги замон ижтимоий муаммоларининг ўта мураккаблиги туфайли, ҳатто у профессионал ҳуқуқшунос бўлса ҳам



бир депутат қандайдир- бир ижтимоий муаммони ҳал этишга қодир бўлган қонун лойиҳасини тайёрлаш мушкуллиги ҳаммага аён. Бунда жуда кўп омиллар ва маълумотларни диққатга олмоқ лозим, бу кўпинча лозим даражада ривожланган ҳукумат тузилмалари учунгина мумкиндир. Амалда парламентарийларнинг қонун лойиҳалари, бу одатда ҳукуматни беқарорлаштиришга интилувчи ва унинг парламентдаги кўпчилик қисмини қўллаб қувватловчи, уни олдинги сиёсий йўлдан оғишга ундовчи муҳолифатнинг кураш воситасидир.

Конституциявий ҳуқуқнинг парламентарийларга давлат бюджетининг ижро этилишига таъсир кўрсатувчи қонун лойиҳалари киритишларига тўсқинлик қилиши бежиз эмас.

Масалан, Франция Конституциясининг 40-моддасига мувофиқ “Парламент аъзолари томонидан киритиладиган тузатиш ва таклифлар агарда давлат ресурсларини қисқартириш ёки давлат харажатларини кўпайтиришга олиб келадиган бўлса, қабул қилиниши мумкин эмас”. Испания депутатлар Конгресси регламент (тартиб)и шуни белгилаганки, ҳукумат қонун лойиҳаларига депутатлар томонидан киритиладиган тузатишлар (депутатлар фақат ҳукумат қонун лойиҳаларига тузатишлар киритишни таклиф этишлари мумкин, аммо ўзлари қонун лойиҳаси тақдим эта олмайдилар), агар бюджет харажатларининг орттирилиши ёки даромадларини камайтирилишини кўзда тутадиган бўлса муҳокама учун ҳукуматнинг розилигини талаб қилинишини белгилаб қўйган.

Баъзи конституциялар эса шуни кўзда тутадикки, парламентарийлар (худди сайловчилар сингари) фақат тайёр қонун лойиҳаларини тақдим этишлари мумкин. Масалан, Руминия Конституциясининг 73-моддаси 4 қисмида айтилишича “қонунчилик ташаббуси билан чиқувчи ва бундай ҳуқуққа эга бўлган депутатлар, сенаторлар ва фуқаролар фақат қонун лойиҳалари учун талаб этиладиган шаклда қонун таклифлари кирита оладилар”.

Жуда кўп мамлакатларда ҳукуматлар қонун лойиҳаларини асосий етказиб берувчилари ҳисобланади, буни тушунтириб ўтиришнинг кераги йўқ. Айнан у қонунчиликда муаммо ва камчиликлар билан доимо тўқнаш келиб туради, айнан у юқори сифатли қонун лойиҳалари ишлаб чиқиш ва уларни пралментдан ўтказиш учун энг катта имкониятларга эга бўлади. Табиийки, конституциялар ва жорий қонунчилик ҳукуматни қонунчилик ташаббусининг ҳуқуқий субъектларидан бири (аниқроғи, асосий субъекти) ўлароқ кўрсатади. Бироқ, баъзида бундай субъект ўлароқ

ҳукумат бошлиғи кўрсатилади: “ Қонунчилик ташаббуси Бош Вазир ва Парламент аъзоларига оиддир” (Франция Конституциясининг 39-моддаси, 1 қисми); “Бош вазир Вазирлар Маҳкамасининг (кабинет) вакили сифатида Парламент муҳокамасига қонун лойиҳаларини киритади...” (Япония Конституцияси 72-моддаси)

Баъзи конституциялар Ҳукумат ташаббусини муҳим шартлар билан тўлдириб ташлайди. Масалан, Франция Конституциясининг 39-модда, 2 қисм, биринчи жумласига мувофиқ “Қонун лойиҳалари Давлат Кенгаши хулосаси олингандан кейин Вазирлар Кенгашида муҳокама қилинади ва палаталардан бирининг бюросига тақдим этилади”. Францияда Давлат Кенгаши маъмурий армиянинг энг олий органи бўлиб, у жумладан, меъёрий ва маъмурий ҳужжатларнинг қонунчиликка мувофиқ ва конституцияга тўғри келишини текшириш ҳуқуқига эгадир. Шу тарзда қонун лойиҳаси Парламентга келиб тушишдан олдин биринчи навбатда конституцияга мувофиқлигини текширилади.

Германи яасосий қонуни 76-моддаси, 2-қисмида Федерал ҳукумат лойиҳаларининг дастлаб Бундесрат (вилоятларнинг муносабатларини аниқлаш учун) га юборилиги кўзда тутади. Бундесрат 6 ҳафта ичида, агар қонун лойиҳаси мураккаб бўлса ва ҳажман катта бўлса 9 ҳафта ичида ўз фикрини билдиради. Агар Федерал ҳукумат қонун лойиҳасини шошилишч деб ишоралаган бўлса, у ҳолда Бундесрат хулосасини кутмасдан, уни Бундестагга уч ҳафта ёки олти ҳафта кейин, фақат Бундесрат хулосаси албатта келтирилиши ва зудлик билан Бундестагга жўнатилиши шарти билан тақдим этилиши мумкин. Асосий қонуннинг ўзгартирилиши ёки суверен ҳуқуқларнинг бошқасига олиб берилиши ҳақидаги қонун лойиҳалари учун 9 ҳафталик муддат сўзсиз амал қилади, шошилишч ҳолатлар ҳақидаги қонуний низомлар эса қўлланилмайди.

Бундесрат, ўз навбатида, агар қонун лойиҳасини киритишни ният қилса, уни федерал ҳукуматга юбориши лозим, бу ҳукумат эса 6 ҳафта ичида лойиҳани ўз хулосасини илова қилган ҳолда Бундестагга тақдим этиши лозим. Бу муддат ҳам 9 ҳафтага узайтирилиши мумкин, агарда Бундесрат лойиҳани муддатидан олдин кўриб чиқилишини илтимос қилса, у ҳолда 9 ой муддат 6 ойга, 6 ой муддат эса уч ойга қисқартирилиш мумкин. Бу ерда Асосий қонунга ўзгартириш киритилиши ва суверен ҳуқуқларнинг берилиши (бошқача) ҳақидаги қонун лойиҳалари учун фақат 9 ҳафталик муддат кўзда тутилган, шошилишч ҳолатларга ўрин берилмайди.

Юқорида келтирилган мисоллардан ҳам кўриниб турибдики, давлат бошлиқлари одатда қонунчилик ташаббуси ҳуқуқий субъектлари жумласига кирмайди.

Бу борада Мексика –истиснони ташкил этади, бундай истиснолар санокли. Қайси маънода бунга Кубани ҳам киритиш мумкин. Чунки Кубада Давлат Кенгаши давлат бошлиғи функция (вазифа)ларидан маълум бир қисмини амалга оширади( қолган бир қисмини унинг Раиси бир ўзи якка ҳолда) амалга оширади).

Бироқ, аслида амалда давлат бошлиқи ўзига бундай ҳуқуқ берилмаган президентлик бошқарувидаги Республикаларда бундай ҳуқуқни бевосита эмас, билвосита амалга оширади. Масалан, АҚШда Президентнинг Иттифоқнинг аҳволи ҳақидаги Конгрессга мактублари (Конституциянинг 2 моддаси, 3 бобида кўзда тутилган) дастурлар ва қонунчилик тадбирларини ўзида мужассамлантиради. Бунинг асосида президент партиясига тегишли бўлган парламентарийлар ўзларининг шахсий қонунчилик ташаббуаси билан расман чиқадилар. А.А.Мишин ва В.А.Власихинларнинг фикрича “Ҳозирги вақтда Президент Капитолия деворлари ичида кечаётган қонунчилик жараёнининг ҳақиқий ташаббускори ва дирижёри бўлиб қолди”( яъни АҚШ Конгресси жойлашган бино-муаллиф).

Бразилияда эса Конституциянинг 61-моддасига мувофиқ, худди Мексикадагидек Президентга қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи берилган. Ундан ташқари, бу моддада бир қатор масалалар кўрсатиб ўтилганки, унга кўра Президентга мутлақ қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи берилган. Бу қуролли кучлар, оммавий маъмуриятлар ва суд ҳокимияти соҳасидаги органлар ва муассасалар ҳуқуқий мақомлари билан боғлиқ бўлган масалалардир.

Халқ ташаббускорлигига келинадиган бўлинса, конституциялар баъзан унинг эҳтимолий доирасини чагаралаб қўяди. Масалан, Руминия Конституциясининг 73-моддаси 2 қисмига мувофиқ, "фискал"муаммолар(гап ташиш), халқаро масалалар, амнистия ва кечирувлар фуқароларнинг қонунчилик ташаббуслари билан чиқишлари учун предмет( мавзу) бўла олмайди”

Испания Конституциясининг 87 моддаси 3 қисмига мувофиқ органик қонунлар билан, солиққа оид ва халқаро қонунлар билан, шунингдек кечирув имтиёз(устунлик)лар билан боғлиқ масалалар бўйича бундай ташаббусларни таъқиқлайди.

Бунинг тескариси бўлган Колумбия Конституцияси бу борада ҳеч қандай чеклашлар қўймайди. Унинг 115-моддасига мувофиқ

қонун ёки конституциявий ислоҳат лойиҳаси фуқаролар томонидан маълум бир тарих (дата)да қайд этилган сайловчилар умумий сонининг 5%идан ортиқ ёки тенг миқдорда фуқаролар томонидан, ёки мамлакатнинг 30 маслаҳатчиси ёки депутатаи томонидан тақдим этилади. Конгресс бундай лоциҳаларни тезкор тартибда кўриб чиқади, ундан ташқари ташаббус билан чиққан фуқаролар ўз вакилларини тайинлаб қўйишлари мумкин. Бу вакил палаталарда қонун лойиҳаси муҳокамасининг барча босқичларида тингланади.

Баъзи конституциялар халқ ташаббусини амалга ошириш учун зарур бўлган сайловчилар сонини белгилаётиб, сайловчилар мамлакатнинг турли минтақаларини ваколатлаб кўрсатишларини талаб қилади. Руминия конституциясининг 73-моддаси 1 қисмида шундай дейилади:” Қонунчилик ташаббусини амалга оширувчи фуқаролар(яъни ташаббускор гуруҳ) мамлакатнинг камида чорак 1/4 қисмини ташкил этувчи уезд бўлиши лозим, Бухарестнинг ҳар бир уездда ёки муниципалитетда ушбу ташаббусни қўллаб-қувватлаш учун камида 10 минг имзо рўйхатга олинмоғи керак бўлади”. ”удДи шу тарзда Бразилия Конституциясининг 61-моддаси 2 да ҳам белгилаб қўйилган: “Халқ ташаббуси депутатлар палатасида камида 5 та штат орасида тақсимланган миллий электорат(сайловчилар)нинг камида бир фоизи томонидан имзоланган, ҳар бир штатнинг ўзида ҳам сайловчиларнинг 3/10 қисми томонидан имзоланган лойиҳани тақдим этиш йўли билан амалга оширилиши мумкин.”

Биз юқорида ҳам таъкидлаб ўттидикки, баъзан халқ ташаббуси муасасаси таъсис этилаётганда конституциялар тайёр ҳолдаги қонун лойиҳаларининг шундай тартибда тақдим этилишини талаб қилади. Масалан, бу ҳозиргина юқорида парча келтирилган Бразилия Конституцияси меъёридан келиб чиқади. Италия Конституциясининг 71-модда, 2қисми 50 минг сайловчига қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини бераётиб, лойиҳанинг қонун моддаси шаклида киритилишини талаб этади. Аксинча Швецария Конституциясининг 139-моддасининг 2 қисмига мувофиқ халқ ташаббускорлиги сайловчилар томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа шаклида ҳам, умумий ғоя шаклида ҳам баён этилиши мумкин. Оҳирги ҳолатга кўра федерал мажлис, агар ғояга рози бўлса, тегишли лойиҳани ишлаб чиқади, йўқса масалал референдум йўли билан ҳал этилади ( ушбу муаммонинг 4-моддаси)

Испанияда халқ қонунчилик ташаббускорлигини тартибга солувчи 3-сонли 1984 йил Махсус Органик қонуни амал қилмоқда.

Конституциянинг юқорида келтирилган 87-моддаси 3-қисмига қўшимчада халқ ташаббуси тартибида иқтисодий режа давлат умумий бюджети лойиҳаларининг киритилиши тақиқлайди ( бундай қўшимча тақиқлашнинг конституцияга мувофиқлиги шубҳа туғдиради, албатта) Ташаббус қонун лойиҳаси кўринишида тузилган тақдимнома билан расмийлаштирилади, аввало унинг бош қисми, сабаблари кўрсатилади, сўнгра имзочилар кўриб чиқилиши ва қабул қилиниши зарур деб ҳисобланган қонун лойиҳасининг юзага келиши сабаби тафсилотлари ва ниҳоят ташаббускорлари комиссияси (гуруҳи) аъзоларинингулар ҳақидаги (шахсий) маълумотлар кўрсатилган рўйхат.

Ҳужжатлар депутатлар Конгресси бюросига унинг умумий котибияти орқали тақдим этилади. Агар бу сессиялар орасидаги даврда амалга оширилган бўлса, муддатлар энг яқин орада бўладиган сессиядан бошлаб ўта бошлайди. Бюро ҳужжатларнинг қўйилган талабалрга мувофиқлигини текширади ва 15 кун ичида ўзининг қарорини ташаббус комиссиясига хабар қилган ҳолда ва уни белгиланган тартибда нашр этиб, ушбу ҳужжатларнинг рухсат этилганлиги ҳақида қарор қабул қилиниши, ҳақидаги эътирозини Конституциявий трибунал (суд)га шикоят қилиб билдириши мумкин.

Агар ҳужжатлар қабул қилинган бўлса, бюро бу ҳақда имзолар тўплаш тартиби тўғри ташкил этилганлигини кафолатлаши лозим бўлган Марказий сайлов хунтасига хабар беради. Хунта ташаббус комиссиясини имзолар тўплашга киришиш мумкинлиги ҳақида хабардор қилади. Имзо тўплаш тартиби (рпоцедураси) провинциал сайлов хунтасига тўпланган имзоларни топшириш билан ниҳоясина етади. Бу иш 6 ой муддат ичида Марказий сайлов хунтаси хабардор қилинганидан кейин амалга оширилмоғи лозим. Депутатлар Конгресси бюроси бу муддатни яна уч ой муддатга узайтириши мумкин. Агар бу муддат етарли даражада имзолар тўплаш учун кам бўлса ва имзолар тўплашга муваффақ бўлинмаса, уҳолда ташаббус амалга ошмаган ҳисобланади.

Сайловчининг имзоси билан бирга унинг фамилияси, исми (испанияликларда-ҳам отасининг, ҳам онасининг ф.и.о.) кўрсатилади, ҳамда миллий гувоҳнома рақами ва имзочи киритилган сайловчилар рўйхати кўрсатиб ўтилади. Имзо нотариус, суд котиби ёки тегишли муниципия котиби томонидан тасдиқланади, имзоланади ва тарихи ёзиб қуйилади. Сайловчилар рўйхатининг ҳар бир саҳифаси бутунлигича тасдиқланиши ҳам мумкин. Ташаббус комиссияси

томонидан фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлардан тўла фойдаланувчи, судланмаган ва провинциал сайлов хунталари олдида қасамёд этган ёки тантанали ваъда берган фуқаролар ичидан тайинлаб қўйилган махсус ишончли шахслар ҳам гувоҳлик беришлари(тасдиқлашлари) мумкин.

Провинциал сайлов хунтаси олинган имзоларни 15 кун ичида текширади ва санаб, ниҳой (охирги) текширув ва санашни амалга оширувчи Марказий сайлов хунтасига юборади. Марказий сайлов хунтасидан керакли миқдордаги имзо тўпланганлиги тасдиғи олинганидан кейин депутатлар Конгресси бюроси лойиҳани нашр этади ва унинг кун тартибига киритади. Муҳокама ўз вақтида депутатлар конгресси бюросига ташаббус ҳайъати томонидан тақдим этилган лойиҳанинг батафсил ўқиб эшииттирилиши билан бошланади.

Палата тарқатиб юборилган тақдирда халқ ташаббуси кейинги чақириқ палатасида ўз кучини сақлаб қолади.

Давлат Парламент муҳокамаси бошлаганда лойиҳа тарқатилиши ва имзо тўпланиши билан боғлиқ барча расмийлаштирилган сарф-харажатларни ташаббус комиссиясига тўплайди. Тўлов миқдори 30 млн песстдан ошмаслиги лозим, аммо муддат Бош корсетлар томонидан даврий равишда қайта кўриб чиқилиши керак.

Жамоат ташкилотларига қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи берилиши кўпчилик социалистик мамлакатларга хосдир. Бу “социалистик демократия”нинг “буржуазия демократияси”дан устун қўядиган бирор нарсани ўйлаб чиқаришга уринишда юзага келган. Ҳақиқатда, таъкидлаб ўтилганидек, бундай қоида (низом)лар ҳеч қандай аҳамият касб этмайди, чунки тоталитар коммунистик режим шароитида қонунчилик ташаббуси реал ҳуқуқи коммунистик партия раҳбар амалдорларига берилгандир.

Айрим демократик мамлакатларда (Буюк Британия, Финляндия ва б.) черков масалалари бўйича қонунчилик ташаббусини диний жамоалар раҳбар органлар амалга ошириши мумкин.

Италия Конституциясининг 71-модда 1 қисми муайян орган ва муасасаларга қонунчилик ташаббуси ҳуқуқининг конституциявий қонун йўли билан берилиши мумкинлигини кўзда тутди. Конституциянинг ўзи ҳам 99-модда 3 қисмида ва 121 модда 2 қисмдаги 2 жумласида иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича иқтисодиёт ва меҳнат миллий Кенгаши ва вилоят кенгашларига ушбу ҳуқуқни берган.

### 3. Қонун лойиҳасининг муҳокамаси

Бу қонунчилик жараёнининг энг йирик босқичи бўлиб, палаталарнинг пленар мажлислар ва қўмита (комиссия)ларида қонун лойиҳалари устида иш олиб борилишини кўзда тутлади. У турли бирикмаларда ташкил этилади.

Палаталарнинг хусусий пленар мажлисларидаги муҳоокама қонун лойиҳасининг ўқитилиш деб аталади. Кўриниб турибдики, бу атаманинг келиб чиқиши қонун лойиҳаси матнининг ҳақиқатан ҳам мажлисда ўқилган ва ундаги ҳар бир жумла муҳокама қилинган вақт билан боғлиқ. Ҳозирда эса бунга зарурият йўқ, чунки қонун лойиҳаси матни кўпайтирилади ва парламентларга олдиндан тарқатилади, лойиҳа билан бирга у билан боғлиқ бошқа материаллар ҳам олдиндан берилади. Бироқ бу атама кўп парламентларда сақланиб қолган.

Бундай ўқишлар одатда учта бўлади. Улар ҳар бир мамлакатда ўзи хос бўлиб, бунинг моҳиятини қуйидагича тасаввур қилиш мумкин.

Биринчи ўқитишнинг маъноси шундаки, ушбу қонун керакми ёки йўқлиги ҳақида қарор бериш. Парламентарлар қонун лойиҳаси ташаббускорининг одатий маърузасини тинглаб қонун лойиҳаси предмети бўйича амалдаги қонунчиликда бўшлиқ бор-йўқлиги, ёки агар бундай предмет бўлса, унинг қонуний тартибга солинишида салбий оқибатларга олиб келувчи иллат-нуқсонлар мавжудми-бунини аниқлаб белгилаб олишлари лозим. Ундан ташқари, шу нуқтаи назардан қонун лойиҳасининг асосий ғояси, аниқроғи концепциясини баҳолаш керак: бўлажак қонун мавжуд муаммони ҳал эта оладими, қай даражада ҳал эта олади. Агар палата аъзоларининг кўпчилиги фикри юқорида келтирилган иккала саволдан бирига салбий бўлса, у ҳолда қонун лойиҳаси қайтарилади ва кейин муҳокамага қўйилмайди. Агар жавоб иккала саволга ҳам ижобий берилса ва ҳатто баъзи қўшимча гаплар айтиб ўтилса-да, у ҳолда қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинади ва кейин ишлов берилиши керак бўлади. Бунинг учун палата раиси ёки палатанинг ўзи лойиҳани тегишли қўмитага (комиссияга) беради ёки бунинг учун махсус қўмита (комиссия) тузади. Умуман, баъзида қўмита (комиссия) қонун лойиҳасини унинг биринчи ўқишидан олдин палатанинг пленар мажлисидаёқ кўриб чиқади.

Биринчи ўқишда қабул қилинганга қадар лойиҳа ташаббускори одатда лойиҳани исталган вақтда қайтариб олиши мумкин.

Иккинчи ўқиш лойиҳанинг аслига кўра унинг барча тафсилотлари билан бирга муҳокама қилинишини англатади. Муҳокама лойиҳа билан иш олиб борган кўмита (комиссия) маърузаси бўйича олиб борилади. Бу ерда шу нарса намоеън бўлиши мумкинки, қонун лойиҳаси асосий фикр (ғоя) и тарафдорларининг бир қисми ундаги айрим принципиал қарор ўзгартирилиши эса лойиҳанинг бутун шакл мазмунини ўзгартириб юбориши мумкин.

Бундай ҳолатда қонун лойиҳасининг иккинчи ўқишда қайтариллиши (рад қилиниши) ва унинг устида иш олиб борилиши умуман тўхтатиб қўйилиши мумкин(масалан, олдиндан масала киритиш йўли билан, яъни худди олдинги параграфнинг 2-бандида сўз юритилгани каби) Агар бундай бўлмаса, у ҳолда ушбу босқичда мантга олдиндан киритилган тузатишлар муҳокама қилинади ва овозга қўйилади.

Шуни таъкидлаш зарурки, регламент(тартиб)лар лойиҳа устида иш олиб борувчи комитет ёки комиссиялар шунингдек парламенторлар уларни ўз вақтида олишлари, бемалол ўрганиб чиқиш ва унга нисбатан ўз муносабатларини ишлаб чиқиш имкониятига эга бўлишлари учун тузатишларнинг олдиндан ёзма равишда берилишини қатъий талаб қилади. Шунинг учун, масалан, Францияда тузатишларнинг қонун лойиҳаси муҳокама қилишидан 8 кун олдин, кечиктирмасдан тақдим этилиши зарурлиги белгилаб қўйилган. Парламентарийларнинг тузатиш киритиш ҳуқуқлари қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан келиб чиқади ва шахсий ёки жамоа характерига эга бўлади. Тузатишларни муҳокама қилиш вақти қисқа белгиланади, масалан АҚШда, Францияда бу вақт 5 дақиқадан ошмайди. Буюк Британияда жамоатлар Палатаси раиси (спикер) палат муҳокамасига қандай тузатишлар киритилишини ўзи ҳал қилади.

Франция Конституциялар қонун лойиҳалари муҳокамаси бориши устидан кучли ҳукумат назоратини таъминлайди. Масалан, 48 модда палаталарга ўз мажлисларига ҳуқуқмат қонун(таклифлари) лойиҳалари ва ҳукумат томонидан белгиланиб қўйиладиган тартибда қонун таклифларини кун тартиби масаласи ўлароқ киритиши мажбуриятини юклайди. 41-модданинг 1-қисмига муовифқ ҳукумат тузатишнинг қабул этилмаслиги ҳақида баёнот бериши мумкин, сабаби тузатма Парламентнинг қонуний ваколатига кирмайди ёки



ҳукуматга ваколатланган бу компетенция (ваколат) соҳасига киради: бу масала бўйича ҳукумат ва тегишли палата раиси ўтрасидаги ихтилофлар 8 муддат ичида Конституциявий Кенгаш томонидан рухсат этилади. Музокаралар очилгандан кейин ҳукумат комиссияга (44-модда, 2 қисм) олдин тақдим этилган ҳар қандай тузатишнинг кўриб чиқилишга эътироз билдириши мумкин.

Ҳар бир тузатманинг муҳокамаси унинг учун овоз берилиши билан ниҳоясига етказилади.

Тузатмалар муҳокама қилинадиган матни истисно этилишини таклиф қилувчи радикал тузатишларга биринчи навбатда мурожаат қилувчи палата раиси томонидан муҳокама ва овозга қўйилади. Агар у рад қилинса, у ҳолда лойиҳа матнини тубдан ўзгартирувчи тузатиш керак бўлади. Агар тузатиш қабул қилинса, унда унга зид бўлган тузатишлар муҳокамага қўйилмайди. Палата сўнгра лойиҳа қўмита (комиссия)га ишлов бериб тугатиш учун қайтариши мумкин ава бундай ҳолатда янги тузатишлар, жумладан олдин қабул қилинган тузатишларга тузатмалар таклиф этилиши мумкин. Агар палата иккинчи ўқишда лойиҳани маъқулласа, у қўмита (комиссия)га таҳририй ишлов учун қайтарилади.

Учинчи ўқишда қонун лойиҳаси бутнича олинади, олдин киритилган барча тузатмалар ҳисобга олинади. Янги тузатишларга йўл қўйилмайди, фақат соф таҳририй тузатишлар бундан мустасно. Албатта, бу ерда қонун лойиҳаси овоз бериш йўли билан рад этилиши мумкин (масалан, унинг тарафдорларидан бир қисми рози бўла олмаса) Бу ҳол кўпинча лойиҳа кўпчилик овоз-мутлақ ёки малакали кўпчилик овоз тўплай олмаганда юз беради. Агар зарур бўлган кўпчилик овоз олинса, қонун лойиҳаси (ёки қонун –бу конституцияда қандай белгиланганлигига боғлиқ) қабул қилинган ёки маъқулланган ҳисобланади.

Баъзан “ўқиш” атамаси ўрнида бошқа атама “муҳокама(Колумбияда), “озв бериш” (Болгарияда) атамалари қўлланилади. Баъзи мамлакатларда (Колумбия, Болгария, Швеция) қоун лойиҳасининг икки марта ўқилиши кўзда тутилади, ундан ташқари Қолумбияда агар комиссияга эътирозлар бўлмаса муҳокама биринич ўқиш ҳисобланади. Болгария Конституцияси (88- модда, 1 қисм) қонун лойиҳаси бўйича икки маротаба халқ мажлисининг турли йиғилишиларида овоз бериш ўтказилишини талаб этган ҳолда истисно сифатида овоз бериши бир йиғилишнинг ўзида ўтказилишга рухсат этади.

Испанияда, Швецияда истисно тарикғасида қонун лойиҳасининг бир ўқишда муҳокама қилинишига йўл қўйилади.

Лойиҳанинг ҳар бир ўқишга тайёрланиши (баъзан биринчи ўқишдан ташқари) таъкидланганидек, палата қўмитаси (комиссияларида) амалга оширилади. Уларнинг роли (тутган ўрни) турли мамлакатларда турлича. Комиссиянинг партиявий таркиби палата партиявий таркибига мос келувчи мамлакатлар. Италия, Испания, Бразилияда комиссиялар палата ўрнида қонун лойиҳаси бўйича қарор қабул қилишлари ҳам мумкин. Масалан, Испания Конституциясининг 75 моддаси 2 қисмида ёзиб қўйилган: "Палаталар доимий қонунчилик комиссияларига қонун лойиҳалари ёки қонун таклифларининг тасдиқлашга ваколат бериши мумкин. Пленум (палаталар-муаллиф) исталган вақтда ҳар қандай қонун лойиҳаси ёки қонун таклифи муҳокамаси ва овозга қўйилиши уларнинг ўзлари томонидан ўтказилишини талаба қилиниши мумкин". Шу модданинг 3 қисига мувофиқ комиссияларга конституциявий ислоҳатлар, халқаро масалалар, органик ва тамал қонунлар ва давлат умумий бюджети каби мавзулар бўйича қарор қабул қилиш ваколоти берилиши мумкин эмас.

АҚШ Конгрессидаги қўмиталар жуда кучли: улар билль (қонун лойиҳаси) билан нима ҳоҳласалар шуни қилишлари мумкин. Унга исталган шакл ва мазмунни беришлари ва умуман унинг тақдирини ҳал этишлари мумкин. Буюк Британияда қўмиталарга иккинчи ўқишда палата белгилаб қўйган билльнинг мазмунини тубдан ўзгартириши оладиган тузатмалар киритиш рухсат этилмайди. Францияда Японияда комиссия (қўмита)лар қонун лойиҳасига ўзгартириш кирита олмайди, фақат палаталар томонидан қонун лойиҳасининг асосий матнида алоҳидақўриб чиқиладиган тузатишларни таклиф этади.

Баъзи мамлакатларда айрим қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш учун кичик қўмита (кичик хайъат, комиссия)лар ҳам тузилиши мумкин. АҚШда қўмита ёки кичик қўмита қонун лойиҳасининг нусхасини манфаатдор ташкилотларга юборади ва уларнинг вакилларига оммавий тингловни уюштириб, ўз мажлисида сўзга чиқиш имкониятини яратиш беради. У жаримадан кўрқиб келадиган гувоҳларни ҳам чақириши мумкин.

Қўмита( комиссия) иши ёзма маъруза (маълумот) тузиш билан ниҳояланади. Парламентарлар бундай процедура (тартиб, жараён)га муҳим аҳамият беради. Қонун лойиҳасининг тақдири кўпинча қўмита

(комиссия)нинг ўз маърузасида ифодаладиган нуқтаи назарига боғлиқ. Чунки бунда кўмита (комиссия) аъзолари ўртасида ихтилофлар рўй бериши эҳтимоли бор, кўпчилик мамлакатларда озчилик ҳуқуқларини таъминлаш чоралари кўзда тутилади. АҚШ Конгресси вакиллари палатасида, Италия Парламенти палаталарида кўмита(комиссия) озчилиги алоҳида маъруза тайёрлаши ва ўз маърузачисини тайинлаши мумкин. Япония Парламент комиссияларида озчиликнинг нуқтаи назари маърузанинг иловасида баён этилади. Маърузалар қоидаларга кўра чоп қилинади.

Муҳокаманинг тугатилиши расмийлаштирилади. Ташаббус депутатдан, депутатлар гуруҳи ёки палата вакилидан чиқиши мумкин. Алоҳида бир депутат музокарани тугатишни таклиф эта олса, у ҳолда бундай таклифни қисқача муҳокама қилиш имконияти кўпинча кўзда тутилади. Францияда биттадан депутат “Ҳа” ва “қарши”, Японияда –иккитадан депутат “ҳа” ва “қарши” сўзга чиқади. Британия Парламентининг жамоалар Палатасида бундай таклифни камида 100 депутатгина киритиши мумкин. Қарорни спикер (раис) қабул қилади. Кўпчилик парламентларда буни палат аъзоларининг кўпчилик иштирок этувчилари ҳал этади. АҚШ сенатида бунинг учун иштирок этаётган сенаторлардан 3/2 қисмининг овози талаб этилади.

Баъзан конституциялар ва меъёрлар 1-2 ва 3 ўқишлар орасида муаян вақт (интервали) ўтишини талаб қилади. Масалан, Колумбия Конституциянинг 160-моддаси 1 қисмига мувофиқ қонун лойиҳасининг палатада биринчи ва иккинчи муҳокамаси (ўқиш) орасида камида 8 кун ўтиши лозим. Парламентарийлар бироз ўйлаб кўришлари керак. Умуман, қонун лойиҳасининг бир неча марта ўқилиши тартиби (процедураси) ўта салмоқли бўлиб кўринади, ҳа шундайлигича ҳам бор. Албатта буни камчилик, нуқсон дея санаш ҳам мумкин, зеро қонун лойиҳаси устида олиб бориладиган иш жуда секин давом этади. Лекин бу ишда шошқалоқликка йўл қўйилиши мумкин эмас. Агар қонунни юқори даражада ишлаб чиқиш нияти бўлса ёки уни кучга киритиши билан ўзгартириш ёки бекор қилишга бтўғри келмаслиги учун ҳечам шошилмаслик керак. Образли қилиб айтиладиган бўлса етти марта эмас, етмиш марта ўлчаб кесиш лозим.

Қонун қабул қилинишини узоқ вақт кутиб ўтириш мумкин бўлмаган ҳолларда конституция ва низомий меъёрларда шошилишч процедура (тартиб) кўзда тутилган. Бундай ҳолларда навбатдан ташқари кўриб чиқиш, ўқишлар сонини қисқартириш, сўзга чиқиш (музокара учун сўз) сонини қисқартириш мумкин ва б. Масалан,

Колумбия Конституциясининг 163-моддасигина биноан Республика Президенти ҳар қандай қонун лойиасининг шошилини равишда кўриб чиқилишини илтимос қилиши мумкин. Бундай ҳолатда парламентнинг бунга тегишли палатаси 30 кун ичида қонун лойиҳаси бўйича қарор қабул қилмоғи лозим. Бу давр ичида шошилини қабул қилиш талаби лойиҳа ўтиш босқичларининг ҳаммасида баён этиб борилиши лозим.

Агар Президент шошилини муҳокама этилишига туриб олса, лойиҳа палат ёки комиссия бу лойиҳа хусусида бирор-бир қарор қабул қилишдан бошқа ҳар қандай кун тартиби масаласини истисно этган ҳолда биринчи навбатда кун тартибига киритилмоғи лозим. Агарда қонунлоиҳаси доимий комиссия томонидан ўрганилаётган бўлса, бу комиссия ҳуққумат илтимосномасига кўра лойиҳани палаталарда биринчи навбатда муҳокама қилишни таъминлаш учун бошқа палатанинг тегишли комиссияси билан биргаликда муҳокама этиши лозим.

#### 4. Қонуннинг қабул қилиниши

Бир палатали парламентларда бу босқич, аслида охириги ёки ягона ўқишнинг ниҳояси-охириги овоз беришдир. У умуман лойиҳа бўйича ёки бўлмаса моддалар ёки боблар бўйича, сўнгра эса бутун лойиҳа бўйича амалга оширилиши мумкин. Овоз бериш икки хил: оддий ва номма-ном. Қонун лойиҳаси бўйича овоз бериш умуман мантиқсиз ва шу боис ҳам камдан кам учрайди.<sup>34</sup>

Баъзи мамлакатларда (масалан, Испанияда) яширин овоз бериш шундайгина регламентлар билан тақиқлаб қўйилган. Икки палатали парламентларда қонун агар, иккиала палата томонидан ҳам бир тахрирда маъқулланган бўлсагина қабул қилинган деб ҳисобланади. Аммо бу қоидадан тез-тез истиснолар учраб туради.

Юқори палатаси кучли бўлган икки палатали парламентларда қонун лойиҳаси палаталаарнинг ҳар биттаси худди бир хил процедура (тартиб, муолажа)дан ўтмоғи лозим, кўпинча қайси палатанинг биринчи бўлишининг аҳамияти йўқ. Агарда юқори

---

<sup>34</sup> . Бу борада Социалистик Руминия тажрибасини мисол қилиб келтириш мумкин. 1964 йилда Николас Чаушескунинг ҳокимият тепасига келиши 1965 йилдаги Конституциянинг ва унга асосланган қонунинг қабул қилинишини ақс эттириши лозим бўлган сохта “демократиялаштириш” билан бирга давом этди. Буюк миллий мажлиснинг ўша даврдаги тартиб (регламен)и қонунларнинг тўла тасдиқланиши чоғида бюллетенлар билан мажбурий яшириш овоз берилишини кўзда тутар эди ва амалда “қарши” овоз берувчи депутатларнинг сони жуда кам бўлар эди. Диктаторга бу ҳам камлик қилиб, буни кўзда тутувчи Регламент моддаси тез орада шовкин – суронсиз истисно (бекор) қилинди ва албатта шундан сўнг қонунлар бир овоздан, қаршиликсиз қабул қилина бошланди.

палата заиф бўлса, уҳолда қонун лойиҳасининг кўриб чиқилиши тартиби қуйи палатага нисбатан соддалаштирилган мумкин, ҳолбуки баъзан шундай ҳам бўлади.

Палаталар орасида ихтилофлар юзага келганда конституциялар мажбурий ёки факультатив розилик процедура (тартиб, муолажа)сини кўзда тутди. Таъкидлаб ўтилганидек, юқори палаталар заиф бўлганда қуйи палаталар қонуннинг ўзлари тузган таҳририда қатъий турадилар. Палаталар орасида юзага келган ихтилофларнинг тартибга солиниши имконсизлиги билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишнинг тўртта йўли мавжуд: 1) агар палаталар қонунчилик жараёнида тенг ҳуқуқли бўлса, уҳолда қонун қабул қилинмайди; 2) агар қуйи палата кучлироқ бўлса, қонун бари бир унинг таҳририда қабул қилинади; 3) камдан-кам учрайдиган ҳолатлар бўладиги, қонунни фақат юқори палатанинг ўзи қабул қилинади; 4) қонун палаталарнинг қўшма мажлисида қабул қилинади. Шундай оралиқ варинат (усул) лар ҳам учрайдики, қонун ниҳояда юқорида санаб ўтилган йўллاردан бири билан қабул қилинади.

Масалан, АҚШда агар Конгресс палаталаридан бири қонунга рози бўлмаса ва розилик комиссиясининг тузилиши палаталар орасидаги ихтилофларга барҳам берилишига олиб келмаса, у ҳолда қонуннинг қабул қилиниши мумкин эмас. Германия асосий қонуни Бундесрат (74-а-модда) розилигисиз қабул қила олмайдиган кичик тоифадаги қонунларни кўзда тутди. Қолган бошқа қонунларга келинадиган бўлса, уларни Бундестаг томонидан қабул қилиш бўйича уч ҳафта муддат ичида Бундесрат розилик қўмитасининг чақирилишини талаб қилиши мумкин, агар бу қўмита қонунга ўзгартириш киритилишинитаклиф этадиган бўлса, у ҳолда бундестаг бу масалал юзасидан ўз қарорини қабул қилиши лозим. Шунингдек Бундесрат икки ҳафта ичида қабул қилинган қонунга қарши норозилик баён этиши мумкин ва бу норозилик Бундестаг томонидан рад этилиши ҳам мумкин, бироқ агар Бундесрат ўз аъзоларининг 2/3 овози билан норозилик баёнотини қабул қилган бўлса, Бундестаг уни 2/3 иштирок этувчи депутатлари овози билангина рад эта олади, ҳеч бўлмаганда умумий соннинг кўпчилиги билан рад эта олади.

Германияда қонунчилик жараёнининг яна бир диққатга сазовор ўзига хослиги мавжуд. Асосий қонуннинг 81-моддаси асосий қонунчилик органи-Бундестагни четлаб ўтиш мумкинлигини кўзда тутган. Агарда Бундестаг Федерал Ҳукумат ўта зарур деб ҳисобланган қонунни қабул қилишни истамаса, уни четлаб ўтиш

мумкин. Агар бу қонунчилик ва ижро ҳокимиятлари орасидаги ихтилоф Бундестагнинг тарқатилиб юборилишига олиб келмаса, Федерал ҳукуматнинг таклифи ва Бундесрат розилигига кўра Федерал президент фавқулодда қонуний ҳолат эълон қилиши мумкин. (Gesetzgebungsnotstand баъзан “қонунчиқарув зарурияти ҳолати” деб ҳам таржима қилинади) Агар шундан кейин ҳам Бундестаг яна қонун лойиҳасини рад этадиган бўлса ёки лойиҳани Федерал ҳукуматга тўғри келмайдиган таҳрирда маъқулласа ёки бўлмаса лойиҳа қайта киритилгандан кейин 4 ҳафта ичида қарор қабул қилса, у ҳолда қонун, агар у Бундесрат томонидан маъқулланса, қабул қилинган ҳисобланади. Бошқача айтганда, қонун фақат бир юқори палата томонидан қабул қилиниши мумкин. Бироқ бу қонун асосий Қонунга ҳеч қачон таъсир этмаслиги керак. Фавқулодда қонун чиқарув ҳолати эълон қилингандан кейин 6 ой мобайнида Бундестаг томонидан рад этилган бошқа ҳар қандай қонун ҳам қабул қилиниши мумкин. Аммо бу муддат ўтгандан кейин қонунчилик ҳолати қайтадан, ўша федерал канцлернинг ваколат муддати тугамасдан, эълон этилиши мумкин эмас.

Францияда қонун лойизаси бўйича Праламент палаталари орасида ихтилоф юзага келган ҳолларда “Моки”<sup>1</sup> ҳаракатга келади: лойиҳа палаталар орасида юради ва у ҳукумат томонидан тўхтатилмагунича бу “уёқ бу ёққа сарсон бўлиб юриш” давом этаверади. Бу борада Конституциянинг 45-моддаси, 2,3 ва 4 қисмларида қуйидаги тартиб белгиланган: “Агар икки йиғилиш(мажлис) орасида ихтилофлар оқибатида қонун лойиҳаси ёки қонун таклифи мажлисларнинг ҳар бирида икки ўқишдан кейин қабул қилинмаган бўлса ёки бир ўқишдан кейин мажлисларнинг ҳар бирида ҳукумат масаланинг кечиктириб бўлмаслигин баён этса, у ҳолда Бош Вазир баҳсли масалалар бўйича янги матнни ишлаб чиқиш учун аралаш теппа-тенг комиссия мажлисини чақириш ҳуқуқига эга.

Аралаш комиссия ишлаб чиққан матн ҳукумат томонидан иккала мажлиснинг ҳам тасдиқига тақдим этилади. Ҳукумат розилигисиз унга ҳеч қандай тузатиш киритилмайди. Агарда аралаш комиссия келишилган матнни қабул қила олмаса, ёки матн ундан олдинги қисмда кўзда тутилган шартларга мувофиқ қабул қилинмаса ҳукумат миллий мажлис ва сенатда янги ўқишдан сўнг Миллий мажлисдан сўнгги қарорни талаб қилиши мумкин. Бундай ҳолда Миллий мажлис аралаш комиссия томонидан тузилган матнга, ёки

---

<sup>1</sup> . “МОКИ” –бўзчининг мокиси деган гап бор, яъни тикиш машинасида тез-тез бориб келувчи қисм.

улар томонидан тузилган охириги матнга, яъни зарурий ҳолларда бир ёки бир нечта тузатишлар билан сента томонидан ўзгартирилган матнга қайтиши мумкин.”

Шундай қилиб, Миллий мажлис қонунчилик жараёнида ва фақат ҳукумат қарорига кўра эга бўлиши мумкин.

Буюк Британия ва Польшада қуйи палата қонунчилик жараёнида сўзсиз устунликка эга бўлади. Масалан, 1911 йилда чиқарилган ва 1949 йилда тузатиш киритилган Парламент ҳақидаги Британия қонуний ҳужжатида оммавий қонун лойиҳаси (хусусий қонун лойиҳасидан фарқли ўлароқ умуммеъёрий тавсифга эга бўлган) агар молиявий тавсифга эга бўлса ва беш йилдан ортиқ парламент ваколатларининг муддатини оширмайдиган бўлса, лордлар Палатаси рад этган ҳолатда бир йилга ушлаб турилиши мумкин, ундан кейин, агар жамоалар палатаси томонидан қайтадан маъқулланадиган бўлса, унинг таҳририда қабул қилинган ҳисобланади ёки жамоалар палатаси розилик берган лордлар палатаси тузатишлар билан қабул қилинган ҳисобланади. (2-модда, 1 қисм) Польша Конституцияси 121-модданинг 2 ва 3 қисмларида сейм қабул қилган қонуни Сенат 30 кун ичида ёки қабул қилиши, ёки рад этиш, ёки бўлмаса унга ўзгартириш (тузатиш) киритилишини таклиф этиши мумкинлигини кўзда тутган. Бироқ агарда Сейм Сенатнинг бундай қарорларидан ҳар қандайини мутлақ кўпчилик овоз билан депутатларнинг қонуний сонининг камида ярмиси иштирокида рад этадиган бўлса, қонун Сеймнинг таҳририда қабул қилинган бўлиб ҳисобланади. Агар Сенат 30 кунлик муддатни ўтказиб юборса, бу ҳам ўрин эгаллайди.

Ҳиндистон Конституцияси 108-моддасида белгиланганидек, Парламент палаталари орасида ихтилофлар юзага келса, ёки агар палаталардан бирортаси 6 сессия ойдан кўпроқ муддат мобайнида бошқа палата маъқуллаган лойиҳани қабул қилмаса Президент иккала палатани қонун лойиҳасини муҳокама қилиш ва овозга қўйиш учун қўшма мажлисни чақириши мумкин. Бу мажлисда лойиҳа келишилган тузатишлар билан иккала палатанинг иштирок этаётган ва овоз бераётган аъзолари умумий сони кўпчилиги билан қабул қилиниши мумкин. Бундай қўшма мажлис, ҳатто халқ палатаси тарқатиб юборилган бўлса ҳам чақирилиши мумкин. Халқ палатаси қўшма мажлисда юқори палатани икки мартадан ортиқ сонини ошириб, (юқори палата-штатлар кенгашидир) устунликка эга бўлади деса ҳам бўлди, аммо овоз берувчиларнинг тақсимланиши одатда палаталар бўйича эмас, тўғрироғи сиёсий партиялар бўйича боради,

бунинг натижасида қуйи палатанинг камчилик қисми юқори палатанинг кўпчилиги билан бирлашган ҳолда қўшма мажлисда ҳам кўпчилик бўла олади.

5. Қонунинг санкцияланиши, оммага расмий эълон қилиниши ва чоп этилиши.

Қонунчилик жараёнининг ушбу босқичи (ёки, икки ва ҳатто уч босқичи) фақатгина Буюк Британия ва Британия мустамлакасида (собик) бўлган олий ҳокимият ташкилотининг вестминистрлик моделини қабул қилган, мамлакатларда парламент ичида амалга оширилади. Гап шундаки, қонуннинг асдиқланиши, эълон қилиниши ва чоп этилиб оммага ёйилиши-одатда давлат раҳбарига берилган имтиёз афзалликдир, юқорида номлари келтирилган мамлакатларда эса давлат раҳбари, таъкидлаб ўтганимиз каби, икки палата билан бир қаторда парламент таркибига киради. Буюк Британияда Парламент қиролига, лордлар палатаси ва жамолар палатасидан ташкил топган, Ҳиндистон Конституциясида бу мисолга кўра 79-моддада ёзиб қуйилганидек, Парламент Президент ва икки палата-штаталар кенгаши ва халқ палатасидан иборат.

Бошқа малакатларда эса ушбу босқич асосан парламентдан ташқарида бўлади, ҳолбуки парламент баъзан бу малакатларда ҳам фафолият кўрсатиши лозим.

Қонуннинг санкцияланиши яъни тасдиқлаш давлат раҳбари томонидан қонуннинг расмий матнини имзолаш йўли билан амалга оширилади. “Санкциялаш” атамасининг ўзи монархлар ва парламентлар орасидаги курашлар замонида бориб тақалади ва ўша даврда парламент томонидан қабул қилинган қонун фақат давлат раҳбари бу қонун рози ва ўз розилигини у қонун матнини имзолаш ифодаланиши шарт билангина кучга киришни билдирган. Акс ҳолда давлат раҳбари қонуний мутлақ вето қўйган ҳолда уни имзолашдан бош тортган: қонун саватга ташланган. Ушбу масаладаги конституциявий ҳуқуқнинг кейинги тараққийси шунга олибкелганки, давлат раҳбари ўз хоҳишига кўра парламент томонидан қабул қилинган қонунни рад этиш ҳуқуқидан маҳрум бўлиб қолган (Англияда мутлақ вето воқеасининг охириги 1707 йил бўлиб тарихга кирган), вето эса, агар у сақланиб қолган бўлса ҳам кўпинча орқага ташланган. Ҳозирги вақтда “санкциялаш” атамаси” нисбатан баъзи



бир мамлакатлардагина конституцияларда сақланиб қолган: уларнинг кўпчилиги фақат имзолаш ва (ёки эълон қилиш маъносини беради

Масалан, Испания Конституциясининг 91-моддасида шундай дейилган: “ Қирол 15 кун муддат ичида Бош Кортеслар томонидан маъқулланган қонунларни санкция(тасдиқ)лайди, уларни оммага эълон қилади ва уларнинг зудлик билан нашр этилишига бош-қош бўлади.” Санкциялаш амалда имзолаш йўли билан амалга оширилади. Қирол ҳеч қандай вето ҳуқуқига эга бўлмайди. Шунга ўхшаш Германия федерал Президенти ҳам Асосий қонуннинг 82-моддаси, 1 қисмига мувофиқ Асосий Қонунга мувофиқ қаул қилинган қонунлар контрастгнатурасидан кейин<sup>1</sup> расмийлаштиради ва уларни “Бундесгезетцблатт”да чоп этади (Bundesgesetzblatt-қонунлар федерал ахборотномаси)<sup>1</sup>

Унда ҳам ҳеч қандай вето ҳуқуқи йўқ. Словакияда Конституциянинг 87-моддаси 2 қисмига мувофиқ Миллий кенгаш томонидан қабул қилинган қонун Миллий Кенгаш раиси, Республика Президенти ва Ҳукумат раиси томонидан имзоланади (шундай деб тўғридан-тўғри айтилган) Аммо бу имзоларнинг аҳамияти бир хил эмас. Буни кейинроқ кўриб чиқамиз.

Кўпчилик мамлакатларда қонунчилик жараёнининг ушбу босқичида давлат раҳбарининг орқага ташлаш (яъни кечиктириш)ветоси бўлиши мумкин, шундан кейин қонун парламентга янгидан кўриб чиқиш учун қайтарилади. Бунда кўпинча давлат раҳбарининг қонун мазмуни юзасидан эътироз ва мулоҳазаларининг парламентга шабар қилиши кўрсатилади.

Масалан, АҚШ Конституциясининг 1-моддаси, 7 боби, 2 қисмига мувофиқ, ҳар бир билль (қонун лойиҳаси) Конгресснинг иккала палатасидан ўтиб, қонун бўлишдан олдин АҚШ Президентига тақдим этилади. Президент ёки лойиҳани имзолайди ёки ўз эътирозини билдирган ҳолда лойиҳа дастлаб келган палатага қайтаради. Агар такроран кўриб чиқилгандан кейин палаталардан ҳар бири лойиҳани номма-ном, ўз таркибининг 2/3 қисми кўпчилиги билан қабул қилса, лойиҳа қонунга айланади. Президентга имзолаш учун 10 кун муддат берилади (бозор кунлари мустасно), бу муддат ўтгандан кейин, Президент ҳатто эътибор бермаган бўлса-да, Президент худди уни имзоланганидек, лойиҳа қонунга айланади.

---

<sup>1</sup> . Контрастгнатура-давлат раҳбаридан чиққан қонунинг вазир томонидан имзоланиши, яъни вазирнинг мазкур қонун бўйича юридик ва сиёсий масъулиятни ўз зиммасига олиши.

<sup>1</sup> . Бу немисча “ausferfigen” феълининг муқобили яъни асосий қонун шарҳида бу имзолаш маъносини билдиради.

Бундай Конституциявий низомлардаги муайян бўшлиқ “чўнтак ветоси” дея ном олган амалиётга олиб келди. Юқорида коенгресс сессияларининг дисконтинуитет принципи эслаб ўтилди. Сессия ниҳоясида Конгресс, одатда бунинг учун кўп қонунлар қабул қилади, мақсад уларни сессияда кўриб чиқишга кетган вақт беҳуда кетмаслиги керак. Агар Президент қонун лойиҳасини Конгресс сессияси тугашидан 10 кун аввал (кам эмас) олган бўлса, у лойиҳа имзоламаслиги мумкин ва билль қонун лойиҳаси ҳеч қачон қонунга айланмайди, агарки у Конгресснинг навбатдаги сессиясида такроран бутун процедураларни ўта олмаса. Президент худди “қонун лойиҳасини чўнтакка қўйгандай бўлади. Амалиёт (тажриба) шуни кўрсатадики, Президент кейинроқ ҳам истаган вақтида лойиҳани имзолаши мумкин ва қонунга айлантириши мумкин.

Агарда АҚШда Президент ветосини бартараф қилиш анча қийин бўлса, у ҳолда Ҳиндистонда бу нарса анча осон кечади. Конституциянинг 111-моддасига биноан, қонун лойиҳаси Президент томонидан қайтариб юборилганда лойиҳани палаталар қайтадан кўриб чиқадилар ва оддий тартибда тузатишларсиз ёки тузатишлар киритиб қабул қиладилар, шундай кейин Президент имзолаш учун эътироз билдира олмайди.

Бироз юқорида келтирилган Словакия мисолида қонунни имзолайдиган уч кишидан иборат Республика Президенти ўз фикрини билдирган ҳолда қонунни Миллий Кенгашга қайтариши мумкин ва буни ҳукумат талабига биноан қилишга мажбур (ҳукумат раисининг талаби билан эмас), шундан кейин қонун яна Миллий Кенгашда муҳокама қилинади ва одатдаги белгиланган тартибда чоп этилиш лозим. (Конституциянинг 87-моддаси, 3 ва 4-қисмлари) Бундан шу хулосага келиши мумкин, Миллий Кенгаш раиси имзосининг аҳамияти, кўриниб турибдики, фақат шунда эканки, қонун белгиланган тартибда Миллий Кенгаш томонидан қабул қилинган экан. Ҳукумат расининг имзоси эса Ҳукуматнинг қонунга қарши эътирози йўқлигини билдиради, бу эса қандайдир даражада раиснинг имзосини Президент имзоси билан тенглаштиради. Бу агар айтиш мумкин бўлса, контрастигнатурани ўрнини босувчидир.

Колумбияда қонун лойиҳалари Конституциянинг 157 ва 167 моддалрига биноан Ҳукумат томонидан санкцияланади, унинг бошида эса Президент туради. Агар ҳукумат палаталар томонидан мутлоқ кўпчилик овоз билан вето қўйса (кўриб турганимиздек бу АҚШ ва Ҳиндистон варинатларининг ўртаси) унда бу қонун

лойихаси янги эътирозлар ҳуқуқи берилмаган Президент томонидан санкцияланади, албатта, қонун лойиҳасининг конституциявий эмаслиги ҳақидаги эътироз бундан мустасно. Бундай ҳолатда, агар палаталар қатъий туриб олса, лойиҳа конституциявий судга берилади ва суд 6 кун ичида лойиҳанинг ижроийлиги масаласини ҳал этади. Суднинг ижобий қарори Президентга лойиҳани тасдиқлаш вазифасини юклайди, салбий қарори лойиҳа бўйича ишларнинг тўхтатилишини талаб этади. Агар суд лойиҳани қисман ижро этиб бўлмайдиган ҳисобласа, уҳолда буни лойиҳа дастлаб киритилган палатага билдиради, палата эса бу борада тегишли вазирни тинглаб суд қарорида гап борган лойиҳа моддаларини қайтадан қилиши лозим. Фақат шундан кейин лойиҳа сўнгги қарор учун Судга юборилади. Ниҳоят, чуқур демократик анъаналарга эга бўлмаган мамлакатлардагина эҳтимолий бўлган вазиятни тартибга солувчи 168-моддани эслаш жоиз ва шу нуқтаи назардан ҳам биз учун бу қизиқарли: Агар Президент қонуни ўз вақтида ва Конституцияда белгиланган шартларда тасдиқлаш вазифасини адо этмаса, қонунни Конгресс (яъни Сенат) раиси тасдиқлайди ва эълон қилади.

Энди промульгация (қонуннинг расмий эълон қилиниши) нима эканлигини тушунтириш вақти келди. “Юридик энциклопедик (қомусий) луғат бу атамани парламент томонидан қабул қилинган қонуннинг расмий эълон қилиниши. Қонун лойиҳасининг давлат бошлиғи томонидан конституция билан белгилаб қўйилган муддатларда санкцияланиши (одатдагидек ёки қисқартирилган ҳолда ва шунингдек қонуннинг расмий хабарномада расмий эълон қилинишини билдиради” деб таърифлайди. (лот. Promulgatio-эълон қилиш, халққа ёйиш маъносида) Бундан таъриф конституцияларда келтирилган атаманинг қўлланилишига тўла-тўқис тўғри келмайди”. Конституцияларда бу промульгация (эълон қилиш), санкциялаш(тасдиқлаш) ва нашр этиш каби турланади. Поляк “Кичик ҳуқуқий қомус” ушбу атамани аниқроқ, айнан “Ижроия ҳокимияти, одатда парламент томонидан қабул қилинган қонун лойиҳасининг эълон қилиниши ҳақида қарор қабул қилувчи ва ижроия ҳокимияти органларига ушбу актда кўрсатилган (буюрилган)ларга амала қилиниши таклиф этувчи давлат бошлиғининг муҳим ҳаракати” ўлароқ изоҳлайди. Бошқача айтганда, бу қонуннинг расмий эълон этилиши ҳақидаги фармойишни ўзида мужассамлантирган махсус ҳужжатнинг чоп этилишидир. Промульгация давлат бошлиғи чиқарадиган ҳужжат-фармон, буйруқ ва ҳоказолар билан амалга

оширилади, унинг матни расмий нашрларда эълон қилинаётган қонун матнидан олдин ёзилади.

Қонуннинг чоп(нашр) этилиши эса-қонуннинг тўла (аутентик) матни бериладиган расмий даврий ёки давомий нашрларда матннинг босиб чиқарилишидир. Нашр тарихи(дата) қонуннинг амалда бўлиши учун муҳим аҳамиятга эга: бу тарихдан бошлаб қонуннинг амал қилиш муддати ҳисоби давом этади.

Демократик мамлакатларда қонун нашр этилишидан олдин, фуқаролар ва бошқа шахслар қонуннинг мазмуни билан танишиши имкониятига эга бўлмай туриб кучга кира олмайди. Бу демак, қонун имзоланган пайтдан бошлаб кучга кириши мумкин эмас экан. Фақат давлат органларига мурожаат қилувчи ва инсон, фуқаронинг ҳуқуқ, мажбуриятлари, эркинликлари, масъулиятлари ва манфаатларига тегишли бўлмаган қонунларгина нашр этилиш пайтидан бошлаб кучга киради.

Қолган қонунларнинг кучга кириши учун нашрдан кейин маълум бир вақт белгиланади: Францияда-бир кун, Италияда-15 кун, Японияда-20 кун. Қонун матнида ундан ҳам кўпроқ муддат белгилаб қўйилиши мумкин. Бу нарса ҳуқуқни қўлловчи ва ҳуқуқдан фойдаланувчилар янги қонунни ўрганиб чиқишлари ва ўз фаолиятлари ва ҳатти-ҳаракатларини қонун талабаларига мослаштиришлари учун жуда зарур.

6. Қонунчилик жараёнининг молиявий соҳадаги ўзига хосликлари

Ижтимоий муносабатларнинг ушбу соҳаси сўнгги ўн йилликларда анча асосланган конституциявий тартибга солинди. Молия(лар)-давлат жамият тараққиётининг барча соҳаларига тўла таъсир кўрсата оладиган механизм (ричаг)лардан биридир. Биз юқорида парламентларнинг молиявий аҳволи ҳақида гапириб ўтдик. Энди молиявий қонунларнинг ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши тартибида тўхталиб ўтиш вақти келди. Шу муносабат билан, аввало далват бюджети ҳақидаги қонунни эслатиб ўтиш лозим бўлади.

Баъзи мамлакатларда, масалан АҚШда молиявий қонун лойиҳаси тушунчаси (money bill-яъни пул ҳақидаги қонун лойиҳаси) бюджет ҳақидаги қонун лойиҳасини ўз ичига олади, бошқа мамлакатларда, масалан Германияда эса ўз ичига олмайди.

Парламент кун тартибига бюджет лойиҳасининг киритилиши-ижроия ҳокимиятининг имтиёзидир. АҚШда лойиҳани Президент,

Хитой, Вьетнам, Италияда эса-хукумат, Буюк Британияда-молия вазири киритади. Бюджет, одатда бир ўқишда муҳокама қилинади, қолаверса музокаралар одатда вақтга қараб чегараланади: жамоалар палатасида (Буюк Британияда) музокаралар кўпи билан –26 кун, Франция Миллий мажлисида эса кўпи билан 40 кун, Франция Сенатида-кўпи билан 15 кун давом этиши мумкин. Агар кўпчилик парламентларда бюджет муҳокамасида ягона бюджет кўмити (комиссия)си асосий ҳисобланади. АҚШ вакиллар палатасида бюджетнинг харажат қисми ассигнованиялар (ажратмалар) бўйича иш олиб борувчи кўмити томонидан муҳокама этилади, даромадлар қисми эса-маблағлар ва йўллар кўмитаси томонидан кўриб чиқилади; бюджет бутунлигича бутун палата кўмитасида муҳокама этилиши мумкин.

Фақат баъзи бир мамлакатларда депутатларнинг бюджет ҳақидаги қонунга тузатишлар киритишни таклиф этиш ҳукуқи чекланмаган. АҚШда парламентарийлар шундай тузатишларни таклиф қилишадик, улар асосида баъзан алоҳида дастурлар бўйича ассигнованиялар ҳатто қисқартирилади, аммо бундай тузатишлар амалдаги қонунларни ўзгартирмаслиги керак. Кўпчилик парламентардан парламентарнинг тузатиш киритиш ҳукуқлари кескин чегаралаб қўйилган. Масалан, Испания депутатлар Конгресси Регламенти деб белгиланишича, харажатларнинг оширилишини таклиф этувчи тузатишлар фақат бюджетнинг худди ўша бобидаги харажатларнинг тенгма-тенг пасайтирилиши ҳолатидагина муҳокамага қабул қилиниши белгилаб қўйилган, даромадларнинг камайишини таклиф қилувчи тузатишлар эса ҳукумат розилигисиз кўриб чиқилмайди.

Буюк Британияда бюджет оддий, кўпчилик овоз билан тасдиқланади, Францияда эса-мутлақ, кўпчилик билан овоз билан. Бунда харажатлар бўйича ҳар бир модда, смета бўйича умумий, даромадлар бўйича эса-фақат смета бутунича овозга қўйилади.

Давлат бюджети принципида навбатдаги молия йил бошигача маъқулланиши лозим, акс ҳолда давлат харажатлари қонуний асосланмасдан қолиб кетади. Бундан бюджетнинг ишлаб чиқилиши ва Пралментга тақдим этиши учун тегишли муддатларнинг белгиланиши ҳам келиб чиқади. Бироқ ҳаётда ҳар нарса рўй бериши мумкин, бирор бир сабабга кўра молия йилининг бошида бюджетни қабул қилиш имкони бўлмайди. Шу боис баъзи мамлакатларнинг

конституциялари бундай ҳолатдан чиқишнинг турли йўллари кўзда тутилди:

Ҳукумат ўз акти билан бюджет лойиҳасини вақтинча кучга кирита олади. Масалан, Франция Конституциясининг 47-моддаси шуни кўзда туладики, миллий мажлис бюджетни биринчи ўқишдаёқ 40 кун муддат ичида қабул қилиши лозим, агарда бундай бўлмаса, у ҳолда ҳукумат бу ишни 15 кун ичида қилиши лозим бўлган сенатга мурожаат қилади, шундай сўнг юқорида кўриб чиқилган “МОКИ”ни тугатиш(тўхтатиш) процедураси (муолажаси) қўлланади. Агард 70 кун мобайнида Парламент бюджетни қабул қилмаса, қонун лойиҳасидаги ҳолатлар ҳукумат ордонанси тмонидан кучга киритилиши мумкин. Агарда ҳукумат бюджетни Парламентга ўз вақтида киритмаса, у ҳолда Парламентдан солиқ солишга рухсат олади ва бюджетнинг қабул қилинган қисмларига мувофиқ кредитлар очади;

Паламент, масалан, Австрия федерал конституциявий қонунининг 51-моддаси 3-қисми ёки Польша Конституциясининг 219-моддаси 3 қисмида кўзда тутилганидек бюджетнинг вақтинчалик ижроси ҳақида махсус қонунни қабул қилиши мумкин. (Польша Конституцияси 219 моддаси 4 қисмига мувофиқ бюджет ҳақида ҳеч қандай қабул қилинмаса Вазирлар Кенгаши киритилган қонун лойиҳаси асосида ҳаракат қилади);

Конституция ўтган йил бюджет ҳаракатининг узайтирилишини кўзда тулади. Масалан, Германия Асосий Қонунининг 111-моддасига мувофиқ,агар бюджет ҳақида қонун ўз вақтида қабул қилинмаган бўлса, у ҳолда федерал ҳукумат ўтган йил бюджетига амал қилиши мумкин, чекланган миқдорда бўлса-да: ҳукумат қонун билан белгиланган тадбирларни ўтказиш: Федерациянинг асосланган мажбуриятларини бажариш, қурилиш, харид ва бошқа шунга ўхшаш тадбирларни давом эттириш ёки уларни молиявий таъминлаш учун зарур бўлган харажатларнигина амалга ошириш мумкин зеро бу олдинги бюджетда кўзда тутилган. Агарда бунга бюджет маблағлари етмаса, ҳукумат ўтган йилги бюджет умумий миқдорининг 1/4 дан кўп бўлмаган миқдорда кредитларга мурожаат қилиши мумкин.

Англо-америка ҳукуқий тизимидаги мамлакатларда молиявий (пулли) қонунни лойиҳалари фақат парламентнинг қуйи палатасига киритилаёпти (умуман, буни қуйи палата юқори палатадан кучла биўлган бошқа мамлакатларнинг парламентларида ҳам кузатиш мумкин, масалан Францияда). Бунда, агар АҚШ Конституцияси (1-

модда, 7-боб, 1-қисм) давлат даромадларини кўзда тутувчи қонун лойиҳалари ҳақида сўз юртиса, Филиппин Конституцияси Америка тажрибасини ҳисобга олиб бир қатор молиявий билль(қонун лойиҳалари)ни санаб ўтади, бу : ассигнования (ажратмалар) ҳақида, давлат даромадалари, тарифлар ҳақида, давлат қарзини оширишга рухсат этилиши ҳақидаги, маҳаллий буюртмалар ҳақидаги қонун лойиҳалари. Бунга хусусий қонун лойиҳалари, яъни алоҳида аниқ ҳуқуқ субъектларига тегишли қонун лойиҳалари (У! модда, 24 боб) шунингдек, Филиппин Конституцияси яна шуни белгилаб қўйганки. Конгресс Олий ҳокимият органлари (Government) фаолиятини молиялаштириш учун бюджет лойиҳасида Президент томонидан тавсия этилган ассигнования (ажратма)ларни ошира олмайди. Ҳеч қандай меъёр ёки буйруқ-кўрсатма ассигнованиялар ҳақида умумий қонун лойиҳалари жумласига кира олмайди, агар у қандайдир ажратмага бевосита алоқадор бўлмаса ва унинг учун белгиланган чегаралардан ошиб ўта олмайди. Конгресс фаолияти учун ажратмалар бошқа орган ва муассасалар фаолиятига ажратиладиган маблағлардан кейин муайян тартибда маъқулланади, яъни у ўз фаолиятини қандайдир алоҳида муҳим тартибда молиявий таъминлай олмайди.

Махсус ажратмалар ҳақидаги қонун лойиҳалари бундай ажратмаларнинг мақсади ва маблағлаштириш манбаини белгиламоғи лозим. Ажратмалар мўлжалланган мақсадини ўзгартирилишига рухсат этувчи қонунларнинг чиқарилиши тақиқланган, бироқ олий давлат органлари ва муассасалар раҳбарларига (Президентга, Конгресс палаталари раисларига ва б.) тегишли орган ва муассасалар фаолиятига умумий ажратмалар чегарасида айрим маблағ миқдорини ўзгартиришга рухсат этилади. Айрим мансабдор шахслар ҳисобига қонунда белгиланган мақсадларга мўлжалланган ва ихтиёрий равишда сарфланадиган маблағлар ассигнация қилиниши мумкин. Агарда Конгресс молия йилининг охирида келгуси молия йилига ажратмалар ҳақида умумий биллни тасдиқлашга улгурмаса, у ҳолда бу билл (лойиҳа) тасдиқлангунига қадар олдинги, молия йилидаги ажратмалар ҳақидаги умумий қонун амалда бўлаверади. (У! модда 25 боб)

Германия Асосий Қонуни ўзининг 110-моддасида белгилашича, Федерациянинг барча даромад ва буромад (харажат)лар бюджетга киритилади. Бюджетдан ташқари фондларга, шу тарзда йўл қўйилмайди, яъни рухсат этилмайди. Федерал корхоналар ва муҳим аҳамиятли мулкка нисбатан фақат қўшимча ассигнованиялар ва соф

фойдадан ажратмалар кўрсатилади. Бюджет бир молия йили ёки бир неча йилга алоҳида-алоҳида йили кўрсатилган ҳолда биринчи ҳисобот йили бошлангунига қадар бюджет қонуни билан тасдиқланади. Унинг баъзи бир қисмлари ҳисобот йиллари бўйича тақсимланган турли даврларда амалда бўлиши мумкин. Бюджет ҳақидаги қонун лойиҳаси ва бюджет ва бюджет ҳақидаги қонуннинг ўзгартирилиши бўйича лойиҳалар Бундестагга киритилади ва бир вақтнинг ўзида Бундесратга юборилади. Бундесрат 6 ҳафта ичида, ушбу лойиҳалар бўйича ўз фикрини айтишга ҳақлидир. (ўзгартиши ҳақидаги лойиҳалар бўйича уч ҳафта ичида) Бюджет ҳақидаги қонунга федерациянинг даромадлари ва сарф харажатлари ва қонун қабул қилинадиган даврга тегишли буйруқ кўрсатмалар киритилади. Қонун шуни кўзда тутиши мумкинки. Унда кўрсатилганлар бюджет ҳақидаги навбатдаги қонун кучга кириши билан ўз кучини йўқотади, айрим қонун ҳолатлари эса кўпроқ муддат амалда бўлиши мумкин.

Бундестаг регламенти бюджет ҳақидаги қонун, бюджет лойиҳаларини, лойиҳаларнинг ўзгартирилиши ҳақидаги таклифлар, кўрсатиб ўтилган қонунни ўзгартириш лойиҳалари (бюджетга қўшимчалар киритилиши ҳақидаги лойиҳалар) шунингдек бюджетга алоқадор бўлган бошқа лойиҳаларни бюджет қонун лойиҳалари деб ҳисоблайди. Бундай лойиҳалар доимий қўмиталарнинг хулосаларини тинглаш ва уларнинг фикрини етказишга мажбур бўлган бюджет қўмиталарига берилади. Қўшимча ёзма ашёлар ва лойиҳалар биринчи ўқиш ўтказилмасдан бюджет қўмитасига берилиши ва бир ўқишда тамоман кўриб чиқилиши лозим. Бюджет ҳақидаги қонун ва бюджетнинг иккинчи ўқилиши камида 6 ҳафтадан кейин, бюджетга қўшимчалар ҳақидаги қонун лойиҳаларининг охириги ўқилиши эса-энг эрта, Бундесратнинг фикри муддатидан олдин олинishi ҳолларидан ташқари, лойиҳа келиб тушгандан кейин уч ҳафатдан кейин ўтказилиши лозим. Бюджетга қўшимчалар киритилиши ҳақидаги қонун лойиҳалари бюджет қўмитасида Бундесрат фикри олингандан кейин бир иш ҳафтаси ичида муҳокама қилиниши лозим ва маъруза Бундестагнинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилади. Агар маъруза тайёр бўлмаса, қонун лойиҳаси қўмитанинг маърузасиз кун тартибига киритилади. Кўриб турганимиздек, бюджет жараёнининг қоидалари ўта қатъий.

Бундестан Регламенти ўзининг принципиал аҳамияти ёки молиявий тартибга солиниши ҳажми натижасида федерация ва вилоятларнинг маблағларига тубдан таъсир этадиган ва бюджет



қонун лойиҳаси бўлмаган барча лойиҳаларни молиявий қонун лойиҳалари деб ҳисоблайди. Улар биринчи ўқишдан кейин бюджет қўмитаси ва махсус қўмитага узатилади. Бюджет қўмитаси жорий ва келажак бюджети билан молиявий қонун лойиҳасининг мослаштириш имконияти бор-йўқлигини текширади, агар қонун лойиҳасининг бюджетга таъсири аниқланса, Бундестагга тушумларнинг камчиликларини қоплаш ёки харажатларини ошириш ҳақида таклиф киритади. Агар қонун лойиҳасининг иккинчи ўқиши уни молиявий лойиҳага айлантириб кўядиган бўлса, уҳолда муҳокамадан кейин бюджет қўмитасида учинчи ўқиш ўтказилади. Учинчи ўқиш лойиҳага ўзгартириш киритилганидан кейин икки ҳафта ўтгач ( 1 ҳафтадан кўпроқ вақт ўтгач) ўтказилиши мумкин.

Асосий қонунинг 113-моддасига мувофиқ, агар федерал ҳукумат томонидан таклиф этилган бюджет харажатларини кўпайтирадиган бўлса, янги харажатларни ҳам киритади ёки уларга келажакда йўл очиб беради, даромадларни камайтиради ёки уларнинг келажакда камайишига таъсир кўрсатади, у федерал ҳукумат томонидан маъқулланишига муҳтож бўлади. Федерал ҳукумат Бундестагнинг бундай қонун лойиҳаси бўйича қарор қабул қилинишини кечиктирилишини талаб қилиши мумкин, бундай ҳолатда 6 ҳафта муддат ичида Бундестагга ўз фикрини билдириши ҳукуқига эга бўлади. Агар бундай қонун Бундестаг томонидан қабул қилинса, федерал ҳукумат 4 ҳафта муддат ичида янги қарор қабул қилинишини талаб қилиши мумкин. Ҳукумат 6 ҳафта ичида қонун қабул қилишга розиликни рад этиши мумкин ва фақат агарда юқорида келтирилган процедуралардан фойдаланган бўлса. Бу муддат ўтгандан кейин розилик берилган ҳисобланади.

7. Конституциявий ва органик қонунлар лойиҳаларининг муҳокамадан ўтиши ва қабул қилиш хусусиятлари

Биз юқорида ҳам эслатиб ўтганимиздек, турли мамлакатларда конституциявий, шунингдек органик (туб, асосий) қонун тушунчаси турли мазмунга эга. Биз бу ерад қуйидагиларни кўриб чиқамиз: а) Конституциянинг ўзгариш тартиби билан боғлиқ 116-боб, 3-параграфнинг 4-бандда бу масалаларни кўриб чиқилганлигини ҳисобга олиб, конституцияларнинг ўзгартириш процедураси (жумладан конституцияларнинг тўла алмаштирилиши-тўла конституциявий ислоҳат) Эслатиб ўтиш жоиз, конституцияларни ўзгартириш тартиби

содда, қатъий ва аралаш бўлади. Қисқа қилиб номлайдиган бўлсак, бунга тегишли актларни конституциявий актлар деб номлаймиз, бироқ бунда унутмаслик керак, 1 бобнинг 1 параграфи, 7-бандида айтиб ўтилган умуман бошқа актлар ҳам конституциявий акт деб аталиши мумкин. б) меъёрий ҳужжатлар (актлар) тартиб рўйхати (иерархияси)да оддий қонунлардан юқори турувчи ва кўпинча конституциявий, органик(қўшимча ва ҳок. Номлар билан аталувчи конституциядан кейин турувчи қонунларни ўзгартириш процедураси(тартиби). Қисқароқ бўлиши учун бундай гуруҳга кирувчи қонунларни органик қонунлар деб атаймиз ва умид қиламизки, ўқувчи бундай турдаги қонунлар учраб қолиши мумкин бўлган бошқа номлари борлигини ҳам унутмайди.

Қонунчилик жараёнининг конституциявий қонунларга нисбатан олгандаги ўзига хосликлари(юқорида кўрсатилган тор маънода) кўпинча қонунчилик ташаббуси босқичидан бошланади. Унинг субъектлари доираси оддий қонунчилик ташаббуси субъектлари доирасидан анча тор бўлади, баъзан эса умуман бошқача бўлади, унда уни амалга ошириш шартлари –анча мураккаб бўлади. Бунга мисоллар келтираемиз.

Масалан, Бразилия Конституциясининг 61-моддасига кўра оддий қўшимча қонунларга нисбатан ташаббус ҳуқуқи, таъкидланганидек депутатлар палатасининг федерал сенат ёки Миллий Конгресснинг ҳар қандай аъзоси ёки ҳар қандай комиссиясига, Республика Президенти, Федерал олий трибунал, олий трибуналлар ва фуқаролар гуруҳига берилган. Конституцияни ўзгартиришга нисбатан эса бундай ҳуқуқдан Миллий Конгресснинг исталган палатаси аъзоларининг 1/3дан кам бўлмаган қисми, Республика Президенти ва федерал бирликлар (яъни штатлар ва федерал округлар) қонунчилик мажлисларининг ярмидан кўпи нисбатан кўпчиликини ташкил этувчи аъзолари томонидан уларнинг ҳар бирида қабул қилинган қарорларга кўра фойдаланадилар. Бунда федерал интервенция (қуйида Х1 боб, 1 параграф, 8-бандга қаранг) муудофаа ва фавқулодда ҳолатлар вақтида Конституцияни ўзгартириш мумкин эмас. Федератив тузум, даврий тўғридан-тўғри, яширин ва умумхалқ овоз беришлари, ҳокимиятларнинг тақсимланиши, шахсий ҳуқуқ ва кафолатларнинг бекор қилинишини кўзда тутувчи конституция ўзгартиришларини тақлиф этиш тақиқланади. Рад этилган ёки зарарли деб эътироф этилган конституцияни ўзгартириш

ҳақидаг таклиф ўша сессиянинг ўзида янги ташаббус предмети бўлиши мумкин эмас. (Конституциянинг 60-моддаси)

Руминияда ҳам оддий қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи ҳукуматга, Прапарламент аъзолари ва 250 минг сайловчидан иборат ва уездларнинг 1Ғ4дан кам бўлмаган қисмини ваколат кўрсатувчи фуқаролар гуруҳига берилган бўлса, у ҳолда Конституцияни қайта кўриб чиқиш ташаббуси билан ҳукумат таклифига кўра Руминия Президенти депутатлар ва сенаторларнинг камида 1Ғ4 қисми ёки ҳар бир уездда ёки Бухарест муниципиясида камида 20000 имзо рўйхатга олинган ҳолда уездларнинг камида ярмисини ваколат кўрсатувчи энг кам 500 сайловчи чиқиши мумкин.

Испанияда эса Конституциянинг 166-моддаси 1 қисмига кўра конституциявий ислоҳат ташаббуси худди одатдаги қонунчилик ташаббусидагидек шартларда амалга оширилади. Худди шу нарсани бошқа бир қатор мамлакатларга тадбиқан ҳам айтиш мумкин.

Конституциявий ислоҳатлар лойиҳаларини муҳокама қилиш тартиби ўзига хосликларга эга ва конституциялар билан камдан кам тартибга солинади. Бразилия Конституцияси 60 модда 2 параграфиди белгилайдики, Конституцияни ўзгартириш таклифи Миллий Конгресснинг ҳар бир палатасида икки ўқишда (икки турда) муҳокама қилинади ва овозга қўйилади.

Конституциявий ўзгартишларнинг қабу қилиниши барча конституцияларда тартибга солинган. Германия асосий қонунининг 79-модда, 2 қисмига мувофиқ Асосий Қонуннинг ўзгартирилиши ҳақидаги қонун Бундестаг аъзоларининг 2Ғ3 қисми, Бундесрат аъзоларининг ҳам 2Ғ3 қисми розилигига муҳтож бўлади. Бразилия Конституциясининг ўзгартирилиши унинг 60-модда, 2 параграфига мувофиқ Миллий Конгрессдаги ҳар бир палата аъзоларининг ҳар бир ўқишдан кейин 3Ғ5 овоз билан қабул қилинади.

Испания ва Руминия Конституциялари конституцияларни ислоҳ қилиш бўйича парламентларининг палаталари орасидаги бўлиши мумкин бўлган ихтилофлар ҳақидаги масалаларни тартибга солади.

Испания Конституциясининг 167-моддасига биноан Конституциявий ислоҳат лойиҳаси Бош Кортеслардаги ҳар бир Палатанинг 3Ғ5 таркиби томонидан маъқулланмоғи лозим. Палаталар орасида ихтилофлар юзага келганда, палаталарга келишилган матнни тақдим этувчи келишув комиссияси ташкил этилади. Агарда розилик процедураси муваффақиятсизликка учраса ва лойиҳа Сенат

таркибининг мутлоқ кўпчилиги билан маъқулланса, унда Конгресс ўз таркибининг 2/3 кўпчилиги билан лойиҳани маъқуллаши мумкин.

Агар Бош кортеслар томонидан конституциявий ислоҳат қабул қилинганидан кейин 15 кун ичида ҳар қандай палатанинг 1/10 аъзолари буни талаб қилса, у ҳолда ислоҳат референдумга қўйилади. Агарда реформа тўла бўлса қисман конституциянинг умумий меъёрларига тож (корона)нинг асосий ҳуқуқлари ва умумий эркинликлари ёқимақомига таъсир этадиган бўлса, у ҳолда 168-моддага биноан реформа тамойилларининг ҳар бир палатанинг 2/3 таркиби томонидан маъқулланиши талаб қилинади, шундан кейин Бош кортеслар зудлик билан тарқатиб юборилади. Янги сайланган палаталар қарорни тасдиқлаши ва конституциянинг янги матнини ўрганиб чиқиб, ҳар бир палатада 2/3 овоз билан тасдиқлаши лозим, шундан кейин ислоҳат референдумга чиқарилади.

Руминияда Конституциянинг 147-моддасига мувофиқ унинг қайта кўриб чиқилиши Парламентдаги ҳар бир палатанинг 2/3 таркиби томонидан маъқулланмоғи лозим, агар палаталар орасида ихтилофлар юзага келса, унда уларнинг қўшма мажлисларида палата таркибининг 3/4 қисми томонидан маъқулланиши лозим. Конституциянинг қайта кўриб чиқилиши референдумда тасдиқланиши лозим.

Биз юқоридаги мисолларни Конституцияни ўзгартириш ҳақидаги масалани кўпчиликни ташкил этувчи парламентарлар, ҳеч бўлмаганда малакали парламентарлар ихтиёрига қолдирмаслик тенденцияси бутун дунёда кучайиб бораётганлигини кўрсатиш мақсадида келтириб ўтдик.

Табиийки, уларнинг тутган ўрни жуда катта, лекин сўнги(ниҳойи) сўз, айниқса парламентарлар орасидабирлик бўлмаганда бевосита таъсис ҳокимиятини амалга оширувчи халққа берилади.

Қатор мамлакатларда, таъкидлаб ўтилганидек, биз умумлаштириб, орагинк қонунлар деб номлайдиган қонунларнинг муҳим тоифаси мавжуд, ҳолбуки муайян мамлакатларда улар баъзан бошқа ном билан ҳам юритилади, баъзида эса умуман ҳеч қандай номланмайди ва улар оддий қонунлардан фақат қабул қилиниш тартиби билангина фарқ қилади.

Италия Конституциясининг 138-моддасида Конституция ва бошқа конституциявий қонунларни қайта кўриб чиқилиши ҳақидаги қонунларни қабул қилиш тартиби меъёрлаштирилади, қолаверса бу тартиб бир хил. Бу моддани ҳисобга олмасак, Конституциявий

қонунлар Конституцияда икки маротаба эслаб ўтилади: бешта вилоятнинг алоҳида автономлаштирилиши ҳақидаги статуслар конституциявий қонунлар кўрринишида қабул қилиниши ўтилган 116 моддада ва 137 модада эслаб ўтилади, унга мувофиқ конституциявий қонунлар конституциявий суднинг мустақил судьяларининг конституциявийлиги ва қафолатланганлигининг текширилиши ҳақида иш қўзғатиш шакл ва муддатлари, шартлари белгилаб қўйилади.

Конституциявий қонунлар уч ой ораликни( ундан кам бўлмаган) кетма-кет икки муҳокамадан кейин Парламентнинг ҳар бир палатаси томонидан қабул қилинади ва ҳар бир палата таркибининг мутлақ кўпчилик овози билан иккинчи овоз бериш чоғида преюдициал ёки кечиктириладиган масаланинг кун тартибига қўйилишига рухсат этилмайди ва қонун лойиҳасининг умумий йўналишлари муҳокама қилинганидан кейин палата алоҳида моддаларни муҳокама қилиб ўтирмасдан сўнгги овоз беришга киришади. Энди, шундан кейин бирор-бир тузатиш киритилишига йўл қўйилмайди.

Бу турли қонунлар нашр этилгандан кейин уч ой ичида буни ҳар қандай палатанинг 1/5 қисми ёки 500 сайловчи ёки бўлмаса вилоят кенгашларининг бештаси талаб қиладиган бўлса, қонунлар референдумга чиқарилади ва унда уларнинг маъқулланиши учун кўпчилик ҳақиқий овоз талаб этилади.

Агарда иккинчи овозга қўйишда палаталарнинг ҳар бирида қонун палатанинг 2/3 қисми овози билан маъқулланган бўлса, у ҳолда референдум ўтказилмайди.

Франция Конституциясида органик қонунларда анчагина тўхталишлар бор. Унинг 46-моддасида органик қонунлар ҳақидаги қонунчилик жараёни хусусиятларини белгиланади. Органик қонун лойиҳаси ёки таклифилоиҳалар киритилгандан кейин камида 15 кундан кейин парламент палатасида муҳокама ва овозга қўйилади.

Ундан кейин ҳам оддий қонунлар муҳокамаси ва қабул қилинишидаги процедура (тартиб)лар қўлланади бироқ палаталар орасида келишув бўлмаса, органик қонун Миллий Мажлис томонидан охириги ўқишда фақат ўз таркибининг мутлақ кўпчилиги билан қабул қилиниши мумкин. Агарда органик қонун Сенатга таалқули бўлса, у ҳолда қонун бир хил таҳрирда иккала палата томонидан қабул қилинмоғи лозим. Қабул қилинган органик қонунлар Конституция Кенгашига келиб тушади, Кенгаш

қонунларнинг Конституцияга уйғунлигини текширади ва фақат шундан сўнг эълон қилиниши мумкин.

Палата регламентлари органик қонунлар ёки уларга ўзгартириш киритиш ҳақидаги қонунларга органик характерга эга бўлмаган ҳолатларни киритишни тақиқлайди.

Испания Конституцияси ҳам органик қонунларда жуда кўп марта тўхталган ҳолда ўзининг 81-моддаси, 2 қисмида уларни қабул қилишнинг тартибдаги ягона хусусиятни белгилайди. Бундай қонунларнинг маъқулланиши, ўзгартирилиши ва бекор қилиниши лойиҳа юзасидан энг охириги овозга қўйиш чоғида депутатлар конгресси таркибининг мутлақ кўпчилик овозини талаб қилади.

Худди шундай Бразилияда кўшимча қонунлар мутлақ кўпчилик овоз билан Конституциянинг 69-моддасига биноан маъқулланади.

Худди шунга ўхшаш тартибга солиш Колумбия Конституциясининг 151-моддаси охириги учинчи жумласида мужассам. У органик қонунларга нисбатан олинган бўлиб, унинг воситасида Конгресс ва ҳар бир палатанинг регламенти, даромадлар сметаси ва ажратмалар ҳақидаги қонуннинг тайёрланиши, маъқулланиши ва ижроси, умумий тараққиёт режаси, ҳудудий бирликларга меъёрий ваколатлар бериш қоидалари белгилаб қўйилади.

Ушбу Конституция яна бир қонунлар тоифасини ҳам кўзда тутадими, уларни предметига кўра органик қонун деб атаса бўлади, улар алоҳида тартибда қабул қилинади. Бундан статут қонунлар(низоми) Конституциянинг 152-моддасига биноан шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, уларни ҳимоя қилиш процедура, фуқароларнинг сиёсий иштироклари механизмларини тартибга солади. 153-модда низоми қонунларининг маъқулланиши, ўзгартирилиши ва бекор қилиниши Конгресс аъзоларининг кўпчилик овозини талаб қилинишини кўзда тутди. Улар бир лигислатура доирасида амалга оширилиши лозим. Процедура қонун лойиҳасининг Конституциявий суд томонидан ижройилигини олдиндан текширувдан ўтказишни кўзда тутди, ундан ташқари ҳар қандай фуқаро лойиҳани ҳимоя қилиши ва унинг устида тортиша олиши мумкин.

8. Халқаро шартномаларнинг ратификация ва денонсация (амал қилишининг тўхтатилиши) қилиш тартибларининг ўзига хосликлари

Одатда, парламентлар халқаро шартномаларни ратификация қиладилар ва амалда бўлган шартномаларнинг амалда бўлишини тўхтатадилар, яъни бекор қиладилар ёки қонун кўринишида уларга розилик беради. Шунинг учун ҳам биз бу ерда, худди юқорида кўриб чиқилган ҳолатлардаги каби баъзи бир ўзига хосликлари билан ажралиб турувчи қонунчилик жараёни ҳақида айтиб ўтаяпмиз.

Ушбу процедуранинг умумий хусусияти шундаки парламентлар ратификация қилинаётган халқаро шартномалар матнига тузатиш критикини таклиф этолмайдилар: бу халқаро ҳуқуқда таъқиқланган. Фақат ратификация қилишга “ҳа” ёки “қарши” овоз беришлари мумкин. Француз Миллий мажлиси Регламентида тўғридан-тўғри шундай дейилган: “Агар шартноманинг ратификация қилиниши ва ратификация қилинмайдиган халқаро битимнинг маъқулланиши ҳақидаги қонун лойиҳаси Мажлисга тақдим этилган бўлса, унинг моддалари бўйича овоз берилмайди ва унга тузатишлар ҳам киритилмайди” (128-модда 1 қисм) Мажлис қонун лойиҳасини қабул қилади ёки рад этади, ёки бўлмаса сабабини кўрсатиб, кечиктириши мумкин. Агарда халқаро шартномадаги бирор-бир ҳолатнинг Конституцияга мувофиқлиги хусусида шубҳа туғилса, унда Конституциявий Кенгашга мурожаат қилиниб, масаланинг муҳокамаси тўхтатилади. Конституциявий Кенгаш шартнома ва Конституция орасида зиддият йўқлиги ҳақида қарор чиқарилгандан кейин муҳокама янгиланади.

Колумбия Конституциясининг 164-моддаси Конгресс зиммасига ҳуқумат томонидан муҳокамага қўйилган инсон ҳуқуқлари ҳақидаги шартномаларнинг тасдиқланиши ҳақидаги қонун лойиҳаларининг биринчи навбатда кўриб чиқилиши юклайди.

Испания Конституциясининг ўзига хослиги шундаки, у парламент томонидан нафақат ратификация ва денонсация қилишга рухсат этилишини, балки баъзи ҳолларда халқаро шартномаларни тузишга рухсат этилишини ҳам кўзда тутди. Масалан, халқаро ташкилот ёки халқаро муассасага Конституциядан келиб чиқадиган ваколатларни амалга ошириш ҳуқуқининг берилиши ҳақидаги шартнома фақат органик қонун шаклида берилган ваколат асосида тузилиши (имзоланиши мумкин. (93-модда, 1 жумла)

Европа Иттифоқи аъзолари бўлган мамлакатларнинг парламент регламентлари Иттифоқининг қонуний ҳужжатларини кўриб чиқиш билан боғлиқ ҳолат (меъёр)ларни ўз ичига олган бундай процедуралар ушбу ҳолатда умуман кўзда тутилмайдиган

(қонуний) оқтларнинг ратификация ёки денонсация қилиниши билан боғлиқ бўлмаган процедуралардир. Бироқ ЕИнинг қонуний ҳужжат (акт)лари аъзо-давлатлар ҳуқуқий тартибот элемент (унсур)ларини ташкил этувчи меъёрларни ўзида мужассамлантириши мумкин бўлгани учун ҳам бу давлатларнинг парламентлари бу тур ҳужжатларни диққат-эътибордан четда қолдирмасликлари лозим.

Германия Асосий қонунида (1992 йиодаги таҳрир, 23 модда 2 ва 3 қисмлар) белгилаб қуйилганидек, Европа Иттифоқи ишида Бундестаг ва Бундесрат воситасида вилоятлар иштирок этади. Федерал ҳукумат Бундестаг ва Бундесратни ЕИда иштирок этишдаги муаммолар ҳақида батафсил ва олдиндан хабардор этиши иттифокнинг меъёрий ҳужжатлари қабул қилиниши ҳақидаги музокаралар чоғида эса, Бундестагга музокаралар чоғида ҳисобга олинадиган позициясини олдиндан ишлаб чиқишга имкон яратиб бериши лозим.

Италия Парламенти палаталарининг регламентларида Европа ҳужжатларининг ташқи ишлар комиссиялари фикрини сўраб олувчи тегишли комиссиялар муҳокамасига тақдим этилиши қонун ҳужжатини кўриб чиқади ва палатад тарқатиладиган, ҳамда палата раиси томонидан бошқа палата раиси ва вазирлар Кенгаши Раисига етказиладиган эҳтимолий ташаббуслар ҳақида таклиф кирита олади.

## 6-§. Парламентнинг бошқа махсус процедура(тартиб)лари

### 1. Сайлов ва тайинлов процедура (тартиб)лари.

Биз юқорида иккала процедуранинг ўхшаш ва фарқли томонларини таъкидлаб ўтдик. Иккаласида ҳам овозга қўйиш асосий, бош босқич ҳисобланади, ораларидаги фарқ эса биринчи ҳолатда номзодлар сонининг эгалланадиган жой (ўрин)дан ошиши мумкинлиги, иккинчи ҳолатда эса –бу сонларнинг тенглигидан иборат. Такроран айтиладиган бўлса, назарий жиҳатдан амалиётда шундан ҳолатлар ҳам учрайди: яъни бир кишидан бир киши сайлаб олинади, кўп кишидан бир киши тайинлаб ҳам қўйилади.

Аввало, бир палатали парламентлар ва икки палатали парламентларнинг палаталари (жуда кўп ҳолларда) ўз раислари ва бошқа юқори лавозимли шахсларни сайлаб олади (вице-раисларни, котиблар, квесторлар ва б.) Юқорида, биз мажлислар ҳақида сўз юритаётиб, бу масалада ҳам тўхталиб ўтдик. Шу боис ҳам регламентар тартибга солиш ҳақида янги мисоллар келтиришга зарурат йўқ бўлса керак. Амалиётда бундай сайловлар-кўпинча оддий



расмиятчиликдан бошқа нарса эмас, чунки масала фракциялар орасида олиб борилган музокаралар натижасида олдиндан ҳал этиб бўлинган.

Миллий кенгаш регламенти ҳақидаги Австрия Федерал қонуни қуйидагича бу палата амалга оширган сайловлар процедурасини тартибга солган.

Сайловлар мустақил масала сифатида кун тартибига киритилади. Одатда улар бюллетенлар, воситасида ўтказилади, натижалар эса ҳақиқий кўпчилик овозлар билан белгиланади. Фақатгина кўмита сайловлари д, Ондт метод (усул)и бўйича ўтказилади, чунки депутатлар клублари уларда ўз сонига пропорционал равишда кўрсатилмоғи лозим. Номзодлар ҳақидаги таклифлар Миллий Кенгаш Президентига тақдим этилади (сайловлардан олдин ёзма равишда) ва улар томонидан депутатларга етказилади, ҳар қандай бошқи депутат учун берилган бюллетенлар ҳам ҳақиқий ҳисобланид. Агар икки тур овозга қўйишдан кейин ҳам бирор-бир номзод шунчаки кўпчилик овозни ҳам ола олмаса, иккинчи турда бошқалардан кўра кўпроқ овоз олган номзодлар овозга қўйилади, сайлов йўли билан тўлдирилган ҳар бир жой учун икки номзод бир хил миқдорда овоз олса қуръа ташлаб, бири сайланади.

Агар номзодлардан ҳеч бири биринчи ва иккинчи турда кўпчилик овозга эга бўла олмаса, бир номзоднинг фойдасига қўйилган бошқа номзодлар чиқариб олиниши мумкин. Номзод ёки номзодлар ҳақида фақат бир таклифгина бўлса, президент ўриндан туриб овоз берилишини таклиф этиши мумкин, эътироз билдириладиган бўлса бюллетен бўйича овоз берилади. Президент, иккинчи ва учинчи президентлар (яъни палата раиси ва унинг муовинлари) сайлови ҳар доим бюллетенлар билан ўтказилади.

Президент сайловлар бошланганлиги ҳақида эълон қилса, депутатлар ўз жойларини эгаллашади, палата хизматлари эса унинг ёнига келиб, бюллетенларни қабул қилиб олишади. Сўнгра хизматчилар котиблар назорати остида овозларни санайди ва натижасини президентга билдиради. Президент сайлов натижаларини эълон қилади. Президент бюллетенларни сайлов қутисига ташлаш ҳақида ҳам фармойиш бериши мумкин; бундай ҳолатда депутатлар номма-ном чақирилади ва уларнинг сони аниқланади. Кечикишга йўл қўйилмайди. Агар бюллетенлар сони овоз берганлар сонига мос келмаса ва тафовут сайлов натижаларига таъсир этадиган бўлса, овоз

бериш қайтадан ўтказилиши лозим бўлади. Сайловчининг истак иродаси акс этмаган бюллетенлар ҳақиқий эмас деб топилади.

Яна бир мисол келтирамиз-Франция Миллий Мажлиси регламентидаги меъёр.

Агар Миллий Мажлис томонидан ёки унинг иштирокида тузилган орган таркибига тайинлов фракциялар пропорционал вакиллиги асосида амалга оширилса Мажлис раиси бир муддат белгилайди. Бу муддат мобайнида фракция раислари таклиф этиладиган номзодларнинг исмларини беради. Бу муддат ўтгандан кейин номзодларнинг ф.и.о.лари афишаларда кўрсатилиб, расмий ахборотномада чоп этилади. Шундан кейингина тайинлов амалга оширилган ҳисобланади ва бу ҳақда Мажлиснинг яқин орада бўладиган йиғилишида маълум қилинади.

Бошқа ҳолларда Мажлис раиси Мажлис томонидан ўтказиладиган тайинловлар ҳақида маълум қилади ва номзодларни кўрсатиш муддатларини белгилайди. Тайинлаш шартлари ва комиссиялар томонидан номзодлар чиқарилиши белгиланмаган бўлса, раис номзодлар чиқаришни бир ёки бир неча доимий комиссияларга топширишни таклиф этиши мумкин. Фракция раиси, доимий комиссия раиси ёки камида 30 депутат томонидан эътироз билдирилиши мумкин. Бу депутатларнинг рўйхати расмий ахборотномада нашр этилади. Эътирозлари бўйича Миллий мажлис қарор қабул қилади.

Агар номзодлар сони ўринлар сонидан ошмаса ва овоз бериш шarti бўлмаса, номзодлар юқорида баён этилган тартибда тайинланган бўлиб ҳисобланади. Акс ҳолда фракция раислари мажлиси томонидан белгиланган кун Мажлис сайлов йўли билан тайинлашни амалга оширадигани, бу сайловлар вазиятга кўра ёки упиноминал, ёки плюриноминал бўлиши мумкин, овоз бериш эса ёки трибуна (минбар)да, ёки Мажлиснинг йиғилишлар залига кўшни залда ўтказилиши мумкин (26-модда, 3 қисм) Тайинлаши лозим бўлган аъзолар сонидан кўп бўлмаган миқдорда ф.и.о. кўрсатилган бюллетенлар ҳақиқий ҳисобланади. Дастлабки икки тур овоз беришда сайланиши учун овозларнинг кўпчилик бўлиши талаб этилади, учинчи турда етарли даражада нисбатан кўпчилик, овозлар миқдори тенг бўлганда ёши катта номзод тайинланган бўлиб ҳисобланади. Иккинчи ва учинчи тур овоз беришда бюллетенларга фақат Мажлис раиси белгилаган муддатда чиқарилган ёки қолдирилган номзодларгина киритилади.

Баён эитлган тартиб Европа Иттифоқи парламенти Ассамблеясида ва Европа Кенгаши Маслаҳат ассамблеясидаги Миллий Мажлис вакиллари сайлашга ҳам тааллуқли бўлади. Маслаҳат Ассамблеяси аъзолари ва аъзоларининг ўринбосарлари алоҳида ва кетма-кет сайланади.

Парламентларнинг парламентар бошқарув ва аралаш бошқарув шаклига эга мамлакатларда ҳукуматларни тузишда иштирок этишлари ҳақида биз юқорида айтиб ўтдик, бунинг батафсил процедураси ҳақида кейинги бобнинг 2 параграфи 3-бандида тўхталиб ўтамиз.

Келтирилган регламентлардан фарқли ўлароқ, айтилик, Умумхитой мажлиси томонидан амалга оширилаётган сайловлар ва тайинловлар масаласи бўйича ХХР ВСНП ташкилоти тўғрисидаги Қонун меъёрлари ўта кашшоқ. Бунга хайратланмаса ҳам бўлади, агар Мажлиснинг кадрлар сиёсатида тутган ўрни иллюзия(эришиб бўлмас) эканлиги ҳисобга олинса. Ушбу қонунга биноан, ВСНП раиси, мансабдор шахслари ва доимий комитети аъзолари, ХХР Раиси ва унинг муовинлари, Марказий ҳарбий кенгаш раиси, Олий халқ суди ва Олий Халқ прокуратураси бош прокурори номзодлари президиум сессияси томонидан илгари сурилади (қўйилади, чиқарилади ), президиум “делегациялар томонидан муҳокама қилингандан кейин кўпчилик депутатларнинг фикрига кўра номзодларнинг расмий рўйхатини тузади” (13-модда) Шундай бир савол туғилади, номзодлар рўйхатини тузиш ва ундан кейин овоз беришнинг нима кераги бор, агар кўпчилик депутатлар фикри аён бўлса? Номзодларни кўпчиликнинг шоҳиш-иродасига мувофиқ тайинланган ёки сайланган, деб эълон қилиб қўйса осонроқ бўлмайдами? ВСНП комиссиялари раислари, уларнинг ўринбосарлари ва аъзоларининг номзодлари президиум сессияси томонидан чиқарилади ва Мажлис томонидан тасдиқланади; сессиялар орасидаги даврда айрим комиссиялар раислари муовинлари ва аъзоларининг номзодлари кенгаш (раис, унинг муовини ва котибият бошлиғи) таклифига биноан ВСНПнинг доимий қўмитаси томонидан тайинлаб қўйилади. Бош вазир ва Давлат кенгашининг қолган бошқа аъзолари, шунингдек МХК раиси муовини ва аъзоларига келинадиган бўлса, уларни сайлаш (тайинлаш) тартиби масаласи бўйича қонун конституцияга мурожаат қилиниши айтади (аслида эса, аксинча бўлиши керак) конституцияда эса бундай нарса йўқ.

## 2. Назорат процедуралари: ҳукумат ва ҳукумат аъзоларининг ҳисоботлари

Бу процедуралар у ёки бу шаклда бошқарув шакллари қандай бўлишидан қабий назар барча демократик мамлакатлар парламентларига хосдир. Бошқарув шакли фақат процедуранинг эҳтимолий натижасига таъсир кўрсатади. Ҳукумат ва вазирларнинг парламентга ҳисобгарликлари ҳар доим ҳам уларнинг парламент олдида масъулиятли (жавобгарликлари) эканлигини билдирмайди, агар масъулият бўлса (парламентар ва аралаш бошқарув шакли) унда у ҳисобгарликни ҳам ўз ичига олади.

Бу кўпинча, парламентар ва аралаш бошқарув шаклидаги давлатлар конституцияларида ҳисобгарлик ҳақида эмас, фақат масъулият (жавобгарлик) ҳақида айтилганлигининг натижасидир: аммо шуниси аниқки, масъулият бор жойда ҳисоб беришлик ҳам бор. Социалистик конституциялар учун иккаласини ҳам кўрсатиб ўтилиши хос ҳолдир, баъзан қонун чиқарувчи ҳар эҳтимолга қарши фақат ҳисобгарликни кўрсатиш билан чекланган. Масалан, ХХР конституциясининг 92-моддасига биноан Давлат Кенгаши ВСНП олдида жавобгар ва ҳисоб беради, сессиялар ораси даврда эса ВСНПнинг доимий кўмитаси олдида жавобгар ва унга ҳисобот беради. Аммо бундай меъёрлар кўпинча "“лик”" матндан бошқа нарса эмас, чунки социалист мамлакатларда парламентарнинг жавобгарликлари йўқ, ҳисобот беришлик эса, агар амалга ошириладиган бўлса, у ҳам декоративликдан бошқа нарса эмас.

Ҳокимиятларнинг парламент ҳисобгарлиги тамойилига амал қиладиган демократик мамлакат сифатида Японияни айтиш мумкин. Унинг 72-моддасига кўра “Бош вазир Кабинетнинг вакили сифатида давлат ишларининг бериши ва ташқи алоқаларнинг аҳволи ҳақида Парламентга ҳисобот беради”.

Испания Коснтитуцияси ўзининг 109-моддасида, палата ва унинг комиссиялари ўз вакиллари воситасида ҳукумат ва ундаги департаментлардан ҳар қандай зарур маълумотлар ва ёрдамлар талаб қила олишини белгилаб қўйган 110-моддага мувофиқ эса палаталар ва уларнинг комиссиялари ҳукумат аъзоларининг ишитирик этишларини талаб қилиши мумкин, улар эса, ўз навбатида, палаталр ва уларнинг комиссиялари мажлисларига кира оладилар, ўзларини тинглата олиш ҳуқуқига эга бўладилар ва ҳукумат департаментларининг юқори лавозимли шахслари бундай

мажлисларда ахборот беришлари учун тавсия-илтимосномалар бера оладилар.

Палата регламентлари палаталар ва ҳукумат орасидаги ҳисоботлар ва маълумотлар билан боғлиқ бўлган муносабатлар тизимини батафсил тартибга солган. Масалан, Сенат регламенти ҳукумат берган маълумот ёки маърузага кўра ҳукумат аъзоси сўзга чиққанидан кейин ҳукуматни қўллаб қувватлаш учун иккита сенаторнинг сўзга чиқишига 10 дақиқадан ва қарши фикр билан сўзга чиқадиган яна 2 сенаторга ҳам 10 дақиқадан вақт берилади, шунингдек истак билдирилса парламент гуруҳлари вакилларига ҳам сўзга чиқиш учун яна шунча вақт берилади. Қонунга кўра мажбурий тартибда Сенатга тақдим этиладиган маърузалар палата бюроси билан келишилган ҳолда палата раиси истаган шаклда кўриб чиқилади.

Қўмита (комиссия)ларга кўпинча ижроия ҳокимияти мансабдор шахслари, жумладан вазирларнинг ҳисоботлари билан парламент тингловчиларини ўтказиш ҳуқуқи берилади.

3. Топширилган (делегированнўй) қонунчилик ваколати устидан назорат тартиби

Конституция парламентга ўз қонуний ваколатларини ҳукуматга беришга рухсат этиб қуйган мамлакатларда бундай делегация шартларининг бажарилиши ва унинг чегараларига амал қилиниши устидан белгиланган шаклдаги махсус парламент назорати ўрнатилади.

Масалан, Германияда Бундестаг регламенти Бундестаг тасдиғини талаб қилувчи ва муайян муддат ичида Бундестаг бекор қилинишини талаб эта оладиган Федерал Ҳукумат қонуний меъёрий ҳужжатлари Бундестаг президенти томонидан оқсоқоллар кенгаши билан келишилган ҳолда, маърузани тақдим этиш учун муддат белгиланиб нуфузли (ваколатли) қўмитага берилишини кўзда тутган. Агар қўмита маърузани тақдим этмаса, масала бу докладсиз ҳам қарор қабул қилиш учун Бундестаг навбатдаги мажлисининг кун тартибига киритилади. Табиийки, бундестаг ҳукумат ҳуқуқий кўрсатмасини амалда қолдиради ёки уни бекор қилади.

Испанияда депутатлар Конгресси Регламентига биноан, қирол декрет-қонуннинг тасдиқланиши ёки бекор қилиниши масаласи юзасидан муҳокама ва овоз бериш пленар мажлисда ёки декрет-қонун

эълон қилингандан кейин 30 кун ўтгач доимий депутация мажлисида ўтказилади, қолаверса уни “Болетин офисьяль” (Boletin oficial del Estado официальной бюллетень гос ва Давлат расмий бюллетени)да нашр этилганидан кейин ҳамон кун тартибига киритиш мумкин.

Декрет-қонуни чиқариш учун асос тўғрисида ҳукумат аъзоси хабарномасидан сўнг қонун ҳужжатининг тасдиқланиши ёки унинг бекор қилиниши учун муҳокама ёки овоз бериш тадбири ўтказилади. Агар палата декрет-қонунни тасдиқласа, раис бирор-бир парламент гуруҳи декрет қонунининг қонун лойиҳаси сифатида кўриб чиқилишини хоҳлаш-истак туғилса, бу ҳам палата муҳокамасига чиқарилади. Ижобий қарор қабул қилинса декрет-қонун шошилинич тартибда ҳеч қандай тузатишларсиз қонун лойиҳаси сифатида кўриб чиқилади. Ҳукумат томонидан легислатуралар орасидаги даврда чоп этилган декрет қонунлар шошилинич тартибда қонун лойиҳалари сифатида кўриб чиқилади.

Қиролият декрет- қонунининг тасдиқланиши ёки бекор қилиниши ҳақидаги қарор давлат расмий бюллетенида нашр этилади.

Делегацияланувчи қонун делегацияланган қонунчилик ҳужжати (акти) устидан қўшимча назоратни кўзда тутса ва бирор депутат ёки парламент гуруҳи ҳужжат чоп этилгандан кейин бир ой ичида Конгресс бюросига ёзма мурожаатномада ушбу қонун ҳужжатининг бирор-бир ҳолати (моддаси)га қарши эътироз билдирса, упалатанинг тегишли комиссиясига юборилади. Комиссия белгиланган муддатда ўз хулосасини тақдим этмоғи лозим. Хулоса қонунчилик жараёнининг умумий ғойдаларига биноан палатада муҳокама қилинади, делегацияланган қонунда кўзда тутилганлар назоратнинг юридик натижалари бўлиб ҳисобланади.

#### 4. Назорат процедуралари: депутатлик сўровлари ва масалалари

Бу палаталарнинг айрим парламентарлар ёки уларнинг гуруҳларини ҳукуматга, ҳукуматнинг айрим аъзоларига, баъзан эса бошқа давлат органларига муайян бир муаммо юзасидан маълумот ва ҳатто ҳисобот талаби билан қилган мурожаатидир.

Парламент сўров–талабномаси ва саволи орасидаги фарқ қуйидагилардан иборат.

Сўров-талаб-бу палата мажлиси кун тартибига киритиладиган йирик сиёсий муаммо бўйича палата ёкипарламентарлар гуруҳининг мурожаатномасидир. Сўров-талаб бўйича музокара бошланиши ва

унга жавоб юзасидан овозга қўйиш ҳам мумкин. Парламентар ва аралаш бошқарув шаклига эга мамлакатларда ҳукуматга ёки унинг аъзосига ишонч масаласи бўйича овозга қўйишлари ҳам бўлади. Шунингдек тергов комиссияси ҳам тузилиши мумкин. Бундай, сўров талаба кўпинча интерпелляция (лот. *interpellatio*- сўзнинг бўлиниши, нутқнинг узилиб қолиши маъносида) деб аталади. Унинг матни олдиндан парламентарлар ва ҳукуматга юборилади, ҳукумат жавоб кунини тайинлайди.

Савол, оғзаки ёки ёзма бўлиши мумкин –бу парламентарийларнинг ҳукумат ёки унинг аъзосига қаратилган, бирор-бир факт (воқеа-ҳодиса) бўйича маълумот истак илтимоси. Саволлар қисқа бўлиши ва ҳеч қандай айбловни ўз ичига олмаслиги лозим. Улар мажлисдан бир икки кун олдин тақдим этилади, махсус регистрда рўйхтга олинади, баъзи парламентларда эса саволлар рўйхати саволларга жавоб бериши лозим бўлган палата аъзолари ва вазирларга маълумот сифатида етказилади. Регламентлар, баъзан эса конституцияларда саволларга жавоб бериш учун махсус вақт кўзда тутилади. Масалан, Франция Конституциясининг 48 моддаси, 2 қисмида шундай дейилган:”Парламент аъзоларининг саволлари ва ҳукуматнинг жавоблари учун ҳеч бўлмаса битта мажлис махсус ажратилади (резервга олинади)”. Оқзаки саволларга вазир қисқа, 5 дақиқагача жавоб беради, баъзан оддийгина қилиб: “Ҳа” ёки “йўқ” жавобини беради. Шундан сўнг савол берган парламентарий, 5 дақиқа реплика ва қўшимча савол учун сўз олиши мумкин. Ёзма саволларга эса оқзаки, ҳам ёзма рвишда жавоб берилиш мумкин, бунга ҳам вақт белгиланади. (Японияда бу муддат-бир ҳафта, Италияда-10 кун, Францияда-1ой белгиланган); жавоблар палата мажлислари ҳақидаги расмий ҳисоботларда чоп қилинади.

Леикн шуни таъкидлаш жоизки, айтиб ўтилган атамалар ҳар доим ҳам бир хилда қўлланилмайди. Биз уларнинг умумлашган маъноларини бердик, аммо шуни кўзда тутиш керакки, баъзи мамлакатларда сўзни талаффуз этиш ва тамалар тизимининг мазкур масаладаги талаффузи бошқача бўлиши мумкин.

Испания мазкур парламент назорати шаклининг конституциявий-ҳуқуқий тартибга солинишининг типик ўрнагини беради.

Испания Конституциясининг 111-моддасига мувофиқ ҳукумат ва унинг ҳар бир аъзоси интерпелляцияга ва Бош кортеслар палатасида уларга йўналтирилган саволларга жавоб беришлари шарт,

регламентларда бунинг учун энг кам зарур ҳафталик вақт кўзда тутилмоғи лозим. Интерпелляция палата ўз нуқтаи назарини ифода эта оладиган резолюция (қарор) лойиҳаси билан бирга бориши мумкин.

Бундай конституциявий меъёрларга мисол тариқасида Сенат регламентини келтириб ўтамиз.

Ушбу меъёрларга мувофиқ сенаторлар президиум орқали ҳукуматга саволларни ёзма равишда йўналишлари мумкин. Сенаторнинг тегишли истаги бўлмаганда жавоб ёзма равишда бўлиши керак деб ҳисобланади, агар сенатор оғзаки жавоб талаб қилса ва қайси мажлисда жавоб берилиши лозимлигини кўрсатмаса, жавоб тегишли комиссияда ўрин олиши мумкин.

Агар жавоб оғзаки равишда талаб қилинадиган бўлса, савол бирдан ортиқ бўлмаслиги, жудда содда аниқ, ихчам тузилиши лозим. Ўта шахсий манфаатни кўзлаган ёки фақат юридик маслаҳатнигина талаб қилувчи саволларга ўрин берилмайди. Савол берилиши ҳақида палата бюроси қарор беради. Саволлар, берилгандан кейин энг эрта икки ҳафтадан кейин кун тартибига киритилади. Шошилиш ҳолатларда бу муддат 24 соатдан эрта бўлмайди, лекин саволнинг шошилишлигини ҳукумат тан олиши шарт. Саволларнинг навбатма-навбатлиги уларнинг берилган вақтига боғлиқ, бунда жорий сессияда палата мажлислари пленар йиғилишларида ҳали ҳеч савол бермаган сенаторларга имтиёзлар берилган.

Ундан ташқари, палат раиси бюро билан келишган ҳолда ва парламент гуруҳлари вакиллари хунтасини тинглагандан кейин, ҳар бир гуруҳ вакиллари жавобларини таъминлаш учун навбат тузади. Ҳукумат асосли ҳолатларда жавобни кечиктириш мумкин, лекин бу муддат бир ойдан ошмаслиги керак.

Саволларга вазирлар жавоб берадилар. Ҳар бир пленар мажлисда саволларга жавоб беришга кўпи билан бир соат вақт ажратилади, шундан кейин қолган саволлар кейинги мажлисга ўтказилади. Раис жавоблар бўйича юзага келган баҳсларни мазмунан яқин бошқа саволларга бирлаштириши мумкин, гуруҳ вакиллари хунтасини тинглаш бўйича бюро бошқа саволларни такрорловчи (яъни ўхшаш, бир хил) саволларнинг алоҳида кўрилишига йўл қўймаслиги, мазкур сессияда кўрилатган резолюциялар интерпелляциялари ва лойиҳаларини такрорловчи саволларни муҳокама қилинишига ҳам руҳсат бермаслиги лозим.



Оғзаки саволлар ўтирган жойдан берилади. Ҳукумат саволга жавоб бергандан кейин савол сўраган сенаторнинг репликаси ва унга жавоби эҳтимол. Сенатор ва вазир икки марта сўзга чиқишдан ҳар бирига 3 дақиқагача вақтга эга бўлади.

Комиссияда оғзаки жавоб кутиладиган саволлар эълон қилингандан 7 кун кейин тартибига киритилади. Унга давлат котиби (вазирдан кичик рангдаги мансабдор шахс) жавоб бериши мумкин, сўзга чиқи учун вақт 10 ва 5 дақиқани ташкил этади.

Ҳукумат сенаторнинг саволига ёзма жавоб эълон қилингандан кейин 20 кун ичида бериши лозим. Савол ва жавоб палатанинг расмий нашрларида чоп қилинади. Агар ҳукумат саволга ўз вақтида жавоб қилмаса, сенатор ўз саволининг зудлик билан эълон қилинишини талаб қилиши ва сенат раисидан уни нуфузли комиссиянинг яқинда бўладиган мажлиси кун тартибига киритилишини илтимос қилиши мумкин.

Интерпелляция умумий манфаатларни кўзлаган масала (савол)лар бўйича ижроия Ҳокимият олиб бораётган сиёсатга бағишланмоғи лозим. Уни ҳар қандай сенатор Сенат раисига ёзма равишда кирита олади, шундан кейин бюро унинг талабларга мос ёки мос эмаслигини текширади. Мувофиқлик аниқланмаса бу ҳақда сенаторга маълумот берилади. Сенатор интерпелляцияни оғзаки ёки ёзма жавоб билан алмаштириши мумкин.

Интерпелляция, киритилгандан кейин икки ҳафта ичида Сенатнинг мажлис кун тартибига киритилади, агарда палатанинг ши билан бандлиги бунга ҳалал бермаса, аммо бу муддат бир ойдан ошмаслиги керак. Шошилиш ҳолларида, парламент гуруҳлари вакиллари хунтасини танглаш бюроси бу муддатни қисқартириши мумкин. Ҳукумат эса сабабли илтимослар билан бир ойдан кўп бўлмаган муддатга интерпелляцияга жавобни кечиктириш ҳақида муурожаат қилиши мумкин. Интерпелляцияларнинг кун тартибига киритиш тартиб(навбат)ини белгилашда сессия вақтида ушбу ҳуқуқдан кам фойдаланувчи сенаторларга устунлик берилади. Киритилган интерпелляциялар сони бир хил бўлганда эса, анча йирик парламент гуруҳларидан бўлган сенаторларга имтиёзлар берилади, тенг бўлса-киритиш тарихи анча эрта белгиланади, Бу масалаларнинг барчасини бюро ва парламент гуруҳлари вакиллари хунтаси ҳал этади.

Сенатор ўз интерпелляциясини тақдим этган кун унга ҳукумат аъзоси жавоб беради. Ҳар бирига 15 дақиқадан вақт берилади ва

шундан кейин парламент гуруҳлари аъзоларининг ҳар бир 5 дақиқдан сўз олиши мумкин. Агар интерпеллянт Ҳукуматнинг тушунтиришларидан қониқиш ҳосил қилмаса, у резолюция лойиҳасини киритаётганлигини эълон қилиши мумкин. Депутатлар Конгрессида бу ҳукумат истеъфосига олиб келувчи ҳайфсан, айблов резолюцияси лойиҳаси бўлиши ҳам мумкин.

Қонун ҳужжати қайтадан кўриб чиқиш учун мажлисга қайтариб юборилади. Бунга ўхшаш органлар бошқа ислом давлатларида ҳам мавжуд (масалан, Ироқ, Саудия Арабистони).

Мана масалан, Туркияда фуқаролар жамияти ҳаётида чуқур сингиб кетган, қолаверса ҳуқуқий тизим шариат таъсиридан холи. 1982 йилда қабул қилинган Туркия Республикаси Конституцияси жумҳуриятни демократик, дунёвий ва ижтимоий (социал) – демократик давлат деб эълон қилган (2-модда). Конституциянинг 24-моддаси, 5-қисмига мувофиқ, ҳеч ким динни эксплуатация қила (эза) олмайди ва диний ҳис туйғуларни суиистеъмол қилиши мумкин эмас ёки бўлмаса, майли, ҳатто қисман бўлсада давлатнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ёки ҳуқуқий тузумига мослашиш мақсадида ёхуд сиёсий ёки шахсий манфаат томонидан муқаддас дея эътироф этилган қадриятлардан ғаразли мақсадларда фойдаланиши мумкин эмас.

Туркия Республикаси Конституцияси (Анаяса – яъни “Она (асосий) қонуни”) нинг ҳаммага маълум ва муҳим бўлган моддаси “Республиканинг “лаик”, яъни дунёвий, демократик давлат” – деб эълон этилганлигидир. Статистика маълумотларига кўра аҳолининг 99%и мусулмонлар, қолган 1%и эса ортодокс (провослав, яҳуди, католик, протестант ва бошқа христиан мазҳабига мансуб кишилар ташкил этади). Конституцияга кўра ҳар бир фуқаро диний эътиқод эркинлигига эгадир. Ҳеч ким ибодат қилишга, диний тадбирларга иштироқ этишга мажбур этилмайди. Ёки ҳеч ким диний эътиқоди боис айбланмайди.

Аҳолисининг 99% фоизи мусулмон бўлган Туркия ислом давлатлари орасида ўз конституцияси билан дунёвий давлат эълон қилган ягона мамлакатдир – таржимондан.

Лотин Америкасида конституциявий ҳуқуқ кўп ҳолларда католик черковининг кучли сиёсий қараш (позиция)ларини акс эттиради. Масалан, 1967 йилда қабул қилинган Боливия Конституцияси ўзининг 3-моддасида шуни кўзда тутадик, давлат ҳар қандай диний эътиқод эркинлигини кафолатлаган ҳолда рим-католик апостоллик динин тан олади ва қўллаб қувватлайди.

Республика Президенти черков, диний муассасалар, диндор шахслар, бенефициялар ва мол-мулклар устидан давлат ҳомий (оталик)лиги ҳуқуқини амалга оширади, Сенат томонидан ҳар бир лавозим учун чиқарилган ҳар уч кишидан танлаб олинган архиепископ ва епископлар номзодларини тайинлаш учун таклиф қилади, черков кенгашлари таклиф этган номзодлардан роҳиблар, бош роҳиблар ва бошқа лавозимларни тайинлайди, Сенат рухсати билан черков, собори, мактублар, олий даражадаги попнинг буйруқ ва фармонлари, қарорномаларига розилик беради.

Кўпчилик мамлакатларда диний бирлашмаларга жамоат бирлашмалари мақомининг умумий конституциявий-ҳуқуқий тартибга солиниши бевосита таалуқли бўлади.

#### 5. Парламент суриштирув (тергов)лари

Парламент суриштирувлари парламентнинг назорат фаолиятининг ўта муҳим аспектидир. Бундай суриштирулар баъзан анкета деб ҳам номланади (бизнинг билганимиз саволли сўров маъносидаги анкета билан буни аралаштириб юбормаслик лозим), суриштирув ҳуқуқининг ўзи эса – анкета ҳуқуқи деб номланади. Бунинг учун парламентларда ва уларнинг палаталаридаги тегишли топширқлар оладиган комитет (қўмита) ва комиссиялардан фойдаланилади, ёки махсус суриштирув (тергов) қўмита (комиссия)лари тузилади. Бу институт (муассаса)ни конституцияларда камдан-кам учратиш мумкин ва ҳатто регламентларда ҳам бундай меъёрлар ҳар доим учрамайди.

Германия Асосий қонуни парламент суриштирувининг конституциявий тартибга солинишининг ёрқин мисолини беради. Унинг 44-моддасида шундай дейилади: “1. Бундестаг оммавий тингловда зарур далиллар тўплайдиган тергов (суриштирув) қўмитасини тузиш ҳуқуқига эга ва ўз аъзоларининг чорак қисми таклифига кўра бундай қўмитани таърис этишга мажбурдир. Ошкоралик истисно бўлиши мумкин.

2. Жиноий жараён ҳақидаги кўрсатма далиллар тўплаш учун қўлланилади. Ёзишмалар, почта ва телеграф жўнатмаларининг сирлигини дахлсизлигича қолади.

3. Судлар ва маъмурий ҳокимиятлар ҳуқуқий ва маъмурий ёрдам кўрсатишлари шарт.

4. Тергов (суриштирув) қўмиталарининг қарорлари судда муҳокам қилинмайди. Судлар суриштирув асосланадиган ишнинг аҳволини муҳокама қилиш ва баҳолашда эркиндир”.

Ундан ташқари, Асосий Қонуннинг 45-моддаси 2-қисмини эслаш жоиз, унга мувофиқ.

Бундестаг мудофаа кўмитаси тергов кўмитаси ҳуқуқига эга ва ўз аъзоларининг 1/4 қисми талабига биноан иш бўйича суриштирув ўтказишга мажбурдир.

Эътиборни қартадиган тарафи ҳам шуки, Бундестагнинг тергов кўмиталари ҳақидаги регламентида ҳеч нарса айтилмаган: конституциявий меъёрларнинг ўзи ҳам етарли ҳисобланади. Мюнхен университети профессори Петер Бадуранинг таъкидлашича, ушбу институт (муассаса)нинг амал қилишидаги асосий хусусият, нафақат ижроия ҳокимияти соҳасида, балки барча соҳалардаги суиистеъмолларни суриштирув (тергов) ҳисобланади.

АҚШ Конгресси ва унинг палаталаридаги кўмиталари ва ич кўмиталарининг тергов (суриштирув) фаолияти яхши маълум. Холбуки, Конгрессда оғзаки ва ёзма саволлар, қолаверса интерpellациялар йўқ, кўмиталар ва ич (кичик) кўммталар тегишли вазирликлар, органлар ва муассасалар устидан назорат олиб бориш соҳасида жиддий ваколатларга эга. Улар зарур ҳужжат ва ёзма ашё (материалл)ларни талаб қила оладилар, ҳар қандай шахс, жумладан АҚШ Президентини ҳам гувоҳ сифатида терган учун тингловларга чақирув қоғози билан чақира олади. Аммо кўмита ва кичик кўмиталар ҳам қилувчи қарорлар қабул қила олмайди, фақат тўпланган маълумотларни судга узата оладиган, муайян маъмурий идорага бюджет ажратмалари беришни санкция тартибида камайтира оладиган ёки импичмент процедурасини амалга ошира оладиган палаталарга маълумот учун етказди.

Франция Миллий мажлиси Регламенти шуни кўзда тутадик, тергов ва назорат комиссиялари Мажлис томонидан нуфузли комиссияга таклиф этилган ва йўлланган резолюцияни қабул қилиш йўли билан ташкил этилади. Таклифда суриштириладиган, тадқиқ этиладиган факт (далил)лар, ёки фаолияти назорат комиссияси томонидан текширилиши керак бўлган давлат органлари ёки давлат корхоналари аниқ кўрсатилиши лозим. Нуфузли комиссияси таклиф бўйича бир ой муддат бўйича маъруза (доклад) тақдим этади. Тергов ёки назорат комиссияси фракцияларнинг пропорционал вакиллиги асосида ташкил этилади ва у энг кўп 30 кишидан иборат бўлиши керак. Ўша легислатура вақтида таъсис этилган бирор-бир комиссия иши билан боғлиқ сирларни сақлаш қоидаларини бўзганлик учун

жинойй ёки интизомий жазога тортилган депутатлар комиссия таркибига тайинлана олмайди.

Тергов комиссиясини тузиш таклифини киритиш ҳақида Мажлис Раиси адлия вазирини хабардор қилади. Агарда у айтиб ўтилган далил (факт)лар бўйича суд суриштируви олиб борилаётганлиги ҳақида хабар берса, у ҳолда комиссияни тузиш ҳақидаги масала палата муҳокамасига қўйилиши мумкин эмас, бошланган муҳокама эса зудлик билан тўхтатиб қўйилади. Агарда олдиндан олиб бориладиган суриштирув комиссия ташкил этилгандан сўнг бошланган бўлса унда адлия вазирининг тегишли маълумоти олингандан кейин Мажлис раиси бу ҳақда комиссия раисини хабардор қилади. Комиссия раиси зарурлик билан унинг фаолиятини тўхтатади. Шу тарзда парламент суриштирув (тергов)и суд тергови билан рақобатлаша олмайди, ундаш ташқари уни алмаштира (ўрнини) олмайди.

Тергов ёки назорат комиссиясининг маърузачиси агар бирор бир шахсни сўровдан ўтказиш натижасида олинган маълумотларни маърузада келтириб ўтилишини таклиф этилаётган бўлса, у шахс ўз фикрлари матни билан танишиши мумкин. Бу комиссиянинг иш жойида комиссия бюроси аъзоси иштирокида амалга оширилади. Шахсга матнга тузатиши киритишга рухсат этилмайди, аммо у ўз мулоҳазаларини ёзма равишда ифода этиши мумкин, комиссия эса буни маърузага илова қила олади.

Агарда 6 ой ичида комиссия ўз маърузасини тақдим этмаса, комиссия раиси Мажлис Раисига комиссияда бор бўлган, на нашр этилиши, на муҳокама қилиниши мумкин бўлган ҳужжатларни топширади. Тузилган (ёзилган) маъруза Мажлис Раисига берилади ва бу ҳақида расмий абарномада хабар берилади ва палатанинг яқинда бўладиган мажлиси очилишида эълон қилинади. Агар расмий хабарномада эълон қилингандан кейин тўла беш кун мобайнида ҳеч ким мажлисининг махфий кўмитага айлантириши ҳақида талаб билдирмаса ёки мажлис махфий кўмита сифатида бошқача йўл тутмаса, комиссиянинг маърузаси нашр этилиб тарқатилади.

Тергов ёки назорат комиссиясининг ундан олдинги комиссия эга бўлган айтилган вазифалар билан қайта ташкил этилиши ҳақидаги ҳар қандай таклифни Мажлис раиси, агар бундан олдинги комиссия ваколати тугагандан кейин 12 ойдан кам вақт ўтган бўлса, қабул қилинмаслигини эълон қилади. Шубҳа туғиладиган ҳолатда раис Мажлис бюроси хулосаси олингандан кейин қарор чиқаради.

## 6. Ҳукуматнинг сиёсий ҳисобдорлиги процедураси

Таъкидланганидек, бундай жавобгарлик парламентар бошқарув ва аралаш бошқарув шаклига эга бўлган давлатларда мавжуд. Адабиётларда ҳукуматнинг сиёсий жавобгарлиги (маъсулияти) баъзан парламентнинг ижроия ҳокимияти – фаолияти устидан олиб борадиган назорати шакллари тизимига киради. Бироқ ҳақиқатдан маъсулият - назоратнинг шакли эмас, унинг оқибати (натижаси)дир.

Назорат, назорат остида бўлган субъект фаолияти билан боғлиқ далиллар жумладан ушбу фаолиятнинг усуллари ва натижаларини аниқлайди ва белгилайди. Маъсулияти (жавобгарлик) эса назорат қилувчи орган, ушбу ҳолатда парламент ёки унинг палатаси томонидан берилган баҳонинг натижаси бўлиб ҳисобланади. Франция, Хитой, Япония, Испания, Куба Конституциялари ҳукуматнинг фақатгина жамоавий жавобгарликни кўзда тутган: ”Кабинетижроия Ҳокимиятини амалга ошириш чоғида Парламент олдида коллектив (жамоавий) жавобгарликни ўз зиммасига олади” (Япония Конституциясининг 66-моддаси, 3-қисми); “Ҳукумат депутатлари Конгресси олдида ўзининг сиёсий фаолияти учун бардамликка жавоб беради” (Испания Конституциясининг 108-моддаси).

Бошқа мамлакатларда ҳукуматнинг коллектив жавобгарлиги билан бир қаторда ҳукумат аъзоларининг шахсий жавобгарликлари ҳам бор: “Вазирлар (вазирлар) Маҳкамаси (Кенгаши) қонуний ҳужжатлари (ҳатти-ҳаракатлари) учун коллегиял равишда жавобгардир, ва ўз идоралари қонуний актлари учун эса шахсан жавобгардирлар” (Италия Конституциясининг 95-моддаси, 2-қисми); “Ҳукумат ўз вазифаларини адо этиш борасида Словакия Республикаси миллий Кенгаши олдида жавобгардир”, “Ҳукумат аъзоси ўз вазифасини адо этиш учун Словакия Республикаси Миллий Кенгаши олдида жавобгардир” (Словакия Конституциясининг 116-моддаси, 1-қисми, 114-моддаси, 1-қисми, 1-жумласи).

Италия, Япония, Руминияда ҳукумат парламентининг иккала палатаси олдида ҳам жавобгар, Буюк Британияда, Германияда, Франция, Испания ва Полшада ҳукумат – фақат парламентнинг қуйи палатаси олдида маъсулиятидир. Баъзан бунинг сабабини шундай тушунтириш (изоҳлаш) мумкин, яъни юқори палата бевосита сайловлар билан сайланмайди ёки умуман сайлаб қўйилмайди. Аммо юқорида санаб ўтилган мамлакатларнинг ҳаммасига ҳам бу изоҳ

ўтмайди: Испанияда Сенатнинг йўрик бир қисми, Полшада эса бутун Сенат тўғридан-тўғри сайловлар билан сайлаб қўйилади.

Агар Италия ва Японияда ҳукуматнинг жавобгарлиги парламентнинг ҳар бир палатаси олдида алоҳида-алоҳида ўрин тутса, унда Руминияда – уларнинг иккаласи олдида ҳам ўрин эгаллайди. Бу анча оригинал (ўзига хос асл) ҳолатдир.

Ҳукуматнинг парламент олдидаги жавобгарлиги демократик конституцияларга мувофиқ кўпроқ икки процедура воситасида амалга оширилади: ишончсизлик вотуми ва ишонишдан бош тортиш. Буларнинг орасидаги фарқ қуйидагилардан иборат.

Ишончсизлик вотуми – парламент ташаббуси натижасидир. Шунинг учун ҳам ҳукуматнинг барқарорлиги йўлида баъзан конституциялар ушбу ташаббус процедурасини мураккаблаштиради. Яъни ташаббус унчалик аҳамиятли бўлмаган ёки аҳамиятли бўлган парламентарлар гуруҳидан чиқишини талаб қилган ҳолда, шунингдек ишончсизлик ифодасини палаталарга мутлақ ёки малакали кўпчилик томонидан ишончсизлик (қарорлаш, муҳокама) резолюцияси учун овоз бериш зарурати билан асослаган ҳолда ушбу процедурани мураккаблаштиради.

Бир қатор мамлакатларда, жумладан Германияда биз юқорида эслатиб ўтган конструктив ишончсизлик вотуми конституцияларда кўзда тутилган: агар парламент ёки палата фақат айблов резолюциясини шунчаки қолмасдан, яъни ҳукумат бошлиғини белгилаган бўлса. Германия Асосий қонунининг 67-моддаси, 1-қисмига биноан Бундестаг фақат ўз аъзоларнинг кўпчилик овози билан федерал канцлернинг вазисини сайлаш ва Федерал Президентга бундан олдинги федерал канцлерни озод қилиш ва янги сайланган канцлерни тайинлаш ҳақидаги илтимос билан мурожаат этиш йўли билан Федерал Канцлерга ишончлик билдириши мумкин. Федерал Президент бундан қилиши шарт. Бундай тизим масалан, парламент ҳукуматини ағдариб ташлаб, ўзоқ вақт унинг ўрнига янги ҳукумат кура олмай вақт ўтказиши туфайли юз берадиган, ўзоқ вақт давом этадиган ҳукумат кризисларини четлаб ўтишга ёрдам беради.

Мисол сифтида яна Туркия таърибасига мурожаат қилсак: 1998 йил охири ва 1999 йил бошида Туркия сал кам 5 ой ҳукуматсиз бошқарилди. Яъни парламент томонидан ағдарилган (тинч йўл билан) ҳукумат вақтинчалик ўз вазифасини адо этиб турди, то янги ҳукумат тузилганга қадар. Бундай ҳолатлар Туркияда 1993-1999 йиллар орасида 2-3 мартаба такрорланди. Бундан фақат мамлакат иқтисодий

ва сиёсий тузум, барқарорлик зарар кўрди, холос. (Туркия ҳам парламентар бошқарув шаклига эга бўлган давлат ҳисобланади - таржимондан).

Ҳукумат парламентдан зурлик билан қабул қилинишини талаб қиладиган бирор бир акт билан боғлиқ ҳолда унинг (ҳукуматнинг) ўзи ишонч ҳақида билдиришдан бош тортиш процедураси ўрин тутади. Бу парламентга, хусусан ишончдан бош тортиш ва бу боис юзага келган ҳукумат кризиси парламент (палата)нинг тарқатид юборилишига олиб келиши мумкин бўлганда парламентга тазйиқ ўтказишнинг анча самарали бўлган усулдир. Иккинчи томондан, ҳақиқатан парламентнинг ҳукумат истаган актни қабул қилишдан бош тортиши ҳукуматни ўз сиёсатини юргизиш ёки бундай сиёсат олиб борилишини жиддий равишда қийинлаштириш имкониятидан маҳрум этиши мумкин, бунинг оқибатида эса ҳукумат таркибида қолиш унинг аъзолари учун маъносиз бўлиб қолади.

Ҳукуматнинг парламент олдидаги сиёсий жавобгарлиги (маъсулияти)ни конституциявий тартибга солиниши ҳақида баъзи мисоллари келтириб ўтмоқчимиз.

Чехия Конституцияси 71-моддасига мувофиқ “Ҳукумат депутатлар палатасига ишон билдиришни ҳақида талабнома киритиш (тақдим этиши) мумкин”. 72-моддада эса депутатлар палатасининг ҳукуматга ишонсизлик билдира олиши ва ишончсизлик билдириши ҳақидаги таклифни депутатлар палатаси фақат камида 50 депутат (палата аъзолари қонуний миқдорининг 1/4 қисми) томонидан ёзма равишда берган бўлсагина мумкинлиги, таклифнинг қабул қилиниш учун эса барча депутатларнинг кўпчили овози талаб этилиши белгилаб қўйилган.

Агар депутатлар палатаси Ҳукуматнинг ишонч билдириш ҳақидаги таклифини рад қила, ёки унга ишончсизлик билдирса, унда биринчи таклиф 73-модданинг 2-қисми Ҳукуматни истеъфо беришга мажбур қилади.

Президент эса модданинг 3-қисмига мувофиқ истеъфони қабул қилмоғи шарт. Ундан ташқари, Президент 75-моддага биноан истеъфо эълон қилмаган Ҳукуматни чақириб олиши мумкин. Холбуки Ҳукумат истеъфо бериш керак эди. Ҳукуматга ишонч билдириши ҳақидаги масала ҳал этилаётганда Депутатлар палатаси баъзан ўзи ўстида дамокл қиличи (яъни хавф) ҳис этади: таъкидлангани каби 35-модданинг 1-қисми, “а” ва “в” бандига кўра Президент, агар депутатлар палатаси бошлиғи Палата Раиси



томонидан таклиф этилган янги тайинланган ҳукуматга ишон билдирмаса, ёки Палата уч ой мобайнида ҳукумат қонуни лойиҳа бўйича қарор қабул қилган бўлмаса, депутатлар палатасини тарқатиб юбориши мумкин.

Айтиш жоизки, Чехияда, Франция ёки Италиядан фарқли ўлароқ “” “” бу дамокл қиличи (хавф) унчалик катта эмас: муайян муддат фаолият кўрсатган ҳукуматга ишончсизлик вотуми депутатлар палатасининг тарқатиб юборилиши хавфини солмайди.

Бу масалалар Руминияда сал бошқачароқ шаклда тартибга солинган. Конституциянинг 112-моддасига мувофиқ Парламентнинг иккала палатаси ҳам қўшма мажлисда депутатлар ва сенаторларнинг 1/4 қисми ташаббуси билан кўпчилик овоз билан ишончсизлик резолюциясини қабул қилган ҳолда Ҳукуматга билдирилган ишончни қайтариб олишлари мумкин. Ушбу резолюция уч кундан кейин (киритилгандан кейин) палаталарнинг қўшма мажлиси муҳокамасига қўйилади. Агар у рад этилса, унда уни имзолаган депутат ва сенаторлар худди шу сессиянинг ўзида янги ишончсизлик резолюциясини кирита олмайдилар, Ҳукумат томонидан қўйилган ишонч ҳақидаги масала қўйилиши ҳолати бундан мустасно.

Ушбу институт (соҳа) Руминия Конституциясида қуйидагича тартибга солинган. Унинг 1-қисми матнида шундай дейилган: “1. Ҳукумат умумий сиёсат ҳақидаги баёнот, дастур ёки алоҳида қонун лойиҳаси муносабати билан қўшма мажлисда Депутатлар палатаси ва Сенат олдида маъсулиятни ўз зиммасига олиши мумкин”. Бу ифода шуни англатадики, Ҳукумат дастур, баёнот ва қонун лойиҳаси муносабати билан Праламент олдида ишонч ҳақидаги масалани қўяди. Агар ундан кейин ўтган уч кун ичида ишончсизлик резолюцияси таклиф этилган ва юқорида кўрсатилган тартибда қабул қилинган бўлса, у ҳолда ҳукумат истеъфога чиқарилади, яъни бўшатиб юборилади. Бу ерда шуни таъкидлаш керакки, бундай конституциявий тартиб нафақат ишончдан бош тортилганлигини, балки ишончсизлик резолюцияси учун тўла ижобий овоз берилишини кўзда тутди. Демак, агарда ҳеч ким ишончсизлик резолюциясини киритишга ҳаракат қилмаган бўлса ёки агар резолюция киритилгандан кейин у Парламент кўпчилиги томонидан қўллаб-қувватланмаган бўлса, унда ишонч бор ва дастур ёки баёнот Ҳукумат учун мажбурий тус олган, қонун лойиҳаси эса қабул қилинган ўблиб ҳисобланади. Агар Президент унинг қайта кўриб чиқилишини талаб қилса, унда муҳокама палаталарнинг қўшма мажлисида ўтказилади.

Бу ерда ҳукуматнинг ўта мўрт позицияси сезилади, аммо баланс ҳам бор. Ҳукуматга ишончсизлик билдирилганда Парламентнинг тарқатилиб юборилиши хавфи туғилмайди. Фақат парламент Президент томонидан Бош вазирнинг номзоди таклиф этилгандан кейин 60 кун ичида бирорта ҳам номзодга ишонч билдирмаса ва Президентнинг Бош вазирни тайинлаш (тасдиқлаш) инвеститураси ҳақидаги икки марта берган таклифини ҳам рад этадиган бўлса Парламентнинг тарқатиб юборилиши хавфи туғилади. Ва умуман айтганда, бир йил мобайнида Парламентнинг фақат бир марта тарқатиб юбориш мумкин. Президент мандатининг охириги 6 ойида, худди қамал ёки фавқуларда ҳолат вақтидагидек, Парламентни тарқатиб юбориши мумкин эмас.

#### 7. Импичмент ва бошқа шунга ўхшаш процедуралар

Бундай ҳолатда гап сиёсий эмас, мансабдор шахсларнинг юридик парламент маъсулиятлари ҳақида боради, қолаверса ҳам ижрий, ҳамда суд ҳокимиятидаги мансабдор шахсларга тегишли бу. Асосан, бу ўз мансаблари ёрдамида муайян даражада, суд таъкибидан даҳсизлик ҳуқуқидан фойдаланувчи шахслардир. Бундай ҳолатда жавобгарлик сиёсий эмас, фақат юридик аҳамиятга эга деганимизда, бу жавобгарликнинг асосланишини кўзда тутамиз, чунки, юқорида кўриб чиққанимиз сиёсий жавобгарлик ҳам аслида юридик аҳамиятга: у, чунки, ҳуқуқий тартибга солиш предметини ташкил этувчи муайян процессуал шаклларда амалга оширилади. Юқорида кўриб чиқилган ҳолатда жавобгарликнинг асоси бўлиб ҳукумат ёки вазирнинг сиёсати ҳисобланади (баъзан уларнинг хулқ одобига берилган маъновий баҳо), бу ерда эса ҳуқуқбузарлик асос бўлиб ҳисобланади. Бундай ҳолатда санкция (жазо) кўпинча лавозимдан четлатиш (бошқа ишга ўтказиб юбориш)дан иборат бўладики, шахсий даҳлсизлик (иммунитет, агар у бўлган бўлса)дан маҳрум бўлинади ва умумий тартибда иш судга топшириб юборилади, агар, албатта, агар шахс суд жавобгарлигига олиб келувчи, ҳуқуқий меъёрларни бузишда айбланаётган бўлса.

Тегишли парламент процедураларининг уч асосий модели жуда кенг тарқалган. биРинчиси шундай иборатки, конституциявий жавобгарликни амалга ошириш жараёни парламентда бўлиб ўтади; у ниҳоясига етгандан кейин суддаги жараёнлар давом этади. Иккинчи модел шундан иборатки, парламент ёки палата айбловчи муассаса (идора) сифатида намоён бўлади, конституциявий жавобгарлик

ҳақидаги иш эса парламент томонидан унинг ўз муҳити ичидан махсус ташкил этилган суд органида ҳал этилади, қолаверса бу орган нафақат конституциявий, балки зарур ҳолларда жиноий жавобгарликни ҳам худди одатдаги суд каби иш тутган ҳолда амалга ошираверади. Учинчи модел иккинчи моделга мос келади, бунинг сабаби шуки, парламент ёки палата айблов эълон қилиш билан чекланади, аммо учинчи моделнинг иккинчисидан фарқи, конституциявий жавобгарликнигина амалга оширувчи конституциявий адлия органи томонидан иш ҳал этилади, бунда шахс ўз лавозимидан олиниб, бошқа ишга ўтказилади. Бу моделларнинг барчаси турли мамлакатларда турли хилларга эга. Бу борада айрим мисолларни келтириб ўтайлик:

Биринчи моделга мисол қилиб АҚШ, Буюк Британия, Япония, Италия ва бошқа бир қатор мамлакатларда мавжуд бўлган импичмент, маъмурият мансабдор шахслари ва судьяларнинг жавобгарлик процедуралари.

Масалан, АҚШда бу процедура федерал даражада Президент, Вице-президент, вазирлар ва ҳарбийлардан ташқари барча идора раҳбарлари, шунингдек элчилар, федерал судьялар ва бошқалар. Лавозимдан четлаштириш учун қўлланилиши мумкин. Импичмент вакиллар палатасида унинг аъзолари томонидан кўзғатилади (конституциясининг 1-моддаси, 2-боб, 5-қисми). Президент ёки бошқа юқори лавозимли шахс томонидан содир этилган, давлатга хиёнат, пора олиш ва бошқа турли ўта оғир ёки унчалик оғир бўлмаган жиноятлар (high Crimes and Misdemeanors) бунинг учун асос бўлиб хизмат қилади. Дастлаб билдирилган ташаббус Палатанинг, импичмент моддалари кўринишидаги айблов формуласини ишлаб чиқувчи Палата юридик қўмитаси (Hous Judiciary Committee)да кўриб чиқилади. Сўнгда эса вакиллар палатаси уни муҳокама қилади, агар кўпчили томонидан тасдиқланса, Сенатга юборилади. Сенат ишни ҳам этиш ҳуқуқига эга (1-модда, 3-боб, 6-қисм). Бу ишга кўришилаётган сенаторлар қасмёд қилишлари ёки тантанали равишда баёнот беришларилосим. Агар Президент импичменти кўриб чиқилаётган бўлса, Сенатда Олий Суднинг бош судяси раислик қилади (Сенат раиси ҳисобланган Вице-президент манфаатдор шахс сифатида кўриб чиқилиши мумкин). Сенат томонларнинг фикрини тинглаб, овоз бериш йўли билан импичментнинг ҳар бир моддаси бўйича қарор қабул қилинди, ундан ташқари айблов қарори учун иштирок этаётган сенаторлардан 2/3

қисмининг овози талаб этилади. Фақат агарда импичментнинг ҳар бир моддаси бўйича бундай кўпчилик бўлса, айбланаётган мансабдор шахс лавозимдан четлатилади. Ишни кўриб чиқиш вақтида Сенат гувоҳларни чақириши ва уларнинг сўзларини тинглаши, исботларини ўрганиб чиқиш бўйича процессуал ҳаракатларни амалга оширишга ҳақли бўлади. Шу тарзда мансабдор шахсни лавозимидан четлатиш бўйича бутун процедура Конгресс доирасида амалга оширилади.

Францияда ҳуқуқбузарликлар содир этилганлиги учун юқори лавозимли шахсларнинг жавобгарликлари ҳақидаги масалани ҳал этиш учун, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Республика олий одил судлов суди ва одил судлов суди таъсис этилган. Республика президенти ўз хизмат лавозимини ижро этиш чоқида ҳатти-ҳаракат содир этганлик учун ва фақат бу ҳатти-ҳаракатлар давлатга хиёнатдан иборат бўлса, Олий одил судлов суди олдида жавобгар бўлади; унга айблов Парламентнинг иккала палатаси томонидан, очиқ овоз бериш ва таркибнинг мутлақ кўпчилик овози билан қабул қилинадиган бир хилдаги қарор билан қўйилади (эълон қилинади). Ҳукумат аъзоларига қилинадиган бўлса, унда улар ўз хизмат вазифаларини адо этишда содир этган ҳатти-ҳаракатлари учун, агар бундай ҳатти-ҳаракатлар содир этилган вақтда жиноят қонунларига мувофиқ жиноят ёки жиноий ҳатти-ҳаракат дея ҳисобланган бўлса улар Республика одил судлов суди олдида жиноий жавобгарликка тортиладилар. Ушбу икки Суд органи ҳақида кейинроқ, суд ҳокимияти ҳақидаги 10-бобда батафсил сўз юритилади. Кўриб турганимиздек, бу ерда юқорида айтиб ўтилган моделлардан иккинчиси қўлланилган (Конституциянинг 67, 68, 68-1, 68-2-моддаларига қаранг).

Агар Ҳукумат аъзоларининг жавобгарликлари ҳақида вазият озми-кўпми аниқ бўлса (улар жиноят қонунчилигига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар), Президентнинг жавобгарлиги мавзуси унчалик аниқ эмас, зеро бундай жиноят таркиби, давлатга хиёнат каби жиноят, Конституция қабул қилинишига яқли вақтда ҳатто ундан кейинроқ вақтгача ҳам Франция жиноят қонунчилигида кўзда тутилмаган эди. Бундан шу нарса келиб чиқиши эҳтимол, биринчидан, Президент содир этган ҳатти-ҳаракатнинг Праламент томонидан уни Олий одил судлов судига берилиши масаласи ҳал этилаётганда тўла сиёсий баҳоланиши, иккинчидан эса, ушбу судлов органининг Президентга нисбатан сиёсий ҳал этилишидир.

Учинчи моделни биз Германия Асосий қонунида кўришимиз мумкин, унинг 61-моддаси, 1-қисмига кўра Бундестаг ва Бундесратга

Федерал Президентни Асосий ёки бошқа федерал қонунларни атайлаб (онгли равишда, қасддан) бузишга айблаш, яъни айблов қўзғатиш ваколатини беради. Бундай ташаббус тегишли палатанинг энг кам 1/4 қисми томонидан қўллаб-қувватланиши талаб қилади, айблов эълони учун эса Бундесратнинг 2/3 қисмининг овози ва Бундестаг аъзоларининг 2/3 қисми қарори талаб қилинади. Ёблов эълон қилган палата уни қўллаб-қувватлаш учун ўз вакилини тайинлайди. Ўша модданинг 2-қисмига мувофиқ қарор палаталар томонидан сайлнаса-да, уларнинг органи ҳисобланмайдиган, Францияда Республика Олий одил судлов суди ва одил судлов суди сифатида суд тизимига кирувчи Федерал Конституцияси суд ихтиёридадир. (Федерал онституцион судьялар Бундестагда ҳам, Бундесратда ҳам (аъзо) бўла олмайди).

Президентнинг конституциявий жавобгарлигининг ўзига хос тизими Руминия Конституциясида ҳам кўзда тутилади. Унинг 95-моддасига мувофиқ Конституция оғир равишда бузилган ҳолатда Президент депутатлар палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлиси томонидан депутатлар ва сенаторларнинг кўпчили овози билан, Конституцион суд билан маслаҳатлашиб олингандан кейин (Президент) ўз лавозимидан олиниши мумкин. Депутат ва сенаторларнинг 1/3 қисми четлашиш ташаббуси билан чиқиши мумкин ва бу ташаббут зурлик билан Президентга етказиладики, у Парламентга унга жавобгарлик кўрсатилган ҳатти-ҳаракат бўйича тушунтириш бериши мумкин. Ишдан четлатиш ҳолатида 30 кун ичида Президентни лавозимидан узоқлаштириш ҳақида референдум ўтказилади.

Ушбу моделга нисбатан шуни таъкидлаш мумкинки, ҳуқуқдан сиёсатнинг афзаллиги, импичментдагидан кўра кўпроқ эҳтимол. Конституцион суд маслаҳатининг маъноси Президент содир этган ҳатти-ҳаракатнинг конституцияни кўпол равишда бузиш ўлароқ юридик баҳоланишидадир. Бундан баҳолашга қарамай, Парламент сиёсий нуқтаи назардан Президентни эгаллаб тургн лавозимидан четлаштирмасликка ҳақлидир. Ҳатто парламент Президентни лавозимидан четлаштирадиган бўлса, сайловчилар яна худди ўша сиёсий мақсадда бунга рози бўлмаслиги ва Президентни ўз ўрнида қолдириши мумкин. Президент ҳам, агар харизматик раҳнамо бўлса, Конституция ҳар қандай шаклда оғир равишда бузишни ўзига раво кўриши мумкин.

## 8. Петицияларнинг кўриб чиқиши

Бу процедура бир қатор регламентлар билан кўзда тутилган бўлиб, кишининг ҳокимият органлари ва муассасаларига петиция (илтимоснома)лар билан мурожаат қилиш ҳуқуқининг кафолатланиши нуқтаи назаридан муҳим аҳамият касб этади. Ушбу процедуранинг конституциявий ҳуқуқий тартибга солинишининг намунавий икки мисоли билан чекланамиз.

Германия Асосий қонунининг 45-моддасида белгилаб қўйилганидек, Бундестаг, шахсий ва жамоавий петициялар ҳуқуқини эълон қилган 17-моддага мувофиқ йўлланган илтимоснома ва шикоятларнинг кўриб чиқиши учун петициялар бўйича қўмита тайинлайди. Бундестаг регламентига мувофиқ унинг президенти келиб тушган илтимосномаларни, юқорида номи айтиб ўтилган қўмитага юборилади. Бу қўмита, агар петицияларда ушбу қўмиталар томонидан кўриб чиқиладиган масалалар кўтариб чиқилган бўлса, доимий қўмиталарнинг хулосаларини талаб қилиб олади. Петицияни тақдим этган депутат унинг талабига биноан петициялар қўмитасида маслаҳат овози билан муҳокамага жалб қилинади. Қўмита илтимос ва шикоятномаларини кўриб чиқиши асосидаги принципиал ҳолатларни аниқлаш ва муайян ҳолатларда шу вазиятлардан келиб чиқиши лозим. Қўмита ҳужжатлар ёки маълумотлар талаб қилганда ёки тегишли федерал органлар, корпорациялар, идоралар ва фонд (жамғарма)ларга кира олишни сўраганда бу ҳақда федерал ҳукуматнинг ваколат (нуфуз)ли бир аъзосини хабардор қилиши лозим. Петиция муносабати билан бирор гувоҳ ёки экспертнинг тинглаш керак бўлиб қолса ҳам ўз вақтида шундай қилиш керак.

Қўмита ўз ваколатларининг мазмуни ва ҳажмини ўз қарорида белгилаган ҳолда ўз аъзоларининг бирортасига ўз ваколатларини бериши (топшириши) мумкин.

Қўмита кўрилган петициялар ҳақидаги маъруза (ҳисобот)ни шарҳ шаклида ўз тавсияли қарорлари билан Бундестагга тақдим қилиб боради. Ундан ташқари, қўмита қилинган ишлар ҳақида ҳар йили ёзма равишда Бундестаг олдида ҳисобот беради. Маъруза (ҳисобот) депутатларга тарқатилгандан кейин жорий сессиянинг уч ҳафтаси ичида Бундестагнинг кун тартибига киритилади. Маърузаси ҳисоботни ўзининг оғзаки нутқиди тўлдириши ҳам мумкин. Маъруза муҳокамаси франциянинг ёш иштирок этаётган депутатларнинг талабига биноан ўтказилиши мумкин. Петиция берувчиларга уларнинг илтимосномалари ҳал этилганлиги тўғрисида асосли хабарнома жўнатилади.

Франция Миллий мажлиси регламенти петицияларнинг берилиши ва кўриб чиқиши процедурасини анча мукаммал тартибга солган. Регламентда белгиланишига, петициялар Миллий Мажлис раиси номига йўлланмоғи лозим ва ёзувнинг чап ёнида имзосини қўйиб, узатиб юборувчи депутат томонидан тақдим этилади. Жамоат жойида тўпланган кишилардан келувчи петициялар раис томонидан ҳам, Мажлис бюроси томонидан ҳам қабул қилинмайди. Петиция петиционер томонидан имзоланиши ва унинг манзилгоҳи кўрсатилиши лозим.

Петиция навбат – тартиб билан умумий рўйхатга киритилади ва ҳар бир петиционер ўз петициясининг тартиб рақами ҳақида хабардор этилади. Петициялар бўйича махсус комиссиялар Миллий мажлисида бўлмайди ва мажлис раиси петицияни предмети (мавзуси)га кўра комиссияга юборилади. Комиссия эса маърузасини тайинлайди. Маърузасининг хулосасига кўра комиссия петиция бўйича ҳеч қандай чора кўрилмаслиги, ёки уни бошқа бир комиссия ёки вазирга бериш, ёки уни Мажлисида муҳокамага қўйиш ҳақида қарор қилинади, бу ҳақда петиционерга хабар етказилади. Бошқа комиссия ҳам худди шундай йўл тутаяди.

Вазир уч ой муддат ичида петиционерга жавоб қайтаради. Агар у бунга амалга оширмаса, комиссия петицияни Мажлис муҳокамасига бериб юборилиши ҳақида қарор қилиши мумкин.

Петиция Мажлис бюроси муҳокамасига тақдим этилганда петиция матнини тўла ўз ичига олган маъруза бюрога киритилади; доклад босмадан чиқарилиб, тарқатилади. Қисқа мазмун ва қабул қилинган қарорларни ўз ичига олган петициялар рўйхати ҳам даврий равишда босилиб тарқатилади. Кейинги 8 кун ичида комиссия қарорини маъқулламаган (аниқроғи рози бўлмаган) депутат Мажлис раисидан петицияни Мажлис муҳокамасига берилиши талаб қилиши мумкин; қарор комиссия раислари кенгаши томонидан қабул қилинади. Кўрсатиб ўтилган муддат ўтгач, ёки агар раислар Мажлиси депутатнинг талабини рад этгандан кейин комиссия қарори низоий қарор бўлиб қолади ва расмий хабарномада чоп этилади.

Петициялар ҳақидаги, Мажлис муҳокамасига чиқарилган маърузалар Ҳукумат томонидан, ёки Мажлис томонидан раислар кенгаши таклифи билан кун тартибига киритилади. Дебат (баҳс)лар умумий мажлисида комиссия маърузачисининг чиқишидан бошланади, сўнгра эса петицияни кун тартибига киритган депутат ва уни Мажлис муҳокамасига берган депутат сўзга чиқиши мумкин.

Мажлис раиси ҳар бир сўзга чикувчи (оратор)нинг нутқи учун вақт белгилайди. Ҳукумат раиси ўз талабига биноан сўз олади. Энг охириги нотик сўзга чиққанидан кейин раис кун тартибининг охириги масаласига ўтади.

## 7-§. Парламентнинг ёрдамчи аппарати

### 1. Тушунча ва мақсад

Ёрдамчи аппарат деганда, муман парламентга, унинг палатасига, кўмита ва комиссияларга, парламентарийларга парламент ишида илмий, ташкилий ва техник ёрдам кўрсатувчи давлат хизматчилари ташкилотини тушунамиз. Бу кишилар парламент ёки унинг бўлинмалари номидан ҳеч қандай қарор қабул қила олмайдилар, аммо бу қарорларнинг лойиҳасини ишлаб чиқиш, тайёрлаш ва ижро этилишини таъминлайдилар.

Ёрдамчи аппарат мақоми юқори даражадаги конституциявий-ҳуқуқий ҳужжатларга камдан-кам ҳолларда тартибга солинади. Ҳатто регламентларда бундай меъёрларни учатиш ҳам қийин. Испания депутатлари Конгрессида алоҳида бир бўлим (боб)га ажратилган бўлсада, бунга битта модда ажратилган. (60-модда). Ушбу моддага биноан депутатлар Конгресси унинг вазифаларини амалга ошириши учун, жумладан техник хизмат кўрсатиш, ҳужжатлар билан ишлаш ва маслаҳатлар бериш (вазифалар кетма-кетлиги жуда ғалати) учун зарур кадр моддий маблағларга эгадир. Шу жумладан бюджет комиссиясига оммавий даромадлар ва харажатларда ўз аксини топиши керак бўлган қонунчилик фаолиятининг мақсадларига жавоб бера оладиган техник(авий) маслаҳатларни таъминлаб бериш учун фз персонал (кадр) ва моддий маблағлар кўшимча қилиб берилади. Штатлар жадвали ва лавозим вазифалари Конгресс бюроси томонидан белгиланади.

Бундан 30 йилга олдин парламентларнинг ёрдамчи персоналлари сони ва фаолият ҳажмининг оширилиши парламентларнинг ўзларининг ораларида ва оммавий ахборот воситаларида, ҳамда тадқиқотчилар орасида катта шов-шув тўпалончиларга сабаб бўлган. Қонун чиқарувчи ҳокимиятларнинг парламент амалдорлари томонидан зўрлик билан қўлга олинганлиги, парламентаризмнинг инқирози, парламентнинг бюрократлашуви ва халқ вакиллиги бекор қилинганлиги ҳақида ёзилган.



Бироқ амалда бунақа бўлмаган, холбуки бугунги кунда парламентни кўп сонли ва кўп тармоқли функцияларга эга бўлган ёрдамчи аппаратсиз тасаввур қилиш мумкин эмас.

Гап шундаки, айнан шу ёрдамчи аппарат парламентарларнинг иш олиб боришида профессионализмни таъминлаб бермоқда. Ёрдамчи, таъминловчи вазифани ҳал этаётган, бу аппарат парламентарларга қонунчилик, шунингдек назорат фаолиятини амалга ошириш (малакали)га тўплаш имкониятини яратиб беради. Бугунги кунда ҳеч бир инсон жамият ҳаётининг барча соҳаларида тенг равишда фаолият кўрсата олмайди, қонунчиликни юритиш эса барча соҳада шарт. Бу ерда парламентарияларга турли соҳада ўз касбининг устаси бўлган профессионал ёрдамчи аппарат кўмакка келади.

Бундай шароитда парламентарийга хос бўлган сиёсий профессионализм ва муайян соҳа мутахассисининг профессионалиги (усталиги) ёрдам беради. Масалан, парламентарий муайян бир масала бўйича қонун лойиҳасини тузиш ва ҳукумат қонун лойиҳаси бўйича хулоса беришни сўраб ҳуқуқшунос-мутахассисга мурожаат қилади. Мутахассис (эксперт) тайёрлаган материал (ҳужжат, лойиҳа)ни парламентарий ўзининг мавжуд муаммо ҳақидаги фикр, тасаввури билан, давлат манфаатлари, ўз сайловчилари фикр-мулоҳазалари, ўз партияси ва шахсий сайловолди дастури нуқтаи назари билан қиёсаб, зарур бўлганда бошқа экспертларга ҳам мурожаат қилади ва ниҳоят ўз шахсий сиёсий қарорини қабул қилади – яқни қонун лойиҳасини киритиш керакми-йўқми, қонун лойиҳасини ҳукумат қўллаб-қувватайдими ёки йўқми, бунини қарорлаштиради ва ҳоказо. Албатта, бу ерда кўп нарса парламентарий тегишли бўлган сиёсий партия тутган позицияга ҳам боғлиқ (агар у бирор партияга тегишли бўлса), аммо унинг ўзи ҳам ўз фракцияси, ўз кўмита (комиссия)си, ўз палатаси мажлисида фаол чиқиш қилиш учун муаммо бўйича етарли даражада билим-тажрибага эга ва таклифлар билан қуролланган экспертнинг фикри ва позицияси уни ҳечам боғлай олмайди. Улар (экспертлар) бор йўғи унга ўз позициясини ишлаб чиқишда ёрдам беришди, холос. Бу позиция, яъни парламентарийнинг позицияси тўла ва қисман бўлса-да экспертлар позицияси билан мос келмаслиги мумкин, ҳатто тўла зид бўлиши мумкин.

Парламентларга ташкилий-техникавий вазифаларни бажарувчи ходимлар ҳам жуда зарур (бу маълумотлар тўплаш, алоқаларни

ўрнатиш, корреспонденцияларни юритиш, ҳужжатларни юритиш, ташкиллаштириш, бухгалтерия хизматлари кўрсатиш ва ҳоказо).

Табиийки, Парламент, бошқа ҳар қандай ташкилот каби фойдаланилаётган биноларга техник хизмат кўрсатилиши, уларнинг қўриқланиши, транспорт хизмати ва бошқа хизматларга муҳтожлик сезади.

Аммо ёрдамчи аппарат фаолиятида асосий роль унинг олий мълумотга эга бўлиб, ностандарт вазифаларни ҳал эта оладиган катта қисмига берилади. Айнан шу қисм юқорида сўз юритилган парламентарийларга муҳим хизмти кўрсатади.

Ёрдамчи аппарат фаолиятининг яна бир муҳим йўналиши ижроия ҳокимияти билан алоқалар ўрнатиш ва унинг устидан назорат қилишга ёрдам берилишидир. Чунки қонунчилик ва ижро ҳокимиятининг ҳар бири ўз соҳасида фаолият кўрсатади ва шу боис ўзига хос манфаатга эга бўлади, улар орасида зиддият бўлиши, етарли даражада ўзаро келишмовчилик бўлиши муқаррорки, бу ўз навбатида иккинчи томоннинг ниятини англаб етмаслик, ишончсизлика, қарши иш тутилишига олиб келади. Ҳукуматга қонун чиқарувчининг ниятини билиб олиш, ҳокимиятнинг иккала соҳасининг (тармоғини) муаммога ёндошувини бир-бирига мослашга ёрдам бериш – ёрдамчи аппарат томонидан ҳал қилинадиган вазифадир.

Уннинг бундай роли Президент бошқарувига асосланган давлатлар (АҚШ, Мексика, Бразилия, Филиппин ва б.)да, яъни ҳокимият тақсимооти қаттиқ йўлга қўйилган давлатларда муҳим аҳамият касб этади. Агарда парламентар бошқарувга асосланган мамлакатларда парламент вазирлар ўз партиясининг охириги ўриндиқларда ўтирадиган парламентарийлари билан муҳолиф бўлган парламентарлар биноан ҳам мажлис залларида палата йиғилишларида учрашиб, нуқтаи назарларни баҳслашиб, муаммоларни ҳал этиш ҳақида келишувларга бориб яқин алоқада бўлса, министр (вазир)лар, парламентарий бўла олмайдиган мамлакатларда бундай бевосита муносабат, алоқалар камдан-кам учрайдиган ҳолдир.

Бу ерда аппарат даражасида, яъни парламентарийлар ёрдамчилари, қўмита (комиссия)лар аппаратлари ходимлари ва вазир ёрдамчилари ва котиблари орасидаги алоқа (муносабат, контакт)ларнинг тутган ўрни юксалиши муқаррордир.

Масалан, АҚШда Конгресс персонал (ходим)ининг бир қисми ижроия ҳокимият билан алоқаларни ўрнатиб, тутиб туришга ихтисослашган; бу кишилар ҳар куни Президент аппаратидаги ва

айрим идоралардаги кишилар билан учрашиб (йўл) орқали қонун чиқарувчилар ижроия ҳокимияти позициялари (нуқтаи назарлари) келишуви юз беради. Бундай алоқаларнинг миқёси ҳақида шу нарса далолат берадики, масалан, 80-йилларнинг бошларида савдо вазирлиги Капитолия тоғида (яъни Конгресс жойлашган ерда) ўзининг 30 та вакили (расмий), соғлиқни сақлаш, таълим ва ижтимоий таъминот вазирлиги – 40та вакилига, муҳофаза вазирлиги эса ўзининг юзларча вакилига эга бўлган. Алоқаларни ўрнатиб тутиб туриш учун Конгресс биносидаги турли хил хизмат хоналари, кабинетлар, ҳатто буфетлардан ҳам фойдаланилади.

Албатта, ёрдамчи аппаратнинг алоқалар қонун чиқарувчилар ва ижроия органлари раҳбарлари ўртасида сиёсий даражадаги алоқаларни тайёрлаш учунгина хизмат қилади. Ёрдамчи аппарат томонидан амалга оширилган бундай алоқаларга тайёрганлик муваффақият гаровидир ва у Конгресс томонидан муайян қонун, резолюциялар ва ҳоказо қабул қилинишида ўз ифодасини топади. Ҳокимиятнинг иккала тармоғи аппарати ҳам тақсимланган ҳокимиятлар учун кўзда кўринмас боғловчи ҳужайра каби емоён бўлади. Бундай ўзаро таъсир, муносабат қонунчилик қарорларини тайёрлашдаги илк босқичда ва ихтилофлар деярли сезилмайдиган ва осон ҳал этиладиган қуйи босқичлардаги позицияларни мувофиқлаштиришга ёрдам беради.

Парламент аппарати ижроия ҳокимияти устидан назоратни амалга оширишга ҳам кумак беради. У зарур маълумотларни тўплайди, парламент суриштирув (тергов)лари ва тингловлари ва ҳоказо ташкиллаштиради, ўтказди. Бундай фавқуларда муҳимйўналишдаги фаолиятни амалга ошириш чоқида депутатлар шахсий персонали ва парламент кўмити ва ич кўмиталари аппаратлари орасида мавжуд узвий алоқа яққол намоён бўлади.

Шахсий ёрдамчилар ўз депутатлари раҳбарлигида ижроия ҳокимияти томонидан йўл қўйилган суиистеъмол ҳолатлар (фактлар) ҳақида маълумот тўплайдилар, уни баҳолайдилар. Парламент кўмиталарининг клерклари, котиблар ва экспертлар, ундан ташқари, кўмити тингловлари ва суриштирувларни уюштирадилар (тегишли кўмиталарнинг раислари раҳбарлиги остида), маълум бўлган фактлар бўйича тушунтирувлар беришлари учун маъмурият вакиллари вагувоҳларни чақирадилар, ўтказилган суриштирувлар бўйича кўмиталар қарорлари лойиҳаларини тайёрлайдилар.

Парламент аппарати фаолиятининг яна бир йўналиши – манфаат гуруҳлари деб номланган; касаба уюшмалари, фермер ташкилотлари, ишбилармонлар, экологлар ташкилотлари ва ҳоказо билан алоқалардир. Бу алоқалар ҳам лоббистлар, ҳам бевосита уларсиз амалга оширилади.

Оммавий ахборот воситалари билан ўрнатиладиган алоқалар парламентарийлардан олинadиган интервьюлар, матбуот анжуманлари ва брифинглар, аввало кўмита (комиссия)лар, палаталарнинг раҳбарлари, фракция лидерларидан олинadиган интервьюлар, мажлис ва тингловлар тарнсляцияси ва бошқа муҳим аҳамиятга эга. Бу билан матбуот хизмати ва парламентарийларнинг махсус ёрдамчилари шуғулланади.

Аппаратнинг парламентарийларга бевосита хизмат кўрсатувчи қисми фаолиятида сайловчилар билан иш олиб бориш катта ўрин эгаллайди. Кўпгина парламентарлар пойтахтдан ташқаридаги бўлган сайлов округларида ўз офис (идора)ларига эга, бу округларга сайловчилар истаган вақтда мурожаат этишлари мумкин. АҚШда бу тизим айниқса кучли ривожланган. Конгресс аъзоси нафақат қонунчилик ижросини назорат қилиш ва сайловчиларни қабул қилиш бўйича, балки шароити оғир бўлган оилалар билан ишлайдиган ва муҳтож кишиларга ёрдам берувчи бир нечта ёрдамчиларга ҳам эгадир.

Буюк Британияда жамоалар Палатаси аъзоларининг имкониятлари унчалик катта эмас: улар бор йўғи битта, у ҳам бўлса бутун кун банд этилмайдиган котибага эга. Тўғри, сайлов округларида сайловчилар билан иш олиб боришда партия фаоллари ёрдам берадилар. Бунда партия раҳбарлари анча устунликка эга.

## 2. Функцияси ва тузилиши

Аппарат тузилишининг илмий асосланган ташкилоти, ваколатлар ҳажмининг белгиланиши ва турли бўлишмалар орасида вазифа (лавозим)ларнинг тақсимланиши вазифаларнинг тақрорланиши, кучларнинг тарқалиб кетишига йўл қўйилмаслиги ва максимал самарадорлик билан ишлашга эришишга ёрдам беради.

парламентларнинг ёрдамчи аппаратлари икки тузилиш тоифасини ўз ичига олади:

коллегиал органлар – парламент, палаталар, кўмита (комиссия)ларнинг ёрдамчи хизматлари;

парламентларнинг шахсий ёрдамчилари (референтлр).

Коллегиал органлар аппарати вертикал (тик) тузилишга эга бўлади, бунда катта ваколатларга эга бўлган органлар қошида ташкил этилган бўлинмалар ваколати кичик бўлган органларга нисбатан юқорироқ туради. Масалан, палата котибияти кўмиталар котибиятидан кўра юқори туради. Бундай бўлинмалар орасида иерархияли муносабатлар бўлмаслиги ҳам мумкин, бироқ мувофиқлаштирув функцияси (вазифаси)ни палата котибияти амалга ошириши муқаррор.

Соҳавий кўмиталар ва ич кўмиталар аппарати функционал ваколатини кўриб чиқадиган бўлсак, унда унинг горизонтал (ётиқ) тузилишини ажратиш мумкин. Бундай тузилиш муаммоларнинг миқёси, долзарблиги ва пайдо бўлиш соҳасидан келиб чиққан ҳолда, бу муаммолар ечимига дифференциал ёндошувни амалга оширишга йўл очиб беради. яъни унчалик катта ва қийин бўлмаган муаммолар ич кўмиталар аппарати томонидан келишиб олинади ва қарорга тайёрланади, ўта муҳим ва бир нечта ич кўмита имкониятларининг мувофиқлаштиришини талаб қилувчи ва уларнинг даражасида ҳал этила олинмаган муаммолар эса кўмиталар аппаратлари томонидан қарорга тайёрланади.

Шахсий радамчилар ва котиблар ўз парламентарийлари орқасидан бориб, автоном равишда иш олиб боради. Парламентарий уларнинг вазифа ва мажбуриятларини белгилайди.

Аппарат кўпинча жуда кўп сонли бўлади. АҚШда 535 парламентарий ишини 20000 га яқин кишидан иборат бўлган аппарат таъминлайди, булардан 3/4 қисми – маъмурий-техник ходимлар ва 1/4 қисми – хизмат кўрсатиш таркиб. Тахминан 3 минг киши Конгресс палаталарида жуда кўп бўлган кўмита ва ич кўмиталарига тўғри келади. Вакиллар палатаси кўмиталаридаги персоналнинг ўртача сони 1982 йилда 72 кишини ташкил этган Сенатда – 51 киши ва натижада деярли ўзгармаган. Аксинча, Буюк Британида бу персонал сони унчалик кўп эмас: битта-икита клерк, ёрдамчи ва котиб. Аммо кўмиталар маслаҳатчилар ёллашни афзал кўрадилар (ўртача 12 кишидан).

Маъмурий-техник хизматлар клерклар, бош котиблар, директорлар, грефъелар ва бошқа маъмурий-техник палата раислари маслаҳатчилари сифати фаолият кўрсатувчилар томонидан бошқарилади ва уларга бевосита бўйсунди. Булар жуда катта лавозимли шахслар ҳисобланади. Британия парламенти клерклари монарх томонидан бир умрга тайинлаб қўйилади. АҚШ вакиллари

палатасида клерк палата томонидан ҳар мумҳалқ сайловидан кейин партия фракциясининг кўпчилиги таклифига кўра сайланади. Германияда, палатанинг юқори лавозимли шахслари палата раислари томонидан таинлаб қўйилади, Италия ва Франция – палата бюроси томонидан тайинланади. Юқори мансабли шахслар жумласига фақатгина палата ва унинг бўлимлари раҳбарлари эмас, бошқалар ҳам киради. Масалан, АҚШ вакиллар палатасида, клерклардан ташқари парламентарий, почтмейстер, капейлан ва пристав ҳам мавжуд. Парламентарий (парламент аъзоси билан аралаштирмаслик керак) палата спикери ва аъзоларини унга процедураси қодалари бўйича маслаҳат беради. кўпчилик парламентларда палата раисига бўйсунувчи полиция хизмати ҳам бўлади.

### 3. Коллегиал органларининг ёрдамчи хизматлари

парламент ёрдамчи аппаратининг ушбу қисми максимал даражада сиёсатдан узоқ бўлмоғи керак. Бу ерда бошланғич ёзма материаллар, лойиҳалар ва бошқа ҳужжатларни иложи бориша шунчалик объектив тайёрлаш керак, яъни парламент, палата, қўмита (комиссия)даги мавжуд турли-туман фикрларни ҳисобга олган ҳолда, албатта, кўпчилик фикрини Конгресси ишларини тадқиқ этган олим Дж.Купер таъкидлаганидек, “Пресонал (ходимлар) қонун чиқариш курашидан четда туриш ва иккала томонга ҳам объектив ёрдам кўрсатиш учун катта куч сарф қилади. Бу “қизгин” масалалар тайёрлашга тўғри келганда кузатилади. Аппаратнинг ҳақиқий оғир иши манфаатларни уйғунлаштириш учун ижрочи хизматлар ва хусусий ташкилотлар ходимлар (пресонал)га ёрдам сўраб мурожаат қилинганда бошланади”.

Ёрдамчи аппарат ишининг объективлигини ошириш, АҚШ Конгресси қўмиталари эътиборини юксалтиришга озчиликни ташкил этувчи партиёга ёрдамчи аппарат персоналининг 1/3 ини тайинлаш, уларнинг ўз ваколатлари доирасига кирувчи масаларни суриштирув бўйича қўмиталарининг мажлисларига ўз хоҳишларига кўра гувоҳларни чақириш ва зарурият туғилганда қўмита маърузаларини тайёрлаш ва қўмита бюджетининг 1/3 қисмига эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи. 1970 йилда қабул қилинган қайта ташкил этиш ҳақидаги қонун катта ёрдам берди.

Ёрдамчи персонал ичидан парламент муассасалари – архивлар, тадқиқот хизматлари, кутубхоналар ва бошқалар ташкил этилади. Сақланаётган ва тўлдириб бориладиган маълумотларнинг катта ҳажми бу муассасаларга иқтисодиёт, қонунчилик, давлат хизмати ва

бошқа муҳим муаммолар бўйича жиддий тадқиқотлар олиб бориш, сифатли эксперт баҳоларини қўйиш ва парламентарларни мустақил маълумотлар билан тақминлашга катта ёрдам беради. тадқиқот хизматлари ҳатто энг кичик мамлакатларда ҳам мавжуд – Фиджи, Габон, Науру, Маврикия ва бошқалар ва улардан 1 дан тахминан 1000 киши ишлайди (Японияда 850 кишига яқин, АКШда 900 киши).

#### 4. Парламентарийларнинг шахсий ходимлар(персонал)и

Бу персонални тўплаш, ташкиллаштириш унинг сони каби турлича бўлади. Баъзи мамлакатларда (масалан, Аргентинада, Италияда, Австрияда) фракция парламентарий учун шахсий ёрдамчилар ёллаб қўяди (парламентарий ўша фракцияга тегишли), бундан мақсад унинг сиёсий позициясининг мустаҳкамлигини кафолатлашдир. Парламентарий ўзи шахсий ёрдамчи танламайди. Агар Австралияда, парламентарий томонидан ёлланадиган ёрдамчилар сони қайд этиб қўйилган бўлса, АКШ, Франция ва Германияда маълум миқдорда маблағ ажратиб берилсадики, бу миқдордоирасида у ўзига зарур бўлган миқдорда ходим ёллаши мумкин бўлади. Одатда муайян (маълум) ёрдамчилар қонун лойиҳаларини таҳлил этиш ва тузиш билан, аниқ бир масала юзасидан парламентарийнинг позиция ва нутқ ёзиш билан шуғулланадилар. Булар қонун чиқарув масалалари бўйича ёрдамчилардир. Улар билан бир қаторда маъмурий ёрдамчилар ҳам бўладики, улар парламентарийнинг коллегалари, сайловчилар ва лоббистлар билан муносабатларини таъминлайди. Булардан ҳам бошқа, жамоатчилик билан алоқалар ўрнатишга ихтисослашган ёрдамчилар фаолият кўрсатади (Public Relations), улар матбуот билан муносабат ўрнатади, матбуот-релизлар тайёрлайди, матбуот конференциялари уюштиради.

Ёрдамчилар тайёрлов ишларини доимий бажарилгани ва ихтисослашув боис ҳам парламент масалаларидан, юридик ва бошқа муаммолардан парламентарийлардан ҳам кўпроқ хабардор бўлишади. Бундан бир неча йил муқаддам, Тенесси штатидан чиққан сенатор Ж.Сэссер энергетикани ривожлантиришга тегишли масала бўйича сўзга чиқиб, гапирётган лойиҳага тузатиш соҳифасини йўқотиб қўяди ва жуда ўзини йўқотиб (безовталанганча) ёрдамчисидан: “Ундан кейин нима эди” – деб сўрайди. Унинг ёрдамчиси бемалол шошилмасдан сўзма-сўз матн саҳифасини айтиб туради.

Лбатта, ёрдамчиларнинг ролини унчалик ошириб юбормаслиги керак ва уларнинг фаолиятига холис муносабатда бўлмоқ керак. Ёрдамчиларнинг назоратсизлиги ва унинг устига парламентарийларнинг муаммолардан етарли даражада хабардор бўлмасликлари шунга олиб келиши мумкинки, ёрдамчи баъзан амалда парламентарий ўрнини эгаллаши ва унинг номидан, унинг хабари бўлмасдан, парламентарий тутган йўналишини эмас, ўз шахсий йўналишидан иш тутиши мумкин.

Лоббистнинг эса ўзига хос метод билан ўз тарафига парламентарийни эмас, унинг ёрдамчисини оғдириб олиш осон бўлади.

Бироқ ёрдамчи лавозими (соҳа, муассаса, институт) бари бир парламентарийга ўз вазифасини профессионал ҳал этишга йўл очиб беради.

Ёрдамчиларга парламентарийдан ташқари бир-иккита техник котиблар ҳам ёрдам беришади.

#### 5. Маслаҳатчилар

маслаҳатчилар, одатда, етакчи омиллар, саноатчилар, генераллар ва қонунчилик фаолиятини интеллектуал ва илмий асосланишини таъминловчи йирик мутахассислардир. Улар турли соҳалардаги турли институтлар томонидан олиб борилаётган сиёсат, қонунчиликнинг тараққиёт тенденциялари устидан назорат олиб берадилар, унинг оқибатларини ўрганадилар. Маслаҳатчиларнинг асосий (йирик бир) қисми парламентнинг тадқиқот хизматларида, шунингдек парламент ҳузурида фаолият кўрсатувчи орган вamuассасаларда тўплангандир, бироқ бундай хизматлар орган ва муассасалр истиқболи вазифаларни бажарадилар, парламент органлари топшириқларини оқишман бажарадилар ва айрим парламентарийларнинг сўров, талабларига жавоб бера олмайдилар.

Маслаҳатчилар кўрсатадиган хизмат ҳақлари жуда юқори бўлгани ҳам (алоҳида) айрим парламентарийлар ва хатто баъзи қўмита (комиссиялар) уларни штат (жадвали)да тута олмайдилар, бир маротабалик экспертизалар учун буюртма берадилар. Давлат органларига нисбатан маслаҳатчиларга муҳим рол берилади. Бу, одатда, бошқарув, молия, юриспруденция соҳасидаги мутахассислар. Улардан кўпчилиги – собиқ парламентарийлардир, ёки ичкаридан барча муносабатларни бутунлай билувчи, ундан ташқари собиқ коллега (ҳамкасб)лари билан алоқалари яхши бўлган собиқ ҳукумат аппарати ходимларидир.



8-§. Парламенталар қоши (ҳузури)даги органлар,  
муассасалар ва мансабдор шахслар

### 1. Умумий тавсиф

Ҳозирги замонда парламентлар олдида турган вазифаларнинг мураккаблиги уларни ихтисослашган органлар ва муассасаларни ташкил этиш, ҳамда парламентга вазифаларини амалга оширишда доимий кўмак бера оладиган махсус лавозимли шахсларни тайинлаш (сайлаш)га мажбур қилади. Парламентлар истикболли-меъёрий тартибга солиш ишлари ва давлат маъмурияти фаолияти устидан орасида назоратлар олиб боришни ўзида қолдириб, касб тайёрганлиги ва доимий фаолият кўрсатилишини талаб қилувчи жорий (иш) вазифаларни бошқаларга беради, булар: вариант таҳлили, кўпинча тавсиялар, яъни ихтисослашган коллегиял органлар, юқори малакали мутахассислардан иборат муассасаларга қарорлар қабул қилиш.

Бу органлар бу муассасалар, ўз ваколати, вазифалари, шаклланиш ва фаолият турларига кўра, маълум принципларга кўра ўта ҳилма-ҳилдир. Улардан бир қисми вақат маслаҳат характерида бўлса, қолганлари муайян ҳокимият ваколатларга эгадир. Баъзилари нафақат парламентга, ижроия ҳокимиятига ҳам хизмат кўрсатади. Баъзи бирлари кенг тарқалган, бошқалари фақат айрим мамлакатлардагина учрайди. Кўпчилик ҳолларда улар конституциявий мақомга эга ва уларнинг конституциялаши тенденцияси секин аста глобал тус ола бошлаган.

Бу турли институт (соҳа)ларни тўла тавсифлашга даъво қилмасак-да биз бутун бу спектрни қисқача ёритишга ўриниб кўрамиз. Бироқ бунда ҳокимият поғоналаридан ҳеч бирига қарашли бўлмаган (мустақил) органлар ҳақида тўхталишимизга тўғри келади, чунки айрим мамлакатларда улар умуман ёки кўпроқ парламентга кўмаклашувчи органлар бўлиб ҳисобланади.

### 2. Тафтиш (ҳисоб) палаталари

Бу органлар парламентга давлат бюджети ва бошқа молиявий қонунлар ижросини назорат қилиш, шунингдек давлат корпорациялари ва корхоналар, умумий секторнинг бошқа бирликлари олиб бораётган молиявий-хўжалик фаолиятини кузатиш да катта ёрдам беради. Уларнинг номлари ҳам турлича бўлади; Полшада-Олий назорат палатаси; Конгресснинг Бюджет бошқармаси (Президент маъмурияти таркибидаги бюджет бюроси билан уни аралаштириб юбормаслик керак) ва АҚШ даги Бош ҳисоб

бошқармаси; Буюк Британиядаги Бош Назоратчи ва аудитор бошчилигидаги Миллий аудит идораси, Республика Бош контроли (Contraloria General de la Republ: Колумбияда; Филипинда-Аудит Коммиссияси. Роман ҳуқуқий тизимига тегишли бўлган бази мамлакатларда, одатда улар махсус суд органлари бўлиб ҳисобланади ва шундай номланади: Бразилия ва Испанияда ҳисобтрибунали; Руминя ва Италияда ҳисоб суди Германия Асосий қонунининг 114-моддаси, 2- қисмида айтилишига, федерал ҳисоб палатаси аъзолари суд мустақиллигига ва унинг апарати зиммасига юкланади; масалан, Намибияда бу бош аудитордир (Конституциянинг 127-моддаси)

Бир қарор мамлакатларда конституцияларда Ҳисоб палаталарининг таърифи (федерация) келтирилган, уларнинг вазифалари, баъзи эса мажбуриятлари ҳам белгилаб берилган. Масалан, Испания Конституциясининг 136- моддасига мувофиқ ҳисоб трибунали давлат хўжалиги ҳисоб-китоблар ва бошқарувини назорат қилувчи ҳамда оммавий сектордаги олий орган ҳисобланади.

Давлат ва давлат умумий (оммавий) сектори ҳисоб-китоблари ҳисоб трибунаliga топширилади ва шу трибунал томонидан баҳоланади.

Шуни такидлаш керакки, ҳамма конституциялар ҳам ҳисоб палаталарини парламентларга боғлаб қўймайди, бироқ ҳатто улар умуман мустақил органлар (жумладан, парламентларга ҳам тобе бўлмаган) дейилса-да, уларнинг парламентлар билан функционал алоқалари мовжуд бўлади, зеро айнан парламент ниҳоятда уларнинг меҳнатидан фойдаланади. Бир қатор конституцияларда бу нарса ошиқ кўрсатиб қўйилган. Испания Конституциясининг яна ўша 136-моддасида айтилганки, ҳисоб трибунали Бош кортесларга бевосита бўйсунди ва давлатнинг бош ҳисобини ўрганиш ва текшириш бўйича ваколат берилган вазифаларни амалга оширади. У ҳар йили Бош кортесларга ҳисоб (доклат) топширади, аниқланган бузишлар ва тортилиши керак бўлган жавобгарлик ҳақида хабар беради.

Австрия Федерал Конституциявий қонун Ҳисоб палатасига катта ўрин беради. Испаниядан фарқли ўлароқ Австрияда ҳисоб палатаси парламентнинг фақат қуйи палатасига-Миллий кенгашга бўйсунди; у Федерациянинг молиявий фаолияти масалалари бўйича миллий кенгаш органи сифатида, вилоятларнинг молиявий фаолиятларига оид масалалар юзасидан эса-тегишли Ландтагнинг бир органи сифатида намоён бўлади (122-модданинг 1-қисми).

Ҳисоб палаталарининг шаклланиши тартиби турлича. Масалан, Испанияда 1982 йилда қабул қилинган Ҳисоб палатаси ҳақидаги органик қонунга мувофиқ бош кортесларнинг иккала палатаси ҳам ўз таркибининг 3/5 қисмини, яъни кўпчилик овози билан 6 тадан ҳисоб-китоб маслахатчилари сайлаб қўяди. Маслахатчилар прокурорлар билан биргаликда трибунал пленумини ташкил қилади. Маслахатчилар 9 йил муддатга қайта сайланиши ҳуқуқи берилмасдан сайлаб қўйилади. Улар мустақилдир ва алмаштира олмайди.

Пленум таклифларига кўра қирол маслахатчилар ичидан трибунал раисини 3 йил муддатга тайинлайди.

Филипин Коснтитуцияси ўзининг IX-моддаси “Д” булими 1-бобида шуни кўзда тутадик, аудит комиссияси туғилганидан бошлаб филипин фуқароси бўлган, 35 ёшгача етган, бухгалтер дипломига эга бўлган ва 10 йиллик аудиторлик тажрибаси (стажи) ёки филипин адвокатлар палатаси аъзолари номидан 10 йиллик юридик тажрибаси бўлган раис ва икки комиссардан иборат бўлади. Комиссия аъзолари ҳеч бир вақт бир хил касбга эга бўлишлари керак эмас. Раис ва иккала комиссар Президент томонидан 6-модда, 18-бобга мувофиқ Конгресснинг иккала 12 кишидан иборат бўлган тайнлов комиссияси розилиги билан 7 йил муддатига тайинлаб қўйилади. Илгари ҳам аудит комиссиясида турган шахслар қайтадан комиссияга тайинланмайди. Комиссия аъзоси муддатидан олдин чиқиб кетганда унинг ўрнига яъни аъзо фақат қолган муддатга тайинланади. Австрия Ҳисоб палатаси раиси ва раис муовини Миллий Кенгаш томонидан унинг бош қўмитаси таклифига кўра сайланиши ва қайта чиқариб олиниши мумкин. Улар бирор бир умумий ҳукумат органида ҳисобда турмаслиги лозим, сайланишдан олдин сунги тўрт йил мобайнида эса – федерал ҳукуматда ёки вилоятлар (ерлар) ҳукуматларида бўлмаган бўлиши лозим. Ҳисоб палатаси раиси таклифига амалдорлар тайинлаб қўйилади ва уларга унвонлар федерал президент томонидан Ҳисоб палатаси раиси таклифига кўра берилади. Амалдорлар Ҳисоб палатаси назорати остида бўлган корхона ва муассасаларни бошқарувда, раҳбариятида иштирок этмасликлари лозим, агарки уларнинг фаолияти фойда олишга йўналтирилган бўлса (федерал конституциявий қонун, 122-модда, 4-5-қисмлари, 125-модда, 1-қисм ва 126-модда).

Ҳисоб комиссияларини иш тартиби қонун билан тартибга солинади, қолаверса баъзи ҳоларда суд жараёнини муайян

хусусиятларга эга бўлади. Қоидага кўра, бундай органлар бор бўлган мамлакатларда, уларнинг мустақиллиги қонун, баъзан эса конституциялар билан тартибга солиб қўйилади.

Социалистик мамлакатларда одатда бундай органлар бўлмайди (албатта Полша истиснони ташкил этади, у ерда олий назорат палатаси 1952 йилда бекор қилинган ва беш йилдан кейин қайтадан тикланган). Бундай мамлакатларда барча жамоатчилик маблағларнинг барчасига ҳукумат аппарати орқали фаолият кўрсатувчи коммунистик партия олигархияси ёки бу борада мустақил ёки парламент назоратига умуман, партиявийлик нуқтаи назариясидан, ўрин йўқ. Давлат молиявий иқтисодий назарий, агар белгилаб қўйилса-да, у ҳам ҳукумат номидан бўлади. Масалан, Хитой ҳукумати таркибида – давлат кенгаши таркибида бош ревизор (тафтиш лавозими кўзда тутилган (Конституциянинг 86-модда, 1-қисми)). У кичик бошлиқлар катта бошлиқлар уларни керак бўлган нарсани ўмармаслиги лозим.

3. Инсон ҳуқуқлари бўйича ваколатли (омбудсман)лар (вакиллар).

Омбудсманлар, давлат органлари, аввало ижроия ҳокимияти томонидан инсон ва фуқаро ҳуқуқлари бузилмаслигини кузатиб туриши шарт бўлган лавозимли (мансабдор) шахслардир. Ушбу институт (соҳа, муассаса) Швеция XIII асрдаёқ пайдо бўлган лекин фақат орадан 700 йил ўтгач эса бир қатор мамлакатларнинг конституциявий-ҳуқуқий матнларига кирган (масалан, Намибия Конституцияси). Кўп мамлакатларда ушбу муассаса (институт)нинг ўхшаш номи белгиланган: Польшада-фуқаро ҳуқуқлари бўйича Вакил ва болалар ҳуқуқи бўйича вакил, Венгрияда фуқаро ҳуқуқлари бўйича Давлат мажлиси Вакили (вакиллари) ва миллий ва этник озчиликларнинг ҳуқуқлари бўйича Вакил (вакиллари), Австрияда-Халқ ҳуқуқий муҳофазси, Руминияда-халқ адвокати (оқловчиси), Буюк Британияда-маъмурий ишлар бўйича парламент комиссари, Францияда-воситачи, Испанияда-халқ ҳимоячиси, Филиппинда-инсон ҳуқуқлари бўйича Комиссия, Германияда-мудофаа бўйича Бундестаг вакили.

Бу орган конституциявий ҳуқуқлар бузилганлиги ҳақидаги шикоятларни, кўпинча муаммони ҳал этишнинг барча қонуний йўллари ахтариб кўрилиб, топилмагандан кейин, кўриб чиқади ва агар зарур деб ҳисобласа, уни тегишли давлат органларида қайтадан

кўзгатади, мамлакатда инсон ва фуқаро ҳуқуқлари соҳасида олиб борилаётган ишларнинг аҳволини таҳлил қилади ва тегишли қонуний чора кўрилишини таклиф этган ҳолда парламентга бу ҳақда ҳисобот беради. Омбудсман ёки шунга ўхшаш бошқа орган ишни мустақил ҳал эта олмайди.

Одатда, ушбу орган бошқа усуллар бўлсада, парламент томонидан тузилади: Француз воситачиси (омбудсмани) 1973 йил Воситачи лавозими ҳақидаги қонунга мувофиқ 6 йил муддатга Вазирлар кенгаши декрет (қарор)ига мувофиқ тайинланади (қатъийроқ қилиб айтганда, ушбу институт (соҳа) фақат вазифа ва мажбуриятларига кўра омбудсманга ўхшайди; У Парламент билан ҳеч қандай боғлиқ эмас, агарки парламентарийларнинг унга ишлар бўйича мурожаат қилиш ҳуқуқлари ҳисобга олинмаса). Маъмурий ишлар бўйича Британия парламенти Комиссари ҳам ҳукумат томонидан тайинлаб қўйилади, бироқ Франциядан фарқли ўларок у ўз фаолиятида Парламент билан узвий боғлиқ ва иккала палата талабига кўра ўрни алмашиши мумкин. Энди анча бир-бирларига ўхшаш мисолларга мурожаат қиламиз ва Швециядан бошлаймиз, маълумки биз кўриб чиқаётган институтнинг (омбудсман) асосчиси.

Швеция Бошқарув шакли қонунининг 12-боби 6-§га мувофиқ (ушбу қонун конституциянинг бир қисмини ташкил этади) Риксдаг жамоат (давлат) фаолиятида қонунлар ва бошқа қонуний ҳужжатларга амал қилиниши устидан назорат учун бир ёки бир нечта омбудсман сайлаб қўя олади. Риксдаг ҳақидаги ҳужжат 8-боб 10-§да белгилаб қўйганки, омбудсманлар 4 кишидан иборат бўлиши лозим: бош юридик омбудсман ва учта ҳуқуқий омбудсман, улар уч йилга сайлаб қўйилади. Риксдаг ҳар бир омбудсман учун бир ёки бир неча ўринбосар тайинлайди. Бош юридик омбудсман қолган бошқа юридик омбудсманларнинг фаолият йўналишларини белгилаб боради. Конституциявий комиссия илтимосномасига мувофиқ Риксдаг омбудсман ёки унинг ўринбосарлари муддатидан олдин алмаштириши мумкин. Сайловчилар яширин равишда ўтказилади, сайлаш учун эса кўпчилик овоз берилган бўлиши керак, овоз беришнинг 3-турида нисбатан кўпчилик овоз лозим бўлади. Риксдаг йўриқномасида кўзда тутилган ҳолларда омбудсман илтимоснома (ходат-во)лар билан чиқиши мумкин. У суд мажлисларида ёки маъмурият органи йиғилишларида иштирок этиш ва ушбу органларининг баённомаси ва рухсати бўлиши мумкин. Суд ва маъмурият органи, шунингдек давлат ва кумнал хизматчилар

омбудсманларга талаб қилинган маълумотларни беришлари шарт. Бу нарса омбудсман назоратида бўлган бошқа шахсга ҳам тааллуқли. Прокурор омбудсманга унинг илтимосига кўра ёрдам бериши шарт.

Яна бир мисол. Намибия Конституциясида омбудсманга бутун бошли 10-боб (89-94-моддалар) бағишланган. Ундаги моддаларга кўра омбудсман мустақил ва фақат конституция ва қонунга бўйсунди. Кабинет ёки Парламентнинг ҳеч бир аъзоси, ёки бошқа бир шахс Омбудсман томонидан унинг вазифаларни амалга ошираётганда аралаша олмайди ва барча давлат органлари омбудсманнинг мустақиллиги, кадр-қиммати ва самарали ишлашини таъминлашда зарур ёрдамни ўз вақтида кўрсатишлари лозим. Бу лавозимни ёки Намибия судьяси, ёки Намибиядаги барча судлар қўллана олинмаган юридик малакага эга бўлган шахсга эгаллаши мумкин. Омбудсман юридик хизмат Комиссияси тавсиясига мувофиқ Президент томонидан тайинланади. У 65 ёшга киргунга қадар лавозимида тураверади, аммо Президент унинг лавозимда туришини 70 ёшгача узайтириши мумкин.

Омбудсман тахмин қилинаётган ва рўй-рост кўриниб турган, асосий ҳуқуқ ва эркинликлар бузилиши, ҳокимият томонидан йўл қўйилган, қилинган суиистеъмоллар ҳар қандай ҳокимият органидаги расмий мансабдор шахс (маъмурий ёки маҳаллий) Намибия аҳолисига адолатсиз, кўпол, ҳиссиз ва ҳурматсиз муомала, демократик жамиятда ноқонуний, нотўғри ёки камситувчи ҳатти-ҳаракат ўлароқ қараладиган адолатсизлик ёки коррупция ёки бошқа ҳатти-ҳаракатларга нисбатан келган шикоятларни суриштириши лозим. Шунингдек омбудсманнинг вазифасига Оммавий хизмат комиссияси, давлат маъмурий органлари, муҳофаза кучлари, полиция кучлари, қамоқхона хизматлари фаолияти устидан келган шикоятларни суриштирув (тергов) ҳам қиради, чунки бундай шикоятлар санаб ўтилган хизматларнинг келишилган ҳолда ташкил қилинишига эришишга имконсизлик ёки бунда хизматларга киришга тенг имконият, ёки бундай хизматларга нисбатан адолатли бошқарув борасига тегишли бўлган шикоятлардир. Табиий ресурсларнинг талон-тарож қилиниши ва сотиб юборилиши улардан нораціонал фойдаланилиши, экологик тизимни бузилиши ва Намибия табиий гўзаллигининг бузилиши устидан шикоятларни суриштирув (тергов) қилиш каби омбудсманнинг конституциявий вазифа мажбуриятлари муҳим эътиборни ўзига жалб этади.

Ҳолат, вазиятни йўлга қўйиш, тузатиш, зарарларни қоплаш, реституция ва бошқаларга қаратилган ҳаракатларни амалга ошириш, жумладан, тарафлар ўртасида музокараларга кириб ва уларни компромиссга чақириб, устидан шикоят қилинаётган мансабдор шахсдан шикоят билан мурожаат қилишни тавсия этиб, ишни Бош айбловчи (Prosecutor-General)га йўллаб, нуфузли судга мурожаат қилган ҳолда, қонунчилик ёки қонуний тартиботнинг ҳаққонийлигини исботлашга ҳаракат қилган ҳолда, Президент, Вазирлар Маҳкамаси (кабинет) ёки Бош прокурорга (Attorney-General)га тегишли тавсиялар билан мурожаат қилиш мақсадида озодликка чиқишдан илгари қонунларнинг конституциявийлигини текшириб, иш кўриш лозим.

Мансабдор шахслар томонидан умумий маблағ (умумхалқ мулки)нинг коррупция ва талон тарож қилиниши тахмини ва шубҳаси туғилса, бундай ҳолатларни тезкорлик билан суриштириш ва зарурий чораларни кўриш, жумладан Бош айбловчи Омбудсманнинг хизмат вазифасига киритилади.

Омбудсман ўз ваколати ва функцияларини амалга оширилиши ҳақида ҳар йили Миллий мажлисга ҳисобот беради.

Омбудсман суриштирув ўтказаетиб, чиқирув қоғози билан ҳар қандай шахсни чақириш ва ҳар қандай ҳужжатни талаб қилиш, чақирув бўйича келмаган нуфузли судга керакли ҳужжатни тақдим этмаган шахсни айблаш, ҳар қандай шахсни тергов қилиш, ҳар қандай шахсдан ҳамкорлик қилиш ва суриштирилаётган иш билан боғлиқ, шахсга маълум бўлган ҳар қандай маълумотнинг тўғри ва аниқ очиб беришини талаб қилиш ҳуқуқига эгадир.

Омбудсман юридик хизмат Комиссияси тавсияси билан Президент томонидан муддатидан олдин лавозимидан олиниши мумкин. Бунга фақат ақлий лаёқатсизлик ёки оғир ҳатти-ҳаракат сабаб бўлиши мумкин. Сўнги (охирги) ҳолатда юридик хизмат комиссияси суриштирув ўтказидади. Президент эса унинг тавсияси билан омбудсманни лавозимидан вақтинча четлатиши мумкин.

Бунчалик етарли даражада, батафсил тартибга солинганлигига қарамай, конституция парламент томонидан омбудсман ҳақида махсус қонуний ҳужжат қабул қилинишини кўзда тутаяди.

4. Бошқа турли конституциявий органлар, муассасалар ва лавозимли шахслар.

Бундай конституциявий институт (муассаса)лар мақомини дарсликда умумий кўринишда баён этишнинг имкони йўқ. Улар номига кўра ҳам, функциясига кўра ҳам турли-тумандир. Шунинг учун ҳам биз уларнинг ҳамма хилини батафсил ёритмасдан у ҳолда муайян тасаввур берадиган айрим мисолларни келтириб ўтамиз. Уларнинг ҳаммаси ҳам парламент қошидаги институтлар эмас, улардан кўпчилиги, таъкидланганидек, учала ҳокимият-қонун чиқади, ижро этиш ва суд ҳокимиятларидан ҳеч бирининг тизимига кирмасдан мустақил мақомга эга бўлади. Бироқ уларга бутун бошли бир бобни ажратишимиз унчалик самарали эмас. Биз уларни шу ерда бирлаштиришни афзал кўрдик ва унчалик қатъий иш тутмаганлигимизни англаб турибмиз. Ишни узрли тарафи шуки, мазкур муаммо маҳаллий адабиётларда ишлаб чиқилмаган ва бу борада умумий конституция ҳам ҳозирча мавжуд эмас.

Вьетнам Конституцияси Миллий мажлис тизимида сайлаб қўйиладиган орган—миллий масалаларни ўрганадиган ва Миллий мажлисга тегишли таклифлар киритиши лозим бўлган Миллатлар кенгашини кўзда тутди (94-модда). Унга этник озчиликлар яшайдиган тоғли вилоят ва туманларда миллий сиёсат, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт дастур ва режаларининг амалга оширилиши устидан кузатув олиб бориш ҳуқуқи берилган. Миллий масалага тегишли қарор қабул қилишдан олдин Ҳукумат кенгаш билан маслаҳатлашиб олиши лозим. У шунингдек, Миллий мажлисдаги турли кўмиталарга тегишли бўлган ваколатларга ҳам эга. Ушбу конституциянинг 104-моддасида, ундан ташқари, мудоффа ва хавфсизлик Миллий кенгаш мақоми ҳам тартибга солиган.

Бу борада Италиядаги иқтисодий ва меҳнат Миллий кенгашининг таъкидлаш жоиз. Ушбу кенгаш (ИММК) конституциясининг 99-моддасига кўра палаталар ва ҳукуматнинг маслаҳат органи ҳисобланади. У ишлаб чиқарувчилар тоифасинининг сифат ва миқдорий аҳамиятини вакиллари ва экспертлардан ташкил этилади (тузилади). ИММК қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга ва иқтисодий, ҳам ижтимоий масалалар бўйича қонунчиликни ишлаб чиқишда иштирок этиши мумкин. ИММКнинг таркиби ва вазифалари ҳақидаги қонун 1957 йилда қабул қилинган, ИММКнинг ўзи эса 1958 йилда ташкил этилган. Унда тадбиркорлар ташкилотлари, касаба уюшмалари кўрсатилган.

Колумбия Конституцияси мустақил органлар қаторида прокуратура (Ministerio Publico) ва республика Бош назоратидан



ташқари, 120-моддада Миллий сайлов кенгаши ва фуқаролик ҳолати Миллий қайд идораси каби мустақил органларни ҳам кўзда тутган. Ундан ташқари, 340-моддада Миллий режалаштириш кенгаши ва ҳудудий кенгашлардан ташкил топган Миллий режалаштириш тизими мақоми асослари белгиланган, 6-бобда эса (371-373-моддалар)—Республика Банкининг мақоми асослари кўзда тутилган. Умуман, шуни таъкидлаш жоизки, марказий банкларнинг конституциялаштириш—ҳозирги замон дунё конституциявий тараққиётнинг диққатга сазовор тенденциясидир.

Масалан, Венгрия Конституциясининг 32-d-моддасига кўра Венгрия миллий банки вазифаларига қонуний тўлов маблағлари эмиссияси, миллий ва мотенинг мустақамлигини ҳимоя қилиш ва пул муомаласини тартибга солиш киритилган. Банк раиси Республика Президенти томонидан 6 йилга тайинланади ва ҳар йили Банк фаолияти ҳақида Давлат мажлиси олдида ҳисобот беради.

Намибияда Конституциявий органлар, муассасалар ва мансабдор шахслар бўлиб баъзи бир мустақил комиссиялар—Оммавий хизмат комиссияси (112, 113-моддалар) ва Хавфсизлик комиссияси (114-модда), давлат даромадлари жамғармаси (125-модда), Марказий банк (128-модда) ва Миллий режа комиссияси (129-модда), Қамокхона Комиссари (122, 123-моддалар), мудофаа кучлари кўмондони (119, 120-моддалар), Полиция бош инспектори (нозири) (116, 117-моддалар) ҳисобланади.

Руминия Конституцияси Парламент тизимида Қонун чиқарувчи кенгашнинг кўзда тутган ва уни 79-модданинг 1-қисмида бутун қонунчиликни тизимлаштириш, мувофиқлаштириш мақсадида меъёрий ҳужжатлар лойиҳалари ҳақида хулосалар бериш учун ихтисослашган Парламент органи сифатида белгилаб қўйган.

Қонунчилик Кенгаши Руминия Қонунчилигини расмий ҳисобини юритиб боради. Ундан ташқари, конституциянинг 118-моддаси, мамлакат мудофааси ва миллий хавфсизлигига тегишли фаолият турларини бир маромда ташкил этиш ва мувофиқлаштиришни ўз олдига вазифа қилиб қўйган мамлакат мудофаа олий кенгашини таъсис этган.

Қонунчилик кенгаши Швеция бошқарув шакли (конституциявий ҳужжатда)да ҳам кўзда тутган. Албатта, ушбу асосий қонуннинг 8-боби, 18-§ига мувофиқ Олий судлар ва Олий маъмурий суддан ташкил топган Қонунчилик кенгаши Ҳукуматга қонун лойиҳалари ҳақида хулосалар бериш учун барпо этилган, Бироқ ушбу

параграфнинг 2-жумласида ушбу орган ва Риксдаг Комиссияси фикрини сўраб олиш ваколатини бериб қўйган.

Филиппин Конституцияси юқорида айтиб ўтилган Аудит комиссиясидан ташқари яна икки конституциявий комиссия—фуқаро хизмати комиссияси ва сайлов комиссияси (IX модда). Шунингдек омбудсман ва унинг ўринбосарлари (XI-модда, 5-14 бўлимлар), Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия (XIII модда, 17-18-бўлимлар, бу ерда икки органнинг фаолият объекти бир-бирига ўхшаш), иқтисодиёт ва режалаштириш Миллий Бошқармаси (XII модда, 9-бўлим, Филиппин Марказий Банки (XII модда, 20-бўлим) мақом асосларини тартибга солган.



республикасида Маъмурий Кенгаш, Германияда Федерал Хукумат<sup>27</sup>, Швейцарияда Федерал Кенгаш, Франция, Литва ҳамда Чехияда хукумат<sup>28</sup> ва бошқалар. Федератив тузилишга эга мамлакатларнинг худудий субъектлари ва айрим сиёсий автономияларда эса маҳаллий хукуматлар ҳам бўлиши мумкин. Шу билан бирга бир қатор мамлакатларда, жумладан, АКШ, Мексика, Бразилия ва шу қабиларда хукумат сифатидаги алоҳида коллегиял органнинг ўзи на давлат микёсида, на федерация субъектлари даражасида мавжуд эмас. Бу ерда президентга бевосита бўйсунувчи ҳар бир соҳа бўйича алоҳида вазирлар, штатларда эса соҳалар бўйича юқори мансабдор шахслар бевосита губернаторларга (масалан, АКШда губернатор қаби сайловчилар томонидан сайланадиган муайян тармоқларни бошқарувчи мансабдор шахслар губернаторга ўзларига юклатилган масалалар юзасидан) бўйсундилар. Сўнгги йилларда президент бошқарувига асосланган республикаларнинг кўпчилигида ва яримпрезидентлик (аралаш) республикаларнинг аксариятида одат тариқасида вазирлар кенгаши деб номланадиган коллегиял органнинг ташкил қилиниши ҳоллари кўпроқ кузатилмоқда. Мазкур орган ҳамда Бош вазирнинг ҳам ваколатлари доираси чекланган бўлиб, амалда унга президент раҳбарлик қилади. Бу қаби Бош вазир айрим илмий адабиётларда таъкидлаб ўтилганидек, «маъмурий бош вазир» деб номланади. Бу тушунчага кейинроқ батафсил тўхталиб ўтамиз.

Одатда хукумат деганда давлат бошқарувига раҳбарликни амалга оширадиган ва умумий ваколатларга эга бўлган ижро ҳокимиятининг юқори даражадаги коллегиял органи тушунилади. Бу орган маъмурий бошқарувга, яъни мамлакатнинг ижро этувчи ва фармойиш берувчи фаолиятига бошчилик қилади, шу боис давлат аппарати, қуроли кучлар, давлатнинг молиявий ва ташқи ишлар масалалари унинг раҳбарлиги остида амалга оширилади.

Умуман олганда, хукумат – давлатнинг олий ижро органи ҳисобланади. У коллегиялик принципада иш юритади. Унинг ташкил бўлиши ҳам ҳар хил, баъзи мамлакатларда уни парламент тузади, баъзиларида Президент тузади. Ўзбекистонда у Вазирлар Маҳкамаси деб номланган. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси – Ўзбекистон Президентиدير, демак, Президент хукуматнинг ҳам

---

<sup>27</sup> Германия Федератив Республикасининг Асосий қонуни. 1949 йил 23 майда эълон қилинган (1997 йил 20 октябрда киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар билан). Федерал хукуматнинг ахборот ва нашриёт идораси томонидан нашр этилган, «Клауссен & Боссе», Publik Document, Бонн, 1998 й. 62-модда.

<sup>28</sup> Конституции зарубежных государств: Учебное пособие /Сост. проф. В.В. Маклаков – 2-е изд., исправ. и доп.– М.: Издательство БЕК. 1999. 98-бет. 3-бўлим 20-модда.

бошлигидир. Хукумат таркибига Бош вазир, унинг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари ва аъзолари киради. Хукумат аъзолари бўлиб республика марказий идораларининг бошликлари, яъни вазирлар, давлат кўмиталари раислари ва бошкалар хисобланади. Хукумат, яъни Вазирлар Маҳкамаси таркиби Президент томонидан тайинланиб, Олий Мажлис томонидан тасдиқланади ва ижтимоий ҳаётнинг барча жабхаларига раҳбарлик қилади.<sup>29</sup>

Хорижий мамлакатларнинг хукуматлари ўз таркибларига кўра ҳам, яъни ундаги мавжуд лавозимларнинг турлари ва мавқеининг хилма хиллиги билан ҳам бир бирларидан ажралиб туради.

Уларнинг таркибига унга бошчилик қилувчи Бош вазир (Бош вазир лавозими турлича аталиши ҳам мумкин: Хитойда Давлат Кенгашининг раиси, Болгарияда Раис Вазир, Швецияда Давлат вазири ва хоказо) киради. Унинг раҳбарлиги остида вазирлар, давлат вазирлари (Япония Маҳкамасининг ҳамма аъзоси, Португалия хукуматида эса Бош вазир ўринбосарлари шундай аталади), давлат котиблари (АҚШда Ташки ишлар вазири, Буюк Британияда эса юкори мавқега эга вазирлар шундай аталади), шунингдек хукумат ва вазирлар билан парламент тузилмалари ўртасидаги алокани таъминловчи, парламентда вазирлар номидан иш олиб боровчи парламент котиблари иш юритадилар. Шунингдек, хукумат таркибида бевосита бирон бир соҳага раҳбарлик қилмайдиган, лекин хукумат мажлисларида хал қилувчи овозга эга бўлган «портфелсиз вазирлар» ҳам бўлади. Одатда, Бош вазирнинг алоҳида топшириқларини бажарадиган ва турдош вазирликлар гуруҳи ишларини мувофиқлаштириб турувчи ваколатга эга мансаб соҳибларини мана шундай аташади.

Баъзи мамлакатларда, хусусан, Буюк Британияда хукумат аъзоларининг ўрта асрлардан хозиргача сақланиб қолган мансаблари мавжуд бўлиб, баъзан мазкур лавозимнинг номидан уларнинг фаолияти доираси тўғрисида бирон бир аниқ тасаввур ҳосил қилиш мушкул: лорд-канцлер (лордлар палатасига раислик қилади, мохият жиҳатдан эса у адлия вазиридир), лорд-муҳрдор, хазина канцлери (молия вазири) ва шу қабилар. Айрим ривожланаётган мамлакатларда бир нечта бир-бирига яқин соҳа вазирликларининг ишини мувофиқлаштириб туриш мувофиқлаштирувчи-вазир, шунингдек мамлакатнинг йирик минтақаларини бошқарувчи вазир лавозимлари ҳам мавжуд.

<sup>29</sup> Конституциявий ҳуқуқ (изоҳли луғат). А.Азизхўжаев, О.Хусанов, Х.Азизов. – Т.: “Академия”, 2001 й., 160 б.

Баъзи мамлакатларнинг Конституция ёки конунларида вазирларнинг аниқ сони белгилаб кўйилиши ҳам мумкин. Масалан, бу сон Норвегияда Бош вазир ва бошка еттитадан кам бўлмаган аъзо<sup>30</sup>, Ирландияда еттитадан кам бўлмаган ва ўн бештадан кўп бўлмаган аъзо<sup>31</sup>, Бирлашган Араб Амирликларида ўн тўрттадан кўп бўлмаган аъзо таркибида фаолият юритиши кўзда тутилган.

Баъзи давлатларда, жумладан Вьетнамда, Кубада ҳукумат мажлисларида вазир мавкеига эга бўлмаган айрим йирик ноҳукумат ташкилотларининг (масалан, Хотин-кизлар, Ёшлар, Касаба уюшмаларининг жамиятдаги ўрнидан келиб чикиб) раҳбарлари ҳам мунтазам равишда катнашадилар, шу билан бирга улар маслаҳат овозига ҳам эгадирлар.

Ҳукуматнинг таркибида баъзи ҳолларда ҳукуматнинг айрим (гоҳида жуда муҳим) ваколатларини бажарувчи янада торроқ тузилмалар ташкил этилиши кузатилмоқда. Мазкур органларнинг тўрт хил шакли мавжуд:

1) Англосаксон ҳуқуқ тизими таъсиридаги айрим давлатларда (жумладан, Буюк Британияда, Хиндистон ва бошка) ҳукумат ва маҳкама бири-биридан фарқ қилади. Гап шундаки, ҳукумат ўз таркибига барча вазирларни, шу жумладан “кичик” вазирларни (бизнинг ўлчов билан айтганда етакчи вазирликларнинг ўринбосарларини ҳам) ва бошка айрим мансабдор шахсларни ҳам киритганлиги боис, амалда у жуда кенг таркибни ташкил қилади (баъзан 95 кишидан ҳам ортиқ). Бирок ҳукумат махсус орган сифатида мазкур таркибда ҳеч қачон йигилмайди. Шу боис қоида тариқасида, амалда Бош вазир томонидан танланиб ва ўз қароргоҳига мажлисга таклиф қилинадиган 20 нафардан ортиқ мансабдор шахслардан иборат таркиб – маҳкама катнашади ва мамлакатни бошқаради. Одатда, улар ҳафтасига бир-икки марта мажлис ўтказилади.

2) Баъзи бир континентал ҳуқуқ тизимига қирувчи давлатларда (Францияда, Африка қитъасининг француз тили урф бўлган давлатлари ва бошка) вазирлар кенгаши ва маҳкама кенгаши фарқланади. Вазирлар кенгаши мажлиси – бу Президент раислигида ўтказиладиган ҳукуматнинг расмий мажлиси ҳисобланиб, унда мамлакат ҳаётига оид муҳим масалалар ҳал қилинади. Маҳкама кенгашининг мажлислари эса Бош вазир раҳбарлигида ўтади. Одатда,

---

<sup>30</sup> Конституции мира (Сборник конституций государств мира.Т.6) Сост. У.Таджиханов, А.Х. Саидов. – Ташкент: Академия МВД Республики Узбекистан, 1998. 214-бет, 12-модда.

<sup>31</sup> Конституции мира (Сборник конституций государств мира.Т.6) Сост. У.Таджиханов, А.Х. Саидов. – Ташкент: Академия МВД Республики Узбекистан, 1998. 102-бет, 28-модда.

мажлис президентнинг алохида топшириги юзасидан бўлади ва унда зудлик билан хал килиниши лозим бўлган масалалар кўриб чикилади.

3) Тоталитар социализм ва постсоциалистик мамлакатларида ҳукуматнинг ичида махсус орган – ҳукумат раёсати ёки бюроси ташкил килинади. Унинг таркибига Бош вазир, унинг ўринбосарлари ва баъзан айрим вазирлар киритилади. Раёсат (бюро) ҳукумат компетенциясига кирувчи бир катор муҳим масалалар юзасидан қарорлар қабул қилади.

4) Баъзи ҳолларда ҳукумат таркибида бир-бирига яқин турдош соҳа вазирликларини умумлаштирувчи идоралараро кўмиталар ёки комиссиялар ташкил килинади. Уларга ҳам ҳукумат ваколати доирасидаги айрим масалаларни хал этиш ваколати берилади.

Ҳукумат фаолиятида Бош вазир (ҳукумат раиси)<sup>32</sup> муҳим ўрин эгаллайди. Чунки ҳукумат таркибига номзодлар танлаш унинг ихтиёридадир. Кўпчилик парламентар республикаларда парламент факат Бош вазирни сайлайди ва шундан сўнг Бош вазир ҳукуматнинг қолган вазирларини ўзи тайинлайди ва лавозимидан озод қилади (масалан, Германия ва Болгарияда). Кўпинча унинг ўзи ҳукумат номидан қарорлар қабул қилади. Унинг ҳузурида турли органлар – Германияда федерал канцлер идораси, Францияда фуқаролик ва ҳарбий маҳкама тузилади. Унда шахсий қотибият мавжуд. Муайян масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ёки улар юзасидан якуний хал қилув қарорини қабул қилиш учун Бош вазир тегишли соҳа ва унга яқин вазирларни кенгашга чакиради.

Бош вазирлар анча юқори маош оладилар. Энг юқори маош Сингапур Бош вазирига тегишли бўлиб, у йилига 810 минг АКШ доллари, Япония Бош Вазирини эса йилига 400 минг АКШ доллари (таккосланг, бу АКШ Президенти маошидан икки марта ортиқ) миқдорида ҳақ олади.

Ҳукумат қошида ҳукумат ишларини бошқарувчи орган ташкил қилинади. Ҳукумат ишларини бошқарувчи кўпчилик мамлакатларда вазир мақомига тенглаштирилган бўлади, айрим давлатларда эса улар ҳукумат ишлари бўйича вазир деб аталади.

Айрим шахслар (Буюк Британияда Маргарет Тэтчер хоним, Германияда Хельмут Коль ва бошқа) Бош вазир мансабини

---

<sup>32</sup> *Premier (n)*- премьер, биринчи, бош, олдинда борувчи маъноларини англатади. Қаранг: Большой англо-русский словарь: в 2-х т. Ок. 160 000 слов./Авт.Н.Н.Амосова, Ю.Д.Апресян, И.Р.Гальпесин и др./ - 4-е изд., испр., с дополнением – М.: Рус.яз., 1988, 202-бет.

сурункасига 15 йил эгаллаб турган, аксинча баъзи давлатларда (масалан, Италияда) Бош вазир тез-тез алмашиб туради.

Хукуматнинг мухим маслахат органи бўлиб, Франция ва Италияда олий мансабдор шахслар ва хукукшунос-олимлардан иборат тузилган давлат кенгаши диккатга сазовордир. У хукуматнинг меъёрий хужжатларини дастлабки тарзда кўриб чиқади.

Ғарбий Европа давлатларида хукумат давлат бошлиги, парламент томонидан тузилгани холда ўз партиялари кўрсатмаларига бўйсунмайди. Зеро, улар сиёсий партия манфаатларига эмас, балки умумдавлат манфаатларига хизмат қилиши лозим саналади. Амалда, бироқ хукумат таркибига партия етакчилари қиради. Лекин бу ерда бош ролни партиянинг марказий органи эмас, балки унинг парламентдаги фракцияси ўйнайди. Тоталитар социализм мамлакатларида хукумат ҳокимият тепасида турган партия марказий кўмитасининг кўрсатмаларига мувофиқ фаолият юритади.

Хукуматнинг шаклланиши.

Хукуматнинг ташкил қилиниши асосан мамлакатнинг давлат бошқаруви шаклига боғлиқ ва уни шакллантириш парламент иштирокида ва парламент иштирокисиз амалга оширили мумкин.

Хозирда жуда кам сакланиб қолган айрим мутлоқ монархия, шу жумладан, конституциявий ёки парламентарлик никоби остидаги монархияларда давлат бошлиги (аслида, бу ерда конституция ёки парламентнинг роли паст) хукумат таркибига ўзининг яқин қариндошларини тайинлайди (масалан, Бахрейн, Катар, Кувайт, Саудия Арабистони ва бошқалар). Давлат бошлиги вазирларни танлашда эркиндир ва бу хусусият дуалистик монархиялар учун ҳам хос, шундай бўлсада қирол парламентдаги сиёсий қучлар нисбатини ҳам баъзан ҳисобга олади. Президентлик республикаларида ҳам давлат бошлиги хукуматни ўз хоҳишига кўра ўзининг партиясидаги танли арбоблар орасидан шакллантиради (масалан, Бразилия, Миср, Колумбия, Мексика ва бошқа). Шундай бўлсада, баъзи президентлик республикаларида хукуматни шакллантиришда республика парламентининг юқори палатаси ҳам иштирок этади (АҚШда вазирларни тайинлашга Сенатнинг розилиги зарурдир. Сенат тайинлаётган вазирнинг партиявий мансублигига эмас, балки энг аввало унинг маънавий қиёфаси масаласига кўпроқ эътибор беради). Умуман айтганда, юқоридагилар давлат бошлиги томонидан парламент иштирокисиз хукуматни шакллантириш усули эди.



Аралаш типдаги (ярим президентлик) республикаларида<sup>33</sup> ҳукуматни шакллантиришда парламентдаги сиёсий партиялар вакилларининг нисбати ҳисобга олинади. Чунки Бош вазирни тайинлаш учун, одатда, парламент (куйи палата) нинг розилиги талаб қилинади. Вазирларни эса президентнинг ўзи тайинлайди. Украина ва бошқа айрим мамлакатларда айнан шундай тартиб ўрнатилган. Булар ҳукуматни шакллантиришнинг қисман парламент иштирокидаги усулидир, сабаби бунда Бош вазирдан бошқа вазирларни тайинлашда парламентнинг розилиги талаб қилинмайди (жуда камдан кам ҳолларда етакчи соҳа вазириларни тайинлашда парламентнинг розилиги талаб этилиши мумкин). Қирғизистонда, агар парламент ҳукуматни тасдиқлашдан уч марта бош тортса, у ҳолда парламент тарқатиб юборилади. Президент сайловларидан кейин, аввалги шахс янги муддатга Президент этиб сайланган тақдирда ҳам ҳукумат қайтадан шакллантирилади.

Парламентар монархия ва парламентар республикаларда ҳукумат парламентдаги сиёсий кучлар нисбатига асосланган ҳолда парламент иштирокидаги усул билан шакллантирилади. Бунда парламентга ўтказилган сайловлардан сўнг (муддатидан олдин тарқатилиб юборилган ҳолларда ҳам) парламентда аввалги чақириқдаги партия вакиллари кўп ўрин эгаллаган бўлса ҳам, ҳукумат янгидан шакллантирилади. Бундай мамлакатларда мавжуд бўлган ўзига хос хусусият, бу янги президент сайловининг ўтказилиши ҳукуматни қайтадан шакллантиришни талаб этмайди. Ҳукуматни тузишда, аввало, парламентда кўп ўрин эгаллаган сиёсий партия ёки кўпчилик сонга эга коалиция етакчиси ҳукумат бошлиги этиб сайланади. У эса вазирларни танлайди, агар келишмовчиликлар вазияти (ҳукуматни мазкур таркибини тузишда парламентда кўпчилик овоз тўплаши учун бошқа партияларнинг етарлича қўллаб-қувватлашига эриша олмаса) пайдо бўлса, у ҳолда Бош вазир ҳукуматни шакллантиришдан воз кечади. Бундай пайтда ҳукуматни шакллантириш бошқа шахсга топширилади. Агар унинг уринишлари ҳам парламентда рад этилса, давлат бошлиги парламентга янги

---

<sup>33</sup> Қаранг: Конституциявий ҳуқуқ (изоҳли луғат). А.Азизхўжаев, О.Хусанов, Х.Азизов. – Т.: “Академия”, 2001 й. 86-бет. *Аралаш типдаги республика (ярим президентлик) – бунда Президентлик республикаси билан парламентар республика хусусиятлари қўшилиб кетади. Яъни, Президент умумхалқ сайловларида сайланиб, юридик ва реал кенг ваколатларга эга бўлади. Бироқ ҳукумат парламент томонидан ташкил этилади ва у нафақат Президент олдида, балки парламент олдида ҳам сиёсий жавобгар бўлади. Бунда Президент ҳукуматга умумий раҳбарлик қилади, лекин уни бош вазир бошқаради. Президент маълум ҳолатлар юз берганда парламентни тарқатиб юбориш ҳуқуқига эга.*

сайловлар тайинлаган холда уни таркатиб юборади. Бундай мамлакатларда ҳукумат ўз дастурларини такдим қилгандан кейин парламентнинг ишончини олишга эришса (албатта, овоз бериш йўли билан) – тузилган ҳисобланади. Бирок у юқоридаги мураккаб тадбирдан сўнг давлат бошлигининг муайян фармони (декрети ва шу қабилар) қабул қилингандан кейин юридик жихатдан шаклланган ҳисобланади. Баъзи мамлакатларда (Португалия, Швеция) ҳукуматни тасдиқлашда парламентдаги “қаршилар” овозлар ҳисобга олинади (“тарафдорлар”нинг кўплиги эмас), яъни “қарши” овозларнинг кўпчилигининг ташкил этмаганлиги ижобий ҳол ҳисобланиб, ҳукумат тасдиқланган ҳисобланади. Германия ва Болгария сингари парламентар республикаларда парламент фақат ҳукумат бошлигининг тасдиқлайди, вазирларни эса ҳукумат бошлигининг ўзи тайинлайди ва лавозимидан четлаштиради.

Ҳукумат таркибига вазирларни танлашда турли давлатларда муайян қоида ва шартларга риоя этилади, улар кўпинча мамлакатда қабул қилинган одат ва анъаналардан келиб чиқади. Масалан, Хиндистон ҳукумати таркибига, албатта, йирик штатларнинг (Уттор-Прадеш, Гужарот ва бошқа) вакиллари киритилиши лозим. Кенияда эса мамлакат умумий аҳолиси сонининг камида 3% ташкил қилувчи қабила вакиллари ҳукумат аъзоси бўлади (шу боис ҳам Кения ҳукумати, одатда, кўп сонли бўлади). Канада ҳукумати таркибига қабул қилинишда номзодларнинг миллати ва тили ҳисобга олинади. Айрим ҳолларда ҳукумат таркибини ташкил қилишдаги шартлар бевосита конституцияда белгиланган бўлиши ҳам мумкин. Бельгия Конституциясининг 99- моддаларида кўрсатилишича, Вазирлар Кенгаши таркибига тенг миқдорда француз ва нидерланд тилида сўзлашувчи вазирлар киритилиши лозим<sup>34</sup>. Швейцариянинг 1874 йил 29 майда қабул қилинган Конституциясининг 96-моддасида эса ҳукумат – иттифок кенгашига ҳар бир кантондан биттадан ортиқ бўлмаган вазирлар қабул қилиниши белгиланган эди. Қатор мамлакатларда ҳукумат аъзоси бўлиш учун муайян ёш белгиланган (масалан, Бразилияда 25 ёшдан, Мисрда 30 ёшдан кичик бўлмаган шахслар) ёки мурожаат қилиш (натурализация) орқали фуқароликни кўлга киритган шахслар ҳукумат таркибига кириши учун муайян давр ўтиши белгиланган (ушбу муддат Мексикада 10 йил). Баъзи давлатларда вазирлар алоҳида динга эътиқод қилишлари (бир қатор

---

<sup>34</sup> Конституции мира (Сборник конституций государств мира.Т.6) Сост. У.Таджиханов, А.Х. Саидов. – Ташкент: Академия МВД Республики Узбекистан, 1998. 28-бет, 99-модда.

араб мамлакатларида – Ислом динига), бундан ташкари муносиб маънавий-ахлокий талабларга (Финландия) жавоб бериши лозим. Буюк Британия ва бошқа мамлакатларда (Хиндистон, Греция) вазирлар фақат парламент аъзолари таркибидан тайинланади. Шу билан бирга улар ўз парламент мандатларини саклаб қоладилар ва, хатто, парламентда ҳукуматга ишонч билдириш юзасидан овоз беришда иштирок этишлари ҳам мумкин. Франция ва Украинада ҳукумат таркибига киритилган парламент аъзоси ё вазирликни ёки парламент аъзолигини танлашлари лозим. АКШ ва Болгарияда вазирлар парламент аъзолари бўлмаслиги лозим.

Вазирларнинг иммунитетига баъзи мамлакатларда парламент аъзоларининг иммунитетига тенглашади. Айрим ҳолларда вазирлар фақат парламент қарори (гоҳида қабул қилинган малакали кўпчилик овоз) билан судга топширилишлари мумкин, уларни махсус судлар суд қилиши кўзда тутилган. Улар вазирлик лавозимини бир пайтда бошқа бир лавозим билан қўшиб олиб боришлари мумкин эмас, бу пайт мобайнида (вазирлик давомида) у ўзининг бошқа ҳақ тўланадиган касбий ёки тадбиркорлик фаолиятини ва давлат мулки билан боғлиқ битимларда иштирок этишларини тўхтатиб туришлари шарт. Вазирларга қарши фуқаролик ишлари даъволари судга киритилиши мумкин.

Ҳукумат турлари (партиявий таркиб нуктаи назаридан).

Якка палатали парламентда ёки икки палатали парламентнинг куйи палатасида бир партия вакиллари мутлок (жуда кам ҳолларда нисбатан) кўпчилик ўринни эгаллаган парламентар республикаларида бир партиёга мансуб ҳукумат тузилади. Бундай ҳолат икки партиёли тизимдаги (Буюк Британия, Австралия, Канада ва бошқалар) ёки якка партия ҳукмрон бўлган мамлакатларга ҳам (Хиндистон ва Японияда ҳам бу ҳолат кўп йиллар давом этган) характерлидир. Бундай давлатларда уруш ёки бошқа ғавқулда ҳолатлар пайтида бир партиёга мансуб ҳукуматга бошқа партиёнинг вакиллари ҳам киритилади.

Президентлик республикаларида ҳам шунингдек, бир партиёли ҳукумат тузилади. Давлат бошлиғи ҳукумат таркибига кўпинча ўз партиёсидан вазирларни тайинлайди, фақат айрим ҳолларда бошқа партия вакилларидан ёки партиёга мансуб бўлмаган мутахассислардан бир-икки нафарини ҳукумат таркибига киритишини кузатиш мумкин. Бундай ҳукуматларда бошқа партия

вакилларидан иборат ҳукумат аъзолари президент сиёсатиға мувофиқ фаолият юритишлари лозим бўлади.

Яримпрезидентлик республикаларида ҳукумат таркиби муайян даражада парламентдаги мавжуд сиёсий кучларининг нисбатиға боғлиқ (масалан, Франциядаги анъанаға кўра ҳукумат парламентда ишонч вотумини<sup>35</sup> кўлга киритиши лозим) бўлади. Бошқа катор яримпрезидентлик давлатларида – ҳукумат ташкил қилишда президент парламентнинг сиёсий таркибини ҳисобға олиш учун юридик жихатдан мажбур эмас, лекин амалда маълум даражада бу омилларни ҳисобға олади. Президент ҳар ҳолда парламентнинг Бош вазир номзодиға нисбатан муносабатини ҳисобға олади, чунки президент уни тайинлашда парламентнинг дастлабки розилигини (овоз бериш йўли билан) олиши лозим бўлади. Баъзи постсоциалистик (Шарқий Европанинг) яримпрезидентлик республикаларида ҳукумат таркибига турли сиёсий партияларнинг (уларнинг кўпсонлилиги ва ўта майдалигидан, одатда, улар орасида бирон бир етакчисини ажратиш кийин) аъзолари кириши мумкин, бундай усулда ташкил этиладиган ҳукуматлари мавжуд давлатларни партиясиз ҳукумат деб қарашимиз мумкин. Бу ҳолда ҳукумат бирон бир партия сиёсатини олиб бориши мумкин эмас, қолаверса бундай ҳукуматға умумий раҳбарликни партиясиз ёки партиясиз ҳисобланган президент амалға оширади.

Аксарият ҳолларда яқка партияли ҳукуматлар тоталитар социализм мамлакатларида тузилади, ушбу мамлакатларда бошқа партиялар ҳам фаолият кўрсатишиға ва уларнинг ҳукумат таркибига киритилишларига ҳам қарамасдан уларнинг роли унчалик сезилмайди. Чунки улар ҳукумат таркибига умуман ҳукумат фаолиятини ўзгартира олмайдиган даражада киритилади (масалан, улар вазирлар кенгашиға киритилсаларда, аммо бу кенгашда аслида коммунист вазирлар мутлоқ кўпчиликни ташкил қилишади). Бундай шароитда бошқа партия вакиллариға, одатда, ҳукуматдан иккита ёки тўртта ўрин берилади, боз устиға бу лавозимлар унчалик катта аҳамиятли ўринлар ҳисобланмайди. Шунингдек, яқка партияли ҳукуматлар асосан айнан мамлакат Конституцияси ёки қонунлари бир партияли тизимға йўл кўйиб берувчи давлатларда (яқин

---

<sup>35</sup> *Vote (m)* – французчадан «сайлов пайтида ёки муайян масалани коллегиал ҳал қилишда овоз бериш»; «овоз бериш» деган умумий мазмунларни англатади. Қаранг: М.К.Морен, Н.А.Шигаревская Словарь синонимов французского языка. Издательство «Просвещение», Москва, 1964, 324-бет.

ўтмишдаги хох социалистик, хох капиталистик йўлдан борувчи Осиё ва Африка китъасининг бир катор давлатларида) тузилади.

Агар парламентар монархия ёки парламентар республикаларнинг парламентида сайловлар натижасида бирон бир сиёсий партия кўпчилик ўринни эгаллай олмаган бўлса, ундай ҳолларда бир неча партия етакчиларининг мурасали келишуви асосида коалицион ҳукумат<sup>36</sup> тузилади (масалан, Италияда, Нидерландияда, Данияда, Финляндияда мунтазам, Хиндистонда ва Японияда кейинги ўн йилликларда ана шундай коалицион ҳукумат амал қилиб келмоқда). Мазкур давлатларда парламентдаги вакилларнинг тегишли сонига қараб партия етакчилари ўзаро вазирлик ўринларини бўлишиб оладилар, шу билан у постсоциалистик ва президентлик республикалари ҳукумат тузилишидан фарқ қилади. Коалицияга қирувчи партия депутатларининг қўллаб-қувватлаши (овоз бериши) билан коалицион ҳукумат парламентнинг ишонч вотумини олади. Лекин қўнча бундай ҳукумат коалициядаги келишмовчиликларни деб мустаҳкам бўлмайди. Германияда, унинг ўзига хос партиявий тизимидан (бу тизимни икки яримта партия дейишади) қилиб чиқиб, коалицион ҳукумат масаласини кам сонли учинчи партиянинг у ёки бу партияга бириктиши ҳал қилади (эркин демократик партия, “яшиллар” партияси у ёки бу партияга бирикувчи христиан-демократик ва социал десократик партия).

Инкирозли вазиятларда, айниқса, уруш ҳолатида ўзига хос коалицион, турли партия аъзоларини бирлаштирувчи – миллий бирлик ҳукумати тузилиши мумкин. Бундай партиялар ва ижтимоий ҳаракатлар долзарб вазифа (масалан, чет босқинчиларга қарши кураш) асосида бирлашадилар, лекин кейинчалик давлатни бошқариш ва ривожлантириш масалаларида келишмовчиликлар вужудга келади. Шунинг учун миллий бирдамлик ҳукуматлари (миллий фронт ва шу қабилар) таркибида ички мурасасизликлар кўзга ташланади ва долзарб масала ҳал қилинганидан кейин унинг ичида қўпинча ҳақиқий кураш бошланади.

---

<sup>36</sup> *Coalition (n)* – инглизчадан *коалиция*; *иттифоқ (муваққат) маъносини англатади. Coalition government* – коалицион ҳукумат. Қаранг: Большой англо-русский словарь: в 2-х т. Ок. 160 000 слов./Авт.Н.Н.Амосова, Ю.Д.Апресян, И.Р.Гальпесин и др./ - 4-е изд., испр., с дополнением – М.: Рус.яз., 1988, 315-бет.

Партиялардан бири ҳукуматни шакллантиради, принципиал ҳолатлардан (агар битта оз ўринли партиядан ҳукумат таркибига ҳатто бир киши кирса, коалицияда келишмовчиликлар кескинлашади) ёки коалицияга таклиф қилинмагани ҳолда ҳукуматга ишонч вотуми беришда кўллаб-қувватлашни ваъда берадилар ва кўллаб-қувватлайдилар. Бундай ҳукуматлар, одатда, бирорта партиянинг бош тортиши сабабли қисқа давр фаолият юритади (90-йиллардаги Япония, Хиндистон, Туркия ҳукуматлари).

Агар парламентар республикада ва парламентар монархияда коалицион асосда ҳукумат тузишга эриша олинмаса, унда мутахассислардан хизмат (ишчи, чиновник) ҳукумати тузилади. Улар партиясиз ёки бирон бир партиёга тегишли бўлишлари мумкин, лекин улар фаолиятида партиёвийлиги ҳисобга олинмиши мумкин эмас, яъни вазир партиё манфаатларига хизмат қилмасликлари лозим. Бундай ҳукумат, одатда, вақтинчалик характерга эга ва у партиёвий асосда ҳукумат ташкил қила олиш имконини берадиган кейинги парламент сайловларигача амал қилади. Шу тарздаги ҳукумат – ҳукумат инкирози ва истеъфосини келтириб чиқариш, шундан сўнг партиёвий асосда ҳукумат ташкил қила оладиган парламент сайловларини ўтказиш учун тузилади (Болгарияда 1997 йил, Туркияда 1998 йил). Партиясиз ҳукумат сиёсий партиёлар фаолияти таққиланган ёки сиёсий ҳаёт партиёлар ташкил қила олиш шароити етилмаган мамлакатларда тузилади. Ҳозирги даврда кўпчилик монарх қариндошларидан иборат партиясиз ҳукумат Саудия Арабистони,

Бутан, Бахрейн, Кувайт ва БААда амал килади (БААда ҳукуматни амирлар коллегияси ташкил килади).

Харбий ва инкилобий тўнтаришлар натижасида кўпинча вақтинчалик ҳукуматлар ташкил қилинади. Бундай ҳукумат парламентсиз ҳамда конституциявий асосларсиз шакллантирилади. Ҳукумат бундай ҳолларда ўз аъзолари таркибига кўра партиявий ёки партиясиз бўлади. Шу тарзда тузилган ҳукуматлар вақтинчалик ҳисобланмайди, лекин амалда у тез ўзгарувчан бўлади.

### Ҳукумат ваколатлари

Кўпчилик конституцияларда ҳукумат ваколатлари умумий тарзда белгиланган бўлади. Масалан, Франция Конституцияси қуйидагиларни мустаҳкамлаган: “Ҳукумат миллий сиёсатни белгилайди ва амалга оширади. Маъмурият ва қуроли кучлар унинг ихтиёрида бўлади”.

Парламентар монархия ва республикаларида ҳукумат конституцияга кўра давлат бошлиғига тегишли бўлган ваколатларни амалга оширади, лекин баъзида ҳукуматнинг алоҳида ваколатлари (одатда, хусусий масалалар юзасидан) белгиланган бўлиши ҳам мумкин. Ҳукумат коллегиял орган сифатида мавжуд бўлмаган президентлик республикаларида ҳукумат ваколатларини президент амалга оширади, вазирлар эса кабинет (махкама) таркибига кирган ҳолда президент кўрсатмаларига мувофиқ унинг ваколатларини амалга оширишга кўмаклашади (Бразилия, АКШ ва бошқалар). Бундай ҳолат ҳукумат коллегиял орган сифатида мавжуд бўлган мамлакатларда ҳам (Перу, Мексика) мавжуд. Лекин юқорида кўрсатиб ўтилгандан ташқари ҳукуматнинг ўзигагина тегишли ваколатлари ҳам бўлиши мумкин.

Нисбатан батафсил ҳукумат ваколатлари тоталитар социализм мамлакатлари конституцияларида белгиланган бўлади. Одатда, асосий қонунлар ҳукумат амалга оширадиган масалалар кўламини мужассамлаштиради (халқ хўжалиғига раҳбарлик, ижтимоий-маданий қурилиш соҳаси, инсон ҳуқуқлари ва жамоат тартибининг ҳимояси, ташқи ишлар, қуроли кучларни бошқариш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий бошқариш, давлат бюджети масалалари юзасидан дастурлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш ва шу каби ваколатлар). Бугунги кундаги баъзи постсоциалистик мамлакатлар конституциялари (Украинанинг 1996 йилги

Конституцияси) ҳам ушбу анъанага мувофиқ ҳукумат шугулланадиган масалалар доирасини мустахкамлаган.

Факат санокли конституцияларда ҳукумат коллегиял хал килиши лозим бўлган ваколатлар кўрсатилган (масалан, Словакиянинг 1993 йилда амалга киритилган Конституцияси). Коида тарикасида бу ваколатлар ҳукуматнинг муҳим ваколатлари доирасига киради.

Амалиётда ҳукумат ваколатлари доирасига кирувчи масалалар кўпинча ҳукуматдаги президиум (бюро), межведомственнўе идоралараро кўмиталар ва премьер вазир томонидан хал килинади. Кейинги ўн йилликларда ҳукумат коллегиясида премьер вазирнинг роли ортиб борди: энди у тенг ваколатли шахслар орасида (ҳукумат)даги биринчи эмас, балки ҳукумат сиёсатини белгилайдиган шахс макомини олмоқда. Шу жихатдан олсак, ҳозирда ҳукумат мажлисларининг кам холларда ўтказилиши, ўтказилган тақдирда ҳам премьер вазирнинг овози хал килувчи роль ўйнаётганини кузатамиз. Вазирлар ҳам кўпинча унга тобедирлар (бир катор парламентар давлатларда парламент факат премьер вазирнигина сайлайди холос, колган ҳукумат аъзоларини эса премьер вазирнинг ўзи тайинлайди ва лавозимидан озод килади).

Ҳукумат норматив ва нонорматив характердаги қонуности актларни (қарорлар, ордонанслар, декретлар ва бошқалар) қабул килади. Давлат бошлигининг актлари билан солиштирганда ҳукумат ҳужжатлари нисбатан паст ўринни эгаллайди.

Яримпрезидентлик республикаларида, парламентар монархия ва парламентар республикаларда ҳукумат (катор мамлакатларда факат вазирлар, ҳукумат коллегияси эмас) ўз номидан ёки президентнинг ва монархнинг кенгашдаги декрет-қонунлари сифатидаги норматив актлар қабул килади. Президентлик республикаларида вазирлар кенгаши коллегиял орган сифатида мавжуд бўлса ҳам, унинг актлари давлат бошлигининг норматив акти сифатида чиқарилади (Испанияда йилига ўртача 8та декрет-қонунлар, Италияда эса 10дан ортик). Юқоридаги ҳужжатлар парламент тасдиғига киритилади. Айтиб ўтилганидек, турли бошқарув шаклларидаги давлатлар ҳукумати муайян шартларда қонун қучига тенг бўлган вақтинчалик актлар қабул килиши мумкин (Франция).

Ҳукумат ва унинг аъзоларининг жавобгарлиги



Хукумат аъзоларини мансаб ваколатларини амалга ошириш жараёнида ёки жисмоний шахс сифатида содир қилган ҳуқуқбузарлиги билан белгиланади. Жисмоний шахс сифатида содир қилган ҳуқуқбузарлиги учун вазирлар бошка шахслар билан тенг асосда жавобгар бўлади. Лекин баъзи давлатларда вазирлик иммунитетини назарда тутилади, яъни вазирлар парламент розилиги билан суд жавобгарлигига тортилади ва уларнинг ҳуқуқбузарлик ишини махсус суд кўриб чиқади. Жавобгарлик хизмат вазифасини бажариш жараёнида қонунни бузишда, жиноят содир этишидан (давлатга хоинлик ва бошқалар) ва хизмат мажбуриятларини бузишдан келиб чиқиши мумкин. Жавобгарлик сиёсий, жинсий, фуқаровий ва интизомий бўлади. Сиёсий жавобгарлик парламент олдида, президент (давлат бошлиги) ва премьер вазир олдида бўлиши мумкин. Парламент олдида жавобгарлик ҳукуматга ёки алоҳида вазирга ишончсизлик вотуми эълон қилишида (резолүзия порицания), ҳукуматга ишонишдан бош тортиш (бу масала ҳукумат ташаббуси билан кўтарилади) – бу ҳукумат ёки алоҳида вазирни истеъфога чиқишига олиб келади. Сиёсий жавобгарлик, одатда, қуйи палата ёки бир палатали парламент олдида бўлади. Юқори палата олдида ҳукумат жуда кам ҳолатларда жавобгар бўлади (Италияда ҳукумат иккала палата олдида ҳам жавобгар).

Вазирларнинг парламент олдидаги сиёсий жавобгарлиги солидар ёки индивидуал бўлиши мумкин. Солидар жавобгарликда, одатда, ишончсизлик ҳатто вазирлардан факат биттасига қарата ифодаланган бўлса ҳам бутун ҳукумат истеъфога чиқади (Франция, Испания, Куба), индивидуал жавобгарликда факат ишончсизлик эълон қилинган вазирнинг ўзига истеъфога чиқади. Баъзи давлатларда жавобгарликнинг иккала кўриниши ҳам бўлади.

Ҳозирги пайтда ҳукумат ва вазирларга ишончсизлик билдириш тадбирининг мураккаблашув тенденциялари кузатилмоқда (масалан, шундай таклиф қилиниши учун имзолар микдорининг кўплиги, Чехия 000000000000000 таркибининг 1/4 қисми, Беларуссияда 1/3 қисми). Бу яримпрезидентлик сонининг ортиши ва ҳукумат барқарорлигини сақлаш зарурияти билан боғлиқ. Бошка томондан, ишончсизлик вотумини эълон қилиш тадбирининг мураккаблашуви билан бир қаторда бу институтнинг кенг тарқалаётганлигини кузатиш мумкин. Юқорида айтиб ўтилган шартлар мавжуд бўлсада, ишончсизлик институти Лотин Америкаси президентлик республикаларида (Венесуэлада, Коста-Рикада, Уругвайда ва

бошкаларда) ҳам фақат алохида вазирларга кўлланилмоқда (бу мамлакатларда ҳукумат президент кабинети ҳисобланади).

Давлат бошлиғи олдидаги вазирнинг жавобгарлиги вазирнинг вазифасидан озод қилинишида намоён бўлади. Бу ҳолат президентлик ва яримпрезидентлик республикаларида юз бериши мумкин. Алохида постсоциалистик мамлакатларда президентлар вазирларни “нотўғри йўл учун” вазифасидан озод қилганлик ҳоллари бир неча марта кузатилган.

Вазирларнинг премьер вазир олдидаги сиёсий жавобгарлиги принципал масалалар юзасидан келишмовчиликлар натижасида премьер вазирнинг вазирдан истеъфо беришини талаб қилишида ифодаланади. Вазирлар премьер вазир томонидан тайинланадиган ва унга тобе бўлган парламентар республика ва парламентар монархияларда ҳукумат бошлиғи ҳар қандай вазиятда вазирдан истеъфони талаб қилиши мумкин. Шунга ўхшаш ҳолат Буюк Британияда, Хиндистонда, Италияда, Японияда тез-тез кузатилади. Яримпрезидентлик республикаларида премьер вазир вазирни вазифасидан озод қилиш учун президент орқали ҳаракат қилиши лозим. Чунки, вазирлар президент томонидан тайинланади.

Шунинг учун ҳам у сиёсий ҳисобланади. Парламент ҳукуматга ва вазирларга ишдаги камчиликлар учун, вазирни ёки ҳукуматни сиёсий ҳақ эмас ҳисоблаб ва баъзан этика меъёрларини кўпол бузганлик ҳолати юзасидан ишончсизлик билдиради. Худди шундай асосларга кўра президент ва премьер вазир олдида ҳам сиёсий жавобгарлик вужудга келиши мумкин.

Вазирларни вазифасидан озод қилиш импичмент йўли билан бўлиши мумкин. АКШда вазирни вазифасидан озод қилиш президент импичментига ўхшаш. Данияда вазирга нисбатан импичмент парламент ёки монарх томонидан кўзгатилади, лекин ҳал қилувчи қарорни Олий қироллик суди қабул қилади.

Вазирларнинг ўз хизмат мажбуриятларини бажариш жараёнида содир қилган жинойтлари учун жинойий жавобгарлик шакллари

турличадир. Баъзи мамлакатларда жиноий жавобгарлик келиб чиқишидан олдин президент импичментга ўхшаш импичмент бўлиши мумкин, баъзиларида эса парламент вазирларга факат айб эълон қилади холос (Польша, Франция). Бундай ҳолатда вазир суд жавобгарлигига тортилади, лекин уларни махсус суд суд қилади (Францияда – Олий адолат суди, Польшада – Давлат трибунали). Парламент қарорига кўра, вазирларни конституциявий суд (Италияда) суд қилади, лекин кўпинча бундай ҳолларда муҳокама кейинги ўринлардаги оддий жиноий судларга берилиши ҳақида бўлади. Бир сўз билан айтганда, қуйидаги умумий тамойил амал қилади: агар вазирнинг иммунитетидан бўлса (кўпгина мамлакатларда шундай), дастлабки айблов парламент томонидан тақдим қилинади. Бироқ бу умумий қоидадан истиснолар ҳам бўлиши мумкин.

Кейинги ўн йилликларда бир нечта Италия ва Япония ҳукумати аъзолари (премьер вазирлари ҳам), АКШ вице-президенти, Бразилия президенти ва бошқа алоҳида вазирлар пора олганликлари ёки солиқдан бош тортганлиги учун жавобгарликка тортилган. Ривожланаётган мамлакатларда ҳам ҳукумати аъзоларига, президентларига, ҳатто Бокасс императорига нисбатан суд муҳокамалари бўлиб ўтди. Бу ҳолат Жанубий Кореядагидек давлат бошлиқларининг ҳарбий тўнтарилиши оқибатида, ишдан кетишлари оқибатида бўлади.

Фукаровий жавобгарлик ҳукумати ёки вазирларга нисбатан уларни хизмат вазифасини бажариш жараёнида қонунни бузиб, жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарар юзасидан даъво кўзгатилишида ифодаланади. Бундай даъволар кўп кўзгатилади.

Интизомий жавобгарлик индивидуалдир. Бу президент ёки бош вазир томонининг вазирлардан хизматдаги камчиликлар учун ушланиб қоладиган йиғимларида намоён бўлади.

## Вазирликлар ва идоралар

Вазирликлар ва идоралар муайян давлат бошқаруви соҳасида махсус ваколатларга эга бўлган ижроия ҳокимиятнинг тармоқ органлари ҳисобланади. Улар маъмурий ҳуқуқ курсида батафсил ўрганилади.

Турли мамлакатларда турли йўналиш вазирликлари амал қилади. Қоида тариқасида булар: мудофаа, ташқи ишлар, меҳнат, молия, кишлок хўжалиги, соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқа

вазирликлардир. Вазирликлар билан бир каторда турли идоралар, кўмиталар, бошкармалар, департаментлар фаолият кўрсатади.

Хукумат идоралари раҳбарлари парламент томонидан тасдикланади (ишонч вотуми) ёки президент томонидан тайинланади. Агар вазир мақомига эга бўлса, у ҳукумат таркибига киритилади (масалан, тоталитар социализм мамлакатларида режалаштириш давлат кўмитаси раиси ҳукумат таркибига киради). Нохукумат идора (ведомства)лар (масалан, марказий статистика бошкармаси) раҳбарлари премьер вазир ёки ҳукумат томонидан тайинланади. Улар ҳукумат таркибига кирмайдилар ва вазир мақомига эга эмаслар. Ҳукумат мажлисларида таклиф килинган такдирда катнашадилар, шунингдек ҳукумат мажлисларида муҳокамавий овозга эга. Баъзи вазирлик ва идоралар (масалан, молия вазирлиги) надведомственнўй ваколатларга эга, бошқа вазирликлар айрим масалалар юзасидан уларга тобе ёки мувофиқлаштирилган бўладилар.

Вазирликлар ва идоралар бошқаруви яккабошчилик тамойили асосида амалга оширилади. Лекин тоталитар социализм ва кўпгина постсоциалистик мамлакатларда вазир ҳузурида, одатда, таркиби ҳукумат томонидан тасдикланадиган маслаҳат органи – вазирлик коллегияси мавжуд бўлади. Кўпгина давлатларда бундай орган мавжуд эмас, лекин доимо вазирнинг ёрдамчилари, “Мозговой штат”, кабинети ва шахсий ходимлари бўлади. У вақти-вақти билан турли масалаларни ҳал қилиш учун вазирликнинг юқори мартабали чиновникларини йигиб туради.

Турли бошқарув шаклларига эга бўлган давлатлардаги вазирларни тайинлаш ва бўйсинув тартиби ҳақида юқорида айтиб ўтилган.

Ҳукумат аъзоларига кўпинча парламент аъзоларининг иммунитет ва имтиёзларига тўғри келувчи иммунитет ва имтиёзлар билан бир каторда чекловлар ҳам белгиланган. Вазирларга: хусусий фирмалар кенгашларида ва дирекцияларида катнашиш, давлат мулки билан боғлиқ битимларга киришиш, шунингдек (деярли барча мамлакатларда) ҳақ тўланадиган бошқа фаолият билан шугулланиш (ижодий, илмий ва педагогик фаолият бундан мустасно) тақиқланади.

Вазирликлар таркибида дирекциялар, департаментлар, бўлимлар ташкил қилинади. Уларга вазир томонидан тайинланадиган мансабдорлар раҳбарлик қилади. Бошқарма ва бўлимлар гуруҳини вазир ўринбосарлари йўналтириб (қурирует) туради. Континентал ҳуқуқ тизимидаги мамлакатларда вазирлик бош қотибияти муҳим

ахамият касб этади. Бу ўз мохиятига кўра вазирлик штаби хисобланади.

## Давлат аппарати

Турли давлат аппарати тузилиши ва ваколатлари (тор маънодаги “давлат аппарати” атамасида) маъмурий ҳуқуқда батафсил ўрганилади. Конституциявий ҳуқуқ курси (президентлик республикаларида давлат бошлиги) раҳбарлиги остида тармоқланган ва кўп сонли давлат аппарати хизматчилари (ҳарбий хизматчилар ҳам) фаолият кўрсатади. Давлат хизматидаги фуқаролар умумий аҳолининг Германияда – 7,3%ини, Францияда – 7,6%ини, Италияда – 6,2%ини ва Испанияда – 5,6%ини ташкил қилади. Оддий давлат хизматчилари (давлат муассасаларидаги врачлар, ўқитувчилар ва бошқалар) билан турли давлатларда турлича (баъзиларида – оммавий, баъзиларида – фуқаролик ва айримларида – федерал) аталувчи малакали давлат хизматчилари фарқланади. Бундан ташқари муниципал хизмати ҳам мавжуд, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари чиновник-бошқарувчиларига эгадирлар.

Малакали давлат хизматига мансуб давлат хизматчилари муайян ваколат доираси ва моддий ҳолатини белгиловчи малакавий даража, мақом ва унвонларга эга. бундай синфий сони бир хил эмас (масалан, Буюк Британияда улар 4та, Японияда 15та). Одатда, маъмурлар, профессионаллар, ижрочилар ва бошқалар синфи ажралиб туради. Чиновниклар дискрецион ваколатларга эга, яъни конун доирасида ўз фикрларига кўра қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи. Давлат хизматининг, масалан, юқори давлат хизматчиларининг замехенияси тайинлаш, шу мансабни эгаллаб турган мансабдорни аттестация қилиш (одатда, беш йилда бир) ёки танлов йўли (бўш ўринлар учун) амалга оширилади. Агар танлов ўтказилса, унда турли комиссиялар ҳам тузилади (масалан, танловга кўювчи ва тайинловчи комиссиялар). Юқори ва ўрта мансаб учун танлов оғзаки имтиҳонни эслатади, яъни муайян шахслар (номзодлар) билан (баъзида назорат саволлари берилиши мумкин) суҳбат ўтказилади ёки ёзма ҳужжатлари текширилиши мумкин (Германия). Куйи поғонадаги давлат хизматчилари мансаби учун суҳбат ва амалий билимларни текшириш қўлланилиши мумкин.

Чиновниклар дискрецион ваколатларга (конун доирасида қарорлар қабул қилиш), алмаштирилмаслик имтиёзига (яъни вазирлар ва ҳуқумат алмашган тақдирда ҳам, хатто сайловларда оппозициядаги

партия галабасида ҳам ўз хизмат вазифасида қолади) эгалар. Лекин баъзи юкори мансаблар “хизмат кўрсатганлик даражаси тизими” бўйича эмас, балки “ўлжа тизими” бўйича эгалланади. Айниқса, бу мансаб президент ёки вазирнинг шахсий ходимлиги ёхуд сиёсий характерга эга бўлса, голиб чиққан сиёсий партиянинг арбоблари тайинланади. Янги президент ёки хокимият тепасига келган партия томонидан шакллантирилган ҳукумат вазирларнинг шахсий ходимлари, вазирликлар бош қотибияти, губернатор ва бошқа сиёсий характердаги лавозим эгаларини алмаштиришга ҳаракат қилади, лекин баъзида вазирлар ўринбосарлари ўз мансабида қолиб, тармоқдаги ваколатларини давом эттирадилар. Чиновниклар ўз ваколатлари даврида бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллашлари мумкин эмас (ижодий, илмий, дарс бериш фаолияти бундан мустасно), совга қилинган буюмларни давлатга топширишга мажбурдирлар (масалан, АКШда ҳар қандай давлат хизматчиси чет давлатлар совга қилган қиймати 100\$дан ортиқ бўлган буюмларни давлатга топширишлари шарт), шунингдек улар сиёсий партия аъзоси бўлишлари, сиёсий акцияларда ва иш ташлашларда қатнашишлари мумкин эмас – бу давлат аппаратини департизациялаш ва деполитизациялаш дейилади. Улар давлат билан муносабатда тоълностни сақлаб қолишлари шарт. АКШда тоълност текширувлари ўтказилган, Германияда эса радикал элементлар давлат хизматида, шунингдек таълим-тарбия ишларига киритилмайди. Шу билан бирга ривожланган кичик ҳудудли мамлакатларда (Дания, Швеция, Норвегия, Финляндия ва бошқалар) оддий, шунингдек юкори мақомдаги чиновниклар давлат ва жамоатчилик назоратида туради ҳамда уларнинг имтиёзлари айтарли даражада қенг ҳам эмас.

Тармоқ бошқарув органларига (вазирлик ва бошқалар)

Армия ёки умуммажбурийлик асосида (Францияда 1996 йилгача, Бразилияда, Германияда, Мисрда ва бошқаларда) ёки қўпчилик тизими асосида (АКШда контракт асосида, одатда, уч йилдан қам бўлмаган муддатда хизмат ўташ тартиби мавжуд.

Таъкидлаб ўтиш лозимки, АКШ армиясининг 14%ини аёллар ташкил этади) тўлдирилади. Умуммажбурийлик муайян ёшга тўлган эркакларга, баъзи мамлакатларда (Исроил) аёлларга тегишли бўлади. Уруш вақтида умуммажбурий харбий хизмат тизими бўйича айрим касб малакасига эга бўлган аёллар (медиклар, радиотехниклар ва бошқалар) ҳам армияга жалб қилиниши мумкин. Тинчлик вақтида эса, улар яшаш жойи бўйича харбий рўйхатда турадилар. Кўпгина мамлакатларда чакирув (умуммажбурий) асосида ташкил қилинадиган армия билан бир каторда, контракт асосида шакллантириладиган бўлинмалар ҳам бўлади. Бундай бўлинмалар (баъзида муддатли харбий хизматни ўтаётган харбийлар билан бирга, баъзида улардан алохида) постсоциалистик мамлакатларда ҳам ташкил этилмоқда. Коста-Рикада, Японияда ва Швейцарияда доимий армия тузиш таққиланган. Швейцарияда уникал тизим мавжуд: 19-42 ёшдаги эркаклар харбий рўйхатда турадилар ва ўз уйларида ўқ-дори, курул-яроғларни сақлашлари мумкин. Улар йилига бир марта қиска муддатли йигинга чакириладилар. Швейцария армиясида доимий штатда 800та одам туради.

Бир сўз билан айтганда, курулли кучларни ташкил қилишнинг турли моделлари мавжуд. Лекин умуммажбурийлик асосида ташкил қилинадиган армия кўп сонли бўлгани билан етарли даражада профессионал эмас, вахоланки шундай тарзда мамлакатнинг барча эркак ва қисман аёл аҳолиси қандайдир даражада харбий тайёргарликни ўтайди. Кўнгиллилар (шартома) асосида ташкил қилинадиган армия – қам сонли, профессионал ва анча қиммат ҳисобланади.

Бошқача тарздаги курулли кучларни ташкил этиш алохида давлатнинг хусусиятлари билан боғлиқ. Армияда, полицияда ва

хавфсизлик хизматида ишловчи шахслар сиёсий фаолият билан шугулланишлари мумкин эмас. Шундай бўлсада, кўпчилик мамлакатларда вакиллик органининг аъзоси бўлишига рухсат берилган, факат партия номидан эмас.

Полиция – бу яримхарбийлашлаган, каттик тартибга асосан шакллантириладиган, ўк-отар куроллар билан куролланган тузилмадир. Унинг асосий вазифаси жамоат тартибини саклаш ва жиноятчиликка карши курашиш хисобланади. Полициянинг турли шакллари мавжуд: жиноят, йўл, санитария, солик ва бошка турдаги полициялар. Бундан ташкари полицияни умумий тарзда иккига бўлиш мумкин, яъни давлат полицияси ва муниципал полиция (бу ўзини ўзи бошқариш органларига бўйсунди).

Камокхоналар – муайян режимдаги давлат муассасаси бўлиб, жиноятчиларни жазолаш масалалари ва уларни жамиятдан ажратиб саклаш билан шугулланади. Катор мамлакатларда камокхоналар жиноятчиларни кайта тарбиялаш билан шугулланади.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Алебастрова И.А. Конституционное (государственное) право зарубежных стран: Учебное пособие. – М.: Юриспруденция, 2000. – 304 с.

2. Конституционное право зарубежных стран. Учебник для вузов. Под обх. ред. члена-корр. РАН, проф. М.В. Баглая, д.ю.н., проф. Ю.И.Лейбо и д.ю.н., проф. Л.М.Энтина. – М.: Издательская группа НОРМА–ИНФРА · М, 1999. – 832 с.

3. Баглай М.В. Конституционное право Российской Федерации. Учебник для юридических вузов и факультетов. – М.: Издательская группа НОРМА–ИНФРА · М, 1998. – 752 с.

4. Чиркин В.Е. Конституционное право зарубежных стран. Практикум. – М.: Юристъ, 1999. – 429 с.

5. Конституционное (государственное) право зарубежных стран. Учебник. В 4-х томах. Тома 1-2. Отв. ред. Б.А. Страшун. – М.: Издательство БЕК, 1996. – 778 с.

6. Конституции государств Восточной Европў. Учебное и справочное пособие. Отв.ред. д.ю.н. Д.А.Ковачев. – М.: Издательская группа НОРМА–ИНФРА · М, 1996. – 160 с.

7. Конституционное право России: Схемў. Коментарии. Учебное пособие. – М.: Юриспруденция, 1999. – 64 с.



8. Стрекозов В.Г., Казанчев Ю.Д. Конституционное право России: Учебник. – Новьй Юрист, 1997. – 288 с.

9. Конституционное право Российской Федерации. Учебнўе материалў /Под обх.ред.Г.А.Жилина/ Составитель В.В.Калинин. – М.: ИКФ «Омега-Л», 2002. – 672 с.

10. Конституции зарубежнўх государств: Учебное пособие /Сост. проф. В.В. Маклаков – 2-е изд., исправ. и доп.– М.: Издательство БЕК. 1999. – 584 с.

Компетенция<sup>37</sup>

Иерархия<sup>38</sup>

## IV-BOB. ИЖТИМОЙ ТУЗУМНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ХУКУКИЙ АСОСЛАРИ

1-§. Ижтимой тузум тушунчаси.

1. Ижтимой тузумнинг таърифи ва тузилиши.

---

<sup>37</sup> Иерархия – англизча “*hierarchy (of the Civil Service)*” иерархия, по|она (давлат хизматида иерархия, «хизмат пиллапояси») маъноларини англатади. // Қаранг: Большой англо-русский словарь: в 2-х т. Ок. 160 000 слов./Авт.Н.Н.Амосова, Ю.Д.Апресян, И.Р.Гальпесин и др./ - 4-е изд., испр., с дополнением – М.: Рус.яз., 1988, Т.1 А-М, 758-бет.

<sup>38</sup> Компетенция – англизча “*competence*” умумий тилда махорат, лаёкат маъноларини, юридик тилда эса хукукий ваколат, хукукий лаёкат ёки хуқуқ доираси маъноларини англатади. // Қаранг: Большой англо-русский словарь: в 2-х т. Ок. 160 000 слов./Авт.Н.Н.Амосова, Ю.Д.Апресян, И.Р.Гальпесин и др./ - 4-е изд., испр., с дополнением. – М.: Рус.яз., 1988, Т.1 А-М, 334-бет.

Ижтимоий тузум – бу ижтимоий муносабатларнинг тарихан вужудга келган ва ривожланаётган муайян тизимидир ёки бошқача килиб айтганда – жамиятнинг ишлаб чиқариш, махсулотларни таксимлаш ва айирбошлашнинг муайян даражаси билан, ижтимоий онгнинг ўзига хос хусусиятлари ва инсонларнинг турли соҳалардаги ўзаро муносабатларидаги анъаналари билан боғлиқ бўлган, давлат ва ҳуқуқ билан муҳофаза этиладиган муносабатлар мажмуидир. Ижтимоий тузумнинг юзага келишини такозо этувчи юқорида айтилган омилларга келадиган бўлсак, у ҳолда шунини кўзда тутиш керакки, улар ва жамиятни ташкил этувчи муайян шакллар орасидаги боғлиқлик у ёки бу мамлакатда бир текис эмас. Масалан, ишлаб чиқариш соҳасидаги ўзгаришлар ҳар доим ҳам тезда ижтимоий тузумнинг у ёки бу тизимида тегишли ўзгаришлар рўй беришига олиб келмайди. Одатда, маълум бир вақт ўтади, ўзгаришлар йигилиб қолади, мустақамланади ва фақат ўшандагина ижтимоий тузумнинг маълум тизими ичидаги тузилманинг ўзгариб қолганлигини кўриш мумкин. Ижтимоий анъаналар эса ундан ҳам аста секинлик билан ўзгаради, ижтимоий ҳаётда зиддиятлар ва ҳатто бўҳрон (кризис)ларни келтириб чиқарган ҳолда ижтимоий тузумнинг ўз вақтида ўзгаришига тўсқинлик қилади. Бундай ҳолларда ижтимоий тузумнинг ўзгариши фақат кризис бартараф этилгандан кейингина рўй бериши мумкин.

Ижтимоий тузум ҳар доим давлат таъсири остида бўлади. Давлат эса жамият томонидан унинг умумий манфаатларини ҳимоя қилиш учун, жумладан, ижтимоий тузумни ҳимоя қилиш учун ташкил қилинади. Аммо давлат муайян мустақилликка эга бўлиб, кўпинча қучли мажбурлаш воситалари орқали давлат ҳокимияти манфаатларига жамият манфаатларини бўйсундирган ҳолда жамиятдан ҳам анча устун қуринади. Давлат ўз сиёсати, яъни давлат органлари, муассасалари ва мансабдор шахсларининг уюшган ва муайян мақсадга йўналтирилган фаолияти билан ижтимоий тузумга ўз таъсирини ўтказди. Бу фаолият ижтимоий эҳтиёжлардан келиб чиқади. Шу тарзда ижтимоий тузумнинг шакли кўп ҳолларда давлат томонидан, бинобарин, субъектив омил билан белгиланади. Баъзида давлат таъсири фақат унинг шаклига эмас, мазмунига ҳам ўтказилганда, ижтимоий тузум вольонтаристик<sup>39</sup> қайта қуриш

---

<sup>39</sup> Вольонтаристик – сиёсатда ва ижтимоий ҳаётда: объектив мавжуд шароитлар ва қонуниятларни четлаб ўтувчи субъектив қарорлар.

курбони булади. Катор мамлакатларда, жумладан, Россияда ҳам коммунистик тажрибалар бунинг муайян бир халк ва хатто бутун инсоният учун канчалик хавфли эканлиги яккол намойиш этди. Турли мамлакатларда жамият хаётининг анча ўхшаш шароитларида биз бу мамлакатларнинг ижтимоий тузумида кўзга ташланарли тафовутларни тез-тез кузатамиз ва бу хол субъектив омилнинг таъсири сифатида намоён булади.

Ижтимоий тузумнинг тузилиши тўртта ички тизимдан шаклланган бўлади, улар жамият хаётининг тегишли сохаларидаги ижтимоий муносабатлар тизимини кўрсатиб туради. Бу ички тизимлар куйидагилардир:

- а) иктисодий муносабатлар,
- б) ижтимоий (социал) муносабатлар (тор маънода),
- в) маънавий-маданий муносабатлар,
- г) сиёсий муносабатлар.

Бу синф (гурух)лаштириш, бошка хар кандай гурухлаштириш каби, албатта, шартлидир. Хар доим ҳам иктисодий ва ижтимоий муносабатлар орасидан аник бир чизик ўтказиб, чегаралашнинг имкони бўлавермайди. Жамиятнинг давлат томонидан ташкил этилишидаги сиёсий вазият кўпчилик ижтимоий муносабатларда бор, хеч бўлмаса, бошка гурухларга ажратилган муносабатларда мавжуд. Аммо шартли равишдаги ушбу гурухлаштирув жамиятдаги у ёки бу муносабатларнинг хусусиятларини тавсифлаш учун кўлланилиши мумкин.

Хар бир ички тизим ижтимоий тузумнинг колган бошка ички тизимлари билан узвий боғлиқдир. Бу демак айнан ўзаро боғлиқлик, ўзаро бир-бирига таъсирдир, яъни факат бир ички тизимнинг бошкасига таъсиригина эмас (масалан, иктисодий ички тизимнинг бошка бир ички тизимга кўрсатадиган таъсири эмас). Ички тизимлар орасидаги бир-бирига булган ўзаро таъсир, кўпинча, деярли хукукий тартибга солинади. Унинг асосий тамойиллари эса конституциявий хукук билан тартибга солинади.

2. Ижтимоий тузум ва конституциявий хукукнинг ўзаро алокадорлиги

Давлат ижтимоий тузумга, энг аввало, ижтимоий муносабатларни хукукий тартибга солиш – хукукий меъёрларни белгилаш ва тасдиклаш ва уларнинг татбик этилишини таъминлаш

воситасида таъсир кўрсатади. Хозирги замон демократик равишда ташкил этилган жамиятда ҳукукий тартибга солиш конституция ва бошқа конституция ахамиятига эга бўлган ҳукукий манбаларга таянади. Демократия бўлмаса ёки етарли даражада тараккий этмаган бўлса, давлатнинг ижтимоий тузумга таъсири истисно қилинади ёки бу таъсир куч воситасида амалга оширилади. Бундай ҳолатда у ҳукукийга ўхшаб кўриниши мумкин, яъни конституциялар, қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилади, эълон қилинади, бироқ уларнинг мазмуни кўпинча ҳуқуққа қарши бўлади, тор ҳуқуқ гуруҳлар манфаатларини ақс эттиради, ҳолос. Бу манфаат ташқаридан қараганда ниқобланган бўлади, бироқ унинг амалга оширилиши жамият манфаатларига зарар қелтиради. Шу боис, албатта, зўравонлик, куч воситаларини қўлланишини талаб қилади.

Конституциявий-ҳуқуқий социаллаштириш тенденцияси, аввало шунда ўз ифодасини топадики, янги авлод конституциялари ижтимоий тузум асосларини озми-кўпми тўла тарзда тартибга солишга ҳаракат қилди, яъни юқорида таъкидлаб ўтилган ижтимоий тузумнинг тўртта ички тизимига қаратилган меъёрларни конституцияларга қирита бошлади. Бу меъёрлар кўп ҳолларда конституциявий ҳуқуқ субъектларининг, уларнинг ўзаро муносабатларида (кўпинча давлат аралашувини талаб қилмайдиган) муайян ахлоқ қоидаларини белгилаш ёки тасдиқлашдан кўра кўпроқ жамият ҳаётининг тегишли соҳаларидаги давлат сиёсати тамойилларини эълон қилади, давлатда унинг органлари, муассасалари, мансабдор шахслар орқали муайян шакл (тарз)да ушбу соҳаларда фаолият кўрсатиш мажбуриятини юқлайди.

1936 йилдаги СССРнинг Сталин Конституциясидан бошлаб, барча социалистик конституциялар ўзининг биринчи бўлим ва бобларида айнан ижтимоий тузум асосларини тартибга солади. Бу, конституция тузувчилар нуқтаи назаридан, конституциялардаги асосий ва энг муҳим нарса бўлиб, булардан бошқа қолган нарсалар, жумладан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари қелиб қикади. Масалан, 1972 йилда қабул қилинган КХДР Конституциясидаги дастлабки уч боб мувофиқ равишда “Сиёсат”, “Иқтисодиёт” ва “Маданият” деб номланган. 1982 йилдаги ХХР Конституциясининг “Умумий қоидалар” деб номланган 1-бобида ижтимоий тузум асосларини тартибга солувчи меъёрлар (баъзи бир бошқа меъёрлар билан бир қаторда) муҳасам. 1976 йилда қабул қилинган Куба

Конституциясининг 1992 йилги тахририда 1-боби “Давлатнинг сиёсий, ижтимоий ва иктисодий асослари” деб номланган.

Кўпчилик конституцияларда ижтимоий тузум асосларини тартибга солувчи меъёрлар турли боб ва бўлимларга булинган ва факат салмокли бир қисми инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларини тартибга солувчи боб ва бўлимларда берилган. Улар ушбу боб ва бўлимларда давлатнинг (умуман оммавий ҳокимият муассасаларининг) тегишли ҳуқуқ ва эркинликларнинг рўёбга чиқирилишини таъминловчи сиёсатни олиб бориш мажбурият (бурч)ларини белгилайди.

Масалан, 1947 йилдаги Италия Конституцияси ижтимоий тузумни “Асосий тамойиллар” номли қириш қисмида ҳамда “Ҳуқуқ ва мажбуриятлар” номли 1-қисмида тартибга солувчи меъёрлар билан мустаҳкамланган. Бунга мувофиқ, боблар қуйидагича номланган: “Фуқаролик муносабатлари”, “Ижтимоий-ахлоқий муносабатлар”, “Иктисодий муносабатлар” ва “Сиёсий муносабатлар”. Бу бобларда инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ, эркинлик ва мажбуриятлари билан бир каторда, давлат сиёсатининг тегишли тамойиллари ҳам ёзиб қўйилган. Масалан, 35-моддада шундай дейилади:

“Республика меҳнатнинг барча шакл ва кўринишларини муҳофаза қилади.

У меҳнатқашларнинг касб маҳоратининг ошишига ва тайёргарлигига ғамхўрлик қилади.

У меҳнат ҳуқуқларини белгилаш ва тартибга солишни мақсад қилиб қўйган халқаро шартномаларга қушилади ва ташкилотларга ёрдам (қўмақ) беради.

У қонун билан умумий манфаатлар учун белгилаб қўйилган мажбуриятлар бажарилган тақдирда эмиграция эркинлигини тан олади (эътироф этади) ва италияликларнинг хорижда қиладиган меҳнатларини муҳофаза қилади”.

Ижтимоий тузум асослари худди юқоридагига ўхшаш тарзда 1978 йилдаги Испания Конституцияси билан ҳам тартибга солинган. Бироқ унинг “Асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлар” дейилган 1-қисмида “ижтимоий ва иктисодий сиёсатнинг асосий тамойиллари” ҳақидаги 3-боб келтирилган. Ушбу бобда оммавий ҳокимият ва давлатнинг инсон ва жамиятга нисбатан бир катор мажбуриятларига таъриф келтирилган. Бироқ Конституциянинг 53-модда, 3-қисмига мувофиқ судлар ушбу бобнинг қоида (меъёр)ларини эмас, уларни ривожлантирувчи қонунларни бевосита қўллашлари мумкин. Бундан

ташкари оммавий хокимият ва давлатнинг ижтимоий-иқтисодий соҳадаги бир катор мажбуриятлари белгиланган “Иқтисодиёт ва молиявий маблағлар” деб номланган VII қисм конституцияда уз аксини топган.

1949 йилда қабул қилинган Хиндистон Конституциясида асосий ҳуқуқлар тўғрисидаги III қисмдан кейин давлат сиёсатининг (раҳбарлик) асосий тамойилларини таърифловчи IV қисм келади.

1988 йилги Бразилия Федератив Республикаси Конституциясининг хусусияти шундаки, ижтимоий тузумнинг айрим тарафларини (баъзи томонларини) ва тузумга давлат сиёсати таъсирини асосий тамойиллар ҳамда асосий ҳуқуқ ва қафолатларга бағишланган I ва II қисмларда тартибга солиш билан бир каторда, у “Иқтисодий ва молиявий тузум” деб номланган VII қисмни ва “Ижтимоий тузум” деб номланган VIII қисмни ўзида мужассамлаштирган. Бу сўнги (VII ва VIII) қисмларда умуман ижтимоий тузумни ташкил этувчи барча тўртта соҳадаги ижтимоий муносабатлар тўла ва батафсил тартибга солинган. Масалан, VII қисмда ижтимоий ҳимояланиш, таълим, маданият ва спорт, фан ва техника, ижтимоий коммуникация (алоқалар), экология (ташки муҳит), никоҳ ва оила, хиндулар макоми каби ижтимоий муносабатлар гуруҳлари тартибга солинган.

Ижтимоий тузумни ташкил этувчи муносабатлар канчалик батафсил конституциявий-ҳуқуқий жихатдан тартибга солинмасин, у тугаши, нихоясига етиши мумкин эмас. Шунинг учун ҳам яхлит ижтимоий тузум эмас, фақат ижтимоий тузумнинг асосларигина конституциявий-ҳуқуқий институт (муассаса) ҳисобланади, яъни тегишли конституциявий-ҳуқуқий меъёрлар фақат асосий иқтисодий, ижтимоий, маънавий-маданий ва сиёсий ижтимоий муносабатларни мустаҳкамлайди. Бунда сиёсий ижтимоий муносабатлар бошқаларидан кўра, одатда, кўпроқ ва кенгрок тартибга солинади.

## 2-§. Иқтисодий муносабатлар

### 1. Иқтисодий тизим.

Иқтисодий тизим деб аталиши мумкин бўлган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизими бир катор конституцияларда таърифъангидек - бу мулк, ишлаб чиқариш, моддий ва маънавий бойликларни айрибошлаш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш муносабатларидир. Тўғри, айтиб ўтиш керакки, моддий

неъматларнинг таксимланиши ва истеъмол килиниши билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар ижтимоий тузумнинг бошқа бир ички тизими, яъни социал ички тизими тегишли бўлади, бироқ қисман иктисодий ички тизимга ҳам қиради.

Шу муносабат билан Бразилия Конституциясининг 170-моддаси эътиборни жалб этади. Унда инсон меҳнатини баҳолаш ва эркин ташаббусга асосланган ижтимоий тузум тамойиллари рўйхати берилган. Конституция бу тамойилларга амал қилинишлик барчага ижтимоий адолат талабларига мувофиқ муносиб яшаш шароитини таъминлаш учун зарур деб ҳисоблайди. Бу тамойиллар қуйидагилардир: миллий мустақиллик, хусусий мулкчилик, мулкнинг ижтимоий функцияси (вазифаси), эркин рақобат, истеъмолчини ҳимоя қилиш, ташқи муҳит муҳофазаси, минтақавий ва ижтимоий тенгсизликнинг қисқартирилиши, тўла (иш билан) бандликка интилиш, Бразилия қонунларига кўра таъсис этилган, мамлакатда жойлашган кичик қорхоналар, жумладан, уларнинг бошқарув органларига кўмак ва бошқалар.

Иктисодий тизимга тегишли конституциявий-ҳуқуқий институт (муассаса)ларга мурожаат қиламиз.

## 2. Мулкчилик

Мулк муносабатларининг конституциявий-ҳуқуқий тартибга солиниши ҳажми ва тавсифи конституциявий ҳуқуқнинг икки асрлик тарихи мобайнида бир қатор ўзгаришларга дуч келди.

Аввало, шунини таъкидлаш керакки, оддий нутқда, баъзан эса қонунчиликда ҳам, жумладан, конституциявий қонунчиликда “мулкчилик” атамаси салкам икки хил маънода тушунилади. Ушбу атаманинг анча умумий, фалсафий ва аниқ маъноси – бу моддий неъматларни ўзлаштириш шакли, бу борадаги инсонлар орасидаги муносабатлардир. Бу маънода мулкчилик ҳуқуқи қадимги Рим ҳуқуқчилари белгилаганидек, бу муайян мулкдан фойдаланиш ва эгаллик қилиш ҳуқуқидир. “Табиий бойликлар давлат мулкидир”, дейилади 1992 йилдаги Югославия Иттифок Республикаси Конституцияси 73-моддасининг, 1-қисмида. Бинобарин, давлат бу конституцияга кўра мавжуд барча табиий бойликларнинг мулккий эгаси (хўжайини) ҳисобланади ва, жумладан, ҳатто уларни ишлаб чиқиш ҳуқуқи бошқа шахсларга берилган ҳолатларда ҳам давлат даромад олишга ҳақли бўлади. Аммо бошқа томондан, бундай

конституциявий меъёр билан табиий бойликларга эга бўлиш эркинлиги чеклаб кўйилган: давлат уларга мулкчилик ҳукукини бера олмайди.

“Мулк” атамасининг бошка маъноси – мулк. Масалан, 1991 йилда қабул қилинган Болгария Республикаси Конституциясининг 18-моддаси, 1-қисмида белгилаб кўйилган: “Ер ости бойликлари, сув хавзаларининг сохил қизиги, республика йўллари, шунингдек сувлар, ўрмонлар ва миллий аҳамиятдаги боғлар, қонунда белгиланган табиий ва археологик кўрикхоналар мутлақо давлат мулки ҳисобланади”, яъни фақат ва фақат давлат эгалик қилиши мумкин бўлган мулк ҳисобланади. Бироқ биз “мулк” атамасининг маъноларини аралаштириб юбормаслик учун ушбу иккинчи маънодаги тушунчани бундан кейин қўлламасликка ҳаракат қиламиз.

Тушунчалар ҳақида сўз юритаётиб, баъзан конституцияларда ҳам учраб қоладиган “мол-мулк” (бисот, бойлик) каби тушунчани ҳам эслаб ўтиш жоиз. Баъзан “бисот” (мол-мулк) атамаси “мулк”, “мулкчилик”, “нарса” (бойлик) тушунчаларининг синоними бўлиб хизмат қилади. Бироқ кўпинча фуқаролик-ҳуқуқий мазмунга эга бўлмайди ва ушбу мулкнинг қимматига кўра қимнинг мулки ичида бўлишидан қатъий назар давлат ёки ўзини-ўз бошқарувчи оммавий ҳокимият юрисдикцияси остида туришини билдиради. Шу боис ҳам мулкдор учун муайян чеклашлар белгилаб қўйилиши мумкин. Масалан, 1992 йилда қабул қилинган Монголия Республикаси Конституциясининг 5-модда, 5-қисми шунини кўзда тутади: “Бўрдоқи моллар миллий мол-мулк ҳисобланади ва давлат ҳимояси остида туради”.

Ўз тавсифига кўра мулк икки турга бўлинади: оммавий (жамият) мулк ва ҳусусий мулк. Оммавий мулк ўзининг бўлинмаслиги билан фарқ қилади ва фуқаро мулк айланиши (оборот)дан ажратиб олинади. Масалан, ҳусусий мулк бўлиниш ва айланиши (оборот) мумкин.

Оммавий (жамият) мулк ҳуқуқи субъекти бўлиб давлат, федерация субъекти (штат, провинция ва хоказо), ўзини-ўзи бошқарувчи маҳаллий ҳудудий жамият (минтақа, шаҳар, жамоа ва бошқалар), баъзи ҳолларда эса – ижтимоий тузилмалар (сиёсий партия, черков ва бошқалар) ҳисобланиши мумкин. Масалан, шахс шаҳарда жойлашар экан, шаҳар мулк эгалари сафига автоматик тарзда (беихтиёр) кириб қолади, шаҳарни тарқ этганда эса, яъни бошка бир жойга жойлашиш учун ҳудди шу тарзда бу сифатдан



махрум бўлади ва ўз улушини олиб кетиш ҳукукидан махрум бўлади. Оммавий мулк ҳар доим жамоа мулкидир. Жамоавийлик эса барча мулкдорлар учун тенг тарзда мулкка эга бўлиш ҳукукини кўзда тутди. Баъзан конунчилик умумий (оммавий) мулк ҳукукига эга бўлувчилар сифатида бир гуруҳ кишиларни эмас, шу гуруҳ (жамоа)ни бошқарувчи органлар (муниципиал кенгашлар ва хоказолар)ни тан олади. Бу органлар ўзлари мулкдор ҳисобланадиларми ёки йўқми, бундан катъий назар, одатда, ўша тегишли жамоанинг умумий мулки ичида бўлган мулкка жорий эгалик ҳукукини амалга оширади.

Хусусий мулк ҳукуки субъекти бўлиб ҳар қандай жисмоний ёки юридик шахс ҳисобланиши мумкин, яъни хусусий мулк шахсий, оилавий, гуруҳ, жамоа шаклида булиши мумкин. Гуруҳ мулки бўлганда айрим мулкдорларнинг умумий мулкка эга бўлиш ҳукуклари ҳажми тенг бўлиш ёки тенг бўлмаслиги мумкин, жумладан хисса, акция ва бошқа шаклда юзага келувчи хисса миқдорида боғлиқ бўлиши мумкин. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, давлат, шаҳар ва бошқа умумий ҳукук корпорациялари, масалан қандайдир бир хусусий фирманинг (ширкат) акциялар пакетига эга бўлган ҳолда хусусий мулк субъектлари бўлиши ҳам мумкин.

Шу тарзда, таъкидлаш жоизки, мулкнинг оммавий ёки хусусий тавсифи (моҳияти, характери), энг аввало, эгаси ҳисобланувчи шахс билан эмас, мулк тартиби (режим) билан белгиланади.

Яна шунини таъкидлаш жоизки, шаҳар (муниципиал) ва жамоа (коммунал), худди шунингдек минтақавий (вилоят, туман ва хоказо) мулк, оммавий мулк ҳисобланади. Бу тегишли ҳудудий жамоаларнинг ва бирлашмаларнинг (баъзан таъкидлаб ўтилганидек ўз-ўзини бошқарув органларининг мулки бўлиб, уни давлат органлари эмас, маҳаллий ўз-ўзини бошқарув орган (идора) лари бошқаради. Бундай ҳолатларни, одатда, кўпинча демократик давлатларда учратиш мумкин.

Мулкнинг оммавий (мулк)дан хусусий (мулк)га айлантирилиши хусусийлаштириш дейилади, хусусийликдан оммавий шаклга айлантирилиши эса миллийлаштириш (национализация) дейилади, агар унинг эгаси давлат бўладиган бўлса. Бошқа турли ҳолларда бу социализация (ижтимоийлаштириш) деб аталади.

Дастлабки конституцияларда мулк одатда умумий тарзда, унинг турлари, кўринишлари ва унинг ҳуқуқ субъектларига аниқлик келтирилмасдан қафолатланар эди. Албата, биринчи навбатда ушбу қафолат хусусий мулкка алоқадор бўлган, оммавий мулк ичида бўлган мулк (мол-мулк) микдори оз бўлган. Бунга мисол килиб инсон ва фуқаро ҳуқуқлари Франция Декларациясининг 17-моддасини келтириш мумкин. Унда шундай дейилган: “Мулк ҳуқуқи дахлсиз ва муқаддас ҳуқуқ бўлгани учун ҳам ҳеч ким бундай ҳуқуқдан конунда белгиланган ижтимоий зурутат бўлмаган ҳолларда ва адолатли, ҳамда олдиндан коплаш (тўлаш) шартларидан бошқа ҳолатларда маҳрум килиниши мумкин эмас”. Келтирилган қисқа таърифдан бир қатор юридик оқибатлар келиб чиқади, айнан айтадиган бўлсак бу:

а) мулк(чилик) ҳуқуқи умуман ажралмасдир;

б) бундай ҳуқуқдан маҳрум килиниш фақат истисно сифатидагина мумкин.

в) ушбу ҳуқуқдан маҳрум килиш фақат конунга биноан амалга оширилиши мумкин.

г) бундай конун субъекти мулк ҳуқуқидан маҳрум килиш мумкин бўлган ижтимоий зарурат юз берган ҳолатларни белгилаши лозим;

д) бу зарурат аниқ-равшан кўриниб турмоғи лозим (ушбу талаб нафақат ҳуқуқни ижро этувчига, балки конун чиқарувчига ҳам тегишлидир);

е) мулк ҳуқуқидан маҳрум килиш фақат тўлов (коплаш) билангина мумкин;

ж) тўлов (коплаш) адолатли бўлмоғи лозим (адолат мезонлари билан белгиланиши лозим; мусодара этилган мулкнинг бозордаги баҳоси бундай мезонни ташкил этиши мумкин, ҳамда бундан ундан фойдаланишда кўлдан бой берилган фойда ҳам ҳисобга олинмоғи керак.

з) тўлов (товон, коплаш) олдиндан, яъни мулк мусодара килинишидан олдин амалга оширилиши лозим.

Кўриб турганимиздек, шу тарзда, келтирилган таърифдаги мулк ҳуқуқининг конституциявий эълон килиниши (эътироф этилиши)дан фуқаро-ҳуқуқий ва мажбурий-ҳуқуқий конунчилик предмети (асоси, мазмуни)ни ташкил этувчи юридик қафолатлар мажмуи (блок) келиб чиқади. Албатта, амалда ҳамма нарса бўлиши мумкин ва бўлмоқда, аммо конституциявий қафолатларнинг юридик андозаси (моделли) айнан шундай. Таъкидлаш керакки, бу ерда фақат

хусусий мулк эмас, балки давлат ихтиёрида бўлмаган жамоат (оммавий) мулки ҳам, масалан, коммунал мулк ҳам кафолатланади.

XX асрнинг биринчи ярмида давлатнинг ижтимоий-иқтисодий соҳада тутган ўрнини кучайиб кетишига шиддатли йўл очган социалистик гоялар таъсири мулк муносабатларининг конституциявий тартибга солинишида кучли из қолдирди. Агар биз Франция тажрибасига мурожаат қиладиган бўлсак, у ҳолда 1946 йилда қабул қилинган ва ҳозирда амалда бўлган конституциянинг сўзбошисида қуйидаги тамойил (принцип)ни кўришимиз мумкин: “Хар қандай мулк, эксплуатацияси оммавий (умумий), миллий хизмат ёки ҳақиқий монополия характериға эға бўлган хар қандай қорхона барчанинг мулки бўлмоғи лозим”. Бу ерда гап мажбурий миллийлаштирув ҳақида бормокда, лекин тўлов (товон тўлаш, қоплаш) ҳақида гапирилмаяпти, умуман олганда, ушбу меъёр инсон ва фуқаро ҳуқуқлари Декларациясининг 17-моддасида келтирилган тамойиллар билан биргаликда изохланмоғи лозим, аммо маълум афзалликка ҳам эға. Бунга қўшимча сифатида 1958 йилда қабул қилинган Франция Республикаси Конституциясининг 34-моддаси, 3-қисми қорхоналарнинг миллийлаштирилиши ва уларнинг мулкани оммавий сектордан хусусий секторға ўтказилиши қонун билан тартибга солинишини кўзда тутлади.

Бу ерда, мулкнинг ижтимоий функцияси гоялари Биринчи жаҳон урушидан кейин қабул қилинган конституцияларнинг қўпчилиғиға сингдирилган ва ҳозирги замон конституцияларида ривожлантирилган. 1949 йилда қабул қилинган Германия Федератив Республикаси асосий қонунининг 12-модда, 2-қисмида шундай дейлади: “Мулкчилик бир вақтнинг узида, мулкдан фойдаланишнинг умумий манфаатлари учун хизмат қилиш лозимлиғини кўрсатади”. Ушбу модданинг 3-қисмиға кўра эса, мулкдан маҳрум қилишға фақат умумий манфаатлар учун йўл қўйилади; у фақат қонун билан ёки қонунға асосан амалға оширилмоғи лозим; тўлов (товон, қоплаш) умумий манфаатларнинг умумий судларда тўлов миқдорини тортишға оладиган (ҳақли) тегишли шахслар манфаатлари билан мутаносиб шароитларда белгиланмоғи лозим; Бунга қўшимча ўларок, 15-модда шуни кўзда тутадикки, ер ва ер ости, табиий бойлиқлар ва ишлаб чиқариш воситаларини умумлаштириш мақсадида ижтимоий мулк ёки жамият хўжалиғининг бошқа шакллариға унинг тўлов тури ва миқдорини белгиловчи қонун билан ўтказилиши (айлантирилиши) мумкин.

Социалистик конституциялар шундан келиб чиқадики, ишлаб чиқариш воситалари хусусий мулк ихтиёрида бўлмаслиги лозим, факат майда (кичик) ишлаб чиқариш ва майда савдо бундан мустасно. Жар ёқасига олиб келинган социализм гоёсини Конституциясида кўриш мумкин.

Ушбу конституциянинг 18-моддасига мувофиқ ишлаб чиқариш воситалари давлат ва ширкат ташкилотларигагина тегишлидир. 19-моддага мувофиқ давлат мулки умумхалк бойлиги хисобланади ва давлат мулк ҳуқуқи объектлари чеклаб қўйилмайди.

Мамлакатнинг барча табиий бойликлари, муҳим завод ва корхоналар, бандаргоҳ (порт)лар, банклар, транспорт ва бошқа алоқа воситалари факат давлатга қарашлидир. Давлат мулки иқтисодиёт тараккиётида етакчи рол ўйнайди (ўрини эгаллайди).

Ширкат (кооператив) мулки КХДР Конституциясининг 20-моддасида, ширкат хўжалиқларига бирлашган меҳнаткашларнинг жамоа мулки (бойлиги, бисоти) сифатида таъриф (изоҳ)ланган. Ширкат ташкилотлари кишлок хўжалиқ ашё (инвентарь)лари, балиқчи кемалар, иншоотлар, шунингдек, ўрта ва майда завод ва корхоналарга эгадир. Давлат ширкат мулкни конун билан муҳофаза қилади. Бу ерда гап хусусий мулкнинг жамоа шакли ҳақида бораётгандек туюлади, лекин амалда эса КХДРда ширкат мулки давлатлаштирилган ва ҳақиқатда оммавий (умумий) мулкка айлантирилган. КХДР Конституциясининг: “давлат социалистик ширкат хўжалиги мулкнинг ижтимоий функция тизимини мустаҳкамлайди ва ривожлантиради, ширкат мулкни, ўша ширкатнинг ташкилотига бирлашган (уюшган) барча аъзоларининг ўз ихтиёрлари, розилигига мувофиқ умумхалк мулкига босқичма-босқич айлантириб боради”, дейилган меъёрни белгиловчи 21-моддаси шундан далолат беради. Тоталитар тузум шароитида “эркин ифода”, меҳнаткашларнинг “ўз розилик” қандайлиги яхши маълум. Меҳнаткашлар жамоасининг қандай воситада асосида уларнинг ўз меҳнати билан шаклланган мулкнинг барчага тегишли эканлиги тугрисида ҳулосага келишларини тасаввур қилиш қийин эмас.

Баъзи социалистик конституциялар, давлат ва “ширкат” (бу ерда нима учун қўштирноқ қўйилганлиги энди тушунарли) мулки билан бир қаторда жамоат ташкилотлари мулкни ҳам ажратиб кўрсатади. Масалан, Куба Конституциясининг 22-моддасида шундай дейилган: “Давлат сиёсий ва оммавий ижтимоий ташкилотларнинг ўз мақсадларига етиш учун мўлжаллаган мулкка эга бўлишларини

эйтироф этади (тан олади)”. Бу ерда шундай бир савол кўтарилади: сиёсий бўлмаган ва оммавий бўлмаган ташкилотларнинг мулки кафолатланадими? Конституцияда бу саволга жавоб йўқ, амалда эса тоталитар тузум шароитида бундай ташкилотларнинг тузилиши ҳам мумкин эмас.

Ҳақиқатда социалистик тузим мамлакат миллий бойлигининг салмокли қисмини муайян мулкдорлар истак-иродасидан катъий назар ҳеч бир назоратсиз эгалик қилувчи партия – бюрократия аппарати (махкамаси) кўлида тўпланишини билдиради. Тўғри, Куба Конституцияси янги таҳриридаги 23-моддасининг 1-қисмида давлатнинг қонунга мувофиқ ташкил этилган кўшма корхоналар, хўжалик жамиятлари ва уюшмалар мулкани тан олганлиги кўзда тутилган.

Таъкидланганидек, анча тараккий этаётган мамлакатларга кириб борган маълумотлаштириш даври (асри) иқтисодий муносабатларнинг либерал (эркин) моделига тўла қайтилишига ва қисман мулкчилик муносабатларини қайта қуриб чиқишга олиб келади. Мулкни миллийлаштиришнинг нисбатан кенг имкониятларини кўзда тутувчи конституция моддалари қўлланилмай қўйилди. Аксинча, оммавий (жамият) мулк объектларининг қўпчилиги, улардан фойдаланишнинг самарадорлигини янада ошириш мақсадида хусусийлаштирилмоқда.

Энди собиқ социалистик мамлакатларга келадиган бўлсак, уларда, мулк муносабатларининг конституциявий тартиби (тартибга солиши) кенг хусусийлаштириш учун имкониятлар яратсада, баъзан муайян муаммо сифатида социалистик тасаввурлар изини ўзида мужассам қилади.

Бунинг ўзига хос мисолини Югославия Конституциясининг “Иқтисодий тузум” деб номланган III бобида кўриш мумкин. Ушбу конституциянинг 69-моддаси 2- ва 3- қисмларига мувофиқ мулкчилик кафолатланади ва ҳеч ким мулкчилик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши ёки унинг ушбу ҳуқуқи чегараланиши мумкин эмас, агарда қонунда белгиланган умумий манфаат буни талаб қилмаса. Ундан ташқари товон тўланадиган бўлса, унинг миқдори бозор нархларидан паст бўлмаслиги керак. Бирок, баён қилинган умумий тамойилни чекловчи ҳолатлар (қоидалар) ҳам мавжуд.

Масалан 70-моддага мувофиқ хорижлик шахс мулк ҳуқуқига эга бўлиши ва иттифок қонунига мувофиқ ўзаро муносабат шароитидагина хўжалик фаолияти юритиш ҳуқуқига эга бўлади.

Хорижлик ва фукаролиги бўлмаган шахслар кўзгалмас мулк (бойлик)га эга бўлиш ҳуқуқига эга эмас Фукаролиги бўлмаган шахс ерни мулк қилиб олиш ҳуқуқига эга бўла олмади, хорижлик шахс эса, қонунларга мувофиқ ўзаро икки тарафли шартлар асосида бундай ҳуқуқга эга бўлиши мумкин. 72-моддада кўзда тутилганки, кўзгалмас мулкка эга бўлиш ҳуқуқи, унинг табиати ва иттифок қонунига мувофиқ, унинг мақсадига кўра амалга оширилади. Нихоят, 73-модда, табиий бойликлар давлат мулки ихтиёрида бўлиши, қишлоқ хўжалик ерлари ҳам хусусий мулк, ҳамда бошқа турдаги мулк ихтиёрида бўлишини кўзда тутган ҳолда социалистик ўтмишни кўпроқ эслатиб туради, бу қонунда белгиланган доирада ўрмон ва ўрмон ости ерларга ҳам тегишли. Қонунга мувофиқ, умумий фойдаланиладиган айрим бойликлар ва шаҳардаги бино-иншоотлар жойлашган арқлар хусусий ва бошқа турли мулкчилик шакли ихтиёрида бўлиши мумкин. Иттифок, республика органлари ва ташкилотлар, маҳаллий ўзини-ўзи бошқарувчи бирликлари ва оммавий хизматларни амалга оширувчи ташкилотлар томонидан фойдаланиладиган кўчмас мулклар ва бошқа воситалар давлат мулки ихтиёрида туради.

Шу тарзда кўрамизки, бу ерда социалистик конституциявий қонунчиликка хос бўлган мулкчилик шакли тушунчаси сақлаб қолинган, қолаверса бу мулкчилик шакллари ўртасидаги муносабатларнинг илмий нуқтаи назаридан тушунилиши, уларнинг гуруҳлантирилиши бу ерда бошқа бир қатор постсоциалистик конституцияларидагидек мавжуд эмас.

Ривожланаётган давлатларга келсак, уларнинг кўпчилигида иқтисодиётнинг давлат сектори узок вақтлар мобайнида тараккиётнинг муҳим, асосий таянчи сифатида қўрилди. Баъзан бу ерда мулкчилик шаклларига социалистик таъсир ва социалистик ёндошув акс этиб туради. Масалан 1979 йилда қабул қилинган Эрон Ислом Республикаси Конституциясининг 44-моддаси ҳуқумат, ширкат ва хусусий мулкчилик учун давлат қафолатини кўзда тутган.

1917 йилда қабул қилинган Мексика Кўшма Штатлари сиёсий конституциясининг 27-моддасига биноан (кейинчалик қатор ўзгартиришлар киритилган), ер ва сувга бўлган мулкчилик миллатга тегишли бўлиб, яъни миллат бу мулкларни хусусий шахсларга бера олади ва хусусий мулк пайдо бўлади. Бунда миллат мулки бўлган табиий бойликлар ва сувлар тортиб олинмайди ҳамда сўзсиз

концессияга<sup>40</sup> топширилиши мумкин. Электр, ядро энергиясини ишлаб чиқариш ва таксимлаш факат миллат томонидан амалга оширилади.

Монголия Конституциясининг 5- ва 6-моддаларидаги меъёрлар ҳам бунга жуда яқин. Бу ерда эътиборни жалб этувчи томон шуки, 4- ва 5-моддалар давлатга ер мулки эгаларига мажбуриятлар юклаш, товон тўланиб ерни алмаштириш ёки олиб кўйиш, агар ердан мулкдор шахслар инсонлар соғлигига зиён етказган холда фойдаланадиган бўлса, ёки табиат, давлат хавфсизлигига зиён етказадиган бўлса, умуман мусодара қилишга ҳам (давлатга) тўла рухсат берилади.

### 3. Мехнат

Аввало, иш ёки ижтимоий-фойдали фаолиятга умуман синоним хисобланмайдиган мехнат тушунчасига таъриф келтириш керак бўлади. Мехнатнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у аввало хаёт учун асосий восита, кун кечириш учун манбадир. Масалан, икки рассом картина яратади бу уларнинг иши, ижтимоий-фойдали фаолияти, уларнинг машгулоти ва касб хунаридир. Аммо улардан бири учун бу нарса кун кечириш учун асосий ва ягона восита, хаёт манбаи бўлиши, иккинчи рассом иктисодий жихатдан мустикал (унинг рентаси, юкори нафақаси, катта микдордаги акциялари ва хақозо) булганлиги учун факат ижод объекти булиши мумкин. Биринчи рассом учун картина яратиш—мехнат бўлса (аслида нафақат мехнат, балки ижод ҳам), иккинчи рассом учун бу фаолиятга машгулот факат ўз шахсини намоён қилиш, ривожлантириш сифатида қаралган.

Хатто энг илгор тараккий этган жамиятнинг хозирги замондаги холати шундайки, у ҳам мехнатсиз яшай олмайди, яъни мехнатни четлаб ўтаолмайди. Колаверса юкорида келтириб ўтганимиз, ижодий, шахсни маънан бойитувчи ижодий мехнатнигина эмас, унча юкори малака талаб қилмайдиган, рухий қониқиш бахш этмайдиган бир текис мехнатни ҳам четлаб ўтиб бўлмайди. Иктисодий тизим максуди жамиятнинг зарур бўлган хар қандай мехнатга бўлган эҳтиёжи, жумладан хатто мехнатқаш учун кизикарли бўлмаган мехнатга бўлган эҳтиёжни қондирилишини таъминлашдан иборатдир. Инсоннинг бундай мехнатга рози бўлиши учун, уни бундай мехнатга

---

<sup>40</sup> Концессия –бу давлат томонидан хусусий тадбиркорлар билан, хорижий ширкатлар билан саноат қорхоналари, ерлардан фойдаланиш бўйича тузиладиган шартнома.

ундовчи шароитлар зарур-кизикарли ишга эга бўлишнинг имконият йуклиги, етарли микдорда иш хаки (маош), меҳнатга муайян афзалликлар берилиши ва ҳақозо. Конституциялар ва конституциявий ҳуқуқнинг бошқа манбаларида инсон меҳнатини рағбатлантирувчи ва муҳофаза этувчи муайян қафолатлар мустаҳкамланган.

Масалан, Италия Конституциясининг 1-моддаси Италияни меҳнатга асосланган демократик республика сифатида тавсифлайди. Испания Конституциясининг 40-моддаси оммавий (умумий) ҳокимиятлар (органлари)га тўла бандликка эришишга йўналтирилган, шунингдек касб тайёргарлиги ва қайта ўқитиш, тайёрлашни қафолатловчи сиёсат юргизишни буюради, уларга меҳнат хавфсизлиги ва орасталиги (гигиенаси) устидан назорат ўрнатиш, меҳнаткашларга иш кунларини чегаралаш, даврий равишда ҳақ тўланадиган таътиллар бериш, тегишли муассасаларни ривожлантиришга ёрдамлар кўрсатиш йўли билан зарур дам, таътиллар беришни юклайди. Ушбу конституциявий ҳолат (меъёр, низом)ларни амалга ошириш мақсадида, жумладан: 1980 йилда бандлик Асослари ва меҳнаткашларнинг мақоми тўғрисидаги қонун; 1983 йилда 40 соатлик иш ҳафтаси (максимал) ва 30 кунлик минимал (энг кам) таътилнинг белгиланиши ҳақидаги қонун; 1986 йилда касб тайёргарлиги Бош Кенгашининг ташкил этилиши ҳақидаги қонун; 1995 йилда меҳнат хавфини олдини олиш ҳақидаги ва шунга ўхшаш катор қонунлар қабул қилинди. Бу борада 42-моддадаги ҳолат (меъёр)лар ҳам алоҳида диққатга сазовор, унга кўра давлат, хорижда юрган испан меҳнаткашларининг иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларининг таъминлашини алоҳида кузатиб боради ва ўз сиёсат йуналишини меҳнаткашларнинг хориждан қайтишларини ҳам ҳисобга олган ҳолда белгилайди.

Киёслаш тариқасида КХДР Социалистик конституциянинг 28-29-моддаларини келтириш жоиз. Унга мувофиқ меҳнаткашлар кунига 8 соатдан меҳнат қиладилар. Давлат меҳнатнинг оғирлигига ва ўзига ҳослигига қараб, иш кунини қисқартиради, давлат меҳнатни ташкил этишни яхшилаб ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаган ҳолда иш кунидан тўла фойдаланиш имкониятига эришади. Фуқаролар 16 ёшдан меҳнат фаолиятини бошлайдилар. Давлат меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлмаган ёшдагиларнинг ишлашларини қатъий ман этади.

4. Иқтисодий фаолиятнинг конституциявий-ҳуқуқий принциплари



Миллий бойликларнинг унга эга бўлган мулкдор кимлигидан катъий назар умумий манфаатлар учун фойдаланиш максадларининг конституцияда белгиланиши шундай асосий, мухим (тамойил) бўлиб хизмат килади. Ушбу максадларга эришишга қаратилган сиёсатнинг асосий йўналишлари у ёки бу мамлакатнинг шарт-шароитлари, ўзига хослиги билан белгиланади, бироқ асосий йўналишлардаги фаркларга қарамай, иктисодий фаолият шароитларини яхшилаш, тарихий, жўгрофий ва бошқа объектив тўсикларни қамайтириш ва бартараф этишга уринишлар қузатилмоқда.

Масалан, Испания Конституцияси 128-моддасининг 1-қисмига мувофиқ, “Мамлакатнинг бутун бойлиги турли шаклларда ва унга эга бўлиш ҳуқуқига ким эгаллигидан катъий назар, умумий манфаатларга бўйсунди”. Бундан 2-қисмда эътироф этилган, иктисодий фаолиятдаги оммавий ташаббуслар келиб чиқади. Қонун оммавий (давлат, муниципал ва бошқалар) секторларга туб захиралар ва хизматларни бириктириши мумкин, айниқса улар монополия бўлса, шунингдек давлат қонуни, агар буни умумий манфаатлар талаб қиладиган бўлса, қорхоналарнинг ички ишларига аралашувига ҳам руҳсат этиш мумкин. 130-модда бутун испанияликларнинг ҳаёт даражасини тенглаштириш максадида оммавий ҳокимиятларга иктисодиётнинг барча тармоқлари, жумладан дехқончилик соҳаларини тубдан янгилаш (модернизация) ва ривожлантириш борасида гамхўрлик қилиш вазифасини юқлайди. Ҳудди шу максадда тоғли жойларга ҳам асосий эътибор қаратилмоғи лозим бўлади.

Ҳап Испания Конституцияси ҳақида кетганлиги боис ҳам таъкидлаш керакки, ушбу конституция ҳам сунгги ўн йиллар ичида қабул қилинган ва ўзгартиришлар қиритилган конституциялар қаби иктисодий ҳаётнинг давлат томонидан режалаштириши имқониятини кўзда тутган. Бироқ ушбу режалаштиришнинг “социалистик” режалаштирув билан фарқи кескин, яъни юқоридан буйруқбозлик кўринишида, “режа—бу қонундир” тамайили асосида амалга ошириладиган ҳар бир қорхонага режа-топширик бериладиган ва қорхона уни адо этишга мажбур бўлган режадан фарқланади. Масалан, ХХР Конституциясининг 1993 йилгача амал қилган 15-моддасида урнатилган эдики: “ҳар томонлама тартибга келтирилган иктисодий режалар ва бозор тартибининг (иктисодиётнинг) ёрдамчи роли (ўрни) ёрдамида давлат халқ хўжалигининг пропорционал ва бир текис тартибда тараккий этишини таъминлайди”, бу билан ҳар

кандай ташкилот ёки айрим шахсларга ижтимоий-иқтисодий тартибни бузиш, давлатнинг иқтисодий режаларини бузиш, яъни унга амал қилмаслик катъий ман этилган. Бозор иқтисоди (хўжалик юритиш) шароитида режалаштириш, ишлаб чиқарувчилар учун ўз кучларини жамият олдида турган мақсадлар йўлида сарфлашни манфаатдорликка айлантирувчи ўта билвосита иқтисодий ричаг(восита)лар ёрдамида амалга оширилади. Таъкидлаш жоизки, Хитой Конституциясининг 15-моддаси 1993 йилда янгидан тахрир этилди: “Давлат социалистик бозор хўжалиги (иқтисодиёти)ни амалга оширади. Давлат иқтисодиёт соҳасида қонунчилик фаолиятини қучайтиради, макротартибга солишни янада такомиллаштиради.

Давлат қонунга мувофиқ ҳар қандай ташкилот ва алоҳида шахсларга жамият иқтисодий тузумини бузишни таъқиқлайди.”

Испания Конституциясининг 131-моддасига мувофиқ, давлат жамоа эҳтиёжларини қондириш учун, минтакавий ва соҳавий тараккиётни мувозанатлаштириш ва мувофиқлаштириш учун, даромадлар ва бойликларнинг юксалтирилишига кўмак бериш ва уларнинг адолатли тақсимланиши учун умумий иқтисодий фаолиятни қонун орқали режалаштириши мумкин. Режа лойиҳалари ҳукумат томонидан мухтор (автоном) ҳамжамятларнинг тақлифларига кўра (асосида), қасаба уюшмалари ва бошқа касб-ҳунар, тадбиркорлик ва иқтисодий ташкилотлар ёрдамида ва улар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилади. Конституцияни бу мақсадда (бунинг учун) махсус қенгаш таъсис этган.

Иқтисодий фаолиятнинг конституциявий тартибга солинишининг бошқа бир мисоли тариқасида, Испания Конституциясидан фарқли ўларок, махсус бобда эмас, ҳуқуқ ва эркинликлар тартибга солинган бўлимда тегишли ҳолат (меъёр)ларни ўзида мужассам этган Италия Конституциясини қелтириб ўтамиз.

Италия Конституциясининг 41-моддаси хусусий хўжалик ташаббусларининг эркинлигини изоҳлар экан, ижтимоий мақсадлар йўлида умумий ва хусусий иқтисодий фаолиятни йўналтириш ва мувофиқлаштириш учун мўлжалланган назорат чегаралари ва дастурларни қонун билан белгилаш имқониятини кўзда тутди. 43-модда эса умумий манфаатлар учун давлат, оммавий ташкилотлар ёки меҳнатқашларнинг ҳамжамиятлари ёки фойдаланувчиларга муайян қорхоналар ёки туб оммавий хизматлар ёхуд энергия манбалари ва монополия тарзида табиий захиралар, яъни ўта муҳим умумий манфаатлар қасб этувчи захиралардан фойдаланувчи алоҳида

тоифадаги корхоналарга бириктириб кўйиш имконини кўзда тутди. Бундай корхоналар товон (тўлов) учун экспроприация (тартиб олиш) қилиниши ва юкорида санаб ўтилган субъектларга бериб юборилиши ҳам мумкин.

Худди бошка бир катор мамлакатларда бўлганидек, Италияда ҳам Конституция кишлок хўжалигидаги иктисодий фаолиятга мухим эътиборни қаратади. 44-моддага мувофик, ердан самарали фойдаланиш ва адолатли ижтимоий муносабатларни йўлга кўйиш мақсадида куйидагиларга рухсат этилади: хусусий ер мулкчилигига конун томонидан мажбуриятлар юклаш; минтака ва кишлок хўжалиги зона (бўлга)ларига қараб унинг чегараларини, ерларни яхшилаш чораларини белгилаш, латифундияларни (яъни ярим феодал муносабатлардан фойдаланган холда ишлатилаётган улкан майдонларни) қайта қуриш, ишлаб чиқариш бирикларини қайта қуриш (таъмирлаш), кичик ва ўрта мулкчиликни кўллаб-қувватлаш, тогли жойлар учун имтиёзлар бериш.

Италия Конституциясининг ўзига хос хусусияти шундаки, бу конституция Республика томонидан ширкатларнинг ўзаро ёрдамга асосланган ва спекуляция (чайковчилик)га йўл кўймайдиган ижтимоий функцияси (вазифаси) тан олинганлигини эътироф этади, хунармандчиликни мухофаза қилиш ва ривожлантириш учун конуний тадбирларни кўрсатиб ўтади (46-модда). Бошка бир диққатга сазовор хусусият шундаки, 47-моддага биноан Республика барча шакллардаги жамгарма (омонат)ларни рағбатлантиради ва мухофаза қилади, кредит ишларини тартибга солади, мувофиклаштиради ва назорат қилади, халқ омонат жамгармаларининг уй-жой мулки, бевосита ер деҳқончилик мулкига кўйилиши (вложение) ва мамлакатнинг йирик ишлаб чиқариш мажмуа (комплекс)ларига тўғридан-тўғри ва билвосита (косвенное) хиссали сармоя (инвестиция)лар ажратишига ижобий имкониятлар яратиш беради.

Иктисодий тизим конституциявий тамойилларининг амалда бўлишида халол рақобатнинг таъминланиши ва хусусий монополияга йўл кўймасликка қаратилган жорий конунчилик мухим ўрин эгаллайди (роль ўйнайди).

Ривожланаётган мамлакатларнинг конституцияларида миллий капитални алоҳида мухофаза қилишни таъминловчи меъёрлар тез-тез учраб туради. Бу тушунарли, чунки миллий капитал анча тараккий этиб, илгарилаб кетган мамлакатлар сармояси билан тенг суръатда рақобатлаша олмайди. Аммо бундай меъёрлар ўз мазмунига кўра,

вазият мувозанатсиз бўлиб турар экан, вақтинчалик характерга эга бўлади.

Бразилия Конституцияси иктисодий тузум тамойиллари орасида Бразилиядаги кичик корхоналарга ижобий ёрдамлар кўрсатилишини кўрсатиб ўтади. Бирок 1995 йилда Бразилия корхоналарига имтиёз ва устиворликни назарда тутган 171-модда бекор килинган. Бу, шубҳасиз, миллий сармоянинг хорижий сармоя билан тенг рақобат қила олишидан далолат берувчи, мамлакат иктисодий таракқиётининг ижобий натижасидир.

Бразилия Конституциясининг 172-моддасида конун чиқарувчининг зиммасига хорижий сармояларни миллий манфаатлар учун тартибга солиниши, реинвестицияни рағбатлантириш ва соф фойданинг олиб чиқиб кетилиши шартлари ва тартибини белгилашни юклайди. Конституцияда яна умумий ва кўшма корхоналарнинг макomini тартибга солувчи қоидалар, ҳолатлар, иктисодий ҳаётни режалаштириш, умумий хизматлар кўрсатиш, ширкатларни рағбатлантириш, табиий ресурслардан фойдаланиш тамойиллари, иттифок монополияси мақоми ва иктисодиёт тизими билан боғлиқ бошқа бир қатор ҳолатлар мавжуд.

Социалистик давлатларга келинадиган бўлса, уларнинг конституциялари иктисодий ва ижтимоий ҳаётнинг давлат йўли билан режалаштириш тамойили билан бирга давлат корхоналари макomini ва уларнинг фаолияти тамойилларини, шунингдек ширкатларнинг мустақиллигини кенгайтиришни кўзда тутган ҳолда уларнинг мақомларини белгилай бошлади.

Ушбу масалага тегишли бўлган иккита мисолни кўриб чиқамиз. Бу Хитой Конституциясидаги меъёрлар булиб, социалистик конституцияларга хос бўлган ташвиқотдан иборат бўлган жумлалар кўп бўлсада, уни мисол тариқасида келтириб ўтиш мақсадга мувофиқдир, чунки улар ҳукмрон кучларнинг менталитети ва уларни ўз халқлари қандай англашларини акс эттириб туради.

Масалан, ХХР Конституцияси 7-моддасининг 1993 йилги таҳририда шундай дейилган: “Давлат ўз (давлат) иктисодиётининг мустақкамланиши ва ривожланишини қафолатлайди”. 8-моддада эса шаҳар ва қишлоқда ширкат (қолхоз)латириш ҳақида айтилади. 3-қисмида эса шу нарса белгилаб қўйилади: “давлат шаҳар ва қишлоқда жамоа хўжалиги ташкилотларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилади, жамоа хўжалиқларини рағбатлантиради ва йўналтиради, уларнинг ривожланишига қўмақлашади”. 9-модданинг

2-кисмига мувофик табиий захиралардан унумли фойдаланишни кафолатлайди, хайвонот ва ўсимликларнинг нодир турларини ўз мухофазасига олади, 10-модданинг 5-кисмида конституция ердан фойдаланувчиларнинг зиммасига ерлардан унумли фойдаланиш мажбуриятини юклайди. 11-моддада юкорида таъкидланганидек, фаолияти давлат томонидан бошқариладиган ва давлат назорати ёки кузатувчи остида бўлган шахсий ва хусуссий хўжаликларнинг конуний ҳуқуқ ва манфаатлари давлат мухофазасида кафолатланади.

14-моддада давлат зиммасига ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иктисодиётнинг унумдорлигини огишмай амалга ошириш, жамиятда ишлаб чиқариш воситаларини ривожлантириш, тежамкорликни йўлга қўйиш, воситаларни самарали таксимлаш, тўплаш ва истеъмолни тўғри йўлга солиш, давлат, ширкат(жамоа) ва шахсий манфаатларни ҳисобга олиш ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш асосида халқнинг моддий ва маънавий ҳаёти (турмуши)ни доимий яхшилаб бориш каби вазифаларни юклайди.

Хўжалик юритувчи субъектлар макомининг асоси (негизи) ХХР Конституциясида қўйидагича белгилаб қўйилган: “Давлат корхоналари конунда белгиланган доирада мустақил равишда хўжалик юритиш ҳуқуқига эгадирлар” (1993 йил тахрири 16-модда, 1-кисм). 17-модданинг 1-кисмига мувофик, “жамоа хўжалик ташкилотлари, амалдаги конунларга риоя қилган ҳолда мустақил равишда хўжалик юритиш ҳуқуқига эга бўладилар” (1993 йил тахрирда “давлат режасига амал қилган ҳолда” сўзлари тушуриб қолдирилган). Иккала модданинг ҳам иккинчи қисмларида меҳнатқашларнинг юкорида айтиб ўтилган хўжалик бирликларни бошқаришда иштирок этишлари ҳақида гапирилади (сўз боради). Бирок, шунинг унутмаслик керакки, конституциянинг сўзбоши қисмида, бошқа барча социалистик мамлакатларида бўлганидек, ҳар қандай демократик муассаса (институт)ларнинг борлигини йўққа чиқарувчи Хитой Коммунистик партиясининг раҳбарлик роли (ўрни) таъриф этилади.

18-моддада хорижий сармоя (инвестиция)ларнинг Хитой иктисодиётига кириши мумкинлиги (имконияти) кўзда тутилган.

КХДР социалистик халқ хўжалигидаги бошқарув тизимининг конституциявий тартибга солиниши ҳам диққатга сазовордир. КХДР Конституциясининг 30-моддасига мувофик “давлат мамлакат иктисодиётини, энг илгор социалистик бошқарув тизими ҳисобланган, яъни иктисодиёт илмий асосланган ва самарали услуб

(метод)лар билан, ишлаб чиқарувчилар оммасининг жамият кучига таянган ҳолда ва кишлок хўжалиги саноат (индустриал) методлар билан бошқариладиган янги тизимдаги кишлок хўжалиги бошқаруви асосида бошқаради ва раҳбарлик қилади”.

Ҳақиқатда тэан тизими, утказилган “тажриба”нинг географик номи бўлиб, корхонанинг Корея меҳнат партияси (етақчи Коммунистик партия)нинг кенгайтирилган кўмитаси томонидан амалга ошириладиган коллегиял бошқарувини билдиради. Конституциянинг 31-моддаси КХДР халқ хўжалигини режали халқ хўжалиги сифатида тавсифлайди, режалаштириш мақсадларини белгилайди, ишлаб чиқариш суръатини ўсиши ва халқ хўжалигини режалаштиришни ягона андозага солиш ва батафсиллаштиришни таъминланишини талаб қилади. 34-моддага мувофиқ ташқи савдо давлат томонидан ёки давлат назорати остида юритилади, божхона сиёсати эса мустақил миллий иқтисодий муҳофаза қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. 32-модданинг иккинчи қисми давлат зиммасига барча соҳаларда ишлаб чиқаришни юксалтириш, каттик молиявий назоратни юритиш, давлат қўйилмаларини қўпайтириш, социалистик мулкни қўпайтириш ва ривожлантириш вазифасини юқлайди.

Буларнинг натижаси Шимолий ва Жанубий Корея Республикалари ижтимоий-иқтисодий даражаларининг қиёсида аниқ куринади.

## 5. Молиявий тизим

Ушбу тизим иқтисодий тизимнинг ўта муҳим таркибий қисмидир, чунки давлат айнан молиявий механизмлар орқали ўзининг иқтисодий ва ижтимоий вазифаларини халқ этади. Шу боисдан ҳам конституцияларда молиявий муносабатларнинг тўла тартибга солиниши бежиз эмас. У қўпроқ конституцияларнинг, аввало, бюджет ва солиқ муносабатлари, жумладан, бюджет жараёни, шунингдек марказий банклар мақоми тартибга солинган махсус боблар ва бўлимларида мужассам бўлади. Федератив давлатларда ушбу боб ва бўлимларда асосий ўрин давлат молияси соҳасида федерация ва унинг субъектлари орасида ваколатларнинг бўлиб берилишига ажратилади.

Япония Конституциясининг (1996 йил) “Молиявий маблаглар” номли VII бобда (83-90-моддалар) давлат молиявий маблагларини бошқариш ҳуқуқининг Парламент қарорларига мувофиқ амалга оширилиши белгилаб қўйилган. Солиқ солишдаги ҳар қандай ўзгартиришлар фақат қонунчилик асосида ва қонунларда кўрсатилган шартларга амал қилинган тақдирдагина амалга оширилади. Фақат Парламентгина давлатнинг қандай сарф-харажатларини амалга оширилиши ва қандай пулли (молиявий) мажбуриятларни ўз бўйнига олишини ҳал қилади. Ҳар молия йили (молиявий ёки бюджет йили) кўпчилик давлатларда қалендар йили билан мос келмайди) учун бюджет лойиҳаси тузиб чиқилади ва кабинет томонидан муҳокама қилиш ва тасдиқлаш учун Парламентга тақдим этилади. Олдиндан қўриш имконияти бўлмаган бюджет тақчиллиги юз берганда резерв (захира) жамқармаси тузилиши мумкин, унинг сарфланиши учун жавобгарлик кабинет зиммасида бўлади, аммо унинг ушбу жамғармадан амалга оширган асигнавания (маблаг ажратиш) парламент томонидан тасдиқланмоғи лозим. Император оиласининг сарф-харажатлари ҳам бюджетнинг бир қисми ҳисобланади чунки ушбу оиланинг бутун мол-мулки давлат мулки ихтиёрида бўлади. Конституция давлатнинг пул маблаглари ва бошқа мулкларини диний, хайрия, маориф ёки умумий ҳокимиятлар томонидан назорат қилинмайдиган филантропик муассасаларнинг манфаатлари учун фойдаланишини (қўлланилиши)ни таъқиқлайди. Давлат харажатлари ва даромадлари ҳақидаги якуний ҳисобот ҳар йили тафтиш кенгаши томонидан текширилади ва ва Кабинет томонидан келгуси молия йили мобайнида тафтиш кенгашининг маърузаси (рапорт) билан биргаликда Парламентга тақдим этилади. Бир йилда, қаида бир мартаба Кабинет Парламентга ва халққа давлат молиявий маблагларининг аҳволи (ҳолати) тўғрисида ҳисобот беришга мажбур.

Асосий қоидаларга айнан ўхшаш бўлган тартиб (меъёр)лар бошқа бир қатор конституцияларда ҳам мавжуд. Улардан баъзилари давлат маблаглари билан боғлиқ бўлган бошқа масалаларни ҳам тартибга солади.

Масалан, конституцияларда кўпинча шундай (вазоят) ҳолатлар ҳам тартибга солинадик, давлат бюджети баъзи сабабларга кўра Парламент томонидан ўз вақтида тасдиқланмай қолган бўлади. Испания Конституциясининг 134-моддаси 3 ва 4 қисмига мувофиқ Ҳукумат депутатлар Конгрессига (Парламентнинг қуйи палатасига), бюджет йили тугашидан қаида 3 ой олдин давлатнинг асосий

бюджетини такдим этади; агар янги бюджет йилига қадар янги бюджет қабул қилинмаган бўлса у қабул қилинганга қадар ўтган (яъни олдинги) йил бюджети автоматик тарзда узайтирилади. Ушбу муаммони Германия Асосий қонуни бир оз бошқача шаклда тартибга солади (111-модда). Агар янги бюджет йили тасдиқланмаган бюджет билан бошланган бўлса, у ҳолда Федерал Ҳукумат қонунда белгиланган муассасаларни молиявий саклаш ва қонунда кўрсатилган тадбирларни ўтказиш учун, Федерациянинг юридик жиҳатдан асосланган мажбуриятларини ижро этиш, қурилишларни давом эттириш, харид қилиш ва бошқа ҳаракат (фаолият)лар учун ёки ушбу мақсадлар учун маблағ ажратишни давом эттириш учун зарур бўлган сарф-харажатларнигина амалга ошириши мумкин, чунки ўтган йил бюджетида юқорида санаб ўтилган мақсадлар учун молиявий сарф-харажатлар миқдори кўзда тутилган. Агар кўрсатилган сарф-харажатлар белгиланган манбаалардан қеладиган даромадлар билан қопланмайдиган бўлса, Федерал ҳукумат бундан олдинги йил бюджети якуний миқдорининг тўртдан бир қисми (25%)дан ошмаган миқдорда кредитлардан фойдаланиши мумкин.

Солиқларнинг белгиланиши, тартибга солиниши, ўзгартиришлар ва бекор қилиниши одатда парламентларнинг ваколат доирасига киритилади. Масалан, 1991 йилдаги Руминия Конституциясининг 138-моддасига мувофиқ солиқлар, бадаллар ва давлат бюджетига ёки давлат сугурта (ижтимоий) бюджетига тўланадиган тўловлар фақат қонун билан белгиланади, маҳаллий солиқ ва тўловлар эса – қонунда белгиланган тартиб ва шартлар асосида маҳаллий кенгашлар томонидан белгиланади.

Социалистик Конституциялар, одатда, давлат молиявий маблағлари борасида, ҳуқуқрон партия ташкилотларининг “қўлини боғлаш”ни истамаган ҳолда анча аниқ иш юритадилар. Масалан, Хитой Конституцияси фақат халқ вакиллари Умумхитой Мажлиси, унинг доимий қўмитаси ва Давлат Кенгаши (ҳукумат)нинг ваколатлари ҳақидаги моддаларда давлат бюджети ҳақида тухталади. Ундан ташқари халқ вакиллари Умумхитой Мажлиси (ХВУМ) хайъатлари рўйхатида молия-иқтисод хайъати (комиссияси), Давлат Кенгаши таркибида – Бош тафтишчи эслатиб ўтилади.

Охириги жумламизда таъкидланганини ҳисобга олиб шунини айтиш жоизки, демократик мамлакатларда давлат молиясини тафтиш этувчи муассаса (институт)лар – ҳисоб палаталари ва хоказолар, одатда,



хукуматлар хузурида эмас, парламентлар ёки умуман мустакил органлар сифатида ташкил этилади.

### 3-§. Ижтимоий (социал) муносабатлар

#### 1. Ижтимоий тизим, ижтимоий тузилиш ва ижтимоий адолат

Ижтимоий тизим деганда, муайян бир жамиятда юзага келган ва ривожланаётган ижтимоий муносабатлар (тор маънода) тизими тушунилади. Уни жамиятда мукаррар мавжуд бўлган ижтимоий зиддиятларнинг муайян мувозанатда намоён бўлиши билан шартланган бир бутунлик билан тавсифлаймиз. Агар у бузилса, демак ижтимоий низо (конфликт) юз берадики, у турли даражада кескинлик олиши мумкин ва уни хал этилиши натижасида ижтимоий тузум биров бўлсада ўзгариши мумкин бўлади. Умуман ҳуқуқ, биринчи навбатда конституциявий ҳуқуқ мавжуд ижтимоий тизимнинг сакланиши, унинг бир текис ривожланишига кўмак беради. Кескин ижтимоий конфликт (тугун, ихтилоф)лар, яъни ижтимоий портлашлар ҳуқуқнинг ҳаётдан анча орқада қолганлигини кўрсатади ва бунинг оқибатида унинг жамият (ижтимоий) муносабатларини тартибга солувчи таъсири вақтинча заифлашади ёки йўқолади. Бу билан биргаликда улар ҳуқуқнинг бузилишини ҳам англадики, унинг қайта тикланиши ихтилофнинг ҳам хал этилиши (ечилиши)га олиб келади. Ижтимоий (социал) ихтилофлар жамият ҳаётининг барча жабхаларига кучли салбий таъсир кўрсатади. Шу боис ҳам бошқа ҳуқуқ соҳалари каби конституциявий ҳуқуқ тараккиётининг ҳам ўз вақтида бўлганлиги муҳим аҳамият касб этади.

Бир неча йил илгари ҳам совет давлат ҳуқуқи ҳақидаги ҳар қандай дарсликда бу ҳуқуқ соҳасининг социалистик мамлакатларда ишчилар синфи, дехконлар ва “ижтимоий табака” бўлган зиёлиларни ўз ичига олган жамиятнинг синфий тузилишини мустаҳкамлашини ўқиш мумкин эди. Ҳақиқатда эса, дарвоқе, социалистик конституциялар ижтимоий тузилишни эмас, ҳокимиятнинг расман худди, кўрсатиб ўтилган ижтимоий гуруҳдан ташкил топган меҳнатқаш халқ оммасига тегишли эканлигини қайд этган эди.

Социалистик ижтимоий тизимнинг бундай тасвири унинг ҳаққоний мазмуни ва социалистик жамиятда жиддий ижтимоий

зиддиятларнинг мавжудлигини никоблаб турган эди. Социалистик конституциявий конунчилик ва унинг назарияси жамиятнинг тўлатўкис ижтимоий тенглигига ҳаракат қилишаётганлиги ва бу билан ижтимоий адолатга эришилаётганлиги тасаввурини ҳосил қилишга интилан.

Бозор иктисодиёти ривожланган мамлакатлардаги конституцияларда жамиятнинг ижтимоий тузилишини қайд этиш ва ҳатто уни қайсидир усулда асқ эттириш зарурияти йўқ эди.

Демократик конституцияларда ҳокимиятнинг мамлакат аҳолисининг муайян бир қисми, ҳатто кўпчиликни ташкил этувчи бир қисмига тегишли эканлигини ёзиб қўйишнинг ҳеч бир маъноси йўқ. Бундай конституцияларда бунинг акси ёзиб қўйилган эди: ҳокимият бутун халққа тегишли.

Ижтимоий адолатга келадиган бўлсак, бу мамлакатларнинг энг янги конституцияларида бундай қибр-ҳаволи вазифа (амбициоз) қўйилмасда (умуман, баъзи мисоллар учраб туради), уларда бозор қучларининг стихияли таъсири сабаб юзага келадиган ижтимоий адолатсизликка рўй-рост йўл қўймасликни уз олдиға мақсад қилиб қўйган меъёрий ҳолатларни кўпроқ учратиш мумкин. Греция Конституциясининг 25-моддаси, 2-қисмида шундай дейлади: “Давлат томонидан инсоннинг асосий ва ўзгармас ҳақ-ҳуқуқларининг тан олиниси ва муҳофаза қилиниши эркинлик ва адолат шароитида ижтимоий тараккиётга эришишга қаратилган”. Ирландия Конституциясининг 45-моддаси, 1-бандига кўра: “Давлат, адолат ва хайр-эхсон давлат ҳаётининг барча муассаса (институт)ларини илҳомлантириши лозим бўлган ижтимоий тузумни имкон қадар ҳимоя қилган ва таъминлаган ҳолда бутун халқнинг фаровонлиги ошишига таъсир кўрсатиши лозим”. Қуйида V боб, 1-§, 2-бандда ушбу модданинг айтиб ўтилган (қелтирилган) умумий тамойилларини жуда қизиқарли шаклда аниқлаштирувчи ҳолатларини қелтираман.

Кўпгина ривожланаётган постсоциалистик мамлакатлар конституциялари умумий фаровонлик манфаатлари йўлидаги ижтимоий жамиятларнинг ҳамкорлиги ва бирдамлиги, ижтимоий тотувлигига эришиш учун қаратилган ижтимоий муносабатларни тартибга солишга ҳаракат қилади. Улардан баъзилари ижтимоий адолатни ваъда қилади (1971 йилда қабул қилинган Миср Конституцияси, 1978 йилдаги Шри Ланка Конституцияси, 1986

йилдаги Гаяна Конституцияси, 1997 йилдаги Польша Конституцияси ва бошқалар).

## 2. Мехнат ва капитал (сармоя) ўртасидаги муносабатлар.

Ривожланган мамлакатларнинг конституциявий ҳукуки узок вақт давомида санаб ўтилган ижтимоий муносабатларни четлаб ўтди, яъни эътиборга олмади. Бирок ишчилар синфининг сиёсий кураши, ҳокимиятнинг ижтимоий-синфий характери (тавсифи)га суянишни яққол ақс эттирган социалистик давлатларнинг тажрибалари, бошқа тоталитар жамиятлардаги ўхшаш ижтимоий сафсатабозлик шунга олиб келдики, тоталитаризмга барҳам берилганидан сўнг демократик ривожланиш йўлига кирган катор мамлакатларнинг конституцияларида икки энг кучли, таъсирли ижтимоий гуруҳ – ишчи ва иш берувчи орасидаги муносабатлар демократик конституциявий асос (негиз)га эга бўлди.

Умуман, шунини эътироф этиш керакки, бу социалистик ҳисобланмаган конституциялар орасида камдан-кам учрайдиган ходисадир. Синфлараро муносабатларни конституциявий тартибга солишнинг ўзига хос мисоли сифатида Испания Конституциясидаги баъзи ҳолатлар (меъёрлар)ни келтириш мумкин. Илгари ҳам бир қарра эслатиб ўтганимиздек 37-моддага мувофиқ, қонун меҳнатқашлар вакиллари ва тадбиркорлари орасидаги меҳнат масалалари бўйича жамоа музокаралари олиб бориш ҳуқуқини, шунингдек улар орасидаги келишув (шартнома)ларнинг мажбурий кучини қафолатлайди. Худди шу модданинг ўзида конституция меҳнатқашлар ва тадбиркорларнинг жамоа ихтилофлари (жумладан, иш ташлашлар ва оммавий ишдан бўшатиш)ни ҳал этиш чораларини кўра олиш ҳуқуқини тан олади. Ушбу ҳуқуқни рўёбга чиқарилишини тартибга солиш қонун зиммасига юкланади ва бу қонун қисман шунини кўзда тутмоғи керакки, ҳуқуқ белгиланиши мумкин бўлган чеклашларга зиён келтирмасин, ҳамжамият учун муҳим ўрин тутган хизматларнинг фаолият кўрсатишини таъминловчи аниқ қафолатлар берилсин (ҳамжамият, яъни умуман жамият, минтақа, шаҳар аҳолиси ва бошқалар). Умуман, 28-модданинг 2-қисмида меҳнатқашларнинг ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун (забастовка) иш ташлаш ҳуқуқлари эътироф этилади. Ушбу ҳуқуқни тартибга солувчи қонун ҳамжамият учун ўта муҳим ҳисобланган хизматларга нисбатан аниқ қафолатларни ўз ичига олиши лозим.

Конституциянинг кўрсатиб ўтилган моддаларида гап бораётган конун, 1980 йилдаги меҳнаткашларнинг макоми тўғрисидаги конундир. Унинг II боби (бўлими) ишчи (ходим)ларнинг жамоа ваколатларига эга бўлган ҳолда бирлашиш ҳуқуқларини тартибга солади.

III боб эса меҳнаткашлар ва тадбиркорлар орасидаги жамоа шартномаларини тузиш тартибини ва уларнинг макомини тартибга солади.

Социалистик конституцияларнинг ижтимоий-синфий муносабатлар муаммосига ёндошишга мисол қилиб Хитой Конституциясининг I-моддасини келтириш мумкин: “Хитой Халқ Республикаси ишчилар синфи томонидан бошқариладиган ва ишчилар ва дехконлар иттифокига асосланган халқ демократик диктатураси социалистик давлатидир”. Мантиқан бундан келиб чиқадики, жамиятнинг қолган барча ижтимоий гуруҳлари “демократик диктатура” объекти бўлиб ҳисобланади ва “халқ” тушунчаси уни ўз ичига олмайди. Конституция тузувчиларини 33-моддада бунга буткул тесқари бўлган тартибга солиш ҳолати заррача бўлса ҳам безовта қилмаган: у ерда, 2-қисмда айтилганки, ХХРдаги барча фуқаролар конун олдида тенгдир. Кўриниб турибдики, амалда бундай қарама-қаршилик I-модда фойдасига ҳал қилинади. Зеро 34-модда фуқароларни конун асосида сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум қилиш мумкинлигига йўл қўяди. Унга асосан шундай конунлар ҳам чиқариш мумкинки, фуқароларнинг маълум бир қисмини “маҳрум қилинганлар” деб эълон қилиш ҳам мумкин. Бундай ҳолатлар собиқ СССРда ҳам, Хитойда ҳам инқилоблардан кейин юз берган, албатта. Конун олдидаги эълон қилинган тенглик ХХРнинг халқ вакиллари Умумхитой Мажлиси ва халқ вакиллари маҳаллий мажлисларига сайловлар ҳақидаги конун (1982 йил) билан ҳам бузиб келинмоқда. Ушбу конуннинг 2-боби вакиллик органларини тузишда қишлоқ аҳолисидан шаҳар аҳолисига кўпроқ имтиёзлар берилишини кўзда тутди. “Ишчи ва дехконлар иттифоқи” шу тарзда тенглик иттифоқи эмаслиги яққол кўриниб қолади.

Амалда эса, мамлакатда диктатура ҳукмрон, лекин бу халқ диктатураси ҳам эмас, ишчилар синфиники ҳам эмас, уларнинг номидан иш тутувчи компартия, давлат ва хўжалик бюрократиясининг ҳукмронлиги эди. Конституция ходим (ишчи)лар ва хусусий иш берувчилар учун ҳеч қандай қаролатларни ўзида мужассамлаштирмаган, лекин ишчи-ходимларнинг ўз маҳаллий,

хорижий давлат ва хусусий иш берувчиларига нисбатан диктатура (хукмронлик) ўрнатишлари жуда шубхали хулосадир.

### 3. Миллатлараро муносабатлар

Ушбу тушунча билан бу факат миллий (этник) жамоалар орасидаги муносабатларни эмас, балки уругчилик жамоалари, дин ва тилларга булган муносабатларни ҳам кискарок килиб тушунтириш (изохлаш)га ҳаракат киламиз.

Миллатлараро муносабатларнинг конституциявий тартибга солиниши куйидаги шаклларда жамланади.

Биринчи шаклни миллий-худудий автономия (мухторият) сифатида шартли равишда тавсифлаш мумкин. Аҳоли орасида бошқа миллат (бошқа дин ва хоказо)лар кенг тарқалган баъзи мамлакатларда, тегишли худудларда аҳолининг ўзига хос манфаатларини қондиришга қаратилган кўшимча автоном ҳуқуқларга эга бўлган давлат идора (бирлик)лари тузилади. Бунда кўпинча, тегишли худудда бошқа миллатга мансуб гуруҳ аҳолисининг кўпчиликини ташкил этиш ёки этмаслиги муҳим аҳамият касб этмай, балки мавжудлигининг ўзи ҳам кифоя қилади. Энди бунга бир неча мисол келтирайлик.

Масалан, Италия қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлиш даражасига етган, кенг автономияга эга 20та вилоят (област)га бўлинади. Ундан ташқари, Конституциянинг 116-моддасига мувофиқ беш вилоят (Сицилия, Сардиния, Трентино-Алто Адидже, Фриули-Венеция Джулия, Вал д'Аоста), конституциявий қонунлар билан тасдиқланган махсус статутларга<sup>41</sup> мувофиқ (бошқа вилоятларнинг низомлари оддий қонунлар билан тасдиқланади) алоҳида бошқарув шакл ва автономия шартларига эгадир. Жумладан, Трентино-Алто Адидже вилоятининг махсус низоми 1972 йилдаги таҳририга мувофиқ немис ва ладин тилларидан фойдаланиш (кўлланиш)ни кўзда тутди.

Испания Конституциясининг 2-моддасида бошқа ҳуқуқлар орасида, барча испанияликларнинг умумий ва бўлинмас ватанини ташкил этувчи миллатлар ва минтақа (регион, бўлга)лар учун автономия ҳуқуқини эътироф этади ва қафолатлайди. Ҳозирги вақтда Испания 17 та минтақавий автоном (мухтор) ҳамжамиятларга бўлинади ва улардан тўрттаси (Андалузия, Галисия, Каталония,

---

<sup>41</sup> Статут – низом, тузук.

Басқару мамлақати) муайян миллий жамоа (гурух)лар манфаатларини қафолатловчи тўла автономиядан фойдаланади.

Финляндияда шведлар яшайдиган Алоид ороллари кенг автономияга эга.

АҚШда хиндулар яшайдиган резервациялар миллий-худудий автономиянинг ўзига хос шаклини яққол намоён этади.

Иккинчи шакл – миллат, тил, дин ва шунга ўхшаш бошқа белгилардан катъий назар тенг ҳуқуқлилиқдир. Бу ерда шуни таъкидлаш мумкинки, баъзи мамлақатларда (афсуски, уларнинг сони унча кўп эмас) ҳуқуқрон гурухлар ўзлари ўрнатган тузум (режим, тартиб) нинг ижтимоий табиатини ҳисобга олмасдан, муайян миллий (иркий, тил, дин ва хоказо) жамоалар манфаатларини ифода этувчи қилиб ўзини кўрсатади ва бу мақсадда бошқа жамоа (гурух)ларга оид бўлган шахсларга нисбатан дискриминация (камситиш) қораларини жорий қиладилар. Худди шу қуйда баъзан, ҳокимият учун қураш олиб қорувчи, лекин ўз атрофида жамиятнинг кўпчилиқ қисмини умуминсоний қадриятлар асосида жиқслата олмаётган гурухлар ҳам фаолият кўрсатмоқдалар.

Учинчи шакл – миллий (ва бошқа қил) озчилиқларнинг жамоа ҳуқуқларини тан олиш ва қафолатлаш ҳисобланади. Баъзан бу озчилиқни ташқил этувчи гурухларга илгари ҳуқуқ сурган камситиш ва эзишлар туфайли етказилган зарарларни тўлаш, қоплаш ёқи тегишли жамиятда яшаб қолиш учун шарт-шароитлар яратишга йўналтирилган афзаллиқ ва имтиёзлар берилади. Масалан, 1949 йилда қабул қилинган Хиндистон Конституциясида муайян қатлам ва уруқлар учун белгилаб қўйилган қафолатларни бу қоранда мисол қилиб қурсатиш мумкин. Бу позитив дискриминация деб аталиб, у муайян жамоа (гурух)нинг яшаб қолиши учун ўта зарур ҳисобланади.

У ёқи бу жамоа (жамият, гурух) мустақил равишда тузилмалар ташқил этса ва унинг мақсади жамоа гурухларидан реал фойдаланишни таъминлаш бўлса, у қолда миллий-маданий автономия ҳақида гапиришимиз мумкин бўлади. Умуман олганда ушбу муассаса (институт) жамоанинг, айниқса, ёйилиб яшаётган жамоанинг ҳуқуқларини ҳимоя қилади, уларнинг минтақанда сиёсий ҳокимиятни бошқаришда иштироқ этиш билан боғлиқ бўлган жамоалар орасида ихтилофларни қелтириб қикарувчи миллий-худудий автономиялардан фарқли томони ҳам шунда.

1992 йилдаги Словакия Республикаси Конституцияси (33-қолда), бирон бир миллий озчилиққа мансублиқ ёқи бирон бир этник

гурухга мансублик хеч кимга зиён етказмаслиги лозимлигини белгилаб кўйган. Бундай озчилик ёки гурухга мансуб бўлган фукароларга хар томонлама ўзини-ўзи ривожлантириш, жумладан, худди шундай бошка шахслар билан биргаликда ўз маданиятини тараккий эттириш, ўз она тилида маълумотлар олиш ва таркатиш, миллий жамиятлар ташкил этиш, маърифий ва маданий муассасалар ташкил этиш хамда уларни моддий таъминлаш хукуклари кафолатланади. Конунда белгиланган шартларда мазкур шахслар учун давлат тилини ўрганиш хукуки билан бир каторда ўз она тилида таълим олиш хукуки, расмий муносабатларда ўз тилидан фойдаланиш хукуки, миллий озчиликлар ва этник гурухларга тааллуқли масалаларни хал этишда иштирок этиш хукуки кафолатланади. Юкорида санаб ўтилган хукуклар муносабати билан конституциянинг 34-моддаси ушбу хукукларни амалга оширилишининг Словакия Республикаси мустакиллиги ва худудий бутунлигига хавф солмаслиги ва унинг колган ахолисини камситилишига олиб келмаслиги лозимлигини кўзда тутуди.

Словакия (Польша, Чехия, Венгрия хам) Конституцияси “миллий озчилик ва этник гурухлар” ифодасини ишлатганлигига диккат-эътиборни каратмоқчимиз. Шаркий Европада миллий озчилик дейилганда, ўз миллий давлати ўзи яшаб турган мамлакатдан ташкарида, яъни хорижда бўлган этник жамоа (гурух)лар тушунилади (бу ерда миллат деганда давлат тушунилишини эслаш жоиз). Масалан, Словакия, Украина, Руминия, Югославиядаги венгерлар, Руминия, Венгриядаги немислар ва хоказо. Этник гурух миллий озчиликдан фаркли ўларок ўз миллий давлатига эга эмас (масалан, Шаркий Европа минтакасидаги лўлилар, 1948 йилгача яшаган яхудийлар).

Чехияда амалда бўлган 1991 йилдаги асосий хукук ва эркинликлар хартияси (конституциявий конун) миллий озчиликлар ва этник гурухларнинг бир катор хукукларини кўзда тутган, бирок хатто бу мамлакатдаги постсоциалистик хокимият коммунистик режим (тартиб) томонидан юритилган лўлиларни камситиш ва сиқиб чиқариш сиёсатини давом эттирди.

Халк (миллат)ларнинг ўз хукукларини ўзлари белгилашлари мавзусида алохида тўхталиш лозим. Бу дегани халк (миллат)нинг ўз давлатчилик шаклини мустакил равишда, у бошка давлат таркибида бўладими ёки алохида давлат кўринишида бўладими, бундан катъий назар мустакил белгилаш хукукига эга эканлигини билдиради.

Алохида давлат холатида, бундай давлат алохида мавжуд бўлиши мумкин, аммо бошқа давлатлар билан бирга федератив ёки конфедератив иттифокка кириши ҳам мумкин. Маълумки, коммунистлар ўз ҳукукини ўзи белгилашни, миллий давлатларнинг конфедератив бирлашиши мақсадга мувофиқлигини ҳам ташвиқот этган. Бу ерда ушбу мавзуга батафсил тўхталишга зарурият йўқ. Аммо халкларнинг ўз ҳукукларини ўзлари белгилашларига асосланган федерацияларнинг тақдири бир-бирига хайрон қолар даражада ўхшашдир: Совет Иттифоқи ҳам, Югославия ҳам, Чехословакия ҳам, Покистон ҳам тарқалиб кетди, штатлари тил принципи асосида ташкил бўлган Хиндистон ҳам мураккаб муаммоларни бошдан кечирмоқда. Канадада ҳам ушбу принцип асосида провинциялардан бири ташкил этилган. Албатта, нисбатан ижобий мисоллар ҳам йўқ эмас – Швейцария ва Бельгия муҳим тенденциянинг истисносига ўхшаб кўринади. Халқаро ҳуқуқ томонидан тан олинган (эътироф этилган) ўз ҳукукини ўзи белгилашнинг ҳеч бир мамлакатда конституциявий ҳуқуқ принципи бўлиб тан олинмаганлиги бежиз эмасга ўхшайди. Халқаро ҳуқуқнинг ўзи ҳам ушбу принципнинг чекланган ҳолда изоҳланиши (таърифланиши)га мойил кўринади.

#### 4. Оила ва никоҳни кўллаб-қувватлаш ва муҳофаза қилиш

Оила – бу инсон жамиятнинг аъзоси сифатида қайта талқин этиладиган ижтимоий тузилмадир. Айнан шу оилада инсон дунёни хис қилади, тушунади, шаклланади, унинг ижтимоий сифатлари вужудга келади. Шу боис ҳам конституцияларнинг кўпчилиги оилага диққат-эътиборни қаратмасдан, уни четлаб ўта олмайди. Худди шу оила асосида ётадиган никоҳга ҳам юқорида таъкидланган хусусиятлар алоқадор.

Мисол учун, Япония Конституциясининг 24-моддасида белгиланишича, никоҳ фақат иккала томоннинг ўзаро розилигига асосланади ва эр-хотиннинг тенг ҳуқуқчилигига асосланган ўзаро ҳамкорлик негизида вужудга келади. Оила ва никоҳга тегишли барча масалалар жинсларнинг тенглиги ва шахсий кадр-киммати тамойилидан келиб чиққан ҳолда қонун билан тартибга солиниши лозим. 1975 йилда қабул қилинган Греция Конституциясининг 21-моддаси, 1-қисмига мувофиқ, “оила миллатни сақлаб қолиш ва



ривожлантиришнинг асоси, никоҳ ҳам худди шундай, оналик ва болалик давлат химояси остидадир”.

Баъзи конституцияларда фарзандларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари алоҳида муҳофаза қилинади. Мексика Конституциясининг 4-моддаси, 5-қисмида шундай дейилади: “Оталарнинг бурчи – болаларнинг ақлий ва жисмоний ривожланишига бўлган эҳтиёжларини қондирилишига қатъий амал қилишдир. Қонун болаларни муҳофаза қилиш учун маблағлар белгилайди ва улар давлат муассасалари орқали етказиб берилади”. Италия Конституцияси ҳам никоҳсиз тугилган болалар муаммосига диққат-эътиборни қаратади: 30-модданинг 3-4-қисмларида қонун чиқарувчилар зиммасига, никоҳдан ташқари тугилган болалар учун қонуний тузилган оилаларда тугилган болалар эга бўлган ҳуқуқларга мос ҳолда барча юридик (ҳуқуқий) ва ижтимоий (социал) муҳофазасини таъминлаш ва оталиқни белгилаш учун қоида ва чегараларни ўрнатишлик белгилайди. Польша Конституциясининг 72-моддаси янги тугилган бола ҳуқуқларини тартибга солиди ва болалар ҳуқуқи бўйича ваколатли институт (муассаса)ни ташкил этишни кўзда тутди. Ва нихоят, 1991 йилдаги Словакия Конституциясининг 56-моддасида болаларнинг алоҳида муҳофаза ва гамхўрликдан тўла фойдаланишлари белгилаб қўйилади. Болалар ёшларининг улгайиши ва балогатга етишлари муносабати билан асосий инсон ҳуқуқлари ва эркинликларидан фойдаланадилар. Болаларга иқтисодий, ижтимоий, жисмоний, рухий, маънавий ва бошқа турли жиҳатдан эзиш (эксплуатация) ва суистеъмолликлардан алоҳида муҳофаза қилиш қаролатланади. Давлат катталарнинг гамхўрлиги ва ёрдамидан маҳрум бўлган болалар ва балогатга етмаган ўсмирлар учун ҳам алоҳида махсус химояни қаролатлайди.

Хитойдаги мураккаб демографик вазият ҳозирда амалда бўлган конституция тузувчиларни қуйидаги меъёрларни конституцияга киритишга ундади: “Давлат аҳоли ўсишини иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт режаларига мувофиқлаштириш мақсадида тугилишни режалаштиришни жорий қилади” (25-модда); “Эр-хотинлар тугилишни режалаштиришга мажбурдирлар” (49-модданинг 2-қисми).

Шунинг билан бир вақтда жамиятимизда ахлоқ меъёрларининг чўқишини ҳисобга олиб, ўша ХХР Конституциясининг 49-моддасидаги учинчи ва тўртинчи қисмлардаги қуйидаги ҳолатларга эътибор қаратмаслик мумкин эмас:

“Ота-оналар балогатга етмаган болаларини моддий таъминлаш ва тарбиялашга, балогатга етган фарзандларни эса ота-оналарини моддий саклаш (таъминлаш) ва уларга ёрдам бериш (кўллаб-қувватлаш)га мажбурдирлар.

Никоҳ эркинлигини бузиш (унга хилоф иш тутиш) ва кексалар, аёллар ва болаларга раҳмсизларча муносабатда бўлиш таъқиқланади”.

5. Ижтимоий таъминот, соғлиқни саклаш ва экология сохаларида давлат сиёсати

Инсонни ўраб турган табиий мухитни муҳофаза қилиш муаммоси ҳозирги кундаги энг долзарб, жиддий умуминсоний (глобал) муаммолар каторига кутарилган, зеро унинг ифлосланиши шундай кенг миқёсни эгаллаганки, бугунги кунда инсониятнинг ер юзида мавжуд бўлиши ҳам хавф остида турибди. Сўнги икки-уч, ўн йиллик ичида қабул қилинган конституцияларнинг ҳеч бири бу муаммони четлаб ўтмаганлиги бежиз эмас. Конституциявий меъёр (ҳолат)лар давлат зиммасига ташқи мухитнинг саклаб қолиниши ва яхшиланиши, жисмоний ва юридик шахслар зиммасига эса уларнинг ишлаб чиқариш ва бошқа турли фаолиятларида экология талабларига қатъий амал қилиш мажбуриятларини юқлайди.

Табиатдан самарали фойдаланиш муаммоси ҳамда ташқи мухитни муҳофаза қилиш муаммолари битишиб кетади (яъни чамбарчас боғлиқ), зеро табиат ресурслари (захира)нинг вахшийларча талан-тарож этилиши, уларни ўйлаб-нетмай совурилиши келажак авлодларга ўрнини тўлдириб бўлмас даражада катта зарар-зиён етказди, табиат томонидан инсоният учун инъом этилган кўпдан-кўп неъматлардан маҳрум қилади. Шунинг учун ҳам табиат неъматларидан самарали фойдаланиш тез суръатларда конституциявий меъёрларга (кўрсатмаларга) айланиб бормокда.

Ушбу мавзунинг конституциявий тартибга солинишига мисоллар келтирамиз:

Агар 1947 йил Италия Конституцияси, 1949 йилдаги Германия Асосий қонуни экология муаммосини ўша пайтда кўра олмаган бўлса, 1978 йилда қабул қилган Испания Конституциясининг 45-моддасида бундай белгилаб қўйилган:

“...1. Оммавий (умумий) ҳокимиятлар зарур бўлган жамоатчилик бирдамлиги, кўмагига таянган ҳолда яшаш сифатини химоя қилиш ва

кайта тиклаш мақсадида бутун табиат захираларидан унумли фойдаланиш устидан назорат олиб борилади.

2. Бундан олдинги меъёр, кўрсатмаларга хилоф иш тутган шахсларга нисбатан, конунда белгиланган муддатларга жиноий жазолар, тегишли ҳолатларда эса маъмурий жазолар белгиланади, шунингдек келтирилган зарарни тўлаш мажбурияти юкланади”.

Шунга ўхшаш мажбуриятлар постсоциалистик конституциялар орқали давлат ва жамият зиммасига юклаб қўйилган. Бу маънода, ГФРнинг шарқий ҳудудларида жойлашган озод Саксония давлати томонидан 1992 йил қабул қилинган конституцияни алоҳида таъкидлаш мумкин. Унинг хатто биринчи моддаси Саксонияни ҳаёт ва маданиятнинг табиий негизларини химоя қилишга мажбур бўлган демократик, ижтимоий ҳамда ҳуқуқий давлат сифатида таърифлайди. Ушбу конституциянинг 10-модда 1-қисмига мувофиқ Саксония давлати ва унда истиқомат қилаётганларнинг барчасига келажак авлодлар олдидаги ўта буюк масъулиятлардан келиб чиққан ҳолда ҳаёт негизи бўлган ташқи муҳитни муҳофаза қилишдан иборат бурч белгиланган. Ер, ҳаво ва сув, ҳайвонот ва ўсимликлар, шунингдек бутун ландшафт (манзара, борлик), макон алоҳида муҳофаза қилинмоғи лозим. Давлат хом-ашё захираларини тежамли ишлатилиши ва уларнинг янгилаб борилиши, сув ва энергиядан ҳам тежамли фойдаланишга эришиши лозим. Ушбу моддани 3-қисми табиат гўзаллигига махлиё бўлиш ва табиат кўнжида дам олиш ҳуқуқининг тан олинишини кўзда тутаяди, чунки ушбу меъёр 1-қисмда белгиланган мақсадларга зид эмас. Бу борада барча учун тоғлар, ўрмонлар, дала-боғлар, қўл ва дарёларга бориш имконияти таъминланмоғи лозим.

Баъзи конституцияларда давлатнинг, баъзан ташқи муҳитнинг ажралмас унсури (элементи) сифатида қабул қилинадиган тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш мажбурият (бурч)и ҳам белгилаб қўйилган. Масалан, Греция Конституциясининг 24-моддаси, 1-қисмида шундай дейилади: “Ташқи ва маданий муҳитни химоя қилиш давлатнинг вазифаси (бурч)идир” (биринчи жумла), ушбу модданинг 6-қисмига мувофиқ эса “ёдгорликлар, шунингдек, тарихий жойлар ва уларнинг таркибий қисмлари давлат муҳофазаси остидадир. Конун ушбу муҳофаза учун зарур бўлган мулк учун чеклов чоралари, шунингдек бундай мулк эгаларига бериладиган тўловларнинг амалга оширилиши қоидалари ва тартибларини белгилайди”.

Инсон ҳаёти ва соғлиги муҳофазаси кўпчилик замонавий конституциялар томонидан жамият ва давлатнинг муҳим вазифаларидан бири сифатида кўриб чиқилади. Мисол тариқасида Бразилия Конституциясининг 196-200-моддаларидаги ҳолат (меъёр)ларни келтириш мумкин. Ушбу моддаларда иттифок, штатлар, федерал округлар ва муниципал ҳокимиятларнинг ижтимоий таъминот бюджетларидан, шунингдек ягона тизим назорати остида фаолият кўрсатаётган бошқа жамғармалар ва хусусий муассасалардан молиялаштирувчи ягона соғлиқни сақлаш тизимининг уйғунлашуви кўзда тутилади. Хусусий муассасалар ягона тизим билан оммавий-ҳуқуқий шартнома ва битимлар тузган ҳолда уни тўлдириш мумкин, шартнома ва битимлар асосида ягона соғлиқни сақлаш тизими уларга мақсадли молиявий ёрдамлар кўрсата олади. Конституция соғлиқни сақлаш билан боғлиқ муайян ижтимоий муносабатларни тартибга солиш учун тамойил (принцип)ларни белгилайди. Масалан, конун чиқарувчи органлар, тўқималар, хужайралар, субстанция (жавхар)ларни трансплантация (кўчириб ўтказиш) қилиш ва тижорий мақсадларда фойдаланишнинг ҳар қандай шаклини тақиқланмоғи лозим.

Кўпчилик конституцияларда ушбу масала бўйича меъёрлар ўта қисқа шакл ва мазмунда тартибга солинган. Руминия Конституциясининг 33-моддаси 2-қисмига мувофиқ “давлат орасталлик (гигиена) ва оммавий соғлиқни таъминлаш учун чоратadbирларни амалга ошириши лозим (шарт)”, 3-қисмига кўра эса “қасалликка чалинганда, ногирон бўлиб қолганда, оналик ва соғлиқни тиклаш ҳолатларида тиббий ёрдам ва ижтимоий таъминот тизимини ташкил этиш, тиббиёт қасби ва парамедицина (тиббиётга яқин турувчи) фаолиятларнинг амалга оширилиши устидан назорат ва шунингдек, шахсларнинг жисмоний ва маънавий соғлиқларини химоя қилиш бўйича чоралар конунга мувофиқ белгиланади”.

Бу борада Хитой Конституциясининг ижтимоий ҳаётни давлатлаштирилишини тавсифловчи 21-моддасида келтирилган ҳолат кизиқиш уйғотади:

“Давлат соғлиқни сақлаш, замонавий ва Хитой анъанавий (ҳалқ) тиббиёти ва фармокологияси (доришунослиги)ни ривожлантиради, кишлоқ жамоа хўжалиқлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари томонидан турли хил соғлиқни сақлаш ташкилотларининг барпо қилишини рағбатлантиради ва

кўллаб кувватлайди, оммавий санитария (соғломлаштириш) тадбирлари ўтказилади ва халқ соғлиги муҳофаза қилинади.

Давлат жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиради, оммавий спорт тадбирлари ўтказилади, халқ соғлигини мустаҳкамлаб боради”.

Нихоят, кўпгина конституциялар давлат зиммасига ижтимоий заиф ижтимоий гуруҳларни химоя қилиш каби вазифаларни юклайди. Масалан, 1946 йилда қабул қилинган Франция Конституциясининг ҳозирда амалда бўлган сўзбошиси белгилайдики, миллат “барча учун, жумладан, болалар, оналар ва кекса меҳнаткашлар учун соғлиқни сақланиши, моддий таъминот, дам олиш ва бўш вақтни қафолатлайди. Ҳар қандай инсон мавжудоти, яъни ёши, жисмоний ёки ақлий ҳолати ёки бўлмаса иқтисодий аҳволига кўра меҳнат қилиш қобилиятидан маҳрум бўлган ҳар бир инсон кун кечирish учун зарур бўлган маблағни жамоадан олиш ҳақига эгадир”.

Инсон муносиб ҳаёт кечирish учун пул ишлаб топиш имкониятидан бирон бир сабабга кўра маҳрум бўлган шахслар ёки бошқа хил даромад манбаига эга бўлмаган шахсларнинг ижтимоий таъминланиши икки хил турга бўлинади: бу ижтимоий сугурта ва ижтимоий ёрдам.

Ижтимоий сугурта, одатда иш берувчи ёки тегишли жамғармаларга мажбурий бадаллар тўлаб берувчи ходимларнинг ўзлари томонидан амалга оширилади. Бундай жамғарма (фонд)лардан нафақаларнинг турли хиллари мунтазам тўлаб борилади. Шахс, шунингдек, ихтиёрий ижтимоий сугурта хизматига ҳам мурожат қилиш мумкин. Бунда у кўшимча нафақа турларидан фойдаланиш ҳуқуқига ҳам эга бўлади.

Ижтимоий ёрдам хусусида айтадиган бўлсак, ушбу ёрдам давлат ёки маҳаллий ҳудудий жамоалар (шаҳар, жамоатчилик ташкилоти ва хоказо) томонидан ҳалокат ёқасида қолган, ижтимоий сугурта бўйича таъминланиш ҳуқуқига эга бўлмаган ёки бўлмаса ижтимоий сугурта жамғармаларидан кун кечирish учун етмайдиган миқдорда, яъни жуда оз миқдорда маблағ олувчи шахсларга нисбатан кўрсатилади. Ушбу иккала шаклни 1990 йилда қабул қилинган Хорватия Конституцияси аниқ равшан ажратиб кўрсатади. У ўзининг 56-моддасида белгилайдики, ишчи ходимлар ва уларнинг оила аъзоларининг ижтимоий муҳофазада бўлиши ва ижтимоий сугурталаниши қонун ва жамоа шартномаси билан тартибга солинади, шунингдек оналик ва болалик билан боғлиқ ҳуқуқлар ҳам қонун билан тартибга солинади. 57-моддага кўра эса “заиф, ҳаста ва

бошкаларга ишсизлик ёки меҳнатга лаёқатсизлик оқибатида республикадаги таъминланмаган фуқароларга асосий ҳаёт эҳтиёжларини кондирилиши учун ёрдам олиш ҳуқуқи таъминланади”. Худди шу моддада кўрсатиб ўтиладики, Республика ногиронларни химоялаш ва уларни ижтимоий ҳаётга жалб қилишга асосий эътиборни қаратади ва гамхўрлик қилади, шунингдек хориждан инсонийлик ёрдамлари олиниши таъқиқланиши мумкин эмас.

#### 6. Истеъмомчиларнинг давлат томонидан химоя қилиниши

Бугунги кунда айрим мамлакатлардагина ушбу муаммо конституция даражасига кўтарилган. Бирок, биз таъкидлаб ўтганимиздек, турли хил товар (махсулот, мол)лар, энг аввало истеъмом моллари ишлаб чиқариш технологиясининг мураккаблашиб кетганлиги сабабли кўзда тутилган муддатларда уларнинг сифатини назорат қилиниши кўпинча қийинлашмоқда. Сифатига кўйиладиган талаблар, айниқса оммавий эҳтиёж молларига кўйиладиган талабларнинг бузилиши ўта хавфли оқибатларга олиб келиши мумкин ва олиб келмоқда. Истеъмомчи сохта ишлаб чиқарувчи ва сотувчилар олдида химоясиз бўлиб қолмаслиги лозим. Ушбу ҳуқуқ муҳофазасининг суд орқали ҳал этиш ўта узок ва мураккаб кечмоқда.

Испания Конституцияси ўзининг 51-моддасида ушбу масала бўйича қуйидаги меъёр (ҳолат)ларни ўзида мужассамлаштиради:

“1. Оммавий ҳокимиятлар истеъмомчилар ва фойдаланувчиларнинг хавфсизлиги, соғлиги ва қонуний иқтисодий манфаатларини муҳофаза қилган ҳолда уларни химоя қилишликни қафолатлайди.

Оммавий ҳокимиятлар истеъмомчилар ва фойдаланувчиларнинг билимли бўлишлари ва хабардор қилинишларига кўмаклашади, уларнинг ташкилотларига ёрдам беради ва ушбу ҳокимиятларнинг истеъмомчиларига тегишли масалалар юзасидан фикрларни қонунда белгиланган муддатда тингланишига ёрдам беради.

2. Бундан олдинги қисмларда белгиланган кўрсатмалар доирасида қонун ички савдо ва молни сотишга руҳсат бериш қоидаларини тартибга солади”.

Таъкидланганидек, Бразилия Конституциясининг 170-моддаси истеъмомчилар ҳуқуқининг муҳофаза қилинишини иқтисодий тузум принциплари қаторида санаб ўтади. Ушбу конституциянинг 5-

моддасида давлат зиммасига истеъмолчилар ҳукукини конун васитасида муҳофаза қилиш масъулиятини юклайди.

#### 4-§. Маънавий-маданий муносабатлар

##### 1. Умумий тавсиф

Ижтимоий муносабатларнинг ушбу соҳаси конституциявий ҳуқуқ билан, ижтимоий тузумнинг қолган бошқа ички тизимларига нисбатан анча кам даражада тартибга солинади. Бу тушунарли: бу ерда гап инсоннинг ички дунёси ҳақида боради. Фақат тоталитар тузумлар жамият ҳаётининг ушбу соҳаси устидан ҳам тўла назорат ўрнатишликни даъво қилади, лекин демократик жамиятда инсон қадри автоном (озод), унинг ички дунёси фақат биргина унинг ўзига тегишли. Давлат ва ҳуқуқ, айниқса конституциявий ҳуқуқнинг вазифаси, бу ерда, инсон шахсининг маънавий-маданий ривожлантириш учун яхши, қулай шарт-шароитларни таъминлашдан иборат бўлади.

Жамият маънавий-маданий муносабатлар—бу инсоннинг бир-бирлари орасидаги, инсон, жамият ва давлат орасидаги маънавий-маданий неъматлар хусусидаги муносабатлардир. Бу муносабатларни мавжуд сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар тақозо этади. Маънавий маданий муносабатлар эса, ўз навбатида, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий муносабатларга ўз таъсирини кўрсатади. Ушбу муносабат (предмети) барча маънавий-маданий ҳодисалар фан, санъат, таълим, дин ва ижтимоий онгнинг бошқа соҳаларини ўз ичига олади.

Маънавий-маданий муносабатлар баъзан сиёсий тус ҳам олади, яъни сиёсий маъно қасб этади. Бу айниқса, миллат ва давлатни ташкил этувчи омил деб ҳисобланган ҳолатда намоён бўлади.

##### 2. Таълим

Жамият ҳаётининг ушбу соҳасини унинг бутун маънавий-маданий дунёсининг асоси дея ҳисоблаш мумкин, чунки таълимсиз ҳеч қандай маданият ва тўлақонли ҳаётнинг бўлиши мумкин эмас. Таълим олиш ҳуқуқи муносабати билан ушбу конституциявий институтнинг анча муқаммал тартибга солиниш тенденциясини қузатар эканмиз, унинг конституциявий тартибга солинишини

демократик (Германия) ва тоталитар (КХДР) жамиятлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Шу боис давлатларнинг таълимни ташкил этиш масалаларига турли-туман ёндошишларини акс эттирувчи бир нечта мисол келтириш билан чегараланамиз.

Испания конституциясининг 27-моддасида кўрсатилишича, таълим жамиятнинг демократик тамойиллари, асосий ҳуқук ва эркинликларига ҳурмат руҳида инсон шахсини баркамол этиб ривожлантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Оммавий ҳокимият ота-оналарга ўз фарзандларига шахсий эътиқодларига мувофиқ диний ва ахлоқий тарбия бериш имкониятини қафолатлаши лозим. Асосий таълим мажбурий ва бепулдир. Оммавий ҳокимият барчага манфаатдор секторларни самарали қўллаган ҳолда умумий дастурлар қабул қилиш ва ўқув юр்தларини ташкил этиш йўли билан таълим олиш ҳуқуқини қафолатлайди. Жисмоний ва юридик шахсларга конституциявий тамойилларга амал қилинган ҳолда ўқув юр்தларини барпо этиш эркинлиги тан олинади (эътироф этилади). Ўқитувчилар, ота-оналар ва муайян ҳолатларда ўқувчилар оммавий жамғармалар ҳисобига маъмурият томонидан моддий сакланадиган барча ўқув юр்தларида назорат олиб бориши ва уларни бошқаришида иштирок эташи мумкин. Оммавий ҳокимиятлар зиммасига қонунчиликка амал қилинишини қафолатлаш мақсадида таълим тизимини назорат қилиш ва далолатлаш вазифаси юкланади. Оммавий ҳокимият қонунчиликда белгиланган талабларга жавоб берувчи ўқув юр்தларини қўллаб-қувватлайди. Қонунда белгиланган шартлар асосида университетларнинг автономияси (эркинлиги, мустақиллиги) тан олинади.

Шундай қилиб бу ерда, худди Германиядагидек оммавий ҳокимиятнинг фақат зарурий ҳолдагина раҳбарлиги асосидаги либерал таълим тизимини қузатишимиз мумкин. Бунга тесқари бўлган таълим ёндошуви мисолини Куба Конституцияси асосида қурамиз. Унинг матни анча қатта бўлишига қарамай, келтиришимиз жоиз. Масалан 39-моддада шундай дейилади:

“Давлат таълим, маданият ва фаннинг барча қўринишларини рағбатлантиради, ривожлантиради ва йўналтиради. Давлат ўзининг таълим ва маданият соҳасига сиёсатида қўйидаги тамойилларни ургатади:

а) ўзининг таълим ва маданият соҳасидаги сиёсатини фан ва техника ютуқларига, марксизм ва мартианлик (Куба инқилобий



мафкурачиси Хосе Марти таълимоти) гоялари, Куба ва бутун дунё илгор педагогика анъаналарига асослайди;

в) Таълим (ўқитиш) давлатнинг вазифаси ва у бепулдир. У фаннинг хулоса ва ютуқларига, ўқишнинг хаёт, меҳнат ва ишлаб чиқариш билан узвий алоқасига асосланади. Давлат талабалар учун стипендия тизимини кўллаб-қувватлайди ва ишловчилар томонидан билим ва қобилиятнинг энг юқори даражасига эришиш мақсадида уларга турли туман шаклдаги ўқиш имкониятларини яратиб беради. Қонунга мувофиқ миллий таълим тизими таркиби ва тузилишини, шунингдек ўқишнинг мажбурийлигини белгилайди ва ҳар бир фуқаронинг билим олиши шарт бўлган энг кам (минимум) умумий тайёргарликни жорий этади;

с) Янги авлодларнинг ватанпарварлик руҳида тарбияланишига, коммунистик руҳда шаклланишига, болалар, ёшлар ва усмирларнинг ижтимоий хаётга тайёрланишига кўмак беради. Ушбу тамойилни амалга ошириш учун илмий-техникавий ва бадиий характерга эга бўлган умумий ва махсус таълимни меҳнат, амалий тадқиқодлар, жисмоний тарбия ва спорт, ҳамда ижтимоий сиёсий фаолият ва ҳарбий тайёргарликда фаол иштирок этиш билан бирга олиб борилади”.

Таълим соҳасига янги авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш вазифаси қўйилганлиги учун ҳам, шуниси аёнки, ушбу вазифани фақат давлатгина амалга оширади.

### 3. Маданият ва фан

Бу соҳада ҳам давлат муайян моддий томондан таъминлаш чоратadbирларини қуриши мумкин. Бирок бу маълум йўналишлардагина ушбу соҳани ривожлантиришга мақсадли таъсир кўрсатишни тақозо этувчи инструментдир. Демократик давлат бундай таъсир кўрсатишдан бетараф бўлади, чунки бундай таъсир фан ва техника тараккиётига тўскинлик қилади, баъзан эса уни издан чиқариши ҳам мумкин ва ниҳоят жамиятнинг ҳамма муносабатда бошқа жамиятлардан орқада қолишига олиб келади, албатта баъзи бир рағбатлантирувчи соҳалар истиснони ташкил этиши мумкин. Аммо бундай фан ва маданият соҳаларида давлатнинг бир томонлама таъсири бўлганда ҳам унинг орқада қолиши муқаррар, чунки унинг бир бутунлиги дарз кетган бўлади.

Умуман, тоталитар конституциялар ушбу соҳани бевосита, албатта ўзига хос шакл ва мазмунда тартибга солиб келган.

Конституциявий ҳуқуқ узок вақт ушбу соҳага лоқайд бўлиб келди. Замонавий конституциялар, айниқса, тоталитаризмни ўз бошидан кечирган мамлакатлардаги конституциялар бу борада махсус қафолатларни ўзида мужассамлаштирган.

Масалан, Италия Конституцияси “Санъат ва фан ҳамда, уларни ўқитиш ва ўргатиш эркин” эканлигини белгилайди (33-модда, 1-кисм). Унинг 9-моддасида шундай дейилади:

“Республиканинг маданий, илмий ва техникавий тадқиқотларининг ривожлантирилишига ёрдам беради.

У миллатнинг тарихий ва бадиий меросини, табиатини муҳофаза қилади”.

1949 йилда қабул қилинган Венгрия Конституцияси ўзининг 1990 йил таҳририда 70-д моддасида қуйидаги ҳолатни ўз ичига олган:

“1. Венгрия Республикаси илмий ҳаёт ва бадиий ижод, билим олиш ва дарс бериш (ўқитиш) эркинлигини ҳурмат қилади ва қўллаб қувватлайди.

2. Илмий ҳақиқат масалаларида қарор қабул қилиш, тадқиқотларни илмий қимматини белгилаш ҳуқуқига фақат ва фақат фан арбоблари ҳақлидир”.

Бу ердаги 2-кисмда белгиланган ҳолат эътиборга лойиқ. Чунки бу нарса демократик жамиятда ўзидан-ўзи мавжуд бўлаверади деб тушунилади ва шу боис ҳам одатда конституцияларда акс этмайди. Аммо ушбу ҳолатда ундан тоталитар ўтмиш аломати сезилиб туради, масалан Венгрия социалистик ишчи партияси Марказий Қўмитасининг маҳкама амалдорлари ҳар қандай илмий масала юзасидан олий ҳакам сифатида чиқишган.

Ушбу гуруҳга оид ижтимоий муносабатларнинг тоталитар конституциялар томонидан тартибга солинишига келсак, бу ерда ушбу муносабатларга анча либерал ёндошган Куба Конституциясининг 39-моддасига мурожаат қиламиз. Юқорида эслаб ўтилган модданинг иккинчи қисмида шундай дейилади:

“...с) бадиий ижод эркиндир, зеро унинг мазмуни инқилобга зид эмас. Санъатда ифода этиш шакли эркиндир:

д) давлат халқнинг маданий савиясини ошириш мақсадида бадиий тарбия, ижодий касб, санъат билан шугулланиши ва уни қардлашни юқори баҳолайди, уни ривожлантиради ва рағбатлантиради.

е) Фанда ижодий ва тадқиқот фаолияти эркиндир. Давлат тадқиқот ишлари, энг аввало жамият манфаатлари ва халқ

фаровонлигини ошириш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишга қаратилган тадқиқотларни рағбатлантиради ва ҳар томонлама таъминлайди.

f) Давлат фан тараққиёти ва меҳнаткашларни илмий ишларга жалб қилинишига ижобий таъсир кўрсатади.

g) Давлат жисмоний тарбия ва спортнинг барча турларини таълим воситаси ва фуқароларнинг ҳар томонлама тарбияланишларига кўшиладиган муҳим ҳисса сифатида йўналтиради, ривожлантиради ва рағбатлантиради.

h) Давлат Куба маданиятининг оригинал (ўзига хослик)лигини муҳофаза қилади ва миллатнинг маданий мероси, бадиий ва тарихий бойликларининг сақланиши ҳақида ғамхўрлик қилади. У миллий ёдгорликлар ва ўз табиий ғўзаллиги билан фарқ қилувчи ёки бадиий, тарихий қиммати тан олинган жойларни алоҳида муҳофаза қилади.

i) Давлат фуқароларининг мамлакатдаги оммавий жамоат ташкилотлари орқали таълим ва маданият соҳасидаги сиёсатни амалга оширишга фаол иштирок этишларига ёрдам беради”.

Биз бу ерда ҳеч бир бетарафлик ёки қаршилик уйғотмайдиган бир қатор меъёрларни кўришимиз мумкин: тегишли вазифаларнинг давлат томонидан амалга оширилиши мутлақо табиийдир. Бирок сh)-бандда ва e)-бандда бадиий ва илмий ижодиёт эркинлигини тўла чегараловчи ва фан, маданият арбобларини коммунистик партия ва давлатнинг революция (Куба инқилоби)га нима зид, нима зид эмаслигини, бутун жамият манфаатлари ва халқ фаровонлигига қайси муаммолар тегишли ва қайсилари тегишли эмаслигини, қандай тадқиқотлар ушбу муаммоларни ҳал этишга қаратилган, қайси бири қаратилмаган ва шунга ўхшаш масалалар юзасидан сўнгги сўзни айтувчи юқори мансабли амалдорларнинг хоши-иродасига қарам қилиб кўювчи сиёсий мезонларни кўрмаслик мумкин эмас. Ундан ташқари юқорида кўрсатиб ўтилган вазифалар жамиятнинг ўзи томонидан, ундаги турли муассасалар томонидан амалга оширилиши ҳам мумкин эди, лекин тоталитар тузум фуқаролик жамиятини четга суриб қўяди ва жамият аъзоларининг қатта бир қисмини қамбағаллик ва қашшоқликда тенглаштириб қўяди. Шу боис ҳам келтирилган парчада гап фақатгина ижтимоий муассасалар ўрнини қисман боса оладиган оммавий ижтимоий (жамоат) ташкилотлари ҳақида боради. Айтиш мумкинки, бу ташкилотлар партия-давлатнинг филиал (шоҳобча, шўъба)ларидан бошқа ҳеч нарса эмас.

4. Дин

Бу хам жамият маънавий-маданий ҳаётининг муҳим муассасаси (институти)дир. Дин дунёкараш, тасаввур ва эътиқодлар тизими ўларок инсонларни бирлаштирувчи омил бўлиб хизмат килади ва илгари ҳам таъкидланганидек, давлатни барпо қилувчи омил бўлиб хизмат килади. Дин нафақат маънавий-маданий ҳаётга, балки жамият сиёсий ҳаётидаги кўпгина соҳаларга ўз таъсирини кўрсата олади, из қолдиради. Шунинг учун ҳам конституциявий ҳуқуқ динни четлаб ўта олмайди.

Дин, одатда, ибодатхона билан, яъни демократик белгилардан узок ва ишонувчиларнинг диний эҳтиёжларини қондириш учун мўлжалланган, иерархик (яъни босқичли) тузилишга эга бўлган черков билан чамбарчас боғлиқ. Амалда ибодатхона (черков) бу доирадан тез-тез чиқиб туради ва сиёсий мақсадларни ўз олдига қўйган диндорлар ҳаракатига бошчилик, раҳнамолик қилади ва уларни бошқаради.

Дин ва конституциявий ҳуқуқ орасидаги ўзаро боғлиқлик, бундан олдинги бобда таъкидлаб ўтилганидек, виждон эркинлигининг конституциявий-ҳуқуқий қафолатланиши ва давлат билан черков орасидаги муносабатларнинг тартибга солиниши шаклида амалга оширилади. Бунда, одатда, муайян шаклда черковнинг давлатдан ажралган, яъни алоҳидалиги эътироф этилади. Масалан, Испания Конституциясининг 16-модда, 3-қисмига мувофиқ, “Ҳеч қандай диний эътиқод, сиғиниш давлат ҳаракатига эга эмас. Оммавий ҳокимият жамиятнинг диний эътиқодини эътиборга олади ва католик ибодатхонаси ҳамда бошқа динлар билан тегишли муносабатларни ўрнатади”.

Одатда, конституциявий ҳуқуқ диний эътиқодда тенг ҳуқуқлилиқни қафолатлайди ва диний озчилиқни алоҳида уз муҳофазаси остига олади. Мисол тариқасида Руминия Конституциясининг 29-моддасини келтириб ўтамиз. Ушбу модданинг 2- ва 3- қисмларига мувофиқ, диний эътиқодлар эркин ва қонунда белгиланган шарт-шароитларда шахсий низомига кўра ташкил этилади, маънавлар орасида диний ихтилоф, низоларни пайдо этувчи (уйғотувчи) ҳар қандай шакл, восита, хатти-ҳаракатлар қатъий ман этилади.

## 5-§. Сиёсий муносабатлар

## 1. Сиёсий тизим ва сиёсий ҳокимият тушунчалари

Уюшган ҳолда сиёсий тизимни ташкил этувчи сиёсий муносабатлар жамиятда сиёсий ҳокимиятнинг фаолият кўрсатиши билан боғлиқ муносабатлардир, давлат ҳокимияти эса унинг марказлашган ифодаси бўлиб ҳисобланади.

Умуман ҳокимият – бу бир гуруҳ кишилар (гуруҳлар)нинг ўз истак-иродасини бошқа инсонлар ёки гуруҳлар (ўз ихтиёридаги, кўл остидаги) орқали амалга оширишга эришиш имконияти ва қобилиятлари билан характерланадиган (тавсифланадиган) ижтимоий муносабатдир. Ушбу муносабат бутун жамиятдан бошлаб оилагача, дўстлар йигинигача ва ҳоказо бўлган турли хилдаги инсонлар гуруҳларида кузатилади. Оилада, дўстлар даврасида раҳнамо ҳукмронлиги деган тушунча йўқ, бўлмаган ва бу нарса қайд этилмаган бу ҳолат шахсий обрў-эътиборга суянади. Акциядорлик жамиятида раҳбар шахснинг ҳукмронлиги катъий расмийлаштирилади ва узининг умумий сармоёдаги хиссасига суянади ва менеджер эса сармоё эгаларининг ваколатларига таянади. Ибодатхонанинг ҳукмдорлиги сизинувчиларнинг қайси конфессияга оидлиги, эътиқодининг қанчалик катъийлигига боғлиқ. Партия, қасаба уюшмалари ва ҳоказо жамоат бирлашмалари раҳбарларининг ҳукмронлиги, шунингдек жамоа хўжалик тузилмалари (ширкат, хиссадорлик жамиятлари ва ҳоказо)нинг уз аъзоларига нисбатан юритадиган ҳокимиятлари, ҳукмронликлари ҳам расмийлаштирилган ва уларнинг шахсий обрў-эътиборларидан ташқари жамоат бирлашмаси ёки хўжалик тузилмаси аъзолари томонидан берилган ваколатларга таянади (масалан, сайлов йўли билан берилган ваколатлар).

Сиёсий ҳокимият – бу муайян бир гуруҳ кишилар (элита)нинг бутун жамият устидан ҳукмронлиги бўлиб, бўйсунмаслик ҳолларида мажбурлаш, зўрлик воситаларини қўлланиши билан тавсиф (характер)ланади. Бу жамият (унинг қатта бир қисми) устидан ҳукмронлик бўлгани учун ҳам оммавий ҳокимият<sup>42</sup> деб аталади. Сиёсий ҳокимият маълум миқдорда конституциявий ҳуқуқ билан тартибга солиб бориладиган бир қатор сиёсий институт (соха)лар воситасида амалга оширилади. Давлат ҳокимияти қонуни бутун

---

<sup>42</sup> “Оммавий ҳокимият” атамаси баъзан “ижтимоий ҳокимият”, яъни умумий ҳокимият деб белгилаб қўйилади. Бу тўғри, чунки сўз жамият ёки унинг бир қисми устидан ҳукмронлик ҳақида ёки жамиятнинг ўзининг таркибий қисмлари устидан ҳукмронлиги ҳақида кетяпти. Ижтимоий ҳокимият давлат ҳокимияти атамасига ҳам зид маънода қўлланилиши мумкин (“жамият-давлат” дихотомияси доирасида), шунинг учун уни четлаб ўтиш тўғри бўлади.

жамиятга тааллуқлидир ва ўз ҳукмронлиги остидагиларга белгиланган ҳолатларда, белгиланган усуллар билан ва белгиланган даражада жисмоний зўрлик (зулм) кўллаш монополиясига эгадир. Демократик мамлакатларда, одатда, давлат ҳокимиятидан пайдо этилган, оммавий ҳокимиятга эга бўлган маҳаллий ва бошқа ўзини-ўзи бошқарув тизими ҳам шундай муҳим институт (соҳа, муассаса) ҳисобланади. Хорижий мамлакатларда маҳаллий ўзини-ўзи бошқарув давлатнинг таркибий қисми сифатида кўриб чиқилмайди. Давлат ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш тизими ўз моҳиятига кўра оммавий ҳокимият институт (соҳа, муассаса)ларидир.

Катор конституцияларда (масалан, Испания Конституцияси) оммавий ҳокимият ҳақида кўпроқ гапирилади. Бунда давлат органлари ва ўзини-ўзи бошқарув органлари кўзда тутилади.

Сиёсий ҳокимиятни амалга оширишда сиёсий партиялар ва уларга яқин турувчи жамоат ташкилотлари ҳам иштирок этадилар. Ҳукмрон ҳокимиятларга муҳолиф бўлган ва бетараф жамоат ташкилотлари оммавий ҳокимият институтларининг шаклланиши ва фаолият кўрсатишига турли шаклларда уз таъсирини кўрсатади. Оммавий ахборот воситалари, баъзан эса ибодатхона ва бошқа диний тузилмалар томонидан ҳам кучли таъсирни кўриш мумкин.

Бу институт (муассаса)ларнинг барчаси сиёсий тизимнинг институционал негизи, асосини – сиёсий ҳокимиятни амалга ошириш механизмини ташкил этади. Адабиётларда сиёсий тизимнинг тузилишига нисбатан ўзаро бир-бирига қарама-қарши (зид) ҳамда озми-кўпми мос келувчи турли-туман фикр ва мулоҳаза ҳамда ҳулосалар берилган. Баъзиларида сиёсий тизим юқорида кўрсатиб ўтилган институтлар ва улар орасида белгиланган ва юзага келган тартиб билан атрофлича изоҳланса, бошқаларида сиёсий тизимнинг сиёсий муассасалар, сиёсий меъёрлар, сиёсий мулоқот воситалари, сиёсий онг воситаларидан иборатлиги таъкидланади. Учинчи бир турдаги адабиётлар эса иккинчи гуруҳ фикрига кўшилган ҳолда сиёсий онгнинг сиёсий тизим фаолият кўрсатадиган асосий муҳитнинг бир қисми эканлигига ҳам таъкидланади ва ҳоказо. Хар бир муаллифнинг фикри ўзига хос, турли-туман, қарама-қарши, баъзан мос ва бунинг нихояси йўқ. Сиёсий соҳа (институт)лар ва улар орасидаги муносабатларни тартибга солувчи меъёрлар деярли барча тадқиқотчи олимлар томонидан сиёсий тизимнинг таркиби сифатида тан олинади. Институт (соҳа, муассаса)лар бу сиёсий тизимнинг тузилиш тавсифидир, муносабатлар меъёри эса – функционалдир.

Сиёсий (ва қисмангина сиёсий) институтларнинг ҳуқуқий мақоми ва улар орасидаги муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий меъёрлар муайян даражада конституциявий ҳуқуқ предметиға қиради.

## 2. Сиёсий жараён.

Биз бу ходисани сиёсий тизим ва унинг институтлари фаолиятининг тартиби, жумладан, улар орасидаги ўзаро муносабатлар сифатида таърифлашимиз мумкин.

Аввало шуни таъкидлаш керакки, сиёсий жараён юридик, яъни ҳуқуқий жараён эмас, аниқроқ айтадиган бўлсак, қисман юридик жараёндир. Шунинг учун ҳам биз ушбу жараённинг босқичларини умумий кетма-кетликда белгилаб кўя олмаймиз<sup>43</sup>. “Сиёсий жараён” тушунчаси турли хил субъектлар сиёсий фаолиятининг турли хилдаги шакллари, усуллари ва йўналишларини камраб олади. У ҳам ҳуқуқ меъёрлари (аввало, конституциявий ҳуқуқ) ҳамда турли хилдаги ёзилган ва ёзилмаган, ҳуқуқий бўлмаган меъёрлар (корпоратив меъёрлар<sup>44</sup>--партия ва бошқа жамоат бирлашмалари низомлари, низомий ва бошқа турли хужжатлари билан, урф-одатлар, анъаналар ва этика-ахлоқ меъёрлари) билан тартибга солинади. Баъзан эса умуман тартибга солинмайди, олдиндан айтиб бўлмайдиган шаклда, тўсатдан юз бериб ўтади.

Инсонлар ва улар гуруҳининг сиёсий фаолиятиға уларнинг ижтимоий эҳтиёжи туртки беради. Бу эҳтиёжлар англаниб (баъзан тўғри, баъзан янглиш бўлсада), манфаатларға айланади. Субъект ўз манфаатини кондириш учун оммавий ҳокимиятдан фойдаланиш зарурлигини англаб етиши билан ва бунинг учун оммавий ҳокимиятға қандайдир бир тарзда таъсир кўрсатилиши лозимлигини англаши билан, унинг манфаати сиёсий тус олади. Манфаатнинг кондирилиши ёки унинг нотўғри тушунилиши ёки уни рўёбға чиқарилиши мумкин эмаслигининг англаниши ушбу сиёсий фаолиятнинг тўхтатилиши ёки уни бошқа нарса билан алмаштирилишиға олиб келади. Сиёсий ҳаёт субъектларининг бундай фаолиятлари йигиндисидан умумий сиёсий жараён юзаға келади.

<sup>43</sup> Бироқ баъзи тадқиқотчилар буни амалға оширишға уринадилар. Масалан, профессор Л.С.Мемут сиёсий жараённинг қуйидаги умумий босқичларини ажратади: 1. Сиёсий тизимнинг вужудға келиши; 2. Унинг элемент (унсур)лари ва қисмларининг қайта ишлаб чиқарилиши; 3. Жамиятни бошқариш бўйича сиёсий ҳокимият қарорларини қабул қилиш ва уларнинг ижроси; 4. Уларни амалға ошириш устидан назорат (қаранг: Мемут Л.С. Сиёсий жараён, Совет давлати ва ҳуқуқи. 1982, №5, 44-бет). Ўйлаб кўрилса, бу таъриф тўпланган ҳолда сиёсий жараённи ташкил этувчи сиёсий ижтимоий муносабатларнинг барча турларини камраб ола олмайди. Айтайлик, сиёсий партиянинг сиёсий ҳокимият қарорларининг қабул қилиниши ва ижросиға таъсир кўрсатишға уриниши сиёсий жараённинг бир қисмигина ҳолос, бироқ бу таърифға қирита олинмайди.

<sup>44</sup> Бу тушунчани корпоратив ҳуқуқ меъёрлари билан аралаштириб юбориш керак эмас.

Сиёсий жараённинг оммавий хокимиятни амалга оширишда иштирок этаётган кисми кўпрок, яъни бошка кисмлардан устун равишда ҳукукий, энг аввало, конституциявий-ҳукукий тартибга солинади. Бу кисмда сиёсий жараён юридик жараёнга айланади ва аник ифодаланган боскичларга эга бўлади. Мисол тариқасида куйида муҳокама сифатида кўриб чиқиладиган конституциявий ҳуқук тармоқларини келтириш мумкин – бу сайлов жараёни, конун чиқариш жараёни, маъмурий жараён ва бюджет жараёни. Шунини таъкидлаш мумкинки, оммавий ҳуқук ишлари бўйича суд жараёни ҳам сиёсий жараённинг бир кўринишидир<sup>45</sup>. Юридик жараёни турли кўринишларининг асосий тамойиллари, одатда, конституциялар билан белгилаб қўйилади, батафсил тартибга солиниши эса конунлар ва бошка ҳужжат (тартиб-қоида, шартнома ва хоказо)лар билан амалга оширилади. Яна шунини кўзда тутиш керакки, “юридик жараён” тушунчаси, одатда, икки хил маънога эга бўлади:

Белгиланган тартибда юз берувчи фаолият.

2. Ушбу фаолиятни тартибга солувчи, яъни унинг ўтказилиш тартибини белгиловчи ҳукукий меъёрлар тизими.

---

<sup>45</sup> Масалан, сайлов ҳуқуқи бузилганлиги ҳақидаги шикоят бўйича суд жараёни соф юридик муаммони ҳал этаётиб, сиёсий вазиятни ўзгартирилишига ҳам таъсир этиши мумкин (айтайлик, бўлиб ўтган сайловни кассация қилиш). Бу ҳукукий тўри суд тушунчасини, тўқиб чиқарилган айблов бўйича суд тартиб-қоидасини амалга ошириш йўли билан сиёсий рақиблардан ўч олиш учун қилинган ноқонуний “сиёсий суд жараёни” тушунчаси билан аралаштириб юбормаслик керак.





jurisdictio – суд муҳокамаси; суд округини англатади). Шундай қилиб, қайсидир маънода вакиллик ва маъмурий органларга ҳам хос бўлиб, демократик давлатларда маъмурий органларнинг фаолияти демократик давлатларда ҳар доим суд назорати остида туради.

Таъкидланганидек, судларнинг юрисдикцияси фаолияти одил судловни амалга оширишдан иборатдир, яъни унинг фаолият мазмуни кўриб чиқиладиган низолар (ихтилофлар) бўйича судьялар томонидан ҳолислик билан одилona ҳуқуқий қарорлар қабул қилинишида намоён бўлади. Бунга суд жараёнида инсон ҳуқуқларини қароқўлатлаш ва қўриқладиган ҳар бир иш бўйича ҳаққоний ҳолатларни белгилашга қаратилган махсус процессуал шаклларни қўллаш орқалигина эришилади.

Демократик жамиятда суд ҳокимиятининг ижтимоий ўрни турли хил юридик низоларни ҳал этишда конституция ва қонунларда, халқаро шартнома, шунингдек қонунга тенглаштирилган ёки олий даражадаги норматив ҳужжатлар - фармон, декрет, ордонанслар, давлатнинг ички оммавий-ҳуқуқий шартнома ва бошқа ҳужжатларда ўз ифодасини топган ҳуқуқ устуворлигини таъминлашда ўз ифодасини топади. Англосаксон ҳуқуқ тизими мамлакатлари қонунчилигида бўшлиқ юзага келганда прецедент ёки умумий ҳуқуққа, шу жумладан мамлакат олий судлари қаратган прецедент ҳуқуқига амал қиладилар.

Суд ҳокимияти қанчалик цивилизациялашган шаклда бўлмасин, у гўёки давлатнинг жазоловчи воситаси сифатида намоён бўлади. Қарур ҳолларда Суд ҳокимияти шундайвосита бўлади, аммо унинг ижтимоий вазифаси фақат бундан иборат эмас. Жамиятдаги муносабатлар натижасида жуда кўп қонфликт (ихтилоф, низо) юзага келади.

Давлат ҳокимиятлари ўртасидаги ихтилофларни, бир ҳокимият доирасидаги давлат органлари орасидаги ихтилофларни ҳам кўриб чиқиш суд ҳокимиятига тегишли, давлат ва бошқа оммавий бирлашмалар (федерация субъектлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқарув жамоалари ва бошқалар) орасидаги низолар бошқа шаклда ҳал этилмаганлиги учун ҳам суд ҳокимияти томонидан ҳал этилиши лозим бўлади (албатта демократик давлатларда). Табиийки, судлар хусусий субъектлар орасидаги низоларни ҳуқуқ негизида ҳал этади, бу шахслар бўладими, гуруҳларми, фарқи йўқ, чунки уларнинг ўз ҳуқуқларини ўзлари тасдиқлаши жамиятда тартибсизликларни ҳам қелтириб чиқаришлари мумкин.

Суд хоқимиятининг фаолиятига сиёсий омилнинг таъсири хақидаги масала ҳам долзарбдир. Мантукан бундай таъсир мавжуд бўлиши мумкин эмас. Агар конунчилик хоқимияти ва ижро хоқимияти (уларнинг катта қисми, ҳеч бўлмаганда, мамлакат миқёсидаги катта қисми) нафакат сиёсий кучларнинг бевосита таъсири остида бўлади, балки ўзлари ҳам фаол сиёсий куч ҳисобланади, суд хоқимияти эса сиёсийликдан тўла чиқарилиши керак эди, чунки акс ҳолда у бетараф (ҳолис) бўла олмайди (ноҳолис судья эса—умуман судья эмас), ишни ҳал этаётганда эса у ҳуқуққа эмас, сиёсий мақсадга амал қилади.

Албатта, амалда суд хоқимияти фаолияти сиёсатдан тўла ҳоли этишининг тўла иложи йўқ. Судьялар оммавий ҳуқуқ соҳасига тааллуқли ишларни ҳал этаётганларида (оммавий ҳуқуқни бежиз сиёсий ҳуқуқ дейишмайди), ўзлари қабул қилаётган қарорнинг қандай сиёсий оқибатларга олиб қелишини олдиндан билмасликлари, қарор қабул қилаётиб эса унинг оқибатини ҳисобга олмасликлари мумкин эмас.

Умуман суд хоқимияти воситасида ҳуқуқ ижтимоий муносабатларга таъсир кўрсатади. Барча хоқимият тармоқлари ичида суд хоқимияти бир мунча заиф бўлиб кўринади: у конун чиқарувчи хоқимият қаби сайловчиларнинг истак-иродасига суяна олмайди, ижроия хоқимият қаби куч ишлатувчи тузилмага ҳам эга эмас. Суд хоқимиятининг кучи жамият томонидан тан олиниб, унга ҳурмат билан қаралишида намоён бўлади. Демократик ривожланган жамият аъзолари суд қарорларининг ижро этилмаслиги мумкинлиги тугрисида ҳатто тасаввур ҳам қила олмайдилар.

Маълумки, суд хоқимиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳаракатлар бюджетдан катта маблағ талаб этади. Суд хоқимияти мансабдор шахсларининг ойлик маоши кўпинча бутун давлат аппаратидаги хизматчиларникидан юқори туради ва бу ҳолат уз навбатида унинг мустақиллигига қафолат беради. Масалан, 80-йилларнинг бошларида кўпчилик Америка судларида суд ишларига қунига 1,5 минг доллар, ҳақамлик судларида- бир қунда қамида минг доллар сарф қилинган. Суд мажлисининг 1 соати-250 доллар, айбни эътироф этишни расмийлаштириш мажлиси (20 дақиқалик)-75 доллар, вояга етмаганлар содир этган ҳатти ҳаракат муҳоқамаси— қамида 50 доллар бўлган.

Бунда, аризақи мазкур сарф-ҳаражатларнинг тўланишини таъминлаши ёқи қафолатлаши лозим деган ҳулосага бориш керак

эмас. Акс холда одил судлов конституциявий хукуки тамойили хавода колиб кетарди: суд факат бой кишилар мурожаат киладиган орган бўларди. Бундай шароитда хеч кандай демократик усул хакида сўз юритиш мумкин бўлмасди. Иккинчи томондан, хар кандай моддий жавобгарликдан холи бўлиб одил судловга мурожаат килиш судларнинг сарф харажатини кўпайиб кетишига олиб келиши мумкин эди. Шунинг учун хам, одатда судга мурожаат давлат ёки махаллий бож тўланишини талаб килади, бундай бож унчалик катта бўлмаслиги ва юткизган томонидан тўланадиган судлов харажат ичига киритилиши лозим. Бож туловлари суд хокимиятининг ўзини-ўзи коплашини таъминлашнинг тулик имконини бермасада, уни моддий жихатдан саклашда солик тўловчиларга енгиллик беришни назарда тутади. Бож микдори билан муаммо чегараланмайди: томонлар учун иш олиб боришнинг ўзи хам моддий жихатдан огир. Кўпчилик Фарб тадқиқотчиларининг таъкидлашларича, судга мурожаат ва суд ишининг юритилиши кўпинча кимматга тушмоқда ва камбагаллар кўп холларда судга мурожаат килиш имкониятидан махрум булмоқда.

Яна бир мухим масала одатда, низоларни суд тартибида хал этиш кўп вақтни эгаллайди, шу боис суд процедураси мураккаб бўлмаслиги лозим. Низо суд мухокамасида хал этилар экан, узок вақт давом этган мухокама туфайли бу низо ўз маъносини йўқотиши ва суд карори хеч кимга керак бўлмай колиши мумкин.

Судловнинг бундай киммат нархи, ихтилофларни тез орада ва моддий кийинчиликларсиз хал этилишидан манфаатдор бўлган субъектларни ихтилофларни бошка усулларга мурожаат килиш билан хал этишга ундайди, бу—ўзаро келишув, арбитраж, маъмурий карорлар кабул килиш ва хоказо. Суд эса факат энг охирги мурожаат килинадиган сунги восита бўлиши керак.

Суд хокимиятининг конституциявий тартибга солиниши хажми турлича бўлади. Тенденция сифатида янги авлод конституцияларида хокимиятнинг ушбу соҳасини хукукий жихатдан мустахкамловчи нормалар хажмининг ошишини таъкидлаш мумкин.

Масалан, Франциянинг 1958 йилдаги Конституциясининг 66-моддаси, 2-кисми суд хокимиятини шахсий эркинликларнинг химоячиси сифатида тавсифлайди. 1976 йилда кабул килинган Куба Республикаси Конституциясининг 123-моддаси судлар фаолиятининг факат энг асосий мақсадларини куйидагича белгилаб кўйган:

а) Социалистик конунчиликни кўллаб-кувватлаш ва мустахкамлаш;

б) Ушбу конституция белгилаб кўйган иктисодий, ижтимоий ва сиёсий тузумни химоя қилиш;

в) Ушбу конституцияда тан олинган социалистик мулк ва бошқа турдаги мулкларни муҳофаза қилиш;

г) давлат муассасалари, хўжалик ва оммавий жамоат ташкилотларининг ҳуқуқ ва конуний манфаатларини химоя қилиш;

д) фуқароларнинг ҳаёти, эркинлиги, ор-номуси, қард-қиммати, мулки, оилавий муносабатлари ва бошқа ҳуқуқ, конуний манфаатларини химоя қилиш;

е) конунбузарлик, жамиятга қарши ҳатти-ҳаракатларнинг олдини олиш, бундай ҳатти-ҳаракатларни содир этган шахсларни жазолаш ва қайта тарбиялаш, конуний ҳуқуқлар бузилганлиги ҳақида ариза тушганда ҳуқуқий меъёрларнинг қучини қайтадан тиклаш;

ж) конунга қатъий риоя қилиниши мақсадида жамият ҳуқуқий онгини юксалтириш, судда чиқариладиган қарорларни шундай таърифлаш керакки, бу қарорлар фуқароларнинг ўз олдида турган мажбуриятларини онгли ва ихтиёрий равишда бажаришга - Ватанга садоқат, социализмга содиқлик ва социалистик жамият қоидаларига тўла амал қилишига хизмат қилсин.

Келтирилган мисолдан келиб чиқадиган фикр шуки, судлар социализм йўлида унинг гоёларига содиқ бўлишга мажбур, фуқароларнинг нафакат ҳатти-ҳаракати, ҳатто фикр-ўйларини ҳам назорат қилишга уриниб кўрувчи тоталитар ҳокимият тизимидаги бир звено бўлиб ҳисобланади. Жумладан, муайян иктисодий, ижтимоий ва сиёсий тузумни химоя қилиш вазифасининг судлар зиммасига юкланиши судларнинг очикдан-очик иш юритувчи сиёсий органга айланганлиги кўяди.

## 2. Суд ҳокимиятининг тузилиши.

Суд тизими аввало судларнинг ўзини қамраб олади. Англо-саксон ҳуқуқ тизимидаги мамлакатларда улар ягона тизимни ташкил этади, унга кўра турли соҳа судлари ягона олий судга бирлашади. Айни пайтда кўпчилик мамлакатларда, айниқса Европа қитъасида суднинг кўп тизимли тузулмага эга бўлиш тенденцияси кузатилмоқда. Бу мамлакатларда олий суд бошчилигидаги умумий ва махсус судларнинг бир-биридан алоҳида мустақил бўлган суд тизимлари ташкил этилган. Бунга ёрқин мисол қилиб, 1949 йилда

кабул килинган Германия Асосий Конунини кўрсатиш мумкин, унда Федерал конституциявий суд билан бир каторда яна алохида бешта суд тизими таъсис этилиши кўзда тутилган, булар: Федерал судлар палатаси, Федерал маъмурий суд, Федерал молия суди палатаси, Федерал меҳнат суди, Федерал ижтимоий суд. Улар суд амалиётида бир хилликни таъминлаш мақсадида ҳамкорликдаги (кўшма) сенатни ташкил этадилар (95-модда, 1- ва 3-қисм).

Романа-герман ҳуқуқ тизимидаги мамлакатларда ва баъзи бир бошқа мамлакатларда умумий юрисдикцияли судлар тизими билан бир каторда, (яъни асосан, фуқаролик ва жиноий ишларни кўриб чиқувчи судлар) давлат кенгаши деб аталувчи (Франция, Италия) ҳамда Олий маъмурий суд деб аталувчи орган томонидан (Швеция) бошқарилувчи маъмурий адлия тизими барпо этилади. Баъзи бир постсоциалистик мамлакатларда ҳам (Болгария, Чехия) худди шу тарзда иккитадан суд тизими таъсис этилган. Польшада Олий маъмурий суд, хозирча, Олий суд томонидан назорат қилинади, бироқ Польша Республикаси Конституциясининг 236-моддаси, 2-қисмига мувофиқ, 5 йил мобайнида, яъни у қучга қирган 1997 йилдан то 2002 йилгача Олий маъмурий суднинг мамлакат Олий судидан мастақил бўлишини таъминловчи "Маъмурий судлар тўғрисида"ги қонун қабул қилиниши лозим. Кўпчилик мамлакатларда харбий судлар тинч даврда ташкил этилмайди. (Қаранг: масалан, 1920 йилда қабул қилинган ва 1929 йилда таҳрир этилган Австрия Федерал Конституциявий қонунининг 84-моддасига мувофиқ), агар мамлакатда харбий суд олдиндан мавжуд бўлса, у умумий юрисдикциянинг алохида бир соҳасини ташкил этади. Худди шу нарсани маъмурий судлар хусусида ва бошқа баъзи бир махсус судлар: оилавий, вояга етмаганлар, меҳнат, патент, молиявий солиқ судлари ҳақида ҳам айтиш мумкин.

Европа қитъасидаги мамлакатларда, постсоциалистик мамлакатларда конституциявий судлар муҳим ўрин эгаллайди (Францияда—Конституциявий Кенгаш), уларнинг статуси ҳақида баъзи конституцияларда суд ҳокимиятига тегишли бобларда эмас, балки конституциявий қарорларга бағишланган бобларда кўриб чиқилади (Италия, Франция). Австрияда ҳам шундай бобда маъмурий суд ҳақидаги меъёрлар мавжуд. Конституциявий судлар федерация субъектлари томонидан ташкил этиладиган федерал ҳудудларда (давлатларда) ягона тизимни ташкил этмайди. Бундан ташқари, англо-саксон ҳуқуқ тизимидаги ва баъзи бошқа мамлакатларда

(АКШ, Хиндистон, Япония) конституциявий назорат функцияси умумий юрисдикция судлари томонидан амалга оширилади.

Шунингдек, баъзи мамлакатларда юкори лавозимли шахсларнинг конституциявий жавобгарликлари хакидаги ишларни кўриб чикувчи судлар мавжуд. (Францияда, олий одил судлов ва Республика одил судлов суди, Польшада Давлат трибунали).

Романа-Герман ҳуқук тизимидаги ва бошка баъзи мамлакатларда хисоб палаталари ва шунга ўхшаш бошка органлар ҳам суд ҳокимиятига тегишли бўлади. (Масалан, Италия Республикасининг 1947 йилда қабул қилинган конституциясининг 103-моддаси).

Бир қатор мусулмон мамлакатларида давлат судлари билан бир қаторда шариат судлари ҳам фаолият кўрсатади.

Демократик конституциялар одатда қонунда белгиланган процедурадан ташқари фаолият кўрсата оладиган қавқулодда судлар бўлишини таъқиқлайди. Масалан, Германия Асосий қонунининг 101-моддаси, 1-қисмида шундай дейилган: “Қавқулодда судларга руҳсат этилмайди. Ҳеч қим ўзининг қонуний судьяси судловидан олиб қўйилмайди”.

Суд ҳокимияти структураси (тузилмаси) судлардан ташқари, суд ҳокимиятига хизмат кўрсатувчи баъзи бир бошка давлат органлари ва муассасаларини ҳам қамраб олади. Улар орасидан, энг аввало, терговқидирув ва прокуратура органларини таъқидлашимиз лозим. Баъзи бир мамлакатларда улар суд тизимига қиритилган, бошка мамлакатларда эса судлар билан функционал алоқалар ўрнатилгани ҳолда, судлардан алоҳида фаолият кўрсатади. Асосий вазифаси барча ҳохловчиларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатишдан иборат бўлган адвокатура қаби муассаса ҳам суд ҳокимиятига хизмат қилади. Шунингдек, бир қатор мамлакатларда суд ҳокимиятига бўйсунувчи махсус суд полицияси мавжуд (қаранг: Италия Конституцияси, 109-модда).

### 3. Судья, прокурор ва терговчиларнинг ҳуқуқий ҳолати.

Бу бевосита суд ҳокимиятини амалга оширувчи ёки улар билан узвий алоқада бўлган, ҳам профессионал (юримдик маълумоти, иш стажи), ҳам маънавий (обрў-эътиборга эғалик, судланмаганлик), махсус талабларга жавоб бериши лозим бўлган мансабдор шахслардир. Бошқаларни суд қилиш қаби маънавий ҳуқуққа эға бўлмок учун судьянинг ўзи ахлоқан юқсак бўлмоғи шарт. Амалиётда хар бир мамлакатда ҳам бу борада қамчиликлар бўлиши мумкин,

аммо конун ушбу холатларда суд хокимиятининг етарли даражада конуний фаолият кўрсатиши учун кафил сифатида хизмат килади, уни тозалаш учун талаб килинадиган маблаг ва воситаларга эга бўлади.

Романа-Герман хукук тизимидаги ва баъзи бошка мамлакатларда судья, прокурор ва терговчилар одатда магистратура деб номланган тушунча ичида бирлашадилар. “Магистрат” атамаси жуда кўп маънога эга. Судья, прокурор ва терговчилар магистратлар хисобланади. Бошка мамлакатларда бундай умумлаштирилган атама мавжуд эмас, холбуки, немис тилида сўзлашувчи мамлакатларда терговчилар терговчи судьялар деб номланади (Untersuchungsrichter).

Судлар корпуси, одатда, тайинланиш йўли билан ташкил этилади, аммо сайлаш холатлари ҳам учрайди. Масалан, АКШнинг кўпчилик штатларида судьялар сайлаб кўйилади, ундан ташкари, баъзи бир партия вакиллари каби овозга ҳам кўйилади. “Судьяларни бундай сайлаш шакли”, деб ёзади америкалик тадқиқотчи Лоуренс Фридмэн,--“ўта гаройиб холат сифатида европаликларни хайрон колдиради, яъни судьяларни сайлаш худди шифокор, полиция ходими ёки кимёгарларни сайлаш каби”.

1946 йилдаги Япония Конституциясининг 79-моддаси 2- ва 3-кисмларига мувофиқ Олий суд судьяларининг тайинланиши, тайинловдан кейинги биринчи вакиллар палатасига умумий сайловлар пайтида халк томонидан кўриб чиқилиши ва бу холат хар ўн йилда вакиллар палатасига сайловлар чогида қайта кўрилиши лозим. Агар сайловчиларнинг кўпчилиги судьяни ўзгартирилишини талаб килса, унда судья ишдан четлатилади.

Судьяларнинг тайинланиши, яъни суд хокимиятининг бундай усулда шаклланиш тартиби демократик эмаслиги тугрисидаги даъволарнинг куплигига карамай, ушбу усул жиддий фойда бермокда. Судлар фукаролар ва хатто ваколатли органлар томонидан сайланаётганда ҳам бунга сиёсий омилнинг таъсири мукаррардир; судьяни сайлаётган фукаролар ёки депутатлар нафакат уларнинг шахсий хусусиятларини, балки кўпрок унинг сиёсий эътикодларини хисобга олади. Бу хол суд хокимиятининг максимал сиёсийсизлаштириш имкониятининг субъектив талабларига зид келади. Кўпчилик мамлакатларда (кўпрок романа-герман хукук тизимидаги давлатларда) судьяларни тайинлаш, бошка ишга ўтказиш ва лавозимларидан бўшатиш судлар хамжамияти олий органлари (магистратура олий кенгаши ва хоказо) ваколати доирасига киради,



улар баъзан ўз қарорларини адлия вазири билан келишиб олишлари лозим. Умуман, бундай органлар кўп ҳолларда давлат бошлиғи томонидан бошқарилади.

Суд ҳокимияти вакилларининг мустикаллигини қафолатловчи муҳим тамойил (принцип) бўлиб, уларнинг лавозимини ўзгартирилмаслиги ҳисобланади. Улар ўз розилигисиз эгаллаб турган лавозимларидан бўшатилмайдилар ёки бошқа ишга ўтказилмайдилар, бунинг учун олий ҳокимият органининг қарори керак бўлади, бундан ташқари уларга алоҳида ҳимоя қафолатланади. Масалан, АКШда федерал судьяни ишончсизлик тартибда муддатдан олдин бўшатиш мумкин. Судьялар “ўзларини қанча яхши тутсалар” шунчалик кўп ўз лавозимларида қолиши мумкин, яъни ўзлари истеъфо бермагунларича, бирор жиноят содир қилмагунларича ёки ўз қобилиятсизликларини рўй-рост намоён қилмагунларича ишдан бўшатилмайдилар. Умуман, судьяликка номзодлар тайинлашдан олдин жиддий яширин текширувдан ўтишади, ҳатто уларнинг характер (фёъл-атвор)лари ҳам ўрганилади. АКШда қонунга мувофиқ, Одил судлов ушбу вазифа билан фёъл атвори мос бўлмаган шахслар томонидан амалга оширилмаслиги лозим.

Европа минтақасидаги мамлакатларда, одатда энг юқори ёш чегараси белгиланади, бу ёшга етганида судья ёки бошқа суд ҳокимиятида ишловчи амалдорлар бир қатор имтиёзлари саклангани ҳолда истеъфога (автоматик тарзда) чиқиб кетади.

Қонунчилик, одатда, судьялик вазифасини бошқарув билан номувофиқлигини белгилаб қўйган, шунингдек судья (магистрат)ларга сиёсий, баъзан эса қасаба уюшмаларида иштирок этишни ҳам таъқиқлайди. Масалан, 1978 йилдаги Испания Конституциясининг 127-моддаси, 1-қисмига мувофиқ судьялар ва магистратлар, шунингдек прокурорлар, хизмат вазифасида турар экан, бошқа оммавий лавозимда бўла олмайдилар, сиёсий партиялар ёки қасаба уюшмаларига аъзо бўла олмади. Уларнинг қасаба бирлашмаларига уюшиш тизими ва йўллари қонун билан белгилаб қўйилади (бу, масалан, 1985 йилдаги суд ҳокимияти ҳақидаги 6-қанун Органик қонун).

АКШ Конституциясининг III моддаси, 1-қисмининг иккинчи моддасида судьяларнинг белгиланган даврларда ўз хизматлари учун ҳақ (муқофот) олишлари лозимлиги қўзда тутилган, иш ҳақи миқдори улар лавозимида турганда қаматирилиши мумкин эмас. Ҳудди

шундай меъёр Япония Конституциясининг 79-моддаси 6-кисмида ҳам мавжуд. Социалистик мамлакатлар учун судьяларнинг ваколатли органлар томонидан, улар ваколат муддатига сайланиши хосдир, бунда судьялар ваколатли органларга хисобот бериб туради ва хатто улар олдида масъулиятга ҳам эга бўлади. Бундай тизим судьяларни коммунистик партия кўмиталарига, айникса, судья кейинги муддатга сайланиши учун унинг номзодини кўрсатилиши ёки кўрсатилмаслигини хал килувчи партиянинг 1-котибларига тобе килиб кўяди. Судьяларини чакириб олиш ҳам уларга боғлиқ. Социалистик мамлакатларда судьялар амалда коммунистик партия сафида бўлади ва тегишли партия кўмитаси “номенклатура”сида хисобда туради, яъни уларнинг бошқарув аппарати томонидан танлаб олинади ва рахбариятнинг қарорига мувофиқ лавозимидан четлаштирилади.

Баъзи постсоциалистик мамлакатларда ушбу ёндашув тўла бартараф этилмаган. Ушбу нутаи назардан 1992 йилдаги Словакия Республикаси Конституциясининг моддалари диққатни тортади. Ундаги 145-моддага мувофиқ судьялар Миллий Кенгаш томонидан ҳукумат таклифига кўра 4 йил муддатга сайланади. Ушбу муддат ўтганидан кейин, яна Ҳукумат таклифига кўра Миллий Кенгаш Олий суд Раиси ва унинг ўринбосари (муовини)ни 5 йил муддатга сайлайди, лекин бу муддат 2 мартадан, яъни 10 йилдан ошмаслиги керак. Маълум муддатга сайланадиган судья тўла сайланиб олиш учун Ҳукуматнинг ишончини тўла қазонмоғи лозим. Бундан ташқари, судьяларнинг мустақиллигига тула ишонч йўқ, чунки бу муддат ичида ҳукуматга қарама-қарши сиёсий белгига эга бўлган партия келадиган бўлса вазият узгариши мумкин.

Демократик мамлакатларда суд ҳокимиятини шакллантириш конституциявий-ҳуқуқий жихатдан тартибга солинади. Мисол сифатида Италия Конституцияси ва унга 1941 йилда қабул қилинган суд қурилиши ҳақидаги Низомномасини (кейинчалик ўзгартиришлар киритилган) келтиришимиз мумкин.

Италия Конституциянинг 104-моддасига мувофиқ, магистратура автоном ва ҳар қандай бошқа ҳокимиятдан мустақилдир. 106- ва 107-моддаларга мувофиқ магистратлар конкурс бўйича тайинланади. Бундан ташқари, алоҳида ҳолда мажлис ўтказувчи судьяларнинг вазифаларини бажариш учун фахрий судьяларни тайинлаш ёки сайлашга руҳсат этилади (яъни улар маошсиз фаолият кўрсатадилар).

Алохида буюк хизматлари учун Магистратура Олий кенгаш маслахатчилари (кассация) лавозимига университетлардан ҳуқуқ профессорлари ва 15 йил иш тажрибасига эга бўлган адвокатларни чақириш мумкин. Уларнинг номлари олий суд учун махсус рўйхатларга киритилган бўлади. Магистрантлар ўзгартирилмайди. Улар фақат конунда кўзда тутилган ҳолатларда ва белгилаб кўйилган ҳимоя кафолатлари билан Олий Кенгаш магистратураси қарорига мувофиқ ишдан бўшатилиши ёки бошқа ишга ўтказилиши мумкин. Магистрант фақат бажарадиган функциялари бўйича турларга бўлинади. Уларга нисбатан фақат адлия вазири интизомий чораларни куллаши мумкин.

Суд тузилиши ҳақидаги Низомга мувофиқ шахс куйидаги шартлар билан судьялик вазифасини бажаришга киришиши учун руҳсат этилади: а) Италия фуқаролиги; б) фуқаронинг ҳуқуқий билими; в) мукамал фуқаролик ва ахлоқий хусусиятлар, жумладан ўтмишда ҳеч қандай ноахлоқий хатти-ҳаракат қилмаганлик; г) жисмонан яроқлик; д) конунда белгиланган профессионал талабларга мувофиқ (лойик)лик. Магистрантлар қасамёд қабул қиладилар. Одатда, магистрант ўзи ишлаётган суд органи жойлашган коммунада яшаши керак. У ҳарбий хизмат ва конунда алохида кўрсатиб кўйилган ҳолатлар билан боғлиқ бўлмаган оммавий мажбуриятлардан озод қилинади. Судьялар белгиланган ҳолатларда полицияга фармойиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Магистрантларни, сенатор ва депутат лавозимлари ҳамда оммавий хайрия муассасалари бошқарувчилари (ҳақ тўламайдиган) лавозимларидан ташқари бошқа давлат, хусусий лавозим ёки мансабларни эгаллашга ҳақлари йўқ. Улар саноат, савдо ёки бошқа эркин профессионал фаолият билан шугулланишлари мумкин эмас. Магистрантлар суд органларида лавозимларни эгаллаши мумкин эмас, қачонки уларнинг қариндош-уруғлари, иккинчи даражали қариндошлари адвокатлар профессионал коллегияси ҳисобида турса, ёки коллегияларнинг ишончли вакили ҳисобланса. Бир суд органида, учинчи даражагача қариндош-уруғчилик муносабатида бўлган магистрантлар бўлиши мумкин эмас ва ҳар қандай ҳолатда улар бир суд коллегиясида судья бўла олмайдилар. Демакки, бир киши турмуш уртогининг бобосига жиян булганлар билан ҳам бирга ишлаши мумкин эмас, талаблар жуда каттик белгилаб кўйилган.

Судья ёки прокурор лавозимини эгаллашдан олдин шахс суд аудитори сифатида тажриба ошириши керак. Бунинг учун уч ёзма

имтихон натижалари бўйича (фукаролик ва рим хукуки бўйича, жиноят хукуки ва маъмурий хукук бўйича) ва 8 та огзаки (рим хукуки, фукаролик хукуки, фукаролик жараёни, жиноят хукуки, жиноят жараёни, маъмурий ва конституциявий хукуклар, меҳнат хукуки ва ижтимоий конунчилик, черков хукуки, халқаро хукук ва статистика асослари бўйича) имтихон натижалари бўйича конкурс ўтказилади. Ёзма имтихонларнинг ҳар бирида энг камида 20 балл ҳисобидан 12 балл олиш, ёзма имтихонлардан 10 балл ҳисобидан камида 6 балл олиш, жами бўлиб (камида) 91 балл тўплаш керак. Балларнинг касрга бўлинишига руҳсат этилмайди.

Конкурсга 21 ёшдан кам бўлмаган ва 30 ёшдан катта бўлмаган, университетнинг юридик факультети дипломига эга бўлган (кўриниб турибдики, олий юридик маълумот ҳақида бошқа дипломлар ҳисобга олинмайди) шахслар катнаша олади. Агар олий магистратура кенгаши шахсни юксак маънавият ва нуқсонсиз (бенуқсон) ҳулқ талабларига жавоб бермайди, деб ҳисобласа, бундай шахс конкурсга кўйилмайди. Бу ҳулоса хусусида тортишишга ҳожат қолмайди. Конкурс Римда, конун бўйича бир йилда бир марта ўтказилади.

Магистрантларнинг юқори лавозимларга юксалишлари учун мезонлар ва тартиблар белгиланади.

Ўз хоши билан магистратура тизимидан бўшаб чиққан магистрант ўз жойига қайта тикланмайди. Ушбу ҳолат магистратуранинг корпоратив характериани англатади.

#### 4. Судларнинг олий органлари.

Бундай органларнинг вазифаси суд ҳокимияти манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда кадрлар масаласини ҳал қилишда иштирок этишдан иборат. Италияда, Францияда, Руминияда-бу орган магистратура Олий кенгаши, Испанияда - суд ҳокимияти бош Кенгаши, Колумбияда-судьялар корпуси Олий Кенгаши (*judicatura*), Польшада-Умумпольша судлар корпуси кенгаши (*Krajowa Rada Sadownictwa*), Болгарияда-Олий суд кенгаши ва хоказо. Санаб ўтилган мамлакатларда бундай органлар конституциявий органлар ҳисобланади, ундан ташқари уларнинг баъзиларида конституциялар уларнинг макомини анча батафсил тартибга солади (масалан, Франция, Италия).

Масалан, 1991 йилда қабул қилинган Болгария Республикаси Конституциясининг 130-моддасига мувофиқ Олий суд кенгаши (ОСК) 25 аъзодан иборат. Олий кассация суд Раиси, Олий маъмурий суд раиси ва бош прокурор унинг хукук бўйича аъзолари

хисобланади. Кенгашнинг колган аъзолари сифатида 15 йилдан ортик юридик малакага эга бўлган юқори профессионал ва маънавий сифатлар сохиби бўлган ҳуқуқшунос (юрист)лар сайлаб кўйилади. Уларнинг ярми Халқ мажлиси томонидан, колган ярми - суд ҳокимияти органлари томонидан беш йил муддатга қайта сайланиш ҳуқуқисиз сайлаб кўйилади. ОСК мажлисларида Мудофаа Вазири раислик қилади, лекин у овоз беришда иштирок этмайди. ОСК нинг судья, прокурор ва терговчиларни тайинлаш, мансаб поғонасидан кутариш ҳамда тушириш, бошқа лавозимларга ўтказиш ва лавозимидан озод қилиш ҳақидаги қарорлари, шунингдек иккала олий суд раиси ва Президентга тайинлаш учун кўрсатиладиган бош прокурорнинг номзодларини таклиф этиш ҳақидаги қарорлари яширин овоз бериш йўли билан қабул қилинади (129-модда 1 ва 2-қисмлар, 131-модда), (такдимнома такроран берилганда президент эътироз билдирмайди).

Испания конституцияси Суд Ҳокимияти Бош Кенгаши (СХБК) ролини бироз бошқачарок белгилаб кўйган. СХБК конституциясининг 122-модда 2- ва 3-қисмига мувофиқ — суд ҳокимиятининг бошқарув органи ҳисобланади. Унга СХБК таркибига раислик қилувчи Олий трибунал раиси ва Киrol томонидан 5 йил муддатга тайинлаб кўйиладиган 20 та аъзо қиради. Улардан 12 таси органик қонунларда белгиланган шартларга мувофиқ, барча суд тоифасидаги магистрат судьялар ичидан, 4 таси—депутатлар конгресси таклифига биноан, яна тўрттаси—сенат таклифига кўра тайинланади. Палаталар ўз номзодларини ўз аъзоларининг 3/5 қисми овози билан нуфузи тан олинган ва ўз касби бўйича қаида 15 йил иш стажига эга бўлган адвокатлар ва бошқа юристлар ичидан сайлаб олади. СХБК аъзоларига ўз шахсий ёки оилавий мулкларини бошқаришдан ўзга машғулотлар билан шугулланиш руҳсат этилмайди. Улар Олий трибунал магистратларга хос иммунитетларга эга бўлади.

СХБК раис, раис ўринбосари, пленум, доимий комиссия, интизомий комиссия ва малака комиссиясини ўз ичига олади. Олий трибунал ва СХБК раиси профессионал судьялар ёки юридик касб соҳасида 15 йилдан ортик ишлаган, қобилияти тан олинган юристлар ичидан ташкилий мажлисда қабул қилинган СХБК таклифига биноан тайинланади. Ушбу тайинлов Киrol декрети билан расмийлаштирилади. Такрорий тайинловга фақат бир мартаба

рухсат берилган. Раис ўринбосарининг номзоди ҳам худди шу тартибда лавозимга тайинланади.

Юкорида таъкидланганларидан ташкари СХБКнинг вазифалари ва ваколатларига куйидагилар ҳам киради: буш лавозимларнинг тўлдирилиши, таксимланиши, судьялар ва магистратларнинг лавозимларга кўтарилиши, маъмурий ҳолати ва интизомий режими; магистрат ва раис лавозимларига номзодларни кирол декрети билан адлия вазири контрасигнатураси билан тайинлаш учун такдим этиш; СХБКга тобе бўлган маҳкамалар ёки хизматлар бош котиби ва аъзоларини тайинлаш; суд тадқиқотлари марказига нисбатан конунда кўзда тутилган ваколатларни амалга ошириш; ўз бюджети лойиҳасини олдиндан ишлаб чиқиш; ўз таркибининг 3/5 қисми овози билан ўз фаолиятини тартибга солувчи низомни қабул қилиш; Олий трибунал суд амалиёти тўпламини расмий нашр этиш.

2-§. Суд ҳокимиятини ташкил этиш ва фаолият кўрсатишининг конституциявий-ҳуқуқий тамойиллари.

1. Ташкил этиш тамойиллари.

Ушбу масала юзасидан конституцияларнинг кўпчилигида маълум даражада тўхталиб ўтилади. Уларда суд тизимлари ва мамлакатда фаолият кўрсатаётган судларнинг турлари белгилаб қўйилади, умумий юрисдикция судлари билан бир қаторда махсус судлар ҳам ташкил этилиши мумкинлиги кўрсатилади.

Одил судловни факат конуний равишда белгилаб қўйилган судлар томонидан амалга оширилиши принципи кенг тарқалган. Фавқулодда тузилган судларнинг фаолияти таъкикланади.

Кўпчилик конституцияларда одил судловни амалга оширишда халқ вакилларининг маслаҳатчи сифатида иштироки кўзда тутилади. Шу боис присяжныйлар институти ва бизга маълум бўлган халқ маслаҳатчилари институти орасидаги фарқни тушунтириб бериш керак бўлади. Халқ маслаҳатчилари институти ҳозирги кунда ҳам собиқ социалистик мамлакатларда қўлланиб келинмоқда. Ушбу институт Германиядаги Шеффенлар судидан таклид олган. Шеффенларда ҳам, худди собиқ социалистик мамлакатлардаги сингари судлардаги халқ маслаҳатчиларининг тенг ҳуқуқчилиги расмийликдан бошқа нарса эмас, улар меҳнат жамоалари ва вакиллар органлари томонидан сайланадилар (сайланадилар сўзини ҳам қўштирнок ичида тушуниш мумкин) амалда эса, юридик маълумотга эга бўлмаган халқ маслаҳатчилари судья қарорига

кўшилади. Улар судьянинг гапини тасдиклаган холда бош кимирилтишади, холос.

Присяжнийлар сайланиши мумкин эмас. Шунинг учун, махаллий маъмурият томонидан тузилган фукаролар рўйхатидан, махсус услуб асосида танлаб олинади. Рўйхатга конунда белгиланган талабларга жавоб берадиган барча фукаролар киритилади. Танлов кўпинча куръа ташлаш йўли билан ўтказилади ва бунда фукаро ҳеч бир узрли сабабсиз бош тортишга ҳақли эмас. Бу ерда асосий фарк присяжнийларнинг сони 2 танинг ўрнига 6, 9 ёки 12 талигида эмас. Уларнинг асосий фарқи присяжнийларнинг ҳуқуқ масалаларини эмас, балки махсус юридик билим талаб этилмайдиган далилларни кўриб чиқишларидадир. Жиноят иши кўриб чиқиладиган вақтда, улар судланувчига кўйилган жиноий характерлар ҳақиқатдан ҳам содир этилганми, у айбдорми ёки йўқ, агар айбдор бўлса, уни кечириш мумкинми каби саволларга улар жавоб топиши мумкин. Бунга ўхшаш ҳар қандай масала бўйича присяжнийларнинг қарорлари кўпчилик овоз билан ёки бир овоздан қабул қилинади. Присяжнийларнинг қабул қилган қарорлари (вердикт)га кўра судья судланувчига жазо тайинлайди ёки уни оқлайди, холбуки баъзан юқори турувчи судда тортишиш ҳам мумкин. Инглиз тилида сўзлашувчи мамлакатларда присяжнийлар ўтирадиган курсилар катта ёки кичик жюри (хайъат)деб юритилади, Франк тилида гаплашувчи мамлакатларда присяжнийлар иштирок этувчи судлар “ассиз”лар суди дейилади, улар судьялар билан биргаликда судланувчига жазо чораси тайинлашда иштирок этадилар.

Таъкидлаш жоизки, сўнги ўн йилликда присяжнийлар судининг заифлашуви, унинг кўлланилишини камайиши билан тавсифланади. Кўпинча жиноий иш присяжнийлар судида фақат судланувчининг талабига кўра, агар оғир жазо кутиладиган бўлсагина муҳокама қилинади. Англосаксон суд жараёнида, тарафлар орасида келишув тажрибаси ҳам кузатилади. Агар судланувчи қандайдир жазони юмшатиш шартли эвазига ўз айбини тан олса, присяжнийларга ҳожат йўқ: демак уларнинг вазифаси бажарилган ҳисобланади. Англия судларида жиноий ишларнинг 90% га яқини судлар томонидан присяжнийлар иштирокисиз муҳокама қилинади.

Нихоят, суд қарорлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқини берувчи инстанциявийлик тамойили устида тўхталиб ўтамиз. Чунки кучга киритилмаган суд қарори, яъни биринчи суд инстанцияси томонидан кўриб чиқилиб ҳал этилган иш ундан юқори турувчи суд

томонидан кайта кўриб чикилиши мумкин, яъни иккинчи суд инстанциясида ёки бўлмаса иккинчи суд инстанцияси томонидан қабул қилинган қарор учинчи суд инстанцияси томонидан кўриб чикилиши мумкин (уч инстанция жараёни амалда бўлган мамлакатларда албатта иш юзасидан шикоят тушган бўлса). Масалан, АКШ Конституциясининг III боби 2-моддасида айтилишича, конституция ва қонун билан белгилаб қўйилган истисноларга кўра “Олий суд ҳам ҳуқуқ, ҳам факт (далил)га нисбатан апелляция юрисдикциясига эга бўлиши лозим”, яъни қуйи даражадаги судлар қабул қилган қарорлар бўйича апелляция шикоятларини кўриб чиқиши ва ҳал қилиши лозим. Италия Конституциясининг 111-моддасига мувофиқ, умумий ва махсус суд органлари томонидан қабул қилинган шахсий эркинликка нисбатан чиқарилган қарорлар бўйича ҳар доим қонун бузилиши ҳоллари мавжуд бўлади, бундай ҳолларда Кассация шикоятлари рўхсат этилади. Фақат уруш вақтида ҳарбий трибунал чиқарган ҳукмларга нисбатангина бундай меъёрлар истисно этилади”. (иккинчи қисм); “Давлат Қенгаши ва Ҳисоб суди қарорлари устидан кассация шикояти фақат судланганлик мотиви бўйича рўхсат этилади” (учинчи қисм).

Келтирилган мисоллардан кўринадикки, шикоят қилишнинг икки асосий шакли мавжуд экан: апелляция ва кассация. Олий (яъни энг юқори) суд апелляция тартибида қуйи турувчи суд томонидан кўрилган ишни янги тақдим этилган далил-исботлар билан текширади яъни қайтадан кўриб чиқади ва қуйи турувчи суд қарорини бекор қилиб, ўзи қарор чиқаради. Кассация тартибига кўра эса юқори даражадаги суд (балки олий суд) фақат қуйи турувчи суднинг қарори қонунга амал қилиб ёки қилмай қабул қилганлигини текширади, ишнинг асл ичига қириб бормайди ва фақат шикоят доирасидагина иш кўради. Агар қуйи турувчи суд қарори кассация тартибида юқори турган суд томонидан бекор қилинган бўлса, иш қайтадан, яна ўша юқори турувчи суд томонидан муҳокама қилинади, фақат судьялар таркиби бошқа бўлади.

Қучга қирмаган суд қарорлари устидан шикоят қилишнинг асосий шакллари билан бир қаторда аралаш шакли ҳам мавжуд, бу— ҳам апелляция, ҳам кассация хусусиятларини ўзида жамлаган тафтиш шаклидир. Бу шакл турли мамлакатларда турлича намоён бўлади. Ревизия, яъни тафтиш шаклида юқори турувчи суд шикоят доирасига боғлиқ бўлмаган ва фақатгина қуйи суд чиқарган қарорнинг қонунийлиги билан бирга асосланганлигини ҳам текширади. У қуйи



суд карорини кабул килиши хам мумкин (худди апелляциядагидек), ишни кайта кўриб чиқиш учун куйи судга кайтариб юбориши хам мумкин. (худди кассациядагидек), ундан ташқари куйи суд карорини бекор қилмасдан, тузатиш киритиб қўя қолиши хам мумкин.

Англосаксон ҳуқуқ тизимига асосланган мамлакатларда факатгина апелляция шикоят шакли қўланилади. Романа - герман ҳуқуқ тизимидаги мамлакатларда эса иккинчи инстанция бўйича апелляция ва учинчи инстанция бўйича-кассация усули мавжуд (холбуқи, биз мисолда кўрганимиз каби, Италияда факат кассация шакли мавжуд). Германиядаги тизим иккинчи инстанция бўйича ревизия (тафтиш) усули билан бирлаштирилган ҳолда олиб боради.

## 2. Фаолият принцип (тамоийл)лари.

Суд жараёнининг конституциявий тамоийллари орасида кўпинча ошқоралиқ тез-тез учраб туради (оммавийлик, суд мажлисларининг очик ўтказилиши). Ушбу тамоийл АКШ Конституциясининг III моддаси, 1-қисмида, шунингдек конституцияга киритилган VI тузатишда, Япония Конституциясининг 82-моддаси ва Испания Конституциясининг 120-моддаси 1-қисмида ўз ифодасини топган. Буларда истисно ҳолатлардагина ёпик суд мажлисларининг ўтказилиши таъқидлаб ўтилган, лекин иш бўйича кабул қилинган қарор омма олдида эълон қилиниши мустаҳкамланган. Масалан, 1831 йилдаги Белгия Конституциясининг 148-моддасининг 1993 йилдаги таҳририда шу нарса белгиланган: “Агар суд мажлисларининг омма олдида ўтказиш ахлоқ учун хавфли бўлмаса, очик ўтказилиши мумкин.

Сиёсий жиноятлар ва матбуот жиноятлари ҳақидаги ишлар юзасидан ёпик мажлис ҳақидаги қарор факат бир овоздан ёқлаб овоз берилганида кабул қилиниши мумкин”.

Италия Конституцияси 101-моддасининг 1-жумласида одил судловнинг халқ номидан амалга оширилиши кўзда тутилади, 111-модданинг 1-қисмида эса суд чораларининг сабаб-оқибатлари кўрсатилиши лозимлиги айтилади. Худди шу нарса Испания Конституциясининг 120-моддаси 3-қисмида хам мавжуд, факат унга суд қарорларининг ҳар доим омма олдида эълон қилиниши қўшимча қилинган. 120-модданинг 2-қисмида кўрсатилишича суд муҳокамаси, айниқса жиноий ишлар бўйича суд асосан оғзақи юритилиши, 121-моддада эса суд айби билан етказилган зиён, ёки одил судловнинг нотўғри амалга оширилиши оқибатида келтирилган зарар қонунга мувофиқ давлат ҳисобидан қопланиши лозим.

Судьяларнинг факат конунга бўйсунушлари хакидаги конституциявий принцип (тамойил) жуда кенг тарқалган (Италия Конституциясининг 101-моддаси, 2-жумла; Германия Асосий Конунининг 97-моддаси, 1-кисми ва бошқалар). Бу демакки, судья ишларни хал этаётганида хеч кимдан, хатто юкори судлардан хам кўрсатма олмаслиги, балки конунга нисбатан пастрок турувчи меъерий хужжатлар суд учун, улар конунга канчалик якин турса, шунчалик ахамиятга эга бўлиши керак. Аммо бундай конституциявий таможилни оддийгина тушунмаслик керак.

“Хозирги мураккаб ижтимоий воқеликда, деб ёзади Ю.П. Урьянс ва В.А.Тумановлар,— судьянинг конунга бўйсунуш таможили хукмрон бўлиб қолаверади. Аммо бунинг замирида суд амалиётининг хукук манбаи сифатида тутган ўрни канчалар юксалганлиги; одил судловдан бош тортишга йўл кўйилмаслиги; конституциялар матнига кирган конун ва хукукнинг бир-биридан фарк қилиниши (ГФР Асосий конунининг 20-моддаси); экология, тиббиёт, генетика соҳасида олдиндан кўзда тутилмаган хукукий вазиятлар сонининг ошиши; халқаро хукукнинг миллий хукукдан устунлигини эътироф этилиши; хукукни бузувчи, юридик амалда бўлган, умумий эътироф этилган ахлоқ ва инсонийлик таможилларига зид бўлган конунчиликнинг мавжудлиги ётади. Бу муаммонинг барчаси судьянинг конун билан боғлиқлиги, унинг ички эркинлиги, суд нуктаи назари, ихтиёрий чегаралари хакидаги масалани ўта чигаллаштириб юборади”. Бунга яна шуни қўшимча қилиш мумкинки, конституциявий судларнинг судьялари оддий конунларга эмас, факат конституциягагина боғлиқдир.

### 3. Умумий юрисдикция судлари тизими.

Улар турли мамлакатларда турлича. Биз, энг аввало, инстанциялар сонига тегишли (яъни тизимдаги босқичлар, звенолар, даражалар, “каватлар”га), процессуал тоифалар сингари юкорида кўриб чиқилган инстанциялар билан аралаштириб юбормаслигимиз керак. Масалан, суд инстанциялари пиллапоясида пастрок, иккинчи босқичини эгалловчи округ суди қаби суд инстанцияси бир иш бўйича биринчи инстанциядаги суд сифатида намоён бўлса, бошқа бир иш бўйича, яъни қуйи инстанция судида кўриб чиқилган ишлар бўйича эса иккинчи инстанция суди сифатида намоён бўлади. Олий суд—энг олий суд инстанцияси хам биринчи, хам иккинчи, хамда учинчи инстанция суди сифатида намоён бўлиши мумкин.

Жуда кўпчилик хорижий мамлакатлардаги суд тизимлари энг кенг тарқалган икки моделдан бирига тегишлидир: Англо-саксон (англо-америка) ёки роман-герман (Европа континентал) суд тизимига.

Англо-саксон моделининг асосий белгилари:

Тарихан умумий ҳуқуқка содиклик, суд прецедентининг ҳуқуқ манбаи сифатидаги тутган ўрнининг эътироф этилиши;

суд фаолияти тартибининг процессуал шакллари аввало суд амалиёти асосида ишлаб чиқиши;

суд қарорлари устидан факат апелляция шаклда шикоят қилиш;

судда иккала томоннинг бир хилда, фаол равишда ўзини химоя қилиши, (бунда суд пассивроқ бўлади ва кўпроқ томонларнинг суд жараёни меъёрларига амал қилишларини кузатиб боради). Жиноий жараёнда айбни эътироф этишда ўзаро қелишувга руҳсат этилиши;

Присяжний маслаҳатчилар (ҳакамлар) ва яраштирув судьялари институтидан кенг қўламда фойдаланиши;

судьяларни танлаш амалиётининг нисбатан кенглиги.

Ушбу модел континентал (Европа) моделдан олдинроқ юзага келди ва унинг доирасида юзага келган анъаналар қонунчиликдаги янгиликларга нисбатан юқори даражада мустаҳкамликка эгадир. Масалан, Англиядаги судларда шундай ишларга дуч қелинадик, уларни муҳокама қилиш чоғида ўта қадим қонунлардан қолган маҳаллий урф-одатларнинг бўлганлигини исботлаш талаб этилади.

Европа Континентал моделининг асосий белгилари:

судларнинг ташкил этилиши ва фаолиятини белгиловчи ўта ривожланган қонунчилик негизи;

суд прецедентининг ҳуқуқ манбаи сифатида қасман тан олинмаганлиги;

суд қарорлари устидан шикоят қилишнинг апелляция шакли билан бир қаторда қассация ва тафтиш шаклларида ҳам фойдаланиши;

суд жараёнида судьянинг фаоллиги;

присяжний, маслаҳатчи ва яратувчи институтларининг нисбатан қам ёйилганлиги; шеффенлар (Германия тизими) ва ассизлар (роман тизими) судидан фойдаланилиши; қуйи даражадаги профессионал судьяларнинг кўпроқ тайинлиши (қатнаш судьялари, полиция судьялари ва шунга ўхшаш);

кадрлар функцияси ва ваколатларига эга бўлган тўла ва қисман узини-узи бошқарувчи органларнинг яратилиши;

Хозирги кунда икккала моделнинг бир-бирига муайян яқинлашганлигини таъкидламасликнинг иложи

йўқ. Англо-саксон ҳуқуқ тизимидаги мамлакатларда суд тизимлари ва суд муҳокамаларининг қонуна тартибга солиниши муҳим аҳамият касб этиб бормокда, континентал (Европа ҳуқуқ) тизимидаги мамлакатларда судьялар ўз қарорлари билан ижтимоий муносабатларнинг қонуний тартибга солинишидаги бўшлиқ (камчилик)ларни тўлдириш ҳуқуқига эга бўладилар, бу судларга қандайдир даражада ҳуқуқ яратиш функцияси берилганлигини билдиради.

Умумий юрисдикция судларининг умумий қизмаси (тизими) тахминан қуйидагича:

бошланғич звено: яраштирув судьяси, полиция судьяси, участка судьяси ва хоказо;

асосий звено: округ суди; трибунал ва хоказо;

апелляция звеноси: апелляция суди, юкори суд, олий суд ва хоказо.

Асосий звенодан бошланиб, судларда биринчи инстанция бўйича иш муҳокама қилинаётганда у ёки бу тоифадаги маслаҳатчилр иштирок этишлари мумкин.

Табиийки, бундай қизма ҳар бир мамлакатда ўзига ҳос конкретлаштирилади, ундан ташқари юкорида белгиланган звенолардан бирортаси бирор мамлакатда бўлмаслиги ҳам мумкин. Таъкидлаш зарурки, иккинчи звенога оид судларнинг ҳудудий ташкил этилиши, баъзан биринчи звенолардагиларнинг ҳам, мамлакатнинг сиёсий, маъмурий- ҳудудий бўлиниши билан кўпинча мос келмаслиги мумкин. Суд округи ёки участкаси ўта муҳим ҳудудий бирликдир, унинг учун бошқа суд органи тузилмайди. Бу нарса суднинг бошқа давлат органи ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органидан мустақиллигини оширишга хизмат қилади.

Мисол тариқасида, суд ҳокимияти ҳақидаги Испания Органиқ қонуни билан белгилаб қўйилган умумий юрисдикция судлари тизимини олиш мумкин:

яраштирувчи судлар (Juzgedas de Paz);

биринчи инстанция ва қидирув (тергов) судлари (Juzgados de Primera Instancia Instruccion). Бу судлар жиной ишлар, вояга етмаганлар ва қамокхона назорати ишлари бўйича, маъмурий

келишмовчилик юзасидан ижтимоий ишларни муҳокама қилади (кўриб чиқади).

провинциал иштирок (Audiencias Provinciales);

олий одил судлов трибуналлари; (Испанияни ташкил этувчи автоном хамжамиятлари)

Миллий иштирок;

Олий трибунал;

АҚШ умумий юрисдикциясининг ўзига хослиги шундан иборатки, ҳар бир штатда уч звеноли федерал суд тизими билан бир каторда, штат олий судига бирлашган ўз суд тизими мавжуд, ундан ташқари, иккала тизим орасидаги судловни фарқлаш қоидаси жуда мураккаб. Бошқа федератив давлатларда, одатда, умумий юрисдикция судлари тизими ягонадир.

Социалистик мамлакатларда суд тизими ўша мамлакатларнинг сиёсий—маъмурий ҳудудий бўлинишига ҳамбарчас боғлиқдир. Гап шундаки, бундай бўлиниш, барча кадрлар масаласи тегишли давлат даражаларда ҳал этиладиган, шу жумладан судларни шакллантириш (прокуратура каби) масалалари муҳокама қилинадиган компартия кўмиталари тизими кўл остидадир. Масалан, Хитой Халқ Республикасининг 1979 йилда қабул қилинган халқ судларини ташкил этиш тўғрисидаги қонунига мувофиқ, ХХРда судлов ишлари қуйидагилар томонидан амалга оширилади: турли босқичлардаги маҳаллий халқ судлари, қуйи, ўрта ва олий даражалардаги халқ судларига бўлинади. Қуйи халқ судлари—бу уезд ва шаҳар халқ судлари, автоном уездлар, шаҳар туманлари судлари; ўрта даражадаги бу провинциялар ва туманлар, автоном округлар, шунингдек марказга тобе бўлган шаҳарлар ва провинциялар ҳамда автоном вилоятларга қарашли шаҳарларда ташкил этилган халқ судлари, олий даражадаги судлар, бу—провинциялар, автоном вилоятлар ҳамда бевосита марказга тобе шаҳарларнинг халқ судларидир.

#### 4. Маъмурий адлия.

Сунги ун йилликда суд ҳокимиятининг ушбу шохобчаси алоҳида ажралиб бормокда ва кўпчилик мамлакатларда, шу жумладан постсоциалистик мамлакатларда ҳам миллий олий ёки олий маъмурий суд бошчилигидаги махсус тизимга айланмокда (роман ҳуқуқ тизимидаги баъзи мамлакатларда, Франция ва Италияда маъмурий адлия тизимига бошчилик қилувчи суд Давлат кенгаши деб аталади ва баъзи хусусий функцияларга эга). Унинг вазифаси

маъмурий келишмовчиликлар, яъни, бир томондан жисмоний ва юридик шахслар орасидаги, иккинчи томондан эса давлат органлар ва оммавий маъмуриятнинг мансабдор шахслари орасидаги ихтилофларни хал этишдан иборадир. Ихтилофларни хал этаётганда маъмурий судлар, оммавий маъмурий идоралар (органлар) ва мансабдор шахсларнинг конуний хужжатлари канчалик конунга мувофиқлигини текширадилар ва агарда ушбу конуний хужжатлар конунга хилоф бўлса, уларни бекор қилади ёки бўлмаса конуний хужжатни чиқарган орган ёки мансабдор шахсни уни бекор қилишликка мажбур қилади ёки ўзгартириш вазифасини юклайди. Ундан ташқари, кўпчилик мамлакатларда маъмурий адлия органлари зиммасига оммавий маъмурий идора томонидан қабул қилинган норматив (меъёрий) конун хужжатларининг конституциявийлиги ва конунийлигини текшириш юклатилган. Шундай қилиб, маъмурий адлия—инсон ва фуқаро ҳуқуқ - эркинликлари, умуман ҳуқуқ муҳофазасини тўла таъминлашни қафолатловчи муҳим институтлардан биридир.

Кўпчилик Фарб давлатларида ва уларнинг ҳуқуқ тизимини қабул қилган баъзи ривожланаётган мамлакатларда маъмурий адлия институти конституцияларда ўз аксини топмаган. Масалан, ушбу институтни АКШ, Япония, Белгия, Испания, Руминия ва бошқа бир қатор мамлакатлар конституцияларидан қидириш бефойда, аксинча, Германия, Италия, Франция, Болгария, Чехия ва бошқа кўпчилик мамлакатлар конституцияларида ҳеч бўлмаганда маъмурий адлия олий органлари ҳақида эслатмаларни учратишимиз мумкин.

Конституцияларда маъмурий судлар ҳақида эслаб ҳам тухталмаган демократик мамлакатларда, бундай судлар умумий юрисдикция судлари тизимининг бир соҳаси сифатида мавжуд ёки бўлмаса уларнинг функцияларини умумий юрисдикция судлари амалга оширади, ёхуд, нисбатан, бу вазифалар махсус (ихтисослашган) маъмурий судлар ва умумий юрисдикция судлари орасида тақсимланган.

Буюк Британия ва АКШда маъмурий актлар устидан суд назорати умумий юрисдикция судлари томонидан амалга оширилган, бироқ XX асрда бу мамлакатларда ушбу вазифани бажариш учун ихтисослашган ташкилотлар юзага кела бошлади ва асрнинг охирига қелиб бу ташкилотларнинг аҳамияти юксади. Улар квази судлар ҳисобланади ва баъзан маъмурий идоралар тизимида туради, бироқ процессуал қафолатлардан энг кам, аммо зарурларини сақлаб қолган,

энг содда процедура туфайли оддий судларга караганда ишларни тезрок хал килади. Бундай органлардан баъзилари судларга жуда якин ва судлар деб аталади, масалан, АКШдаги Претензиявий ва солик судлари. Бирок иккала маъмурий юрисдикциядаги ихтисослашган органларнинг ўзи хам умумий юрисдикция судлари назорати остидадир.

Умумий юрисдикция судлари, суд буйруклари васитасида маъмурий актларнинг тўла конунийлиги устидан бевосита назоратни амалга оширади. Масалан, мандамус (Writ of Mandamus)—бу мансабдор шахсга унинг ваколатига кирувчи ишнинг амалга ошириш ёки конуний чора куриш вазифасини юкловчи суд буйругидир; инджакшин (Writ of injunction)—бу мансабдор шахсга ишни амалга ошириш ёки буйрук чиқаришни таъкикловчи суд буйругидир.

Социалистик мамлакатларда маъмурий қарорлар устидан суд назоратига рухсат этилса-да, унинг хажми жуда чегаралаб қўйилган. Шу нуқтаи назардан 1977 йилдаги суд тизимларини ташкил этиш хақидаги Куба конунининг 4-моддаси 7-бандидаги таъриф диққатга лойик, унга мувофиқ судлар фаолиятининг асосий (бош) мақсадларидан бири “конун таказо этган ҳолатда давлат маъмурияти таркибига кирувчи органлар ва ташкилотлар томонидан қабул қилинган қарорларни қайта қўриб чиқиш ва меҳнат ихтилофларини хал этиш” дан иборатдир. Конун эса тақозоларга саҳий бўлмаган ва бўлмади хам: кўп қарорлар шаклан маъмурий, аммо амалда ўзини ҳар қандай конундан юқори қўювчи, ўз қарорларининг суд назорати остига олинишига ҳеч қачон йўл қўймайдиган Куба Компартияси раҳбарияти томонидан қабул қилинади.

Маъмурий адлия ўз олий суди билан бирга суд ҳокимиятининг мустиқил соҳаси ҳисобланган Германиянинг 1960 йилдаги "Маъмурий судлар хақидаги Низом"ига мувофиқ маъмурий судларга конституциявий-ҳуқуқий ихтилофлардан ташқари барча оммавий-ҳуқуқий ихтилофлар бўйсунди, зеро улар бошқа судлар юрисдикциясига киритилмаган. Қўриб чиқилган маъмурий низолар (ихтилофлар)га хусусий шахслардан давлат органлари ва мансабдор шахслар хатти-ҳаракати ва қабул қилинган қарорлари устидан тушган шикоятлар хақидаги ишлар, ҳудудий бирликлар орасидаги баҳсли масалалар, давлат хизматчиларининг ҳуқуқлари хақида баҳсли масалаларни келтиришимиз мумкин. Маъмурий судлар давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан қабул қилинган қарорларни бекор қилиши ёки аксинча уларга у ёки бу қарорни қабул

килишни буюради, юридик далил (факт)ларни аниклайди. Улар бахс этилаётган маъмурий қарорларнинг мақсадга мувофиқлиги масаласига чуқур кириб бормайдилар, фақат уларнинг қонунийлигини текширадилар.

Германия маъмурий судлар тизими уч инстанцияни ўз ичига олади: 1) маъмурий суд; 2) олий маъмурий федерация субъекти суди—апелляция инстанцияси; 3) Федерал маъмурий суд—кассация инстанцияси. Уларнинг барчаси коллегиал равишда иш юритади. Дастлабки икки инстанциядаги маъмурий судлар уч профессионал судьялар ва мўйян бир профессионал гуруҳга тегишли бўлмаган фуқаролар ичидан 4 йил муддатга сайланиб олинган икки маслаҳатчи таркибида ишларни ҳал қилади, федерал маъмурий суд эса бешта судьядан иборат бўлади.

Агар шахснинг шикоят, бахс этилаётган актни чиқарган инстанциядан юқори туруви маъмурий инстанция томонидан рад этилган бўлса, ушбу ҳолатдагина маъмурий судга мурожаат қилиш мумкин. Агар шикоятда гап федерал субъекти ҳуқуқининг бузилганлиги ҳақида бораётган бўлса, олий маъмурий федерал субъекти судининг Қарори энг сўнгги (охирги) қарор бўлади.

### 3-§. Конституциявий адлия.

#### 1. Конституциявий суд (қенгаш)ларнинг ташкил этилиши.

Конституциявий суд (қенгаш)ларни ташкил этишнинг асосий тамойиллари одатда конституциялар билан тартибга солинади ва фақат қонунлар билан аниқлаштирилади, кўпинча эса конституциявий ёки органик қонунлар билан равшанлаштирилади. Табиийки, биз бу борада конституциявий адлиянинг фақат Европа модели ҳақида сўз юритяпмиз, чунки, Америка модели (бу модел Норвегия, Дания каби Европа мамлакатларида ҳам мавжуд) шу билан ажралиб турадики, унда конституциявий назорат умумий юрисдикция судлари томонидан амалга оширилади.

Ихтисослашган конституциявий назорат органлари, жумладан суд органлари бошқа суд органлари тизимидан ташқари туради, муайян маънода улар бошқа суд органларидан юқори қўйилади. Бу органларга аниқ ишларни ҳал қилишда охирги инстанциялар бўлиб ҳисобланган олий судлар чиқарган қарорларни қайтадан қўриб чиқиш ҳуқуқи берилмаган, аммо баъзи ҳолларда конституциявий адлия органлари фақат олий судлар томонидан чиқарилган қарорларни мамлакат конституциясига мувофиқлиги нуқтаи назардан баҳолашлари мумкин.



Эслатиб ўтиш керак, хорижда конституциявий назоратнинг икки хил ихтисослашган органи мавжуд. Булар квази судлар ҳисобланган конституциявий судлар ва конституциявий кенгашлардир. Улар орасидаги асосий фарк уларнинг процессуал ҳаркатида курилади. Конституциявий суд—ишларни кўриш чогида ошкора процедурани кўлловчи ва иккала тарафнинг ҳам муҳокама чогида фаоллигини таъминловчи органдир. Конституциявий кенгаш эса Конституциявий суддаги мавжуд хусусиятлар деярли бўлмаган, ўта шартли характерга эга бўлган органдир. Масалан конституциявий кенгашларда ҳужжатлар, ёзма изохномалар талаб килиниши мумкин, аммо томонларнинг ошкора сўзга чиқишлари амалда кўрилмаган. Умуман олганда кенгашлар, томонлар бири кўйган масала бўйича ёзма тушунтириш, изохни талаб килиши мумкин. Бундай ҳолда кенгаш аъзолари факат ёзма манбаларни кўриб чиқадилар ва фикрлар орасидаги огзаки курашни кузатиш имкониятига эга бўлмайдилар. Умумий қилиб айтганда, бу конституциявий судлар ва кенгашлар орасидаги ягона тафовутдир. Судлар ва кенгашлар ўз ташкилотлари ва фаолиятларининг қолган бошқа ўлчовларига нисбатан деярли бир хил муносабатда булади.

Бу органларнинг шаклланиш усуллари турлича, аммо барибир баъзи умумлаштирмалар қилиш мумкин. Баъзи бир мамлакатларда соф парламент усули қўлланган. Масалан, Германия Федерал конституциявий суди (ФКС) аъзолари тенг равишда (8тадан) Бунтестаг ва Бундесрат томонидан (Асосий қонуннинг 94-моддаси, 1-қисми) вилоятлар (ерлар) конституциявий судлари судьялари ва аъзолари—Ландтаглар томонидан сайлаб қўйилади. Венгрияда Конституциявий суд аъзолари давлат мажлиси томонидан сайланади (1949 йил қабул қилинган Венгрия Республикаси Конституциясининг 1990 йилдаги таҳрири, 19-§, 3-қисм “к” банди). Хорватия Конституциявий суд судьялари парламентнинг қуйи палатасида юқори палата таклифига биноан сайланади (1990 йилда қабул қилинган Хорватия Республикаси Конституцияси 122-модда, 1-қисми). Португалияда Конституциявий суднинг 10 та судьяси Республика Мажлиси томонидан сайланади, учта судья эса ўша сайланган 10 та судья томонидан сайлаб олинади (жами 13 та судья) (1976 йилги Португалия Конституцияси 224-модда, 1-қисми).

Германияда юқорида кўрсатиб ўтилган конституциявий меъёرنинг шарҳи ўзига хос. 1951 йилда қабул қилинган ва 1985 йилда таҳрир этилган Федерал Конституциявий суд тўғрисидаги

конунга биноан Бундестаг ФКС судьяларининг тўғридан-тўғри сайловлар билан эмас, пропорционал вакиллик тизимига кўра сайланган 12 сайловчи орқали сайлаб олади. Судьяликка номзод шахс, сайланиш учун сайловчилардан камида саккизтасидан овоз олиши лозим. Бундесрат эса судьяларни тўғридан-тўғри овоз бериш йўли билан сайлайди, сайланишлари учун сайловчиларнинг 2/3 қисмининг ёқлаган овози керак бўлади. Судьяликка номзодлар ФКС нинг ўзи томонидан таклиф этилади, бир вакансия бўлганда эса у учта номзод кўрсатади, вакансиялар бир нечта бўлганда эса номзодлар сони икки барабар кўпроқ бўлади. Умуман Бундестаг ва Бундесрат сайловчилари коллегияси конун талабларига жавоб берувчи бошқа шахсларни ҳам сайлашга ҳақлидир; бундай шахслар рўйхати адлия вазири томонидан юритилади.

Бирок кўпчилик мамлакатларда конституциявий суд (кенгаш)лар ҳокимиятнинг турли погоналари (сохалари)ни кўрсатувчи ва мустақил ёки ҳамкорликда фаолият кўрсатувчи юқори давлат органлари томонидан ташкил этилади (тузилади).

Масалан, Франция Конституциясига мувофиқ конституциявий кенгашининг 3 та аъзоси Республика Президенти томонидан, 3 та аъзоси Миллий Мажлис томонидан, 3 таси эса Сенат раиси томонидан тайинланади (бундан ташқари, конституциявий кенгаш таркибига республиканинг собиқ президенти ҳам киришга ҳақли). Италия ва Болгарияда Конституциявий суд аъзолари учта бирликдан тайинланади, яъни республика президенти, парламент (Италия палататаларининг кўшма мажлисида) ва умумий ва маъмурий юрисдикция олий судлари судьялари мажлиси томонидан тайинланади.

Биз куйида келтириладиган масалаларда тайинловчи ҳокимиятлар тайинланувчилар учун умумий қоида ишлаб чиқишлари лозимки, ҳар доим ҳам бу осон бўлавермайди, аммо судларнинг бирлашишига ёрдам бериш, турли ҳокимиятлардан тайинланганлар орасида конфронтацияга йул кўйилмаслик чорасини куриш улар зиммасида.

Масалан, 1992 йил Чехия Республикаси Конституциясининг 84-моддаси, 2-қисмига мувофиқ конституциявий суд судьялари Республика Президенти такдими ва Сенатнинг розилиги билан тайинлайди. Бунинг акси, Колумбияда конституциявий суд магистратлари Республика Сенати томонидан ҳар бир лавозимга Республика Президенти, Олий суд ва худди Франциядагидек бошқа

функциялар билан биргаликда олий маъмурий трибунал сифатида фаолият кўрсатадиган давлат кенгаши томонидан таклиф этилган уч номзод ичидан сайлаб олинади (1991 йил Колумбия сиёсий конституциясининг 239-моддаси 2-кисми). Словакия эса конституциявий суд судьяларини Президент, Миллий Кенгаш томонидан таклиф этилган икки баравар кўп номзодлар ичидан тайинлайди (конституциянинг 134-модда, 2-кисм). Австрия Федерал Конституциявий конуннинг 147-моддаси 2-кисмига мувофиқ конституциявий суд раиси, унинг ўринбосари, суднинг 6 аъзоси ва учта захирадаги аъзоси Федерал Президент томонидан Федерал ҳукумат таклифига биноан судьялар, маъмурият амалдорлари ва университет ҳуқуқ профессорлари ичидан сайлаб олинади; Суднинг учта аъзоси ва захирадаги икки аъзосидан Федерал Президент Миллий Кенгаш таклифига кўра яна учта аъзо ва битта захирадаги аъзони Федерал кенгаш таклифига кўра сайлайди ундан ташқари парламент палаталари ҳар бир лавозимга учтадан номзодни таклиф қилади.

Бошқа усуллар ҳам мавжуд. Эрондаги муҳофаа (муҳофаза) кенгашини шакллантириш тартибини таъкидлайдиган бўлсак, у ерда туб заруриятлар ва мавжуд муаммони англовчи 6 та одил факихлар, раҳбар томонидан тайинлаб қўйилган мусулмон юристлари ичидан Ислоом маслаҳат кенгаши томонидан сайлаб олинади.

Конституциявий судлар (кенгашлар)нинг микдорий таркиби одатда унча катта эмас: Югославияда 7 аъзо, Франция, Руминия, Словения, Македония, Манголияда-9 тадан (Франция собик президентларини ҳисобга олмаганда 9 та), Словакия ва Чехияда-10 тадан, Бразилия, Хорватия, Венгрияда-11 тадан, Испания, Болгария, Белгия, Эронда-12 та, Португалия, Грецияда-13 та, Австрияда-14 та (ҳамда 6 та захирада), Италия, Польшада-15 та, Германия-16 та аъзо. Кўриниб турганидек, бу ерда муайян бир мамлакат аҳолиси сони билан мувофиқлик ҳудди шунингдек судьялар (суд аъзолари)нинг сони тоқ бўлишига интилиш мажбурияти ҳам йўқ. Кўпчилик мамлакатларда умумий юрисдикция судларидан фарқли ўларок конституциявий суд (кенгаш)лар учун ягона ваколат муддатлари белгилаб қўйилган. Конституциявий суднинг такрорий сайлов (тайинлов)га эришмокчи бўладиган судья (кенгаш аъзо)ларининг хатти-ҳаракатлари сайловчи (тайинловчи) органлар таъсиридан қафолатлашни мақсад қилиб қўяди. Масалан, Грецияда ваколатлар муддати икки йил (бу қоидалардан истисно), Португалия,

Манголияда—6 йилга, Словакияда—7 йил, Хорватия, Колумбияда—8 йилга (Колумбияда—хар 4 йилда бир янгиланади), Франция, Руминия, Испания, Болгария, Италия, Венгрия, Польша, Югославия, Словения, Македонияда—9 йил (дастлабки тўрт мамлакатда—хар уч йилда янгиланади), Германияда 12 йил. Бошка бир катор мамлакатларда (масалан, Бразилия, Австрия ва Белгияда) ушбу муддат белгиланмаган.

Кандай ҳолатларда конституциявий суд (кенгаш) аъзолари учун ваколат муддатлари белгиланади ва кандай ҳолларда—факат ушбу органлар учунгина ваколат муддати белгиланишини фарқламок лозим. Агарда органнинг янгиланиши, масалан, худди Колумбия ёки Франциядагидек белгиланган тартибда амалга ошириладиган бўлса, унда ваколат муддати орган учун белгиланганлиги аниқ ва бирорта аъзо муддатидан олдин чикиб кетадиган бўлса унинг ўрни колган муддатда тўлдирилади, яъни янги келган аъзо олдингисидан канча муддат колган бўлса, шунча муддат ишлайди. Масалан, 1958 йилдаги конституциявий кенгаш хақидаги органик конунни ўзида мужассамлаштирган № 58-1067 ракамли француз Ордонансига мувофиқ ўрнини босиш учун тайинлаб кўйилган конституциявий кенгаш аъзоларининг ваколатлари муддати ундан олдинги кетган аъзонинг ваколат муддати қачонгача бўлса, ўша муддатда нихоясига етади; кенгашнинг янги аъзоси бу муддат тугаганидан кейин, агар ушбу лавозимда 3 йилдан кўп ишлаган бўлса, янги муддатга тайинланиши мумкин (умуман олганда такроран сайлашга рухсат этилмайди). Худди шундай тартиб Словакия Конституциясининг 134-моддаси 1- ва 2-қисмларида ҳам белгиланган, унда конституциявий судни ташкил этувчи 10 та судья Миллий кенгаш томонидан таклиф этилган 20 та номзод ичидан президент томонидан тайинлаб кўйилади дейилган; бу судни таркиби тўла янгилангандагина мумкинлиги аниқ.

Бунинг акси Хорватия Конституциясининг 122-моддаси, 1-қисмида шундай дейилади: “Хорватия Республикаси Конституциявий суди жупанийлар палатаси таклифига биноан вакиллар палатаси томонидан 8 йил муддатга сайланган 11 судьядан иборат...” Бундан келиб чиқадики, ушбу муддат суд учун эмас, судьялар учун белгиланган, агарда бирорта судья белгиланган муддатдан олдин суд таркибидан чикиб кетадиган бўлса, янги сайланган судья тўла (яъни 8 йил) муддатга унинг таркибига қиради.

Кўпчилик мамлакатларда конституциявий конунлар конституциявий суд судьялигига номзодлар учун муҳим талаблар кўяди. Бошқа оммавий (жамоат) лавозимлар ва хусусий машгулотлар ҳамда судьялар учун одатий бўлган ахлокий талаблардан ташқари бу ерда кўпинча ёш билан боғлиқ цензлар белгилаб кўйилади (Германияда ФКС аъзоси 40 ёшдан 68 ёшгача бўлиши лозим, Венгрияда Конституциявий суд аъзоси 45 ёшдан 70 ёшгача бўлмоғи лозим), шунингдек профессионал стажга ҳам юқори талаблар кўйилади (масалан, Руминияда 18 йиллик стажи, Чехияда-10, Испанияда-15, Италияда адвокатлар учун 20 йил ва хоказо).

Шуни назарда тутиш керакки, конституциявий судьялар ва конституциявий назорат органларининг бошқа аъзолари шахсий сифатига кўра сайлаб (тайинлаб) кўйилади, яъни улар бирон-бир партиянинг (хатто унга аъзо бўлган бўлса ҳам), кандайдир бир минтақа, кандайдир бир ижтимоий гуруҳ ёки хоказоларнинг вакили сифатида қаралиши мумкин эмас. Улар ўз фаолиятларида бунга ўхшаш манфаатларга амал қилмасликлари лозим. Конституция ва конунларда, бундай принцип (тамойил)ларга таъриф келтирилмасда, аслида шу мақсаддан келиб чиқадилар (хулоса чиқарадилар). Бу ерда аниқ мисол билан чегараланамиз.

Масалан, Австрияда Конституциявий суд палатасининг (КСП) таркибига пойтахтдан ташқарида яшаш жойига эга бўлган учта аъзони ва 2 та захирадаги аъзо тайинланиши лозим (шуни назарда тутиш керакки, Австрия пойтахтида мамлакат аҳолисининг 25 фоизидан кўпроғи яшайди). Маъмурият амалдорлари КПС таркибига тайинланган такдирда уз хизматидан озод қилинади лозим. Унинг таркибига Федерал ҳукумат аъзолари ва ерлар (вилоят) ҳукуматлари, ваколатли органларнинг аъзолари, (хатто уз мандатларидан муддатдан олдин бош тортишса ҳам), сиёсий партияларнинг функционерлари қира олмайдилар. Ундан ташқари, энг охириги 4 йил мобайнида шу санаб ўтилган функциялардан бирортасини бошқарган шахс КСПнинг президенти ёки вице-президенти бўла олмайди. Лавозимда бўлиш ёшининг юқори чегараси-70 ёш, КСП аъзосига нисбатан судьяларнинг мустақиллиги ва алмашмаслиги принципи қўлланилади.

Баъзи шарқий Европа мамлакатларида конституциявий суд судьяларига сиёсий партияларда ҳисобда туриш таъқиқланади (масалан, Болгария Конституциясининг 147-моддаси, 5-қисми). Ғарбий Европа мамлакатларида эса уларга одатда фақат партия,

баъзан эса касаба уюшмалари ишида фаол иштирок этиш таъкикиланади (масалан, Испания Конституциясининг 159-моддаси, 4-кисми).

Конституциявий суд (кенгаш)ларни ташкил этишнинг муҳим жихати—суд раисларининг сайланиш (тайинланиши) тартибидир (агар бор бўлса раис ўринбосарлари ҳам одатда шундай тартибда сайланади ёки тайинланади). Баъзи мамлакатларда буни конституциявий суд (кенгаш) томонидан тузиладиган орган амалга оширади. Масалан, Германияда Федерал Конституциявий суд хақидаги қонунга мувофиқ ФКС президенти ва вице-президенти навбат билан Бундестаг ва Бундесрат томонидан сайлаб қўйилади, яъни президентни Бундестаг сайласа, вице-президентни эса— Бундесрат сайлаб қўяди ва аксинча. Францияда Конституциявий кенгаш раиси Президент томонидан тайинланади (конституциянинг 56-моддаси, 3-кисми, 1-жумласи). Бундай тартиб баъзан раисга қўйимча ваколатлар беради. Масалан, Франция Конституциясининг 56-моддасининг келтириб ўтилган қисми 2-жумласида овозлар тенг бўлинган ҳолларда раиснинг берган овози ҳал этувчи қучга эгаллиги кўрсатилган. Бошқа мамлакатларда, масалан Италия, Португалия, Венгрия, Болгария, Руминияда раисни суднинг ўзи сайлаб қўяди. Моҳиятан бу нарса Испанияда ҳам мавжуд, у ерда конституциявий трибунал раисини Кирул трибуналнинг таклифига мувофиқ тайинлайди (раис ўринбосарларини эса трибуналнинг ўзи сайлайди). Ушбу тартиб суд мустақиллиги тамойилига қўпроқ жавоб беради деб ҳисоблаш мумкин.

Раис (унинг ўринбосари)нинг ваколат муддати баъзан умуман белгиланмайди, масалан Германиядагидек. У ерда ФКС раиси истеъфосини эълон қилмагунча судья бўлиб турар экан, ўз лавозимида қолаверади. Бу қўпроқ, суд раиси конституциявий суд (кенгаш) ёки унинг бир қисмини тайинлаб қўядиган орган ёки мансабдор шахс томонидан белгилаб қўйиладиган мамлакатларда мавжуд. У ерда раис конституциявий суд томонидан сайланади, одатда муддат белгилаб қўйилади, бу муддат мобайнида олдинги раисни қайтадан янги муддатга сайлаш руҳсат этилади, баъзан бир маротаба сайланади. Масалан, 1979 йилда қабул қилинган конституциявий трибунал тўғрисидаги 2-сонли Испания Органик Қонунига мувофиқ Кирул конституциявий трибунал томонидан сайланган раисликка номзод шахсни уч йил муддатга тайинлаб қўяди. Бу муддат ичида у фақат 1 марта қайта сайланиши мумкин (бундай

чеклов раис муовинига тааллукли эмас). Аксинча, Италия Конституциясининг 155-моддаси 5-кисмига мувофиқ Суд томонидан уч йил муддатга сайлаб кўйиладиган конституциявий суд раиси чекланмаган холда қайта сайланаверади, аммо конституциявий суд судьяси лавозимида ўтириш муддати чегараланган, яъни кўпи билан икки маротаба.

Раис ваколати муддатининг нисбатан кискалиги конституциявий суд (кенгаш) аъзоларининг тенг ҳуқуқлилиги принципи билан уйғун тушади, чекланмаган ваколат муддати раисни мазкур коллегиял орган устидан ҳукмрон шахсга айлантириб кўяди, унга фавқулодда юксак сиёсий обрў беради.

Конституциявий суд (кенгаш) таркиби кичик бўлган мамлакатларда бундай органлар фақат пленум сифатида иш олиб боради. Аммо кўп холларда конституциявий суд тузилиши ўта мураккаб бўлади ва унинг номидан қарор қабул қилиш ҳуқуқини ички тузилмалар (палаталар, сенат ва бошқалар) ўз ичига олади. Бу ишларнинг тўпланиб қолишига йўл қўйилмайди ва ишлар тез-тез кўриб чиқилади.

Масалан, Германия Федерал конституциявий суди (ФКС) Президенти ва унинг ўринбосари бошчилик қиладиган ва турли предметли ваколат (компетенция)га эга бўлган сенатлардан иборат бўлади (сенатларнинг сони тенг ва зарур холларда предметли ваколат раис (президент) ва унинг ёрдамчиси ўртасида қайта таксимланиши ҳам мумкин). Сенатларнинг ҳар бири ФКС сифатида қарор чиқара олади. Пленум аниқ ишларни кўриб чиқмайди. Ҳуқуқий масалалар юзасидан сенатлар орасида ихтилоф юзага келганда қарор ФКС пленуми томонидан қабул қилинади. Фуқаролардан тушган конституцияга оид шикоятларни кўриб чиқиш учун сенатлар ҳар бири учта судьядан иборат бир нечта палата тузади, тузилган палата таркиби кўпи билан уч йилга ўзгаришсиз қолиши мумкин. Агарда палата бир овоздан қарор қабул қилмаса, масалани сенатнинг ўзи ҳал этади.

Испания конституциявий трибунали тенг сонли икки палатадан иборат, уларга суд раиси ва унинг ўринбосари раҳбарлик қилади. Палаталарнинг нуфузи (ваколатлари) алоҳида ажратиб қўйилмаган: улар пленумнинг тўла ваколатига қиритилмаган ҳар қандай ишни ҳал этишлари мумкин. Агар палата трибуналнинг бундан олдинги ҳуқуқий позициясидан четга чиқиши зарур ҳисобласа, масала пленум томонидан ҳал этилади.

Польшада Конституциявий трибунал ваколати ичига кировчи масалалар уч ва беш судьядан иборат бўлган унинг тор таркиблари томонидан хал этилади.

Баъзан Конституциявий судлар пойтахтда жойлашмаган бўлади, балки бу судьяларни сиёсатчиларнинг онларнинг кундалик таъсиридан холос килиш мақсадида шундай килинган бўлса ажабмас. Масалан, Германия Федерал Конституциявий суди Карлсруэда жойлашган, парламент ва ҳукумат мажлислари эса Берлинда ўтади; Венгрия Конституциявий суди конун бўйича қадимий, қичкинагина Эстергом шаҳрида жойлашган, аслида эса Будапештда фаолият кўрсатади.

Ташкилотнинг ички муаммолари ва конституциявий суд (кенгаш)ларнинг фаолиятлари шу органларнинг ўзи томонидан қабул қилинадиган регламентлар билан тартибга солинади.

## 2. Конституциявий судлов ишларини юритиш.

Бу конституциявий судда ишларни кўриб чиқиш ва хал этиш тартибидир. Конституциявий судлов ишларининг баъзи тамойилларини конституцияларда учратиш мумкин, аммо у бутунича конституциявий судлар ҳақидаги қонунлар ва бундай судларнинг регламентлари билан тартибга солинади. У умумий процедура (ишларни тайёрлаш тартиби, суд мажлисларини ўтказиш ва қарорлар чиқариш) ва алоҳида тоифадаги ишлар бўйича махсус процедуралардан ҳосил бўлади. Шунинг таъкидлаш жоизки, конституциявий судлов ишларини юритиш жиноий, фуқаролик, маъмурий ишлар бўйича юритиладиган судлов ишларига ҳос равишда эмас, балки бошқа шаклларда амалга оширилади. Масалан, суд муҳокамасида иккала томоннинг ҳам фаол қилиши ёки оғзаки муҳокама юритиши сингари процессуал принцип (қоида)лар кўпинча чегараланган бўлади ёки айрим тоифадаги ишлар кўрилатганда умуман бўлмайди.

Умумий процедура ваколатли субъектлар томонидан конституциявий судга мурожаат қилиш, уларни қабул қилиш ёки рад этиш учун мурожаатларни олдиндан кўриб чиқиш тартиби, процессуал вакиллик, маърузачи-судьянинг ҳуқуқлари, зарур маълумотларни талаб қилиб олиш тартиби, гувоҳлар ва экспертларни таклиф этиш, суд маҳокамаларини ўтказиш, қарор қабул қилиш бўйича маълумот қилиб олиш ва овозга қўйиш, уни ўқиб эшиттириш, зарурат тугилганда ишни янгилаш, суддаги қамчиликлар ва бир қатор бошқа ҳолатларни ўз ичига олади.



Махсус процедуралар конституциявий судга тегишли тоифадаги ишлар бўйича ишни кўзгатишга ваколатли шахсларни, ишларнинг ўзига хослигини, чиқарилиши эҳтимол бўлган суд қарорларининг ҳукукий оқибатларни, ижро ҳақидаги қоидаларни кўзда тутди. Бу масала шунчалик муҳимки, бу баъзан конституцияларда ҳам алоҳида тартибга солинади. Конституциявий судларга қарашли бўлган ишлар тоифасидан энг асосий деб ҳисоблаш мумкин бўлган қонунларнинг конституцияга мувофиқлигини текшириш процедурасида қисқача тўхталиб ўтамиз.

Мавҳум (абстракт) конституциявий назорат шароитида давлат ҳокимиятининг турли органлари, баъзан парламентар гуруҳлари конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлади (бу, Францияда ҳар қайси палатанинг 60 та аъзосидан ташкил топган гуруҳ, Испанияда 50 та, Португалияда депутатларнинг 1/5 ёки 1/10 қисми), аммо бундай ҳуқуққа хусусий шахслар эга бўлмайди. Аксинча, аниқ конституциявий назорат кўзда тутилган шароитда хусусий шахслар ҳам мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлади (конституциявий шикоят), шунингдек давлат органлари, аввало иш кўрувчи судлар бундай ҳуқуққа эга бўладилар.

Энди конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар доираси конституцияларда қандай кўрсатилганлиги ҳусусида мисол келтирамиз.

Австрия Федерал конституциявий суд палатасига (КСП)(140-модда, 1-қисм) қуйидагилар мурожаат қилиш ҳуқуқига эга (гап федерация ва ерлар (вилоятлар) тугрисидаги қонунлар ҳақида бормокда):

Иккинчи инстанция бўйича ишларни муҳокама қила оладиган маъмурий суд, олий суд ва бошқа судлар, шунингдек КПСнинг ўзи, агарда қонун Конституциявий суднинг ҳукукий ихтилофларни кўриб чиқиш учун қўлланиладиган бўлса; таърифлаш жоизки, конституциявий суднинг ўз ташаббуси қамдан-қам учрайдиган ходиса, бу тушунарли қунки ҳеч қим ўз ишида судья бўлмаслиги керак);

Федерал ҳуқумат, ер (вилоят)лардаги ҳуқуматлар (федерал қонунлар ҳақида);

Миллий қенгагининг 1/3 аъзоси (федерал қонунлар ҳақида), ер (вилоят) ланптаг аъзоларининг 1/3 қисми (ер(вилоят)лар ҳақидаги қонунлар), албатта агар бу ер (вилоят)лар ҳақидаги конституциявий қонунда кўрсатилган бўлса;

конуннинг конституциявий эмаслиги унинг уз хукуklarини бевосита бузади деб хисоблаган шахслар, агарда мазкур шахсга нисбатан конуннинг кучда бўлиши учун суд қарори ёки махсус кўрсатма талаб қилинмаса.

Испания Конституциясининг 162-моддаси, 1-қисмига мувофиқ конун ёки бошқа бир қонуний ҳужжатнинг конституцияга номувофиқлиги тўғрисидаги баёноти билан конституциявий трибуналга қуйидагилар мурожаат этиши мумкин:

Ҳукумат раиси  
Халқ ҳимоячиси  
50 та депутат  
50 та сенатор

коллегиал ижро органлари, автоном хамжамият мажлислари (конституциявий трибунал тўғрисидаги Органик қонун уларга факат уларнинг автономияси билан боғлиқ бўлган қонунлар ва бошқа акт (ҳужжат)лар бўйича ваколатлар беради).

Конституциявий трибунал тўғрисидаги органик қонун, қонун ёки бошқа шунга ўхшаш ҳужжатнинг конституцияга мувофиқлиги ҳақидаги сўров хати билан судья ёки трибунал муайян бир иш қўрилаётганда мурожаат эта олишини кўзда тутди.

Қуйида конституцияга номувофиқлик ҳақида баёнот беришнинг Испания

мисолини таърифлашимиз ўринли бўлади:

Қонун ёки қонун қучига эга бўлган ҳужжатнинг конституцияга номувофиқлиги тўғрисидаги баёнот конституциявий трибуналга бахс этилаётган ҳужжат эълон қилинганидан кейинги уч ой мабайнида берилади; бунда ариза берувчи (баёнот берувчи) ҳақида ва тегишли ҳолларда унинг вакили ҳақидаги маълумотлар хабар қилинади, бахс юритилаётган қонун ҳужжати кўрсатилади ва бузилди дея хисобланган Конституциявий меъёрнинг аниқ таърифи келтирилади. Конституциявий трибунал баёнотни қабул қилиб, унинг қўчирма нусхаларини Бош Қортеслар палатасига, Ҳукуматга эса адлия вазирлиги воситасида йўллайди, агар автоном хамжамиятнинг қонуний ҳужжати устида бахс этилаётган бўлса, унда хамжамиятнинг қонунчилик ва ижроия органларига улар 15 кун ичида процесс иштирокчиларини тайинлашлари ва ўз фикрларини келтиришлари учун юборади. Шундан кейин трибунал 10 кун ичида қарор чиқаради, холбуки ушбу муддатни (сабаби батафсил кўрсатилган ҳолда) резолюция тузиб 30 кунгача узайтириши ҳам мумкин.

Чикарилган карор барча оммавий ахборот воситаларига оркали таркатади (эълон килинади) ва давлат расмий бюллетенида нашр этилган кундан бошлаб кучга киради. Агарда конституцияга номувофиклик хакида баёнот рад этилса, худди шу хусусида такрорий баёнот беришга рухсат этилмайди. Конституцияга хилоф деб кўрсатилган карорда белгиланган конуний кўрсатмалар, хамда улар билан боғлиқ ва улардан келиб чиқадиган бошка кўрсатмалар хам конунга хилоф деб эълон килинади. Конституцивий трибунал конституцияга номувофикликни исбот этса, конституцияга номувофик карорга асосан чикарилган ва амалда бўлган суд карорлари кайта кўриб чиқилмайди. Факат конституцияга хилоф иш тутилган ёки ўта катта жазо (санкция)ларга олиб келган жиноий ёки суд-маъмурий ишлар бундан мустасно.

Конунларнинг конституциявийлигини улар чикарилганидан кейин уч ой муддат ичида текширилиши ҳуқуқнинг чегараланишига олиб келади, ахир конуннинг конституциявий эмаслиги вақт ўтиб, кейинчалик хам аниқланиши мумкин.

Шунингдек, Конституциявий ҳуқуқлар бузилганлиги хақидаги хусусий шикоятларнинг конституциявий судда кўриб чиқиш процедурасини мисол сифатида келтирамиз.

Федерал конституциявий суд тугрисидаги Германия конунига мувофик ҳар қандай шахс ФКСга конституциявий шикоят билан мурожаат қилиши ва бунда оммавий ҳокимият томонидан унинг конституциявий ҳуқуқларидан бири бузилганлигини таъкидлаши мумкин. Агар масала оддий суд юрисдикциясига тегишли бўлса, унда ФКСга шикоят, иш оддий суд томонидан кўриб чиқилганидан кейингина, берилиши мумкин. Аммо, агарда шикоят умумий аҳамиятга эга ёки шикоят оддий суд тартибида кўриб чиқиладиган вақтда шикоятчи катта зарарга учраши мумкин бўлса, ФКС шикоятни зудлик билан ҳал этиши керак.

ФКСга конституциявий шикоятда, агар Федерация ёки ер (вилоят)ларнинг бирор бир конуни билан ҳуқуқларни қафолатловчи Асосий конуннинг 28-моддаси бузилди деб ҳисобланаётган бўлса, жамиятлар ва жамоа бирлашмаларининг хам мурожаати қабул қилиниши мумкин. Агар ер (вилоят) конунчилигида, узини - узи бошқарув ҳуқуқи бузилишидан химоя имконияти ер (вилоят) конституциявий суди томонидан таъминланадиган бўлса, ФКСга шикоят учун йўл кўйилмайди. Шикоятнинг асослов қисмида маълум ҳуқуқнинг бузилганлиги ва шикоятчи қайси орган ёки идоранинг

хатти-харакати ёки харакатсизлиги унинг ўз ҳукукини бузилишига сабаб деб ҳисобласа ўша нарса кўрсатилади. Шикоят шахсга қабул қилинган қарор маълум бўлгандан кейин бир ой муддат ичида берилади. Агар шикоятчи қарорнинг кўчирма нусхаси берилиши ҳақида илтимос хати берса, у берилгунга қадар муддат ўтиши (қуни) узайтирилади (бу бир неча қун бўлиши мумкин). Оддий суд шикояти йўли билан амалга ошмайдиган қонун ёки бошқа ҳужжат устидан конституциявий шикоят бериш қонун қучга кирганидан кейин ёки ҳужжат чиқарилганидан кейин бир йил ичида мумкин бўлади.

ФКС палатаси шикоятни қабул қилишни бир овоздан рад эта олади: агар шикоятга йўл қўйилмайдиган бўлса ёки бирон-бир сабаб билан уни қондириш етарли истикболга эга бўлмайдиган бўлса, ҳамда бошқа ҳолатларда ҳам рад этиши мумкин, қолаверса радия устидан яна шикоят қилиш мумкин эмас. Шунингдек, палата агарда шикоятнинг асосли эканлиги рўй-рост кўриниб турган бўлса уни қондириши, ижобий ҳал этиши мумкин, бунинг учун ФСК ушбу иш учун муҳим аҳамият қасб этувчи конституциявий-ҳуқуқий масалани олдиндан ҳал этган бўлиши лозим. Тегишли ажрим палата томонидан оғзаки муҳокамасиз қабул қилинади, ундан ташқари шикоятни қабул қилмаслик учун унинг ҳуқуқий асосини кўрсатишнинг ўзи етарли бўлади.

Агарда палатада бу борадаги ҳамжихатликка эришилмаса, шикоятни муҳокама учун қабул қилиниши ҳақидаги масала сенат томонидан қабул қилиниши мумкин.

Агар иккита судья қарорни конституциявий-ҳуқуқ масаласини изоҳлаш учун хизмат қилади, қабул қилмаслик шикоятчига оғир, қатта зарар келтириши мумкин деб ҳисобласа у ҳолда шикоят қабул қилинади. Бу масала юзасидан ҳам оғзаки муҳокамага руҳсат этилмайди.

ФКС (палата ва сенат) хатти-харакати ёки харакатсизлиги шикоят учун сабаб бўлган конституциявий орган, вазир, федерация ёки вилоят идора-маъмуриятига шикоят юзасидан белгиланган муддат ичида ўз сўзини айтиш имкониятини беради. Агар суд қарори бахсли бўлса, унда сўз айтиш имконияти ушбу қарор чиқарилишидан манфаатдор томонга ҳам берилади. Шикоят бевосита ва билвосита қонунга қарши қаратилган бўлса, унда қонунчилик ёки ижроия ҳокимияти органларига ўз фикрларини айтиш имконияти берилади. Юқорида санаб ўтилган барча конституциявий органлар иш юзасидан муҳокамада иштирок этиш ҳуқуқига эга. Бирок, ФКС агар оғзаки

муҳокама ишнинг батафсил хал этилишига ёрдам бера олмаслигини ва уни кутиш учун асос йўқлигини билса уни ўтказишдан воз кечиши мумкин, бундай холда санаб ўтилган конституциявий органлар ҳам оғзаки муҳокамалардан воз кечадилар.

Агар масала (шикоят, ариза) конституциявий кондириладиган бўлса, қарорда Асосий қонуннинг қайси меъёрига ҳилоф иш тутилган ва қандай хатти-ҳаракат ёки ҳаракатсизлик бунга олиб келганлиги кўрсатилади. Бир вақтнинг ўзида ФКС уни амалга оширилишидаги ҳар қандай ҳаракат Асосий қонунга ҳилоф эканлигини кўрсатиши мумкин. Шикоятни қониктириб, ФКС бу қарорни бекор қилади, агар гап суд қарори ҳақида бораётган бўлса, унда ишни ваколатли судга топширади. Қонун устидан қилинган шикоятнинг қондрилиши ноқонституциявий қонунга асосланган қарор бекор қилинганда ушбу қонун ҳам уз қучини йўқотганлиги маълум бўлади. Ноқонституциявий қонун ҳужжатига асосланган жиноий иш бўйича чиқарилган ҳукм бўйича суд ишини қайта бошлаши мумкин; судларнинг ноқонституциявий меъёрларга асосланиб фуқаролик ишлари бўйича чиқарган қарорлари баъзи бир истиснолардан ташқари қайта кўриб чиқилмайди ва бундай қарорларнинг ижро этилишига йўл қўйилмайди.

Конституциявий кенгашлар ва шунга ўхшаш органларга тўхталадиган бўлсак, уларнинг амалга оширадиган процедуралари суд ишига ҳос процессуал шакллардан ҳолидир. Бу процедураларнинг қонуний тартибга солиниши одатда мурожаат этиш тартиби, муддат белгиланиши, қарор қабул қилиш тартиби ва зарур ҳолларда уларнинг сабабини кўрсатишнинг талаб қилиш билан чегараланади.

Эрон Мудофаа кенгашининг тегишли процедура меъёрларидан баъзиларини келтирамиз. Ушбу кенгаш аъзолари Ислом Маслаҳат мажлисига кириши ва ҳукумат ёки депутатларнинг қонун лойиҳаларини муҳокама қилаётганларида борган тортишувларини эшитишлари мумкин. Агар мажлис қонун тартибига шошилиш қонун лойиҳаси киритилган бўлса, Мудофаа кенгаши аъзолари Мажлисга келишлари ва ўз фикрларини билдиришлари лозим (конституция, 97-модда). Мажлис қабул қилган қонунларни Ислом қонунларига мувофиқлиги фақиҳларнинг кўпчилиги овози билан, конституция билан мослиги эса—Мудофаа кенгаши аъзоларининг кўпчилиги овози билан белгиланади (96-модда).

#### 4-§. Суд ҳокимиятига кўмаклашувчи органлар ва муассасалар

##### 1. Прокуратура

Бунинг — асосий вазифаси жиной хатти-харакатни содир этган шахсларни жинойт содир этганлиги учун жавобгарликка тортиш, судда давлат айбловини амалга ошириш, шунингдек жинойтларни олдини олиш ва шахсларнинг жазо ўташ жойлари (камоқхоналар)да сакланишининг конунийлиги устидан назорат олиб боришдан иборат бўлган давлат органидир. Бу шунингдек, прокуратура конституциявий институтлар таркибига кирмайди: демократик мамлакатлар конституцияларида бу ҳол камдан-кам эслаб ўтилади. Унинг мақоми уни ташкил этилиши ҳақидаги махсус қонунлар ва суд процессуал қонунчилиги билан тартибга солинади.

Прокуратуранинг давлат органида тутган ўрнидан келиб чиққан ҳолда давлатларни тўрт гуруҳга ажратамиз:

Прокуратура аслида вазирлиги таркибида бўлган;

прокуратура судлар корпуси (магистратуралар) таркибига киритилган ва судлар ҳузурида бўлган;

прокуратура органлари алоҳида тизимга эга ва парламентга ҳисобот берадиган;

прокуратура умуман мавжуд бўлмаган;

Биринчи гуруҳ мамлакатлари жумласига АКШ, Франция, Япония, Польша қиради. Масалан АКШ ва Польшада аслида вазири (АКШда—Бош атторней)—айни вақтда бош прокурор ҳам ҳисобланади. Қўйи поғонадаги прокурорлар (атторнейлар) унга бўйсундилар. Ундан ташқари АКШда ҳар бир штатда федерал прокуратурадан бошқа штат бош прокурори бошчилигидаги, федерал прокуратурага бўйсунмайдиган ўз прокуратура тизими ҳам фаолият кўрсатади. Бош атторней (прокурор) Федерал Президент томонидан унинг тақдимида кўра Сенатнинг маслаҳати ва розилиги билан тайинлаб қўйилади. Штатларда прокурорларни губернаторларнинг ўзлари худди шу тарзда тайинлайдилар.

Францияда 1958 йил магистратуранинг мақоми тўғрисидаги органик қонунни ўзида мужассамлаштирган №58-1270-сонли ордонансга мувофиқ прокурорлар ўзларидан юқори турувчи раҳбарларга, биринчи навбатда аслида вазирлигига бўйсундилар ва уларнинг назорати остида бўладилар. Суд мажлисида уларнинг сўзга

чикиши бемалол булиб, кассация ва апелляция судларида бош прокурорлар, куйи суд жараёнларида эса прокурорлар фаолият кўрсатадилар.

Шуниси диккатга сазоворки, Японияда, уларнинг фаолиятлари устидан суд назорати билан бир каторда жамоатчилик назорати ҳам мавжуд: хар бир округда сайловчилар ичидан куръа ташланиб, прокурорларни назорат килувчи махсус комиссия ташкил килинади.

Иккинчи гуруҳдаги мамлакатлар жумласига Испания ва Италия киради. Масалан Испанияда 1981 йилда, Прокурорнинг органик статуту (Ministerio Fiskal) билан тартибга солинадиган 50-конунга мувофик прокуратура конунийликни, фукароларнинг хукуклари ва оммавий манфаатдор шахсларнинг илтимосномаларига кўра трибунал мустаккиллигига риоя этилишини кузатиб боради ва омма манфаатларининг кондирилишига эришади. Прокуратура нисбатан функционал автономияга эга бўлиб суд хокимияти тизимида кирган холда ўз вазифаларини фаолият бирлиги ва иерархик тобелик тамойилларига мувофик, конунийлик ва бирор бир сиёсий партияга боғлиқ бўлмаслик принципига асосан амалга оширади. Прокуратура органлари судлар қошида фаолият кўрсатади.

Уларга, суд хокимияти Бош кенгаши фикрига кура, Хукумат такдимида мувофик Кирул томонидан тайинлаб кўйиладиган Давлат Бош прокурори рахбарлик килади. Суд хокимияти иерархиясида у Олий трибунал раисидан кейинги шахс хисобланади.

Учинчи гуруҳга мансуб бўлган давлатлар гуруҳини социалистик мамлакатлар ташкил этади. Бу мамлакатларда прокуратуралар зиммасига юкорида санаб ўтилган функция (вазифа)лар билан бир каторда конунийлик устидан умумий назорат олиб бориш юкланган, унинг объектлари давлат органлари (одатда вазирликлардан бошлаб кўйи органларгача, албатта вакиллик органлари мустасно), жамоат бирлашмалари, хўжалик бирлашмалари, турли муассасалар ва жисмоний шахслар фаолиятидан иборат эди. 1936 йилги Сталин конституциясидан бошлаб, социалистик конституциялар прокуратура макomini энг мухим давлат органларидан бири ўларок мустахкамлаган. Одатда социалистик прокуратура—парламент томонидан расман ўз ваколати муддатига ёки ундан хам кўпроқ муддатга тайинланадиган бош прокурор томонидан бошкарилувчи органларнинг алохида ташкил этилган

тизимидир. Бош прокурор парламент олдида ўз фаолияти учун расман жавобгар ҳисобланади. У прокурорларни тайинлайди. Прокурорларни тайинлаш ва озод этиш ҳақидаги ҳақиқий қарор коммунистик партиянинг тегишли инстанциялари томонидан қабул қилинади.

Маслан, КНДР Конституциясининг 143-146-моддаларига мувофиқ прокурорлик фаолияти Марказий прокуратура, провинциал (марказга тобе шаҳар), шаҳар (туманлар, уезд прокуратуралари ва махсус прокуратуралар) томонидан амалга оширилади. Прокуратураларнинг мажбурият (вазифа)ларига қуйидагилар қиради:

1) давлат органлари, корхоналар, жамоат-ширкат ташкилотлари ва фуқаролар томонидан давлат қонунларини аниқ бажарилиши (ижроси) устидан назорат;

2) давлат органлари чиқарган қарорлар ва фармойишларнинг конституцияга, қонунларга, Президент чиқарган ҳужжатларга, Марказий Халқ қўмитаси, Олий Халқ мажлиси, Доимий кенгаши, Маъмурий кенгаш ҳужжатларига зид келмаслиги устидан назорат;

3) “Ишчи, деҳқонлар ҳокимияти ва социалистик тузумни” ҳар қандай ҳавфдан қутқариш, давлат ва жамоат-ширкат мулки, конституциявий ҳуқуқлар, фуқароларнинг ҳаёт ва мулкларини муҳофаза қилиш (прокуратуралар бунини “жиноятчилар ва қонун бузувчиларни фож этиб ва уларни қонунга мувофиқ жазога тортиб” амалга оширади).

Прокуратура фаолиятига Марказий прокуратура раҳбарлик қилади, у прокурорларни тайинлайди ва лавозимидан озод қилади. Марказий Прокуратуранинг раиси конституциянинг 76-модда, 8-бандига мувофиқ Олий халқ мажлиси томонидан тайинланади ва лавозимидан озод этилади. Барча прокуратуралар ўз фаолияти давомида Олий халқ мажлиси, Президент ва Марказий халқ қўмитаси олдида масъулиятли бўлган Марказий прокуратура ва бошқа юқори мақомли прокуратураларга бўйсунди. Олий халқ мажлиси бир йилда бир неча мажлис қилиш (унинг таркиби ва унга олинадиган қарорлар ҳақида гапирилмаса ҳам бўлади) ва марказий халқ қўмитасининг Президент томонидан бошқарилишини эшлашнинг ўзи ҳам етарли ва бундан шу нарса аниқ бўладики, прокуратура-Президентнинг жазоловчи муассасасидан бошқа нарса эмас.

Хитой халқ Республикасининг амалдаги конституциясининг (1982), 129-моддасига мувофиқ қонунийлик



устидан назорат олиб боришга йўналтирилган прокуратура ташкилий жаҳатдан номарказлаштирилган. Конституциянинг 101-моддаси 2-кисмига биноан, уезд ва ундан юкори даражадаги Халк вакиллари маҳаллий мажлислари тегишли даражадаги халк прокуратуралари бош прокурорларни сайлаш ва вазифадан озод қилиш ҳуқуқига эга; бундай қарор юкори лавозимда ўтирган бош прокурорга етказилади ва юкори даражали халк вакиллари мажлисининг доимий кўмитаси томонидан тасдиқланади. Барча прокуратуралар давлат ҳокимиятлари олдида масъулдир (яъни халк вакиллари ва уларнинг доимий кўмиталари олдида).

Ушбу анъана қандайдир бир даражада баъзи бир постсоциалистик мамлакатларнинг янги конституцияларида ҳам мавжуд. Масалан, Словакия Конституциясида белгиланишича, давлат манфаатларини қонунига мувофиқ муҳофаза қилувчи прокуратура органи Миллий кенгаш тақлифига биноан Президент томонидан тайинлаб қўйиладиган ва қерак бўлса қақриб олинадиган Бош прокурор томонидан бошқарилади.

Туртинчи гуруҳга мансуб мамлакат Буюк Британиядир, бу мамлакатда прокуратура органи йўқ. Бош Атторней вакиллари зарур ҳолларда суд мажлисларида айбловчи сифатида сўзга чиқа олмайдиған адвокатлар корпусига раҳбарлик қилади. Ўта муҳим жиной ишлар эшитилаётганда айбловни махсус лавозимли шахс-оммавий тингловчилар директорининг ўзи қўллаб-қувватлайди.

## 2. Адвокатура

Бу жисмоний ва юридик шахсларга, жумладан оммавий ҳокимият органлари ва оммавий муассасаларга юридик хизматлар қўрсатувчи профессионал, олий тоифали, малакали юрист-ҳуқуқшуносларнинг бирлашмасидир. Адвокатура одатда жамоатчилик муассасаси (институт) ҳисобланади ва баъзида унга оммавий ваколатлар ҳам берилади. Конституцияларда қамдан-қам ҳолларда адвокатура ҳақида эслаб ўтилади. Мисол тариқасида Болгария Конституциясининг 134-моддасини оладиган бўлсак, унинг 1-кисмига қўра “адвокатура—эркин, мустақил ва узини - узибошқаради. У фуқаролар ва юридик шахсларга уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда ёрдам беради” (2-кисмига мувофиқ адвокатура фаолиятини ташкил этиш ва унинг таркиби қонуни билан тартибга солинади).

Айтиш лозимки, кўпчилик мамлакатларда адвокатура хакида конституцияларда тухталмаган бўлишига карамай, адвокатуранинг макоми конунлар билан тартибга солинади. Истисно тарикасида Буюк Британиядаги икки адвокатлик корпорация (уюшма)сидан бирини—давлат томонидан ташкил этилиши ва фаолиятига ҳеч қандай аралашув йўл кўйилмайдиган барристерлар корпорациясини эслаб ўтиш мумкин. Ушбу катта имтиёзларга эга бўлган корпорация факат олий суд билангина иш олиб боради. Шунингдек, бошқа бир корпорация ҳам мавжуд—бу 1974 йилдаги солиситорлар хакидаги Акт (ҳужжат) билан тартибга солинадиган юридик ҳамжамиятга бирлашувчи Солиситорлар корпорация (уюшма)си. Солиситорлар барристаерлар ва миждозлар орасида воситачи сифатида намоён бўладилар, барристерлар учун ишларни тайёрлайдилар ва ўзлари ҳам унчалик мураккаб бўлмаган ишларни олиб борадилар. Улар олий ва Аппеляция судлари назорати остида фаолият кўрсатадилар. Умуман шуни таъкидлаш жоизки, Буюк Британияда суд ҳокимияти тизимидаги ҳар қандай лавозимга факат адвокатура орқали ўтиш мумкин. Адвокатлар кўпчилик маъмурий лавозимларга тайинланиш чогида, университет кафедраларига ўтишда қатор имтиёзларга эгадирлар.

АҚШда Америка юристлар ассоциация (уюшма)си энг эътиборли (обрўли) адвокатлар бирлашмаси ҳисобланади. Штатларнинг ўз адвокатлик бирлашмалари мавжуд. АҚШда адвокатлик фаолиятини тартибга солувчи ягона конун мавжуд эмас: штат конунчилиги, суд коидалари, бир қатор штатларда эса меъёрий тартибга солишнинг манбалари бўлиб адвокатлар бирлашмаларининг низомлари ҳисобланади.

Францияда адвокатура фаолияти 1971 йилда қабул қилинган баъзи суд ва юридик касб (профессия)ларнинг ислох қилиниши хакидаги конун билан тартибга солинади. Адвокатлар суд округлари бўйича автоном коллегияларга бирлашган, адвокатлар Миллий ассоциацияси эса, адвокатларнинг профессионал маҳоратини, малаксини ошириш ва ижтимоий таъминланишига оид масалалари билан шугулланади.

Германияда адвокатура макоми 1959 йилда қабул қилинган адвокатура тугрисидаги конун билан тартибга солинади. Ер (вилоят)ларнинг олий судлари ихтиёридаги суд округларида ва федерал суд палатаси конунида ягона федерал адвокатлар палатасига бирлашувчи адвокатлар коллегиялари тузилади. Бу адвокатлик

бирлашмалари оммавий-хукукий корпорациялар бўлиб ҳисобланади ва адлия идоралари—шунга мувофиқ тарзда федерал ва вилоят юстиция идоралари назорати остида бўлади.

Адвокатлар хизмати жуда қиммат ва демократик мамлакатларнинг қонунчилиги қам таъминланганларга тўла давлат ҳисобидан юридик хизмат беришга қадар, турли имтиёзларни қўзда тутди. Баъзи мамлакатларда бунинг учун оммавий (жамоат) адвокатлик институтлари мавжуд.

### 3. Бошқа турли ёрдамчи органлар ва муассасалар

Мазкур органлар фаолияти деярли қамдан-қам ҳоллардагина конституцияларда ҳукукий тартибга солинади, бироқ бундай нормаларга мисоллар топиш мумкин.

Масалан, Руминия Конституциясининг 129-моддаси суд ҳокимияти хизматида бўлган суд полицияларини қўзда тутди; Словения Конституциясининг 137-моддаси, 2-қисмида қонун билан тартибга солинган мустиқил хизмат сифатида нотариат ҳақида эслатиб ўтган; Болгария Конституциясининг 128-моддасида белгиланганидек, тергов органлари суд ҳокимияти тизимида туради ва жиной ишлар бўйича дастлабки терговни амалга оширади.

Одатда бундай органларнинг мақоми ҳақат жорий қонунчилик билан тартибга солинади.



деконцентрациялаш, яъни жойларда махаллий хокимият вакиллари томонидан амалга ошириладиган назоратни сусайтиришдан иборатдир. Иктисодиётнинг усиши, ишлаб чиқариш кучларининг янги даражага кутарилиши натижасида мазкур ислохотлар объектив равишда вужудга келди. Буларнинг барчаси узини-узи бошқариш ва давлат органларини узгарувчан вазиятга нисбатан мослашувини талаб этди.

Жуда куп холларда махаллий хокимиятни ташкил қилиш масалаларига бағишланган хорижий ва юртимизда нашр этилган асарларда «махаллий узини-узи бошқариш» ва «махаллий бошқариш» тушунчалари кулланилади, махаллий бошқариш тизими ва махаллий узини-узи бошқариш тизимининг сон жихатдан турли даражалари курсатилади. Бунда махаллий узини – узи бошқариш ва махаллий бошқариш уртасидаги даражаларнинг аниқ фарқи курсатилмайди.

Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, мазкур тушунчаларни бир бирига карама қарши қуйиш керак эмас, махаллий бошқарув тушунчаси жойлардаги давлат маъмуриятини ҳамда фуқаролар томонидан сайланувчи органларни яъни махаллий узини – узи бошқариш органларини уз ичига олади, чунки махаллий узини – узи бошқариш махаллий бошқаришнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Бошқа тадқиқотчилар эса махаллий узини – узи бошқариш ва махаллий бошқариш тизими уртасида баъзи карама – қаршилиқлар мавжуд, деб ҳисоблайдилар. Махаллий бошқариш деганда махаллий ҳудудий бирликдаги марказий хокимият ёки юқори ҳудудий даражадаги маъмурият томонидан амалга ошириладиган бошқариш фаолияти тушунилади. Одатда, махаллий бошқариш юқори хокимият томонидан тайинладиган маъмурий органлар томонидан амалга оширилади. Демак, «махаллий узини узи бошқариш» ва «махаллий бошқарув» термини айнан бир нарса эмас. Махаллий узини узи бошқаришга хос энг муҳим хусусият – сайланишдир. Махаллий узини узи бошқариш органлари – бевосита фуқаролар томонидан сайланадиган органлардир. Махаллий бошқарув – марказий хокимият томонидан тайинладиган органдир. Узини узи бошқарув – сайланадиган, бошқарув – тайинладиган орган булиб, бу улар уртасидаги асосий фарқдир.

Махаллий узини – узи бошқариш махаллий ҳудудий бирликда яшовчи аҳолининг фаолияти сифатида, яъни ҳудудий жамоа ва у томонидан сайланувчи органларнинг махаллий масалаларни хал этиш фаолияти сифатида талқин этилади.

Лекин улар бир масалада бир хил фикр билдирадилар: маҳаллий бошқарув ва узини – узи бошқариш бевосита аҳоли билан, унинг кундалик ҳаёти билан боғлиқдир.

Шунинг учун «маҳаллий бошқариш» тушунчасининг моҳиятини ёритиб ўтиш лозим. «Узини-узи бошқариш» тушунчаси (Selfgovernment) Англия революциясидан кейин 17 – асрда вужудга келган бўлиб, энг аввало инглиз халқининг умумий ҳолатини англатган. Шу даврдан эътиборан маҳаллий бошқарув узини – узи бошқариш деб аталмайдиган бўлди. Инглиз халқи узини – узи мустақил бошқарадиган бўлди. Мустақил ва халқ манфаатини кузламайдиган монарх ҳокимияти тугатилди, халқ парламент бошқаруви тизимида олий мансабдор шахсга айланди.

Британия сиёсий тизимини тадқиқ қилган хорижий ҳуқуқшунослар «Узини – узи бошқариш» (Selfgovernment) терминини механик равишда узгача сиёсий вазиятга эга бўлган Европа континентига олиб кирдилар. Прус ҳуқуқшуноси Р. Гнест таъбири билан айтганда, инглиз муниципалитети маҳаллий узини – узи бошқариш бўлиб, бу атама автоматик равишда Пруссия ерларига ҳамда шаҳар маҳаллий бошқарувига олиб кирилди.

Маҳаллий ҳокимият органларининг самарадорлиги, маълум даражада, уларнинг тузулмавий таркиби, ваколат доираси, молиялаштириш усуллари ва даражаси билан мазкур органлар вазифасининг узаро мутаносиблигига боғлиқдир.

Барча Ғарбий Европа давлатлари узини – узи бошқаришнинг маълум бир даражасига эга бўлган, у ёки бу шаклдаги маҳаллий бошқарув тизимига эгадир. Ғарб манбаларида таъкидланишича, маҳаллий узини – узи бошқаришга алоҳида тизим сифатида эмас, балки давлат тизимининг бир қисми сифатида қараш лозим. Маҳаллий автономия сиёсий ва ғоявий йўналишдаги омилдир. Узини – узи бошқариш демократик тамойиллар асосида қурилган давлат тизимининг асосий элементларидан бири бўлиб, сиёсий партиялар, марказлаштириш ҳамда марказлаштиришдан қочиш (децентрализация) тарафдорлари уртасидаги қурашга сабаб бўлган муаммо бўлиб келган. Айнан шу туфайли Ғарбий Европада маҳаллий бошқариш органларининг таракқиёти бир неча босқичдан иборат бўлган.

Бугунга кунда бу давлатлар 60 – йилларда бошланган навбатдаги босқични бошдан кечиряпти. Мазкур босқичда маҳаллий бошқариш тизими ислохотлари нисбатан барқарор конституцион

тизимга эга давлатларга (Буюк Британия, Нидерландия, Скандинавия давлатлари, Бельгия) ҳам, урушдан кейинги йилларда давлат тузумида жиддий узгаришлар руй берган давлатларга (Франция, ГФР, Италия, Испания) ҳам таъсир курсатди.

Мазкур давлатларда маҳаллий бошқаришнинг ҳар хил даражаларига тааллуқли ислохотлар турли тарзда амалга оширилди, аммо уларнинг барчаси маҳаллий ва марказий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари уртасидаги муносабатларга, турли даражадаги маҳаллий ва минтакавий бошқариш тизими уртасидаги муносабатларга тааллуқлидир.

Гарбий Европада маҳаллий органлар тизими маъмурий- ҳудудий булинишга мувофиқ амалга оширилади, унитар давлатларда эса марказий ҳокимият ваколатига киради, федератив давлатларда эса федерация субъектларининг фаолият доирасига киради.

Лекин ҳудудий бирликлар ҳамма вақт ҳам аҳоли томонидан сайланадиган органларга эга булавермайди. Куп ҳолларда, масалан, Франция кантонларида ва округларида, Германия округларида тугридан-тугри давлат бошқаруви амалга оширилади, уларда вакиллик органлари ташкил этилмайди.

Гарбий Европа мамлакатларида, одатда, шаҳар ва қишлоқ коммуналари маҳаллий узини-узи бошқаришнинг бошланғич ячейкаси ҳисобланади, улар турлича номланади, шунингдек, аҳоли сони ва ҳудуд улчами жиҳатидан бир-биридан кескин фаркланади.

Гарбий Европада амалга ошириляётган ислохотларни, шартли равишда, бир-бирини тулдирувчи ҳамда узаро алоқадор уч турга булиш мумкин, яъни тузилмавий, функционал ва ташкилий ислохотлар сифатида тавсифлаш мумкин.

1. Тузилмавий ислохотлар маҳаллий бошқаришнинг турли босқичлари уртасидаги ташкилий муносабатларга тааллуқлидир. Маҳаллий бирликларнинг ҳудудий ислохоти, бошқаришнинг минтакавий даражасини тузиш шулар жумласидандир.

Муниципалитетларни мустаҳкамлаш ушбу ислохотларга ҳос хусусиятлардан биридир (Буюк Британия, ГФР, Скандинавия ороллари). Хорижий адабиётларда таъкидланишича, 2-жаҳон урушидан кейинги даврда ижтимоий вазифалар куламининг купайиши, шунингдек мазкур масалаларнинг маҳаллий даражада ҳал этилишига таъсир курсатиш ҳақидаги омма талаби купгина ижтимоий вазифаларнинг марказий даражадан муниципал даражага утишига, марказлашган тизимдан марказлашмаган тизимга утишига

сабаб булди. Кундан-кунга усиб бораётган ижтимоий масалаларни хал килишнинг шрти муниципалитетларни, биринчи навбатда, кишлок шароитида мустахкамлашдан иборатлиги аён булди.

2. Функционал ислохотлар махаллий, минтакавий ва марказий бошқариш даражалари уртасидаги функционал муносабатларни қайта таксимлашга қаратилган. Мазкур ислохотлар тузилмавий ислохотлар билан деярли бир вақтда амалга оширилган ва куп холларда марказлаштириш ва марказлаштирамаслик тушунчалари билан боғлиқ булган. Айти вақтда, мазкур тушунчалар унитар давлатда ёки федерация субъектида махаллий узини – узи бошқариш органлари эга буладиган эркинлик даражасини уз ичига олади. Функционал ислохотлар натижасида ҳуқуқ ва мажбуриятлар, ваколатлар ва масъулият масалалари қайта таксимланади, ҳамда куп холларда, қонуний асосда амалга оширилади. Бу ислохотлар даврида ҳамма вақт давлат томонидан марказий бюджет ҳисобидан ва махаллий тушумлар ҳисобидан ажратилаётган молиявий ресурслар қайта таксимланади.

3. Ташкилий ислохотлар жойлардаги ҳокимият ва бошқариш органларининг ички тузилмасига тааллуқли булади. Бундай ислохотлар махаллий вакиллик муассасалари ва ижроия органлари уртасидаги узаро муносабатларга тегишлидир.

Юқорида қайд этилган барча ислохотлар у ёки бу даражада Гарбий Европа давлатларига тааллуқлидир.

Марказлашган давлатлар шаклланиши натижасида ижтимоий ҳаётга доир икки тизим уртасида – марказлашган ва марказлашмаган тизим уртасида оммавий ҳокимият «иккига булинди», лекин жамоаларни ягона марказлашган давлат сифатида «бирлаштириш» жараёни бир хил амалга оширилмаганидек, оммавий ҳокимиятнинг марказлашмаган даражаси ҳам турлича шакллантирилган.

Буюк Британияда жамоаларнинг умумдавлат бошқарув тизимида киритилиши мазкур жараёнга ҳос хусусият булган, лекин бунда уларнинг махаллий бошқариш тузилмаси сақланган. Мазкур тузумда халқ ҳокимияти парламент ва ижроия органлари томонидан амалга оширилади, ижроия органлари парламент (ҳукумат) ҳамда тегишли ҳудудлардаги аҳоли (муниципалитетлар) томонидан тузилади.

Айнан Британия оролларида муниципал бошқарувнинг англо-саксон модели яратилган. Бу модель махаллий узини-узи бошқаришнинг континентал тизимидан фарқли уларок, бутунлай бошқа шароитда шаклланган. Англо-саксон модели махаллий



жамоалар, кавмлар, шунингдек шаҳарлар негизида юзага келди, уларни бошқариш тизими аста-секин мамлакатни бошқаришнинг давлат вертикалига киритиб борилди.

Жаҳонгир Вильгельм I (XI аср) ҳукмронлиги давридан бошлаб узини-узи бошқарувчи англосаксон жамоаларига кенг микёсда автономия берилган, бу автономия нафакат қирол ҳокимиятининг курсатмаларини бажариш масаласига, балки қонунлар чиқаришга ҳам тааллуқли бўлган. Жойлардаги ҳудудий органларга бошқарув фаолиятининг барча жабҳалари, ҳатто суд-полиция функцияларини бажариш ваколати ҳам ишониб топширилган. Давлат қурилишининг такомиллашуви жараёнида бошқариш функцияси билан ҳуқуқни ҳимоя қилиш фаолияти бир-биридан ажралган, лекин умуман олганда муниципал бошқаришнинг ҳуқуқий давлатчилик хусусияти узгармаган. Британия оролларида муниципалитетлар ҳеч қачон ҳокимиятни амалга оширишнинг давлат шаклидан ажратилган эмас. Олий ҳокимият ҳамма вақт энг аввало қонун чиқарувчи ҳокимият бўлган бўлса, маҳаллий ҳудудий ҳокимият ижроия ҳокимияти бўлган ва ҳозир ҳам айнан шундайдир. Шу сабабли юқорида қайд этиб утилганидек, Англия қонунчилигида муниципалитетларга нисбатан “узини-узи бошқариш” термини қўлланмайди.

Муниципал бошқаришнинг марказий давлат ҳокимиятига нисбатан нисбий мустақиллиги, маҳаллий аҳоли ҳаётига доир қўпгина масалаларни ҳал этишда ҳуқуматга тобе эмаслиги; жойлардаги сайланувчи органлар фаолиятини назорат қилувчи ҳуқумат вакилларининг йўқлиги – буларнинг барчаси Англиянинг замонавий муниципал бошқариш тизимига ҳос хусусиятлардандир. Лекин ҳуқумат маҳаллий узини-узи бошқариш органларининг иш фаолиятига уз таъсирини қўрсатади.

Барча инглиз таджикотчиларининг фикрича, муниципал органларнинг ваколат доираси парламент ваколати доирасининг ҳосиласидир, муниципалитетларнинг давлатга ҳос жиҳатларга эгаллиги шак-шубҳасиздир. Шу сабабли Буюк Британия парламенти ва марказий ҳуқумати қўпгина ҳолларда муниципалитетларга тегишли ҳудудлар доирасида давлат бошқарувига доир вазифаларни юқлайди.

Булар сайланувчи ваколатли органлар фаолиятининг туб моҳиятини белгилайди.

Узини-узи бошқаришнинг инглиз моделига ҳос хусусиятларидан бири шундан иборатки, муниципал органлар қонунда белгиланган вазифаларнигина амалга оширадилар.

Инглиз тадкикотчиси Д.Дженингснинг фикрича: “махаллий хокимиятлар жойларда миллий сиёсат масалаларини хал этувчи марказий хокимият агентлари булишлари лозим”.

Марказий ҳукумат ва махаллий бошқариш органлари уртасидаги амалий муносабатлар шуни курсатадики, махаллий хокимият, дарҳақиқат, “марказий хокимият агенти” мақомига эга була бошлаган. Бу Британия конунчилигида ҳам акс этган. 1980 йилдаёқ “Махаллий бошқариш тугрисида”ги Конунга мувофиқ, тегишли вазирларга графлик кенгаши ва округ кенгаши фаолиятига доир деярли барча масалалар юзасидан курсатмалар бериш ҳукуки берилди, 1984 йилдаги “Махаллий бошқариш тугрисида” ги Конунга мувофиқ, метрополитен округларининг махаллий солиқ ставкаларини белгилаш ҳукуки бекор килинди.

Гарбий Европа давлатлари махаллий бошқариш тизими тадкикотчиларидан бири В.Баранчиков фикрича: “Буюк Британияда муниципал орган ваколатлари, уларнинг марказий ҳукумат, вазирликлар ҳамда вазирлик департаментлари билан узаро муносабатлари парламент актларига мувофиқ белгиланади”.

У мунтазам равишда айрим муниципал орган шаклларига доир катта ҳажмли конунлар қабул қилади, сунгра ҳар йили ёки зарур ҳоллардагина амалдаги конунларга қушимчалар киритади ҳамда алоҳида брошюралар, китоблар шаклида ёки бошқа бир шаклда нашр этади. Парламент йигилган конунлар юзасидан махаллий бошқариш тугрисида конун қабул қилиши мумкин, мазкур конунларда белгиланган амалдаги меъёрларнинг барчасини узғаришсиз системага солиб, бир мажмуага туплаши, яъни инкорпорациялаши мумкин.

Бу эса муниципал бошқариш тугрисидаги конун ҳужжатларини “саралаш”, ҳукукий тартибот самарадорлигини ошириш, муниципал бошқаришнинг ҳукукий асосларини мунтазам равишда янгилаб бориш имконини беради.

Замонавий муниципал органлар тизими махаллий бошқариш ҳақидаги иккита парламент актларига мувофиқ тузилган, яъни 1972 йилдаги “Махаллий бошқариш тугрисида”ги (Англия ва Уэльс) ҳамда 1973 йилдаги “Махаллий бошқариш тугрисида”ги Конунга (Шотландия) мувофиқ тузилган.

Мазкур модель махаллий аҳолига ва унинг вакиллик органларига мансабдор шахслар ва муниципал маслахатчилар фаолиятини кенг қуламда назорат қилиш имконини беради, айниқса, пул маблағлари, улардан фойдаланиш, муниципалитетдан иш ҳақи

оладиган ёлланма ходимлардан иборат булган ижроия хокимиятининг маъмурий фаолиятини назорат килиш имконини беради.

Хар бир графлик кенгаши раис ва 70-90 та муниципал маслахатчилардан иборат булади, айрим йирик шаҳарларда ва агломерацияларда уларнинг сони 150 тага етади. Округларда ва уртача шаҳарларда кенгашлар 25-35 кишидан иборат булади. Кавм кенгашлари уртача 8-10 кишидан иборатдир. Хар йили маслахатчилардан бири Кенгаш раиси этиб сайланади. Хар бир маслахатчи маълум бир сайлов округидан сайланади, уларнинг чегарасини давлат котиби белгилайди.

Кавм кенгашлари 200 ва ундан ортик сайловчилардан иборат булган кавмларда сайланади. 1985 йилда Буюк Британия Парламенти Лондон ва умуман, Англиянинг маҳаллий бошқаруви тугрисида конун қабул қилди, мазкур Конун маҳаллий бошқариш масалаларига, туман (шаҳар) ва округ графликлари кенгаши ваколатига катта узгартиришлар киритди. Бу ниҳоятда узига хос хусусиятга эга булган бошқариш органи тизимининг шаклланишига ёрдам берди, Британия тарихида бундай тизим мавжуд булмаган, бошқа Гарбий Европа давлатларида ҳам бундай аналоглар булмаган. Маҳаллий бошқариш тугрисидаги кейинги, 1988 йилдаги акт мазкур тенденцияни янада ривожлантирди, у жойларда фаолият курсатаётган бошқариш органларининг асосий шакллари мустахкамлайди. Хамма даражалардаги муниципалитетлар (графлик, округ кенгашлари, Лондон туман кенгашлари, кавм органлари) конунга мувофиқ мазкур органлар жумласига киради. Шунингдек, марказий ҳукумат департаментларига тегишли турли мустақил тузилмалар: шаҳар тараккиёти корпорацияси, полиция ва ёнгинага қарши хизматлар, графлик метрополитен йуловчи транспорти хизматлари, бирлашган таълим кумиталари ва авваллари муниципал бошқариш тасарруфида булган купгина ижтимоий хизмат турлари маҳаллий органларга киритилган.

Парламентнинг мазкур конунида муниципалитетларнинг марказий ҳукумат олдидаги жавобгарлиги масаласи тулаконли акс эттирилган. 1972 йилги “Маҳаллий бошқариш тугрисида” ги Конунга (Англия ва Уэльс) ва 1973 йилдаги Конунга (Шотландия) мувофиқ муниципалитетларга “Корпорация” макоми берилган, яъни оммавий муассасалар (маъмурий – ҳукукий муносабат субъектлари) ҳукукига эга булган муассасалар макоми берилган. Графлик кенгаши, округ

кенгашлари учун раис ва маслахатчидан иборат булган муниципалитетлар корпорация хисобланади. Кавм кенгашлари гарчи мухрга эга булмасалар ҳам корпорация саналган. Иккита маслахатчи имзоси мухр урнини босган. Кенгашга эга булмаган кавм йигинлари корпорация була олмайди.

Марказ ва муниципалитетлар уртасидаги муносабатлар “Ваколатлар доирасидан чиқиш ва уз ваколатлари доирасида фаолият юритиш” доктринасига асосланади. Марказий ҳукуматга буйсунмаган холда, барча муниципалитетлар оммавий ҳуқуқ корпорациялари сифатида муайян муниципалитет (Adoptive act) ҳақида конун қабул қилиш, маҳаллий бюджетга туланадиган ажратмаларнинг солиқ ставкаси ҳақидаги масалани ҳал этиш, маҳаллий бюджетга ажратиладиган дотация тизимини ва маҳаллий бюджетни шакллантирувчи бошқа марказлашган манбаларни узгартириш ва бошқа масалалар юзасидан Парламентга мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадир.

Айни вақтда, марказий ҳокимиятга нисбатан автоном хисобланган Буюк Британия муниципалитетларини вазирликлар, суд органлари каттик назорат қиладилар.

Давлат қотиби муниципал органларнинг хужалиқ фаолиятини назорат қилиш масаласида амалда чекланмаган ҳуқуқларга эгадир. У жорий йилда олинган фойдани сарфлаш масаласини, муайян ишларни тугатиш учун зарур буладиган қушимча кредитлар масаласини ҳал қилади, келгуси йил учун молиявий режа тузиш мақсадида жорий йилнинг 31 октябригача молиявий ҳисобот берилишини талаб қилади.

Бу молиявий ҳисоботлар нусхаси аудиторга ҳам юборилади, аудитор муниципал орган амалга оширган ишларнинг барча молиявий хужжатларини текширади.

Давлат қотибининг молиявий масалаларга доир талаблари бажарилмаган холларда, у ишларнинг молиялаштирилишини тухтатиб қуйиши ёки муниципалитетни бу ишлардан четлаштириши мумкин, бу ҳолатда мазкур масалалар судда ҳал қилинади.

«Ваколатлар доирасидан чиқиш ва ваколатлар доирасида иш юритиш» доктринаси ҳукумат департаментларига муниципалитетларни назорат қилиш, уларнинг фаолиятини текшириш имконини ҳам беради, натижада муниципалитетларнинг ваколатлари ва хизматлари вақтинча бошқа маҳаллий органларга ёки

вазир томонидан тайинланадиган мансабдор шахсга берилиши мумкин.

Хукумат, айникса, молиявий сохани (субсидияларни, карзларни, махаллий солиқларни) ҳамда кадрлар сиёсатини каттик назорат килади. Муниципалитетлар ва унинг мансабдор ходимларига нисбатан даъволар буйича, айникса, фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилган ҳолларда, жуда кучли санкциялар кулланилиши мумкин.

Британияда махаллий бошқарув манфаатларини марказий ҳокимият фаолияти мақсадлари билан мувофиқлаштириш учун графлик, округ ҳамда куйи бугинлар (кавмлар) – муниципал тизимлар ассоциацияси мавжуд. Улар, одатда, муस्ताкил фаолият курсатади, ҳукумат вазирлари билан узаро алоқалар урнатади. Масалан, Шотландияда муниципал ҳокимиятларнинг ягона ташкилоти фаолият юритади, улар ёрдамида Шотландия ишлари буйича вазир минтакавий ва махаллий бошқарувга парламент ажратган давлат субсидияларини тақсимлайди. Хорижий давлатшунослар фикрича, бу муниципал бошқарувнинг анча самарадор институтидир.

Бу ассоциацияларнинг аксарияти Махаллий ҳокимиятларнинг халқаро кенгаши (AULA) ишида фаол иштирок этади. Бу кенгаш нуфузли халқаро нодавлат ташкилоти булиб, унинг асосий вазифаси муниципалитетларнинг узаро ҳамкорлиги учун зарур шарт-шароитлар яратиш, эндигина оёққа тураётган махаллий органларнинг муниципал тузилмалари ривожига узаро кумаклашиш, уз давлатларида ҳамда жаҳон миқёсида махаллий узини-узи бошқариш тизими манфаатларини ҳимоя қилиш ва куллаб-қувватлашдан иборатдир.

Бизнинг назаримизда, бу давлатларнинг махаллий ҳокимиятни ташкил этиш борасида юзага келадиган муаммоларни ҳал этиш тажрибаси эътиборга моликдир. Бу ерда муниципал тузилма бошлиги лавозими мавжуд эмас.

Британия оролларида, Сити муниципал бошқаруви бундан мустасно, муस्ताкил мансабдор шахс мақомига эга булган мэр лавозими умуман йук. Унинг ваколат доирасига қирувчи ишларни муниципал кенгаш раиси амалга оширади, доимий комиссияларнинг ваколатли органлари ишини ташкил этади, жамоатчилик билан мунтазам алоқа урнатади, доимий комиссиялар кумагида муниципал ижроия аппарати фаолиятини назорат килади, муниципал бошқарув раҳбари ва унинг ходимлари билан мунтазам иш олиб боради,

муниципал бошқарув аъзолари, шу жумладан ижроия ҳокимияти раҳбари ҳам муниципал кенгашнинг ёлланма ходимлари ҳисобланади, яъни муниципал хизмат штабини ташкил этади, умуман унинг фаолияти муниципал кенгаш фаолияти билан биргаликда маҳаллий менеджмент (local management) деб номланади. Мазкур менеджментда муниципал маслаҳатчилар ҳам, уларнинг комиссиялари ҳам, жамоатчилик ҳам, ёлланма ходимлар ва уларнинг бошлиғи ҳам иштирок этади. Муниципал кенгаш раиси раҳбарлигидаги ишчи гуруҳи юзага келади. Умуман олганда шуни таъкидлаш жоизки, маҳаллий узини-узи бошқаришнинг узбек тизими, “Фуқароларнинг маҳаллий узини-узи бошқариш тугрисида”ги Қонун матнидан келиб чиққан ҳолда, Британия моделига ҳос булган хусусиятларни узида акс эттирса мақсадга мувофиқ буларди.

Гарбий Европадаги у ёки бу мамлакатга ҳос географик ва демографик узгаришлар, шунингдек, сиёсий тузум ва ҳуқуқий тизим маҳаллий бошқарув эволюциясига таъсир курсатиши мумкин. Масалан, қупгина Гарбий Европа мамлакатларига ҳос хусусият шундан иборатки, маҳаллий бошқарувда юқоридан тайинланадиган марказий ҳокимият вакилининг, «яъни жойлардаги тугридан-тугри давлат бошқарувининг» ёки «маҳаллий давлат бошқарувининг» роли катта. Бунда жойлардаги давлат бошқаруви, аксарият ҳолларда, минтақавий даражада амал қилади. Бу маҳаллий бошқаришнинг француз моделига ҳосдир.

Францияда узини-узи бошқаришни ташкил этишнинг асосий тамойилларига XVIII аср охири XIX аср бошларида асос солинган бўлиб, улар Буюк Британиянинг маҳаллий бошқарувидан фарқ қилган.

В.В.Махлаков фикрига қура: “Гарбий Европа мамлакатларида бутун бошқарув тизимининг вужудга келиши учун асос булган француз маҳаллий бошқарувига ҳамма вақт қучли иерархия ҳамда марказий ҳокимиятга тобе булиш ҳос булган”. Бу марказий ҳокимият томонидан маҳаллий органлар устидан урнатилган маъмурий назоратнинг қучайишида, марказ ва жойлар муносабатидаги бюрократик субординацияда намоён булди.

Францияда, дунёнинг айрим мамлакатларида булганидек, бошқарувнинг турт даражаси: коммунал, департамент, минтақавий ва миллий даража мавжуддир.

Францияда коммуналар маҳаллий бошқарув асоси ҳисобланиб, 1989 йилда уларнинг сони 36394 та булган, уларнинг 22731 тасида

ахоли сони 500 кишидан кам булган. 15 департаментдаги 35 та коммунада ахоли сони 16 кишидан ошмаган. Мантикка мос келмайдиган жихати шундаки, айтиб утилган 35 коммунанинг 12 тасида ахоли сони 9 тадан кам булган, конунга мувофик эса, улар 9 кишидан иборат кенгаш сайлашлари лозим. Мамлакат 96 департаментга, департаментлар эса 325 округга ва 4016 та кантонга булинган. Бундан ташкари, яна 5 та денгиз орти департаменти мавжуд, Франциянинг узида 22 та минтака ва 4 та денгиз орти минтакаси мавжуд. Бугунги кунда округ ва кантонлар сайлов органларига эга эмас, уларнинг мавжудлиги бошкарувнинг кулайлигини англатади. Гарбий Европа мамлакатлари сингари Францияда ҳам, мунтазам равишда махаллий бошкарувни ислох килишга харакат килинган. Махаллий бошкарувни кайта ташкил килиш борасидаги карашлар, куп жихатдан, давлат тепасида турган сиёсий партияларнинг йуналишига боглик булган.

Ислохотлар бир неча йуналишда амалга оширилган.

Биринчи йуналиш – департаментлар ва давлат бошкаруви уртасида оралик интакавий бирликлар ташкил этиш.

Ислохотларнинг иккинчи йуналиши тузилмавий кайта куриш деб номланган ва коммуналар даражасида амалга оширилган.

Учинчи йуналиш маъмурий характерга эга булган ислохотларни амалга оширишдан иборат булган. Бу ислохотлар махаллий бошкарувнинг турли жихатларига тааллукли булган.

1992 йилда амалга оширилган марказлашган тизимдан марказлашмаган тизимга утиш (децентрализация) худудий жамоалар ваколлатини кенгайтирди, узларига юклатилган вазифаларни мустакил хал килиш имконини берди. 1982 йилги ислохот префект статусини узгартирди. Префектларнинг департаментдаги ижроия хокимияти, минтакалардаги рахбарлик мавкеи, коммуналар ва департаментларга нисбатан маъмурий хомийлиги бекор килинди.

1982 йил 2 мартдаги Конунга мувофик, департаментлар ва минтакалардаги давлат хокимияти вакили лавозимининг номи узгартирилди – префектлар ҳамда супрефектлар “республика комиссарлари” ва “республика комиссари ёрдамчиси” деб аталадиган булди.

Ислохотлар натижасида префектлар роли бирмунча пасайди, лекин шу билан бирга аввалгидек марказий хокимият кучли мавкега эга булиб колаверди.

1982 йил 1 майдаги 82-389-сонли давлат декретида республика комиссарининг роли шундай белгиланган: "...департаментда давлат хокимиятини сакловчи шахс. Хукумат делегати, у бош вазир ва вазирлардан хар бирининг бевосита вакили хисобланади. Декретга мувофик давлат фукаролик хизматлари унга буйсунади... Унга, миллий манфаатларни кузлаган холда, конунлар ижросини ва жамоат тартибига риоя этилишини назорат килиш вазифаси топширилган".

Минтакалардаги республика комиссарлари хакида хам ана шундай Низомлар мавжуд.

1982 йил 2 мартдаги Конунда белгиланишича: "Республика комиссари департаментдаги давлат хизматларига рахбарлик килади". Бундан ташкари, республика комиссарига уз департаменти ёки минтакаси иктисодиётига ва ижтимоий хаётига аралашуш хукуки хам берилган.

Франция хукумати 1982 йилдан сунг махаллий бошқарув ислохоти муаммосига бир неча бор кайтди.

Демак, махаллий бошқарув тугрисида кейинчалик янги конунлар қабул қилинишига қарамай, 1982 йилги ислохот ҳудудий жамоалар ҳолатини яхшилади. Уларга олдинги даврга нисбатан катта ваколатлар берилди, мустақил иш юритиш имкони берилди, натижада махаллий масалаларни ҳал этишга аҳолининг қўлбас қисми жалб этилди. Масалан, 1982 йил Конунига мувофик, коммуналар, департаментлар, минтакалар учун уз ваколатлари доирасида иктисодиётга аралашуш, хусусан, қийинчиликларни бошидан кечираётган корхоналарга ёрдам бериш борасида катта имкониятлар берилди.

Марказлашган тизимдан марказлашмаган тизимга ўтиш махаллий хокимиятнинг аҳоли ижтимоий эҳтиёжларини тулиқроқ қондириш, янги хизмат турларини жорий этиш имконини кенгайтди. Узига хос жиҳати шундаки, бу борада биринчи навбатда махаллий бошқарув органлари ташаббус қўлатди.

Коммуналар қўпинча қўйидаги масалаларда ёрдам қўлатади:

Қарз қўлати;

Ижарага бериш мақсадида корхона учун бино сотиб олиш;

Қўлда ва субсидиялар;

Қўлбас имтиёзлар;

Қасб таълими борасида ёрдам бериш.



Айни вақтда маҳаллий даражада ҳукумат махсус вакилининг мавжудлиги давлатга анчагина кучли мавкени саклаб туриш имконини беради.

Шуни таъкидлаш жоизки, Франция маҳаллий бошқарув органлари ваколат доирасини ҳуқуқий жихатдан тартибга солиш куйидаги тамойилга асосланади: муниципал органларга қонунда тугридан-тугри ман этилмаган ва бошқа органлар ваколатига қирмайдиган барча хатти-харакатларни амалга оширишга ижозат берилади.

Энди эса Германия Федератив Республикасида маҳаллий узини узи бошқариш тизимини ташкил этиш борасида тупланган тажрибаларга тухталиб утамиз.

ГФР да узини узи бошқариш тизими маъмурий-ҳудудий булинмаларга, узаро ёндош ерларга мувофиқ ҳолда тузилади. Мамлакат 16 ер ҳудудларидан иборат булиб, ер ҳудудлари округлар, туманлар, туман мақомига эга булган шаҳарлар ва жамоалардан ташкил топади.

16 та федерал ер ҳудудларининг барчасида аҳоли томонидан сайланадиган уз парламентлари, ҳукуматлари мавжуд булиб, федерал парламент тугридан-тугри қонун чуқарувчи, деб қайд этилмаган барча вилоятларда улар қонун чиқариш ваколатига эга. ГФР Асосий қонунида (Конституцияда) ҳам, ер ҳудудлари конституциясида ҳам жамоаларга кенг ваколатлар берилганлиги қайд этилган. Масалан, Асосий қонуннинг 28-модда 2-бандида жамоаларнинг узини узи бошқариш ҳуқуқи қафолатланади: “жамоаларга барча маҳаллий масалаларни қонун доирасида мустақил ҳал қилиш ҳуқуқи берилиши лозим”.

ГФР да давлат қурилиши масаласида куйидаги тамойил амал қилади: агар давлат уни халқ қуллаб-қувватлашини истаса, демократия қуйидан юқорига қараб қурилиши керак.

ГФР нинг Асосий қонунида белгиланишича: ”Барча давлат ҳокимияти халққа асосланади”.

Ҳамма даражаларда – федерал , ер ҳудудлари, маҳаллий даражаларда – эркин, тенг, тугридан-тугри, яширин сайловларда сайланадиган халқ вакиллари халққа хизмат қилган ҳолда, халқ номидан давлат ҳокимиятини амалга оширади.

ГФРда жамоалар давлат ҳокимиятининг энг қуйи бугини ҳисобланади, лекин айни бир вақтда энг муҳим бугин ҳам ҳисобланади. Немис олимлари жамоаларни давлат асоси, деб

атаганда айнан ана шуни назарда тутадилар. Уларнинг фикрича, давлат асосиз мавжуд булиши мумкин эмас, юкори даражалардаги давлат бошқарувининг барча хатти-харакатлари, куп жихатдан, жамоалар фаолиятига асосланади.

Шу билан бирга, истеъфодаги обер-бургомистр Клаус Вильгельм Хоффманнинг ёзишича: ”бизнинг мамлакатимизда жамоалар нафакат давлат асоси, балки унинг аъзоси хамдир, яъни улар умумдавлат хокимияти тизимига интеграциялашгандир. Улар уз хокимиятларини давлатнинг бир булагига сифатида ва унинг ваколатига кура амалга оширадилар. Бунда юкоридан берилган курсатмаларга боглик булмаган жамоа ваколатлари мавжуд, яъни масала мохиятига доир вазифаларни хал этишда хокимият иштироки ман этилган ваколатлар мавжуд. Шу билан бирга, юкори давлат органларининг курсатмаларига бевосита боглик булган жамоа ваколатлари хам бор. Бу холларда жамоалар берилган топширик юзасидан маъмурий функцияларни амалга оширади”.

Жамоа фаолиятида “Жамоалар тугрисида”ги Низом асосий конун хисобланади. ГФР да бундай Низомлар кабул килиш хукуки ер худудлари ваколатига киради, шунинг учун 16 та федерал ер худудида хар хил вариантдаги Низомларнинг амал килиши табиий бир хол хисобланади.

Энг аввало, Гарбий Федерал ер худудларида фарклар юзага келишига сабаб булган нарса шундан иборатки, 2-жахон урушидан кейинги даврларда турли оккупацион зоналар таркибига кирувчи ер худудлари махаллий конунчиликни турли давлатларда – голиб давлатларда (АКШ, Буюк Британия, Франция) шу даврда амал килган конунларга якинлаштиришга харакат килганлар. Шу сабабли Германиянинг махаллий узини узи бошқариш тизими хам англосаксон, хам француз моделига хос булган жихатларга эга, бу узини узи бошқаришнинг “гибрид”, “аралаш” шакллари хакида фикр юритиш имконини беради.

Демак, ГФР да жамоа уз вакилларига – жамоа муниципал кенгашларига эга. Жамоа вакилликка сайланганларнинг барчаси уз фаолиятларини жамоатчилик асосида амалга оширади. Турли ер худудларида бургомистрнинг хукукий мавкеи турлича белгиланади. Боварияда бургомистр бевосита ахоли томонидан сайланади, Шимолий Рейн-Вестфалияда эса муниципал кенгаш томонидан сайланади. Ахолиси 50000 кишидан юкори булган жамоаларда бургомистр “обер-бургомистр” деб аталади.

Туманлар маҳаллий узини узи бошқариш тизимининг кейинги погонаси ҳисобланади. Бу ерда уларнинг ваколат доирасига кирувчи масалалар ҳал қилинади, иккинчи томондан эса улар давлат маъмуриятининг қуйи органи ҳисобланади. Туман бошлиғи (пандрат) худди шу усулда сайланади ёки бевосита аҳоли томонидан, ёхуд туман кенгаши томонидан сайланади. Кичикрок шаҳарлар ва поселкалар туман таркибига киради ва унга буйсунади. Йирикрок манзилгоҳларнинг узи туман вазифаларини бажаради – бу шаҳар-туман ёки туман маркази каби манзилгоҳлардир.

Округлар урта инстанция, яъни ҳудуд вазирликлари ва туманлар уртасидаги инстанция ҳисобланади. Бу соф маъмурий тузилма бўлиб, улар вакиллик органига эга эмас. Округ бошлиғи (регирунгспрезидент) одатда ҳудуд ҳукумати томонидан тайинланади.

ГФР жамоаларининг ҳуқуқий мавқеини аниқ тасаввур қилиш учун Баден-Вюртемберг ерлари жамоасини мисол тариқасида танладик.

Баден-Вюртемберг ерлари жамоалари тугрисидаги Низомга кура жамоанинг фаолият доираси кенг қуламлидир, яъни у аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилувчи барча масалалар ва муаммолар билан шугулланиш ҳуқуқига эга, бунда мазкур вазифани бажариш қимнинг манфаатларига – маҳаллий ёки минтақавий манфаатларга хизмат қилиши аҳамиятга молик эмас. унинг органлари қандай тадбирлар жамоа учун зарур эканлигини ҳамда мақсадга мувофиқ эканлигини ҳар томонлама ҳал қилади. Бунда факатгина қонунчиликда белгиланган чеклашлар ва бурчлар инобатга олиниши зарур.

Муниципал органлар томонидан ҳал қилинадиган барча вазифаларни икки турга бўлиш мумкин:

А) Уз ваколатлари (вазифалари) доирасида ҳал қилинадиган вазифалар;

Б) Вакил қилинган ваколатлар доирасида ҳал қилинадиган вазифалар.

А) маҳаллий жамоага тааллуқли барча ишлар шахсий ваколатлар доирасидаги вазифалар ҳисобланади. Жамоалар мазкур масалаларни қонун доирасида, масъулиятни уз зиммаларига олган ҳолда амалга оширади. Уз навбатида, шахсий ваколатлар иккига бўлинади: мажбурий ва ихтиёрий ваколатлар. Масалан, шаҳар қурилишини

режалаштириш масаласи, яъни жамоа худудидаги ерлардан фойдаланиш режасини тузиш, ичимлик суви билан таъминлаш, умумтаълим мактаблари биносини таъмирлаш ва бошка шу каби масалалар мажбурий ваколатлар тоифасига киради. Бу вазифаларни жамоалар бажарадими деган масалани жамоалар мустакил хал кила олмайдилар, лекин жамоалар бу масалаларни кандай бажариш борасида мустакил танлов ҳукукига эгалар.

Ихтиёрий ваколатлар борасида эса жамоаларнинг узлари мазкур ишлар билан (бассейн, кутубхона, спорт майдончаси куриш ва х.к.) шугулланиш ёки шугулланмаслик масаласини хал кила оладилар.

Жамоалар мажбурий вазифаларни бажарган холлардагина, улар ихтиёрий вазифаларни хал килишлари мумкин, ҳукукий назорат органлари бу масалани назорат килади.

Б) Вакил килинган ваколатлар давлат топширигига мувофик жамоа бажариши лозим булган куп сонли вазифалардир. Масалан, улар жумласига куйидагилар киритилиши мумкин: фукаролик масаласи, барча даражаларда утказиладиган сайловларга оид тадбирлар, табиий офатлардан химоя килиш ва х.к.

Махаллий узини узи бошқариш масалаларини тадбик килган тадқиқотчиларининг фикрига кура, ваколатларни “шахсий ваколатлар” ва “вакил килинган ваколатларга” ажратиш катта амалий ахамиятга эгадир. Шахсий ваколатлар доирасида жамоа факат конун талабларига мувофик иш куради ҳамда конунда белгиланган доирадагина ҳаракат эркинлигига эга булади. Жамоа уз инвестицион фаолияти доирасида давлатдан субвенция олган холлардагина давлат таъсир курсатиши мумкин.

Вакил килинган ваколатлар борасида эса жамоалар фаолияти кенгрок куламдаги чекловлар билан богликдир. Бу холларда давлат иш манфаатларидан келиб чиккан холда жамоа хатти-ҳаракатларига аралашиши мумкин.

Жамоа хаёти, шартли равишда, махаллий жамоа аъзоларининг мавжудлигига боглик булиб, улар фукаро маъмурияти вазифасини бажаради ва жамоага хизмат килади.

Жамоа ахолиси жамоа фукараларига ва жамоада яшовчиларга булинади. Жамоа худудида яшовчи шахслар жамоада яшовчилар ҳисобланади. Уларнинг фаровонлигини таъминлаш жамоанинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Ахоли орасидан жамоа маъмурияти томонидан амалга оширилаётган жамоа ҳокимиятининг сиёсий ифодаловчилари булган

фукаролар белгиланади. ГФР Асосий конунининг 116-моддасига мувофик, 18 ёшга тулган ҳамда жамоада камида 6 ойдан бери истикомат килувчи немислар жамоа фукаролари хисобланади. Факат уларгина овоз бериш ва сайлов ҳукукига эга, жамоани бошқаришда ҳам факат уларгина иштирок этиш ҳукукига эга. Ундан ташқари, Баден-Вюртемберг ерлари жамоалари тугрисидаги Низомга мувофик бошқарув жараёнида фукароларнинг барчаси иштирок этиши лозим. Хар бир фукаро муайян бир вазифани бажариши керак. Фукаролик бурчини бажаришдан асоссиз равишда бош тортган фукарога (1000 немис маркаси микдорида), ер худудини маъмурий бошқаришни амалга ошириш тугрисидаги Конунда белгиланган тадбирлар бундан мустасно, маъмурий жарима солиниши мумкин ёки бу шахс 4 йил муддатга фукаролик ҳукукидан маҳрум қилиниши мумкин.

Муниципал кенгаш томонидан чакириладиган фукаролар йигини хар бир фукарога, шунингдек барча аҳолига бевосита таъсир курсатувчи институтдир.

Фукаролар йигини маъмурият амалга ошираётган ёки амалга оширишни режалаштираётган ишлар тугрисида маҳаллий жамоага маълумот бериш учунгина хизмат қилмайди, бу йигинни утқизишдан қузланган бош мақсад – муҳим ҳаётий муаммоларни ва жамоа фаолиятини муҳокама қилишдан иборат.

Фукаролар уз фикр-мулоҳазаларини баён қилиш, таклифлар киритиш ҳукукига эга, жамоанинг тегишли органлари бу таклифларни, мулоҳазаларни, одатда, 3 ой ичида текшириб, муҳокама қилишлари лозим. Бундан ташқари, фукаролар расмий талаб қуйиш имконига эгадир. Фукароларнинг расмий талаби шундай масалаларга тааллуқли бўлиши лозимки, улар сунгги уч йил давомида фукароларнинг истакларига қарамай, ҳал қилинмаган бўлиши керак. Расмий талаб жамоа фукароларининг энг камида 15 фоизи томонидан имзоланиши зарур.

Бундай талаб маъмурият ва жамоа кенгашини маълум бир муаммони ҳал қилишга мажбурловчи яхшигина восита бўлиб хизмат қилади

Хар иккала институт ҳам (таклифлар ва расмий талаб киритиш) фукароларнинг жамоа бошқарувида иштирок этиш манфаатдорлигини оширишга қаратилган ҳамда уларда ижтимоий масъулият ҳиссини уйғотишга хизмат қилувчи яхши воситалардир.

Баден-Вюртемберг ерларининг барчасида қабул қилинган тартибга мувофик, фукароларнинг маҳаллий вакиллиги сифатида

муниципал кенгашга ва ижроия хокимияти сифатида халк томонидан сайланадиган бургомистрга жамоани бошқариш масаласида бир хил масъулият юклатилади.

Баден-Вюртембергда муниципал кенгаш мавқеи жуда кучли хисобланади. Кенг ваколат доирасига эга булган кенгаш жамоанинг бош органидир.

Муниципал кенгаш бургомистр билан келишган холда жамоа хизматчиларини ишга тайинлаш, ишдан бушатиш хақида қарор қабул қилади. Розилик олинмаган холларда муниципал кенгаш мазкур масала юзасидан мустақил қарор қабул қилади, бунда кенгаш умумий иштирокчиларининг учдан икки қисми овоз бериши лозим. Гарчи муниципал кенгаш ва бургомистр узаро бир-бирига тобе муносабатларга эга булмасада, жамоалар тугрисидаги Низомда муниципал кенгаш қарорларининг бургомистр томонидан ижро этилишини муниципал кенгашлар назорат қилиши кузда тутилган, бунда муниципал кенгаш жамоанинг бош органи эканлиги инобатга олинган.

Бургомистр жамоага ва жамоа маъмуриятига тегишли барча муҳим масалалар юзасидан муниципал кенгашга ахборот бериши шарт. Кенгашнинг туртдан бир қисмини ташкил этувчи муниципал маслаҳатчилар бургомистрдан узларини қизиқтирган маълумотларни талаб қилишлари мумкин. Бундан ташқари, кенгаш аъзолари муниципал кенгаш мажлисида бургомистрга ёзма ёки оғзаки равишда расмий суров бериши ҳам мумкин.

Жамоа кенгаши, одатда, кенгаш раиси булган бургомистрдан ҳамда жамоатчилик асосида ишловчи аъзолардан (муниципал маслаҳатчилардан) иборат булади, кенгаш аъзоларининг сони жамоа ҳажмига боғлиқ равишда қонунда белгилаб қўйилади. Муниципал кенгашларда штат бўйича ходимлар назарда тутилмаган.

Муниципал кенгашларга сайловлар, пропорционал сайловларнинг асосий тамойилларини инобатга олган холда, сайлов руйхатлари асосида утказилади, биттагина номзод курсатилган холларда сайловлар мажоритар тизимда утказилади.

Сайланиш имконини таъқиқловчи бирон бир айблов қўйилмаган фуқаролар муниципал кенгашга сайланишлари мумкин.

Давлат хизматчилари ва жамоа хизматчилари муниципал кенгашга аъзо була олмади. Жамоа билан узвий алоқадор булган корпорация ва фонд хизматчиларига нисбатан ҳам айнан шу талаб қўлланилади. Манфаатлараро зиддиятларга йул қўймаслик мақсадида

урта ва юкори инстанциялар хукукий назорат органлари хизматчиларининг ҳамда раҳбарларининг муниципал кенгашда иштирок этиши ман қилинади. Уруг – аймакчиликка йул қуйилмаслиги учун узаро қариндошлик муносабатларига эга булган шахслар бир вақтда муниципал кенгаш аъзолари була олмайди. Муниципал маслаҳатчиларининг ваколат муддати беш йилдан иборат. Улар жамоатчилик асосида ишлайдилар, лекин уз хизмат вазифаларини бажариш жараёнида бахтсиз ходиса руй берган холларда муниципал маслаҳатчилар ҳам давлат хизматчиларига бериладиган хуқуқларга эга буладилар.

Мажлис 1 ойда камида бир марта чақирилади, бу бургомистрнинг вазифаси ҳисобланади.

Жамоанинг иккинчи асосий инстанцияси бургомистр ҳисобланади. У муниципал кенгаш раиси ва жамоа маъмурияти раҳбари саналади. 5 йилга сайланадиган муниципал кенгашдан фарқли равишда, бургомистрнинг бу лавозимни эгаллаш муддати 8 йилни ташкил этади. Бу эса узок муддатга мулжалланган коммунал лойиҳаларни (мактаблар, йулар қурилиши ва ҳоказоларни) нафакат режалаштириш, балки, қуп холларда, уларни ниҳоясига етказиш имконини ҳам беради. Демак, бургомистрнинг 8 йиллик ваколат муддати тугагач, амалга оширилган лойиҳалар асосида бургомистрнинг иш фаолиятига баҳо берилади, бу кейинги сайловларда ГФР фуқароларига қарорлар қабул қилиш имконини беради. 2000 ва ундан ортик аҳоли сонига эга булган жамоаларда бургомистр маълум муддат штатдаги давлат хизматчиси ҳисобланади, аҳоли сони 2000 кишидан кам булган жамоаларда эса маълум бир муддат жамоатчилик асосида ишлайди. Жанубий Германияда бургомистрлар, асосан, доимий асосда ишлайди, уларнинг меҳнатига яхши ҳақ туланади.

Муниципал кенгаш раиси сифатида бургомистр кенгашнинг ноқонуний ёки жамоа манфаатларига ноқувоқ булган қарорларига нисбатан норозилик билдириш ҳуқуқига эга булади, маълум бир холларда эса норозилик билдириш мажбуриятига эга булади. Бундай холларда муниципал кенгаш қайта муҳокама утказиши ва янги қарор қабул қилиши шарт. Бундан ташқари, бургомистр фавқулотда вазиятлар руй берган холларда, яъни маълум бир шароитда муниципал кенгаш урнига қарор қабул қилади.

ГФР қонунчилигига мувоқик, давлат ҳар бир муниципал корпорацияни назорат қилади. Бу мамлакатнинг давлат органлари

муниципал органлар фаолиятини назорат қилиш ваколатига эга бўлиб, мазкур ваколатга эгаллик ҳуқуқи қонунчиликда белгилаб қўйилган. Ҳуқуқий ва профессионал назорат шакли мавжуд. Маҳаллий узини – узи бошқариш органлари уз ваколатлари дорасига қирувчи вазифаларни бажарган ҳолларда ҳуқуқий назорат амалга оширилади. Ҳуқуқий назорат қўйидагилар билан чекланади: қонунда белгиланган ҳолда маҳаллий узини узи бошқариш органлари зиммасига юклатилган ижтимоий-ҳуқуқий бурч ва вазифалар ижросининг таъминланиши, шунингдек мазкур органлар бошқарув фаолиятининг қонунийлиги. Демак, маҳаллий узини узи бошқариш органлари томонидан қонунга зид хатти ҳаракатлар амалга оширилмаган ҳолларда, давлат ушбу органлар муस्ताқил ҳал қилаётган масалаларга аралаша олмайди.

Профессионал назорат маҳаллий узини узи бошқариш органлари томонидан вақил қилинган ваколатлар ижросини талаб даражасида назорат қилиш мақсадида амалга оширилади. Бу соҳада давлат назорати жамоалар томонидан ҳал этилаётган масалаларни ҳам уз ичига олади, яъни назорат қонунга мувофиқликни назорат қилиш доирасидан четга чиқади ва мунтазам равишда амалга оширилади. Давлат назорати органлари узларининг назорат қилиш ваколатларини истаган равишда эмас, балки қонунда белгилаб қўйилган доирадагина амалга ошира олади. Бундан ташқари, уларнинг қарорлари суд тартибида назорат қилинади.

Шуниси аёнки, ГФР жамоалари федерал ёки ер ҳудудлари қонунчилиги олдида ҳимоясиз бир вазиятни эгалламайди. Демак, Буюк Британия, Франция, ГФР ва бошқа Гарбий Европа давлатларининг маҳаллий бошқарув тизими соҳасида туплаган тажрибалари таҳлили шуни қурсатадики, бу давлатларда марказий ва маҳаллий давлат бошқаруви вазифаларини ажратишнинг анча изчил механизми юзага келган, маҳаллий бошқарув органлари томонидан давлат функциялари тобора кенгрок ваколатланяпти, маҳаллий масалаларни ҳал қилиш ҳуқуқлари кенгайяпти. Ушбу тажриба барча мамлакатлар учун ташқилий-бошқарув моделини қуриш ҳамда илмий асослаш борасида фикр юритиш учун яхши озуқа бўлади. Ҳамма вақт ҳар бир модель у ёки бу давлатга ҳос миллий, ҳудудий ва сиёсий узига ҳосликларни акс эттиради.

Гарбий Европа давлатлари тажрибаси Ўзбекистон шароитини инобатга олган ҳолда маълум нуктаи назардан, урганилгандагина фойдали ва қизиқарли бўлади.



Ушбу параграф материаллари чуқур изланишлар асосида Россия Федерациясининг муниципал ҳуқуқ соҳасидаги замонавий назариётчилари академик Олег Емельянович Кутафин, профессор Владимир Иванович Фадеев, юридик фанлари доктори Екатерина Сергеевна Шугрина, Виктор Альфонсович Ясюнас мақолалари, уқув қулланмалари, брошюралари асосида ёзилди.

## МДХ мамлакатларининг Конституциявий ҳуқуқи асослари

МДХ мамлакатлари Конституцияларига умумий тавсиф.

Бизга маълумки, мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) шаклланиши собиқ Иттифоқ тарқаб кетганидан сўнг, унинг ўрнида пайдо бўлган пост социалистик давлатларнинг тарихий зарурат асосида пайдо бўлиб, у суверен давлатлар бирлашмасидан иборат. Мустақил мамлакатларни пайдо бўлиши ва деярли барчасида бозор иқтисодиётига асосланган жамият қурилишига оид ислохотларнинг амалга оширилиши уларда янги конституциявий тузумнинг шаклланишига сабаб бўлди.

Ҳозирги вақтда МДХга аъзо давлатлар қаторига болтиқ буйи ( Латвия, Литва, Эстония) мамлакатларидан ташқари Россия, Украина, Белоруссия, Қозоғистон, Қирғистон, Ўзбекистон, Арманистон, Озарбайжон, Молдавиялар Грузия, Туркменистон киради. МДХга аъзо мамлакатлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар суверен тенглик ва ҳамкорликка асосланади. Халқаро ҳуқуқнинг мустақил ва тенг ҳуқуқли субъекти сифатида МДХга аъзо мамлакатларнинг асосий вазифалари ўзаро иқтисодий, божхона, харбий-сиёсий , чегараларни қўриқлаш , ижтимоий-гуманитар ҳамда давлат ва ижтимоий ҳаёт муаммоларини ечишга қаратилгандир. Улар ўртасидаги муносабатлар халқаро ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинади.

Е.Я. Павловнинг ёзишича янги вужудга келган давлатларда миллий қонунчиликни яратиш, аввало бош манба ҳисобланган ўз Конституцияларини қабул қилишдан бошланди: Ўзбекистон 8 декабрь 1992 й, Туркменистон 18 май 1992 й ( 27 декабрь 1995 ўзгартишлари билан ), Қирғизистон 5 май 1993 й (10 январь 1995 й ўзгартиш билан), Россия 12 декабрь 1993 й, Тожикистон 6 ноябрь 1994 й, Молдава Республикаси 29 июль 1994 й, Арманистон 5 июль 1995 й, Грузия 24 август 1995 й, Қозоғистон 30 август 1995 й, Украина 12 июль 1996 й, Белорусь Республикаси 24 ноябрь 1996 й. Шунингдек , МДХ мамлакатлари таркибига кирувчи давлат тузилмаларида ҳам Конституциявий ислохотлар давом этирилди, Масалан, Абхазия 26 ноябрь 1994 й, Қорақалпоқистон 9 апрель 1993 йил ўз Конституцияларини қабул қилдилар .

МДХ давлатларида ўтказилган ушбу конституциявий ислохотлар бу мамлакатларнинг давлат тузилиши ва бошқарувида, маҳаллий ўзини –ўзи бошқариш тизимида ҳамда жаҳонда тан олинган умуминсоний кадриятларга нисбатан янги муносабатни ,

миллийликни акс эттирувчи янгича қарашларни ўзида акс эттирди. Шу билан биргаликда узоқ муддатда тарихий жиҳатдан узвий алоқадорликда булган бу мамлакатларда ҳали ҳам ижтимоий ҳаётда, миллий қонунчиликда ва бошқа кўп жабҳаларда узаро умумийлик мавжуд.

МДХ мамлакатлари Конституцияларига умум эътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормалари уз таъсирини курсатмай қолмади ( 1948 йилги инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси, 1966 йилги Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар туғрисидаги, Иқтисодий-ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар туғрисидаги халқаро пактлар).

Деярли барча мамлакатлар конституцияларида улар учун янги саналган: инсоннинг жамиятдаги энг олий қадрият эканлиги ва унинг асосий ҳуқуқлари конституциявий асосга эгалиги, халқ ҳокимиятчилиги , ҳокимият бўлиниш тамойили асосланганлиги, қонун устуворлиги , ҳуқуқий давлат қуришга эришиш, сиёсий плюрализм ( эркинлик) , барча мулк шакларининг тенглиги ва бир хилда ҳимоя қилиниши, давлатнинг дунёвий характерга эга эканлиги , давлат сиёсатини ижтимоий йўналтирилганлиги каби принциплар у ёки бу мазмунда ўз ифодасини топган.

Молдова Республикаси Конституцияси I булими “Асосий принциплар” деб номланиб, унда Молдова Республикаси демократик, ҳуқуқий давлат бўлиб, инсон қадр –қиммати кишиларнинг шахсий баркамоллиги адолат ва сиёсий плюрализм олий қадрият ҳисобланиб, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари Конституция билан кафолатланиши мустаҳкамланган.

Кўпчилик МДХ давлатларининг конституцияларида халқ суверенитети мустаҳкамланиб қўйилган булиб, давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаи халқ эканлиги айтиб утилган. Лекин, баъзиларида халқ суверенитети ўрнида давлат суверенитети тушунчаси кўрсатилади , чунки бу тарихий ахамиятга эга бўлиб, бу мамлакатларининг давлатчилиги тарихида ушбу атама, яъни давлат суверенитети белгиланмаган эди (масалан, собиқ Иттифоқ таркибида ва ундан олдин ).

Е.Я. Павловнинг ёзишича, аксарият МДХ мамлакатлари ижтимоий характердаги давлат эканлигини Конституцияларида мустаҳкамлаган. Унинг мазмунида Конституция давлат зиммасига аҳолига нисбатан ижтимоий таъминот ва адолатга риоя этишни мажбурият сифатида юклаб қўяди. Шунингдек, давлат ҳар бир фуқарони ўзининг ижтимоий ҳимоясига олади. Бунинг учун давлат

томонидан фуқароларга ҳар томонлама, эркин, ижодий ҳаёт тарзи, муносиб турмуш кечириш учун барча шароитлар яратиб берилади. Аҳолини иш билан таъминлайди, минимал иш ҳақи миқдорини белгилайди (истеъмом саватига яраша), оилаларга кўмаклашиш, соғлиқни сақлаш кабилар мустаҳкамланади. Айрим МДҲ конституцияларида ижтимоий соҳада конкрет нормалар мустаҳкамланган. Масалан, ногиронларни, қарияларни ва кам таъминланган аҳоли қатламига ҳар томонлама ёрдам бериш, тоза экологик шароитда яшаш ҳуқуқини таъминлаш.

Барча МДҲ Конституцияларида демократик характердаги давлат эканликлари мустаҳкамланган. Унинг мазмунида қўйидагиларни кўриш мумкин:

Давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаи халқдир. Озорбайжон Конституциясининг 5- моддасида «Ҳеч бир халқ вакили, ижтимоий гуруҳ, сиёсий партия ёки ташкилот давлат ҳокимиятини амалга ошириш ваколотларини ўзлаштириб олиши мумкин эмас»

Сиёсий плюрализм ва кўппартиявийликнинг мавжудлиги. Арманистон Республикаси Конституциясининг 7- моддасида «...Арманистон Республикасида кўппартиявийлик тан олинади.»

Мафкуралар хилма-хиллиги. Қозоғистон Республикаси Конституциясининг 5-моддаси, 1- пунктида «...мафкуравий ва сиёсий хилма-хиллик тан олинади.»

Ҳокимият бўлиниш тамойилига асосланиши.

Барча МДҲ конституцияларининг мазмунига кўра ушбу мамлакатлар дунёвий характерга эга эканлиги англашилади. Дин давлатдан ажратилганлиги, диний ташкилотларнинг ҳуқуқий ҳолати, диний конфессияларнинг тенглиги эътироф этилади ва виждон эркинлиги кафолатланади. Беларусь Республикаси Конституциясининг 16- моддасида «Ҳамма динлар ва эътиқодлар қонун олдида тенгдир. Бир дин ёки эътиқодга бошқа динларга нисбатан турли имтиёз ёки чекловларни ўрнатилишига йўл қўйилмайди.»

МДҲ мамлакатлари конституцияларида мулкчилик масалаларига алоҳида эътибор берилган ва мулк ҳуқуқининг конституциявий ҳуқуқий асослари ҳар бир мамлакатда ўзига хос турлича. Масалан, Беларуссия Республикаси Конституциясида бошқа МДҲ мамлакатлари Конституциялари сингари мулкнинг турли хил шакллари мустаҳкамланмаган Конституциянинг 13-моддасида мулк давлатники ва хусусий бўлиши мумкинлиги қатъий мустаҳкамланган

Озорбайжон Конституциясининг 14-моддасига кўра мулк давлат, хусусий ва муниципал мулк шаклларида иборат..

МДХ мамлакатларида ҳамма мулк шакллари тенг равишда ҳимоя қилиниши Конституцияларда ўз аксини топган. Шунингдек, ҳар бир мулк шаклига бўлган мулк ҳуқуқи таъминланиши белгиланган. Масалан, Украина Конституциясининг 13-моддасида “Давлат барча субъектлар ҳуқуқи ҳимоясини таъминлайди, жумладан мулк ва хужалик юритиш ҳуқуқини ҳамда ижтимоий йўналтирилган иқтисодий амалда бўлишини ҳам. Ҳамма мулк ҳуқуқига эга бўлган субъектлар қонун олдида тенгдир.” Айрим МДХ Конституцияларида мулк ҳуқуқини кафолатлаш билан бирга баъзи пайтларда мулкларни давлат манфаатлари йўлида қонунда кўрсатилган ҳолларда ўрнини қоплаш шarti билан мулкларни бегоналаштирилишига йўл қўйилади. Масалан, Қозоғистон Республикаси Конституциясининг 26-моддаси, 3 пунктида “Ҳеч ким суднинг қарорисиз ўз мулкидан маҳрум этилиши мумкин эмас. Мажбурий равишда мулкдан бегоналаштириш баъзи ҳоллардагина ижтимоий манфаат учун қонунда кўрсатилган ҳоллардагина ўрнини қоплаш шarti билан амалга оширилиши мумкин.”

МДХ давлатлари конституцияларида ер, ер ости бойликлари, ўрмон ва бошқа табиий ресурслар давлат мулки деб эътироф этилган. Масалан, Украина Конституциясининг 13-моддасида “Украина ҳудудида жойлашган ер, ер ости, атмосфера ҳавоси, сув ва бошқа табиий ресурслар ҳамда унинг континентал шелфлари Украина халқининг мулк ҳуқуқи объектига киради.”

МДХ конституцияларига асосан шахснинг ҳуқуқий ҳолати

МДХ конституцияларида шахс ҳуқуқий ҳолатини тартибга солувчи нормалар (алоҳида бўлимлар ва боблар ажратилган) халқаро ҳуқуқ нормаларини имплементация қилинишининг натижаси ўларок, мустақилликка эришган МДХ мамлакатларида сиёсий ислохатлар самарали олиб борилишидан далолат беради. МДХ давлатлари конституцияларидаги шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати институти мазмуни куйидаги халқаро ҳужжатларга асосланади. Б.М.Т. низоми, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (1948 ), Фукоролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги, Ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактларга (1966 ), Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Конвенция ( 1950

), шунингдек МДХ миқёсидаги МДХ низоми, ҳуқуқлар ва эркинликлар соҳасидаги хоқозо мажбуриятлар тўғрисидаги МДХ мамлакатлари декларацияси (1994) ва Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тўғрисидаги МДХ конвенцияси (1995).

МДХ конституцияларининг узига хос хусусиятларидан бири инсоннинг энг олий қадрият сифатида эътироф этилганлигидир. Масалан: Беларус Республикаси Конституцияси 2-моддасида инсон ҳуқуқларига давлат сиёсатининг муносабати акс эттирилган. «Инсон, унинг ҳуқуқлари эркинликлари ва қафолатини амалда жорий этиш, давлат ва жамиятнинг асосий максоди саналади». Қирғизистон Республикаси Конституцияси 15-моддаси 2-пунктида «Ҳар кимга инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари туғилиши билан тегишлидир. Улар ажралмас, ҳисобланиб қонун ва суд орқали мутлақ ҳимоя қилинади». Шунга ўхшаш тамойилларни бошқа МДХ мамлакатлари конституцияларида ҳам кўриш мумкин. Ҳуқуқ ва эркинликларнинг бош қафолатчиси давлат эканлиги ҳам аксарият Конституцияларда мустаҳкамланган. Масалан: Молдава Республикасининг Конституциясида «Давлат ҳар кимнинг ҳаёти, жисми ҳамда руҳиятига бўлган дахлсизлик ҳуқуқини қафолатлайди». (24-модда, 1-пункт). 26-модда 1-пунктида эса «ҳимояга бўлган ҳуқуқ қафолатланади» дейилган. Хуллас, давлатлар ўз худудида яшовчи кишиларни ва хорижда истиқомат қилувчи фуқароларининг ҳаёт ва соғлигини, шаън ва кадр-қимматини, эркинлигини, шахсий хавфсизлиги ва дахлсизлигини, жинсидан, тилидан, иркидан, этникодидан, ижтимоий келиб чиқишидан, мулкӣ ва мансаби ҳолатидан, турар жойи ва бошқалардан қатъий назар бир хил ҳимоя қилиш мажбуриятини оладилар.

Фуқаро ҳуқуқӣ ҳолати МДХ мамлакатлари Конституцияларда алоҳида институт сифатида мустаҳкамланган. Конституциялардаги фуқароликка оид энг муҳим тамойиллар куйидагилардан иборат: фуқароликни олиш усулидан қатъий назар тенг фуқароликнинг ўрнатилиши, у ёки бу кўринишдаги мотивлар асосида фуқароликдан маҳрум қилиниши мумкин эмаслиги (масалан: жазо сифатида). Қозоғистон Республикасининг Конституциясини 10-моддаси 1-пунктида «Қозоғистон Республикаси фуқаролиги уни олиш усулидан қатъий назар барча учун тенг ва бир, фуқароликка қабул қилиш ва уни тугатиш қонунга асосан амалга оширилади. Шунингдек, кўпчилик Конституцияларда фуқароликни ўзгартириш ҳуқуқи тан олинади. Барча Конституцияларда фуқаролар бу ҳуқуқдан маҳрум

этилиши мумкин эмас. Туркменистон Конституциясининг 7-моддасида “Хеч ким фуқароликдан ёки уни ўзгартириш ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмас” деб белгиланган.

Қозоғистон Республикаси Конституциясининг 10-моддаси 2-пунктида «Республика фуқаролари хеч бир шароитда фуқаролигидан, фуқаролигини ўзгартириш ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмас, шунингдек, уларни Қозоғистон ҳудудидан қувгин этилиши таъқиқланади. Кўпчилик МДХ Конституцияларида кўп фуқароликка йўл қўйилмайди, лекин Туркменистон, Молдова Республикаларида кўп фуқаролик урнатилган. Конституцияларни барчасида давлатлар уз фуқароларини мамлакат ичкарисида ва ташкарисида ҳам ҳимоя қилиниш тамойили мустаҳкамланган. Қирғизистон Республикаси Конституциясининг 13-моддаси 4-пунктида “Қирғизистон Республикаси ўз фуқароларини мамлакат ташкарисида ҳам ҳимоя ва гамхурлик қилинишига кафолат беради” деб белгиланган.

МДХ мамлакатлари миллий қонунчилигининг конституциявий ҳуқуқий нормаларида давлатлар уз фуқароларини бошқа давлатларга ушлаб беришини таъқиқлаб қўйган (ҳалқаро шартномаларда назарда тутилган бўлмаса).

Конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлар. Ҳар бир замонавий давлатда шахснинг ҳуқуқий мақоми – инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда мажбуриятлари, шунингдек, уларнинг кафолатлари каби ўз ҳуқуқий асосларга эга бўлади.

МДХ мамлакатларида ушбу ҳуқуқ ва эркинликлар шартли равишда шахсий, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларга бўлинади ва бу ҳуқуқлар кафолатланган. Шартли дейишимизга сабаб, ушбу ҳолат ҳар бир МДХ аъзоларининг ўзи ижтимоий, сиёсий ҳолати ҳамда иқтисодий салоҳиятига боғлиқ.

МДХ аъзолари Конституцияларида шахсий ҳуқуқлар жумласига: яшаш ҳуқуқи, турар жой дахлсизлиги ҳуқуқи, ёзишмалар, телефон сўзлашувлари, почта ва бошқа ахборотларни сир сакланишига бўлган ҳуқуқ, шахсий дахлсизлик ва эркинлик ҳуқуқи, эркин кучиб юриш ҳуқуқи, виждон ва эътиқод эркинлиги, суз ва фикр эркинлиги, ахборотларни эркин олиш ва тарқатиш ҳуқуқи, шаън ва кадр қимматнинг дахлсизлиги. кабилар киритилган.

Демократик давлатларда яшаш ҳуқуқи ажралмас ҳуқуқ сифатида тан олиниб, бу давлатларга ташки ва ички сиёсатда уни бу ҳуқуқнинг таъминланиши учун барча чораларни кўриш мажбуриятини давлатлар зиммасига юклайди. Бунинг МДХ Конституцияларининг

мазмунидан ҳам англаш мумкин. Бунинг учун давлатлар ички низо ва тўқнашувларни, жинойтчиликни олдини олиши, экологик хавфсизликни, максимал равишда таъминлашлари керак.

МДХ мамлакатлари Конституцияларида халқаро майдонда низоларни, келишмовчиликларни олдини олиш усули сифатида урушдан воз кечилади. Қирғизистон Республикаси Конституциясининг 9-моддасида давлатнинг ички сиёсий муносабатларини куролли кучлар ёрдамида ҳал этиш таъкикланади, халқаро келишмовчиликлар ва низоларга сабаб бўлган ташвиқот конституцияга зид ҳисобланади. Белорус Республикаси Конституциясининг 18-моддасида Белорус Республикаси ташқи сиёсати куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик ва низоларни тинч йўл билан ҳал этиш принципларига асосланади. МДХ мамлакатларида эфтаназияга (ўлим ҳуқуқи) йўл қўйилмайди. Ҳозирда айрим мамлакатларда ўлим жазосини беришнинг секин-асталик билан воз кечиш вазифаси қўйилмоқда.

Барча мамлакатлар конституциялари турар жой дахлсизлигини таъминлайди. Барча конституциялар кишиларнинг розилигисиз уларни турар жойларига киришни таъкиклайди. (Қонунда кўрсатилган айрим ҳоллардагина) Молдова Республикаси Конституцияси 99-моддасида 1-пунктида нафакат турар жой балки, қўноқ жойларининг дахлсизлигини таъминлаш мустаҳкамланган.

Шахсий ҳуқуқлар гуруҳига шахсий дахлсизлик ва эркинлик ҳуқуқи, шаъни кадр-кимматини хурмат қилиш ҳуқуқи ҳам киради. Молдова Республикаси Конституциясининг 25-моддаси 1-пунктида «Шахсий дахлсизлик ва эркинлик ҳуқуқи» ажралмасдир. Арманистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасида «Ҳар ким шахсий дахлсизлик ва эркинлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонунда кўрсатилмаган тартибда ушлаб турилиши, тинтув ўтказилиши мумкин эмас. Фақат қонунда кўрсатилган тартибда суд қарори асосида шахс камокка олиниши мумкин.»

Ёзишмалар, телефон сўзлашувлари, почта ва бошқа ахборотларни сир саклашга бўлган ҳуқуқ. Грузия Конституциясида ушбу ҳолат қўйидагича ифодаланган: «Ҳар кимнинг шахсий ҳаёти, иш жойи, шахсий ёзишмалари, телефон ёки бошқа техника воситалари орқали сўзлашувлари дахлсиздир». (20-модда, 1-пункт).

Кучиб юриш ҳуқуқи МДХ конституцияларида деярли бир хил белгиланган. Унда нафакат бирор бир мамлакат ҳудуди буйича кучиб юриш ҳуқуқи, балки мамлакат ташқарисига чиқиш ва ҳеч қандай



каршиликларсиз кайтиб келиш ҳуқуқи ҳам кафолатланади. Грузия Конституцияси 22-моддаси 2-пунктида «Грузия худудида қонуний яшаб турган ҳар бир фуқаро Грузиядан чикиб кетиш ҳамда кириб келишга ҳақли». Аммо шу модданинг 3-пунктида «1ва2 пунктларида кўрсатилаган ҳуқуқларни чеклашга, қонунга кўра, демократик жамиятни жорий этишда давлат ва жамият хавфсизлигини таъминлаш, соғлиқни сақлаш, жинойтчиликни олдини олиш ва тугатиш ёки одил судловни амалга оширишни таъминлаш мақсадларида йўл қўйилади» деб белгиланган.

МДҲ конституцияларининг барчаси виждон ва эътиқод эркинлигини ўзида акс эттиради. Масалан: Қозоғистон Республикаси Конституцияси 22-моддаси 1-2-пункларида «1. Ҳар ким виждон эркинлиги ҳуқуқига эга. 2. Виждон эркинлигига бўлган ҳуқуқни амалга оширишда давлат олдидаги умуминсоний ва фуқаровий ҳуқуқ ва мажбуриятларни чеклаш мумкин эмас». Туркманистон Республикаси конституциясида дин ва эътиқод эркинлиги Конституциянинг “Конституциявий тузум асослари” бўлимида мустаҳкамланган. (11-модда). Айрим Конституцияларда ушбу ҳуқуқлар алоҳида моддаларда эмас, балки бошқа ҳуқуқлар акс эттирилган моддага қўшиб қўйилган. Масалан: Арманистон Республикаси Конституциясида бу ҳуқуқ эркин фикрлаш ҳуқуқи билан бирга қўшилиб келган. (23-модда). Конституцияларда виждон эркинлиги мазмунида ҳар ким ўзи хоҳлаган динга эътиқод қилишга ёки ҳеч бир динга эътиқод қилмаслиги, шунингдек, шахс бирор бир динни танлашда мустақил булиб, диний урф-одатларни амалга ошириш ҳамда уларда катнашиш ҳуқуқига эгаллиги белгиланади.

Сўз ва фикр эркинлиги ҳам МДҲ конституциялари барчасида кўрсатилган ва фақат мазмунан бир-биридан озроқ фарқ қилади. Беларусь Республикаси Конституциясининг 33-моддасида сўз эркинлиги тушунчаси берилмаган, лекин ушбу моддада сўз эркинлиги мазмунан англашилади.

Конституцияда белгиланганидек ҳеч ким ўз фикрини изохлашга мажбур этилиши мумкин эмас.

МДҲ конституцияларида сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар муҳим аҳамият касб этади. Бу ҳуқуқларнинг моҳияти давлат ҳокимиятини амалда татбиқ этиш ва ташкил этишда фуқароларни бевосита ва билвосита иштироки, ҳамда давлат сиёсатига ўз муносабатларини билдиришга куйидаги ҳуқуқлар киради: давлат бошқаруви ишларида катнашиш ҳуқуқи, фуқароларни давлат органларига мурожаат этиш

хукуқи, давлат хизматига фуқароларни тенг равишда кириш хукуқи, йиғилишлар, митинглар ва намоишларда иштирок этиш хукуқи, сайлаш ва сайланиш хукуқлари кабилар.

МДХ мамлакатлари Конституцияларида давлат бошқарувида иштирок этиш хукуқи мазмунан бир-биридан фарк қилмайди. Арманистон Республикаси Конституциясини 27-моддасида «18 ёшга етган Арманистон Республикаси фуқаролари бевосита ёки ўзлари иродаларини сайлаб куйган вакиллари орқали давлат бошқарувида иштирок этиш хукуқига эга дейилган. Баъзи Конституцияларда ушбу хукуқ давлат бошқарувида эмас, балки жамият бошқарувида иштирок этиш хукуқи деб кўрсатилган, масалан: Молдова Республикаси Конституциясининг 39-моддаси 1-пунктда Молдова Республикаси фуқаролари жамият бошқарувида бевосита ёки ўз вакиллари орқали иштирок этиш хукуқига эга. Бундан шундай хулоса қилиш мумкин-ки, фуқаролар нафакат давлат бошқаруви ишларида катнашиш, балки бошқа нодавлат ташкилотларида ҳамда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш фаолиятида ҳам иштирок этиш хукуқи назарда тутилган.

Фуқароларнинг давлат органларига мурожат этиш хукуқи ҳам конституциявий жихатдан мустахкамланган. Бу хукуқ фуқароларнинг жамиятдаги сиёсий фаолиятларини кафолатлаб турувчи хукуқдир. Фуқаролар томонидан ушбу хукуқлардан фойдаланилганда баъзи МДХ мамлакатларининг конституцияларида мурожаат этишнинг кафолати сифатида мансабдор шахслар ва давлат органларига масъулият белгиланган. Масалан: Украина Конституциясининг 40-моддасида «Барча фуқаролар шахсан ёки жамоа тарзида ёзма мурожаатлар билан (мурожаатларини куриб чиқиб ва унда кўрсатилган муддатларда жавоб кайтарувчи) Давлат хокимияти органлари, маҳаллий узини-узи бошқариш органлари ва ушбу органларнинг мансабдор ва хизматчи шахсларига мурожаат этиш хукуқига эга.

Давлат хизматига киришда тенглик хукуқи давлат бошқарувида иштрок этиш хукуқи билан мазмунан боғлиқ. Кўпчилик конституцияларда фуқароларни давлат хизматига киришда тенглик хукуқи, давлат бошқаруви ишларида иштрок этиш хукуқи билан бирга мустахкамланади. Аммо, Туркманистон, Тожикистон Республикалари конституцияларида ушбу хукуқ бевосита мастахкамланмаган, бўлмасада уни Конституция нормалари мазмунидан англаш мумкин.

Фуқароларни жамоат бирлашмаларига бирлашиш ҳуқуқлари, ушбу ҳуқуқ конституцияларда касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга, диний бирлашмаларига уюшиш ҳуқуқини мустахкамлайди. Бу ҳуқуқ жамиятда муҳолифат ва озчиликни ташкил этувчи миллат вакиллари ҳуқуқларини кафолатлайди.

Йигилиш, намойиш ва митинглар ўтказиш эркинлиги . Бу ҳуқуқ ҳам барча МДХ мамлакатлари конституцияларида мустахкамланган. Конституцияларда Фуқаролар бу ҳуқуқларни амалга ошириш учун бир канча шартлар қўйилади. Масалан: фақат тинч йўл билан йигинлар, митинглар, намойишлар ўтказиш мумкин.

Сайлов ҳуқуқлари барча МДХ Конституцияларига кура фақат фуқароларгагина тегишли Чет эл фуқаролари, фуқаролиги йук шахслар эса бу ҳуқуқга эга эмас. Айрим фуқароларга нисбатан сайлов ҳуқуқи чегараланган, булар тоифасига: муомалага лаёқатсиз шахслар, суд қарори асосида озодликдан маҳрум этилган шахслар кирада. Сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилган шахслар айрим конституцияларда санаб утилмасдан умумий килиб айтиб утилган. Масалан: Молдова Конституциясининг 38-моддаси 2-пунктига биноан.

МДХда аъзо мамлакатларда актив сайлов ҳуқуқи 18 ёшдан қилиб белгиланган, пасив сайлов ҳуқуқи парламент аъзолари учун 21 ёшдан 25 ёш атрофида.

Ижтимоий - иқтисодий ҳуқуқлар МДХ конституцияларида алоҳида аҳамиятга эга бўлган ҳуқуқлар доирасини ташкил этиб, бу ҳуқуқлар фуқароларни бошқа ҳуқуқларини амалда татбиқ этиш учун асос ҳисобланади. Бу ҳуқуқларнинг мазмунини кўпинча фуқароларнинг моддий эҳтиёжлари ташкил этади. Шунинг учун фуқароларни ижтимоий - иқтисодий ҳуқуқларини кафолатлаш ҳам моддий характерга эга. Бу борадаги ҳуқуқ ва эркинликларига кишиларнинг мулкдор бўлиш, меҳнат қилиш, дам олиш, таълим, ижтимоий таъминот олиш ва эркин ижод қилиш ҳуқуқлари киради.

Бу ҳуқуқларни тулиқ кафолатлаш кўпинча МДХ мамлакатларини иқтисодий потенциали ва давлатни шу соҳада олиб бораётган оқил сиёсатига боғлиқ булади. Барча МДХ конституциялари фуқароларнинг мулк ҳуқуқини шунингдек, хусусий мулкка эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқини мустахкамлайди, лекин айрим конституцияларда ерга бўлган муносабат ўзгача тартибга солинган (баъзи МДХ конституцияларида ер хусусий мулк ҳуқуқини объекти ҳисобланмайди). Масалан: Арманистон Республикаси Конституциясининг 28-моддасида ерга

эгалик мулк ҳуқуқи сифатида фақат Арманистон фуқаролари учун берилган, бўлиб чет эл фуқаролари ва фуқаролиги булмаган шахсларни истисно этади. Конституцияларда фуқароларнинг мулк ҳуқуқи билан биргалликда мерос ҳуқуқи ҳам кафолатланади..

Меҳнат қилиш ва эркин касб танлаш ҳуқуқи. Бу ҳуқуқ ҳам барча МДХ мамлакатлари конституцияларда мустаҳкамланган. Фақат айрим конституцияларда улар бошқача талкин этилган. Қирғизистон Республикаси Конституцияси ва Грузия Конституцияларида меҳнат қилиш ҳуқуқи ҳуқуқ эмас, балки эркинлик сифатида мустаҳкамланган. Аксарият Конституцияларда мажбурий равишда меҳнатга жалб этиш таъқиқланади. Фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда суд қарори асосида мажбурий меҳнатга жалб этилиши Қозоғистон Республикаси Конституциясининг 24-моддаси 1-пунктида, Молдова Республикаси Конституциясининг 44-моддасида истисно тариқасида кўрсатилган.

Конституцияларда тирикчилик манбаига етадиган миқдорда адолатли минимал иш ҳақи белгиланиши ҳамда меҳнат муҳофазасига эътибор берилади. Меҳнат қилиш ҳуқуқи билан дам олиш ҳуқуқи узвий боғлиқ. Конституцияларда иш вақтининг максимал миқдори кунига саккиз соат килиб белгиланган, меҳнат таътиллари ва байрам кунлари ҳам мустаҳкамланган. Масалан: Озарбайжон Конституциясининг 44-моддасида йиллик меҳнат таътилини минимал муддати мустаҳкамланган.

МДХ Конституциялари меҳнат қилиш ҳуқуқини кафолатлашда турлича ёндошади. Бозор иқтисодиёти шароитида ишсизликни олдини олиш борасида давлат уз зиммасига ишсизликни тугатиш мажбуриятини Конституцияларда тўғридан-тўғри кўрсатади. (Масалан: Беларуссия Конституциясининг 41-моддаси).

Давлат ҳар кимга:

касб ва машғулот турини танлаш эркинлигини;

ишга қабул қилишдан қонунсиз бош тортиш ва меҳнат шартномасининг асоссиз бекор қилишдан муҳофазаланишни;

муносиб иш танлашга бепул кумаклашиши ва ишга жойлаштириш;

касб ўрганиш ва иш топишга, бандлик ва адолатли меҳнат шароитларига эга бўлишда, меҳнатга ҳақ олишда тенг имкониятлар таъминланишини;

янги касбни бепул ўрганишни, маҳаллий меҳнат идораларида ва бошқа стипендия туланадиган укув муассасаларида малака

оширишни кафолатлайди. Масалан: Украина Конституциясининг 43-моддаси.

Айрим конституцияларда иш ташлаш ҳуқуқи ҳам мустаҳкамланган. Бунинг учун қонунда кўрсатилган шартларга касбий манфаатлар юзасидан, миллат хавфсизлигига таҳдид солмасдан, бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини бузмасдан амалга ошириш мумкин. (Молдава Республикаси Конституцияси 45-моддаси 1-пункти, Украина Конституцион 44-моддаси).

Турар жойга эга бўлиш ҳуқуқи кўпчилик МДХ мамлакатларида мавжуд.. Кўпгина ҳолларда бу -турар жой дахлсизлиги тарзида ифодаланади. (Масалан: Қозоғистон Республикаси Конституциясининг 25-моддаси 2-пункти). Турар жойга эга бўлиш ҳуқуқи мазмуни қўйидагича ифодаланади: яъни давлат аҳолига турар жой қуришда кредитлар бериш, капитал қурилиш соҳасида жадал сиёсат олиб бориш мажбуриятини олади. Лекин уй-жойни фуқаролар ўз ҳисобидан қуради. Баъзи мамлакатларнинг қонунчилигида қонунда кўрсатилган тартибда фуқароларнинг баъзи қатламлари учун давлат ҳисобидан уй-жой билан таъминланиши кўрсатилган. Масалан: Қозоғистон Республикаси Конституциясининг 25-моддаси 2-пунктида давлат томонидан уй-жой билан таъминланишлик эмас, балки кам таъминланган аҳоли қатламига арзон нархларда уй жой берилиши кафолатланади.

Соғлиқни сақлашга бўлган ҳуқуқ барча МДХ конституцияларида мустаҳкамланган, лекин бу ҳуқуқ мазмунан ва тартибга солиш доирасига қура бир-биридан фарк қилади. Баъзиларида соғлиқни сақлаш, малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ва соғлиқни суғурталаш ҳуқуқи кўрсатилган бўлса, (Украина 41-моддаси) баъзиларида давлат ҳисобидан тиббий хизмат олиш ҳуқуқи кафолатланган.. (Белорус 45-46-модда)

МДХ Конституцияларида оила ҳимояси, оналик ва болаликка ҳам эътибор берилади. Масалан, Қозоғистон Республикаси Конституцияси 27- моддаси 1 пунктига биноан «Оила ва никоҳ, оналик, оталик, ва болалик давлат ҳимоясидадир.»

Ижтимоий соҳага оид ҳуқуқлар қаторида таълим олиш ҳуқуқи муҳим ўрин тутди. Унга кўра:

Давлат муассасаларида умумий таълим олишнинг текинлиги кафолатланган.( Белорусь Конституциясининг 49- моддаси)

Умумий таълимнинг мажбурийлиги. (Украина Конституциясининг 53- моддаси)

Олий таълимга конкурс асосида тенг ҳуқуқлилик(Россия....)

Шунингдек, ижод қилиш эркинлиги ҳам МДХ Конституцияларида мустаҳкамланган. (Украина Конституциясининг 54-моддаси)

Деярли барча Конституцияларда мажбуриятлар бир хилда белгиланади.

Конституция ва қонунларга риоя этиш.

Солиқ ва туловларни тулаш.

Ватанни ҳимоя этиш

Табиий ёдгорликларни асраш

Атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш.

Айрим МДХ Конституцияларида ўзгача мажбуриятлар ҳам бор. Озарбайжон Конституциясининг 83-моддасида Ватанга содиқ қолиш бурчи ифодаланади.

Қозоғистон Республикаси Конституциясининг 34- моддаси 2 пунктида давлат рамзларини ҳурмат қилиш бурчи ҳам белгиланган.

МДХ мамлакатларида парламентнинг Конституциявий асослари

МДХ мамлакатларини давлат бошқаруви шаклига кўра президентлик (Россия Федерацияси, Туркманистон, Тожикистон, Озарбайжон) ва аралаш (Қозоғистон, Арманистон) республикаларга бўлиш мумкин (Украинада 2004 йилги президентлик сайлови даврида рўй берган сиёсий инқироздан сўнг Конституциявий ислохатлар бошланди. Бунинг оқибатида Украина парламентар республикага айланиши эҳтимол пайдо бўлди). Бу эса ушбу давлат парламентининг ваколатлари доирасига таъсир қилмай қолмайди.

Парламентлар ҳар бир МДХга аъзо мамлакатларда турлича номланган: Россияда Федералное Собрание, Озарбайжон ва Арманистон Республикаларида Миллий Мажлис, Украинада Верховни Рада, Тоджикистонда Мажлиси Оли, Қозоғистон, Грузия ва Молдовада Парламент, Туркманистонда Халқ Маслаҳати ва Мажлис, Қирғизистонда Жоқорғу Кенеш, Беларусь Республикасида Национальное Собрание.

Юқорида келтириб утилган давлатлар ичидан Туркманистонда Конституцияси мувофиқ олий вакиллик фаолиятини олиб боровчи иккита орган мавжуд. Буларнинг иккаласи ҳам олий вакиллик органи ҳисобланади. Биринчиси, Халқ Маслаҳати- халқ ҳокимиятини амалга оширувчи олий вакиллик органи, иккинчиси,

Мажлис (парламент)- қонун чиқарувчи орган. Туркменистон Конституциясининг 48-моддасига кўра Халқ Маслаҳати таркибига ҳар бир этраплардан беш йилга сайланадиган халқ вакиллари (делегатлардан), шунингдек, учта ҳокимият вакилларидан республика Президенти, Мажлис депутатларидан, Вазирлар Маҳкамаси аъзоларидан, Олий ва Олий ҳужалик суд вакилларидан, Бош Прокурор, Маъмурий- ҳудудий бирликлар (вилоятлар, шаҳарлар, посёлкалар) раҳбарларидан иборат. Халқ Мажлиси ваколат муддати беш йилдир.

Конституциянинг 50- моддасига кўра Халқ Маслаҳати ваколоти доирасига қўйидагилар киради: Конституцияга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш, референдум ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш, мамлакатнинг асосий ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий йўналишларида кўрсатмалар ишлаб чиқиш, маъмурий ҳудудий бўлиниш ва давлат чегараларини ўзгартириш масалалари, давлат иттифоқларини тузиш бўйича халқаро шартномаларини ратификация ҳамда денонсация қилиш, уруш ҳолатини эълон қилиш кабилар киради.

Халқ Маслаҳатига Туркменистон Президенти ёки парламент томонидан сайланган Халқ Маслаҳатининг бирор бир аъзоси раҳбарлик қилади.

МДХ мамлакатларида президентлик институти

Собиқ Иттифоқ тарқаб кетганидан сўнг унинг ўрнида пайдо бўлган МДХ мамлакатларида бир тузумдан иккинчи тузумга ўтиш бошланди. Ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ислохотлар даври давлат бошқарувига таъсир қилмай қолмади. Шунинг учун МДХ мамлакатларининг барчасини президентлик республикаси давлат бошқаруви шаклидаги давлатлар ташкил этиб, президентларнинг ваколатлари доираси жуда кенг. Айримларида давлат бошқаруви шакли аралаш типда(Қирғизистон). Президентлар бевосита халқ томонидан умумий, тенг, тўғридан-тўғри ва яширин овоз бериш тамойилларига асосан сайланадилар. МДХ мамлакатларида уларнинг ваколат муддати фақат бир-биридан фарқ қилади. Масалан: Қозоғистонда – 5 йил, Россияда – 4 йил. Деярли ҳамма МДХ мамлакатларида бир шахс сурункасига икки мартадан ортиқ Президентлик лавозимига сайланиши мумкин эмас. Шунингдек, МДХ мамлакатлари Конституцияларида президентликка қўйиладиган номзодларга ёш цензи белгиланган. Ушбу цензлар президентликка қўйиладиган номзодларнинг минимал ҳамда максимал ёшларини

белгилаб берган. Озорбайжон, Украинада минимал – 35 ёш, Туркманистонда – 40 ёш, максимал Тожикистонда – 65 ёш. Кўпгина Конституциялар яна тегишли давлатда маълум муддатда яшаш цензини ҳам мустаҳкамлаган. Масалан, Грузияда– камида 15 йил, Озорбайжонда – камида 10 йил, Туркманистон Конституциясида эса Туркманистон ҳудудида доимий яшаш лозимлиги белгиланган холос.

Е.Я. Павловнинг эътироф этишича Озорбайжон, Тожикистон, Грузия, Россия, Туркманистон, Белорусь Республикалари Президентларига жуда кенг ваколатлар берилган. Улар бир вақтнинг ўзида давлат бошлиғи ҳам ижро ҳокимияти раҳбари, шунингдек, қуролли кучлар Олий бош қумондони ҳисобланади. Ундан ташқари Президент ҳудудий дахлсизлик, мустақиллик ҳамда ҳуқуқ ва эркинликларни амалга оширишнинг кафили ҳисобланади.

Президентлик республика бошқаруви шаклидаги МДХ мамлакатларида Президентларга анча кенг ваколатлар берилган, жумладан, парламент томонидан қабул қилинган қонунларга нисбатан вето қўйиш ҳуқуқи. Масалан: Туркманистон Конституциясининг 57-моддаси 6 пунктида “ Туркманистон Президенти.... қонунларни имзолаш, камида икки ҳафта ичида қонунни ўз эътирозлари билан бирга қайта муҳокама қилиш ва овоз бериш учун Мажлисга қайтариши мумкин.... Президент Конституцияга ўзгартириш ва қўшимчалар киритадиган қонунларга нисбатан вето қўйиш ҳуқуқига эга эмас” дейилган.

Айрим мамлакатлар Президентлари давлатда олиб бориладиган ички ва ташқи сиёсат ҳақида парламентга ҳар йили маълумот бериб ҳам туришади. Ушбу қоида Грузия Конституцияси 73- модда 5 пунктида мустаҳкамланган.

Президентлик республика бошқаруви шаклидаги кўпчилик МДХ мамлакатларида Президентлар парламентни тарқатиб юбориш ҳуқуқига эга эмас.

Аралаш республика бошқаруви шаклидаги МДХ мамлакатларида ( Арманистон, Қозоғистон) Президент қуйидаги ваколатларга эга: Президент қонун кучига эга бўлган норматив ҳуқуқий ҳужжатлар чиқариши мумкин ( Қозоғистон Республикаси Конституциясининг 53- моддаси, 4 пунктига мувофиқ Президент ташаббусига кўра кўпи билан бир йил муддатга парламентнинг ҳар бир палата аъзоларининг учдан икки қисмининг овози асосида қонун қабул қилиши мумкин. Шунингдек, Президент қабул қилинадиган



қонун лойиҳаларини куриб чиқиш муддатлари бўйича Мажлисга ўз талабини қўйиб, ушбу қонун лойиҳаларини бир ойлик муддатда зудлик билан куриб чиқишни ёқлаб чиқиши мумкин ва бу талаб бажарилмаганда Президент томонидан ушбу қонун қабул қилингунча қонун кучига эга бўлган қарорлар қабул қилиниши мумкин.

МДХ мамлакатларида президентлик институти Конституциябилан бирга ташқари қатор бошқа норматив ҳужжатлар билан ҳам тартибга солинади. Масалан: Беларусь Республикасида 1995 йил 21 февралда “Белорусь Республикаси Президенти тўғрисида”, Молдова Республикасида 1997 йил 20 февралда “Молдова Республикаси Президенти фаолиятининг таъминоти тўғрисидаги” қонунлар қабул қилинган.

#### МДХ давлатлари ҳукумати

Е.Я. Павловнинг ёзишича МДХ давлатларининг ҳукуматининг ҳуқуқий мақоми уларнинг Конституцияларнинг маълум бўлимлари, ҳукумат тўғрисидаги қонунларда ва бошқа ҳуқуқий актларида мустаҳкамлаб қўйилган.

Ижро этувчи ҳокимият, унинг ўрни, ваколатлари ҳар бир мамлакатда ҳар хил бўлиши мумкин (Вазирлар Маҳкамаси – Озарбайжон, Ўзбекистон, Белоруссия, Украина, Туркменистон, Ҳукумат – Арманистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Тожикистон Республикаларида). Лекин шуни такидлаш керакки ҳамма конституциялар ҳукуматни юқори ижро этувчи орган сифатида эълон қилмаган. Масалан: Украина Конституциясининг 113 моддасида, Қирғизистон Конституциясининг 70-моддасида Ҳукумат – ижро этувчи олий орган деб тасдиқланган. Лекин Беларуссия Конституциясининг 106 моддасига мувофиқ Ҳукумат яъни Вазирлар Маҳкамаси давлат бошқарувининг марказий органи сифатида эътироф этилган. Молдова Республикаси Конституцияси 96 моддасига мувофиқ Ҳукумат – ташқи ва ички сиёсатни амалга оширади ҳамда оммавий ишларни бошқариб боради.

Кўпгина бошқа МДХ давлатлари Конституцияларида Ҳукумат ҳақида фақат ижро этувчи орган деб айтилган.

Ҳукумат ҳуқуқий мақоми фақат МДХ Конституцияларида эмас балки ҳукумат ҳақидаги қонунларда ҳам мустаҳкамланган. Масалан: Молдова Республикасининг “Ҳукумат туғрисида”ги 23 июл 1992 йилдаги қонуни ёки 18 декабр 1992 йилдаги “Қозоғистон Ҳукумати туғрисида”ги Қозоғистон Республикаси Президентининг қарори.

Конституцияларда ҳукуматнинг фақат шаклланиш асослари, унинг иш олиб бориши, унинг асосий ваколатлари кўрсатилган. Ҳукумат тўғрисидаги қонунларда ҳукумат тузилиши, унинг ташкил топиши, функциялари, унинг кимга ҳисобот бериши кенгроқ ёритиб берилган.

Норматив ҳуқуқий актлар МДХ мамлакатларининг ҳукуматини изчиллик билан тартибга солиб туради, яъни фақат қонунлар эмас балки ҳукумат қарорлари ҳам тартибга солади. Масалан: “Беларуссия Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Регламенти тўғрисида”ги 30 март 1995 йил № 172 сонли Беларуссия Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори.

Ҳукумат бошлиғи МДХ давлатларида давлат бошқарувига қараб Президент ёки Бош Вазир бўлади. Бош Вазир Президент томонидан тайинланади. Бошқа бир МДХ давлатларида Бош Вазир бўлиш учун Парламент розилиги керак бўлади (Масалан: Қирғизистон Республикаси Конституциясининг 71 моддаси) бошқа давлатларда Парламент розилиги керак эмас (Масалан: Қозоғистон Республикаси Конституциясининг 65 моддаси)

Е.Я. Павловнинг ёзишича МДХ давлатларида ҳукумат аъзолари тўғрисида тақдимномани Бош Вазир Президентга тақдим қилади. Президент бу ҳукумат тартибини имзолаши ёки имзоламаслиги ҳам мумкин. Аммо бир неча МДХ давлатларида ҳукуматни ташкил этишни ўзига ҳос усуллари ҳам бор. Масалан: Молдова Республикаси Конституциясининг 98 моддасига асосан Президент Бош Вазир номзодини сурганидан кейин 15 кун ичида иш дастури ва ҳукумат аъзоларига ишонч тўғрисида Парламентга мурожат қилади. Ҳукумат аъзолари ва иш дастури Парламент томонидан муҳокама қилингандан сўнг Парламентга овоз бериш йўли билан ҳукуматга ишонч билдиради.

МДХ давлатларида ҳукумат ваколатлари бир-бирига ўхшайди: Ижро этувчи органларни бошқаради, ички ва ташқи сиёсатни олиб боради, ягона иқтисодий, молия, кредит ва пул сиёсатини олиб боради, давлат хавфсизлиги ва муҳофаази билан шуғилланади.

МДХ давлатларида ҳукуматни ҳисобот бериш масаласи турлича. Бир қанча МДХ давлатлари ҳукуматлари ўз фаолиятлари тўғрисида Президент ва у билан бирга парламентга ҳисобот беради. Бундай давлатларга Беларуссия, Украина, Қирғизистон, Қозоғистон Республикаларининг мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Бир неча МДХ давлатларида эса ҳукумат парламент олдида ҳисобот бермайди, фақат президент олдида ҳисобот беради. Грузия Республикаси Конституцияси 79 моддасига биноан ҳукумат аъзолари ўз ишлари бўйича фақат Президентга ҳисоб берадилар.

Ҳукумат ваколатларини тўхтатиш МДХ давлатларида турли йўллар билан бўлади. Ҳукумат ўз ваколатларини тўхтатишишига асосий сабаб давлат бошлиғининг ўзгариши яъни янги Президентнинг сайланиши, аммо бир неча мамлакатларда ҳукумат ваколатини тўхтатиш МДХ давлатларидагидан ажралиб туради.

Молдова Республикаси Конституциясининг 103 моддасига мувофиқ ҳукумат Парламент сайлови натижаларининг жавоблари қонуний деб топилганидан кейин шакилланади.

Алоҳида мамлакатларда ҳукумат ваколатини тўхтатиш парламент томонидан овоз бериш орқали ҳукуматга ишончсизлик билдириш орқали бўлиши мумкин.

Ижро ҳокимиятининг марказий тармоқларини бу вазирликлар, кўмиталар ва бошқа бошқармаларташқил қилади. Ижро ҳокимияти марказий тармоқларининг ҳуқуқий мақоми давлат конституцияси, махсус норматив актлар билан мустаҳкамланади.

МДХ давлатларида суд органлари.

Собиқ Иттифоқнинг тарқалиб кетиши билан мустақил давлатларни юзага келиши суд ҳокимиятига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Суд ҳокимияти бу давлатлар конституцияларида мустаҳкамланиб намоён бўлади., бунга маълум боб ва бўлимлар ажратилган (Белоруссия Республика Конституциясининг 6 боб, Грузия Конституциясини 5 бўлим.

МДХ давлатлари Конституцияларига биноан одил судловни Конституциявий суд, Олий судлар, умумий юрисдикция судлари, Хўжалик судлари, маҳаллий ва ҳарбий судлар орқали амалга оширилади.

МДХ давлатларида суд органлари тизими асосан бир хил бўлади. Аммо айрим давлатларда у ўзига хос хусусиятга эга. Мисол учун Арманистон Республикаси суд органлари ҳокимиятига, Конституцияга кўра Адолат йиғини (Кенгаши) ҳам киритилган бўлиб, унинг раиси Республика Президенти, унинг ўринбосарлари бўлиб адлия вазири ва прокурор фаолият кўрсатади. Бу орган асосан кадрлар танлаш, уларни жойлаштириш ва прокуратура ходимлари ҳамда судьяларга тақсимлашда каби фаолиятни амалга оширади.

(Конституциянинг 94, 95 моддалари). Конституциявий суддан ташқари Арманистон Республикасида суд тизимини 1-инстанция судлари (улар умумий юрисдикция судларига киради), апелция судлари, кассация судлари ташкил этади.(Конституция 92-модда). Молдова Республикаси суд тизимида ҳам ўзига хос хусусиятлар бор. Конституциянинг 115 моддасига кўра , одил олий суд палатаси томонидан амалга оширилади, бундан ташқари Аппелация палатаси, трибунал ва судлар ҳам шундай ваколатга эга, алоҳида иш категориялари бўйича қонунга мос равишда махсус судлар фаолият кўрсатиши мумкин. Бундан ташқари Конституция бўйича суд хоқимиятига Олий магистрлар кенгаши ҳам киритилган бўлиб, унинг вазифаси (Конституциянинг 123 моддасига кўра) судьяларни тайинлаш, бир жойдан бошқа жойга кўчириш ,уларнинг мансабини кўтариш ва ахлоқий чоралар кўришдан иборат. Бундай орган шу каби ваколатлар билан Украинада ҳам мавжуд. Бу орган Олий адлия кенгаши (Конституциянинг 131 моддаси) ҳисобланади. МДХ мамлакатлари конституцияларида фавқулотда судлар тузиш ман этилади. МДХ мамлакатларининг ҳар бирининг қонунчилигида суд тизими бўйича Конституциявий ислоҳат ривожланиб бормоқда ва конкретлашиб бормоқда: Беларуссия Республикаси Қонуни № 3514-ХП “Беларуссия Республикасида судларни тузилиши ва статуси” 1995 йил; Молдова Респ. Қонуни: “Суд тузулиши тўғрисида” № 514 . 6 июль 1995 йил; Қозоғистон Республикаси Президенти фармони(Қонун кучга эга) “Қозоғистон Республикаси судлари тўғрисида” 20 октябр 199 йили № 2581; Қозоғистон Республикаси Президенти фармони “Судлар ва уларнинг статуси тўғрисида” 20 декабр 1995 йил № 2694 ва бошқалар. Аммо шуни таъкидлаб ўтиш жоизки МДХ давлатлари суд тизимлари ҳозир ислоҳатлар давридадир. Бу ерларда ҳали судлар тузилиши ҳақида янги актлар қабул қилинган эмас. МДХ давлатларининг Конституцияларида конституциявий назорат органларига алоҳида эътибор берилган МДХ давлатларида асосан бир хил – янги Конституциявий Суд деб номланган. Мустасно ҳолатлар Туркманистон ва Қозоғистондадир. Қозоғистонда конституциявий назорат оргалари сифатида Конституциявий Кенгаш (Совет) фаолият кўрсатади (Конституциянинг VI бўлими). Туркманистонда конституциявий назорат функцияларини Конституциянинг 69 моддасига кўра Мажлис – Туркманистон парламенти амалга оширади. МДХ мамлакатларида конституциявий назорат органлари ўз тузилиши, фаолият тизими ва

тартибига кўра фарқ қилиши мумкин. Аммо бу мамлакатларнинг аксариятида бу суд органлари парламент ва президент томонидан ташкил этилади. Мисол учун Арманистонда конституциявий назорат аъзолари Миллий Мажлис томонидан Президент таклифи билан тайинланади. Арманистонда конституциявий назорат органи вакилларининг 9 тасидан 4 тасини Президент, 5 тасини Миллий йиғилиш; Беларуссияда Конституцион суднинг раиси ва 5 аъзосини Президент, 6 судьяни Сенат тайинлайди; Грузияда Конституциявий суднинг 3 аъзосини Президент, 3 тасини Парламент, 3 таси Олий Суд тайинлайди, Қозоғистон Конституциявий Кенгашнинг 2 аъзоси Президент томонидан, 2 аъзоси Мажлис раиси томонидан тайинланади. Шунингдек Президент томонидан Яна Конституциявий Кенгаш раиси тайинланади; Қиғизистонда Конституцион суд судьяларини қонунчилик Мажлиси ва ҳалқ вакиллари йиғини сайлайдилар.

Конституциявий назорат органлари МДҲ мамлакатларида норматив-ҳуқуқий актларни конституцияга мувофиқлигини текширишни ўз назорат ваколатлари асосида фуқаролар сўровига биноан. (Грузия Конституцияси 89 модда), ташкилотлар ва давлат органлари сўровига биноан, Беларуссия Конституцияси 116 моддаси Азарбайжан Конституцияси 152 моддаси), Қирғизистон, Тожикистон, Ўзбекистонда Конституциявий судлар мустақил ҳолда, ўз ташаббусларига кўра норматив ҳуқуқий актларнинг конституцияга мослигини назорат қиладилар.

МДҲ мамлакатлари қонунчилиги Конституциявий суд аъзоси учун аниқ бир ёш цензини ўрнатган. Қонунга кўра 35 ёш энг кам, 65-75 ёш энг юқори чекланишдир. Аммо Азарбайжан Республикаси Конституциясида Конституциявий Суд судьялари учун махсус ёш цензи ўрнатилган ва улар 25 ёшдан кичик бўлмаслиги лозим (Конституциянинг 143 моддаси).

Конституциявий суд раиси ва аъзоларининг ваколат муддати 5 йилдан 15 йилгача. Масалан: Арманистон Республикаси судьяси ва Конституциявий судьяси аъзоси ўз мансабида 65 ёшгача, Конституциявий суд аъзоси 70 ёшгача бўлиши Конституциянинг 96 моддасида ёритилган.

Бир неча МДҲ давлатларида Президент ўз лавозимидан бўшагандан сўнг Конституциявий суд аъзоси бўлади (Масалан: Қозоғистон Республикаси Конституцияси 71 модда) Конституциявий

суд аъзолари ўз ваколат муддатлари давридада дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланади.

МДХ давлатларида Конституциявий назоратнинг асосий ваколати: Конституциявий ва қонунларга бошқа норматив актларнинг мос келиши, ҳалқаро шартномалр, Президент сайловини ўтказиш тартиби, Президентнинг лавозидандан бўшатиш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқиш билан шуғулланади.

Прокуратура органларининг тузилиши ва вазифалари МДХ давлатларида бир хил мазмунда бўлиб, конституцияларда кўрсатилишича, қонун ва норматив ҳуқуқий актларнинг бутун ҳудуд бўйича бир хил ижро этилиши устидан назорат прокурор томонидан олиб борилади.

МДХ давлатлари прокурор ваколат муддати 5 йил.

МДХ давлатларида маъмурий ҳудудий тузилиш.

Маъмурий-ҳудудий жиҳатдан Россиядан ташқари ҳамма МДХ давлатлари унитар давлатдир. Молдова Республикаси Конституциясининг 110 моддасига асосан, унинг ҳудуди район, шаҳар ва қишлоқларга бўлинади.

МДХ давлатлари ичида унча катта ҳудудга эга бўлмаган Туркменистоннинг маъмурий-ҳудудий тузилиши мураккабдир. Туркменистон Республикаси Конституциясининг 47 моддасига асосан унинг ҳудуди веялат, этрап, шаҳарга бўлинган. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 69 моддасига кўра унинг тузилиши маъмурий ҳудудий областлар, туман, шаҳар, посёлка, қишлоқ, овуллар ҳамда Қорақолпоғистон Республикасидан иборат. Қолган МДХ давлатлари маъмурий-ҳудудий тузилиши тўрт звеноли – туман, шаҳар, қишлоқ, посёлка (Масалан: Азарбайжон 176 модда) ёки беш звеноли вилоят, шаҳар, район, посёлок, қишлоқ (Масалан: Тожикистон Республикаси ).

Автономиялар.Грузия Конституциясининг 1-моддасида “Грузия мустақил, яхлит ва бўлинмас давлатдир” деб белгиланган. Бу эса 1991 йил 31мартда бутун мамлакат ҳудудида собиқ Абхазия АССР ва Жанубий Осетия автоном вилояти билан биргаликда ўтказилган референдум ва 1991 йил 9 апрелдан Грузиянинг давлат мустақиллиги тўғрисидаги акти билан тасдиқланган. Ушбу давлатларда Конституциявий меъёрларга мувофиқ автоном давлат шакллари сиёсий мустақилликка эга бўлади.

Автоном тузилмаларининг ҳуқуқий мақоми. Ушбу давлатларнинг Конституцияларида, шунингдек мазкур автоном республикалар Конституцияларида ҳамда махсус қонунчилик ҳужжатларида, яъни автономияларнинг ҳуқуқий мақомига бағишланган актларда (масалан, Украинанинг 1995 йил 17 мартдаги “Крим автоном республикаси тўғрисида”ги қонун) белгилаб берилган. Автоном давлат тузилмаларига эга бўлган МДХнинг айрим давлатларида автоном даражаси анча кенгдир. Озорбайжон Республикаси Конституциясининг Нахичеван автоном Республикасига бағишларган 9-бўлимига биноан Нахичеван автоном Республикаси Озорбайжон Республикаси таркибида автоном давлат ҳисобланади. Унинг ҳуқуқий мақоми Озорбайжон Республикаси Конституцияси ҳамда Нахичеван автоном Республикаси Конституциясига мувофиқ белгиланади. (Озорбайжон Республикаси Конституциясининг 163-моддаси)

Шуни таъкидлаш жоизки, таркибига давлат тузилмалари кирган баъзи мамлакатларда уларга бериладиган автономияга хос ҳуқуқлар чекланмайди. Ўз таркибида автоном тузилмалари бўлган бошқа МДХ давлатлари Конституцияларида бу автономияларга берилган ваколатлар фақатгина ижтимоий ҳаётнинг иқтисодий ва маданий соҳаларига тааллуқлидир. Бунга мисол сифатида Тожикистон Республикаси Тоғли- Бадахшон автоном вилоятига бағишланган 7 бобнинг 83- моддасини кўрсатиш мумкин.

МДХ мамлакатларидаги автоном тузилмалар ўз ваколатларининг ҳажми нисбатан торлиги ва бир-бирига ўхшашлиги характерланади.

МДХ мамлакатларида маҳаллий ўзини ўзи бошқариш .

Е.Я. Павловнинг ёзишича маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ҳамдўстлик давлатларида алоҳида ўринни эгаллайди. Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш асослари юқорида эслатиб ўтилган деярли барча мамлакатлар конституцияларида мустаҳкамлаб қўйилган, ҳамда маҳаллий ўз-ўзини бошқаришнинг конституциявий асослари МДХнинг қатор давлатлари жорий қонунчилигида такомиллаштирилган.

Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш деганда ,маълум бир маъмурий-ҳудудий бирликларнинг тарихий, миллий, жўғрофий, ижтимоий ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни бевосита ёки ўзлари сайланадиган органлари орқали мустақил ҳал этишини мақсад қилган фуқароларнинг

ташкилоти тушунилади. Беларуссия Республикасининг 1991 йил 20 февралда қабул қилинган, ҳамда 1995,1996 ва 1997 йилларда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган “ Беларуссия Республикасидаги маҳаллий бошқариш ва ўзини –ўзи бошқарув тўғрисидаги” қонунда маҳаллий ўзини –ўзи бошқариш қонунига мувофиқ, мустақил моддий- молиявий манбаларига таянган ҳолда маъмурий- ҳудудий бирликларнинг ҳолиси манфаатларидан ва улар ривожининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда маҳаллий аҳамиятга молик бўлган ижтимоий,иқтисодий, сиёсий ва маданий масалаларни бевосита ёки фуқаролар томонидан сайланадиган давлат ва жамоат органлари орқали мустақил ҳал этишга қаратилган фуқароларнинг фаолияти ва ташкилий шаклидир (“Беларус республикасидаги маҳаллий бошқарув ва ўзини – ўзи бошқарув тўғрисида”ги қонуннинг 1-моддаси).

МДХнинг баъзи давлатлари конституцияларида маҳаллий ўзини–ўзи бошқариш эмас, балки оммавий бошқарув ҳақида тўхталиб ўтилган. Масалан: Молдова Конституциясининг 8 бобида” оммавий бошқарув маъмурий ҳудудий бирликларда, маҳаллий автономия, жамоа хизматларининг марказлашмаганлиги, ҳокимиятнинг сайлаб қўйилиши, маҳаллий аҳамиятга эга энг муҳим масалалар юзасидан фуқаролар билан келишув принципларига асосланади (Конституциянинг 109-моддаси).

Конституция ва маҳаллий ўзини- ўзи бошқариш тўғрисидаги қонунчилик нафақат «маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш» тушунчаси моҳиятини мустаҳкамлайди, балки маҳаллий ўзини-ўзи бошқаришнинг асосий принципларини ўрнатади, маъмурий-ҳудудий бирликлардаги маҳаллий ўзини–ўзи бошқариш органлари, уларнинг ваколатлари, ташкил этиш тартиби ва бошқаларни белгилайди.

Е.Я. Павловнинг ёзишича аҳолининг маҳаллий ўзини–ўзи бошқариш икки шаклда: бевосита ва вакиллик демократияси орқали амалга оширилади. Биринчи ҳолатга йиғилишлар,намойишлар,маҳаллий референдумлар, шунингдек аҳолининг ўз иродасини бевосита ифода этишнинг бошқа шакллари,иккинчисига эса – маҳаллий ўзини- ўзи бошқаришнинг вакиллик органлари эга бўлган масалаларни ҳал этиш юзасидан ваколатлар тақсимоти ва бошқалар киради.

Маҳаллий ўзини–ўзи бошқаришнинг моддий ва молиявий асосларини кўчар ва кўчмас муниципал мулк,маҳаллий бюджет киримлари ҳамда шу ҳудуддаги табиий ресурслар ташкил этади.



Қоидага биноан, МДХ мамлакатлари конституциялари ва қонунчилиги маҳаллий ўзини–ўзи бошқаришининг молиявий ва моддий ҳимояси давлат томонидан амалга оширилишини, шунингдек давлат ҳокимияти органлари қарори натижасида етказилган зарарининг қоплаши назарда тутади (Масалан: Украина Конституциясининг 142-моддаси).

Ҳамдўстлик мамлакатлари қонунчилиги маҳаллий ўзини–ўзи бошқариш органларининг қуйидаги мулкый ваколатларини мустаҳкамлаб қўйган: муниципал мулкни мустақил тасарруф этиш; маҳаллий солиқ ва йиғимларни ўрнатиш; ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланиш дастурларини тасдиқлаш ва улар ижросини назорат этиш; маҳаллий референдумлар ўтказилишини ва ундаги натижаларнинг татбиқ этилишини таъминлаш; муниципал корхона; ташкилот ва муассасаларни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш; жамоат тартибини муҳофаза қилиш чора-тадбирларини кўриш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш каби ваколатларидир.

МДХ давлатлари конституциялари ва маҳаллий ўзини–ўзи бошқариш тўғрисидаги қонунчилигида маҳаллий ўз-ўзини бошқариш маҳаллий жамоа томонидан амалга ошириши белгилаб қўйилади.. МДХнинг кўпгина давлатларида маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари зарурий мулкка эга бўлиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқлари билан таъминланган.

МДХ давлатларининг аксарият қисмида маҳаллий ўзини–ўзи бошқариш органларига ўз фаолиятида қонунчиликка риоя этиш ҳамда унинг нормаларига зид бўлмаган актларни қабул қилиш ҳуқуқи берилган.

МДХ давлатларининг баъзи конституцияларида маҳаллий ўзини–ўзи бошқарувчи ҳудуд мақоми давлатнинг унитарлик характерини ёки бутунлигини бузмаслиги билан боғлиқ қоида ҳам учрайди(Масалан: Молдова Республикаси Конституциясининг 109 моддаси 3-банди ).

